

ПИРИМҚУЛ ҚОДИРОВ

**АВЛОДЛАР
ДОВОНИ**

(АКБАР)

Тарихий роман



ТОШКЕНТ
Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1989

МУАЛЛИФДАН

Тақризчи
БҮРИВОЙ АХМЕДОВ,
тарих фанчари доктори

Бу роман китобхонларнинг талабларига жавобан ёзилди.
«Юлдузли тунлар»ни ўқиган замондошларимиз учрашувларда, хатларда, мақолаларда асарнинг хотимасидан кониқмаганларини такрор-такрор айтдилар, ўша даврда Мовароуннахрдан Ҳиндистонга бориб колган истеъоддли тарихий шахслар халкларимиз орасидаги ҳамкорлик ва маданий алоказалар ривожига қандай ҳисса қўшганлари атрофича тасвиirlаб берилиси керак, деб тилак билдирилар.

Бу тилак бугунги умуминсоний эҳтиёжларга алоказор бўлганилиги учун мен уни хисобга олишга ўзимни бурчли сездим.

Ҳалигача бутун одамзодни безовта килиб келаётган мафкуралар адвати, диний ва миллий низолар ўтган асрларда бошқача шаклларда бўлса ҳам аждодларимизнинг бошига тушган. Улар халкларга тинч-тотув яшаш имкониятини бериш, одам зотини уруш балоларидан ҳолос килиш йўлларидаги жуда кўп маънавий изланишларни бошдан кечирганлар.

Айниска, хозир атом урушининг хатари бутун одамзод ҳаётини ҳавф остида колдирган пайтда барча халкларнинг энг ибратли тарихий тажрибаларини тинчлик ишига сафарбар этиши ҳаётий заруратга айланди.

Шу умуминсоний сафарбарликка бизнинг аждодларимиз ортирган тарихий тажрибадан озгина бўлса ҳам ҳисса қўшиш нияти мазкур романнинг режасига кирди. Унинг асосий воқеалари турли эллар, эътиқодлар ва истеъоддларга азалдан бағрини кенг очган Ҳиндистонда бўлиб ўтади. Маънавий изланишлар макони бўлиб келган бу муаззам мамлакат Ўрта Осиёдан, Эрондан, Афғонистон ва хатто Европадан келган фозил кишиларни эзгу мақсадлар атрофига тўплайди ва уларнинг астойлил ҳамкорлик килишларига имкон беради. Халкларимиз тарихининг чатишган ва пайванд бўлган нұкталаридан турли элларни рухан якинлаштирувчи ва турфа маданиятларни юксалтирувчи ёрkin истеъоддлар этишиб чиқади.

Кодиров, Пиримқул.

Авлодлар довони: Тарихий роман.—Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1989.—5446.

Бу тарихий романда замонавий аҳамиятга эга бўлган ҳаётий муаммалар кўтарилади. Турли элларни бир-бирига руҳан якинлаштириш, авлодлар орасидаги низони йўқотиш ва меҳру оқибатни мустаҳкамлаш ғоялари катта тарихий материал орқали фужассамланади. Романда Ҳиндистон билан бизнинг мамлакатимиз орасидаги дўстлик ва маданий алоказаларнинг чукур тарихий илдизлари очилади.

Кадыров П. Перевал поколения. Исторический роман.

Ўз 2

4702620201—96
К — Доп.—89 С. Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва
M352(04)—89 санъат нашриёти, 1989 й.

ISBN5—635—00271—4

Хинд донишманди Бирбал, туркман шоири Байрамхон, асли араб бўлган Абулфазл, афғон саркардаси Азиз кўка, ражпут жангчиси Ман Синх Хумоюн ва Акбарлар билан бирга Хинди斯顿ни юксалтириш йўлида бор истеъдод ва гайратларини ишга солганиклари тарихдан маълум. Улар яшаган даврда Хинди斯顿 дунёнинг энг қудратли ва энг тараккийпарвар давлатларидан бирига айланади. Халқ харататлари жараённида туғилтая умуминсоний ғоялар дину миллат айирмайди. Аммо у даврда инсан руҳига мутлақ ҳоким бўлиб олган диний истибодд гарбда «инквизиция» номи билан фозил кишиларни оловда ёндириш, шарқда Улугбекдек давлат бошликларини ҳам «коғир» деб катл эттириш ҳуқуқига эга эди. Хинди斯顿да туғилиб ўсган ва уни ўзининг ватани деб билган Акбар мамлакатнинг тараккийпарвар кучларинга таяниб, хурофотчиларнинг бу адолатсиз ҳокимиётини ағдариб ташлайди, жаҳонда биринчилардан бўлиб барча эллар ва эътиқодларни тенг деб эълон килади. «Сулҳи-қулт»— хар томонлама тинчлик сиёсатини бошлаб беради.

Албатта, сиёсат билан ҳаёт орасида катта фарқлар ва кучли зиддиятлар мавжуд эди. Акбар ҳам, унинг отаси Хумоюн ҳам умр бўйи ички-ташки зиддиятлар гирдобида яшагантар. Энг хатарли асноларда бегараз, ҳалол меҳнаткаш ҳалқ вакиллари уларни нақд ўлимлардан қуткариб қолганилиги тарихий ҳужжатларда битилган. Шу сабабли романнинг гоявий йўналиши Низом, Салим, Лаъл Чанд, Моҳим энага каби ҳалқ вакиллари орқали белгиланди.

«Одамлар ўз тарихларини ўзлари бунёд қиладилар, лекин улар тарихни кўнгиллари тилагандай килиб эмас, балки ўзлари танламаган, аввалдан бор бўлган, ўтмишдан бевосита ўтган ва тайёр ҳолда берилган шароитларда бунёд қиладилар».

Карл Маркснинг бу фикри алоҳида одамлар билан тарихий шароит ва ижтимоий мухитнинг ўзаро муносабатидаги диалектикани тушунишга ёрдам беради. Одамлар ўз тарихларини яратातётган пайтда олдиндан шаклланиб колган ижтимоий тузум уларнинг тақдирларига ўз таҳририни киришишга улгуради. Жумладан, Хумоюннинг тақдирни аввалдан мавжуд бўлган шароит ва мухитнинг тазики остида қўнгли тиламаган томонларга бурилиб кетади. Акбарнинг болалик кисмати ҳам ота-онасиининг бошига тушган қўргиликлар ва саргардонликлар туфайли бехад оғир кечади.

Ўтмишдаги адолатсиз тузум ва мутлақ ҳокимиёт одамларнинг энг яхши истак ва интилишларига ғов бўлгани жуда кўп фожиаларни келтириб чикаради. Шу муносабат

билан романда Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидаги тождор Захҳоки Морон қаламга олинади. Ривоятдан маълумки, Захҳок таҳтга чикканда унинг иккى елкасидан иккита очкўз илон бош кўтаради. Бу илонларнинг бири зўравонлик бўлса, бири — айгокчилик, бири таҳтпарастлик бўлса, бири — худпарастлик. Тожу таҳт бор жойда бу илонлар ҳамиша мавжуд. Улар мудом қурбон талаб қиласидар. Байрамхондан кейин рожа Бирбал, Абулфазл Алломи ана шу илонларнинг қурбони тарзида кўрсатилиди. Ҳар қандай подшо ўз елкасила ин қурадиган бу илонларга goҳ қурбон бериб, тоҳулар билан олишиб яшашга мажбур.

Яратувчилик қудрати нуктаи назаридан караганда, тарих — табиатдан кейинги энг улуғ ўринлардан бирида туради. Табиат ўз, ўрмонларини, тоғларини, водийларини, дарёю кўлларини қандай бетакрор яратган бўлса, тарих ҳам турли қитъалар, ҳалқлар, давлатлар тақдирини ва ўларга мансуб бўлган йирик шахсларнинг таржимаи ҳолини ана шундай бетакрор ва ёркин килиб яратиб қўйган. Асрлар китобини ўқиганинг сари тарих томонидан яратилган ҳаётий драмалар, фожиалар, сюжетларни алоҳида ёзувчанинг фантазияси билан яратиб бўлмаслигига ишонч ҳосил киласиз. Шу сабабли мен ўз фантазиямдан кўра «тарих фантазияси»га, яъни чиндан содир бўлган воқеаларга ва яшаб ўтган тарихий шахслар тақдирига кўпроқ асосландим.

Ер куррасидаги фан-техника қашфиётлари янгича тарихий шароитни майдонга келтириди. Бу шароитда одамзод жамияти янгича тафаккурга асосланиб иш кўрмаса ва тинчтотув яшашга ўрганмаса ҳалок бўлиб кетиши мумкин.

Янгича тафаккур эса умуминсоний қадриятларни тор синфий манфаатлардан баланд кўйишни, ҳалқлар, тузумлар ва мағкураларни муросасиз адоват ўйлига буравермасликни, аксинча, улар орасидаги яқинлик нукталарини, ўзаро ҳамкорлик имкониятларини кўпроқ излаб топишни талаб килмоқда. Шу талабдан келиб чиқиб, турли мамлакатлар ва эътиқодлар орасида тарихда бўлиб ўтган ҳамжихатлик мисолларига, хинд, рус, ўзбек, тожик, португал, озарбайжон ва бошқа ҳалқлардан чиккан фозил кишиларнинг ўша замонда бир-бирлари билан ҳамкорлик қилгандарига, турли миллат вакиллари ҳатто она сути орқали кўкалдош бўлиб, умр бўйи оға-иниded яшагандарига алоҳида эътибор берилди.

Барча элларни бир-бирига руҳан яқинлаштириш қанчалик мухим бўлса, турли авлодлар орасидаги низони йўқотиши ва меҳру оқибатини мустаҳкамлаш шунчалик зарурдир. Табиат конунига биноан авлодлар алмашиб туради. Янги авлод аввалгисининг ўрнига келганда низо чикиши, алғов-далғов

бўлиши тарихда кўп учрайдиган ходисадир. Янги авлод ўз ота-боболарининг энг юксак инсоний ва ижодий тажрибасини эгаллаганда тарихнинг баланд бир довонидан ошгандаи бўлади. Бундай маънавият довонларидан ошиш, айниқса, ўтмишда, мутлак ҳокимият, хурофот ва жаҳолат авж олган замонларда бениҳоя мушкул бўлган. Бу довон йўлларида оға билан ини ёвлашгани, бола отага қарши исён қилгани, барча йўқотишлар ва мушкулотларга бўй бермай тоғ ошган одамларнинг ҳәётй тажрибалари ва маънавий мерослари бугунги авлодларимизга тарихий сабоқ бўлиб хизмат қилин деган ният ҳам шу романнинг ёзилишига сабаб бўлди.

Кўзланган ниятлар кай даражада амалга ошгани эса муҳтарам ўқувчиларнинг адолатли фикрларидан маълум бўлар, деган умиддаман.

1988 йил, май

АГРА. ҲАМИДА БОНУ АРОСАТДА

Хижрий 935 йилда¹ Аграга кўчиб келган Хонзода бегим ўн йилдан бери Ҳиндистонда истиқомат қилаётган бўлса ҳам, ҳанузгача бу ердаги йил фаслларининг ғаройиблигига ўрганолмайди. Унинг назарида, Агранинг кузи ва қиши йўқ, баҳори билан ёзи эса йил бўйи давом этади. Кеч кузда, бегимнинг ёшлиги ўтган Фарғона водийисида, дараҳтлар баргини дув тўқадиган ҳазонрезлик пайтида Агранинг ям-яшил хурмозорлари худди ёздагидек мева бериб туради. Қишида, Самарқанднинг мовий гумбазлари оппоқ кор билан безанадиган пайтда Жамна бўйларида донли экинлар бошоқ тортади, токлар эса гулга киради. Ҳут ойининг охирида Тошкентда қиши кировлари энди тугайдиган кезда Ҳиндистоннинг жанубида эртаги узумлар пишади. Наврўз кирганда эса бозорга янги қовун чиқади ва хинд далаларида арпа ўрими бошланади.

Аградаги Заرافшон боғида баланд гулмоҳур дараҳтлари бор. Бу дараҳтлар наврўз арафасида бутун баргларини бирдан тўқади-ю, новдаларидаши шигил ғунчалар бирвара-кайига очилади. Шунда япроқсиз новдаларнинг ҳаммаси йирик-йирик қизил гуллар билан қопланади. Улкан гулмоҳур дараҳтлари қип-қизил гулханларга ўхшаб кўзни ёндиради. Шунинг учун бу ажойиб дараҳтни оловли моҳур ҳам дейишишади.

Мана шу гулмоҳурлар ёнидаги тиллакори толорда² ёши олтмишлардан ошган, соchlари оқариб, жуссаси кичик бўлиб колган Хонзода бегим хомуш бир киёфа билан ёлғиз ўлтирибди.

Боғ жуда ороста, йўлкаларга олтинранг қумлар солинган, мармар ариклардан тиник сувлар жилдираб оқади. Чорчаманларда мамлакатнинг энг ноёб гуллари муаттар ҳид тарашиб очилиб турибди. Лекин бу ҳаммаси Хонзода бегимга жуда омонат туюлади. Иниси Бобур конли жангларда барпо

¹ Хижрий 935 милодий 1528 йилга тўғри келади.

² Толор — ёзлик шийпон.

этіб кетган улкан давлат ҳанузгача хинд ерига теран илдиз отолган эмас. Фотихлик қиличининг яралари тезда тузалмас экан... Мамлакатнинг турли ўлкаларидаги Ҳумоюн ва унинг иниларига қарши кетма-кет исёнлар бўлмоқда. Шу хатарли вазиятда оға-инилар инок бўлиш ўрнига бир-бирлари билан чаплашиб, ҳокимият талашадилар. Ҳонзода бегим уларни муросага келтиролмай қийналади. Ҳозир боғда ўлтирган пайтида ҳам, бутун ўю хаёли оға-иниларнинг низсларидан бери келмайди.

Бегимнинг паришон назари тушиб турган кўкарамзор майдонда эса бир тўп отлик қизлар чавгон ўйнамоқда. Улар Ҳонзода бегимдай машхур кайвони ўйинга қараб турганидан руҳланиб, жен-жаҳдлари билан чавгон тўпини мухолифлар дарвозасига киритишга интиладилар.

Бир тараф дарвоза бўз отлик қизлар ҳимоясида. Қора отликларга иккичи дарвоза берилган. Ўйинчиларни фарқ қилиш осон бўлиши учун бўз отлик қизлар сарик ранги чоловор ва нимча кийишган. Қора отликлар эса қизил кийимда.

Ҳиндол мирзонинг ёшгина хотини Султоним бегим майдон атрофида саман отини йўрттириб, ўйинга ҳакамлик килади. Унинг кўлида заргарлар булбулга ўхшатиб чиройли килиб ясаган олтин ҳуштак. Қоидани бузганлар шу ҳуштак билан огохлантирилади.

Бир пайт тўп бўз отликларнинг дарвозасига киритилди-ю, ўйиннинг шиддати ошиб кетди. Ҳонзода бегим чавгончўларнинг бир-бирига шак-шук урилаётганини, бўз отликлар жуда қаттиқ ҳужумга ўтганини кўрганда, «бирон кор-ҳол бўлмасин тағин», деб беихтиёр хавотирланди. Бу хавотирлик энди унинг эътиборини ўйинга тортди.

Тапир-тулур от чопаётганлар — бўй етган ҳушрўй қизлар. Уларнинг орасида Гулбадан бегим ҳам бўр. Қизларнинг ҳеч бири Ҳонзода бегимнинг кўзи олдида мағлуб бўлиб, уялиб қолишини истамайди, ҳаммаси тўпни бошқалардан тортиб олишга интилади. Шунда отлари бир-бирига урилиб, айқашиб кетади, гоҳо бирон ет урилиш зарбидан гандирлаб йикилгудек бўлади. Бу калтис ҳолатлар Ҳонзода бегими изтиробга сола бошлади.

Ахир бу қизлар энг нуфузли беку аъёнларнинг оиласидан. Агар биронтасининг юз-қўзига чавгончўп тегиб ярадор килса, чандик қолдирса ёки биронтаси отдан йиқилиб, туёқ тагида эзилса мутаассиб шайхлар яна фиску фасодни

¹ Ч а в г о н — от миниб ўйналадиган ва баъзи жиҳатлари чим хоккейни эслатадиган қадимий ўйин.

кўпайтиради. Улар қизларнинг доим парда ичидаги — ўясираси бўлиб ўлтиришини талаб киладилар. Лекин парда ичидаги ҳонанишин бўлиб бехаракат яшайдиган аёллар нотавон ва мўрт бўлишини, бакувват насл беролмаслигини Ҳонзода бегим яхши билади. Бегим билан бирга бу ёларга келган эл-улуснинг қизлари эса қадимдан отлик юриб ўргангандилар. Ҳозир ҳам Ҳонзода бегим биладиган аёлларнинг бир ерда муқим турадиганлари оз. Элар қатори аёллар ҳам ҳали Ҳурсонда, ҳали Кобулда яшайдилар, ҳали Бадахшонга кетиб, ҳали Аграга келадилар. Бу узок ўлкалар орасидаги икки-уч ойлик йўлларни кўпгина қизлар отлик босиб ўтади. Тақдир тақозоси шундок бўлгач, ота-боболар удуми бўйича қизларни ҳам ўшлигидан чавандозликка ўргатиш, улар срасида ҳам пойгалар, мусобақалар ўтказиш жоиз эмасми? Албатта, қизларни отдан йиқилишу майиб бўлишдан ҳам эҳтиёт килиш керак!

Ҳонзода бегим шуни ўйлаб, ўйинни ҳаяжон билан кузатгани сари қизлар хавф-хатарни унудиб, тўдага дадил ташланишар, камчи ўрнига чавгончўп билан отлари сағрисига уриб, мухолиф томонга ҳамла қилишарди.

Бўз отлик қизлардан Ҳамида дегани ўйинчилар ғиж-биж бўлиб турган тўдага ўқдай ёриб кирдию жиловни кўйиб юборди. Чавгончўпни икки қўллаб тутганича, узангига оёғини тиради-да, улоқчилардек пастга энгашди. Бу қиз қоплон каби чакқонлик билан тўпни чавгончўпга илинтириб тўдадан олиб чиккана, Ҳонзода бегимнинг завқи келиб «о!» деб юборди. Нариги дарвоза ҳимоясиз қолган эди. Ҳамида «гўй» деб аталадиган тўпни ўша томонга чирпирак қилиб олиб ўтди. Унинг оти ҳам шамолдай учмоқда эди. Қора отликлар кувиб етганича бўлмай, Ҳамида бону тўпни дарвозага шундай чапдастлик билан уриб киритди, буни кўрган Ҳонзода бегим:

— Балли, шерқиз! — деб карсак чалди.

Отини буриб орқага кайтаётган Ҳамида бону Ҳонзода бегимнинг сўзини эшифтмаган бўлса ҳам, унинг карсак чалганини кўриб, ўзида йўқ суюнди.

Тиллакори толорда ўлтирган бегимнинг жуссаси кичкина кўринса ҳам, Ҳамида бону учун аёл зоти орасида ундан салобатлиси ва курдатлиси йўқ. Султоним бегим Ҳамидага яқин келиб:

— Эшигдингизми? — деди. — Ҳазрат онам сизга «шерқиз!» деб таҳсин айтдилар.

— Чинданми, а?

— Мен ҳам эшиздим! — деди бўз отлик Гулбадан бегим. Ҳамида бону ҳаяжон ичидаги толор томонга бурди-

да, қўлини кўксига қўйиб, Ҳонзода бегимга қуллук қилди.

Бу кайвони бегимнинг бошидан қандай даҳшатли фо-
жиалар кечганини Ҳамида яхши билади. Ўттиз тўрт ёшида
бева қолган ва ёлғиз ўғли Ҳуррамшоҳдан жудо бўлган Ҳон-
зода бегим кейинчалик Султонимни фарзандликка олган.
Султоним аслида андижонлик меъмор мавлоно Фазлиддин-
нинг жиян авлодидан эди. Кизча икки яшарлигига ота-она-
си вабога учраб ўлиб кетишган, мавлоно уларга жуда қаттиқ
куйган эди. Вокеадан хабар топган Ҳонзода бегим мавло-
нонинг ҳурмати учун икки яшар Султонимни ўзига киз
қилиб олди, унга бутун меҳрини бериб, ўн тўрт йил тар-
биялади. Бултур жияни Ҳиндол мирзонинг Султонимга
кўнгли борлигини сезиб, Ҳумоюннинг маслаҳати билан
уларнинг тўйларини ўтказди. Бу тўй шунчалик катта бўл-
дики, унга борган мўътабар бегимларга обу ошдан ташкари
кумуш баркашларда бир сиқимдан олтин тангалар тортилди.
Ҳар бир бегим сиқимига сиққанича олтин олганини, бошка
ёшроқ қизлар орасига олтин-кумуш тангалар сочқи тарзида
сочилиганини Ҳамида бону ўз қўзи билан кўрган. Оёғи тагига
келиб тушган битта олтин тангани у ҳам яхши ният билан
эсдалика олиб қўйган.

Уни тўйда энг ҳайрон қолдирган нарса шу эдики, давлат
бошлиғи бўлган Мирзо Ҳумоюн ўша куни тўйхонанинг
баланд жойига қўйилган ҳашаматли шоҳсунпада Ҳонзода
бегимни ўз ёнига ўтқазиб, уни подшога тенглаштириб эъзоз-
лади. Бу воеани кўрган кексалар: «Мусулмон подшолари-
нинг камдан-ками аёл зотининг ҳурматини бу даражада
баланд кўтарган», деб ҳали ҳам айтиб юрадилар.

Ҳамида бону учун шундай бир қўл етмас баландликада
юрган Ҳонзода бегим энди унинг чавгон ўйнашига қизики-
ши, яна «шерқиз!» деб таҳсин айтиши кутилмаган бир баҳт
бўлиб туюлди. Бу баҳтдан Ҳамиданинг вужудига янги куч-
лар қуюлиб кела бошлади. У ҳар тўп урганда билагида
шернинг кучини сезгандай бўлар, тагидаги бўз оти ҳам
майдон бўйлаб ўқдай учарди.

Толорда ўлтирган Ҳонзода бегим Ҳамида бону билан
ўзининг орасида алоҳида бир эъзоз ва қизикиш кучайиб
бораётганини сезиб турарди. Ҳамида унинг эътиборидан
руҳланиб яхши ўйнагани сари Ҳонзода бегимнинг дили
ҳам яйрамоқда эди. Бояги оғир ўйлар, вужудини бўшаштири-
ган кексалик чарчокликлари эсидан чиқиб, уларнинг ўрнини
ёруғ бир завқ эгалламоқда эди...

Ҳамида бону мухолифлари дарвозасига иккинчи марта
тўп киритганда Ҳонзода бегим бу қизга бутунлай маҳлиё
бўлиб колди. Ҳозир бўз оти устида Ҳамида эмас, ёшлиқдаги

Ҳонзода бегим ўлтиргандай туюлди. Бегимнинг кўзи олдида:
ўн олти яшар қизлик пайтлари гавдаланди. Узоқларда
қолиб кетган Андижон, Қорадарё бўйидаги чорбоғ, ўн бир
ёшлиқ ўспирин ииниси Бобур мирзо... ва унинг мулоғимлари
билан чавгон ўйнаган чавандоз кийимидағи гўзал қиз
Ҳонзода... Бу ҳаммаси булатлар орасидан ярқ этиб кўринган
офтоб бўлиб бегимнинг қалбини ёшлиқ нурларига тўл-
дирди...

Ҳонзода бегимга гўё ёшлигини қайтиб берган бу қиз
ким экан? Бегим унинг Гулбадан ва Султоним билан бирга
юрганини илгарилари ҳам кўрган, лекин кўпда эътибор
бермаган эди. Энди у билан яқиндан танишгиси келдию
ўйин тугагандан кейин канизини юбориб, Ҳамида бонуни
толорга чакириди.

* * *

Кечки дим ҳавога ўйиннинг тафти қўшилиб, Ҳамида бо-
ну бўғрикиб кетган, қора кошларининг устида тер мунҷоқла-
ри ийлтирасида машхур бўлган Ҳонзо-
да бегимнинг олдига чолвор кийиб, терлаб-пишиб бориши
Ҳамида бонуга жоиз эмасдек туюлди. У канизга:

— Бир лаҳза мухлат беринг, кийимларимни алмаш-
тириб келай!— деди.

— Йўқ, ҳазрат бегим сизни шу кийимда таклиф килди-
лар! Ўзлари ҳам ёшликларида чавгон ўйнаганлар. Кўп
андиша килманг, юринг!

Ҳамида канизга эргашиб толор томон борар экан, ипак
дурра билан танғиб чамбар килинган икки ўрим узун соч-
ларини елкасига туширди. Дурранинг учи билан қоши
устидаги тер резаларини артди.

У толор зинапоясидан кўтарилаётганда Ҳонзода бегим
ўрнидан туриб, унга томон юди. Ҳамида бону уч-тўрт
қадам нарида тўхтаб келинлардай эгилиб таъзим қилди.
Ҳонзода бегим унга қулимсираб яқинлашди-да, қўл берди.
Одатга биноан, Ҳамида бону унинг қўлини икки қўллаб
олди-ю, бир тиззасини ерга тираб, байроқни ўпгандек
ихлос билан ўпди. Қиз бошини эгган пайтда йўтон кора
соchlарининг бири елкасидан сирғалиб кўкрагига тушди.

Ҳонзода бегим иккинчи қўли билан уни белидан кучиб
секин тикка турғизди ва зарбоғ кўрпачага таклиф қилди.

Шу орада Султоним бегим ҳам толорга чиқиб келди.
Бегимлар тўрга ўтиб ўлтирганларидан сўнг Ҳамида бону
оёқларини тақими остига олиб, одоб билан чўккалади.

Шунда узун сочларининг жингалак қилинган учлари кўрпа-ча устига тушди. Қиз ҳар кимирлаганда сочларининг уни зарбоф кўрпачани супураётгандай бўлар ва Ҳонзода бегимга алоҳида бир завқ берар эди. У Ҳамидани галаба билан муборакбод қилгандан кейин, кимнинг қизи эканини ва Аграга қаерлардан келганини сўрай бошлади.

Ҳамиданинг отаси фақих¹ Мирбобо Дўст асли тошкентлик эди, Шайбонийхон кирғинларида Ҳурносоннинг Жом шаҳрига келиб қолган ва шу ерлик қизга уйланган эди. Кейинчалик у Бобур мирзодан паноҳ истаб Жомдан Кобулга кўчиб боради. Бобурнинг суюкли хотини Моҳим бёгим ҳам жомлик бўлгани учун Ҳамиданинг онаси ҳамشاҳрига орка қилиб аввал унинг ҳузурига киради. Кейин Моҳим бегимнинг тавсияси билан Мирбобо Дўстни Бобур қабул киляди. Бобур унга фикъ илмидан саволлар бергандা, Мирбобо Дўст арабча-форсча битилган қонун-коидалардан ташқари, туркий тилда ёзилган «Мубаййин»дан ҳам кўп мисоллар келтириди. Бобурнинг бу шеърий китобини у бошдан-оёқ ёд билар эди. Мирбобо Дўст болаларга факат қонуншуносликдан эмас, тарих, мантқ ва адабиётдан ҳам яхши дарс бериши мумкинлигини сезган Бобур уни кичик ўғли Ҳиндөл мирзога муаллим қилиб тайинлади, шундан бери бу оиласининг бутун такдири Ҳиндөл мирзога боғлиқ бўлиб қолди. Ҳиндөл Бадахшонга боргандা булар ҳам боришиди, Аграга келганда булар ҳам бирга келишиди. Шу узок йўлларда Ҳамида кичикилигидан от минишга ўрганди ва чавандозликни машқ қилди. Ҳозир Мирбобо Дўст Ҳиндөл мирzonинг қонуншунослик бўйича маслаҳатчиси бўлиб ишлайди. Маоши дуруст бўлса ҳам, икки ўғил, бир қизни бекзодалар каби кийинтиришга, беш-олтита от, уч-тўртта хизматкор асраршга етмайди. Шунинг учун Ҳамиданинг онаси Ҳиндөл мирzonинг ҳарамида қиссаноҳ бўлиб хизмат килади. Султоним бегимга машҳур достонлар ва хикоятлардан ўқиб беради-ю, бўнинг эвазига дурустгина инъом ва улуфа олади. Ҳамиданинг ўзи ҳам Султоним бегимнинг тенгдош надималари катэрида юради.

Ҳонзода бегим бу тафсилотларни Султонимдан ва Ҳамиданинг ўзидан эшигтан сари бир нарсадан таажжубланиб кўйди. Бутун борлигидан латофат ёғилиб турган шундай қиз ўз даргоҳларида юрган экану халигача нечун унга дурустрок бир эътибор беришмабди?

Ҳонзода бегим чавгонни яхши ўйнайдиган бошқа чаван-

доз қизларга латофат етишмаслигини, баъзилари эркакшода бўлишини билади. Ҳамида бону чоловор кийиб ўлтирган бўлса ҳам, чавандозлик кийимлари унинг ингичка белини, бўйлик кўкракларини, новдадай эгилювчан ёш танининг кучга тўлиқ нафосатини бехад гўзал қилиб қўрсатади. Йўғон соч ўримларининг нозик бўйин ортида тўлганиб туриши Ҳонзода бегимга завқ берди:

— Ҳамида бону, сизни кўриб бир байт шеър ёдимга тушди. Айтайми?

— Айтинг, ҳазрат бегим, жон қулоғим билан эшигтгаймен!

— Ўзи асли шу боғда битилган. Раҳматли иним Бобурнинг газалидан:

Гул жамолин ёпкон ул гулнинг ики раҳонидур,
Ғунча сиррин очкон ул икки лаби хандонидур.

Ҳамида бонунинг кўзларида юлдузлар чараклаб ёнгандай бўлди. Лаблари табассум билан очилиб, унинг ички сирини — бу шеърни яхши билишини ва ёқтиришини сездириб қўйди.

— Газалнинг давомини сиз айта қолинг! — деди Ҳонзода бегим.

Ҳамида иболи кўзларини ерга тикиб:

— Муболага қилсан маъзур тутинг, ҳазрат бегим,— деди.

Сўнг арузнинг нафис қоидаларини ўрнига келтирган ҳолда ўша газалдан икки сатр айтди:

Сел эмасдур ер юзин туткон кўзимнинг ёшидур,
Раъд эмасдур¹ кўкка чирмошкон кўнгул афғонидур.

Ҳонзода бегим хандон уриб кулди-ю:

— Бу сўзлар сиз учун чиндан ҳам муболага! — деди. — Ер юзин туткон кўз ёшларидин тангirim сизни асрасин!

Ҳонзода бегим ўз кўнглида эса: «Нечун Ҳумоюн халигача бу қизни кўрмабди?» деб таажжубланиб қўйди. Чунки бир вактлар Бобурни қийнаб, фифонини кўкка чирмаштирган қуюнлар ҳозир Ҳумоюннинг атрофида айланиб юрибди. Бобурнинг-ку Моҳим бегимдек доно хотини бор эди, оила оркали келадиган кўп балоларга шу садоқатли аёл балогарден бўлар, фарзандларини ҳам отага ихлосманд қилиб

¹ Фақих — қонуншунос.

¹ Раъд — яшин ва момакалдирок.

тарбиялаган эди. Ҳумоюннинг эса хотин жўнидан ҳеч баҳти очилмаяпти. Уни ўн саккиз ёшидаёқ тогаси Ёдгорбекнинг Бека бегим деган қизига уйлантиришган эди. Киборлар жамиятида ўсган бу қизда нафис бир чирой бору, аммо оналик уқуви йўқми ёки якин қариндошлар оила курса насли касалманд ва заиф бўлади, деганлари рост эканми? Бека бегимдан бир эмас, икки ўғил туғилди-ю, ёшлигидеёқ ўлиб кетди. Шоҳлик удумига биноан Ҳумоюннинг меросхўр ўғли бўлиши керак. Уни яна икки марта уйлантирилар. Ҳумоюннинг ўзи ҳам ёр танлашда адашяптими, хуллас, уч хотинидан биронтаси унга муносиб бўлиб чиқмади. Ҳумоюн ўттизга кирди. Ҳамон ўғилга зор, хотинларидан эса кўнгли яримта. Амиру умаролари уни май базмларига тортади. Ўтган куни кечки пайт Ҳумоюн Ҳонзода бегимни кўргани келганда анча кайфи бор эди. Кайфнинг дадиллиги билан аммасига ичини ёриб ҳасрат килди:

— Толеъим йўқ экан! Мамлакат тўла қиз, тангри менинг пешонамга бирорта оқилаю фозиласини битмагани ғалати!

Ҳонзода бегим Ҳамида бонунинг сехрига берилиб, унинг газал ўқишидан завқ қилаётган пайтда Ҳумоюннинг шу ҳасрати ёдига тушди-ю, икковини ёнма-ён кўйиб тасаввур этди. Ҳумоюн ҳам кўхлик йигит, жангларда ботирлик кўрсатиб донги кетган, уни кўёв қилиш орзусида юрган сultonу вазирлар кўп. Уларнинг подшога қайнота бўлгилари келиб юрганда Мирбобо Дўстдай оддий мулозимга йўл бўлсин! Бундан ташкари, Ҳамиданнинг ўзи уч хотинлик Ҳумоюнга тегишини истармикин? Балки унинг бошқа бирон кўнгил берган йигити бордир? Ҳонзода бегим шеър баҳсини давом эттириб, Ҳофиздан, Дехлавийдан, Навоийдан gox форсий, gox туркий тилда байтлар келтириар экан, буларнинг кўпи Ҳамида бонуга таниш эканини, қиз жуда фаросатли ва билимли бўлишдан ташкари, ишқий ғазалларга алоҳида майли борлигини сезди. Сўнг ярим ҳазил-ярим чин оҳангда сўради:

— Сизга атаб шеър битган ошиқ йигитлар ҳам бордир, Ҳамида бону?

Ҳамида ийманиб бош эгди-ю, ерга кўз тикди.

Шунда Султоним бегим Ҳамидага ошиқ бўлиб шеърий мактублар ёзган бир бекзоданинг тарихини онасига айтиб берди. Жунаид барлос номли улкан амирнинг ўғли бўлган бу бекзода Ҳамидага совчи ҳам юборди. Лекин Ҳамида уни хушламас эди; охири Ҳиндол мирзодан ҳимоя сўради. Кичиклигидан ўз даргоҳида ўсган Ҳамидани авайлаб юрадиган Ҳиндол мирзо бекзоданинг отаси билан гаплашиб,

бошка мактуб ҳам ёзмайдиган, совчи ҳам юбормайдиган килди.

Ҳонзода бегим Ҳамиданнинг тутган йўлини маъқуллаб:

— Шошмаганингиз ҳам маъқул,— деди.— Ишбоолло, шерқизга муносиб арслон йигит учраб қолгай.

Бегимнинг кўпни кўрган тажрибали кўзлари Ҳамидага умид билан тикилмоқда эди. Ҳонзода бегим узоқ умри давомида Шайбонийхону шоҳ Исмоилдан тортиб темурий тождорларгача қанча-қанчасининг оиласи ҳаётларини яқиндан кўрди, не-не машҳур маликаларнинг тожу тахт балоларига бардош беролмай шикаст еганларига гувоҳ бўлди. Ҳамиданнинг хуснига яраша акли ҳам етуқ, вужудидан куч ёғилиб турибди. Ҳумоюннинг ички ва ташки зиддиятларга тўлган машакқатли ҳаётига балки шу қизнинг бардоши етар? Балки улар орзу килган ўғилни шу қиз туғиб берар? Ҳонзода бегим уларни қандай қилиб бир-бирига яқинлаштиrsa экан? Наврўз кунларида Ҳумоюн кема сайрига аёлларни ҳам таклиф қилган. Ҳонзода бегим Султонимга юзланди:

— Кизим, бугун чавгон ўйнаган дугоналаринг билан машқни давом эттиринглар. Мирзо Ҳумоюнни кема сайридан сўнг шу бокқа таклиф этгаймиз. Ҳамидалар қандай чавгон ўйнашини ҳазрат бир кўрсинглар. У киши бундай томошага жуда ишқибозлар.

Ҳамида подшонинг кўзи олдида от чопиб чавгон ўйнашини тасаввур килди-ю, бирдан ваҳми келди:

— Ҳазрат бегим, мен қўрқамен!

Ҳонзода бегим кулди:

— Бунча қўрқманг, эртага сиз ҳам биз билан кема сайрига борурсиз. Ҳазратимни яқиндан кўрсангиз ваҳимангиз босилиб қолгай. Кейин яхши отларга миниб машқ килгайсиз.

Ҳонзода бегим канизига томон ўгирилиб:

— Отбегига айтинг, чавкарни олтин анжомлари билан олиб келсин!— деб буюрди.

Султоним онасига ҳайрон бўлиб тикилди. Ҳонзода бегим Ироқдан келтирилган чавкар отни ўзи учун икки минг рупийга сотиб олган эди. Бу пулга оддий отлардан ўнтасини беради. Наҳотки энди уни Ҳамидага инъом этса? Ҳонзода бегим қизининг кўзларидаги ҳайратнинг сабабини сезди-ю:

— Менинг бошқа отларим бор,— деди, сўнг жиловдор етаклаб келган чавкар отни олтин анжомлари билан бирга Ҳамида бонуга инъом қилди.

* * *

Бу воқеа оғиздан-оғизга ўтиб, Ҳамиданинг ота-онасига ҳам маълум бўлди. Қизларига Ҳонзода бегимнинг назари тушгани, эрта-индин Ҳамидани Ҳумоюн мурзо саройига таклиф этмокчи бўлишаётгани уларга толенинг кулиб боқишидек туюлди. Чеварликдан хабари бор она бугундан бошлаб Ҳамида учун кимматбаҳо атласу муслинлардан янги кийимлар тикишга тушди. Лекин бу ишлардан қизнинг ўзи безовта бўларди. Ахир Ҳамида Ҳумоюннинг гўзал хотини Бека бегимни, олти яшар қизчаси Ақиқани кўрган. Оилали, фарзандли йигитга хомтама бўлиш... Йўқ, йўқ, Ҳамида буни ўзига мутлақо раво кўрмайди! Ҳамида ихлос қўйган шундай улуғ Ҳонзода бегим наҳотки уни кундошлиқ азобига лойиқ деб билса? «Балки кўнгил берган йигитингиз бордир?» деб сўради-я. Ҳамида уялиб «йўқ» дегани учун энди ўзидан ҳам норози бўлди. «Бор» дея қолса осонроқ қутулмасмиди? Аммо «ким?» деб сўрасалар қандай жавоб беради? Эшкакчи йигит Низомга кўнгли борлиги... Ростми? Буни ҳали ўзи ҳам аниқ билмайди-ку, қандай айтади? Аросатда қолгандай изтироб чекаётган Ҳамида бону боғнинг нариги четидан лимиллаб оқиб ўтаётган Жамна дарёсининг соҳилига қараб кетди.

Боғнинг узок бурчагида дарё ўзани кўлтиққа ўхшаб ичкарига ёриб кирган хилват жой бор. Оқим бу ерда жуда сокин, сув таги майин кумлоқ, унча чукур ҳам эмас. Ҳамида бу ерга етти яшар қизалоқ пайтларидан бери кўп келади. Соҳилни бир томондан баланд дараҳтлар, иккинчи томондан боғ девори пана қилиб туради. Девор ортида кемачи бир одамнинг кичкина ҳовлиси ва икки эшқаклик қайиги бор. Ёмғир фасли тугаб, куруқ ва иссиқ ойлар бошланганда Жамнада сув камайиб, қирғоқ четлари милкдай очилиб қолади. Шунда боғ девори тугаган жойдан қўшни ҳовлига кириб чиқса бўладиган йўлак пайдо бўлади.

Кемачининг болалари Зарафшон боғига ўтишга журъат этолмайдилар. Шунинг учун Ҳамида саккиз яшар қизча эканида ҳалиги йўлакдан ўзи ўтиб борган, кемачининг Низом деган каттагина ўғли уни қайигига чиқарип дарёда сайр қилдирган эди. Ҳамидани онаси «ҳали бола-ку» деб унча қаттиқ тергамас эди. Ўн етти ёшли Низом подшо боғида турадиган Ҳамидага ўзининг қанчалик чапдаст эканини кўрсатиб қўйгиси келдӣ.

— Бонуча, сизга балиқ тутиб берайми? — деб, кўйлагини ечди-ю, қайикдан сувга шўнғиди. Жамнанинг қорамтил суви шишадек ти镍ик эди. Ҳамида Низомнинг сув тагида

балиқ қувиб қўзи очиқ ҳолда сузишини кўрди-ю, ҳайрон қолди. Низом соҳил четидаги кўлтиққа қамаб тутган бир балиқ унинг қўлидан сирғалиб чиқиб кетди. Аммо бошқа бир балиқни тутган заҳоти икки қўллаб қайиққа караб отди. Унинг қўлларидан саҷраган сув зарралари Ҳамидага ҳам тегди. Каттагина балиқ қизчанинг оёғи остига тушиб, патиллаб ўйнай бошлади.

Низомнинг сувда бу қадар яхши сузишини кўриб, Ҳамиданнинг унга ҳаваси келди. У сузишни билмас эди. Буни эшитган Низом қайифини уйлари олдидаги қозиққа яқин келтириб боғлади-да, дарё четидан қулай жой танлаб, Ҳамидана сузишга ўргата бошлади.

Ҳамида енгил ҳаир кўйлакчаси билан сувга кирди. Низом уни белидан, кўлларидан тутиб, сув ўзига қўндаланг ётқизди-да, оёқ-кўлларини қандай ҳаракатлантиришни тушунтириди. Кейин аста қўйиб юборди. Ҳамида бир-икки қадам сузар-сузмас чўкиб кета бошлади. Низом энгашиб уни дарҳол сувдан чиқариб олди. Шунда қизча беихтиёр унинг бўйнига қўлини солиб нафасини ростлади. Бир вақт ҳаёlinи йигишириб қараса, Низомнинг бағрида уни бўйнидан кучоклаб турибди. Ийманиб кулди-да, унинг қўлидан сирғалиб чиқди. Низом ҳам кулиб турар, лекин бўталоқникига ўхшаган ювоща кўзлари шундай самимий ва бегараз бокар эдики, Ҳамида то сузишни ўргангунча ўқдан бирор марта сесканмади ва бирорта ножӯя килигини сезмади. Дили пок бу сувчи йигит унга тобора жозибали кўринадиган бўлди.

Шундан кейин улар уч-тўрт йил кўришолмадилар. Чунки Ҳиндол мирзога Аградан уч юз мил¹ гарби-жанубдаги Меват вилояти мулк қилиб берилди. Ўша жойда қўрғон ва боғ қилиб, оиласини, ўзига қарашли одамлари қатори Ҳамидаларни ҳам кўчирив кетди. Исёнкор ражпутлар вилояти бўлган Меват жуда нотинч, уруш, юришлар кўп бўлар, Ҳамида ва унинг ота-онаси Аграда осуда ўтказган дамларини соғиниб эслашарди. Айникса боғ четидаги соқин қўлтиқ ва қайиқ сайри Ҳамиданнинг ёдига кўп тушар, Аграга қайтадиган кунларни у доим орзиқиб кутарди.

Аграда Ҳиндол мирзога отасидан қолган тўрт боғнинг биттаси — мана шу Зарафшон берилган эди. Орадан бир неча йил ўтиб, Ҳиндол мирзо ва унинг одамлари бу бокка яна қайтиб келганларида Ҳамида бону бўй етиб~~чиқиб~~, унда

балоғат белгилари пайдо бўлгандан бери онаси кўчага ёпинчиқсиз чиқармас, боғ сайрига ҳам, чавгон ўйинига ҳам ёлғиз юбормас эди.

Мана ҳозир ҳам у боғнинг узоқ бурчагидаги хилват соҳиљга канизаги Аминат билан бирга келди. Қошлари ингичка, соchlари кизғиши Аминат асли черкас кизи эди. Эрон шоҳининг навкарлари билан бўлган жангларда асир олинган ва қул бозорида сотилган бу жабрдийда жувон беш йилдан бери Ҳамидага каниз бўлиб хизмат қиласди. Уни Низом ҳам таниб қолган. Чунки сўнгги йилларда Ҳамида дарё соҳиљига доим канизи билан бирга келадиган бўлди. Ҳамида энди Низомнинг кўзи олдида чўмилишдан уялади. Ёши йигирма бешга кириб, хийла босик ва сипо йигит бўлиб қолган Низом ҳам Ҳамида бонудаги бу ўзгаришларни маъқул кўрган каби бош иргаб кулимсирайди, унга салом берганда икки қафтини пешонаси устига жуфтлаб, енгил бир таъзим бажо келтиради, шу билан киборлар жамиятига мансуб бўлган қизни ўзидан хийла баланд кўйгандек бўлади.

Аминат унинг қайигига биринчи марта чиқканда: «Эш-какчи йигит дурустрок пешкаш олиш умидида бизни астойдил саир қилдирмоқчи», деб ўйлади. Йигитнинг тиник, қорамтири юзида камтаргина бир жилмайиш бор, ўзи беозор ва ювош кўринади. Фақат тимқора кўзларидан кучли бир оловнинг тапти уриб турди. Бақувват қўллари эшқаклар орқали бутун қайиқни ўзига бўйсундириб, уч кишини сув юзида күшдай учирив боради.

Қайиқ тор бўлгани учун Аминат орқада, Ҳамида эса тумшук томонда Низом билан юзма-юз ўлтирибди. Икковининг кўзи кўзига тушгани сари Ҳамида бонуда нафис бир ҳаяжон кучайиб бораётгани Аминатни таажжуғба солди. Қиз гўё мана шу учрашувни кўпдан бери кутиб юрган эди-ю, энди висолга етишганидан кувониб, хусну жамоли очилиб бормоқда эди. Ҳамиданинг қанчалик кўхлик қиз бўлиб етилганини, унинг юз-кўзида, қадди-коматида қанчалик сехру жозиба борлигини Аминат ҳозир биринчи марта яққол ҳис қилди. Ҳамиданинг қизлик латофати гўё бир ғунча ҳолида эди-ю, эшқакчи йигитнинг дийдори шу ғунчани бирдан гуллатиб очиб юбордими? Бу йигитда нима каромат бор ўзи?

Дарё сокин оқаётган жойда Низом эшқак эшишдан тўхтаб, паст, майин товуш билан ашула бошлади.

Низом азбаройи Ҳамидага меҳри тушганидан унинг туркӣ тилини ўрганган, ҳозир шу тилдаги ўзига ёқкан шеърларни хинҷча куйларга солиб айтар эди. Унинг овози одамни ром эта оладиган даражада дилбар ва кучли. Оғир қайиқни

кушдай енгил учираётган йигитлик куч-кудрати унинг овозида ҳам сезилиб турди.

Ҳамида унинг кўшигини эшитган сари ғалати бир-сехру жоду таъсирига берилиб, ўз ихтиёрини йигитнинг кўлига топширадиган ҳолатга тушмоқда эди.

Аминат бирдан Хонзода бегимни эслади. Ҳумоюнга муносиб кўрилган Ҳамидадек қиз келиб-келиб шу эшқакчига кўнгил берадими?

Йигит Аминатнинг совуқ нигоҳини елкаси билан сезган каби унга ўғирилиб қаради. Кўзларida бегараз, тамасиз бир меҳр нурланиб турганини кўриб, Аминат беихтиёр ўнгайсизланди. Низом олий даргоҳларда юрган Ҳамида бонуга етишаман деб умид қилмайди, фақат бу қизнинг ноёб жозибасини муқаддас билиб, унга сажда қилгиси қелади. У ўз дилидаги туйғуни Ҳамидага тушунтирмоқчи бўлиб:

— Мен бҳактига¹ имон келтирганмен,— деди.

— Бҳакти ким ўзи?— сўради Ҳамида.

— Бу бироннинг исми эмас. Бизга ўҳшаган фақир кишилар эътиқоди. Мен Маккаю Мадинаға ҳажга бориб сифинмаймен. Қаршимда турган чин инсоннинг дилига сигинамен. Масжидда тамагир муллолар одамлардан хайру эхсон ундириб бой бўлурлар. Бойлик бор жойда муқаддас нарса йўқ. Шунинг учун биз масжидга бормагаймиз. Биз учун муқаддас жой — яхши одамнинг дили.

Оддий бир хинд йигитидан бунақа ғалати гаплар чиқшини кутмаган Ҳамида таажжуғба тушди:

— Вой, масжиддан юз ўғирсангиз отангиз уришмайдими?

— Менга бҳактини отам ўzlари ўргатганлар. Отам ҳам, бобом ҳам,— деб Низом овозини пасайтириб шивирлади.— Кабирга ихлос қўйиб қўл берганлар.

Ҳамида бону бу номни эшишиб, беихтиёр вахми келди. Чунки унинг билишича, Кабир даҳшатли бир жодугар коғир бўлган, эл-улусни йўлдан оздириб, диндан чиқарган, шунинг учун Искандар Лоди деган подшо Кабирнинг бўйнига тош боғлатиб, Ганг дарёсига чўқтиришни буюрган. Лекин Кабир сув тагидан тирик чиқкан. Подшо уни кутурган филиннинг оёғи тагига ташлатиб ўлдирмоқчи бўлганда у филини ҳам сехрлаб, ўлмай қолган.

Низом эртакнамо бу гапларни Ҳамидадан эшишиб майнингина кулди:

¹ Бҳакти — хинҷча ихлос демакдир. Инсон ўз такомилига ишонса ва комил одамларга ихлос кўйсагина ёмон иллатлардан ҳолос бўла олади. «Ихлос — ҳолос» деган ҳикмат бҳактида шундай талкин этилади.

— Кабирнинг дарёдан тирик чиққани ҳам, филнинг оёғи тагида ўлмагани ҳам рост. Бобом менга бунинг сирини айтиб берганлар. Кабирнинг жодуси унинг шеърларида экан. Шеърини кўйта солиб айтса эшигтан жонзот шундай таъсиrlанаар эканки, Кабирнинг иродасига қарши бирон иш қилмай қоларкан¹.

— Бобонгиз Кабирни якиндан билар эканмилар?

— Ҳа, отам ҳам билган. Бундан йигрма беш йил аввал мен туғилганда Кабир бизнинг уйга келган. Менга Низом деган отни шу одам қўйган экан.

— Тавба, кимга ишонишинингизни билмайсиз! — деди Ҳамида ўйчиз.— Отамлар менга: «Кабирни тилга олма, кофир бўлассан», деб айтган эдилар.

— Отангизни жохил муҳтасиблар² адаштирган,— деди Низом.— Улар бизнинг бошимизга ҳам қанча кулфатларни солдилар. Кабирга қўл берган отам ҳозир зинданда ётибдир.

Низом оғир тин олди-ю, бултур Ҳамидалар йўқ пайтда мана шу дарё бўйида бўлган қонли воқеаларни айтиб берди.

* * *

Низомнинг отаси ўзининг катта ўғлига хиндларнинг энг эзилган шудра³ қавмидан чиққан эшкакчи дўстининг қизини олиб бермоқчи бўлади. Йигит билан қиз бир-бирларини яхши кўради. Ота-оналари учун уларнинг ҳар хил динда эканликлари аҳамиятсиз. Кабир таълимоти асосида улар мусулмон мулласини ҳам, хинд баражманини ҳам тан олмайдилар. Улар «дину миллат айириш факат тамагир рухонийлар учунгина керак» дейишиб, тўй тайёрлигини бошлашади. Шу орада Низомларнинг маҳалласидаги масжидда кутилмаган бир тўполон бошланди. Кечаси аллакимлар масжиднинг меҳробига кора чўчқанинг ўлигини ташлаб кетадилар. Маҳалла имоми «бу ишни чўчқабоқар мажусийлар килган» деб, қавмларини хиндиларга қарши гижгиж-

¹ Кабир (1440—1518) — улуғ хинд шоири. Унинг шеърлари ҳозир ҳам ҳалк орасида жуда кенг таркалган. Ривоятларга кўра, Кабир асли баражман оиласида туғилган, чакалоклигига онаси ташлаб кетгач, уни оддий бир мусулмон тўкувчи косиб оиласи тарбиялаб вояга етказади. Кабирнинг ўзи ҳам тўкувчи бўлган.

² Мұхтасиб — диний ишлар назоратчиси. Қўлида дарра билан юриб, одамларнинг рўза тутишию масжидга намозга келишини назорат килган.

³ Шудра — энг паст тўртинчи табака — каста. Унга кўпроқ косиблар, ҳаммоллар ва бошқа оддий кишилар киради.

лайди. Жохиллардан беш-ўнтаси кўчага чопиб чиқадилару хиндлар муқаддас ҳисоблайдиган ва кўчада бехавотир юрган говмиш сигирни ерга аганатиб, бўйнига пичноқ торгадилар. «Масжид меҳробига чўчқанинг ўлигини ташлаб кетганларнинг жазоси будир!» дейишиб сигирнинг каттакон сон гўштини ҳинд ибодатхонасининг саждагоҳига осиб қўядилар. Шу тарзда ҳар икки томоннинг ҳам диний эътиқодлари каттиқ ҳақоратланади-ю, кирян бошланиб кетади. То шаҳар ҳокими — кутваль бундан хабар топиб, икки юз навкари билан етиб келгунча ва қирғинни тўхтатгунча икки томондан ўн етти киши ҳалок бўлади, етмиш-саксон одам яралнади. Жароҳатланганлар орасида Низомнинг отаси ҳам бор эди. У беҳуда қирғиннинг олдини олмокчи бўлиб орага тушгани учун кимдир тошиб бошини ёрган эди.

Бу ҳодисаларни ўз кўзи билан кўрган Низом сигиру чўчка баҳонасида одамларни қирғин килган жохил имому баражманларни бутун вужуди билан ёмон кўриб қолди. Низомнинг отаси эса бундай диний адвокатлардан баланд турган ва чин инсонликни илоҳиёт даражасига кўтариб улуғлаган Кабирга аввалидан ҳам ортиқ ихлос кўйди. Ўзининг Кабир таълимотига содиклигини ва диний низомлардан баланд туришлигини эл-юрг олдида исбот этиш учун ҳинд қизи билан тўнғич ўғлининг тўйини албатта ўтказадиган бўлди. Ўша тўполон туфайли тўхтаб колган тўй тайёрлиги кузнинг мезон ойида ниҳоясига етди. Низомларнинг дарё бўйидаги ҳовлилари гулшодалар билан безанди. Дастурхоғларга ширинликлар, хурмолар, норинжлар, бошқа анвойи мевалар кўйилди. Келин-куёв оқ, сарик, пуштиранг гулшодалардан тўқилган маҳсус шомиёнага⁴ кириб ўтиридилар.

Уларга никоҳ ўқиш учун маҳалла имомини ҳам, хинд баражманини ҳам чакиришмади, бҳақтига ихлос қўйган саксон ёшлиқ бир мўйсафид келиннинг қўлини күёвнинг қўлига тутқизди-ю, Жалолиддин Румий ва Кабир шеърларидан куйлади. Бу шеърларда «риёкор имому баражманга ишонма, дилингдаги муқаддас туйгуларга ихлос қўй, инсон, илоҳиёт сенинг ўзингдадир» деган маъно бор эди. Бу маъно, албатта, тақводор шайхлар билан мутаассиб баражманларни талвасага солиб қўйди. Ахир бутун ҳалқ масжиду ибодатхонага бормай қўйса, на баражмани, на муллани тан олмаса, хайри-эҳсонни ким беради? Руҳонийларнинг тирикчилиги қандай ўтади? Обруй-эътибори қаёқда колади?

⁴ Шомиённа — бу ерда гулдан килинган чодир ёки чимилдик маъносида.

Бу кетишида эл-улус подшога ҳам ђтоат этмай қўяди, ҳокимиятни тутиб турган диний мафкура вайрон бўлади!

Жоҳил шайхлар ва бараҳманлар тўй арафасидаёқ шахар ҳокимига мурожаат қилиб, шошилинч чоралар кўриш кераклигига, масжиду ибодатхонани ёмонлаб юрган даҳрийлар халқ орасида исён чиқариши ва янги кирғинларга сабаб бўлиши мумкинлигига уни ишонтирган эдилар. Дарё бўйидаги тўй хурсандчилиги авжига чиккан пайтда бирдан эллик-олтмиш отлиқ навкар қамчи ўйнатиб, килич яланғочлаб кириб келди. Кабирнинг исёнкор шеърларини куйга солиб айтиётган хонандаларни қамчи билан уриб ҳайдаб юбордилар. Келин-куёв кириб ўлтирган шомиёна гулшодалари килич зарбаларидан тилка-пора бўлди. Навкарлар кетидан таёк кўтариб кирган муҳтасиблар гайридинга уйланмоқчи бўлган муслим йигитнинг никоҳини ҳаром деб эълон қилдилар. Низомнинг отаси бунга қарши эътиroz қилган эди, унинг қўлларини орқасига боғлатиб, ҳисбса олиб кетдилар.

— Отам ҳали ҳам зинданда ётибди,— оғир тин олиб ҳикоясини тугатди Низом.— Бултур мачитта ташлаб кетилган чўчқанинг ўлигини муҳтасиб ундан кўраётган эмиш. Тухматни каран!

— Отангиз подшога арз қилсалар бўлмайдими?— куюниб сўради Ҳамида.

— Э, подшо осмонда, отам ер остидаги зинданда! Икки орани порахўр амалдорлар билан алдамчи шайхлар тўсиб олмишлар. Подшо ўшаларнинг гапига ишонгай!

Йигит бу сўзларни айтганда унинг кўзларида исёнкорона бир ўт ёнганини Аминат ҳам кўрди-ю, ўз бошига тушган асиралик кулфатларини эслади. Низомга ҳамдардлик билдириб:

— Бу дунёда адолат ўзи йўқ!— деди.— Замона мудом зўрники!

Замона зўрларига яқин бўлган Ҳамида яккаланиб, ноқу́лай ахволга туша бошлади. Низом буни сезди-ю, орага тушган губорни тарқатишга интилди:

— Худо ҳоҳласа, бир кун эмас, бир кун ҳақиқат юзага чиқиб қолгай. Мен подшонинг кемасида эшқакчимен. Пайтими топсан, кемада мирзо Ҳумоюнга арз қилмоқчимен!

«Балки мен... ҳазратнинг иноятига сазовор бўлсан «Низомнинг бегуноҳ отасини хибсдан чиқартиринг» деб илтимос қиласмиш?» деган ўй Ҳамиданинг кўнглидан ўтди. Лекин қиз бола бундай илтимосларни қилиши учун Ҳумоюнга кай даражада яқин бўлиши керак! Унга яқин бориш — Низомдан узоклашиш эмасми? Бироқ Ҳамида

бу йигитдан узоклашгиси келмайди, кўнгил унга қараб талпинади. Етти яшар кизалоқ пайтида мана шу дарёнинг сокин қўлтиғида Низом уни сузишга ўргатгани хеч эсидан чикмайди. Иккови сувда бирга сузган ўша дамлар завқи ҳозир дарё тўлқинлари орасидан унга кўз тикиб тургандай.

Низом қайиқни сокин қўлтиққа буриб келиб тўхтатганда Ҳамидага маъюс термулиб «яна қачон кўришамиз?» дегандек қаради.

— Наврўзда подшоҳимиз кема сайрига чиқармишларми?— сўради Ҳамида йигитдан.

— Ҳа, бизга фармон берилган. Наврўз куни подшоҳ кемасининг эшкагини биз эшар эканмиз.

— Ҳонзода бегим мени ҳам кема сайрига таклиф қилганлар. Борсам... сизни яна кўрар эканмен-да.

Низом бу гапдан кувониш ўрнига ногаҳоний бир изтироб ичиди қолди. Ҳумоюн мирзо кеманинг юқориги қаватида тиллакори толорда ясаниб, жозибага тўлиб ўлтиришини, Низом эса пастдаги тор жойда ўн олтига эшқакчининг орасида терлаб-пишиб эшқак эшишини кўз олдига келтирди. Ҳонзода бегим Ҳамида бонуни Ҳумоюн билан таништирганда пастдаги эшқакчи Низом бунга кай кўз билан қарайди-ю, қандай руҳий азобларга учрайди?

Ана шу савонли Ҳамида бону йигитнинг юзида қалқан изтиробдан пайқади-да, ўзи ҳам икки ўт орасида колиши мумкинлигини энди сезди.

* * *

Наврўз куни Ҳамида бону кўш карнай ва кўш сурнайлар товушидан уйғонди. Байрам либосларини кийиб, Ҳонзода бегим инъом этган чавкар отни минган холда Гулбадан бегим ва яна уч-тўртта олинасаб киз-жувонлар билан шаҳар марказига қараб бораётганда Низомни эслади. Уни қийна-маслик учун бир баҳона топиб кема сайрига чиқмай кўяқол-самикин?

Бироқ бутун Агра ахолиси ва бошка вилоятлардан келган юзлаб одамлар шаҳар марказидан ўтаётган Ҳумоюн мирзо ва унинг мавқабини¹ яқинроқдан томоша қилишга интилмоқда эди.

Мавқабдан олдинда дарра² кўтарган кўриқчилар йўл очиб боради. Улар билан кетма-кет ногорачи ва карнайчилар келяпти.

¹ Мавқаб — подшонинг аъёнлари ва мулозимлари.

² Дарра — бамбукдан килинган маҳсус таёк.

Күш ногораларини нортуюларнинг ўркачига хуржунга ўхшатиб айри ташлаб олган иккита ҳинди йигит ногорачўларини тинимсиз ўйнатиб, бутун шаҳарни кувноқ тақатумларга тўлдиришга ҳаракат қилади. Кариайлар мис ҳалкумларини осмонга чўзиб, ўз «ҳа-ҳа-ҳу-ув»лари билан ногоралар товушини босиб кетгудек бўлади. Аммо сурнайларнинг ингичка ва ўткир наволари ҳаммасидан ҳам баландроқ янграйди. Марказий хиёбонга қараб ёпирилган издиҳом дарёси Ҳамидаларни ҳам беихтиёр ўша томонга қозизиб кетгандай бўлди. Фил устидаги ҳаворанг кимхоб соябон жажжи бир кўшдек уч томони пардалиқ, факат олд томони очик. Ҳаракатланиб бораётган кўшик ичидаги ёлғиз ўтирган Ҳумоюннинг пешонаси устида — салласининг олд томонида Кўхинур олмоси яраклаб кўзни камаштиргудек бўлади. Ҳумоюн бу гавҳарни йилда бир марта — наврўз пайтида пешонасига қадаб эл-улусга кўриниш беради. Шуни бирбиридан эшитган одамлар подшодан ҳам кўра унинг салласидаги Кўхинурни яқинроқдан кўришга ҳаракат қиладилар. Лекин хиёбоннинг икки четида занжирдай тизилиб бораётган отлик кўриқчилар издиҳомни мавқабга яқин келтирмайди.

Факат бир жойда эллик-олтмишта ўш-яланглар бирбирини итариб, суреба, кўриқчилар занжирини хиёбон ичига эгиб киргиза бошлади. Дарра кимнингдир елкасига карсиллаб урилди. Шунга қарамай издиҳом сели отлик кўриқчилар занжирини узиб ўта бошлади. Кўрчибоши аччиқланиб, бирдан килич яланочлади.

Фил устидан буни кўриб колган Ҳумоюн ўнг ёнида отлик бораётган Байрамхонга бир нима деб ишора қилди. Байрамхон орқага ўгирилиб:

— Жаноб кўрчибек, шошманг! — деди. — Ҳазратим сочи буюордилар!

Қирқ ўшлардаги кўли узун шифовул отини чу-чулааб, оломон билан кўриқчилар тирашиб турган жайга яқинлашар экан, эгарига ортилган гилам хуржуннинг ўнг кўзидан бир сиқим кумуш танга олди. Йўғон товушини баланд кўтариб, туркий ва форсий сўзларга ҳинчча иборалар аралаштириб деди:

— Ҳалойик, тинчланинг! Ҳумоюн ҳазратлари наврўз байрами муносабати билан фуқарота хайру эҳсон килмокчилар! Олинг, мана шу кумуш танга сизларга!

Шифовул юриб бораётган от устидан олдинга интилиб, сиқимидағи оқ тангаларни оломон бостириб келган жойнинг орқа томонига соғди. Офтобда хира ялтираган кумуш тангалар кимнингдир елкасига урилиб ерга

тушди. Буни кўрган ўш-ялангларнинг анчаси подшони ҳам, унинг филини ҳам унугиб, тангалар тушган томонга ташландилар.

Мавқаб боягидай шошилмай юриб кетмоқда эди. Шифовул ҳам юриб бораётган от устидаги турганича қўлини энди хуржуннинг чап кўзига солди-ю, кетма-кет икки сиқим мис танга олди ва уларни боягидан ҳам нарирокка қуличкашлаб соғди. Тангаларга тарғиботни кўшиб сўзида давом этди:

— Ҳалойик! Наврўз — мусулмону ҳиндига, барча эллару динларга баробар байрамдур! Баҳор айёмида кеча билан кундуз баробарлашган табиий мувозонат кунида наврўз кириб, янги йил бошлангай. Фармони олий бунёд бўлдиким, жамиятда ҳам табиатдаги каби мувозанат ҳукм сурсин, мамлакатнинг барча эл-улуслари дину миллат айирмасдан, наврўзни иноқлик, ҳамжиҳатлик билан байрам килсинлар!

Шифовул яна хуржуннинг ўнг кўзига кўл солиб бир чангл кумуш танга олди-ю, одам гавжум томонга соғди.

Боя мавқабга томон ёпирилиб келаётган ўш-ялангларнинг кўпчилиги тангаларнинг кетидан қувиб кетишиди.

Хиёбон четлари сочки ёрдамида анча очилиб колгач, отлик келаётган Ҳамидалар мавқабга яқинроқ боришли. Боя оломонга жаҳл қилиб қилич яланғочлаган кўрчибоши киличини кинига қайтариб солди-да, фил устидаги Ҳумоюнга бош эгиб, ундан узр сўраган каби қўлини кўксига қўйди. Ҳумоюн эса кўрчибошига «маъзурсиз» деган каби жилмайиб кўйганини Ҳамида бону аниқ кўрди. Шу пайт йигитнинг пешонаси устидаги Кўхинур кўкиш зиё таратиб сехрли чарақлади. Ҳумоюн Ҳамида бонуга атрофда бор йигитларнинг энг кўхлиги ва баҳтлиси бўлиб кўринди. Қиз эрталабки хавотирликларини унугиб, Ҳумоюннинг бу томонга бир карашини ва кўз кўзга тушишини истади.

* * *

Бироқ фил устидаги бораётган Ҳумоюннинг хаёли бутунлай бошқа нарсалар билан банд. У Ҳамидалар томонга юзланганда ҳам кизнинг боши оша узекларга назар ташлайди. Нега бу йил наврўз сайлига одам бултургидан икки-уч баробар кам чиқсан? Бултурги наврўзда бутун шаҳар ва унинг атрофлари ясан-тусан ҳалойикка тўлиб кетган эмасмиди? Наврўз кунларида бозор расталарини, кўча ва майдонларни ранг-баранг ипак матолар, гулшодалар билан безатиш одати «ойин банди» деб аталарди. Аграда

бу одатни Ҳумоюн махсус фармон билан жорий килган эди. Ҳумоюн мамлакатнинг шарқида ва гарбida катта ғалабаларга эришган пайтларда унинг ҳар бир фармонини сўзсиз бажарувчilar кўп эди.

Ҳозир ишлари орқага кетиб, нуфузи пасайгани ва инила-ри билан ораси бузилгани учун ҳам наврӯз намойишига одам кам чиққани сезилиб турибди.

Оға-ини низосини Комрон бошлаб берди. У Бадахшону Кобулга қаноат қилмай, Лахўрга қўшин торти. Икки орада уруш чиқиши муқаррарлигини сезган Ҳонзода бегим кексалик бедармонлигига қарамай сафарга отланди. Икки ҳафта йўл юриб, Аградан Лахўрга элчи бўлиб борди. Комрон мирзо акасига кўмак бериш учун Лахўрга келганини, зинҳор мулк талашибмоқчи эмаслигини айтиб онт ичди. Бегим унинг Ҳумоюнга садоқат изхор қилиб ёзган мактубини ва жўшкун туркий шеърларини олиб Аграга қайtdi.

Комроннинг Ҳумоюнга юборган шеърларидан оталари Бобур мирзонинг овози эшитилиб тургандай бўлар эди. Комрон акасига камтарлик билан ёзган эди:

Заррасифат ўзни билурман ҳакир,
Сендин тушса нур бўлурмен мунир.¹

Ҳумоюнга, айниқса, Комрон ёзган қуйидаги икки сатрнинг фалсафаси хароратли туюлди:

Истасангки етмасин даврондин озоре сенга
Саъй килким, тегмасин хеч кимга озоринг сенинг.

Ҳонзода бегимнинг ҳаракатларига Комрон ёзган бу шеърларнинг тафти ҳам қўшилиб, Ҳумоюн жаҳлидан тушди. Оға-ини ярашдилар. Лекин бу ярашиш мувакқат, чунки Комрон ҳали Лахўрдан чиқиб кетган эмас. Агар Ҳумоюн Лахўрдан бутунлай айрilsa, ташқи душманлари қаршисида заифлашиб қолиши ва марказий давлатни бой бериши мумкин.

Ҳумоюннинг ташқи ғанимлари энди Шерхон Сур атрофига тўпланиб, Ганг бўйларидан бош кўтариб чиқмоқда. Шунинг устига гарбий вилоят бўлган Гужаратда исён бошланди. Ҳумоюн Гужаратга ҳоким қилиб тайинлаган иниси Аскарий бу ишни эплай олмади, эл-улус унга қарши қўзғолон кўтарди. Аgra билан Гужаратнинг ораси отда бир ойлик йўл. Ҳумоюн шарқдаги Шерхон хавфи туфайли

¹ Мунир — ёруғ юз, ёруғлик.

Аграни ташлаб, Гужаратга бора олмади. Аскарий Гужаратда мағлуб бўлди ва ёрдамга етиб боролмаган Ҳумоюндан аразлаб, Лахўрга, Мирзо Комроннинг олдига кетди. Ҳумоюн якинда Лахўрга махсус одамлар юбориб, ҳар икки инисини наврӯз байрамига пойтактга таклиф қилди, «дushmanлар кўзи олдиди ҳамжиҳат бўлайлик» деб мактуб юборди. Лекин Комрон мирзо бетоблигини баҳона қилиб келмади. Ҳолбуки, у соппа-соғ эканини, Лахўрда ўзи ҳам Аскарий билан наврӯз сайлига чиқмоқчилигини Ҳумоюн ишончли хуфиялар аҳборотидан билади.

Ҳозир Ҳумоюннинг фили ёнида биргина иниси — оқ отлиқ Ҳиндол мирзо бормоқда. Бироқ унинг ҳам руҳи сўнник, машқи паст, чунки унга берилиган Меват вилоятини бу йил кишида ражпут рожалари ундан тортиб олиб қўйди. Энди Меват ражпутлари ҳам шарқдаги Шерхон билан тил бириктироқда. Шу мамлакатда тугилиб ўстган Шерхон хинду мусулмон диний низоларига бўй бермай, жанговар ражпутларни ҳам ўз қўшинига олаётган эмиш. Шу билан у Ҳумоюнга нисбатан катта бир устунликка эришиши аниқ. Чунки мамлакатнинг кўпчилик аҳолиси хиндалар. Ҳумоюн ҳам хиндаларни ўзига яқинлаштироқчи бўлади. Бироқ... жума куни жоме масжидига боргандা шайхулислом Саид Халил хутбадан сўнг уни меҳроб ёнида тўхтатиб, паст товуш билан:

— Ҳазратим, мен бир гап эшийтдим,— деди.— Илоҳо ёлғон бўлсин.

— Не гап, тақсир?

— Наврӯз сайлида сиздек пок мазҳаблик мусулмон подшосининг филини ғайридин бошқармокчи эмиш, ростми?

— Тақсир, ғайридинлар билан бир мамлакатда яшайдиган одам нечун улар билан бир фил устида ўлтироғи мумкин эмас?

— Чунки агар бугун мажусийлар сиз мингган филни бошқарib ўрганса, эртага сиз бошлиқ давлатни эгаллашга интилгай!

— Аммо биз бу ишга муносиб кўрган Лаъл Чанд садоқатли раиятларимиздан эканини кўп марта исбот этган!

Саид Халил меҳробда турган чарм муковали улкан китоб — Қуръонга кўз ташлаб, гўё ундан мадад олган бўлди-ю, овозига сехрли тус берди:

— Агар ўшал раиятингизнинг садоқати чин бўлса, калимаи шаҳодатни айтиб, мусулмон динига ўтсин, ундан сўнг сиз мингган филни бошқарса майли!

Ҳумоюн меҳроб томонга алланечук ҳайиқиб қараб олди: Қуръондан қўрқар эди. Лекин Лаъл Чанддек бир сўзли,

ботир одамни ўз динидан мажбуран воз кечдиришга интилиш унга янада хатарлироқ туюлди:

— Таксир, мени икки ўт орасида қолдирманг! Энди эл бўлиб келаётган Лаъл Чанддек хиндаларни рағбатлантириш ўрнига зўрлик билан бошқа динга ўтказмоқчи бўлсак, бутун мамлакат ҳалқини ўзимиздан бездиргаймиз! Шерхондай маккор ғаним турганда биз ҳинд элини бағримизга тортмоғимиз, унга суюнмоғимиз лозим эмасми?

— Аммо бирдан икки қайиқнинг бошини тутмок ҳам мумкин эмас, ҳазратим!— Сайд Халил мамлакатнинг диний пешвоси сифатида подшоҳ ҳокимиятини ичдан назорат килиш ҳукуқига эга эди. У ҳозир шуни эслатиб қўймоқчи бўлиб Ҳумоюннинг қўзига тик қаради:— Агар мажусий филбон барча беку аъёнлардан олдинда, фил устида ўлтириб борадиган бўлса, мавқабингизнинг катта бир қисми унинг кетидан эргашгиси келмагай. Битта ғайридин туфайли юзлаб муслим хайриҳоҳларингиз наврўз намойишига чикмасалар майлими? Сизга қайси томон азизроқ?

Ҳумоюннинг қошлари чимирилиб, юзи хиёл оқарди:
— Бу не, таҳдидми?

Сайд Халил қўлини кўксига қўйиб, гапининг охирини юмшатишга тиришди:

— Ҳазратим, хотирингизга малол етган бўлса узр! Мен факат қавмларимнинг кайфиятидан сизни огоҳ қилдим, холос!

Ҳумоюн масжиддан қайтар экан, инилари билан ораси бузилгани устига энди Сайд Халил бошлиқ руҳонийлар ва уларнинг муридларию қавмлари наврўз намойишига чикмаса эртага ким билан байрам килишини ўйлаб қолди. Унинг тарафдорлари камайиб кетганини, мавқаби ҳам яримта-юримта бўлиб қолганини эл-юрт кўрганда нима дейди?

Йўқ, бунга йўл қўйиб бўлмайди! Подшо филини Лаъл Чанд бошқаридиган давр ҳали келмаган экан. Лекин Сайд Халилга гап етказган филбон Иноятхон ҳам муродига етмаслиги керак. У Сайд Халилнинг ишонган муридларидан бўлгани учун наврўз кунида подшо филини ўзи мингиси келиб айғоқчилик килгани аниқ.

Бир вакълар Иноятхон:

— Браҳмапутра дарёсининг бўйларидағи ўрмонда ок филлар бор, подшо ҳазратлари маблағ ажратсалар, тўртта ёрдамчи овчи берсалар, энг улкан ок филлардан тутиб келгаймен!— деб мақтанган эди.

Ҳумоюн саройга қайтган заҳоти Иноятхонни ўз хузурига чакиртирди-да, ўша ваъдасини эсига солди. Оқ фил тутиб

келиш учун кетадиган харажатларни ҳисоблатиб, унинг кўлига тутқазди ва дархол жўнашни буюрди.

— Ҳазратим, кулингиз эртанги наврўзни Аграда ўткашиб, кейин оқ фил овига кетай, ижозат беринг!— деб Иноятхон ер ўпид илтижо килди. Ҳумоюн эса:

— Бу йилги наврўз менга татимай қолди, ҳақиқий байрам сиз оқ фил тутиб келганингизда бўлгай, эртадан қолмай овга отланинг!— деди-да, бошқа гапга ўрин қолдирмай, ўзининг хонайи хосига кириб кетди.

Коса тагидаги нимкосадан хабардор бўлган вазир Турдидек Иноятхоннинг ёнига тўртта ёрдамчи овчини қўшиб, ҳаммасини эртаси куни тоғ отмасданоқ Аградан жўнатиб юборди.

«Ёрдамчи»ларга Иноятхонни ва хазинадан берилган пулни қўриқлашгина эмас, балки подшо фармонининг адо этилишини қаттиқ назорат килиш ҳам топширилди.

Фармонни бажариш, албатта, осон эмас — Аградан Браҳмапутрагача отда икки ойлик йўл, хавфу хатар беҳисоб, тириқ қайтишининг ўзи амримаҳол. Иноятхон Ҳумоюннинг устидан шайхулисломга айғоқчилик қилишнинг қанчага тушишини энди билиб кўяди.

Бугун наврўз намойишига Ҳумоюн мияниб чикқан улкан кора филни Лаъл Чанднинг шогирди бўлган панжоблик филбон Гулмуҳаммад бошқарib бормоқда. Ҳумоюн ўнг томонда, филдан анча ортда саман от миниб келаётган кенгmallа тўнли, катта оқ саллали, серсоқол Сайд Халилга синчиклэб бир караб олди. Муриди Иноятхоннинг Аградан чиқариб юборилгани пирнинг қулогига етиб борган шекилли, ковоги солик. Кўзини саман отининг қулоқларидан олмасдан хомуш келяпти.

Қизик, бу одамга нима етмайди? Ихтиёридаги вакълардан беҳисоб бойликлар дарёдай оқиб келади, юзлаб хизматкорларию муридлари оғзидан чикқан буйругини бажариб туради, керак бўлганда ҳатто подшога ҳам кечагидай гапини ўтказа олади. Аммо Сайд Халилга бу ҳаммаси одатий ва жузъий нарсалар бўлиб кўринади. У Самарқанднинг машҳур диний пешвоси Ҳўжа Аҳрор каби фавқулодда ҳукмфармо бўлишни, подшоларни ҳам ўз измига бўйсундиришни истайди. Чунки у пайғамбар авлоди саналувчи сайдлардан, осмондаги арши аъзога яқин турган уламолар пешвоси.

Аммо Ҳумоюн отаси Бобурдан ибрат олиб дин пешволарига бўй бермайди, улардан юқорироқ туриш учун «Қонуни Ҳумоюний» деган янги низом ҳам ўйлаб чиқарди. Тарихчи Ҳондамир ёзиб чикқан бу қонунга биноан Ҳумоюннинг қўл остидаги одамлар табиий мавжудотдаги ос-

мон, ер ва уларнинг оралиғи тимсолида уч қисмга бўлиб чиқилди. Биринчи тоифа — аҳли давлат, унга подшо, вазир, бек ва аъёнлар киради. Иккинчи тоифа — аҳли саодат, яъни дин пешволари, уламолар, шоирлар, олимлар. Учинчи тоифа — аҳли мурод, яъни аслзода аёллар, созандалар, хонандалар, мусаввирлар ва бошқа санъаткорлар.

Шайхулислом Сайд Халил иёқкинчи ўринга тушиб қолганидан каттиқ норози. «Аҳли саодат» дегани нимаси? Ҳатто хинд баражманлари ҳам осмонга нисбат берилган энг олий табака хисобланмайдими? Аҳли давлат осмон бўлади-ю, аҳли дин пастда муллақ қоладими? Дин пешволарини шоиру олимлар билан бир тоифага кўшганлари ҳам Сайд Халилга хурматсизлик бўлиб туюлди. Ахир даҳриёна китоб ёзадиган шоиру олимлар қаёқда-ю, илохий оламга яқин турган сайдлар қаёқда?

Шайхулислом бу фикрларини Хондамирга айтиб, у билан кўп мунозара килди. Бу мунозарада Байрамхон Хондамирнинг тарафини олган эди, Сайд Халил уни динсизликда айблади. Уламолар мажлисида Байрамхоннинг ушбу рубоийсини ўқиб берди:

Не дин ғамидин даме парешондурмен,
Не куфр хужумидин ҳаросондурмен.
Бутхонаю масжид манга яксон кўринур
Гўёки не кофириу не мусулмондурмен.

Бу шеърни эшигтан қозию садрлар, муҳтасибларнинг сочи тикка бўлиб кетди. Байрамхон мусулмонлигу масжиддан юз ўғирса кофирилик бундан ортиқ бўладими?!

Қозилар бошлиғи бўлган Садри аъзам Байрамхонни тошбўрон килиб ўлдиришни талаб килди. Дин пешволарининг ўз зиндолари ва жазо берувчи муҳтасиблари бор эди.

— Байрамхон ҳиндларнинг даҳрий шоири Кабир сингари куфр йўлига кирмишdir! — деб Сайд Халил Ҳумоюнга бориб арз килди. — Кабир ҳам масжидни бутхонага кўшиб инкор этгани маълумингизdir! Исёнкор мажусийларнинг бҳақти таълимоти подшо хокимияти учун ҳам хатарли!

Сайд Халил Байрамхонни хеч бўлмаса Низомнинг даҳрийликда айбланган отаси каби зиндолга ташлашга интила бошлади.

Байрамхон ўн тўрт йилдан бери Ҳумоюнга содик хизмат килиб келаётган жанговар беклардан эди. Подшо унинг табъи назми баландлигини, шеъриятда Навоий ва Бобурга эргашишини биларди. У дарғазаб бўлиб келган Сайд Халилга шуни айтиб:

— Тақсир, Байрамхон бу рубоийни мажозий маънода битмишdir,— деди.— Бундай кайфиятлар улуғ шоирларда ҳам бўлган. Жаннатмакон отамнинг худди шу мазмундаги рубоийси бор. Балки ўқигандирсиз?

Ҳумоюн давлатида Бобур хотираси муқаддас ҳисобланар, бунга шайхулислом ҳам шак келтиролмас эди. Ҳумоюн отасининг Байрамхонникига ўхшаш рубоийларидан ўқиб бергач, Сайд Халил сал ҳовуридан тушди.

— Аммо биз Байрамхондек шаккок одам билан бир тоифада бўлишни истамагаймиз! — деди.— Уни «аҳли саодат» тоифасидан чиқармок зарур!

Ҳумоюн бунисига рози бўлди. Махсус фармон билан Байрамхонни соҳибхтиёр беклар қаторига киритди-ю, «аҳли давлат» деб аталадиган биринчи тоифага қўшди.

Мана ҳозир наврӯз сайлида Байрамхон ҳам вазири аъзам Турдивек Туркестонийнинг ёнида, энг олдинги сафда бормокда. Бу ҳаммаси Сайд Халилнинг ярасига туз сепгандай бўляпти. Хондамир бундан тўрт йил аввал вафот этганда шайхулислом унинг таҳририда чиқкан низомни бекор килишга яна бир уринди. Аммо Ҳумоюн ўз номига нисбат берилган қонунни бутун коиноту табиатга боғлаб ҳимоя киларди:

— Тақсир, мен жамиятдаги сунъийликлару бетартибликлардан безор бўлганим учун давлат ишини табиий бир асосга қурмокчимен. Раҳматли мавлоно Хондамир ҳам еру кўқдаги табиий уйғунликка маҳлиё эдилар. Қуёш ҳар куни ўз вақтида чиқгай, кишу ёз, кечаю кундуз аник тартиб билан келгай. Осмондаги сайёраларнинг ҳаракатида ҳам ноёб бир уйғунлик, событик, тартибу мувозанат бор. Инсон нечун бундан ибрат олмайдир? Нечун биз ўз жамиятимизга табиатдаги мувозанатни, событикни, тартибу аниқликни тадбиқ этмаймиз?

«Тадбиқ этгани шуми?!» деб Сайд Халил табиатдаги аносири араба — тўрт унсурга ўхшатиб тузилган тўртта вазоратни киноя билан эслади. Олов, ҳаво, сув, тупрок... Ҳумоюн табиатдаги тўрт унсурдан келиб чиқиб, бир вазорат бошлигини «саркори оташ» деб атади. Унга барча тўпу тўпхоналар, курол-яроғ ва ҳарбий ишлар карайди. «Саркори ҳавойи» деб аталган вазир сарой таъминотига, ошхона, сайисхона¹, кийим-кечак ишларига мутасадди. «Саркори оби» — ариқ қазиш ва сугориш ишларини бошқаради, шарбат, чогир ва бошқа ичимликлар тайёрлайди. «Саркори хоки» (яъни, тупроқбоши) — зироат, дехқончилик ва имо-

¹ Сайисхона — отхона.

ратсозлик каби соҳаларга жавобгар. Ҳумоюнинг фармонига биноан, бу тўрт вазоратнинг одамлари кийиниша хам бир-бирларидан фарқ қилишлари лозим, токи бир қарашда уларнинг қайси соҳадан эканлигини ажратиш мумкин бўлсин. Унинг ўзи эса ҳафтанинг маълум кунида осмондаги бирон сайдеранинг рангига ва қиласиган ишининг мазмунига мос кийинишига ҳаракат қиласди. Нури кўкиш Зухра юлдузига нисбат берилган душанба кунида Ҳумоюнинг кийимида мовий ва яшил ранглар устун бўларди. Сешанба куни Ҳумоюн учун қизғиши нурли Миррих юлдузининг куни. Сешанбада унинг қабулига амири ғазаб номини олган хибсона бошлиги из жаллодлар саркори оғир жиноят қилган айборларни олиб киради. Ҳумоюн уларнинг энг ашаддийларини қатл эттиради.

Табиятга қиёсан жорий этилган «Қонуни Ҳумоюнийни» «шоирона дид билан қилинган қашфиёт» деб мақтаб юрганлар оз эмас. Айниқса, осмон тимсолида биринчи ўринга кўйилган аҳли давлат вакили Байрамхон янгича тартибдан жуда мамнун. Аммо Саид Халил каби руҳонийларнинг алами чексиз. Ахир осмон илоҳиёт макони эмасми? Илоҳиёт илми билан шугулланувчи уламолар, сайдлар осмон рамзи бўлган олий табакага киришлари керак эди-ку. Ҳондамир «олий қашфиёт!» деб мақтаган «Қонуни Ҳумоюний» Саид Халил бошлиқ руҳонийларга шайтоний бир ўйиндай, қуруқ хаёлпаратсликдай туюлади. Саркори ҳавоий эмиш! Осмонда тутқич бермай юрадиган ҳавога ким саркорлик қила олади? Миррих юлдузи қаёқда-ю, подшо киядиган кийимнинг ранги қаёқда?!

Бу тажанг ўйлар тъсирида шайхулислом Лахўрдаги Комрон мирзони ва шарқдаги Шерхонни илиқ бир хайрихохлик билан эслади. Комрон акаси Ҳумоюнни писанд қилмаслиги Саид Халилга кўпдан маълум. Комрон пок мусулмончиликни маҳкам тутади, Ҳумоюнга ўхшаб, мажусийларга ён босмайди. Байрамхон каби даҳрийларни тўрга чиқармайди. Комроннинг мана шу хусусиятини билган Саид Халил орага ишончли одамларни қўйиб, у билан аллақачон маҳфий алоқа ўрнатган. Ҳумоюн узоқ вилоятларга кетганда Комрон мирзога шошилинч хуфия юбориб, Лахўрни тезрок эгаллашга ундан диний пешво — Саид Халил. Комрон унинг айтганини қилди-ю, Кобулга Панжобни қўшиб олиб, акасидан зўрроқ бўлди. Энди агар шарқда Шерхон бош кўтаргани рост бўлса, Ҳумоюн отда бир ойлик йўл бўлган Бихарга қўшин тортиб кетиши аник. Ўшанда Саид Халил Комрон мирзога яна битта яширин мактуб ёзиб, «Аграни

эгаллаш пайти келди», дейди. Шунда Комрон мирзо Ҳиндистон таҳтига чикса, Саид Халилдан умрбод қарздор бўлади, унинг чизган чизигидан чиқмайди.

«Қонуни Ҳумоюний» ҳам ва бугун Саид Халилнинг аламини келтираётган бошқа нарсалар ҳам бир зарба билан нест-нобуд бўлади.

Фил миниб бораётган подшо одамларга жуда қурдатли кўринса ҳам, аслида унинг ҳокимияти ичдан зил кетиб заифлашиб колганини, Ҳумоюн таҳтдан ағдарилиши мукарарлигини Саид Халил зимдан сезади ва бу ҳодисани қўлидан келганича тезлаширади.

* * *

Ташқаридан қараганда катта ҳаъзамат ва силлиқлик билан ўтаётган наврўз намойишининг ичи қалтироқ эканини, ясан-тусан мавқаб ботиний зиддиятга тўлиб бораётганини Ҳумоюн ҳам сезади. У яширин зиддиятлар заҳрини беғубор одамларнинг олқиши билан кесмокчи бўлди-да, шиговулга яна танга сочишни буюрди. Шиговул сикимини тангага тўлдириб, ширадор, йўғон овоз билан одамларга мурожаат қилди:

— Ҳалойик, огох бўлинг! Бугун илон йили тугаб, от йили кирди! От — инсонга вафодор жонивордир! Бу йилги наврўз ҳаммангиз учун хайрли бўлсин! Шу улуғ айёмда ким қандай яхши ният қиласа илоҳим муродига етсин! — деб шиговул ҳалойик устига сикимидағи тангаларни сочди.

Ҳумоюн ок соқолли чолнинг ёнида уч яшар ўғилчасини кўтариб турган барваста йигитни кўрди. Чол юзига фотиха тортганда бола ҳам бобосига кўшилиб омин қилди...

Билмайдиган одам фил миниб бораётган Ҳумоюни: «Хеч нарсадан камчилиги йўқ, беармон йигит», деб ўйлади. Лекин ҳозир унинг хиёбон четида ўғилчасини кўтариб турган ўша оддий йигитга ҳаваси келди. Қани, толе унга ҳам шундай ўғил берса! Бундан беш йил олдин ўғил кўриш орзуисида у иккинчи хотин олди. Оддий ясовулининг қизи бўлган Меважон исмли бу чиройли жувон ўша йили ҳомиладор бўлди. Моҳим бегим ҳали хаёт эди, бўлаҗак невараасига атаб кўйлакчалар тикдирди. Лекин Меважон ўн ойда ҳам, ўн бир ойда ҳам туғмай, қорни қаппайиб юраверди. Кейин билсалар шунчаки... елбўғоз экан. Ҳумоюн буни ҳам тақдирнинг аччик бир кинояси деб билиб, жуда каттиқ изтироб чекди. Худди ўша йили ииниси Комроннинг хотини кўчкордай ўғил туғди. Ҳозир бу бола катта-

гина бўлиб қолган. Ҳумоюн уни ҳар кўрганда кўзлари ҳавас билан ёнади...

Шиговул хуржундан яна танга олди:

— Ҳалойик, Ҳумоюн ҳазратлари наврўз айёмида килган барча яхши ниятларига етсишлар! Янги йил ҳазратимга қўчкордай ўғил ато этсин! Омин!

Сочкининг кетидан югуриб танга талашаётганлар, албатта, дуога қулок ҳам солишгани йўқ. Лекин хиёбон четида Ҳумоюнга жим қараб турган бояги чол яна юзига фотиха тортиди. Шу пайт Ҳумоюннинг кўзи хиёбон четидан отлик бораётган кизларга тушди. Улар юзларига оқ ҳарир парда ёпганлари учун кош-кўзлари унга аник кўринмайди. Лекин толма беллари ва фотихага кўтарилган нозик кўллари йигитга жуда сеҳрли туюлди.

Чавкар от минган Ҳамида бону Ҳумоюннинг тикилиб қараганини энди сезди. Бир пайт шамол кизнинг юзидаги ҳарир пардани кўтарди-ю, бир лахза кўз кўзга тушди.

Шундай гўзал қиз Ҳумоюнга ўғил тилаб қўлини юзига сургани йигитга беҳад ёқимли туюлди.

Бу орада мавқаб дарё бўйидаги подшо боғига яқинлашди. Ҳумоюн бошлик аҳли давлат боғнинг улкан дарвозасидан ичкарига кира бошлади. Дарвоза олдида узун найза тутган кўрикчи йигитлар хиёбон четларидан томоша килиб келаётган ҳалойикнинг йўлини тўсдилар. Бокқа факат маҳсус руҳсати бор одамларига кириши мумкин. Бу руҳсатномалар турли хил ёй ўки шаклида таркатилган. Мавқаб кетидан боғ дарвозасига яқинлашган Гулбадан бегим отининг эгари кошидаги соқдондан олтич учли ёй ўқини олиб сокчиларга кўрсатди. Улар бусиз ҳам подшонинг синглисими таниб қолган эдилар. Бегим билан отлик келаётган Ҳамида бонуга ва Султоним бегимга енгил таъзим билан йўл бердилар. Боғ ичига кирганларни шифовул тартиб билан турли йўлкаларга йўналтириб турибди.

Ҳумоюн минганд фил боғ тўридаги икки қаватли кўшк томонга бурилди. Ҳамидалар эса Жамна четида лангарташлаб турган шохона кемаларга томон йўл олдилар.

Бу кемаларни ҳайдайдиган эшкакчилар орасида Низом ҳам бўлиши керак. Ҳали кема сайрида Ҳонзода бегим уни Ҳумоюн билан таништирса-ю, буни Низом ҳам кўрса... Ҳамида шуни ўйлаган сари қўнгли безовта бўларди.

* * *

Фил баланд шоҳсупага ёнини бериб тўхтагач, Ҳумоюн устидан тушди-да, кўшкнинг иккинчи қаватидаги кабулхонага кирди.

Бугун байрам бўлса ҳам, давлат иши танаффус билмайди. У кема сайрига чиқишдан олдин кечиктириб бўлмайлиган фавқулодда ишлар бўйича кўрсатмалар бермоғи керак. Гилам устида тикка турган кўйича Турдибекдан сўради:

— Шарқдан не хабар бор?

— Ҳазратим, Шерхон Чунорга хужум бошлабдир.. калья ичидағилар қамалда қолмишлар. Ҳозир келган ахборотга караганда, бизникиларнинг ахволи танг. Тезда ёрдамга етиб бормасак, калья иликдан чиқиши мумкин.

Отда Чуноргача ўн беш кунлик йўл. Ҳумоюн ўзи бор кўшиничи бошлаб бормаса бошқа ҳеч бир бек Шерхонга бас келолмайди. Бир йилда бир келадиган наврўз кунини ҳам хотиржам ўтказиб бўлмаслиги Ҳумоюнга жуда малол келди:

— Чунордагилар вахима қилмасин!— деб кесиб-кесиб гапирди:— Қалъа деворлари мустахкам! Бултур биз бу кальяни қамал қилганда Шерхон уч ойгача дарвоза очтиримаган эди! Наҳотки бизнилар бир ойга ҳам бардош беролмасалар? Қалъа бошлигига ҳозирок маҳсус чопар билан фармойиш юборинг! Ҳимояда каттиқ турсинлар. Биз бир ойга колмай етиб боргаймиз!

— Бош устига, ҳазрати олийлари!

Турдивек таъзим килиб оркаси билан юриб эшикдан чиқкач, Ҳумоюн шоҳнишинга ўтиб ўлтириди. Аркони давлат одатдагидай унинг ўнгу сўлига тизилгандан кейин шифовул бошқа мамлакатлардан келган элчиларни бошлаб кириди.

Биринчи бўлиб кирган Эрон вакиллари таҳтга якин энг мўътабар ўринга ўтказилди. Ҳумоюн отасининг шоҳ Исмоил билан бошланган ҳамкорлигини унинг ўғли Тахмасп билан давом эттироқда эди. Бухородан келган шайбонийзодалар элчиси Эрон вакилларини кўрарга кўзлари йўқ. Аммо Ҳумоюн улар билан ҳам савдо-сотик қиласи, мамлакат ичи шундай пароканда ва нотинч бўлиб турганда шимолий чегараларда яна уруш чиқиб кетмасин учун шайбонийзодалар юборган элчиларнинг кўнглини олишга интилади. Шунинг учун Бухоро элчиси подшонинг чап томонидаги мўътабар жойлардан бирига таклиф этилди. Ҳумоюн Эрон ва Турон элчиларини бугунги дарё сайлига ўзи билан бир кемага ўтказиб олиб борадиган бўлган.

Кемага энг нуфузли аъёнлар ҳам чиқиши керак, жой эса хисобли. Бунинг устига узок Португалиядан совғасалом билан келган Алваро Пакавира ҳам бутун Ҳумоюннинг ҳузурига киришга руҳсат сўраган. Ҳумоюн Европа

мамлакатларини бир-биридан кўпда фарқ килмас, уларнинг ҳаммасини Фарангистон деб атар эди. Шиговулга:

— Фарангистон этчисини чорланг! — деб буюрди.

Шими тиззасидан пастга тушмайдиган, қимматбаҳо шоҳи пайпоклари болдирига ёпишиб, оёғи шилдинглаб кўринадиган, чиройли кора мўйловлари ўзига ярашган Алваро Пакавира кора шляпасини ўнг кўлига олди-да, ўша қўлини шляпа билан пастга сермаб таъзим килди. Орқароқда Пакавиранинг мулоҳизми силлиқ қизғиши ёғочдан жимжимили қилиб ясалган узун бир гилофни кўтариб турибди. Пакавира форсий сўзларни португалча оҳангда талаффуз этиб деди:

— Бутунги наврӯз айёмида биз Ҳиндистоннинг улуғ хукмдори Ҳумоюн ҳазратларига Португалия устолари олтишу кумушлар билан безаган жанговар бир қурол келтирдик! — Пакавира гилофлан картеч солиб отиладиган йўғон кувурули милтиқ олди: — Бунинг кўндоғига Ҳинд уммонининг садафлари қадалган, кувури испан кумуши билан безатилган. Тепкиси эса Португалиянинг соғ олтинидан ясалган!

Беку аъёнлар бирдан жонланиб, Пакавиранинг кўлидаги қуролга қизиқиб кўз юргутиридилар. Бундан дадилланган Пакавира совғасини подшога ўз қўли билан топшироқчи бўлиб, шоҳнишинга караб ўта бошлади. Шунда Ҳумоюн ўнг томонда турган Байрамхонга имо қилди. Байрамхон беклар сафидан чикиб, меҳмоннинг йўлини тўсди. Пакавира милтиқни икки кўллаб Байрамхонга топшириди-да, орқаси билан юриб, авалги жойига чекинди.

Байрамхон Ҳумоюннинг ишораси билан милтиқни унинг оёғи тагига кўндаланг қилиб ётқизиб қўйди.

Ҳумоюн элчига караб:

— Жаноб Пакавира, — деди. — Биз Фарангистон устоларининг меҳнатларини эъзозлаймиз, наврӯз куни бизни йўқлаганингиз учун сиздан ҳам мамнунмиз. Бироқ... бу тўфангнинг ўқини кимга бергансиз?

— Ҳазрати олийлари, ўқ-дору солинган кутиларимиз кемада қолган. Бу мухташам кўшкка ўқ-дори кўтариб киришдан тортиндик. Агар сиз хоҳиш билдирангиз, исталганча ўқ-дори келтириб беришга тайёрмиз!

— Тўфанг ўқ-дору бобида фарангилар Баҳодиршоҳга ҳам кўп саховат кўрсатган эдилар. Гужаротдаги жангларда Баҳодиршоҳнинг одамлари бизнинг не-не беку навкарларимизни фаранг тўфанглардан отиб ўлдирганлари хали ёдимииздан чиккан эмас!

— Ҳазрати олийлари, Баҳодиршоҳ бизга ҳам душман

бўлиб чиқди. Унга Сурат бандарида¹ испан савдогарлари тўфанг сотганлар! Ўқ-дорини ҳам Баҳодиршоҳ ўшалардан сотиб олмишdir.

— Жаноб Пакавира, Ҳиндистонга қачон келгансиз? Уч йил? Уч йилдан бўён қаерда истикомат қилмоқдасиз?

— Кўпроқ Гоа оролида.

— Баҳодиршоҳ Гоа оролида яшаган фарангилар билан иттифок тузган эмасмиди?

— Аммо Баҳодиршоҳ кейин бу иттифокни бузди, бизга ҳам хиёнат қилди. Шундан сўнг бизнинг одамларимиз уни ўлдирдилар. Биз энди сиз билан ҳамкорлик килиш орзусидамиз, ҳазрати олийлари!

Ҳўмоюн кинояли жилмайди:

— Худо кўрсатмасин, агар биз ҳам Баҳодиршоҳга ўхшаб жангда енгилсак, сизлар кейин унинг кунини бизнинг бошимизга ҳам соглаймисиз?

— Алҳазар! — деб қўйди Саид Халил.

Ўнғайсиз ахволда қолган Пакавира шляпасини у кўлидан бунисига олди-ю:

— Ҳазрати олийлари, сиз енгилмас баҳодирлардан сиз, — деди. — Биз ишонамизки, сизга қарши бош кўтарган Шерхон ҳам Баҳодиршоҳ каби мағлуб бўлгай. Сиз унинг устидан ғалаба қозонишингиз учун қанча тўфанг, қанча ўқ-дори керак бўлса биз сотишига тайёрмиз.

Ҳумоюн ҳозир қамал азобидан кийналаётган Чунор калъасидаги одамларини кўз олдига келтириди-ю, юзи тундлашди. Денгиз орқали Бангола ва Даккага сузиб борган фарангилар Шерхонга мана шунака кувури йўғон тўфанглар ва мушкет ўқлар сотаётганини Ҳумоюн мушрифлар² юборган ахборотларда ўқиган эди. Қамалдагиларни тутдай тўқаётган бу хатарли ўқлар ҳозир унинг оёғи тагида ётган олтин тепкили тўфангдан ҳам отилиши мумкин. Денгиз бўйларида вилоятларнинг рожа ва маҳарожалари ҳам фаранг қуроллар сотиб олаётгани маълум.

— Сиз фарангилар, қурол сотиб сармоя орттириш билан қаноат килсаларингиз кошки эди! — Ҳумоюн элчига кўзини қадаб гапириди: — Бироқ Бангола орқали Шерхонга қурол етказиб бераётганлар бизнинг салтанатимизни эгаллаш тамаидадир!

— Ҳазрати олийлари, Дакка орқали қурол-ярог сотаёт-

¹ Бандар — порт,

² Мушрифлар — қўшини ўлкаларда яширин иш олиб борувчи разведкачилар.

ганлар биз эмас, балки инглизлардир! Инглиз савдогарлари бизга ашаддий рақибдирлар! Биз, португалияллар, сизга факат яхшилик истаймиз!

— Шахсан сиз тўгрингизда ёмон сўз айтмоқчи эмасмен, жаноб Пакавира! Сиз ҳозир биз учун ҳурматли меҳмонсиз. Аммо Ҳиндистонга келган бошка фарапнилар мамлакатнинг бир ўлкасини иккинчисига қарши уруштириш ҳаракатидар. Биз улар сотаётган куроллар билан бир-биirimizни кириб ташласак, кейин Ҳиндистон уларнинг тасарруфига ўтиши осон бўлғай! Аммо бундай шум ният билан курол сотган фарапнилар билсинларки, улар олиб келган тўфанглар ахийри ўзларига қарши отилгусидир!

Алваро Пакавира бу гаплардан талвасага тушиб, кора шляпасини яна бир марта пастга сермаганича таъзим бажо кеттириди:

— Ҳазрати олийлари, фарапнилар орасида шум ниятлilarи ҳам йўқ эмас, сиз буни доноларча пайқабдурсиз. Аммо биз сиз томонингизда туриб ана ўша шум ниятлilar билан жанг килишга тайёрмиз! Чунки сизнинг пайтамбарингиз Мухаммад алайхиссалом қуръони шарифда бизнинг муқаддас китобимиз Имжилми эҳтиром билан тилга олмишdir. Буни давлатингизнинг диний пешволаридан Саид Халил жанблари ҳам тасдиқлашлари мумкин.

Пакавира Саид Халил томонга олазарак бўлиб қараб кўйди. Саиднинг кўли узун енги ичидан кўринмас, аммо бармоклари билан тасбех ўгириб ўлтиргани енг увидан чикиб турган иирик марварид доналарнинг секин силжиётганидан билинар эди. Бу марварид тасбех уч кун бурун Саид Халилга Пакавира томонидан инъом этилганини Ҳумоюн хуфияларнинг кечаги ахборотида ўқиган, «таксиримнинг қимматбаҳо жавохирларга ўчлигини фарапнилар ҳам билиб қолибдир-да», деб ўзича ажабланган эди. Ҳозир эса Ҳумоюн Саид Халилга Пакавира тушунмайдиган туркий тилда савол берди:

— Таксир, гайридинлар илкидан олинган инъом сиздек табаррук зотга жоизмикин?

Ҳумоюн Саид Халилнинг кўлидаги марварид тасбехга маъноли килиб каради. Саид Халил сири фош бўлишидан чўчиб, тасбехни дарҳол енг ичига яшириди-ю, томоқ қириб:

— Ҳазратим, насоралар¹ гайридин бўлсалар ҳам, ҳар ҳолда, бизга мажусийлардан кўра яқинроқдир,— деди.

— Сабаб?

¹ Насора — христиан.

— Сабабки, мажусийлар ўнлаб худоларнинг ҳайкаларини ясаб, уларнинг ҳаммасига сигингайлар. Қайси улуснинг худоси кўп бўлса, ундай улусда яқдиллик бўлмагай, мамлакат ҳамиша парокандаликлан азоб тортқай. Аммо насоралар ҳам биз бир худога сажда қилурлар, Исо алайхиссаломга сигинурлар. Муҳаммад алайхиссалом ўз умматларига мурожаат этиб дейдиларки, «Исо ва Мусо пайтамбарлардан ажралманлар, имонда доим бирга бўлинглар».

Пакавира форсий тилда бу гапларни эшитганда каддини тиклаб, кўкрак кериб, атрофига голибона назар ташлай бошлади. У энг мўътабар элчилар каторида шохнишинга якин ўнг томондан жой кўрсатилишини ва бугунги дарё сайрига подшо билан бир кемада чиқишини мўлжаллаб турибди.

— Таксирим,— деди Ҳумоюн шайхулисломга.— Мехмон имон жиҳатдан самимий бўлса, биздан ҳам самимий эҳтиром кўргай. Нек ният билан келган бўлса, биз ҳам унга яхшилик қилаильик. Жаноб Турдибек, фарапнистонлик меҳмойга кимхоб тўн инъом этилсин.

— Бош устига, ҳазратим!

Кимхоб тўн Пакавиранинг елкасига ташлангач, Ҳумоюн сўзида давом этиди:

— Богда хизмат қилувчи мулозимларга буюринг, тиллакори толорда жаноб Пакавира учун махсус ластурхон ёзиб, наврўз неъматларидан зиёфат берсинлар!

Алваро Пакавира елкасидаги кимхоб тўндан терга ботиб кўшқдан ташқарига чикар экан, дарёда чайқалиб турган кемаларга энди аламли назар ташлади. Унинг бу ерга келишдан максади — бир амаллаб Ҳумоюннинг пинжига кириш, подшо кемасида энг ишуғули аъёнлар билан бирга сайр қилиш, улардан танишлар ортириб, порага учадиганларини кўлга олиш эди. Лекин Ҳумоюн унга мана бу оғир тўнни кийдирди-ю, рухсат бериб юборди. Энди Пакавира хувиллаган богда бир ўзи кема сайрига муносиб кўрилмаган учинчи даражали мулозимлар орасида ейдиган зиёфати томонидан ўтадими? Ҳумоюн унинг ниятларини йўкка чиқариб, устидан кулиш учун атайлаб шундай килди, чамаси. Аммо ким кимнинг устидан кулишини Алваро Пакавира ҳали унга кўрсатиб кўяди! У Ҳумоюндан иш чиқмаслиги мумкинлигини олдиндан хисобга олиб, энг ишончли одамларидан бирини ўтган ҳафта Шерхоннинг ҳузурига жўнатган. Энди бугундан қолмай ўзи ҳам Шерхон томонга йўл олади. Наврўз баҳонасида Ҳумоюн кайф-сафо килиб, бепарво юраверсин. Алваро Пакавира

унинг саройида кўрганларини, оға-инилар ва подшо билан руҳонийлар орасидаги зиддиятларни Шерхонга батафсил айтиб беради. Сайд Халилдан қандай фойдаланишнинг йўлларини тушунтиради. Пакавира Ҳумоюннинг барча душманларини Шерхон атрофига йиғиб, бу темурйизодани таҳтдан ағдармагунча бугунги аламидан фориғ бўлмайди!

Ичкарида колган Сайд Халил ҳам Пакавирага ўшаб, подшонинг масҳарасидан адоват туйгусига тўлиб ўтирибди. Шунинг устига Ҳумоюн Сайд Халилнинг ашаддий рақиби Ҳўжа Ҳусайнни ўз ҳузурига чорлади.

Узоқ шимолга элчи бўлиб кетганича тўккиз йилдан бери дом-дараксиз йўқолган бу одам ҳали ҳам тирик эканми? Шиговул эллик ўшлардаги мошгуруч соқолли, барваста ва озгин Ҳўжа Ҳусайнни эшикдан бошлаб кирганди Сайд Халил уни таниб, юраги шиф этиб кетди. Бу ўша — Бобурга жуда ёқиб қолган ва унинг ёрдамида энг олий диний мансабни Сайд Халилдан тортиб олмоқчи бўлган Ҳўжа Ҳусайн! У пайтларда соч-соқоли коп-кора, кирқ ёшли норгул қори эди. Энди юзлари, пешона ва чаккалари кексалик ажиллари билан копланибди. Аммо қадам олиши ҳали ҳам тетик. Ўшанда Сайд Халил бу хатарли рақибдан кутулиш учун уни гайридинлар яшайдиган узоқ Московияга¹ элчи килиб жўнатишга астойдил интилган эди. Унга қўл келган далил Ҳўжа Ҳусайннинг хоразмлик бўлгани ва йигитлик пайтларида Дашиб Кипчоқ орқали Московияга бориб келгани эди. Шайх Ҳусайннинг ўзи ҳам Бобурга шимолдаги корли чўллар, гаройиб ўрмонлар, қалин муз остидан скадиган дарёлар, қиши бўйи чана ва чангиди юрадиган одамлар ҳакида ма-роқли ҳикоялар айтиб берган эди. Табиатан сайёҳ бўлган ва янги ўлкаларни кашф этишга жуда қизиқадиган Бобур Московияга элчи юбориб, ҳамкорлик қилиш ва икки орада карvon йўли очишини ихтиёр килди. Сайд Халил элчиликка энг муносиб одам килиб Ҳўжа Ҳусайнни кўрсатди.

Ҳўжа Ҳусайннинг ўзи ҳам хинд иссиқларидан кийналиб юрар, салқин ўлкаларга саёҳат қилишни истар, Московияга бориб келишда туғилиб ўсган юрти Хоразмни яна бир кўришга иштиёқманд эди. Бобур элчиликка ундан муносибоқ одам топа олмай, ҳижрий 937²да Ҳўжа Ҳусайнни Московия подшосига аталган мактуб ва совғасаломлар билан Аградан жўнатиб юборди. Ўша йили кеч

кузда Бобурнинг ўзи бедаво касалга учраб вафот этди. Ҳўжа Ҳусайн эса ўша кетганича қайтиб келмади.

Сайд Халил ундан бутунлай кутулдик деб юрганда, бугун яна Ҳўжа Ҳусайн қаёқлан пайдо бўлиб қолди? Ҳумоюн ҳам унга алоҳида эҳтиром кўрсатиб ўрнидан турди ва қўл берди. Одатга биноан, Ҳўжа Ҳусайн подшоҳнинг қўлини тавоғ қилиб ўпди-ю, бирдан кўзига ёш олди:

— Ҳазратим, сизни кўрадиган кун ҳам бор экан!

— Мавлоно, нечун бунчалик ҳаял қилдингиз? Тўккиз йил бўлдими?

— Бутун тўккиз йилим сарсону саргардонликда ўтди, амирзодам! Бориша Эрону Кавказ орқали кетсан бўлар экан. Туғилган юртимнинг мәҳри тортибди-ю, Мурғоб дарёсидан ўтиб, Хоразм орқали боражак бўлдим. Лекин Марвда шайбонийзода султонларнинг илқига тушиб қолдим. Бобуршоҳнинг номини эшитса тўнларини тескари киядиган жоҳиллар бор-будимни мусодара қилиб, ўзимни зинданга ташладилар. Энди тирик кутулмасмен деб ўйлаган эдим. Хайриятки, хоразмлик кариндошларим хабар топиб кафилга олдилар. Хоразмдан Московияга карвои қатнамай қўйибди. Шунинг учун Хурросонга қайтиб келиб, Мозандарон орқали Кавказга бордим. Ҳамма жойда юрт нотинч, ўзаро урушлар, қароқчилар... Ҳазар деңгизидан Идил¹ орқали Московия мамлакатига этиб боргунимча уч йил ўтди. Кимматбаҳо савғолардан айрилиб абгор бўлдим! Факат Бобур ҳазратлари ёзган мактубни жон ўрнига асраран эдим, алқисса, Московия подшосига элтиб топширдим.

Ҳўжа Ҳусайн бир уҳ тортибди-ю, бошини ҳам қилиб давом этди:

— Московия тахтида улуг қиназ² Василий Иоаннович деган киши ўлтирган экан. Менинг хароб аҳволимни кўриб, Ҳиндистон подшосининг элчиси эканимга унча инонмади.

— Мактубни ўқиса муҳридан ҳам билиши мумкин эди-ку? — ҳайрон бўлиб сўради Ҳумоюн.

— Не тил билан айтай, амирзодам, мактубнинг муҳр босилган жойи ҳам уч йил давомида ҳилвираб таниб бўлмас аҳволга тушган эди.

Московия подшоси эса Бобур ҳазратларининг Ҳиндистонга подшо бўлганиларидан мутлақо бехабар экан. Икки орадаги масофалар шунчалик узоқ, борди-келди йўқ.

¹ Московия — Москва дегани.

² Ҳижрий — мелодий 1530 йилга тўғри келади.

Хиндишондан Московияга борган биринчи одам мен эканман. Шоҳона совгаларимни йўлда қарокчиларга олдирив кўйганим учун Эрондан майдо-чуда мол олган эдим. Улар Хиндишон моли ўрнига ўтмади. Алкисса, Московия подшоси айтдики, эхтимол, сен бир сайёхдирсан, Бобур — подшоми ёки подшонинг хизматидаги одамми — бизга маълум эмас, шунинг учун биз унга ўз элчимизни юбора олмаймиз, аммо Хиндишон билан Московия орасида сен каби сайёхлар бориб-келиб турсалар, биз унга тарафдормиз¹.

Сайд Халил Хўжа Ҳусайннинг элчиликни эплай олмаганидан қувонгандай лабини буриб:

— Ана холос! — деб кўйди.

Бу сўзлардаги истеҳзони сезган Хўжа Ҳусайн Ҳумоюндан ҳимоя истаб гапиди:

— Лекин мен Московиядан натижасиз қайтганим йўқ, ҳазратим! Московия ҳалки орасида бизнинг элларни кўрган одамлар ҳам бор экан. Улар менинг элчи бўлиб борганимга ишондилар. Подшоларидан кўрмаган иззат-икромни мана бу Матвей Калитинга ўхшаш яхши рус кишиларидан кўрдим!

Хўжа Ҳусайн шундай деб орқасига ўгирилди ва қўлқопли ўнг қўлига чиройли қарчигайни қўндириб турган қўнғирсоқол одамни кўрсатди.

Хўжа Ҳусайн шимол совукларида шамоллаб, элчилиги натижа бермаганидан эзилиб касал бўлиб ётганда мана шу одам уни сўроқлаб келади. Савдо карвонлари билан саёҳат қилишини яхши кўрадиган Матвей Калитин бундан юз йиллар олдин Хиндишонга келиб кетган Афанасий Никитиннинг ихлосманди эди. Унинг қўлида Афанасий Никитиннинг Хиндишон сафари ҳакидаги кундалик дафтаридан кўчирилган қўлёзма китоб бор эди. Матвей Семёнович бу китобни қайта-қайта ўқиган, унда учрайдиган баъзи туркйча ва форсий ибораларни тушунмаса ҳам, Афанасий Никитин қаламга олган юртлар тасвирига ниҳоятда қизикиб юрар эди. Карвон бекатида касал бўлиб

¹ Хиндишондан Москвага биринчи марта Бобур элчиси борганинг ўша даврнинг катта воқеаларидан бири бўлганини зийрак рус солномачилари сезадилар. Улар Хўжа Ҳусайннинг номини ҳам, Бобур юборган ёрлика Хиндишон билан Москва орасида дўстлик ва биродарлик алоқаларини ўрнатиш таклиф қилинганини ҳам, Василий Иоаннович бу ёрликка жавобан 1533 йилнинг сентябрь ойидагималар деганини ҳам маҳсус солномага батафсил ёзиб қўядилар. Бу солнома улға рус тарихчиси Н. М. Карамзиннинг асарида XII жилд, 1852 й. нашри, 163-бетда келтирилган.

ётган Хўжа Ҳусайн ҳиндишонлик эканини эшигтан Матвей уни ўзининг уйига олиб кетади, унга айик ўтидан тайёрланган дорилар ичириб даволайди. Хўжа Ҳусайн Матвей Семёнович Калитиннинг юрти Муромда уч йил қолиб кетади. У билан хизматкорига муромликлар ўрмон четидан ёғоч уй қуриб берадилар, уни «Бабурин посол», яъни «Бабурнинг элчиси» деб ҳурмат киладилар. Бора-бора Хўжа Ҳусайн руслар орасида Бабурин деган фамилия билан танилади. У хизматкори билан ўрмон четида турадиган жойга «Бабуринский хутор» деган ном берилади. Матвей Семёнович билан Хўжа Ҳусайн бир-бирларининг тилларини ўрганишади. Дарё йўли билан Новгород орқали Козон ҳонлигига бориб, тижорат килишади ва Хиндишон сафари учун маблағ йиғишишади. Кўп хавфу хатарларни бошдан кечириб, ниҳоят, Аграга келишади.

Ҳумоюн бу гапларни эшигтандан сўнг Хўжа Ҳусайннинг ҳамрохи бўлган қўнғирсоқол барваста Матвей Семёновичга қизикиб қаради. Калитин чарм қўлқоп кийган қўлидаги бўз қарчигайнинг кўзлари юпқа чарм никоб билан тўсиб қўйилган. Ён эшикдан подшо қушчиси ҳам ўнг қўлига қўлқоп кийиб чиқди. У қарчигайни меҳмоннинг қўлидан секин олиб, ўз қўлига қўндирап экан, жим ўтирган күш қанотларини ёйиб, қаттиқ бир талпинди. Шунда унинг ўткир тирноклари қушчининг қўлқопли қўлини шахт билан ҷангллади. Ҳумоюн қўлқоп чармига тигдай ботган тирнокларга қараб, Московия қарчигайнинг забардаст эканини пайқади.

Матвей Калитиннинг кетидан келаётган хизматкор йигитнинг қўлида яхшилаб тахланган ва мўйнаси олтиндай товланаётган самур¹ пўстин бор эди. Совға қабул киласидиган ясовул уни хизматкорнинг қўлидан олиб, ичкарига кириб кетди.

Қўли бўшаганидан енгил тортган Матвей Семёнович бошидан картузини олиб подшога таъзим қилар экан, унинг ўsic қўнғир соchlари пешонасига осилиб тушди. Ҳумоюн унинг номини туркйча талаффуз билан айтиб:

— Жаноб Матвий,— деди,— шунчалик узоқ йўллардан етказиб келган нодир совғаларингиз учун сизга ташаккур. Аммо биз учун бу совғалардан ҳам азизроқ инъомингиз — Хўжа Ҳусайнни омон саклаганингиздир, у билан ҳамроҳ бўлиб келганингиздир!

Туркй тилни Хўжа Ҳусайн ёрдамида ўрганган Мат-

¹ Самур — соболь.

вей Семёнович ҳали талаффузда бир оз қийналар, айниқса, «х» деёлмас эди:

— Газрати олийлари, Гўжа Гусейнни бизнинг Москвага юборганларингиз мен учун-да, буюк бир инам бўлди. Унинг шарофати билан гарайиб мамлакатларни кўрдим.

— Биздан не тилагингиз бор? Айтинг.

— Мен тижорат иши билан келмишмен. Агра бозорида «сен насора» деб, божу хирождан ташкари, молимга тамга солиғи ҳам солдилар.

Хумоюн вазирга юзланди.

— Жаноб Турдибек, московиялик меҳмонга бизнинг номимиздан ёрлик беринг, унинг молларидан тамга солиғи олинмасин, қаламравимиздаги барча бозорлар, ҳамма ём бекатлари жаноб Матбийни бизда бор имтиёзлардан баҳраманд килсинлар. Чунки Хўжа Ҳусайн уч йилда зўрға етиб борган узоқ Московиядан бу ерга нодир моллар олиб келишнинг ўзи бир жасоратдир.

— Ҳақ гап айтдингиз, ҳазратим,— деди Турдибек тъзимга бош эгиг.— Фармойишингизни бажонидил адо этгаймен! Токи жаннатмакон отангиз ният қилганларидек, Ҳиндистон билан Московия орасида савдо карvonлари қатнашига имкон кўпайсинг!

— Ахир бу карvonлар факат мол ташимагай, балки икки орага таниш-билишлик риштасини тортгай,— деди Хумоюн.— «Танимаганни сийламас» деган гапнинг ростлигини Хўжа Ҳусайннинг бошига тушган савдо ҳам кўрсатмишдир. Агар икки орада борди-келди бўлса эди, Московия подшоси бизнинг кимлигимизни лоақал карvon билан келиб-кетган ўз сайёхларидан эшитиб билмоғи мумкин эди. Ана унда элчимизга муносабат ҳам бошқача бўлур эди... Жаноб Матбий, сиз насора динида бўлсангиз, Исо пайғамбарнинг умматимисиз?

— Айни шундай, газрати олийлари.

— Ундоқ бўлса... Сайд Халил жаноблари боя насраларнинг имон жиҳатидан бизга яқинликлари ҳақида кўп мўътабар далиллар келтирган эди. Энди биз ана шу далиллар асосида жаноб Матбийни наврўз сайлига таклиф этгаймиз!— Хумоюн ўрнидан турди ва Хўжа Ҳусайнга қараб давом этди:— Мавлоно, сиз ҳам аҳли давлат билан бирга бизнинг кемага марҳамат қилинг. Сизнинг шундай узоқ элларга бориб келганингиз — тарихда қоладиган улуғ иш бўлибдир. Энди йўл азобларидан фориғ бўлиб, истироҳат қилинг!

Хумоюннинг Хўжа Ҳусайнга кўрсатган ҳар бир илтифоти Сайд Халилнинг дилига гўё заҳарли тикан бўлиб

кадалар ва бутун вужудида оғрик кўзгатар эди. Ахир Хўжа Ҳусайн Сайд Халилнинг ашаддий рақиби эканини кўпчилик билади. Хўжа Ҳусайн ҳам оқсуяқ сайдлардан, илоҳиёт илмидан ташқари дунёвий билимларни яхши ўрганган, қилич такиб жанг қилиш ҳам, элчилик ҳам қўлидан келади. Шунинг учун Хумоюн уни Сайд Халилнинг ўрнига шайхулислом қилиб кўтаришни жон-дилидан истаб турибди.

Лекин Сайд Халил бунга йўл қўймайди! У диний ҳокимият подшо салтанатидан баланд туришини исбот этмоги керак.

Сайд Халил чора излаб атрофига қарап экан, кўшкда ўлтирганлардан нажот тополмаслигини сезди. Факат Лахўрдаги Комрон мирзо ва Чунор қалъасини камал қилаётган Шерхон Сайд Халилни муродига етказмоғи мумкин. Хумоюн Сайд Халил билан ўз муносабатларини шу дарражада кескинлаштирудими, энди унинг жазосини Шерхон бермоғи лозим. Шерхон бундан ўн йил бурун Бобур хизматига кирганда Сайд Халилга қўл бериб мурид бўлган эди. Кейинги йилларда оралари узоқлашиб кетган бўлса ҳам, Шерхон ҳалигача уни унутмаган экан. Ўтган хафта Шерхоннинг савдогар қиёфасида Аграда юрган хуфияси Сайд Халилни жоме масжидида холи топди. Унга Шерхон номидан олтин шамдон совға килди, сўнг маҳфий мактуб топширди. Мактубда Шерхон Сайд Халилни «пири бузруквор» деб улуғлаган, ўз юрти Бихарга таклиф этган ва энг олий диний пешволик лавозимини вайда килган эди. Сайд Халил Аграда ҳам диний пешво бўлгани учун, пойтактни ташлаб кетишга кўнгли бўлмаяпти. Энди агар Хумоюн унинг ўрнига Хўжа Ҳусайнни диний пешво қилиб кўтариш ҳаракатига тушса Сайд Халил жим қараб турмайди. Дарҳол Шерхоннинг мактубига жавоб ёзиб, ўша хуфия орқали Бихарга жўнатади, Хумоюннинг заиф жойлари нимада эканини Шерхонга бир-бир маълум қилиб, унинг галабасига кўмаклашади.

Хумоюн кўшкдаги ишларини тугатгач, беку аъёнлар билан бирга боққа чиқди. Мавқаб дарё четида турган кемаларга қараб борар экан, Сайд Халил бир четда мулозимлар тўпига қўшилиб кўзлари олазарак бўлиб турган Алваро Пакавирани кўрди. Кўз кўзга тушганда унинг Сайд Халилга айтадиган гапи борлиги сезилди. Хўжа Ҳусайн Московиядан бошлаб келган Калитин энг мўътабар меҳмонлар қаторида кема сайрига таклиф қилинди-ю, Сайд Халилнинг химоясидаги Пакавира бир четга чиқариб ташланди. Бу ҳам Сайд Халилнинг эътибордан қолғанини, унинг ўрнига Хўжа Ҳусайн кўтарилаётганини ошкора кўр-

сатмаяптими? Саид Халил фифони чикиб шунни ўйлаган пайтда боши искаңжага тушгандай оғриб, күзи тина бошлиди, кўйган қадами истаган жойига тушмай, гавдаси чайкалиб кетди.

Дарё бўйидаги кемалар томондан эса карнай вах-ваҳаси, ногораларнинг шодликка тўла така-туми ёнчилиб турибди. Бу ҳаммаси Саид Халилни баттар эзди, карнай-сурнайлар омади келган Ҳўжа Ҳусайн учун чалинаётгандай туюлди. Чунки Ҳўжа Ҳусайн хозир ахли давлат билан бирга энг олдинда турган подшо кемаси «Гунжойиш»га чикади. Саид Халил эса яна орка каторда — ахли саодат учун ажратилган иккинчи даражали «Осоийиш» кемасида ўлтиришга мажбур.

Йўқ, зинҳор! Саид Халил ранги ўчган ҳолда шифовулга ёндошли. Овози қалтираб:

— Менинг аҳволим ёмон! — деб шивирлади. — Бошим айланмоқда. Ҳафакон хуруж килди. Ҳазратим сўрасалар айтинг, факир муолажа қилгали уйга қайтурмен.

Шифовул унинг кўкариб кетган юзига караб:

— Ҳўй, таксир, майли, тангрим сизга саломатлик берсин! — деди.

Саид Халил орқасига қайтаётгандан яна Пакавирани кўрди. Баҳодиршоҳдай тождорни маҳв этган бу фарангилар — жуда катта куч, куроллари кўп. Саид Халил унинг Шерхон билан иттифок тузишига ёрдам берса, ана ундан кейин Ҳумоюн шайхулислом учун қазиётган чохига ўзи қулаши аниқ! Саид Халил шу ниятни дилига тукканда ўзини бирдан енгил сезди, бош оғриғи ҳам пасайгандай бўлди. У боғ дарвозаси томонга ўтар экан, Алваро Пакавирага «кетимдан боринг!» деган ишорани қилди.

* * *

Учинчи бўлиб турган «Ороийиш» кемаси олдида ясантусан аёлтар кўринди. Ҳумоюн уларнинг онабошиси Хонзода бегимни узокдан таниди. Синглиси Гулбадан, Ҳиндолинг келинчаги Султоним, ҳарам ахлидан Бека бегим олти яшар кизчаси Ақика билан... Бошка чиройли кизлар ҳам бор. Улар ким бўлди? Олдинда кетаётган Ҳумоюн укаси Ҳиндолни ёнига имлади. Турдивекка эса:

— Сиз элчиларни ахли давлат билан бирга кемага бошланг, — деди. — Биз Ҳиндол билан аммам ҳазратларини кўриб ўтайлик.

Оға-ини «Ороийиш» кемасига бурилдилар. Подшо келётганини кўрган аёллар қадди-коматларини ростлаб, Хон-

зода бегимдан нарида тизилиб турдилар. Ҳумоюн ва Ҳиндол аммаларига елкаларини бериб кўришар эканлар, ёш аёллар уларга бош эгиг таъзим килдилар. Ҳумоюн уларни наврўз билан муборакбод килди.

— Мана шу «Ороийиш» кемаси биздан сизларга наврўз савғосидир, — деб ҳазиллашиб.

Синглиси Гулбадан бегим Султоним билан шўх бир кўз уриштириб олди-да, ҳазилга ҳазил билан жавоб килди:

— Ҳазратим, саҳоватнингиздан миннатдормиз, аммо бу улкан кемани уйга олиб кетолмагаймиз. Биз, ожизалар, уйга кўтариб кетишга кучимиз етадиган совғалардан умидвормиз!

Ҳаммалари бир кулиб олдилар. Ҳумоюн:

— Улар ҳам берилгай! — деди. — Лекин аввал биз бир нени билайлик: бизга ҳам аталган наврўз савғоларнингиз бўлурми?

Кулги яна бир даража баландрок янгради. Гулбадан Хонзода бегимга қараб:

— Аммам ҳазратлари сизга атаб бир гаройиб савғо тайёрламоқчилар, — деди.

Ҳумоюн аммасига умид билан юзланди. Шунда Хонзода бегим Ҳамида бону ва унинг ёнидаги кизларга ишора килиб деди:

— Ҳумоюнжон, сиз кизларнинг чавгон ўйинига иштиёкманд эдингиз-а?

— Ҳа, наврўз айёмида биз учун бундан мароқли томоша ўйк.

— Ундоқ бўлса аниқ вақтини тайин этинг. Кизларимиз сизга чавгон томошаси кўрсатмоқчилар.

Ҳумоюн кизлар орасида энг кўхлиги бўлган Ҳамида бонуга кизиқиб қаради-ю:

— Бажонидил! — деди. — Мана бугунок...

Эрининг Ҳамида бонуга қараган кўзлари чўғдай ёниб кетганини пайқаган Бека бегим лаблари аламдан титраб гапирди:

— Ҳазратим, балки буғунга кема сайри ҳам етарлидир?

Ҳумоюн хотинининг саволи тагидаги аламли маънони тушуниб ўнгайсизланди. Икки ойдан бери Бека бегимни йўқламай кўйган эр яна онаси ўпмаган кизларга кўзи ёниб қарагани Ҳумоюннинг ўзига ҳам нокулай туюлди. Нарёқда иккинчи хотини Меважон ўзини баҳтсиз сезиб, ғамгин бўлиб юрибди. Ҳумоюн хинди тилини ўрганган, бултур Чанд биби деган хинд кизига ҳам уйланган эди. Бу жувон кеча хобгоҳда Ҳумоюннинг кўксига бош кўйиб юм-юм йиғлагани ҳозир эсига тушиб кўнгли хира бўлди.

Қора шириндан келган охудай чаққон Чанд биби Ҳумоюнга тегмасдан олдин қанчалик шўх ва кувнок эди! Унинг отаси Ҳумоюннинг кутубхонасида санскрит китобларни таржима ва талқин қилувчи олим бўлиб ишларди. Киз Ҳумоюнни кутубхонада мутолаага қаттиқ берилган пайтларда зимдан кузатиб юриб яхши кўриб қолган экан. Ҳиндларнинг Холи байрамида қизлар ўзларини химоя қила оладиган йигитни танлаб, унинг билагига бир шода гул тақадилар. Ракшабанди деб аталадиган шу одатга биноан Чанд биби Холи байрами куни боғда Ҳумоюннинг билагига чиройли гулшода тақди. Ўша дамда қиз ҳам Ҳумоюнга жуда ёқиб қолди. Балки унга валиаҳд ўғилини мана шу хинд қизи туғиб берар? Унга уйланиш билан балки Ҳумоюн хинд элининг кўнглига яхшироқ йўл топар?

Бироқ Саид Халил бошлиқ руҳонийлар бошка диндаги қизга никоҳ ўқишидан бош тортдилар. «Шариат бўйича қиз мусулмон динини қабул қиласин, сўнг биз никоҳ ўқиймиз», дейишди. Агар Чанд биби муслима бўлмасдан туриб ўғил туғса, уни мусулмон подшосининг таҳтига валиаҳд қилиш ҳам мумкин эмас — кўпдан қабул қилинган расму одат шундай. Ҳумоюн буни Чанд бибига тушунтириди, унга калимаи шаҳодатни ўргатди. Киз йигитга бўлган муҳаббати туфайли унинг айтганини килди. Хинд динида тангрилар кўплигини табиий деб биладиган Чанд биби эри сигинган яна битта худога сигинишни факат калимаи шаҳодатдан иборат деб ўйлаган эди.

Лекин у никоҳдан ўтгач, Ҳумоюн кўп ўтмай Гужарат томонларга ҳарбий юришга кетди. Чанд биби килич такқан бешафқат аёл — ҳарам бекасининг ихтиёрида қолди. Унга хиндча сари кийишни тақиқлашди, муслима аёллар каби узун кўйлак, қабо, зар жиякли лозим кийдиришиди. Ҳарам бекаси уни бошка аёллар қатори беш вақт намоз ўқишга мажбур килди.

Агар Чанд биби бошка мамлакатга олиб кетилганда, эҳтимол, бу ўзгаришларга осонроқ кўнинкан бўларди. Лекин у ўз ватанида яшамоқда эли. Бокка чиқса хиндларнинг муқаддас дараҳти ашока ва башнянни кўради. Гуллар ҳам хинд маъбудаларини ёдига солади. Жамна бўйига ювенишга борса бошка афсонавий дарё — Сарасвати ёдига тушади. Сарасвати эса энг қудратли аёл худолардан хисобланади. Чанд биби унга ҳам, жазо берувчи Шивага ҳам, ўзи болаликдан сифиниб юрган Дургага ва бошка муқаддас маъбудаларга ҳам хиёнат қилган каби доимий гашлик ва вахм ичиди яшайди. Кечалари тушларига кирадиган Шива, Дургалар уни жазолаб гоҳ илонга чақдиради,

гоҳ ботқоққа ғарк қилади, гоҳ йиртқичлар чангалига ташлайди. Жувон уйкудан босинқираб уйғонади ва дағ-дағ титрайди.

Ҳумоюн Гужаратдан қайтиб келгунча Чанд биби руҳий кийноқлардан озиб, сўлиб, асаб қасалига дучор бўлган эди. Ҳумоюн унинг хобгоҳида борган кечалари Чанд биби кувнаб ашула айтётган жойида бирдан кўнгли бузилиб йиғлаб юборар, ухлаган пайтларида эса инграб уйғонар, вужуди вахима ичиди титраб, Ҳумоюндан химоя истарди. Уни юпатгунча Ҳумоюннинг ўзи ҳам рухан кийналиб, уйқуси учуб кетар, кейин бошқа хонага чиқиб, гулобга афюн қўшиб ичар ва шу билан қайтадан уйқуга кетарди.

Охудай яйраб юрган қизнинг бир йил ўтмай шундай сўлиб колишига Ҳумоюннинг ўзи ҳам айбдор эмасми? Ҳарамдаги тартибларни ўзгартира олмас экан, нега бу қизга уйланди? Нега уни бошка динга ўтказди?

Бека бегим ҳам, Меважон ҳам ундан баҳт топган эмас. Ҳозир Бека бегим, «бизни шу кўйга солганингиз озмиди? Яна бошқа гўзал қизларга кўз тикишингиз инсофданми?» дегандай кўринди. Шунинг учун Ҳумоюн Бека бегимга дарҳол ён берган каби:

— Майли, чавгонни... эртага пешиндан сўнг тамошо килғаймиз,— деди.

Шу орада Ҳамида бону Ҳумоюнга зимдан синчиклаб караб олди. Боя фил устида гавдаси кичик кўринган эди, унинг бўйи баланд, елкалари кенг, дуркун йигит эканини қиз энди билди. Чиройли қилиб тарашланган калта соқол-мўйлови офтоб нурида қизғиш тусга кириб товланади. Салласидаги олмосдан ташқари белидаги камарига, ханжарининг сопи ва қинига қадалган дур ва лаъллар тиник ва осуда бир жило бериб туради. Ҳумоюннинг қаршисида Бека бегим нурсизгина жувон бўлиб кўринди. Шунга қарамай бу бегим Ҳумоюннинг сўзини бўлиб лукма ташлагани Ҳамидага жуда эриш туолди.

Бека бегим ўзи ҳамма чиройли қизлардан эрини рашк киладиган аёл бўлса керак, Ҳамида бонуга ҳар кўзи тушганда унга тиканини бир санчиб олгудай бўлиб қарайди.

Ҳумоюн аёллар билан гапини тугатиб, олдинги кемага караб кетгандан кейингина Бека бегимнинг кўзларидаги тиканлар сал камайгандай бўлди. Бу бегим ҳазинадан ҳам ҳамён-ҳамён олтинлар олиб туради, ҳарам бекаларини ҳам ўзига бўйсундириб олган. Удумга биноан, подшо ҳарамидаги кичик хотинлар катта хотинга бўйсунмоги керак. Ҳамида бону бу ҳақда кўп мишишлар эшитган. Чанд

бабининг бошига тушаётган оғир савдода ҳам Бека бегимнинг қўли бор, дейишади.

Ҳамида бонунинг бу мураккаб зиддиятлардан кўнгли ғаш бўлалётганини Хонзода бегим сезди чамаси, кемага чикқанларида секин кизнинг қўлидан олиб, елкасини силади ва паст товуш билан сирдошларча шивирлади:

— Бону кизим, сиздан умидим катта.

Хонзода бегим факат эртанги ўйинни эмас, ундан хам каттарок, мухимроқ нарсаларни назарда тутганини Ҳамида бону пайқади.

— Ҳазрат бегим,— деди ва ихлос тўла қўзини Хонзода бегимнинг серажин юзига тикди.— Мен чавгонда умидингизни оқлаш учун жонимни ҳам аямасмен. Лекин олина-саб бегимлар даврасида... нотавон... ожизмен.

— Йўқ, шерқиз, сиз ҳали ўзингизни билмайсиз. Мен сизда товонолик¹ куртакларини куриб турибмен. Бу дунёда яхши-ёмонни кўп кўриб, кўзим пишиб колган, менга инонинг. Сиздаги товонолик ниҳоли парвариш килинса, улкан дарахт бўлиб ўсгай, бебаҳо мевалар бергай!

— Қани эди!.. Агар шундай товонолик менга насиб бўлса, унинг энг яхши мевасини энг аввал ўзингизга таъзим билан тутгаймен, ҳазрат бегим.

Бу гапдан икковларининг ҳам таъблари очилиб, кўнгиллари кўтарилди, кема устидаги зеб-зийнатларга ва зиёфат дастурхонларига энди кувониб кўз ташлаши. Камалак ранги анвойи гулшодалар орасидан сурнай ва ногора товушлари келмоқда. Чанқаган бегимларга шарбатчилар олтин пиёлаларда таъзим билан хушбўй шарбатлар туладилар. Оёқ остида чўғдай ёнган гиламлар. Атрофда бағри кенг дарёнинг жимир-жимир тўлқинлари.

Бу тўлқинлар бирдан Низомни Ҳамиданинг ёдига солди. Кеманинг пастки қаватида наврўз муносабати билан олтинранг ипак матодан башанг кийимлар кийган эшкакчилар ўлтиришибди. Ҳамида бону юкоридан уларга кўз кирини ташлаб Низомни тополмади. Шу пайт подшо чикқан олдинги кеманинг эшкакчиларидан бири бу томонга зимдан тикилиб турганини пайқади. Ҳамида гулшодалар орасидан синчиклаб караса — Низом! Кизнинг баданига ширин бир ҳарорат тарқалди. Подшо кемасининг эшкакчиларига сарик парчадан тикилган яктак ва ўша рангдаги жаражжи салла кийдиришган экан. Бу кийимлар Низомнинг йигитлик хуснини жуда очиб юборибди. У кеманинг пастки

тор қаватида қатор эшкакчилар орасида ўтирган кўйича ортки кеманинг очиқ саҳнида турган Ҳамидага жилмайиб бош иргади.

Агар Ҳамидада Хонзода бегим айтган товонолик чиндан бор бўлса, у энг аввал мана шу йигитнинг қадрини боши устига кўтаради. Эртанги чавгон ўйинила у албатта ютиши керак. Подшо унга «биздан не тилагингиз бор?» деса, Ҳамида бону, Низомнинг отасини зиндандан озод қилишларини, унинг ўзини эса бирорта кемага дарга этиб тайинлашларини сўрайди. Балки киз боланинг бундай илтимоси Ҳумоюнни таажжубга солар. Лекин Ҳамида бону унгача Хонзода бегимга кўнгли кимдатигини албатта айтиб беради, унинг ёрдамида Ҳумоюннинг адолат қилиши ҳам осон бўлади.

Лекин Ҳамиданинг бу ширин орзузи ушалмади. Ўша куни оқшом шарқдан келган чопар Чунор кальясининг Шерхонга таслим бўлгани ҳакида машъум хабар келтириди. Энди ундан наридаги Бангола ва Бихар ҳам хавф остида колди, агар Ҳумоюн тезликда этиб бориб, уларни химоя килиб олмаса, қаламравидаги ерларнинг энг катта кисмидан маҳрум бўлади-ю, Аградан кувилиши ҳам осонлашади.

Шунинг учун базмлару ўйинларни тақа-так тўхтатиб, шошилинч равишда кўшин тўплашга киришли. Орадан бир ҳафта ўтгач, саҳар пайтида Хонзода бегим билан хайрлашиш учун Зарафшон боғига борди. Аммасининг оқ фотиҳасини олгандан сўнг, ўша «Гунжойиш» кемасига тушди-да, сув йўли билан Ганга дарёси томонга йўл олди. Ҳумоюн Ҳамида бону билан яхшироқ таниша олмаганидан Хонзода бегим кўп афсус чекиб, «такдирлари қўшилмаган экан», деб хафа бўлди.

Лекин Ҳумоюн тушган кеманинг эшкакчилари орасида жон-жаҳди билан эшқак эшайтган Низом бундан ўзича маминун. Ҳумоюн Ҳамидадан тобора узоклашиб кетаётгани унга яхшилик аломати бўлиб туюлади. Агар подшо бу кизни якиндан кўриб-биглудай бўлса, ҳарамига олиб кўйиши ҳеч гап эмас. Низом ўзининг Ҳамидага этишишига ишонмаса ҳам, лекин ундан умидини узолмайди, айниқса, уни подшо ҳарамига раво кўрмайди. Шунинг учун Низом бутун кучини эшкакка беради-ю, Ҳумоюнни Ҳамидадан мумкин қадар узокроқ олиб кетишига интилади.

¹ Товонолик — қобилият, кодирлик.

ГАНГА. КҮРГИЛИК

Хумоюн оёқ қўйган ер ичига ўпирилиб тушиб, тубсиз ўнгирга айланди. У оғини тортиб олиб, орқага тисарилди. Корайиб турган ўнгир лабида кандайдир дараҳтнинг илдизи кўринди. Хумоюн тубсиз жарга йикилай деганда шу дараҳтдан икки кўллаб тутиб қолди. Бир пайт дараҳт ҳам илдизи билан суғурилиб чиқа бошлади. Хумоюн жарга қулаб тушишини сезганда кичкириб, босинқираб уйғонди-ю: «Алхамдуилло, туш экан!» деб хиёл енгил торти. Лекин ташкарида довул кўтарилганини, тепасидаги чодирни шамол ийқитиб кетгудек қаттиқ силкитаётганини сезди, жала қуиб, момакалдироқ устма-уст гумбураётганини эшилди-да, яна юраги ҳаприқиб, ўрнидан туриб кетди.

Ганга бўйларida ёмғир фасли бошланган, ҳаво илиқ бўлса ҳам дим, ҳамма нарса намикиб кетган. Ҳос чодир эшигига осилган кимхоб парда Ҳумоюннинг кўлига майин ва салқин тегди. Уни бир томонга суриб ташкарига кўз югуртириди.

Қоронғида ҳеч нарса кўринмади, факат яшин чақнаганда Ганганинг кирғозларига тошиб чиққан оқиш тўлкинлари таҳдидли ялтираб кўзга ташланди. Дараҳтлар довулдан ерга теккудай эгилади, уларнинг қаттиқ шовулаши орасидан момакалдироқнинг касир-кусури хийла паст эшитилади.

Ҳумоюннинг чодири турган баландликдан Гангага келиб қўшиладиган яна бир дарё — Карамнаса ҳам кўринади. Одатда суви унча кўп бўлмайдиган бу дарё ёмғир фасли бошлангандан бери бўтана селларга тўлиб, вахимали тусга кирган. Қўшиндаги филбон ва кемачи хиндлар Карамнаса дарёсидан жуда кўрқадилар, унга кўл-оёкларини теккизмасликка тиришадилар. Ҳиндларнинг эътиқоди бўйича, Карамнасанинг суви теккан одам бир умр килган тоат-ибодатидан айрилиб, касофатнинг тагида колиб кетармиш. Шунинг учун такводор хиндилар Карамнасанинг нариги кирғогига ўтмокчи бўлсалар, ирим қиласидилар — унинг ўзидан эмас, Гангага қуйилган жойининг нарётидан кема билан айланаб ўтадилар.

Бу ҳодисани бундан ўн йил олдин мана шу Карамнаса бўйида отаси Бобур ҳам кўрганини ва ўз эсдаликларида ёзиб қолдирганини Ҳумоюн билади. Бунақа иримларга ишонмайдиган Бобур мирзо ҳозир Ҳумоюн турган жойни қўшинига қароргоҳ қилиб танлаб, бир хафта турган ва шу атрофдаги ёвларини енгиб, Аргага ғалаба билан қайтган эди.

Шунинг учун Ҳумоюн такводорларнинг иримидан

кўра отасининг тажрибасига қўпроқ таянди. Уч тарафи дарё билан тўсилган баланд тепаликлар уни душманларидан асрайдигандек кўринди. Беклар ҳам «факат кароргоҳнинг жануб-шарқ томонига соқчилар қўйилса кечалари тинч ухлаш мумкин...» дейишиди.

Лекин ҳозир ёмғир чеълаклаб қуяётган ва довул чоидирларни йикитгудек бўлаётган пайтда Ҳумоюн тушида кўрган даҳшатли воқеани эслади-ю, яшин ёргида ялт этиб чақнаган тошқин дарёлар ҳалқаси бирдан унинг ваҳмини келтирди. Уч томондан тошиб чиқаётган дарёлар уни тўртинчи тарафдан бостириб келадиган ёвларга тузоқ бўлиб тутиб берадигандек туюлди. Ё алҳазар! У нега ўз оғи билан бу дарёлар орасига кириб қолди? Отаси бу ерни қароргоҳ килган пайтларда ҳаво курук, дарёларда сув оз, бу атрофда Шерхондай хатарли ёв йўқ эди-ку.

Ёши ўттиз бирга кирган Ҳумоюн ўсмирилик йилларидан бери жуда кўп таҳликали жангларни кўрди, турли туман ёвлар билан олишиб, ҳали бирор марта енгилгани йўқ. Лекин Шерхонга келганда унинг шижаоти ҳам, жангларда орттирган тажрибаси ҳам иш бермай қўйяпти. Вакт ўтган сари Шерхоннинг қудрати ортиб, Ҳумоюннинг иши орқага кетаётгандай бўляпти.

Ҳумоюн тўшаги турган жойга қайтиб, коронғида ёстикни қўли билан пайпаслаб топди. Ёстиқка қайта бош қўяр экан; ташқаридан хуруж қилаётган шамол, жала ва момакалдироқ шевкини орасидан Шерхон унинг кўзига кўриниб кетгандай бўлди.

Қошлири қалин, кўзлари кўкиш, кирра бурун, калта қирқилган соқоли ва қайрилма мўйлови ўзига жуда ярашган дуркун гавдали Шерхоннинг қарашларида бургутни эслатадиган бир ифода бор. Ҳумоюн уни биринчи марта бундан ўн уч йил бурун Жамна бўйидаги зиёфатда кўрган эди. Бобур мирзо Секридаги ғалабаси шарафига жуда катта ош берган, унга ҳамма беклар ўз сипоҳилари билан таклиф килинган эди. Жунаид барлос деган амир ўз хизматига ўтган афғон сипоҳилари қаторида Шерхонни ҳам бу зиёфатга олиб келган эди. Бобур Шерхонни биринчи кўришдаёқ «ҳокимият талашадиган сиёқи бор» деган, Ҳумоюн буни эшилган эди.

Аммо у пайтларда Шерхон ҳали ўттиз-кирқта йигитга бош бўлган кичик сипоҳилардан эди. Унинг Сасарамда отасидан қолган ер-мулки бор экан. Бирок отаси ўлгандан сўнг ўгай она ва инилари Шерхонни бу мулкдан маҳрум қилмоқчи бўладилар. Шерхон ота мулкини ўгай иниларидан тортиб олиш учун Бобурдан ҳимоя сўрайди. Банорасдан

шарқдаги Фозипур деган жойда у Бобур хузурига киммат-баҳо совғалар билан арзадошт күтариб киради¹. Бобур унинг марказий ҳокимиятдан узокрокда чет вилоят бўлган Сасарамда заминдор бой бўлиб юришини афзал кўрадида, ота мулкини унга хатлаб беради.

Ўшанда кирк ёшда бўлган Шерхон ҳисоб-китобни ва хўжалик юритишини яхши билар, Сасарамдаги бетартиблик ва пораҳўрликни ёмон кўрарди. У шайх Саъдийнинг кўп шеърларини ёд биладиган ўқимишли киши эди. Сасарамдаги дехқонларнинг ерини ўлчаш, ҳосилини бехато ҳисоблашда ва солиқчиларнинг бебошлигини йўқотишда кўпгина янги тадбирларни амалга ошириди. Хайриҳоҳлари уни «Шерхони одил» деб атайдиган бўлдилар. Бу орада Бобур вафот этди-ю, марҳум Иброҳим Лодининг иниси Маҳмуд Лоди қасоскор афғонларни атрофига тўплаб, Ҳумоюнга карши исён кўтарди. Маҳмуд Лоди Бихар ва Сасарамни ҳам ўзига бўйсундирди, Шерхонни бор навкарлари билан ўзига мажбуран қўшиб, Ҳумоюнга карши урушга бошлаб борди.

Шерхон бу урушдан мутлако манфаатдор эмас эди. Лодилар афғон бўлсалар ҳам, сур қабиласи уларга бўйсуннишни истамайди. Иброҳим Лодидан кўрган жабру зулмлари Шерхоннинг эсидан чиқкан эмас. Шунинг учун Да-лаҳруа деган жойда Маҳмуд Лоди Ҳумсоюм билан юзма-юз туриб жангга киришган пайтда Шерхон усталик билан ўзини четга олди-ю, барча навкарларини уруш майдонидан олиб чиқиб кетди. Лодилар бу жангда Ҳумоюндан енгилдилар ва кейинчалик Шерхонни хиёнатда айбладилар. Шерхон эса Ҳумоюнга хат ёзиб, бир вактлар Бобур подшо Сасарамдаги ота мулкини унга олиб бергани хурматига шундай қилганини билдириди. Аслида эса Маҳмудхон билан Ҳумоюн бир-бирини банд килиб турган пайтдан фойдаланиб Ганга бўйидаги энг муҳим ҳарбий қалъя — Чунарни ишғол қилиш ниятида эди.

Чунор илгари Тожхон исмли афғон ҳокимининг кўлида эди. Шерхон беш йил бурун Тожхонга ҳам сипохий бўлиб хизмат қилган, ўша пайтда унинг гўзал хотини Лод Малика билан танишган эди. Тожхон оиласи низолар гирдобида ҳалок бўлгандан кейин Шерхон Лод Маликага маҳфий одам юборди, уни кўпдан яхши кўришини ва унга уйланиш орзусида эканини билдириди. Шерхоннинг аёлларни мафтун киладиган баҳодирона жозибаси Лод

¹ Шерхон Сур номи «Бобурнома»нинг 1527—1528 йилги воқеаларида икки қайта қаламга олинган.

Маликанинг ёдидан чиқмаган экан. Орада турган маҳфий одам Шерхонга ижобий жавоб келтирди. Далаҳруада Маҳмуд Лоди Ҳумоюн билан ҳаёт-мамот жангни қилаётган пайтда Лод Малика Чунор дарвазасини уруш майдонидан яширинча чиқиб келган Шерхонга очиб берди. Шерхон Лод Маликага уйлангач, унинг ёрдамида Чунорга Тожхон томонидан беркитиялган яширин хазинани ҳам қўлга туширди. Бу хазинадан 150 ман¹ олтин, 7 ман марварид, яна талай жавоҳиротлар топилди. Шерхон бир кунда қўлга киритган бойликнинг баҳоси тўққиз юз минг рупий эди.

Шерхон бу бойликларни босиб ётадиган зиқна одам эмас, унинг максади мустақил ҳукмдор бўлиш. Шерхон Чунор қалъасида қўлга киритган олтинларга минглаб янги навкарлар ёллади, курол-яроғлар сотиб олди. Лодилар ва бобурийлардан норози бўлган канчадан-канча ёлланма аскарлар Шерхон томонига ўта бошлади. Айниқса, у Чунор қалъасини эгаллагандан кейин Ҳумоюн шарқдаги Бихар ва Банголадан узилиб қолди. Йўлни очиш учун у Чунорга кўшин тортиб келди ва Шерхонни қамал қилди. У пайтда Ҳумоюннинг кўшини Шерхоннидан икки баробар кўп эди. Замбараклар ва тўғанглар қалъа химоячилари устига шундай ўқ ёғдиришдики, Шерхон шиддатли ҳужумларга туриш беролтмай қолди. Орадан икки ой ўтгач, Шерхоннинг элчиси ичкаридан ок байрок кўтариб чиқли ва Ҳумоюннинг хузурига келиб, шафқат сўради. Ҳумоюн рақиби билан юзма-юз туриб сўзлашмоқчи бўлди-ю, элчига: «Шафқат керак бўлса Шерхоннинг ўзи хузуримизга келсин!» деди. Жанг тўхтатилган, лекин Шерхон Ҳумоюн хузурига келса ҳисбга олинишидан ҳадиксираб, ўзининг ўрнига йигирма саккиз яшар ўғли, жанговар саркарда Кутбхонни юборди. Кутбхон Ҳумоюн олдода ер ўпиб, садоқат изҳор қилди, «Отам бошлиқ сурлар минбайд сизга карши бош кўтармаслиги учун мана, мен кафилмен, барча навкарларим билан сизга тоабад хизмат килурмен», деди. Ҳумоюн Кутбхонни уч юз навカリ билан ўз ихтиёрида қолдирди. Шерхон эса оиласи, кўч-кўрони ва одамларини Чунордан олиб чиқиб Бихар вилоятидаги ўз мулкига жўнади.

Кутбхон ва унинг навкарлари Ҳумоюн аскарлари билан икки йил бирга хизмат қилди, Гужарат ва Чампанирда Баҳодиршоҳ билан бўлган жангларда жасорат кўрсатиб, инъомлар олди. Шерхон ҳам бу орада Бихарда тинчгина

¹ Бир ман — 800 грамм, 150 ман эса 120 килограмм. 7 ман марварид — 5 килою 600 грамм бўлади.

юрди. Хумоюн бурноғи йили Чампанирдан Аграга қайтгандан кейин Қутбхон ота-онасини күриб келиш учун ундан ұхсат олди-ю, Бихарга кетганича қайтиб келмади. Орадан беш-олти ой үтгач, Шерхон ўғли билан яна Банголага қүшин тортиб боргани ва Чунорни қамал қилаётгани маълум бўлди. Хумоюн Қутбхонга жавоб бериб хато қилганини, ҳозир у отаси Шерхон билан энг хатарли душманга айланганини кейин билди. Қутбхон икки йил Хумоюн аскарлари сафида юриб, унинг барча заиф томонларини ва ички зиддиятларини билиб олган. Энди отабола бирлашиб Хумоюннинг энг бўш жойларини топиб, зарба бермоқдалар.

Шерхон ўз ишига шунчалик пишик эканки, Хумоюнни Аградан мумкин қадар узокларга олиб кетиб, ҳамма жойда бирон балога гирифтор қиляпти. Хумоюн бу гал Чунор қальясини олти ой қамал қилиб, катта талафотлар билан олди. Бу орада Шерхон Банголани эгаллади. Хумоюн уни таъқиб этиб Банголага борса, Шерхон бу вилоятда бор хазиналарни шипшийдам қилиб, ундан Гаурига ўтибди. Хумоюн ёз иссиқларида машаққат чекиб Гаурига борса, Шерхон у ердаги хазинани ҳам талаб, кўлига илинган бойликларни йиғиб, Рохтас деган тоғ қальасига қочиб кетибди.

Ганганинг жанубидаги бу қалъя асли Кришан Рой деган хинд рожасининг мулки эди. Шерхон ўз қўшинида хизмат қилаётган нуфузли ражпут саркардаларидан бирини орага кўйиб, Кришан Ройдан аввал фақат ўз хстинлари ва болалари учун бошпанга сўради.

— Хумоюн биздан ота юртимиз Бихарни тортиб олди, аёлларимиз хонумонсиз жанг майдонида қолди, бу шафкатсиз темурийзода бизни енгса эрта-индин Рохтасга ҳам қўшин тортиб боргай, сиз хотин-болаларимизга қальъадан жой берсангиз, биз душманнинг Рохтасга борадиган йўлини тўстгаймиз,— деди.

Кришан Рой бу гапга ишонди ва аёл кийимидағи отлигу пиёда бир минг икки юз кишилик оломонни Рохтас қальясининг дарвозаларидан ичкарига киргизди. Аёллар билан бирга кўч ортган юзлаб соябон аравалар ҳам келмоқда эди. Улар ҳам ичкарига кириб олади. Шунда маълум бўладики, аёл кийимидағи «бошпанасиз бечоралар»нинг кўпчилиги — Шерхоннинг қуролли навкарлари экан. Соябон аравалардаги кўчлар орасидан қуролли йигитлар сакраб-сакраб тушдилару гафлатда қолган Кришан Ройни ўраб олдилар. Шерхоннинг ўзи йўқ, бу ҳарбий ҳийланни амалга оширган унинг ўғли Жалолхон Кришан Ройга шундай деди:

— Рохтасни биз жанг билан ҳам олишимиз мумкин эди, ундан ҳам каттароқ Чунор қальясини олганимиз сизга маълум, лекин қон тўқилмасин дедик, сизнинг молу жонингизга тегмаймиз, нимани истасангиз бир кун ичиди олиб чиқиб кетинг, сизнинг водийда бошқа мулкингиз бор, бизга эса Рохтас жуда керак!

Кришан Рой Рохтасни ташлаб кетишга мажбур бўлади. Шерхон Чунор ва Гаурда ўлжа олган барча олтину кумушларини шу қалъага келтириб бекитади. Хотину болачақаларини ҳам Рохтасга жойлаб, ўзи төр этакларида янги жанглар учун куч тўплай бошлади.

Рохтасдаги воқеани Гаурда туриб эшитган Хумоюн Шерхоннинг Мовароуннаҳрда шунақа ҳийлаю найрангларни кўп ишлатган Шайбонийхонга ўхшаб кетадиган айёрлиги борлитини хаёлидан ўтказди. Назарида, Шерхон энди Рохтасни қўриқлаб ётадиганга ўхшарди. Хумоюн уни таъқиб қилиб Рохтасга бормокчи эмас, чунки Банголада тартиб ўрнатиш ва Гаурда давлат ишларини изга солиш ундан жуда кўп вақт талаб қилди.

Хумоюн Гаурда тўққиз ой қолиб кетди. Ёмғир фасли тутагб, кузги салқинлар ва қуёшли қуруқ кунлар бошлангандан сўнг бу ернинг ҳавоси унга бениҳоя латиф туюлди. Хумоюн Гаурда давлат ишларини изга солиб, янги боғларнинг тархини чиздирди, шаҳарнинг энг хушхаво жойларига кўчатлар экдирди, кайфи чоғ пайтларда Гаурга «Жаннатобод» деган ном берди. Лекин сал ўтмай Аградан келган шум хабарлар Хумоюнни дўзах азобига sola бошлади.

Хумоюндан аразлаб кетган Зоҳидбек, шайхулислом Саид Халил ва бошқа фитначи беклар билан Аграда тил биринкириб, Ҳиндол мирзонинг каноти остига киради-ю, Хумоюн пойтахтга ҳоким тайинлаб келган Амир Баҳлулни ўлдиришади. Улар ўн саккиз ёшли Ҳиндол мирзони Агра таҳтига чиқармоқчи бўладилар. Бу гапдан Лахўрдаги Комрон мирзо хабар топиб, дарҳол Аграга қўшин тортиб келади. «Мен турганда сен таҳт даъвосини килма!» деб укасига дўйк уради.

Ҳали Хумоюн тирик пайтда укалари Аграпи талашишгача бориб етгани Хумоюнга вазиятнинг накадар оғирлашганини, Гаурда тўққиз ой туриб қолгани катта бир хатолик бўлганини кўрсатди. У аскарининг озрок бир қисмини Бангола ҳимояси учун қолдирди-да, асосий қўшин билан Ганганинг шимолий кирғоги бўйлаб Аграга йўл олди.

Орада Патна ва Банорас бор. Аграгача қирқ кунлик

йўл. Шерхон ишғол қилган Роҳтас калъаси дарёдан анча узокдаги тоғларда эди. Ҳумоюн Аграра шошилинч қайтаётганидан хабар топган Шерхон тоғдан тушиб келиб, дарёнинг жануб кирғозидан уни таъкиб этиб бора бошлади.

Сўнгги бир йил ичида кучлар нисбати Шерхон фойдасига ўзгарган, Ҳумоюн чекиниб борарди. Шерхон орқадан гўё писиб, ҳамла учун пайт пойлаб келар эди. Ҳумоюн Патнага етганда Аграра юборган чопари қайтиб келди. Ҳиндол мирзо ҳаяжонли мактуб ёзиб: «Ҳазрат оғажон, менинг ҳакимдаги ёмон овозаларга зинҳор иономант,— дебди.— Иннингизнинг барча ҳаракатлари сизнинг Аградаги ҳокимиятингизни сақлаб қолишга қаратилгандир. Кўрнамак Амир Баҳлул пораҳўр экан, Шерхоннинг одамларидан ҳамён-ҳамён олтин олиб, сизнинг қурол-яроғларингизни танимнингизга яширикча сотар экан. Биз аравадаги тахталар тагига яширилган совутларни, қалконларни, тиғларни топиб олдик, Амир Баҳлул айби очилганидан кўркиб Шерхон томонга кочиб кетаётгандан ўқ тегиб ўлди. Мен Аграда эканмен, оғамиз Комрон мирзо ҳам сизнинг тожу тахтинингизга дахл қилолмагай. Тезрок этиб келинг. Йўлингизга интизор содиқ инингиз Мирзо Ҳиндол бинни Бобур подишаох».

Ҳумоюн кимга ишонишини билмай колди. Шерхоннинг ўзи Аградан шундай узоқларда юрганда наҳотки унинг маҳфий одамлари Амир Баҳлулдай бадавлат кутвални олtingа сотиб ололган бўлса? Ёки фитначилар Ҳиндолни алдаб, Амир Баҳлулни ёлғондан пораҳўр килиб кўрсатишганми? Узокдан туриб буни аниқлаб бўлмас эди.

Ҳумоюн барча одамлари билан Чауса якинида Ганганинг ўнг кирғогита ўтгунча Шерхон аскарлари корасини кўрсатмади. Ҳумоюн Карамнаса ва Ганга оралиғидаги тепаликларни қароргоҳ қилиб, қўшинини жойлаштиргандан кейингина жануб-шарқдаги очиқ саҳнда бирдан Шерхоннинг қўшини пайдо бўлди. Бу орада ёмғир фасли бошланиб, дарёларда сув кўпайиб кетди. Энди уч томондаги дарёлар ҳалқасидан осонликча чиқиб кетиб бўлмайди, тўртингчи томонни эса ёв лашкари бекитиб олди. Ҳумоюн одамларини ҳаёт-мамот жангига шайлаб, энг сара аскарларини, ҳарбий филларини Шерхон турган томонга жойлаштириди ва унинг ҳужумини кутди. Шу вактгача мудом Ҳумоюн ҳужумда эди. Энди у ҳужум қилиш навбатини Шерхонга бергандек бўлиб, бир ҳафта кутди, бир ой, бир ярим ой кутди. Аммо Шерхон ҳужум қилмади. Чунки вакт Шерхоннинг фойдасига ишламоқда эди. Ҳумоюн қарорго-

ҳида ўн мингдан ортиқ одамларни ва улардан икки барабар кўп от-уловни боқиши учун ғамланган захиралар тугаб бормоқда. Дарёлар захидан ва ёмғир фаслининг рутубатидан касалга учраб сафдан чиқаётган навкарлар сони эса тобора кўпайиб кетяпти. Атрофдан келадиган ёрдамнинг йўлини тошқин дарёлар ва Шерхон қўшини тўсиб турибди.

Шерхон икки ой деганда ҳам ҳужумга ўтмагач, Ҳумоюн орага одам кўйиб: «Биздан не тилаги бор, айтсин», деди. Шерхон ўтган куни Ҳумоюн қароргоҳида ўз элчисини юбориб, ундан Чунор қалъасини ва Бихар вилоятини сўради. Бихар ҳозир химоясиз қолган, Ҳумоюн ўз кўшинини Аграра олиб кетгач, бу вилоятни Шерхон яна ишғол килиши шубҳасиз. Аммо шарқий вилоятларнинг кулф-калити бўлган Чунорни Шерхонга жангиз топшириши ўйлаганда Ҳумоюннинг бутун вужуди зирқираб кетди. Ахир бу қалъани олгунча олти ой жанг қилиб, озмунча талафот берилдими?

Ҳумоюн Шерхон элчисига аниқ жавоб бермади, ўйлашиб, кенгашиб, ундан сўнг ўз қарорини маҳсус одамлар орқали маълум қиласидан бўлди. Кечаги машваратда кўпчилик беклар Чунорни Шерхонга қайтариб беришга қарши чиқдилар. Шунча азоб тортриб қўлга киритган энг муҳим жойлари Чунор бўлса-ю, уни ҳам Шерхонга жантсиз топшириб кетсалар, Аграра қайси юз билан қайтишади? Одамлар уларнинг устидан қулишмайдими?

— Нодонлар кулгисига эътибор бермаслигимиз керак, жаноблар!— деди Байрамхон.— Ҳозир вазият биздан қурбон талаб кильмоқда. Биз мана бу дарёлар сиртмогидан эсон-омон чиқиб, Аграра қайтсан, у ердаги ихтилофлар бартараф бўлса, кейин Чунорни яна қайтариб олишимиз хеч гап эмас!

Ҳумоюн Байрамхоннинг бу фикрига қўшилмади, кўпчилик беклар подшонинг тарафини олди.

Бирор ҳозир шариллаб қуяётган ёмғир тагида, довул кўтариб кетгудек бўлаётган чодирда уйқусизликдан қийналаб, гоҳ у ёнбошига, гоҳ бу ёнбошига ағдарилар экан, Байрамхон билан эрталаб яна бир гаплашгиси келди.

Аzon палла подшонинг хиргоҳига чакирилган Байрамхон эшик олдида таъзим қилиб юкунди. Ҳумоюн унга ўнг ёнидан жой кўрсатди. Байрамхоннинг ўсиқ қора соқоли ва буғдоиранг юзига тикилиб:

— Бугун туни билан ухлай олмай тўлғониб чиқдим,— деди.— Ёмон тушлар... Сиз айтган қурбонлик... Чунор... бағримдан бир парча этни юлиб олиб ғанимга бергандек

огир... Мабодо биз Чунорни топширсак, Шерхон қаноат қилармикин? Бангола билан Гаурни тинч қўярмикин? Агар шу ҳақда битим тузсак, Шерхон сўзида турармикин?

— Ҳазратим,— деди Байрамхон.— Агар фақирга вако-лат берсангиз, Шерхоннинг олдига Куръонни қўйиб сўз олмоғим мумкин. Ахир у ҳам мусулмон-ку!

— Шерхон Банголага тегмаса, майли, Чунорни берайлик. Биздан вакил бўлиб боринг.

Хумоюн ўз қароргоҳидаги энг нуфузли уламолардан бўлган ва Шерхон бир вактлар назр-ниёзлар бериб фотиҳасини олган Ҳўжа Ҳусайнни Байрамхоннинг ёнига кўшиб элчиликка юборди.

* * *

Тушга якин ёмғир тинди-ю, булувлар орасидан кўмкўк осмон ва иссиқ ёз офтоби кўринди. Ганга хали ҳам узокларда ёғаётган жала сувларига тўлиб, лойқаланиб оқаётган бўлса-да, ер аста-секин курий бошлади.

Байрамхон Ганга жанубидаги кенг текислик орқали Шерхоннинг қароргоҳи томон отлиқ борар экан, ёмғирдан кейинги ҳавода бўлиқ ўт-ўланлар ва ранг-баранг дала гуллари қанчалик кулф уриб яшнаб турганини, осмон тўла кушлар накадар яйраб учайдиганини кўрди-ю, ўзича бир хўрсиниб олди. Ҳинд ери ёз иссиқларига қўшилиб келадиган илиқ ёмғирларга тўйиб, ҳамма тирик жонни, барча гиёхларни бирваракайига уйғотадиган ва жуда тез ривожга киритадиган мана шу пашкол¹ фаслида Байрамхон уйдами, боғдами тинчгина ўлтириб китоб ўқишни ёки шеър ёзишини қўмсайди. Ҳинд элининг азалий одати бежиз эмаски, ёмғир фаслида саёҳатга чиқилмайди. Чунки одам ҳам, отулов ҳам бу фаслда қаёққа қадам кўймасин, ривожга кирган бирорта тирик жонни ёки гиёхни босиб олади. Тирик жонни босиб нобуд қилган одамнинг ҳажи қандай қабул бўлсин? Ўн минглаб қўшин билан ҳарбий юришга чиккан саркардаларнинг шундай фаслда уруш бошлашини қандай баҳолаш мумкин? Шерхон ҳам кўп китоб ўқиган билимли одам, Байрамхон унга туғилиб ўстган мамлакатининг пашкол фаслига оид удумларини албатта эслатади, ҳозир урушадиган пайт эмаслигини, сулҳ тузилиши кераклигини бошқа далиллар билан ҳам исбот этади...

Минглаб чодирлар тикилган кенг текисликда Шерхоннинг ҳашаматли шомиёнаси учун баланд бир тепалик танланган экан. Байрамхон ва Ҳўжа Ҳусайн қароргоҳ четида отларидан тушдилар, махсус мулозим уларни Шерхоннинг шомиёнасига анча беридан пиёда бошлаб борди. Байрамхон ичкарига кираверишда барваста ва хушкомат соқчи йигитларни кўрди. Чодирнинг сирти ёмғир ўтказмайдиган пишиқ кизил мовутдан тикилган, ичига эса сидирға сарик атласдан астар қавилган эди. Шерхон шомиёна тўридаги баланд шахнишинда чордана қуриб сокин ўлтирибди. Кийимлари безаксиз одми ипакдан, кичкина салласига ҳам гавҳар ёки бошқа тошлар кадалмаган, аммо бургутникига ўхшаш кўз қарашлари ва мағрур ўлтириши Байрамхонда ҳайкишга ўхшаган бир туйғу уйғотди. Байрамхон унга таъзим қилиб, Хумоюннинг муҳри босилган мактубни топшириди. Шерхон мактубни ўқиб бўлгунча элчилар унинг ишораси билан пастдаги кимхоб кўрпачаларга чўкка тушиб ўлтиридилар. Шерхон ўлтирган шахнишин бир газча баландда эди. У Байрамхонга юкоридан туриб кинояли сўз котди:

— Полшойингиз Чунор эвазига Банголани талаб килмоқда-ку!

— Давлатпаноҳ,— деди Байрамхон қўлини кўксига қўяркан.— Бангола тўққиз йилдан берли Ҳумоюн ҳазратларининг қаламравидадир.

— Аммо бизнинг афғон қавмларимиз Банголада юз ийллардан бери яшаб келмоқда. Улар бизга қариндош, қўплари билан қуда-анда бўлганмиз. Энди сизларни деб орани узайликми?

— Давлатпаноҳ, қариндошлилик, қунда-андачилик бемалол давом этаверсин. Фақат Банголага бу йилгидек қўшин тортилмаса, ҳазиналар таланмаса, қон тўкилмаса бас...

— Сизлар Чунорни олти ой қамал қилиб озмунча қон тўқдиларингизми? Банголада биз ана шунинг қасдини олдик!

— Биз бугун қасоскорлик ҳакида эмас, сулҳ ҳакида сўзлашгани келдик, давлатпаноҳ. Айниска ҳозир пашкол кунларида фақат инсон эмас, бутун табиат ҳам урушсиз тинч яшамоққа алоҳида бир эҳтиёж сезадир. Сиз маърифатли саркардасиз, «Чунор берилса сулҳ тузгаймиз», деб одам юборган экансиз. Шунга жавобан Ҳумоюн ҳазратлари бизни вакил қилиб жўнатдилар.

Шерхон Ҳумоюннинг мактубига яна бир кўз югуртиди-ю:

¹ Пашкол — ёмғир фасли.

— Бехуда қон тўкилишини биз ҳам истамаймиз! — деди. — Чунор бизга берилса подшохингиз қўйган шарт қабул килингай.

Бу гаплар давомида Ҳўжа Ҳусайн қўйнидан унча катта бўлмаган зарҳал муковали бир китоб олди. Бу — мўъжаз ҳарфлар билан кўчирилган Куръон эди. Ҳўжа Ҳусайн уни қўзига сурини ўпди-ю, ўрнидан туриб Шерхонга узатди:

— Давлатпаноҳ, сиз айтган доно гапларга мана шу Каломи Оллоҳ гувоҳ бўлсин, олинг!

Шерхон бирдан сергакланди:

— Таксир, сиз бу... Куръонни ўртага қўйиб, бизга касам ичдирмоқчимисиз? — деди.

Шерхоннинг қўзлари таҳдидли чақнаганидан кўркиб кетган Ҳўжа Ҳусайн:

— Зинхор бундай ният хаёлимизга келган эмас, давлатпаноҳ! — деди. — Сизга нек мақсал йўлида Куръони шариф мададкор бўлсин деб... савро тарзида олиб келдик.

— Ундаи бўлса биз савғони қабул килгаймиз! — Шерхон Куръонни Ҳўжанинг қўлидан олиб, наридан-бери қўзига сурган бўлди-да, мулоzимига узатди: — Бу шариф китобни бизнинг масжидимизга элтиб, ўзига муносиб меҳробга қўйинг.

Бундан кейинги музокара Чунорнинг Шерхонга кайтартибда топширилиши хакида кетди. Ҳумоюн қўшини Карамнаса дарёсидан ва Банорасдан нарига ўтгунча Шерхон хозирги кароргоҳидан қўзғалмай туришга сўз берди. Ҳумоюн Чунорга чопар юбориб, ундаги кўрикчи аскарларини ва курол-яроғларини чиқартиргунча бир хафта ўтади. Бу мухлат тугагандан кейин Шерхон бориб қальани эгаллади. Ҳумоюн ва Шерхон минбайд бир-бирлари билан тинч-тотув яшаёт хакидаги битимга Чунорда имзо қўядилар.

Байрамхон музокарани тутгатиб кетаётгандан:

— Давлатпаноҳ, сизу биз еру осмон гувоҳлигига сулҳ тузиб, унга содик қолиш мажбуриятини олдик, — деди. — Подшохимиз ҳузурига шу хулоса билан қайтсан розимисиз?

Шерхоннинг қўзлари Байрамхонга «сен ким бўлибсенки, мендан содиқлик талаб қилурсен?» — дегандек совуқ ис-техзо билан тикилди, аммо унинг истар-истамас жилмайган лабларидан:

— Хулосангиз маъқул, — деган сўзлар эшитилди.

* * *

Элчилар кетгач, Шерхон кечаси Аградан келган Алваро Пакавирави ўз ҳузурига чақирилди. Пакавира йўлларда

Ҳумоюн қўйган одамларнинг кўлига тушиб қолмаслик учун, хинд савдогари кийимида келган эди. Шерхон уни шахнишиндан тушиб қарши олди, ўзига яқин ўтқазиб паст товуш билан сўради:

— Аградан Ҳумоюнга ёрдам келмаслиги аниқми?

— Аниқ, давлатпаноҳ, Комрон сизга карши чиқмагай. У акасининг сиз билан жанг қилиб мағлуб бўлишини кутмоқда. Шундан сўнг у тожу таҳтни эгаллаш умидида.

— Бу бизга маълум. Ҳиндол-чи?

— Буниси Ҳумоюнга садоқат сакламоқчи экан. Аммо сиз юборган маҳфий мактуб ёрдамида биз унинг садоқатини адоваратга айлантиридик.

— Қандай қилиб? — ишонқирамай сўради Шерхон.

Шундан кейин Пакавира воқеанинг тафсилотларини сўзлай бошлади. Ҳумоюн Аграга кутвал қилиб тайинлаган Амир Баҳлул порага сотилмайдиган, подшога садоқат билан хизмат киладиган вижданли одам эди. Шерхоннинг Аградаги хуфиялари масжиди жомеда Саид Ҳалил билан алоқа ўринатиб, Баҳлулни қандай даф қилишининг режасини туздилар.

Баҳлул ҳам асли хиндистоилик аффонлардан, Шерхон уни танийди. Лекин Баҳлул аффон улусини атрофига тўплабётган Шерхонга ён босмасдан, Ҳумоюнга содик хизмат қилиб юриди. Бунинг учун Шерхон уни тухматга қолдириб йўқ қилмоқчи бўлди. Шерхон юборган маҳфий одам Амир Баҳлулнинг номига ёзилган мактуб келтирган эди. Шерхон ўз қўли билан имзо чеккан ва муҳрини босган бу мактубда Амир Баҳлулга ўтган ойда Ганга бўйига юборган курол-яроғлари учун миннатдорчилик билдирилган, жуда кўп йигитлар Ҳумоюндан айнаб Шерхонга келиб қўшилаётгани айтилган, шунинг учун совут-қалқонлардан ва курол-яроғлардан иложи борича мўл юборилиши илтимос қилинган эди. Шерхоннинг мактуби ишонарли бўлиши учун уни оддий ҳарфлар билан эмас, илми сиёҳдан¹ хабардор одамларгина тушунадиган маҳфий белгилар билан битишган эди.

Фарангистонда бундай ўта нозик ишларни кўп қилиб тажриба ортириган Алваро Пакавира Шерхон мактубини Амир Баҳлулнинг ишонган мулоzимларидан бирининг чўнтағига яширикча солдиради. Кечаси бу мулоzим Амир Баҳлул ҳузурига тунги сокчиликка кетаётгандай пайтда Саид

¹ Илми сиёҳ — шифр қалити, яширин ёзув сири.

Халилнинг одамлари уни Хиндолга тутиб берадилар. Айни вактда Амир Бахлунинг рухсати билан шаркка тахта ортиб кетаётган араваларга Шерхоннинг хуфиялари бир талай килич-қалкон ва найзаларни яшириб кўйдилар. Ҳалиги мулозим Хиндол мирзога тутиб берилган соатларда бу аравалар ҳам кўлга туширилади.

Бахлулга унинг мулозими кечаси олиб бораётган Шерхон мактуби илми сиёҳ ёрдамида ўқилгандан сўнг Мирзо Ҳиндол тахта тагига яшириб олиб кетилаётган курол-яроғни ҳам кўрди-ю, асли афғон бўлган Амир Бахлунинг хиёнат йўлига ўтганига ишонди.

Ярим тунда Мирзо Ҳиндол ва Зоҳидбек ўз навкарлари билан Амир Бахлул ухлаб ётган ховлига бостириб бордилар. Унга Шерхон ёзган мактубни ва тахта ортган аравалар тагига яширинган куролларни кўрсатдилар.

Амир Бахлул бу қадар усталик билан тўқилган бўхтондан кутулишнинг иложини тополмади.

— Тухмат балосидан мени факат Ҳумоюн ҳазратлари куткарғайлар! — деди-ю, Аградан кочиб чикди. Бу кочиш ҳам Ҳиндолнинг назарида Бахлунинг хоинлигини исбот қилгандай бўлди. У юборган қувгинчилар Бахлулни тунги отишмада ўлдирилар ва бошини кесиб қайтдилар...

Бир зарба билан ҳам Ҳумоюннинг энг садоқатли кутвали маҳв бўлгани, ҳам Ҳиндол билан акасининг дўстлиги адоватга айлангани Шерхонга алоҳида завқ ва мамнунлик баҳш этди. У Алваро Пакавирага шукуҳли назар ташлаб:

— Балли, сиз бизга яхши хизмат қилибсиз, — деди. — Орзуйимиз амалга ошиб, Ҳиндистонда улуғ давлат тузсак, сизга зўр иноятлар қилгаймиз!

Шерхон ҳазиначини чакириди. У тадбиркор хуфиялардан олтинни аямас эди.

— Жаноб Пакавирага икки ман олтин мукофот берилсин!

Пакавира қувониб кетди: икки ман олтин — ҳазилақам бойлиқ эмас, бунга янги бир кема сөтиб олиш мумкин! У Шерхонга сидқидилдан таъзим кила-кила, орқаси билан юриб чиқиб кетди.

Шерхон ҳомиёнада ёлғиз қолиб, кўлини пешонасига кўйганча ўйга толди. Ҳумоюнга Аградан ёрдам келмаслиги энди аниқ. Шерхонга эса ҳатто узок Фарангистондан келган Пакавира ҳам шунчалик кўмак берди. Карамнаса дарёсининг касофатидан кўрккан кемачи ва эшкакчи ҳиндиларнинг беш-олтитаси тунги шамол-тӯполонда Ганга орқали сузиб келиб, Шерхон ихтиёрига ўтди. Ҳумоюннинг ахволи танг бўлгани учун ҳам бугунги вакилларини юборган.

Агар Шерхон лашкарбошиларини чақириб, «Чунорни жангиз ишғол қиласиз, шу шарт билан сулҳ туззим» деса, улар албатта, курсанд бўлишади, лекин бу курсандчилик узок давом этмайди. Ҳумоюн эртага Шерхоннинг сиртмоғидан омон кутулса, Аграга бориб ўзини тез ўнглайди. У кечиримли йигит, укалари билан ярашади. Юз амириссик, Шерхондай хатарли ёв қаршисида оға-инилар бирлашиши мумкин. Бобурийлар иттифок бўлса уларга ҳеч ким бас келолмаслигини Шерхон Далаҳруда ва Гужаратда Махмудхон ва Баҳодиршоҳларнинг мағлубиятида кўрган. Шерхоннинг шунча вакт чекиниб, ҳазинасини тоғдаги Роҳтасларга элтиб бекитиб юргани етар! Агар Шерхон бошига янгидан бало орттиришни истамаса фурсатни бой бермаслиги ва Ҳумоюнни дарёлар сиртмоғидан тирик чиқармаслиги керак!

Шерхон ўйинни шу тарзда якунладио лашкарбошилардан тўрт кишини машваратга чақириди. Шерхоннинг ўғиллари Кутбхон билан Жалолхон ўнг томонга ўтиришиди. Ражпутлар саркардаси Бикрамадит Гаур ва Шерхоннинг лашкарбошиси Ҳавасхон чап томондан жой олишди. Шерхон ҳомиёнадаги мулозимларни чиқариб юбориб, эшикнинг пардасини тушириди. Қандилда липиллаб турган шамларнинг ёруғида ўғиллари ва саркардаларига бир-бир қараб олди-да:

— Менинг дунёда энг ишонган одамларим — тўртовларингсенлар, — деди. — Биз ватанимизни келгиндилардан озод қилиб, мустакил давлат тузмокчимиз. Бу орзу бизни рожа Бикрамадит Гаур билан оға-ини қилди. Улуғ мақсад йўлида биз дину миллат айирмаймиз. Чунки афғонлар ҳам ражпутлар каби асли арий кабилаларидан тарқалган. Биз ҳаммамиз Ҳиндистонда туғилиб ўсдик, ота-боболаримизнинг қабри ҳам шу заминда. Олдин келгиндилар зўр келди, биз чекиниб юрдик. Аммо бизнинг ҳам омадимиз келадиган пайти сабр-тоқат билан кутдик. Ўша пайт мана энди келди! Душманнинг ахволи танг, Чунорни бизга жангиз беришга тайёр. Элчилар келиб сулҳ таклиф қилди. Мен уларни чўчитмаслик учун сулҳга рози бўлдим. Ҳумоюн бугундан кўч йиғиширишга буйруқ бергай. Энди бизнинг хужумимизни кутмагай, дарёлардан тезрок ўтиб кетишига шошилгай.

— Душманни гафлатда колдириб босадиган пайт келиди-ку! — деди Ҳавасхон.

Кутбхон бу гапни ёқтирамай, Ҳавасхонга ўқрайиб қарди. У икки йил Ҳумоюн аскарлари сафида хизмат қилган, унинг тантиликларини кўп кўрган.

— Сулҳни ҳарбий ҳийлаге айлантириб бостириб бо-

отликлари билан астойдил олиша бошладилар. Қиличлар ва наизалар бир-бирига урилиб, тұда-тұда отликлар үймалашып, олишиб қолди. Марказда иккى томоннинг ҳарбий филлари бир-бирларини тепиб, тишларини тишларига карсилатып ураг, фил устидаги кажаваларда үлтирган мергандар ёв филининг күзини ёки филбоннинг күкрагини мүлжалга олиб ўйдан ўқ стишарди.

Аммо қароргоҳнинг иккى четида каршилик күрсатувчилар сафи жуда сийрак. Селдай ёпирилиб келаётган Шерхон отликлари яланг оёқ-яланг бөш қочиб кетаётганларни кувиб етиб, қилич билан чопиб ташламокда. Дарё кирғогига қочиб борганлар кемалар ва қайиқларга ташланыпти. Чап қанотни эзіб-янчыб ўтган ражпут отликлари марказдаги Шерхон аскарларига ёрдамға етиб келдилар. Ҳумоюннинг ҳарбий филлари Шерхоннидан оз, замбаракларнинг чақмоқ билан ёндириладиган пилтаси рутубатты зах ҳавода нам тортиб қолғани учун Ҳонқулининг саросима харакатлари натижә бермади. Замбараклар ўқ отғунларича бўлмай, душман филлари тўпхоналар устига бостириб келди. Ўкланган, аммо отиб улгурilmagan, пилтаси ёнмай тутаб турган замбарак қувурларини хартумлари билан кўтариб лойга отдилар. Тўпчиларнинг қочиб улгуролмаганларини кажавадаги мергандарнинг ўки ва ортдан келган отликларнинг киличу наизалари нобуд қилди.

Буни кўрган Байрамхон соғ қолган навкарлари билан саропарда турган томонга чекинди. У Бека бегим хизматид; бўлган ва беш яшар ўғилчаси билан саропарда ичидаги кичик бир чодирда турадиган хотинини қутқаришини ўйлар эди.

Нарёқдан отлик етиб келган Ҳумоюн қароргоҳ маркази ҳам ёв кўлига ўтганини, факат дарё бўйи хали хатарсиз эканини кўрди:

— Аёллар билан болалар дарё бўйига олиб ўтилсин!— деб қичқири.— Байрамхон, сиз марказдан келаётган ёвнинг ўйини тўсинг! Мавлудбек, хайлхонани¹ кемага элтиб жойлан!

Мавлудбек бошлаб чиққан Бека бегим, Ақиқа, Чанд биби, Байрамхоннинг ўттиз беш ёшлардаги туркман хотини, яна бир қанча канизлар, хизматкор аёллар шоша-пиша

¹ Хайлхона — подио ва аъёнларнинг хотини, бола-чақалари.

дарё томонга йўл олдилар. Бирок ular қирғокка етиб боргунча дарё четидаги кема ва қайиқлар олдинроқ қочиб борган беку навкарларга тўлиб қолган эди. Вахима ичидаги тартиб-интизомни унутган, жонидан бошқа нарса кўзига кўринмай қолган одамлар бирдан-бир најот мана шу кема ва қайиқлар эканини аллақачон сезишган эди. Кемачи ва эшкакчилар бетартиб қочиб келганларни подшонинг рухсатисиз кемага киргизмасликка уриниб қаршилик қилдилар. Қилич ва ханжарлар ишга тушди. Лекин қочқин оломон бенихоя кўпайиб кетди, қаршилик қилган кемачиларни суриб, ийқитиб ўтди. «Гунжойиши» кемасининг эшкакчиларидан бири бўлган Низом бу ур-сурда ўзини четта олиб, зўрга омон қолди. Зўрлик билан тортиб олинган кема ва қайиқлар саропардадан олиб чиқилган аёллар ва болаларнинг етиб келишига қараб ўтирмаи нариги қирғокка томон йўл олди.

Қайиқларни ҳам бошқа қочқин навкарлар ва беклар тортиб олишди. Низом қирғок четидаги омборда мешлар борлигини эслади. Чопиб келиб каттароқ бир мешни тандади-да, қайтиб чиқди. Бу орада душман отликларидан уч-тўрт юзтаси Мавлудбек бошлаб келаётган аёллар ва болаларнинг ўйини оёғи тагида қолиб кетишдан қўркиб, қирғок бўйлаб Ҳумоюн томонга қочди.

Байрамхоннинг отликлари Ҳумоюнни ўраб олиб, тепаликнинг нариги томонидан дарё кирғогига қараб чекинмокда эди. Душман отликлари подшонинг хос навкарлари сафини ёриб ўтолмади. Шунда ёвнинг ҳарбий филларидан уч-тўрттаси химоячилар ҳалқасига ташланди. Хос навкарларда тўфанглар бер эди. Филлардан иккитаси тўфанглардан устма-уст отилган тўнгиз ўқларга учеб йикилди. Аммо сағрисига ўқ теккан, яра оғриғидан баттар қутуриб кетган учинчи фил тўфанг отаётган навкарларга бўкириб ҳамла қилди. Отлардан бирини каттиқ тепиб, чавандози билан ағанатиб юборди. Ҳумоюн ҳимоясида турган иккинчи отлик навкарни хартуми билан белидан ўраб олиб эгардан даст кўтарди-ю, бигиллатиб кисиб, ерга чалпак қилиб урди ва танасини оёғи билан босиб-янчыб ўтди. Дарғазаб фил қаршисида химоясиз қолган Ҳумоюн қиличини қинидан сугурди. Фил унга хартумини чўзиб яқин келганда Ҳумоюн қора илондай ҳаракатчан бу балони кесиб ташламокчи бўлиб қилич сермади. Аммо хартум қиличдан чақконрок эди. Тиг боргунча фил ўз хартумини йўғон оқ тишлари-

нинг панасига олишга улгурди. Ҳумоюн зарб билан урган қилич филнинг ўғон сўйлостишилари орасидаги қалин терисини кесиб ўтди-да, тери билан тиш суяги орасига кириб илиниб қолди. Ҳумоюн қилични сугуриб олгунча бўлмай ўнг елкасига ёй ўқи жазиллаб санчилди. Фил устидаги кажавада ўлтирган мерганлар унинг кўкрагини мўлжалга олган, лекин отиу ўзи тинимсиз ҳаракатда бўлгани учун ўқ елкасига теккан эди. Шошилинчда зирхли кийим киймаганига Ҳумоюн энди афсус қилди. Оғриқдан жонсизланган ўнг қўли қилични сугуриб олишга ярамади. Фил бир силкингандан олтин қилич дастаси Ҳумоюннинг кўлидан чиқиб кетди. Йўғон кора хартум қайтадан унинг бўйнига чўзилиб кела бошлади. Ҳумоюн чап қўли билан отнинг жиловини кескин силтаб четта бурди-ю, ёл устига энгашди. Шу пайт унинг ёнгинасида яна тўфанг гумбурлади. Фил Ҳумоюн билан андармон бўлган пайтда тўфангни кайта ўклашга улгурган хос навкарлардан бири филнинг пешонасини мўлжалга олиб тепкини босган эди. Тишига олтин қилич илиниб қолган, сағрисидан ва хартуми устидан қон оқаётган улкан фил эди пешонасини корайтириб тешиб кирган ўқдан гандираклаб оркага тисарилди-да, гурсиллаб йиқилди.

Оркадан яна ёв отликлари ва филлари бостириб келмоқда эди. Байрамхоннинг овози келди:

— Ҳазратимни дарё бўйига олиб кетинглар! Биз ёгийни ўтказмагаймиз! Лаъл Чанд, филингиз билан ҳимояда туринг!

Ҳумоюннинг елкасига қадалиб турган узун ёй ўқи от ўртгандан қаттиқ силкинар ва жазиллатиб оғритар эди. Унинг ёнида отлик бораётган Жавхар офтобачи Ҳумоюннинг ранги бир окариб, бир кўкариб кетаётганини, оғриқ зарбидан кўзига тиркираб ёш келганини кўрди-ю:

— Ҳазратим, рухсат беринг, ярангизни боғлай! — деди ва бошидан янги симоби салласини олди. Ҳумоюн ҳимоячи навкарлар қуршовида от чоптириб борар экан, яна ёл устига энгашиб, чап қўлини ўнг елкасига чўзди-ю, қадалиб турган ёй ўқини бир ҳаракат билан сугуриб ташлади. Шу пайт оғриқдан инграб, отнинг ёлига юзини босди. Жавхар офтобачи ўнг томондан отини жипс келтириб, уни кўлтигидан сужди. Елкадан оқаётган қонни тўхтатиш учун яраланган жойни юмшоқ салла матоси билан бешолти марта ўраб, қаттиқ чирмади-ю, кўлтиқ тагидан танғиб боғлаб кўйди.

Байрамхон ва Лаъл Чанд марказдан ўтиб келган ёвнинг йўлини тўсган бўлса ҳам, икки канотдан ёриб

кирган бошқа юзлаб отликлар Ҳумоюнга караб ёпирилиб келмоқда эди. Тепаликдан туриб жангни бошқараётган Шерхон Ҳумоюннинг дарё томонга чекинганини кўрган, уни ё ўлик, ё тирик албатта кўлга олишини хар икки канот саркарлаларига буюрган эди. Ҳумоюн оркага ўгирилиб караб, Байрамхон Лаъл Чанд бошлиқ филлар ёрдамида ҳимояда турганини кўрди.

Кирғокда бирорта кема ҳам, кайиқ ҳам йўқ. Одам тўла бир кема нариги қирғокка етай деб қолган. «Мавлудбек аёллар билан болаларни ўша кемада олиб чиқиб кетгандир», деган ўй Ҳумоюнга озгина тасалли берган-дек бўлди. Ўнг канотдан отилиб чиккан ёв отликлари юздан ортиқ. Ҳумоюнни химоя қилиб қирғокқача келган навкарлар эса ўттиз-киркtagина, холос. Қуршовда қолиб асир тушиш ўлимдан ҳам даҳшатлироқ. Ҳумоюн қилич дастасини кидириб белини пайпастади. Аммо бўш енгил қин саланглаб осилиб турганини кўрди ва бояги ярадор филни эслади.

Чуғурчуқдай беҳисоб душман отликлари тобора якинлашиб келаётгани Низомни ҳам саросимага солди. У қўлидаги мешга ҳаво пуфлаб, уни таранг қилиб шиширди-да, оғзини маҳкамлаб боғлади. Меш ёрдамида нариги қирғокқа сузуб ўтиш учун сувга қараб чопди.

Бўтана бўлиб тўлиб оқаётган тошкин дарё Ҳумоюннинг ваҳмини келтирди. Лекин яқин келиб қолган душманларга асир тушиш ундан ҳам даҳшатлироқ эди. Тагидаги саман — зўр от, Ҳумоюн сузишни билади. Хос навкарлар ёв илгорларининг йўлини тўсиб, улар билан қилич чопиша бошлаган пайтда Ҳумоюн Низом сувга тушган жойдан сал нарирокда отини қирғодан дарёга сакратди. Сув аввал отнинг сонигача келди, кейин қорнига чиқди. Ҳумоюн эгардан тушиб соғ қўли билан саманнинг бўйнидан кучоклаб олди. Ўнг қўл бутунлай ишдан чиккан, сал қимирлатса елкадаги яра оғриғига чида бўлмайди. Дарё бирдан чукурлашиб, отнинг ёёғи ерга тегмай қолди. От устига ёпилган оғир зирхли кежим ва унинг бўйнига осилиб олган ярадор Ҳумоюннинг вазни саманини чўқтириб юбора бошлади. От пишиқириб тумшуғини сувдан чиқарди-ю, бирпас сузуб кўрди, аммо яна сувга ботиб кетди. Ҳумоюн отнинг бўйнини қўйиб юбориб бир кўллаб сузуб кўрди. Аммо кутилмаган гирдоблар уни пастга тортиб кетаётгандай бўлди-ю, яна чўкаётган отнинг ёлига ёпиши.

Бу орада Ҳумоюн оқим кучи билан Низомга якин

бориб қолди. Мешга кўкрагини бериб қиялаб сузатган Низом эса подшога бир жойи тегиб кетишидан чўчиб, ўзини нарироқ олди.

Ахир дарёлар оралиғидаги бу бехосият жойни кароргоҳ қилишга Низом ҳам бошқа хинд сувчилари қатори карши эди. Лекин Ҳумоюн уларнинг огоҳлантиришига кулок солмади, яна хушомадгўй бекларининг гапига кирди, чодирда май ичиб ётиб фурсатни бой берди. Бугун кўп қатори Низом ҳам шу хатоларнинг касофатига қолди. Бас, энди Низом бу подшога яқин бормайди. Лаганбардор беклари Ҳумоюни «енгилмас ботир!» деб макташади. Қани, Карамнаса ичиди шу ботирлигини бир кўрсатсан! Боя дарёга от сакратиб кирганига караганда ҳаш-паш демай нариги қирғокка сузиб ўтса ажаб эмас.

Бу кинояли ўйлар асносида сув тагидаги аллақандай ўпкон гирдоби Низомни оёқларидан пастга торта бошлади. У кўкрагини қўйган меш ҳам кучли гирдогба тушиб айланниб кетди. Тўсатдан Низомнинг нафаси қайтиб, кўзи тингудай бўлди.

Хинд кемачиларининг Карамнасадан ҳайикиб, уни четлаб ўтишлари бежиз эмас эди. Бу дарёнинг тагида чукур ўпконлар кўп, сув гирдоби уларга куйилиб тушаётганда одамин ҳам пастга тортиб кетар эди. Ёмғир фаслида тоғ ичидаги симоб конларидан Карамнаса дарёсига кўнгилни айнитадиган, ҳатто одамин эс-хушидан кеткизадиган бадбўй, заҳарли нарсалар оқиб келарди.

Заҳарли ҳовурдан кўнгли айнай бошлаган Низом меш устига юзтубан ётиб олди-ю, кўл-оёқларини эшкак ўрнида ишлатиб, талпина-талпина гирдоб комидан чикди. Бир пайт шундай ёнгинасида сувга чўкаётган Ҳумоюни кўрди. Ҳумоюн кўл-оёқларини кериб туриб юкорига бор кучи билан талпинди-да, бошини бир лаҳза юзага чиқарди. Ютобиб нафас оларкан:

— Ким бор? Қуткаринг! — дейишга ултурди-ю, яна лойка гирдблар орасига чўкиб кета бошлади.

Низом унинг чиндан гарк бўлаётганига энди ишонди ва беихтиёр мешни унга яқин олиб борди. Ҳумоюн яна бир талпиниб сув юзига чиққанда Низом уни елкасидан тутиб олди-да, меш устига икки кўллаб тортиб чиқарди.

Ҳўқизнинг терисидан килинган меш каттагина бўлса ҳам, икки кишининг оғирлигини кўтаролмай, сувга ботиб кетди. Буни кўрган Низом кўлини меш четидан ва Ҳумоюннинг елкасидан олмаган ҳолда, танасининг бутун оғирлигини сувга ташлади. Шунда меш сув юзига яна қалқиб

чиқди. Ҳумоюн соғ қўли билан мешга жонҳолатда ёпишиди-ю, Низомнинг ёрдамида кўкрагини ва зилдай оғир ўнг елкасини меш устига чиқариб олди. Ичига кетган сувдан ўқчиб йўталди, нафасини ростлай олмай ҳансиради, елкасидаги яра оғриғидан ихради.

Низом унинг Аграка фил миниб, Кўхинур олмосини пешонасига қадаб юрган пайтини эслади. Ўшанда Ҳумоюн Низом учун кўл етмас бир баландликда эди. Ҳамида бонуну бу йигитга бермоқчи бўлғанларини эшишиб, Низом қанчалик изтиробга тушган эди! Ҳумоюн Аграка омои қайтса қизни унга ҳали ҳам олиб беришлари ҳеч гап эмас. Бу ўй Низомнинг қалбини кўйдирив ўтди. Икки киши бир мешда бу хатарли дарёдан сузиб ўтишлари амримаҳол. Сув ости ўпконлари Низомни ҳам Ҳумоюнга кўшиб пастга тортиб кетиши мумкин.

Лекин Ҳумоюн оғриқдан ихраганда Низом унинг елкасидан яраланганини, танғиб боғланган латтада қонли дөглар борлигини кўрди. Дарё бўйида ўсган Низом сувга гарк бўлаётган каттами, кичикми, кимни кўрса ёрдам килиб ўрганган. Ҳумоюн ҳозир аввалти мағрур хукмдор эмас, балки Шерхоннинг сулҳ ҳақидаги гапига ишониб алданган, ярадор бир жангчи. Низом Ҳамидага оид дардии қалбida бир лаҳза бош кўтарган рақиблик туйғуси туфайли уни кутқармай ташлаб кетадиган бўлса, кейин одамларнинг юзига қандай қарайди? Қуткариш мумкин бўлган одамин кўра-била чўқтириб юбориш — йўқ, Низом бундай қиломайди!

У бутун кучини, шунча йил дарёда сузиб орттирган бор тажрибасини ишга солиб мешни Ҳумоюн билан бирга гирдблар орасидан олиб чиқа бошлади. Ҳумоюнга караб:

— Сиз ҳам оёқни ишлатинг! — деб буюрди. — Сув остида ўпконлар кўп. Тортиб кетмасин!

Ҳумоюн минган саман отни бу ўпконлар аллақачон сув остига тортиб кетган эди. Ёвдан кирғокқа қочиб келиб ўзини сувга ташлаётган минглаб отлиғу пиёдалар ҳам шу гирдблар орасига сузиб киргандан кейин дақика сайин камайиб йўқ бўлиб бормоқда. Ҳумоюн хиндарнинг Карамнасадан бунчалик кўркиб ирим қилишларига сабаб борлигини энди билди-ю, сув ичиди оёқларини сузгандаги каби ҳаракатлантириб, Низомга ёрдам бера бошлади.

Боя жон-жаҳди билан талпиниб юзага чиққанда этигининг бир поийи оёғидан чиқиб кетган экан. Ҳумоюн буни энди сезди-ю, этикнинг иккинчи пойини ҳам яланг оёқ билан итариб, ечиб ташлади. Этикализ оёқлар билан сузиш хийла осонлашди. Низом иккаласи мешга осилиб, талпина-

талпина хатарли гирдблар орасидан чиқдилар. Кучли оқим уларни энди дарёнинг ўртасига қараб оқизиб кетди.

Хумоюн кўп уринган сари елкасидаги ярадан қон кетиб, уни дармонсизлантириб қўйди. Бунинг устига дарёнинг ўртасида нафасни бўғадиган бадбўй ҳовур қуюқлашиб кетди. Хумоюннинг кўзи тиниб, боши айланди, кўли ҳам жонсизланди, оғир гавдаси мешдан сувга сирғалиб туша бошлаганда:

— Йигит... мени... тути...— дейишга улгурди.

Низом тезда мешнинг олд томонига ўтди-ю, Хумоюнни соғ қўлидан ва тўнининг ёқасидан тутиб, яна меш устига тортиб чиқарди.

Бадбўй буғлар Низомнинг ҳам кўнглини беҳуд қилиб, кўзини хиралаштириди. Шунда у бир қўлини бўшатиб, салкин сув билан юзини ювди. Бу бир оз енгиллик берганини сезди-да, ҳўл қўлини Хумоюннинг пешонасига қўйиб турди. Хумоюн яна кўзини очди.

Дарё оқими мешни шитоб билан Ганга томон оқизиб кетмоқда эди. Хумоюн ҳушини йигиб, Низомга кўз ташлар экан, худди бошқа дунёдан қайтиб келгандай бўлди.

Низом унинг кўз очганидан сингъ тартиб:

— Хайрият!— деди.— Мешни маҳкам тутинг. Бу оқим бизни Гангага оқизиб борса гарк бўлгаймиз. Икки дарё айкашган жой жуда хатарли!

Хумоюн соғ қўли билан меш четидан бўшгина ушлади-ю, яна кўзини юмди. Унда умидсиз бир лоқайдлик пайдо бўлди. Бу дарёлардан тирик чиқолмайдиганга ўхшайди. Кийноклар тезроқ тугай қолгани афзал эмасми? Кошки тезроқ ҳушидан кетса!..

— Мени қўйинг,— деди у Низомга.— Ўзингизни қутка-ринг...

— Йўқ, ҳазрат! Мен сизнинг кемангида хизмат қилиб маош олурмен. Сизни сувдан ўтказиб қўймасам, менга берган нонингиз ҳаром бўлгай. Мен ҳалол нон еб ўрган-гаммен!

Хумоюн сергакланди. Ялангоёқ бир эшқакчи деб, кемада кўрганда писанд қилмай юрган йигит шундай хатарли аснода ҳам ҳалол-ҳаромни унутмаса, бунда бир каромат бор.

— Бирга зўр-берсак, омон чиқгаймиз, ҳазрат!— деди Низом.— Сиз мешни маҳкам тутсангиз бас! Ушланг! Маҳкам тутинг!

Низомнинг овозида шундай бир катъият ва ишонч

бор эдик, Хумоюн шунинг таъсирида «зора тирик қолсам!» деб умидланди. У энди ўзидан кўра Низомга кўпроқ ишона бошлади. Хумоюн бу сувчи йигитнинг иродасига сўзсиз бўйсуниб, кўкрагини меш устига яхширок ўрнатди-да, sog қўли билан унинг нариги четини қаттиқ чанглаб оли. Низом бўйнигача сувга ботған ҳолда мешни икки қўллаб нариги кирғок томон сурди, оёқларини ҳам, бутун гавдасини ҳам ғайир оқимга қарши жон-жаҳди билан ишлатиб, вужудидаги барча мускулларни тўғе сузгичга айлантириб юборди. Хумоюн кўкраги билан осилиб ётган меш оқими ёриб ўтиб, нариги кирғокка томон киялаб бора бошлади. Кирғоқдаги яшил дараҳтларни, кўкатлар орасига сочилган ранг-баранг гулларни Хумоюннинг кўзи энди кўрди. Унда бирдан яшаш иштиёқи кўчайиб кетди. Энди у ҳам сувдаги оёқларини оқимга уриб, сузгандаги каби ҳаракатлар билан Низомга ёрдам бера бошлади. Меш боягидан енгилроқ ва тезроқ ҳаракатланиб, ниҳоят, нариги кирғокка етиб тўхтади.

Улар сув четидаги шағал аралаш лойқадан оғир қадамлар билан юриб ўтиши-ю, пастигина кирғок бўйидағи кўқаламзорга чўзилишиди. Анчагача оғир нафас олиб, ҳансираф ётишиди.

Булутлар орасидан сузиб чиқкан хира офтоб найза бўйи кўтарилиган эди. Тонг гира-ширасида бошланган даҳшат бир неча соат ичида Хумоюн қўшинини тор-мор қилди, не-не йигитлар сувга гарк бўлганини унинг ўзи кўрди. Шерхон ҳозир дарёнинг нарёғида ғалаба завкини сураттган бўлса керак...

Юз берган фалокат қанчалик улкан бўлмасин, унинг барча даҳшатлари орасидан ўтиб келаётган бир тутам нур Хумоюннинг кўнглига ёғду сочиб тургандай туюларди. Ахир у дарё гирдблари орасида ҳаётдан бутунлай умидини узган эди. Саман от билан бирга ўпконга тортилган пайти, сўнг меш устидан сирғалиб тушиб ҳушидан кетгани ҳаёлида кайта гавдаланди-ю, қалбига тушиб турган нур — унга янгидан берилган ҳаётнинг нури эканини сезди.

Қайтиб берилган ҳаёт туйғуси барча кўргиликлар ала-мидан зўрроқ бўлишини у энди сезди. Елкасидаги яра оғриғини ҳам унубиб, ўрнидан туриб ўтириди. Ёнида ҳамон нафасини ростлай олмай ҳансираф ётган Низомга ийманиброк кўз ташлади. Уни ўзидан бир неча бор устун бўлган тенгсиз бир баҳодирдай эъзозлагиси келиб:

— Сиз менга иниларим қилмаган яхшиликни қилдингиз,— деди.— Отингиз недур?

Низом ёнбошга туриб, ўз отини айтди.

— Низом! — деб Ҳумоюн унинг отини ёқтириб тақрорлади: — Бу дарё ичиди иккевимиз дунёга қайтадан келгандай бўлдик.

— Рост, онадан қайта туғилдик, — деди Низом ҳам.

— Ҳозир сиз менга туғишган инимдан ҳам азироқсиз. Номингзин Дехлидаги Низомиддин авлиёнинг номларидай улуғласам арзигай!

Низом Ҳумоюннинг подшолигини унуглан эди. Кийимлари шалаббо ҳўл, ярадор, ялангоёқ бу йигит замона зўрларининг бошида турган тождор экани бирдан эсига тушди.

— Агар мени ростдан тутинган ини ўрнида кўрсангиз, сизга икки оғиз арзим бор.

— Айтинг, бажонидил тинглай!

— Порахўр амалдорлар билан алдамчи шайхлар мамлакат ҳалқини сиздан бездириди. Қанча хинд йигитлари Шерхон томонга ўтиб кетди. Ахир Шерхон хиндию муслимни бир-биридан ажратмас экан!..

— Мен ҳам хиндию муслимни яқдил қилиш орзусида эдим. Аммо бу мушкул ишда кимга таянишимни билмадим.

— Ҳинд элига таянинг-да, ҳазрат. Бу элда бҳақтийлар¹ бор. Уларнинг шонри Кабир хиндию, муслимни ўз дилида бирлаштирган. Менинг отам бҳақтий бўлгани учун тухмат билан зинданга ташланди.

— Ким тухмат қилди?

— Сиз ишонган амалдору шайхлар.

— Мен ўзим бу адолатсиз мухитдан қандай қутулишими билмасмен! Отангиз Аградаги зиндандами? Пойтахтга қайтайлик... Сиз ўзингиз... отангизга тухмат қилган амалдору шайхларга жазо бердиргайсиз.

— Мен? — ишонқирамай сўради Низом.

— Ҳа, омонлик бўлса, сиз ҳали истаганингиздан ҳам катта мартабаға эришгайсиз.

Низом истаган мартаба нима эканини ўзи ҳам билмайди. Унинг энг зўр истаги — отасини зиндандан кутқаришу Ҳамиданяна кўриш. Бу гўзал қизни у жуда соғиниб юрибди. Лекин Ҳамида тўғрисида Ҳумоюнга оғиз очишига тили бормади. Факат подшони кутқаргани ҳали тақдирида катта ўзгаришларга сабаб бўлишини ич-ичидан сезди-ю, юраги ғалати бўлиб ҳаприкли.

¹ Бҳақтийлар — адолатпарвар ҳалқ ҳаракатининг иштирокчилари.

АГРА. НИЗОМ ТАҚДИРИНИНГ ТЕБРАНИШЛАРИ

Ҳумоюн дарё ўпқонларидан омон чиқкан бўлса ҳам, Ганга бўйидаги мағлубиятнинг ёмон оқибатлари янада даҳшатлирок ўпқонлар ва гирдобларга айланиб, уни ўз қаърига торта бошлиди. Ганга ва Карамнасада сувга чўкиб ўлганларнинг сони етти мингдан ортиқ. Шерхон аскарлари билан жанг килиб ҳалок бўлганлар ва асир тушганлар эса беш мингга яқин. Маломат устига қўшилган баҳтсизлик туфайли Ҳумоюннинг хотинлари Бека бегим ва Чанд биби, қизи Ақиқа бегим, ишонган саркардаси Байрамхон ҳам Шерхон томонидан асир олинган эди.

Бу шум хабарлар бутун мамлакат бўйлаб тарқалган сари Ҳумоюннинг эл орасидаги обрўси тушиб кетди. Сувга гарк бўлиб ўлган мархумлардан ҳар бирининг отаси, онаси, яқин кариндошлари бор. Улар лоакал ўз жигарбандларининг жасадларини тополмаганидан, тошқин дарёлар кўп ўликларни беному нишон йўқотиб юборганидан жизғанак бўлиб куяр эдилар. Аччиқ алам ва мусибат ичиди ковурилган азадорлар Ҳумоюндан ихлоси қайтиб қичкиришарди:

— Ҳумоюн эпласа подшолик қилсин-да!

— Дафъ бўлсин бундай ношуд саркарда!

— Келгинди темурийзодадан тўйдик!

— Йўқолсин Ҳумоюн!!

— Дафъ бўлсин!!

— Кетсин юртига, келгинди!!!

Агра атрофида ўулу кўтарган оломоннинг аччиқ гапларини Ганга бўйидан қайтаётган Ҳумоюннинг ўзи ҳам эшитди. Кундуз куни пойттахт аҳолисига қўринишга юзи чидамагани учун Аградаги Ҳашт Биҳишт боғига кечаси коронгида кириб келди.

Бу ерда уни Ҳонзода бегим, Гулбадан ва бошқа яқинлари кутиб турган эдилар. Ҳонзода бегим қоронгида Ҳумоюннинг ўзини кўриб ултурмасидан ширадор овозини эшитди-ю, юраги ҳаприклиб кетди. Ҳумоюннинг овози отаси Бобурнига шу қадар ўхшар эдики, бегим нохосдан унинг товушини эшитса иниси тирилиб келаётгандай ҳаяжонга тушар эди. Ҳозир ҳам то Ҳумоюн беку мулозимлардан ажралиб, айвонда мунтазир турган аёллар олдига келгунча бегим ўз юрагининг гурсиллаб урганини эшитиб турди.

Ҳумоюн илгаригидан хийла озгин ва хипча қўринди. Ярадор ўнг елкаси ҳали тузалмаган, тўнининг бир енги бўш. У аёлларга чап елкасини тутиб қўришди. Бошига қасаба рўмол ўраган, иягига лачак тутган синглиси Гулбаданин тезда танимади.

— Ие, Гулбадан сенмидинг? — деб у билан кейин күришиди. — Илгари тоқида юрар эдинг. Энди лачак тутадиган бўлибсан! Зўрга танидим!

Хумоюн ўзини тетик кўрсатиш учун шу гапларни айтди-ю, кейин Хонзода бегим билан хонайи хосда ёлғиз колганда лаблари пир-пир учиб ўпкаси тўлиб гапирди:

— Хатолик ўзимдан ўтди, ҳазрат амма! Ўзим ношудлик килдим! Қанча вактим кайфу сафо билан ўтди! Шон-шуҳратнинг кетидан қувиб, пешонамга Кўхинур олмосини такиб юрганларим!.. Худо бандасини жазоламоқчи бўлса аввал уни ҳовлиқтириб ақлини олар экан. Мен ҳам аклимини йўқотиб кўйганимни энди билмоқдамен!

Хумоюн ҳамма дардини айтиб кўнглини бўшатсин учун Хонзода бегим унинг сўзини бўлмай тоқат билан жим тинглади. У бутун айни бошқаларга тўнкаб, ўзини оппок килиб кўрсатадиган майдо одамлардан эмаслиги бегимга зимдан тасалли берди.

— Хумоюнжон, отангиз ҳам канчалик оғир мағлубиятларни бошдан кечирганини бир эсланг. Сиз-ку шу вактгача факат ғалаба завқини сурib юрдингиз. Мағлубият қандай бўзинини эди кўрмоқдасиз. Лекин Самарқандда Шайбонийхон бизни беш ой қамал килганда не балоларни бошдан кечирмадик!

Хонзода бегим хон асоратида ўтган умрини эслаб оғир «уҳ» тортиди. Шу «уҳ» билан у гўё Хумоюннинг дарду ғамини ўзига олгандай бўлди. Олтмиш икки яшар Хонзода бегим шунча азобларни сабр-бардош билан енгиб ўтган бўлса, Хумоюн ҳам яна яхши кунларга етишиши мумкиндири. Шу ўй билан Хумоюн ўзини хиёл босиб олганда Хонзода бегим унинг юзига оналарча меҳр билан термулди:

— Юз шукурки, барча фалокатлардан омон чиқибсиз.

Хумоюн дарёдан тирик чиққандаги нурли туйғу ҳозир яна кўнглини ёритиб қайтиб келди.

— Одам ҳаётнинг қадрини ўлим билан олишганда биларкан, амма! Ҳаёт-мамот олдида шоҳу гадо баробар деганлари рост экан. Тожу тахт, олтин-кумуш, обрў-эътибор ҳаммаси бутунлай ўз аҳамиятини йўқотаркан. Ўша сувчи йигит Низом... ундаги ҳалоллик, поклик, беғаразлик, фидойилик бизнинг ҳеч биримизда йўк!

Хонзода бегим Низомнинг таърифини эшитған сари уни кўргиси келиб:

— Ўзи сиз билан бирга келдими? — деди.

— Ҳа, ҳозир ота-онасини кўргани кетди. Икки хафтадан бери ёнимдан кўймай, ички бекларим каторида олиб юрибман. Бойликка кизиқмайдир. Ўзи хиндлардан, муслиму

мажусийни баробар кўрадир. Кабир деган бҳактий шоирга ихлосманд экан. Жалолиддин Рўмий, Саъдий шеърларини ҳам ёд билур.

— Форсий тилда-я?

— Ҳа, туркийни ҳам ўрганибdir. Тугма истеъюди бор экан. Зеҳни, ақлу фаросати мени ҳайратга солди. Ўзи унча кўп мулло кўрган эмас, фақат тўрт йил тахсил олган, аммо хати-саводи ўткир. Ҳазрат отамнинг туркий шеърларидан қарийб уч юз байтини менга ёд айтиб берди. Муҳофазасининг зўрлигини шундан билдим. Карангки, оғир пайтда иниларимни ёрдамга чақирдим, учовидан бирортаси Ганга бўйига бормади. Шунча балолардан омон кайтдим, чиқиб бирортаси кутиб олмади! Мен гуноҳ қилган бўлсам, жазосини тортдим! Энди инилар ҳам тортсан!

— Сиз иниларингизга жазо бермоқчимисиз?

— Иниларим нуқул таҳт талашурлар. Ухласалар тушларига подшо бўлиш киргай! Бироқ мен тожу таҳтни иниларимга эмас, ҳинд йигити Низомга бермоқчимен! Шояд ўшанда ҳинд эли бизнинг хатоларимизни кечирса!..

— Вой, бу қандок мумкин, Хумоюнжон? — Хонзода бегим ҳангу манг бўлиб қолди.

— Иниларим шу қадар оқибатсизлик қилганда бегона бир йигит жонини минг хатарга солиб мени кутқарган бўлса, мени уни бошимга кўтариб эъзозласам арзимагайми?

— Лекин сиз унга тожу таҳтни бермоқчисиз-ку! Ахир бобурийлар сулоласи шу билан тугаса... буни айтишга ҳам тил бормайдир!..

— Бунисидан қўрқманг, ҳазрат амма. Мен ёмон хатолар килдим, отамнинг тожу таҳтига ўзимни номуносиб сезмоқдамен! Қалби тоза Низом тахтга чиқиб, уни менга поклаб бергусидир! Ахир жаннатмакон отам ҳам ялангоёқ дехқонлардан чиқкан Тоҳирни ҳалолу поклиги учун ўзига беҳад яқин олар эди-ку. Умрларининг охирида бир гўшада факат шу Тоҳир билан бирга туришни истаганлари ёдингиздами? Бунинг сабабии мен энди фахмламоқдамен.

— Руҳий ларзалар ҳаддидан ошиб, сизни тушкунликка солмишdir, Хумоюнжон! Бу қарорингизда шошилманг. Низомни тахтга чиқаришдан олдин Шерхонга карши куч тўпланинг.

— Мамлакат ҳалки биздан бегонасираса, мен кучни қайдан тўплагаймен, амма жон? Балки ҳиндалар биздан безиб Шерхонга ёрдам бергани учун мағлуб бўлгандирмен? Балки Низомни менга тақдир ўзи ёрдамга юборгандир? Энди мен ҳалол йигитни астойдил эъзозласам, шу билан тагжой ҳиндаларидан кечирсан!

ларнинг кўнглини олурмен, ишончини қозонурмен, кейин улар менга мадад берурлар!

Хумоюннинг далиллари кўп, қарори катъий эканини сезган Хонзода бегим:

— Ахир сиз Низомга... подшолик удумларини ўргатмогингиз учун фурсат керакдир? — деб сўради.

— Албатта. Давлатни бошқариш осон эмас.

— Унгача мен Комрон мирзо билан бир учрашай. Нечун сизни кўришга чиқмади? Сабабини билайлик. Орада бирон губор бўлса тарқатайлик.

— Орадаги губор менга маълум. Ҳозир Комрон мирзо мендан ўзини кудратлироқ деб билур. Мен абгор бўлдим. Комрон эса Кобулу Бадахшон, Қандахору Панжобнинг ҳаммасига ҳукмрон бўлиб олди. Энди ўзини подшо эълон қилиб, номига хутба ўқитиши қолди, холос!

— Комрон унчаликка бормас. Наҳотки жаннатмакон оталарингизнинг васиятларини унутса?

Хонзода бегим шу ўй билан эртаси куни соябон аравада Комрон мирзо турадиган Гулафшон боғига йўл олди.

* * *

Комрон мирзонинг иситмаси бор, нам ҳавода кийналиб нафас олар ва ичкирида ўлтиргиси келмас эди. У Хонзода бегимни ҳам гулзорлар орасидаги нақшин толорда кабул қилид. Дастурхонга Ҳиндистоннинг норинжи ва хурмосидан ташқари Турондан келтирилган сояки майиз, лавзина ва баргаклар ҳам кўйилган. Хонзода бегим Комрон билан сўрашар экан, унинг йирик гавдаси отасиникига ўхшаб кетишини хаёлидан ўтказди. Тўрт оғайни ичиди энг гавдаси йириги, кўриниши салобатлиси ва овози жарангдори Комрон мирзо. У туркий тилнинг нозик товланишларини Хумоюндан яхшироқ билади, нотиқлиги ҳам Бобур мирзони эслатади. Тўрт оғайнининг ҳар бирида оталярининг қайсирид хислати ва фазилати бор, лекин нега улар якдил бўлиб бирлашолмайди? Хонзода бегим ана шуни тушунишга интилиб, Комрон мирzonинг гапларига камоли дикқат билан кулок солди.

— Оғамизнинг мағлубияти ҳаммамиз учун ҳам оғир кулфат бўлди, ҳазрат бегим. Айниқса, хотинлари билан қизларининг асирга тушгани биз инилар учун ҳам мисли кўрилмаган маломат.

— Шундай кўргиликлар тақдирда бор экан-да, Комрон-

ジョン. Ҳумоюн ўзини ўзи айблаб, ич-этини еб ўлтирибдир.

— Хатто отамизнинг таҳтига ўзларини номуносиб билб, бошқа одамни подшо қилмоқчи эмишлар, ростми?

Бу сир хуфиялар орқали аллақачон Комроннинг қулогига етиб келганидан Хонзода бегим ҳайратга тушди.

— Амирзодам, одам оғир кайфият билан ҳар нарса дейиши мумкин. Ҳар қалай, Ҳумоюн сизнинг улуғ оғангиз, шунчча фаторатлардан кейин даргоҳига бориб кўнгил сўрасангиз яхши бўлармиди?

— Кечадан бери тобим йўқ, иситмам кўтарилиган.

Хонзода бегим Комроннинг кўзи ялтираб, лаблари куруқшаб турганига энди эътибор берди.

— Худо шифо берсин. Сизга не бўлди?

— Агра ҳавоси менга ёқмади. Жигарим шишган. Табиблар муолажа буюрган. Сал ўзимга келсан, акамиздан албатта ҳабар олмоқчимен. Ҳозирча сиздан илтимос шулки, оғамизга айтинг, ялангоёқ саққони таҳтга чиқариш фикридан қайтсинглар. Бу биз учун яна бир маломат бўлғай. Ахир Бобурдай подшоҳнинг яна учта ўғли турганда унинг таҳтига қаёқдаги эшқакчи ҳиндини чиқариш — отамизнинг хотира-сигаю бизнинг ҳаммамизга беҳурматлик бўлмагайми?

— Сақко жуда пок, авлиёсифат йигит эмиш, Ҳумоюн унинг яхшилигига жавобан шу ишни қилиб, ўз гуноҳларидан покланмоқчи.

— Оғамиз чиндан ҳам кўп гуноҳлар қилган, агар ўзларини астойдил покламоқчи бўлсалар, Маккатуллога ҳажга борсинлар!

Подшони таҳтдан тушириб ҳажга жўнатиш — уни ўлимга буюришнинг пардали бир тури саналади, чунки ҳаж йўлида ҳимоясиз қолган тождорни ўлдирадиган қасоскорлар албатта топилади. Комроннинг ўз акасига шундай қисматни право кўраётганлиги — унинг кўнглидаги ўгайлик адовати канчалик шафқатсиз тус олганини Хонзода бегимга ошкор қилиб кўйди.

— Амирзодам, Ҳумоюн бундай қисматга ҳеч ҳам лойик эмас! Тепамизда отангизнинг арвоҳлари чиркираб қолмасин, Ҳумоюнни ҳалокат ҳоҳига итарувчи одамлар бўлса, сиз оғангизни улардан ҳимоя қилмоғингиз керак!

— Ҳимоя бундан ортиқ бўлурми, ҳазрат бегим? Ҳозир Аграни, унинг атрофларини бизнинг ўн беш минг қўшинимиз кўриқлаб турибдир. Акамизнинг беш мингтагина навкари қолган. Агар биз бўлмасак, Шерхон Аргага ҳам кўшин тортиб келарди, ҳалигача уни босиб ҳам оларди!

— Бу гапингиз рост, амирзодам. Шерхондай хатарли

душман қаршисида оға-ини яқдил, яктан бўлинглар. Подшо оғангиз атрофига йигилинглар!

— Подшо бўлишни оғамиз эплолмадилар-ку. Буни ўзлари ҳам тан олганлари бежиз эмасдир?

— Энди, ҳар қалай, жаннатмакон оталарингиз Ҳумоюни ворис тайинлаганлар.

— Раҳматли отам бизга атаб ёзган рубойларини унуган бўлсангиз мен эслатайми?

Давлат билан шоду шодмон бўлгайсен,
Шавкат билан машхури жаҳон бўлгайсен!
Кўнглингдагидек даҳр аро ком суреб.
Бу даҳр боринча Комрон бўлгайсен.

Комрон шеър ўқиганда худди отасининг ўзи бўлди-коди. Ўша сехрли оҳанг, нафосат ва жўшкинликка тўла шоирона рух. Ижодда отасига энг яқин турган ўғил — Комрон эканига Ҳонзода бегим ҳозир яна бир марта ишонди. Аммо ҳаётда-чи? Сўз бир хилу иш бошқа хил бўлмаса Комрон бошига кулфат тушган акасига нисбатан шунчалик шафқатсиз бўла олармиди? Ҳажга кетсин эмиш-а! Акасини кеткизуб, ўзи тезроқ тахтга чиқмоқчи-да...

Ҳонзода бегим цу ўй билан Комроннинг ҳузуридан чиқар экан, Ҳумоюн иниларидағи рақобат балосидан кутулиш учун ҳам мамлакатнинг кўпчилик ахолиси бўлган хиндларга суюниш зарурлигини ич-ичидан хис килди. Нарёқдан Шерхон қиличини яланғочлаб келяпти. Ким шу вазиятда Ҳумоюннинг жонига ора киради? Факат Низом каби халол ва фидойи одамлар! Зора Низом тахтга чиқкандан кейин бутун Ҳинд улуси Ҳумоюнга астойдил ён боссаю унинг мушкулларини осон киласа! Энди Ҳонзода бегим учун ҳам ягона најот йўли шу бўлиб кўринди.

* * *

Низом факат эртаклардагина бўладиган, одам ишониб-ишонмайдиган ғалати кунларни бошидан кечирмоқда эди. Кеманинг пастки қаватида ўн олтида эшқакчининг орасида сиккилиб ўтириб ишлашга ўрганган йигит энди подшо саройининг юқориги қаватида олти хонали ҳашаматли жойда яшайди. Ўнлаб хизматкорлар унинг ҳар бир истагини оғизидан чиқар-чиқмас адо этишади. Ётадиган бўлса маҳсус тўшакчилар, унга гул атри сепилган пуштиранг ипак чойшаблар ёйиб, юмшок парку тўшак солиб беришади. Эрталаб

турган заҳоти бошқа хизматкорлар унинг кўлига сув куйиб ювинтиришади, парча ва зарбоф кийимларни кийдиришади. Айвонда ҳам, боф йўлкаларида ҳам уни новча, бақувват соқчи йигитлар сункасдлардан кўриклаб юришади. Овқат емокчи бўлса сарой баковули, бовурчиси, чашнагири ва ошпазлари истаган таомини муҳайё килишади. Илгари Низом умрида бир марта татиб кўришга ҳавасманд бўлган кийик кабоблар, бедана дўлмалар, каклик паловлар ҳозир истаган пайтида тайёр бўлади. Ҳамма ҳоҳишлари осонгина амалга ошгани сари истакнинг ўзи камайиб боради. Овқатдан кўзи тўйиб қолгани учунми, унинг илгариги иштаҳалари энди йўқ, кўпроқ аччиқ қалампирли нарсаларни ёйди.

Низомнинг кўнгли тилаган ҳамма нарсанни муҳайё килиш ҳакида Мирзо Ҳумоюн сарой аҳлига катъий бўйруқ берган. Лекин Низом ўз кўнглидаги энг кучли истакни хеч кимга айттолмайди. Ҳамида бону Ҳиндол мирзонинг бўйруғи билан Алварга олиб кетилганини келган куни кечаси онасидан эшитгандан бери қандай қилиб қизни Аргага қайтариш ҳакида ўйлайди-ю, ўйининг охирига етолмайди. Иниси Ҳиндол мирзони факат Ҳумоюн чакириб олиши мумкин. Бироқ Низом Ҳамида бонунинг дийдорига муштоқ эканини унга қандай айтади? Низом ҳали Ҳамида бону билан аҳду паймон қилмаган бўлса, қизнинг унга қанчалик майли борлигини аниқ билмаса... Ҳозир Низом иззат-икромда юрган пайтида Ҳамида бонуни бир кўрса эди, дилини унга дадил очган бўларди, қизнинг ризолигини олиб, кейин орага одам кўярди. Ана ўшанда Ҳумоюнга ҳам тортинмай дил ёрган бўларди.

Низомни ёнидан қўймай, унга подшолик удумларини ўргатиб юрган Ҳумоюн бу йигитнинг гоҳо ўйчан ва паришон бўлиб колишини сезди.

— Бирон қизга ошиқмисиз? — деб ҳазил ҳам килди. — Айтинг, совчи юборайлик.

Низом сири очилишидан хавотирланиб энтиқди. Бирдан таваккал қилиб:

— Қизни Алварга олиб кетибдилар, — деди. — Отаси Ҳиндол мирzonинг хизматида эди.

— Отаси ким?

Ҳамида бонуни Ҳонзода бегим Ҳумоюнга муносиб кўрган пайтлари Низомнинг эсига тушди. У изтироб ичиди:

— Ҳазратим, ижозат беринг, — деди. — Мен қизни... кўриб, ризолигини олмагунча... кимлигини айтмай турай.

Ҳумоюн Низомдаги бу ҳолатни одоб ва камтарлик нишонаси деб билдию:

— Ихтиёргиз,— деди.— Аммо инимиз Ҳиндол мени хам доғда колдирди. Аграда биз йўқ пайтда кўп ишларни чалкаштириб кетибдир. Қалаванинг учини топишда ўзи ёрдам бермоғи керак. Бугун эрталаб Ҳиндолнинг онаси Диңдор оғачани Алварга маҳсус одамлар билан жўнатдим. «Келсин, гуноҳидан кечгаймен», дедим. Бир ҳафта ичидаги Ҳиндол барча одамлари билан Аграга қайтиб келмоғи керак.

Низом кувонч ва ҳаяжон ичидаги ўрнидан туриб Ҳумоюнга таъзим билан миннатдорчилик билдири.

Низом ҳар ишда Ҳумоюннинг кўнглига қараб ўрганган эди. Бироқ Ҳумоюн уни якин кунларда тахтга чиқариш харакатига тушганда Низом аввал ҳайкди. Наҳангдай каттадаҳан беку аъёнларни идора этиш осонми? Аммо Ҳумоюн доим унинг ёнида бўлмоқчи, ҳамма ишни бамаслаҳат амалга ошироқчи эди. У Низомни қўярда-кўймай ахийри тахтга чиқиша кўндириди.

Душанба куни Низомга Зухра юлдузининг рангиға мос ҳаворанг¹ ва яшил туслардаги шоҳона либослар кийдирилди. Дастроғеч унинг бошига катта гавҳар қадалган подшоилик салласини кўндираётганда Ҳумоюн Низомга овозини пасайтириб деди:

— Бу гавҳар бир вақтлар раҳматли отам Бобур ҳазратларининг саллаларида порлаб турган эди. Ҳазрат Низомиддин, сизга энди ўшал улуғ сиймонинг руҳлари мадад берсинг!

Низом ўзининг «ҳазрат Низомиддин» эканига ишонгиси келмай атрофига бир қараб олди. Шу дақиқалардан бошлиб у гўё икки одамга айланди. Бири ҳамма эгилиб таъзим киладиган ҳазрат Низомиддину, иккинчиси унинг соясидайгоҳ эсга тушиб, гоҳ унутилиб турган аввалги Низом сувчи.

Девониомга барча амирлар, вилоят ҳокимлари, ҳамма аркони давлат тўпланди. Ҳолиса¹ ерлардан олинган даромадлар, жогирлардан тушган, шаҳару қишлоқлардан соликчилар ийқкан курур-курур танглалар таҳт қаршисидаги кенг саҳнга — танобий гиламлар устига хирмон каби уйилди. Умрида олтину кумуш пулларнинг бундай катта уюмини кўрмаган бъязи одамларнинг кўзлари қамашиб кетди.

Ҳазрат Низомиддин тахтга чиқиб ўлтиргач, Ҳумоюн олтин ва кумуш уюмлари олдига келди-да, шу ердан туриб янги подшога таъзим қилди:

— Ҳазратим, биз сафарда эканимизда содик одамлари-

миз бутун вилоятлардан йиғиб тайёрлаб кўйган мана шу бир ийллик давлат даромадларини сизга топширишга ижозат бергайсиз!

Вилоятлардан ҳар йили йиғиладиган давлат даромадлари қанчалик кўп бўлишини Низом энди кўрмоқда эди. Жимири-жимири йилтираб турган тангларнинг ҳар бири деҳқону косиблардан қанча зўравонликлар билан олиқ-солик тарзида ундириб олинганикин? Эшкакчи Низом бу танглар йилтирашида жабрдийда бечораларнинг кўз ёшларини кўргандай бўлди. Аммо ҳазрат Низомиддин беш-олти туга юк бўладиган шунча олтин ва кумушнинг ўз ихтиёрига ўтганидан мағрур.

Унинг чиндан ҳам подшо бўлганига беку аъёнларни Ҳумоюннинг таъзимидан ҳам ортиқ ишонтираётган нарса — гилам устидаги олтину кумуш уюмлари эди. Кўзни ёндирадиган бунчалик кўп бойлик бирваракайига Низомиддин ҳазратларининг ихтиёрига ўтганилиги беку аъёнларга яшин тезлигига таъсир қилди. Зари борнинг зўри бор, деб бежиз айтмаганлар. Боя киноя билан кийшайган лаблар энди дарҳол тўғриланди, кўзларда жиддий эътибор, қизикиш, ҳатто ҳайкиши пайдо бўлди.

Тахтга ястаниб чордана қуриб олган ҳазрат Низомиддин ўзини подшо деб тан олган ўнлаб кўзларнинг ҳайкишидан гурури ортиб, викор туйусидан юраги ҳаприқа бошлиди. Шунда аввалги Низом унинг кулоғига секин шипшигандай бўлди: «Ўзингизни босинг, ҳазрат. Мирзо Ҳумоюн сизга тайинлаган мушкул ишларни унутманг. Бу бекларнинг ҳар бири яланғочланган қиличга ўхшаб турибдири. Хато қилсангиз бошингизни кесгай!» Ҳазрат Низомиддин буни курук ваҳима деб ўйлади: «Энди мен шу олтин хирмонининг кучи билан энг зўравон бекларни ҳам ўз измимга бўйсундиргаймен!» дейди. Низом уни огоҳлантиради: «Мунча катта кетманг, бойлик — кўлнинг кири, холос. Ахир бу олтин хирмони деҳқону косибларнинг насибасидан узуб олиб ясалган-ку. Золим солиқчилар бу тангларни ундириб келгунча қанчадан-қанча зулм ўтказган. Фақир эшкакчи бўлган пайтингизда ўзингиз ҳам қандай адолатсизликларни бошдан кечирганингизни эсланг!»

Бу ички овоздан ҳазрат Низомиддин хиёл ҳушёр тортида, кўл қовуштириб бўйруқ кутаётган Турдибекка юзланди.

— Жаноб вазир!— янги подшонинг овози ҳаяжондан титраб эшитилди.— Ганга бўйида Чаусада ҳалок бўлган беку навкарларнинг етиму есиirlари биздан кўмак кутмоқдалар. Мана шу ерга уолган танглардан...— ҳазрат Низом

¹ Ҳолиса — подшонинг хос ери.

миддин Ҳумоюн билан олдиндан келишиб олган фармойишларни, айникса, рақамларни бехато айтиш учун бир лаҳза тұхтаб олди. Ҳар қалай, хотирасининг ўткирлиги иш берди. Рақамни аник эслади:— Шу пуллардан бир юзу йигирма минг рупийсі ҳалок бўлғанларнинг етиму есиirlарига рўйхат бўйича расамади билан улашилсин!

— Бош устига, ҳазратим!

Ҳазиначи ва сармунши подшонинг оғзидан чикаётган ҳар бир фармойиш ва рақамни маҳсус дафтарга ёзиб олмоқда эди.

Баъзи беку аъёнлар «бу олтин хирмонидан бизга ҳам капсан тегса керак!» деган умид билан кўзларини лўк килиб туришибди. Одат бўйича, улар янги тахта чикқан подшодан инъомлар олиб ўрганишган.

— Жаноб ҳазиначи!— деди ҳазрат Низомиддин.— Катта баркашлардан бирини олtingа, яна бирини кумушга тўлатдириб, мана шу давра бўйлаб айлантиринг. Ҳар бир беку мулоzим ўнг кафтига сикқанича олтину, чап кафтига сикқанича кумуш олсин!

Бир вақтлар эшқакчи Низомни назар-писанд қилмай оёғи билан кўрсатиб юрган беку аъёнлар энди у инъом қилган баркашдаги тангларга ҳирс билан чангол солиши. Сўнг янги подшонинг инъомидан мамнун бўлиб, унга астойдил эгилиб таъзим килиши.

Ҳазрат Низомиддин подшолик завқидан яйради. «Қани энди ҳозир ёнимда Ҳумоюн эмас, Ҳамида бону юрган бўлса!» деган истак қайта-қайта қўнглидан ўтади. Низомнинг ҳазратга айланган пайтдаги обрў-эътиборио бойликларини кўрган Ҳамида ундан ифтихор қилиши мумкин эмасми? Севган қизинг сендан ифтихор қилганини кўрсанг, энг катта баҳт шу бўлмасми?

Бирок, Низом ҳозир бу баҳтдан маҳрум. У Ҳиндол мирзонинг одамлари яна бир ҳафта-ён кунда Аграга қайтишини сабр-тоқат билан кутиши керак. Аммо ҳазрат Низомиддин сабрсизрок. У бугун тахта чикқандан бери ўзини ҳамма ишга кодир сезади, қўlinи қаёкка чўзса етадигандай туюлади. Инъом ва эхсонлардан ортиб колган олтину кумушлар яна бир аравага юқ бўладиган даражада кўп. Шунча бойликка эга бўлган одам наҳотки Ҳамида бонунинг дийдорига етишолмай ўртаниб юрса? Дилдор оғача олтмишларга кирган аёл, тез йўл юролмайди, Алварга етиб бергунча қанча вақт ўтади! Ҳиндол мирзо яна кўч йигишириб қайтиб келгунча... э-хе, ким бору ким йўқ!

Ундан кўра Низом ўзи Алварга жўнагани яхши эмасми? Аммо ҳозир у — подшо, бир ёққа борадиган бўлса нав-

кару кўшин билан жўнаши керак. Ҳамида бонуни кўриш учун кўшин тортиб дагдага килиб борса, Ҳиндол мирзо билан уруш қиласадими? Буни ўйлашнинг ўзи кулгили.

Низом хонайи хосда ёлғиз ўлтириб узоқ ҳаёл сурди-ю, охири Ҳамида бонуга мактуб ёза бошлади:

«Осмонимнинг танҳо офтоби Ҳамида бону!

Илгариги Низом бўлсам, сизга бундай мактуб ёзолмас эдим. Сиз шу вақтгача менинг илким етмайдиган юксакликда юрар эдингиз. Ҳозир тақдир мени ҳам олий бир юксакликка қўтарди. Балки эшитгандирсиз, Мирзо Ҳумоюн мени ўзларининг тахтларига муносиб кўрдилар... Қани эди, Жамна бўйидаги ўша соҳилда, Зарафшон боргининг четида яна учрашсак. Шу вақтгача айтишга журъат этолмаган муҳаббатимни ошкор қилсам. Агар юлдузимиз бир-бирига тўғри келса-ю, сиз рози бўлсангиз, кейин тўй тайёрлигини бошласак. Мирзо Ҳумоюн бу ишда ҳам тантлилк билан кўмак беришларига ишончим комил.

Сизни соғинган Низом».

Ҳазрат Низомиддиннинг номига маҳсус шохона муҳр ҳам ўйилган эди. Низом ҳали Ҳамида бону билан бирор марта мактуб ёзишган эмас, улар бир-бирларининг дастхатларини билмайди. Бу хатни Низом ўзи ёзганига киз шубҳа қилмаслиги учун у имзоси ёнига подшолик муҳрини ҳам босди.

Энди бу хатни Алварга ким етказади? Ҳазрат Низомиддин ҳазиначини чақиририб, икки ҳамён тўла олтин тайёрлатди. Бу пулга уддабурон чопарлардан ёллаши мумкин. Лекин Ҳамида бонуга тааллукли сирни ҳар кимга айтиб бўлмайди. Жуда ишончли одам бўлиши керак. Низом учун саройдаги энг ишончли одам Ҳумоюн эди. «Ҳазрат, сиз Мирзо Ҳумоюнга маслаҳат солинг», деди Низом. Аммо ҳазрат Низомиддин ҳамма нарсани Ҳумоюнга айтиб юрмасдан, баъзи бир нозик ниятларини ўзи амалга ошириши керак эмасми? Биронта муаммонаи ўзи мустақил ечса нима бўлипти? Қанча уддабурон беклар, навкарлар бор. Подшонинг маҳфий топшириқларини бажарувчи мушрифлар ундан буйруқ кутиб юрибди. Ҳумоюн Афзалбек деган девқомат бир мушрифни кўп таърифлаган, «осмондан юлдузни олиб кел, десангиз келтиргай, аммо тегирмондан бутун чиқур», деган эди. Ҳозир шу ҳазрат Низомиддиннинг эсига тушди. Бу йигит минглаб навкарлар чўкиб ўлган Карамнасадан соғ-саломат сузиб ўтган. Кейин Аграга келгунларича Ҳумоюнга ва унинг ёнида юрган Низомга кўп хизматлар қилган.

Ҳазрат Низомиддин хуфтон пайти хонайи хосга Афзалбекни чакиртириди. Икки букилиб таъзим қилган новча, серпай мушриф янги подшонинг синовчан назаридан хавотирга тушиб:

— Ҳазратим, буюринг, содиқ кулингизмен! — деди.

— Алварга... Неча кунда бориб келмогингиз мумкин?

— Агар ёмхоналар чопқир отлардан берсалар, уч кунда, ҳазратим!

Ҳазрат Низомиддин мақсадга ўтишдан олдин бир оз иккиланди. Кетида соядек турган Низом «Эҳтиёт бўлинг, синамаган кишинизга сир берманг!» деб шивирлади. Аммо ҳазрат унга қулок солмади.

— Мен сизга буюроқчи бўлган ишни, — деб Афзалбекка катъий тикилиб гап бошлади: — Иккимиздан бошқа ҳеч ким билмаслиги шарт!

— Ҳазратим, буюринг, то ўлгунимча сир сақлагаймен!

Ҳазрат Низомиддин олтин тўла ҳамёни унга узатди.

— Ёмхоналардан от ёллашга қанча пул кетса тортимай сарфланг, — деди. — Бошқа харажатларга ҳам етгулик олтин олурсиз.

Афзалбек ҳамёни таъзим билан олди-ю, табаррук қилиб қўзига сурди ва тез қўйнига солди. Шундан сўнг ҳазрат Низомиддин Ҳамида бонуга ёзилган мактубни унга берди. Қиз Ҳиндол мирzonинг даргоҳидан турнишини, Аминат деган канизи борлигини айтди.

— Уқдим, хотиржам бўлинг, ҳазрат. Мен бу мактубнинг жавобини олиб келмогим керакдур. Шундоқми?

— Агар жавоб ўрнига... қиз ўзи келмоқчи бўлса, соябон аравада канизи билан етказиб кела олурмисиз?

— Ҳиндол мирzonинг даргоҳидан қиз... ўғирлаш жуда хатарли.

«Қиз ўғирлаш» деган сўзлар ҳазрат Низомиддинни сергаклантириди.

Мирзоларнинг орияти ёмон, балога қолиши мумкин. У Афзалбекка соддадиллик билан изоҳ берди:

— Мен у қизга уйланмоқчимен, бошқа ёмон ниятим ийўк!

Афзалбек шу пайт подшио ўрнида аввалги содда эшкакчи Низомни кўргандай бўлди-ю, мийифида кулимсираб бош иргади:

— Ҳамма иш кўнглингиздагидек адо этилғай!

— Агар шу нозик ишларни бажо келтириб кайтсангиз, бизнинг энг ишонган одамимизга айланурсиз!

Афзалбек янги подшонинг катта ишончидан рухланиб, унга яна эгилиб таъзим қилди-ю, орқаси билан чиқиб

кетди. Аммо шу ёмғир фаслида лойларга ботиб беш кунлик йўлни уч кунда босиб ўтиш азобини ўйлаганда Афзалбекни гам босди. У ҳам асли бечора бир косибнинг ўғли, саройга катта мартабалар орзусида ишга кирган, лекин олти йилдан бери ўзи истаган дарражадаги нуфузли бек бўла олгани йўқ. Низом эса бир неча кун ичидаги оддий эшкакчидан хукмфармо шоҳга айланди. Афзалбекнинг мавқеи яқиндагина ялангоёқ юрган Низомникидан баланд эди. У маҳсус ишлар мушрифи сифатида подшо кемасида Низомга иш буюрса, Низом таъзим билан бажаришга мажбур эди. Мана энди Низом осмонда. Афзалбек ҳали ҳам аллақанақа пасқамликда юрибди-ю, Низом унинг тепасига чиқиб олиб иш буюряпти. Туриб-туриб, Афзалбекка мана шу жуда алам қилди. Агар у Низомнинг таҳтда узоқ ўлтиришига ишонса, эҳтимол, бу аламларга қарамай, унинг буйруғини бажаради ва катта мукофотлар олиш имконини кўлдан бой бермаган бўларди. Лекин сарой ва унинг атрофида юрган миши-миш гапларга қараганда, Низомнинг таҳтда ўлтириши жуда муваққат. Уни тезроқ ийӯқотиши ҳаракатида юрган замона зўрлари кўп. Ҳумоюннинг ўзи ҳам таҳтини бошқа одам эталлаганидан безовта бўлиб юрибди. Афзалбек Алварга бориб келгунча бу саққоиниг кавушини тўғрилаб кўйишлари ҳеч гап эмас.¹

Ундан кўра Афзалбек ана шу замона зўрларида бири бўлган пири аъзам Сайд Халилнинг дуосини олгани яхши эмасми? Ахир у Сайд Халилга кўл бериб мурид бўлган, Ҳумоюн саройида кўрган-бўлганларини унга маҳфий равишда етказиб туришга сўз берган.

Афзалбек хуфтон намозидан кейин Сайд Халилнинг шаҳар четидаги чорбогига борди ва ҳазрат Низомиддиндан қандай нозик топшириқ олганини унга бир-бир сўзлаб берди.

— Боракалло, Афзалбек, боракалло! — деб Сайд Халил ундан Низомнинг Ҳамида бонуга ёзган мактубини сўраб олди, кўзойнагини такиб, мактубни чироқ ёруғига солиб ўқир экан: — Ҳў, муҳаббатинг бошингни есин, ҳароми! — деб Низомни карғаб кўйди. — Номаҳрам йигит билан соҳилларда учрашиб юрган бу қайси беҳаёқ қиз экан?

— Мирбобо Дўст деганинг қизи.

— Э, ўша Ҳиндолга дарс берган маҳмадона факих!

¹ Ҳумоюн Низом сувчини таҳтга чикаргани кўпчилик тарихий мансабларда, жумлайдан, Абулфазлнинг «Ақбарнома»сида, Жаҳҳарийнинг «Ҳумоюннома»сида, Гулбадан бегимнинг эсдаликларида кайд этилган. Аммо унинг қанча вакт таҳтда ўлтиргани тўрли маибалаарда ҳар хил кўрсатилиган. Гулбадан бегим Низомни икки кун подшио бўлган деса, баъзи хинд симлари уни бир ярим ой таҳтда ўлтирган, деб ёздишлар.

Вақти келса унинг ҳам адабини бергаймиз. Бу ялангоёқ саққонинг таҳтга чиққани авом ҳалқни жуда қўзғатиб кўйди. Кўча-кўйда юз хил гап. Энди гўё камбағаллар даврон сурадиган пайт келганмиш. Золим беку амирлар ҳокимиётдан четлатилармиш. Саққонинг дахрий отасини зинданга ташлатганим учун мени ҳам шайхулислом лавозимидан бўшатишармиш. Аммо Низом деган ялангоёқ энди тумшиғидан илинадиган пайт келибдир. Боракалло!. Алварга неча кунда бориб келурмен, деб сўз бердингиз?

— Уч кунда.

— Демак, уч кундан сўнг... бу сакқони қопконга қандай илинтиришни ўйлаб олмоғимиз керак.

* * *

Эрталабдан туя миниб қўчаларга чиққан жарчилар янги подшо Низомиддин ҳазратларининг эл-юртга ош бериши ва очларга нон улашиши ҳақидаги хабарни бутун шаҳарга тарқатдилар. Қатор аравалар қоп-қоп унларни новвойхоналарга ташиб бердилар. Катта дошқозонларда палов пишгунча хушбўй иссиқ нонлар ҳам тандирлардан узилди. Янги подшо номидан бу ишга мутасадди қилиб тайинланган одамлар тўп-тўп бўлиб келган минглаб кишиларга ош тортдилар, сават-сават иссиқ нонларни мискину бечораларга улашдилар.

Кўпчиликнинг оғзида тўсатдан таҳтга чиққан ҳинд йигити Низомнинг номи. Минг-минг одамлар бу ҳодисанинг тафсилотини ва Низомнинг қанақалигини билгиси келади. Уни умрида бир марта кўрган ёки у билан бирор оғиз гапиришган киши ҳам дарров одамларнинг эътиборини тортади. Айниқса, хунарманд косиблар, сувчилар, ўз меҳнати билан кун кўрадиган турли касб эгалари Низомнинг кечагина одий эшқакчи бўлганини суриштириб билганлари сари кўнгиллари кўтарилади. Ош еб таркашаётгандарида:

— Илоҳим, таҳтда кўпроқ ўлтирусину бизга ўҳшаган заҳматкашларининг жонига ора кирсий! — деб астойдил дуо қилишади.

Туш пайти Ҳашт Биҳишт боғидан отланиб чиққан ҳазрат Низомиддин Мирзо Ҳумоюн ва икки юз кишилик мавқабу қўриқчилар марказий хиёбондан ўтиб, қозихона ва ҳибхона томон йўл олдилар. Одатдагидай, подшодан олдинда кўш нақора чалиниб, хос навкарлар йўл очиб берар эдилар. Одамлар ғужгон бўлиб, бир-бирини суреб, итариб, оқ отда ўтиб бораётган янги подшога кўз тикдилар. Дарёларда сузиб ўрганиган Низом отда кам юрган, шунинг учун

эгар унга нокулай туюлар, от каттароқ қадам олганда елкаси ва боши силкиниб қўярди. У хали бошқа чавандозларга ўхшаб эгарга михлангандай маҳкам ўлтиришга одатланмаган, буни кўрган баъзи беку навкарлар ўзаро кўз уриштириб, зимдан лаб буришарди.

Лекин йўл четларига тизилиб турган ҳалойик Низомга ҳайрат аралаш завқ билан тикилади. Навкарликка одам ёллайдиган тавочилар пайтдан фойдаланиб тарғибот юргиздилар. Шарқда Шерхон Аграни босиб олишга тайёргарлик кўраётганини, янги подшога ботир ҳимоячилар кераклигини айтадилар. Илгари аскарий хизматдан ўзини четга оладиган йигитлар ҳам энди кўчадан ўтиб бораётган Низом билан Ҳумоюннинг бир-бирига килган яхшиликларини эшитгандари сари уларга яқин бўлгилари ва Аграни бирга ҳимоя қилгилари келади. Шу сабабли тавочиларнинг навкарликка одам ёллаши аввалига нисбатан анча енгил бўлиб боради.

Низом билан Ҳумоюннинг зинданлар ва ҳибхоналардаги одамлардан хабар олишга бораётгандари аддия амалдорларини безовта қиласди. Аммо ҳазрат Низомиддин отлари ётган зинданларни кўришга хоҳиш билдиригандан кейин хеч ким унинг сўзини қайтара олмади.

Тош деворли баланд кўргон ҳовлисида ёмғир кўлмаклари совук йилтирайди. Зинданлар ҳовли ўртасидаги тепаликнинг ёнбағирларидан қазилган. Агар зинданлар текис ердан қазилса деворларига тошу гишт қалангани билан ёмғир фаслида сувга тўлиб қолар ва одам яшаши мумкин бўлмас эди. Шунинг учун уларнинг ўраси сув тўпламайдиган тепалик ёнбағрига ўйиб ишланган, маҳбусларга ҳар замонда нону сув бериб туриладиган темир панжаралар ҳам тепага қараб очилади. Унинг устидаги шийпонча томи ёғин-сочин тушмайдиган килиб ёпиб қўйилади. Лекин тепаликнинг пастида фактат зинданбонлар кирадиган ва жуда кам очиладиган мустаҳкам темир эшик ҳам бор. Белига қиличдан ташқари қатор калитлар осиб олган зинданбеги подшонини буйруғи билан ана шу темир эшикни очди. Деворларига гишт қалангани нимқоронги йўлак кўринди. Давтий деб аталағидан чироғбон киравчиларнинг йўлини ёритди.

Низом, Ҳумоюн, Турдибек ва Ҳўжа Ҳусайн ичкарига қадам қўйдилар. Подшонинг таклифига биноан мавқаб билан бирга келган Саид Ҳалил тисарилиб ҳовлида қолмоқчи эди, Низом унга ўгирилиб:

— Тақсир, сиз киринг,— деди.— Ўзингиз зинданга ташлатган одамлардан бир ҳабар олайлик.

Ранги кўркувдан оқарган Саид Ҳалил:

— Ҳазратим, тобим йўқрок,— деди.

— Таксирни суюб олинглар,— деб ҳазрат Низомиддин хос навкарларга буорди.

Барваста навкарлар Сайд Халилни икки тирсагидан ушлаб олдилар. Яна битта чироғон давтий пайдо бўлди ва йўлакни ёритиб олдинда борди.

Йўлакнинг бир томонида зинданларга кириладиган эшиклар кўринди. Зинданбеги уларнинг қулфини ҳам очди. Эшик йўлакка қараб очилди-ю, ичкаридан аввал кўланса хид чиқди, кейин занжирларнинг шакирлаши ва одамларнинг ғовури эшитилди. Давтий чироқни эшикка яқин тутди. Низом эшик ичкарисига ўрнатилган бақувват темир панжарани энди кўрди.

Маҳбуслардан уч-тўрттаси панжара олдига келди. Улардан бири Ҳумоюнни таниб:

— Подшо-ку!— деди. Колганлар ҳам панжара томонга ёпирилди ва ҳамма бирдан унга арзини айта бошлади. Зинданбеги:

— Жим! Тартиб билан сўзланглар! — деб шовқинни босди.

Низом отаси билан зинданда бир йил ётган ва унга қадрдан бўлиб колган учта одамнинг номини ёзиб келган эди. Отаси унга: «Шу одамлар ноҳақ қамалган, мен бўлган воқеани батафсил эшигтанмен, гуноҳлари йўклигига кафилмен!»— деган эди. Низом салласининг қатидан ўша қофозни олди-да, унда ёзилган номлардан бирини айтиб, хинчалаб сўради:

— Секрилик Муни Даc борми?

— Бор! Муни Даc мен бўламен, соҳиб!

Оқ оралаган ўсиқ соқоли оғзини бекитиб турган занжирбанд маҳбус темир панжарани чанглаб, Низомга томон интилди:

— Адолат қилинг, соҳиб! Соликчилар мени ноҳақ қаматганд. Олтита болам бор. Олган ҳосилимнинг учдан бирини давлатга берганимен!

Кўлида очиқ дафтар билан турган қозикалон Муни Даcнинг номи ёзилган варакни чироқ ёргугига тутиб ўқиди:

— Хирож билан жузяни¹ тўламаган! Мунсиф² билан уришиб, уни ҳақорат қилган, шунинг учун қамалган.

— Мунсиф мендан жузя солиғини икки қайта олмоқчи бўлди! Болаларим оч қолмасин деб иккинчи мартасида

¹ Хирож билан жузя — файридинлардан олинадиган қўшимча соликчилар.

² Мунсиф — солик ёзадиган амалдор.

тўламадим! Мунсиф мени калтаклади, аччик устида мен ҳам уни «золимсен!» деганим рост.

— Шикдору мунсифлар орасида золимлар кўп, соҳиб!— деб ичкаридан яна бир маҳбус гап қотди.— Биздан олган олиқ-солигининг ярмини ҳам давлатга бермагай, кўпини ўзи олиб қолгай! Соликчилар бойиб кетган!

— Сизнинг исмингиз недур?— деб сўради Низом бу гапларни айтган маҳбусдан.

— Исмим Назир. Ажмирикмен, соҳиб! Мен ҳам золим соликчилар тухмати билан зинданга тушганмен!

Низом қўлидаги қоғоздан ажмирик Назирнинг номини топди-ю, Ҳумоюнга юзланди:

— Амирзодам, буларнинг бегуноҳлигини менга отам айтган. Қаранг, бири хинди, иккинчиси муслим, аммо золим мунсифларга иккovi ҳам бирдек карши. Дину миллат айириш адолатдан эмас. Яратганнинг олдida барча бандалари баробардирлар. Шунинг учун биз жузя солигини бекор қилишга ҳақлимиз. Ортиқча олиқ-соликчилар билан аҳолини қийнаб бой бўлаётган золим шикдору мунсифларнинг ўзлари зинданга ташланмоғи керак. Бу борада маҳсус тафтиш ўтказгаймиз! Ҳозир эса Муни Даc билан Назир зиндандан озод этилсин, рўзгорларини ўнглаб олишлари учун ҳар бирига юз рунийдан нафақа берилсин!

Зинданбон ҳазрат Низомиддин қаршисида таъзим килиб:

— Бош устига, ҳазратим!— деди-да, буйруқни бажара бошлади.

Муни Даc билан Назир қўл-оёкларида занжирларини шакирлатишиб, бир-бирларини кучоқлаб кетдилар. Кейин кўзлари қувончдан ёшланиб, ҳазрат Низомиддинга миннатдорчилек билдирилар. Низомнинг қўлидаги қоғозчага номи ёзилган яна бир киши — аграпик кекса тўкувчи — икки кун бурун зинданда жон берган экан. Низом буни эшитиб:

— Худо раҳмат қилсан?— деди-ю, нариги зинданга ўтмоқчи бўлди. Шунда ўн-үн беш маҳбус темир панжарага ёпишиб, ундан шафоат сўрай бошладилар. Лекин булар ўғирлик ва пораҳурлик қилган ҳақиқий жиноятчилар эди. Низом уларнинг гапига кулоқ солмай нариги эшикка қараб ўтди. Зинданбон бу эшикни очаётганда навкарларга суюниб турган Сайд Халил негадир қалт-қалт титрай бошлади. Бу зинданда маҳбус унча кўп эмас эди. Давтийлар темир панжарага чироқ осиб, ичкарини ёритганда ичкарида бешолтига занжирбанд одам кўринди. Ярим ялангоч қорамтил-

кўкиш таналар орасида сокол-мўйлови олтинранг, оқ юзли бир маҳбус Ҳумоюннинг эътиборини торти.

— Булар — Шерхонга сотилганилар! — деб изоҳ берди кози. Оқ танли маҳбус Ҳумоюнни таниб, эшикка томон талпинди:

— Ҳазрати олийлари, мен Шерхонга эмас, сизга тарафдор бўлганим учун жазоландим!

Ҳумоюн Московиядан Хўжа Ҳусайн билан бирга келган меҳмонни таниди, номини эслолмаса ҳам, бултур наврўзда келтирган қарчигайини эслади. Хўжа Ҳусайн эса уни овозидан таниб ҳаяжон ичидা:

— Матвей! — деди ва темир панжара орқали қўл чўзи: — Калитин! Мен сизни юртингизга қайтиб кетгансиз, деб эшитган эдим-ку!

— Кетмоқчи бўлиб турганимда кечаси бор-будимни мусодара килиб, ўзимни зинданга ташладилар!

— Ким шундай қилди? — сўради Ҳумоюн.

— Сайд Халил жанобларининг муридлари. Мен уларнинг Шерхон билан алоқаси борлигини сезиб қолган эдим. Кутвал Амир Баҳлул қатл эттирилганда мен унинг тухматга учраганини айтган эдим.

— Кимга айтдингиз? — сўради қози.

— Португалийлик Алваро Пакавирага. У менга ўзини яқин олиб юрарди, «сиз ҳам европаликсиз, биз христианлар, инок бўлишимиз керак», деб тилёғламалик қилиб ёнимдан кетмас эди. Шерхоннинг хуфияси масжиди жоменинг олдидаги дўконда Сайд Халил билан шивирлашиб гаплашганини бир кун мол олишга кирганимда тасодифан эшитиб қолдим. Улар Шерхоннинг кутвалга ёзган мактубини бир мулизимнинг чўнтағига қандай солиб қўйиш ҳақида маслаҳат қилишди. Мен шу гапни соддалик қилиб Пакавирага айтиб берибмен. Кейин билсам, бу фарангни ҳам Сайд Халил билан тил бириктирган экан. Охири сирлари фош бўлишидан кўркиб, мени хеч кимдан бесўроч зинданга ташлаттиришди.

Низом Сайд Халилга ўгирилиб қаради. Сайд Халил титроғини босишга тиришиб, хириллаб гапирди:

— Бу кофири мен эмас, Ҳиндол мирзо зинданга ташлаттирган!

Турдибек Ҳумоюнга изоҳ берди:

— Бу меҳмон зинданда ётганидан биз мутлақо бехабармиз. Калитин деган ном қамалганлар рўйхатида йўқ.

— Буни Сайд Халилнинг одамлари атайлаб сир тутган, — деди Ҳумоюн.

Ҳазрат Низомиддин зинданбонга буюрди:

— Бегуноҳ меҳмонни дархол зиндандан бўшатинг. Жаноб Турдибек, меҳмоннинг мусодара килинган нарсаларини шу бугуноқ топдириб беринг. Топилмаганларининг товонини Сайд Халилнинг молу мулки хисобидан тўлаттиринг!

— Мендан эмас, кучингиз етса Ҳиндол мирзодан ундинг! — деб эътиroz қилди Сайд Халил.

Ҳумоюн унга ғазаб билан тикилди:

— Сиз Ҳиндолни разилларча адаштиргансиз! Сизнинг Шерхонга сотилган иккита муридингиз хозир саройдаги ҳибсхонада сўроқ килинмоқда. Улар исканжага олингандан кейин сизнинг барча аblaҳона ишларингизни бир-бир айтиб берди. Бу бегуноҳ меҳмоннинг зинданда ётганини ҳам биз ўша муридларингиздан билдик. Шерхоннинг қалбаки хати билан Ҳиндолни алдаб Амир Баҳлулни ўлдирирган қотил ҳам сиз экансиз!

Йўлакда турган одамлар орасида ҳайрат ва ғазаб товушлари эшитилди. Сайд Халил тирсагидан тутган навкарлар кўлидан бўшашга интилди.

— Бу бўхтон... мени... мени ўшалар билан юзлаштирсанлар...

Ҳазрат Низомиддин унга зинданда турган Матвейни кўрсатди.

— Мана, сиз ноҳақ зинданга ташлатган бегуноҳ одамлардан бири юзма-юз турибди. Илкингиздаги марварид тасбеҳни фарангистонлик хуфия порага берганини ҳибсхонадаги муридларингиз бизга айтди. Қани сизда имон? Қани оллога эътиқод? Дину имонни олtinga сотиб ейдиган сиздек очкўз одам қандай қилиб шайхулислом бўла олгай? Амир Баҳлулнинг кони тутсин сизни! Зинданга ташланг буни!

— Ҳаққингиз йўқ! — деб қичкирди Сайд Халил. — Диңий лавозимдаги шайхулисломни подшолар ҳам ҳибс этолмагай!

— Сиз уламолар мажлисининг фатвоси билан диний лавозимдан бўшатилгансиз, — деди ҳазрат Низомиддин. — Бугундан бошлаб шайхулисломлик вазифасини Ҳўжа Ҳусайн жаноблари адо этурлар. Тақсир, фатвони кўрсатинг!

Ҳўжа Ҳусайн қўйнидан уламолар мажлисининг фатвосини олиб ўқиб берди. Қуръон суралари билан бошланадиган фатвода Сайд Халилнинг нафсга берилганилиги, олтину жавоҳирот кетидан қувиб, дину имонга карши жиноятлар қилганилиги, шу сабабли ўз вазифасидан озод этилганилиги, энди унга бошқа гуноҳкор бандалар қатори жазо берини подшо ҳазратларининг ихтиёрида эканлиги айтилган эди.

— Нечун бу фатво менга олдин маълум килинмади? —

деб шовқин солди Саид Ҳалил.— Агар мендан гуноҳ ўтган бўлса имонимни поклаш учун ҳажга борурмен! Қўйворинг мени!

У навкарлар қўлидан чиқиб кетмоқчи бўлиб юлқина бошлиди. Ҳазрат Низомиддин навкарларга буюрди:

— Бу одамни маҳкам тутинг. Ҳаж баҳонаси билан Шерхон хузурига қочиб кетмасин. Қанча бегуноҳ ғадамларни занжирбанд этган Саид Ҳалил энди ўзи ҳам зиндан занжирининг қандоқ бўлишини билсин. Олинг, пойига занжир уринг!

Зинданбон темир панжарани очиб ичкарига кирди-да, Матвей Калитиннинг қўл-оғидаги занжирнинг кулфига калит солди. Ундан очиб олинган занжир Саид Ҳалилнинг оёқ-қўлига кийдирилаётганда ҳазрат Низомиддин билан мирзо Ҳумоюн зиндан йўлагидан ҳовлига қайтиб чиқдилар.

Улар бу ишни олдиндан маслаҳатлашиб қилишган, Низом отасининг қасди учун ҳам бу иоинсоф жиноятчини жазолашга жазм қилган эди. Бугун иккови ҳамжиҳат ва яқдил иш қилгандаридан Ҳумоюн мамнун. Аммо зинданнин даҳшатли манзараларидан Низомнинг дилида қолган оғир асарот кечгача кўнглини хира қилиб юрди. Оқшомги таом пайтида Ҳумоюн ундаги ўзгаришни сезиб:

— Нечун хомуш кўринурсиз?— деди.

— Амирзодам, мен ҳали кимларниdir ўлим жазосига ҳам буюрмоғим керакдир? Кўнглим бўшрок экан... Бугунги зинданлар азоби... ифволар... тухматлар... одам ўлдиришлар... Лойқа бир сел мени ўз ҳолимга қўймай оқизиб кетгандек... Ҳайронмен... Бесабаб ҳавотирга тушмоқдамен.

Ҳумоюн оғир тин олиб:

— Бу оғир ҳавотирликлар менга кўпдан таниш,— деди.— Ҳокимиятни бошкариш — хатарли селлар орасида сузишдек мушкул. Лекин бунига ҳам одатланмоқ мумкин... Эртага сиз девони хосда ҳунарпешаларни қабул қилмогингиз керак. Деҳлида биз бошлаган қасрлар курилиши тўхтаб қолди. Уларни давом эттиришга имкон йўқ. Меъмору муҳандислар ишсиз қолмишлар. Уларга Аграда бирон иш топиб бермоғимиз керак...

— Жамна устига янги қўприк қурдирсак-чи? Эски қўприк жуда тор, бозор кунлари пиёдалар, от-аравалар сифишмай, баъзилари дарёга аганаб кетадир.

— Сиз ҳукмфармосиз, ҳазратим,— деди Ҳумоюн.— Ҳазина ўз ихтиёргизда. Лозим топсангиз, эртага ҳунарпешаларга қўприк куришни буюринг.

Подшолик ҳазрат Низомиддинга яна энг ёқимли томо-

нини кўрсатгандай бўлди-ю, унинг кўнглидаги хирадиктарқаб кетди. Руҳини яна бир оз кўтариш учун, «янги кемалар ҳам қурдиргаймен», деди ичида. Жамнада сузадиган бу кемаларга Низомнинг ўзи бош жолабон¹ бўлади. Унгача қўприк ҳам битса, мушкуллари осон бўлган одамлар, «буни Низом ҳазратлари қурдирган, отасига раҳмат» дейишлари турган гап...

* * *

Низомнинг бу ширин ҳаёлларини хонайи хосга секин кириб келган Афзалбек бузди. Ҳазрат Низомиддин подшолик ташвишларига берилиб Ҳамида бонуни ҳаёлидан узоклаштирган бўлса ҳам, лекин Низом Афзалбекнинг қачон қайтишини сабрсизлик билан кутмоқда эди. Шунинг учун Афзалбек кўринган заҳоти у сакраб ўрнидан турди.

Мушрифнинг кўриниши ҳорғин, этигининг кўнжалрига лой сачраган, отини аямай ҳайдагани билиниб турибди. Аммо юзида мамнун бир жилмайиш бор.

— Ҳазратим!— деб Низом қаршисида тиз чўккан мушриф қўйнига қўл солди.

— Ўзини кўрдингизми?— сабрсизланиб сўради Низом.

— Ҳа, келдилар!

— Ҳамида-я? Каерга тушди?

— Зарафшон боғига. Мана мактублари.

Низом ўрам қилинган ва сўрғичланган зарҳал қофозни очаётганда димоғига хушбўй гул атри урилди. Бу унга Ҳамида бонунинг хидидек туюлди-ю, вужудини завқ ва шодликка тўлдириди. Қисқагина мактубга назар ташлар экан, Ҳамида бонунинг чиройли дастхати борлигини энди кўрди.

«Икки оламда мен учун ягона бўлган қалбим ҳукмдори подшоҳ Низомиддин ҳазратларига!»— деб бошланган эди мактуб. Низом ичида «ҳазрат демаса ҳам бўлар эди-ку», деб қўйди. «Қалбим ҳукмдори» дегани ўзи етарли. Лекин энг муҳими, Ҳамида бону Зарафшон боғига келиб тушган, бугун оқшом уни боғ четидаги ўша соҳилда, Низомларнинг эски уйлари олдида сабрсизлик билан кутажагини айтган эди. Хат охирида яна: «Сизга у дунёю бу дунё садо-катли ёр бўлиш орзуидаги Ҳамида бону», деб имзо қўйилган эди.

Сўнгти сўзлар Низомнинг кувончини алангалантириб

¹ Жолабон — дарё кемаларининг сардори.

юборди. У ҳоргин жилмайиб кўл қовуштириб турган Афзалбекка бир ҳамён олтин берди:

— Бу хали ҳамир учидан патир,— деди.— Сизга катта иноятлар кейин бўлгусидир... Окшом тушдими?

— Ҳазратим... дарё бўйида сизга маҳсус қайик мунтазир.

— Кимнинг қайифи?

— Ўзимниги... Мендан бошқа ҳеч ким билмагай...

— Маъқул, сиз олдинроқ кетаверинг.

Улар кирғонинг қайси жойида учрашишга келишиб олдилар. Низом енгил парчадан тикилган қабосини кийиб бокка чиққанда кетидан иккита кўрчи секин эргашиб бора бошлиди. Низом ҳозир севгилиси билан қандай учрашишини кўз олдига келтирас экан, қизнинг хатидаги «қалбим ҳукмрони», «сизга садоқатли ёр бўлиши орзусидаги Ҳамида бону» деган жумлалар уни энтикирар эди. Бу сўзлари учун Низом Ҳамида бонуни эхтирос билан кучиб ўшишга тайёр эди... Висол пайтида улар икковалари ёлғиз қолишлари керак. Қўрчилар халақит беради. Низом орқага кескин ўгирилди-ю, қўрчиларнинг қаршисидан чиқди:

— Биламен, сизлар мени қўриқлаб юрибсиз. Аммо бу оқшом ёлғиз юришни ихтиёр қилдим. Сизларга жавоб! Мени қаср эшиги олдида кутинглар!

— Маъзур тутинг, ҳазратим. Қўрчибеги бизга буюрган!.. Ёлғиз қўймаслигимиз керак.

— Агар менинг фармонимни бажармасаларинг, қўрчибегини ҳам, сизларни ҳам шу бугунок ишдан бўшатгаймен! Қўрчилар оркасига тисарилдилар:

— Фармонингиз бош устига, ҳазратим!

— Айтганимни қилсаларинг минг рупий мукофот бергаймен!

— Бажонидил қаср олдида сизни кутгаймиз,— деб қўриқчилар қайтиб кетишиди.

Низом оқшом гира-ширасида Жамнанинг кирғогига бориб Афзалбекни топди. Қайик каттагина, эшкаги тўртта эди. Анчадан бери ўз қасбини соғиниб юрган Низом дарёнинг нариги кирғогига сузиб ўтгунча ўзи ҳам эшкак эшди. Афзалбек қайик билан бирга Зарафшон боғидан эллик қадамча берида қолди, Низом Ҳамида бону билан қўришиб қайтгунча шу ерда кутадиган бўлди.

Низомларнинг Зарафшон боғи ёнидаги кулбалари кимсасиз, ҳувиллаб ётибди. Низом аллақачон ота-онасини бу ердан кўчириб кетган ва саройга якин жойдан шинам уйжой олиб берган.

Зарафшон боғи четида Низом Ҳамида бону билан илгари

учрашиб юрган жойда ҳозир ҳеч ким йўқ. Лекин ундан бери даги чироғсиз уй айвонида қандайдир шарна сезилди. Ҳамида бону чет кўзлардан паналаб ташландиқ уй айвонига кирганми? Низом ҳаяжондан энтикиб болаликдан таниш бўлган, факат ҳозир ҳувиллаб колган айвонга чиқди. Шу пайт икки томондан иккита баҳайбат одам унинг устига ташланди. Улардан бири дарҳол Низомнинг оғзини қўли билан бекитди. Иккincinnи унинг қўлларини орқага қайриб, аллакимга:

— Тезроқ боела!— деб шипшиди. Бир лаҳзада учинчи, тўртинчи одам пайдо бўлди. Низом жонҳолатда юлкиниб, ўзини у ёқ-бу ёққа ташлаб кўрди, аммо бикинига тушган муштлардан кўзи тиниб, танаси бўшаши. Уй ортида усти бекик соябон арава турган эди. Низомнинг қўл-оёғини боғлаб, оғзига латта тиқиб, шу аравага солдилар, Аградан жанубга — Секри томонларга олиб кетдилар. Аллақанча вакт ўтгач, йўлдан четга бурилиб, ўsicк буталар орасидаги овлоқ бир жойда тўхтадилар-да, Низомни аравадан туширидилар. Кундадай йўғон ўрта яшар бир одам:

— Жонингдан умидинг бўлса, ҳозир фармон ёзурсен!— деди.— Сайд Ҳалил жанобларини дарҳол зиндандан бўшаттиргайсан!

Низом гап нимадалигини энди фаҳмлай бошлади. Бошини «хўп!» дегандай иргади, оғзи бекик бўлгани учун сўзлай олмади. Унинг оғзини ечдилар. У ўқиб йўталди, кўзлари ёшланиб, ерга тупурди.

— Мен... фармон ёзишим учун... коғоз-каلام керак... чирок...

Соябон аравадан корачироқ олиб тушиб ёқдилар. Унинг ёруғи аввал ҳўқизтахлит одамнинг серсоқол юзини ёритди. Кейин силлиқ кийинган, мўйлови тараашланган ок саллали мулланамо йигит Низомга рўпара бўлди:

— Об-бо ялангоёқ сакко-ей!— деди бу йигит лабини нафрат билан буриб.— Шундок буюк пир сассик зинданда ётганда, сен жононлар билан учрашиб айшу ишрат қилмоқчи бўлдингми, а?

Демак, булар Низомнинг Ҳамида бонуга ёзган хатини қўлга туширишган. Наҳотки Афзалбек уни алдаб, буларнинг тузогига илинтириб берган бўлса?

— Тўй тайёрлигини қўрармиш-а! Мана сенга тўй!.. Оқ саллали йигит Низомнинг юзига бир тарсаки урди. Қўли юмшоқ, оғриғи унча билинмади. Аммо Афзалбекка ишониб қанчалик алданганини, ёзган мактуби Ҳамида бонуга этиб бормаганини, бояги жавоб хатни қизнинг номидан мана шу мулланамо йигит ёзганини бирваракай фаҳмлаган

Низом тарсакидан ҳам кўра қилган хатосидан вужуди қақшаб ўкириб юборди.

Уни тутиб, итариб ерга чўккалатдилар, қўлини ечиб, Сайд Ҳалилни зинданда озод қилиш ҳакида фармон ёзишини буордилар. Қаттиқ боғланганидан увишиб, котиб колган қўллар анчагача қаламни тутолмади.

Серсоқол, йўғон одам мулланамо йигитга қараб:

— Тақсир, ўзингизнинг хатингиз яхши,— деди.— Фармонни сиз ёзинг. Шу саққо имзо чекиб муҳрини босса бўлди.

Мулланамо йигит оқ қоғози бор жузденни тиззасига кўйиб, қаламни қўлига олди. Аравани ҳайдаб келган иккинчи йигит унга чироқ тутди. Ҳўқизтахлит йўғон одам эса чўкка тушган Низомнинг кўкракларини пайпаслаб:

— Муҳр борми?— деди.— Ха, қўйнида нимадир борга ўхшайдир. Чиқар муҳрингни! Энди уни фақат биз истаган фармонга босурсен! Агар айтганимизни қилмасанг, ўлтингнг мана шу бутазорда қолгай! Тўй сен учун эмас, гўштингни ейдиган даррандалар учун бўлгай!

Низом қўйнидаги муҳрға худди бир чаёни ушлаётгандай қўрқа-писа кўл урди. Олтин кутичадаги подшолик муҳри ғаламислар қўлида қанча даҳшату фалокатларга йўл очиб бериши мумкин! Шу муҳр босилган қоғоз билан булас ҳазинага ҳам тушишади. Мирзо Ҳумоюнни катл этиш ҳакидаги фармонга шу муҳрни босиб, ҳазрат Низомиддининг имзоси билан уни ўлдиришлари мумкин эмасми? Қанча яхшиликлар қилган одамнинг қотилига айланиш эҳтимоли Низомни шунчалик даҳшатга келтирдики, ўзининг жони хавф остида эканини ҳам унуди. Чора излаб атрофга кўз кириши ташлаганда чироқ шуъласи ўн қадамча наридан бошланадиган балчиқ аралаш катта бир қўлмакка тушди.

Мулла йигит фармонни ёзиб тутгатганда Низом унга муҳр босмоқчи бўлиб каддини тиклади. Муҳрни олтин кутичадан олди-ю, қулочкашлаб ўша кўлмак томонга отди. Ҳўқизтахлит одам:

— Ҳей, аблах, тўхта!— деганича Низомга ташланди, Низом ундан қочиб, ўзини чироқ тутиб турган аравакашга урди. Чироқ ерга тўчкарилиб тушди-ю, дарҳол ўди. Ёруққа ўрганган кўзлар қоронгилукда одамни одамдан ажратолмай қолди. Шундан фойдаланган Низом ўч қадамча нарига қочиб борди. Аммо орқасидан учовлашиб етиб олиши, Низомни оёғидан чалиб йиқитишди-ю, тепкилай бошлиши.

Низом хушидан кетаётib узоқдан итларнинг акиллаганини эшигтгандай бўлди. Бу унга нажот товушидай эшитилди.

— Муҳрни атайлаб йўқ қилди-я, абраҳ!— деди йўғон одам Низомнинг бошига тепиб.

— Излаб топайлик,— деди мулла йигит,— бўлмаса фармон иш бермагай.

— Қандай топурсиз? Ҳаммаёқ коронги, бутазор, балчик...

— Итлар хуряпти,— деди аравакаш.— Аллакимлар келётганга ўхшайдир...

Келаётганлар — шу атрофнинг деҳқонлари, йўқолган молларини қидириб итларини эргаштириб чиқишиган эди. Бутазорлар орасида фавқулодда ҳодиса бўлаётганини сезган итлар қаттиқ ҳуриб тобора яқинлашиб келмоқда эди.

Низом хиёл ҳушига келиб ётган жойида бир талпинди.

— Бу абраҳнинг энди бизга кераги йўқ. Буни ўлдирини!

— Тезроқ бўлинг! Итлар якин келиб колди.

Ҳўқизтахлит одам пичогини сугурди-ю, шоша-пиша уни Низомнинг баданига бир неча марта санчиб олди...

— Ўлди! Юринглар!..

Улар аравага миниб қочишиди.

СИНД. ҚУВФИНДА КЕЛГАН БАХТ

Панжобни оралаб ўтган бешта дарё Мултондан жануброқда бир-бирига қўшилади-ю, Митанқут деган жойда ҳаммаси бирваракай Синд дарёсига куйилади. Олти дарё бир ўзанга йиғилиб ақлни шоширадиган даражадаги улкан сувга айланган Бҳаккар атрофларида катта-катта кемалар сузиб юради. Қирғоқларда катор бўлиб ўсган хурмо дараҳларининг ийрик-ийрик барглари дарё шамолида яшил алвонлардай хилпираб туради. Қишининг чаён номи билан аталган ақраб¹ ойи аллакачон кирган бўлса ҳам, Синд ўлкаси баҳордагидек кўм-кўк. Ёмғир фасли тугагандан сўнг сернам тупроққа экилган арпа ва буғдойлар майсаси тиззага келиб қолган. Бөгларда лимулар ва норинжалар олтиндай товланиб пишган. Тинкани куритадиган иссиклар ва кўз очирмайдиган ёмғирлар тугаб, бу ерларнинг осмони очиқ ва ҳавоси салқин бўладиган оромбахш фасли энди бошланган.

Уч ойдан бери Синд бўйларида гоҳ Сиёхван шахрига бориб, гоҳ ундан Бҳаккарга қайтиб, ором билмай юрган

¹ А кра б — 22 ноябрдан 22 декабргача.

Хумоюн атрофидаги табиат гўзалликларини кўзи билан кўрса ҳам, лекин дили билан ҳис килолмайди. Ҳозир унинг кўнглига гўзаллик сифтмайди. Ҳонумонидан айрилиб, Аградан қувилгани ва Синд ўлкасида саргардан бўлиб юргани унга бутун умрининг энг кора кунлари бўлиб туюлади, вужудини аччиқ мағлубиятлар алами ва оғир йўқотишлар армони банд килиб туради.

Лекин иниси Ҳиндол мирзонинг кароргоҳида Ҳамида бону деган кизни кўргандан бери унинг кайфиятида ғалати бир ўзгариш юз берди. Ҳумоюн кўхлик қизларни кўп кўрган. Бирок Ҳамида бонунинг чиройли суратидан ташқари, кишини сеҳрлаб оладиган тенгсиз бир сийрати бор эди. Ҳумоюн буни даставвал кизнинг кўзларидан сезди.

Ҳумоюн Ҳиндол мирzonинг дарё бўйидаги кароргоҳига келганда уни инисидан ташқари келинлари Султоним ва ўтгай она Дилдор оғача ҳам кутиб олишиб. Шу аёлларнинг ёнида турган Ҳамида бону ўнг қўлини кўксига қўйганича Ҳумоюнга бош эгиб салом берди. Шу аснода кўз кўзга тушди-ю, кизнинг нигоҳидаги латиф бир ҳарорат Ҳумоюннинг дилига бехад илик туюлди. У кизнинг юзига кулимсираб тикилди-ю:

- Мен сизни аввал қаердадир кўрганмен,— деди.
- Эҳтимол, Аграда... Наврўз куни...
- Ҳа, Жамнада, кема сайрида... Ҳазрат аммам таништирган эдилар!..

Ҳумоюн узоқ ўтмишга айланган ёруғ кунларни эслаб оғир тин олди. Ўшандан бери у Шерхондан яна иккинчи марта мағлуб бўлиб, ҳонумонидан айрилди, кувфинга учраб, чет ўлкаларга қочиб келди.

Ҳамида бону Ҳумоюнга ҳамдардлик билдирган каби:

— Ўша масъуд кунларингиз яна қайтиб келсин, ҳазратим!— деди.

Шу тилак айтилган пайтда Ҳамиданинг кўзларидан тушган илик нур йигитнинг кўнглидаги армону аламлар соясини улоқтириб ташлагандай бўлди. Ҳумоюннинг дили бирдан ёришиб, қизга ўтли назар ташлади:

— Илоҳо сўзингизга фаришталар омин десин, синглим!

Ҳиндол мирзо Ҳамида бону билан акасининг гапи яна чўзилса меъёр бузилишини сезиб бетоқат бўлди:

— Қани, ҳазратим,— деб Ҳумоюнни тўрга таклиф килди.

Ҳамида бону қўлини кўксига қўйиб оркага тисарилди. Қиз бола эркаклар даврасида ўтиромайди, ҳозир кетади. Ҳумоюн эса у билан шундай ширин бошланган гапни яна давом эттиришни истайди. Қиздаги ҳамдардлик зийрак-

лик ва яна аллақандай сехру жозиба Ҳумоюннинг дил яラлигига малҳам бўладигандек туюларди.

Бироқ иффат пардаси ичидаги юрган муслима киз билан номаҳрам эркакнинг меъёрдан ортиқ гаплашиши урғу одатга хилоф эканини дили сезиб турарди. Ҳумоюн тўрга караб ўтганда Ҳамида бону Султоним бегим билан ўнгдаги пуштиранг мовут чодирга кириб кетди.

Ҳумоюн уни яна кўргиси келар, кўзлари беихтиёр пуштиранг чодир томонга кетиб коларди. Аммо Ҳамида бону чодирдан кайтиб чикмади. Ҳумоюн инисидан унинг отини, ота-онасининг кимлигини сўраб олди. Пойгакроқда ўлтирган Ҳўжа Муаззам исмли ўрта яшар бек:

— Ҳамида бону бизга жиянлар,— деб изоҳ берди.

Ҳумоюннинг Ҳўжа Муаззамга ҳурмати ошгандек бўлиб, уни юқорирокка — ўзининг яқинидаги бўш жойга таклиф килди. Ҳўжа Муаззам Ҳиндол мирzonинг бекларидан эди, шунинг учун ўз валинеъматидан рухсат олди-ю, кейин Ҳумоюн кўрсатган жойга ўтди.

Ҳиндол мирзо билан Ҳумоюн орасидаги эски келишмовчиликлар ҳозир бартараф бўлган, чунки энди талашадиган тожу тахт йўқ. Ҳиндол мирзо Амир Баҳдулни бекор катл эттирганини кейин билган, ёшлик хатолари учун акасидан узр сўраган, Ҳумоюн ҳам уни кечирган эди. Бултур Шерхон шимол-шарқ томондан Аграга таҳлил солиб кўшин тортиб келганда Комрон мирзо яна Ҳумоюнга қўшилгиси келмай, ўн беш минг қўшин билан Панжобга қайтиб кетди. Ҳиндол мирзо эса Ҳумоюннинг ёнида қолиб, Канауж деган жойда Шерхон билан бўлган урушда қатиашди. Бу гал Шерхон ортиқча хийла ишлатмасдан юзма-юз, дадил олишиб-ю, Ҳумоюнни яна тор-мор килди, Байрамхон Шерхонга асир тушди. Ҳиндол мирзо акасининг мағлубиятига ўзини шерик ҳисоблаб, оғир кувғин кунларида ҳам унинг ёнидан кетмай юрибди. Нарёқда Комрон билан Аскарий бир тараф бўлиб, Ҳиндол билан Ҳумоюнни на Кобулга, на Бадаҳшонга ва на Ғазни томонларга якин келтирмасликнинг харакатини килишяпти.

Қандаҳор ҳокими Қорачаҳон Комрон мирзо билан аразлашиб қолган, буни эшигтан Ҳиндол унга ишончли бекларидан бирини юбориб, иттифоқ таклиф килди.

— Агар Қорачаҳон Қандаҳорга таклиф килса борурмисиз?— деб сўради Ҳумоюн инисидан.

— Сиз буюрсангиз борурмен. Балки бирга кетгаймиз?

Ҳумоюн ўлланиб туриб бош чайқади:

— Мен Гужарат томондан хабар кутмоқдамен. Байрам-

хон Шерхон асоратидан қочиб Гужаратга борган экан.

— Тирик эканми, а?

— Ҳа, чопари келди. Шерхон уни ўз хизматига олмокчи экан. Байрамхон бир сўзли одам-да. Мардник килибdir, «мен Ҳумоюн мирзога садоқат ваъда килганмен, сўзимдан қайтолмаймэн», дебdir. Шерхон уни узоқ вакт ҳисбда тутибdir. Ўлдирмоқчи бўлган экан, гужаратлик бир одам ёрдам бериб қочирибdir. Гужарат рожалари Шерхонга қарши биргалашиб жанг қилиш учун биз билан иттифоқ тузмоқчи эканлар. Мен рози бўлиб Байрамхонга одам юбордим.

— Унда Қандаҳор Комрон мирзога қолурму? — сўради Ҳиндол.

— Нечун? Агар Қорачахон астойдил таклиф килса сиз борганингиз маъкул. Қандаҳор бизнинг Эрон билан бордикелди киладиган энг муҳим қальяларимиздан. Уни иликдан чиқармаслигимиз керак.

Ҳиндол мирзонинг кўнгли тилаган гап ҳам шу эди. Давлат ишларида ҳозир у акаси билан ҳамфир эди-ю, бирок Ҳумоюн ҳозир Ҳамида бонуга ҳаддан ортиқ қизикиб колгани ва Ҳўжа Муаззамни ёнига таклиф килгани Ҳиндол мирзони хавотирга солиб кўйди. Чунки Ҳиндол ҳали ҳам Ҳамидадан кўнгил узган эмас. Тўғри, қиз унга мутлақо рўйхушлик бермай юриби. Лекин Ҳиндол мирзо Қандаҳорга борса, ўша ерда ўзига мустақил ҳоқим бўлади, акалари узоқда қолади, ҳеч ким унинг оиласавий ишига аралашолмайдиган ва раъйини қайтаролмайдиган пайт келади. Ҳумоюннинг ўзи йигрма ёшидаёқ икки хотинлик бўлиб олган эди-ку, Ҳиндол ундан камми?

Ҳумоюн яна Ҳамида бону ҳақида сўз очганда Ҳиндол акасидан ранжигандай бўлиб:

— Бу қиз бизнинг даргоҳда ўсган,— деди.— Бизга сингил бўлса, сизга фарзанддек, ҳазратим.

Ҳиндол бу сўзлар билан акасининг хотинлари Бека бегим ва Меважонни эсига солмоқчи бўлди. Ҳумоюн бултур жуда катта товон тўлаб, Бека бегимни Шершоҳнинг асоратидан кутқариб олган эди. Лекин Бека бегим анча вакт душман қароргоҳида, номаҳрам эл орасида бўлгани сабабли руҳонийлар унга астойдил бир покланишни маслаҳат бердилар. Бека бегим Маккаи Мадинага бориб келишни ихтиёр килди. Ҳумоюн уни ишончли одамлари билан ҳажга жўнатганига уч ой бўлди, ҳалигача қайтишгани йўқ. Қизчалари Ақиқа асирилкда халок бўлди. Ҳарам ахлидан Чанд бибини Шершоҳ ўзининг хинд саркардаларидан бирига

никоҳлаб берди. Меважон билан эса Ҳумоюн ажрангани. Ҳозир унинг ёлғизликдан кийналиб юрган пайти.

Бутун Ҳамидан кўргандан бери Ҳумоюн кўёш нурларининг кўм-кўк япроқларда қандай чиройли жињваланинини қайтадан хис қила бошлади, енгил шабада боф четидан ёқимли гул ҳидини олиб келганини сезди, дарё бўйида булбул сайраётганини эшилди.

Кулоги алланарсадан битиб қолган одам ҳеч нарсани эшитолмай гарансиб юргани каби, Ҳумоюн ҳам кетма-кет келган мағлубиятлардан эсанкираб, атрофидаги хаётнинг гўзалликларини сезмайдиган бўлиб қолганини энди фаҳмлади. Ахир у хонумонидан айрилиб, Аградан кувилган бўлса ҳам, атрофда ҳаёт давом этганити-ку. Қорли тоглар, жўшкин дарёлар, чаманзор боғлар ҳаммаси ўз ўрнида турибди-ку. Мана шу чодирлардан бирида ҳозир Ҳамида бону деган қиз бор. Ҳумоюннинг қалбида сўниб қолган гўзаллик туйғусини шу қиз бирдан уйғотиб юборди. Бу қизни Ҳумоюн нима килиб бўлса ҳам яна учратади.

Ҳамида бону хонадонингизда ўсган бўлса жуда соз!— деди у ииниси Ҳиндолга.— Эртага ҳаммаларингиз биз турган Самандар боғига ташриф буюринглар. Сиз Султоним бегим билан ҳазрат онангизни бирга олиб боринг. Ҳўжа Муаззам жиянлари Ҳамида бону билан берсинлар. Томоша килиб, ёзилиб келурсизлар.

Ҳиндол мирзо бу таклифни рад этолмади...

* * *

Ҳумоюн турган боф дарёнинг ўртасидаги хушхаво оролда эди. У кема билан ўз қароргоҳига сузиб ўтди-да, Жавҳар офтобачи бошлиқ хизматкерларига буюриб, эртаси куни Ҳиндол мирзонинг келишига маҳсус дастурхон тузатди, боф йўлкаларини ораста килиб супуртириди ва майнин кум тўшаттириди. У мана шу йўлкалардами ёки сув бўйидаги нақшин толордами Ҳамида бону билан икки оғиз холи гаплашиши умидида эди.

Бирок, Ҳиндол мирзонинг ўзи, онаси, хотини, бошқа яқин кишилари кемага тушиб келишгандан уларнинг орасида Ҳамида бону йўқ эди.

— Ҳўжа Муаззам сиздан узр сўради,— деди Ҳиндол.— Жияни келолмас экан.

Ҳумоюннинг кўнгли ғаш бўлди, лекин дастурхонга овқат тортилиб, куюқ-суюқ тутагунча бу тўғрида гап очмади.

Султоним бегим канизи билан бояни томоша қилгани кетгач, катта танобий уйда Ҳумоюн ииниси Ҳиндол ва унинг кайвони онаси Дилдор бегим учовлари колди.

— Кечаги қызни нечун бирга олиб келмадингиз? — деб Ҳумоюн иинисидан сүради.

— Билмадим... Мен юр деб қистасам, важ күрсатди.

— Қанақа важ?

— Подшоларни бир марта күриш етарлы әмиш. Иккинчи марта күрса номаҳрамлик бўлармиш.

— Ундоқ бўлса маҳрам қилиб олгаймиз!

Ҳумоюннинг нияти бу даражада жиддий эканидан Ҳиндол изтиробга тушди:

— Ҳазратим, бу қиз ҳам Меважонга ўхшаб беш-үн ойдан кейин назардан колса... умри хайф кетгай...

Ҳумоюн куюниб уҳ тортида:

— Мунча толеим паст экан! — деди. — Хотин жўнидан ҳам омадим келмай юрганини ҳазрат аммам фахмлар эдилар. Афуски, ҳозир у киши Кобулдалар. Бултур Жамнаганда аммам Ҳамидан менга кўрсатганда дуруст эътибор бермаган эканмен. У пайтла ўзим ҳам ҳовлиниб осмонда юрган эдим, чамаси. Мана энди ерга қулақ кўзим очилди. — Ҳумоюн Дилдор оғачага юзланди. — Ҳазрат бегим, сиз Ҳиндолга қандай она бўлсангиз, менга ҳам шундайсиз. Дардимины сизларга айтмасам, кимга айтай? Мен қачондан бери оқилаю фозила бир танмаҳрамга зор бўлиб юрибмен. Сиздан илтимос, бегим, Мирбобо Дўст билан гаплашиб беринг, шу қизини биздан дариг тутмасин!

— Аммо қизнинг ўзи бунга кўйниса-чи? — деди Ҳиндол. Мирзо лаби асабий пирпираф. — Мен Ҳамидан кичиклигидан билурмен. Жуда бир сўзли қиз. Мана бугун келмадигу. Йўқ деса ҳеч ким уни кўндиrolмагай!

Дилдор оғача ҳам Ҳиндолнинг ёнини олди:

— Ҳазратим, ҳозир ахволимиз илгаригидай эмас... Ағрада ҳукмфармо бўлган пайтларингизда ҳар бир истагингиз тез амалга ошарди. Сиз қайси қизни хоҳласангиз ҳеч ким йўқ дёйлмас эди. Қизнинг кўнглига ҳам каралмас эди. Аммо ҳозир...

Ҳумоюн хижолат тортиб:

— Рост, мен илгари... кўп нарсага осон етишиб ёмон ўрганганман, — деди. — Энди бу одатни тарқ этмоғим керак.

— Тўғри-да, — деб Ҳиндол акасининг сўнгги гапини маъқул кўрди: — Отдан тушган одам эгардан ҳам тушмоғи лозим.

Шу билан у акасини Ҳамида бону билан қайта учрашиш фикридан қайтамокчи эди. Лекин Ҳумоюн яна Дилдор бегимга юзланди:

— Мен аввал қизнинг ўзи билан сўзлашиб, кўнглини билай. Шунга кўмак берсангиз бас...

— Хўп, бунисиға мен рози, — деди Дилдор бегим. — Эртага ўзингиз боринг.

Эртаси куни пешин намозидан сўнг Ҳумоюн яна кема билан дарёдан ўтиб, Ҳиндол мирзонинг қароргоҳига борди ва Дилдор бегим турадиган каттакон қизил чодирни қидириб топди. Бегим уни чодир ичидা ёлғиз қолдириди-да, ўзи Ҳамида бонуни чакириб келишга кетди.

Орадан бир соатлар чамаси вақт ўтгандан кейин Дилдор оғача ўнгайсиз бир ахволда ёлғиз қайтиб келди:

— Ҳамида келмади, — деди.

— Нечун? Сабабини айтдими?

— Очиқ айтмайдир. Аллақачон бўйи етган. У тенгилар эр қилиб болалик ҳам бўлди. «Сен ҳам кимгадир маҳрам бўлишинг керак-ку», десам... «Мен илкимни чўёсам, бўйнига етадиган одамга маҳрам бўлиш орзусидамен», дейдир. Сиз унинг учун жуда баландда әмишсиз, илкини чўёса этагингизга ҳам етмас әмиш.

Бундай гапларни унча-мунча қиз айта олмайди, Ҳамида бону чиндан ҳам ақли расолардан эканини Ҳумоюн шу жавобидан сезди. Аммо сўнгги гапнинг мағзини чақолмай, Дилдор оғачадан сўради:

— Камтарлик қилганими бу? Мени интизор қилиб кўйиб, яна ўзини бунча паст олганида қандай маъно борикин?

— Тушунмадингизми, ҳазратим? Ахир подшолар ўз ҳарамларига нисбатан кўл етмас баландликда юргайлар-ку. Биз ҳам умр бўйи худо раҳмати отангизнинг дийдорларига зор бўлиб яшаганимиз. Доим давлат ташвишию уруш-юришлар билан банд эдилар. Улардан бўшаб ҳарамга йўллари тушганда бир эмас, тўрт хотин ёлғиз эрни бир-бирларидан қизғанишадир. Ана шундай хотинларнинг бири бўлиб яшаш илик чўзганда этагига ҳам етмайдиган одамга маҳрам бўлиш деган маънони билдиримдими, ҳазратим? Ҳамиданнинг онаси ҳам «гулдай қизимни хотин устига бермагаймен», деб оёқ тираб турибдир.

Ҳумоюннинг овози алам билан титраб эшилди:

— Аммо сўймаган ҳарамим билан туриш мен учун жаҳаннам эмасми, бегим? Менга бу ҳарамнинг не кераги бор? Ҳаммасидан воз кечгаймен! Ҳамида илкини чўёса етадиган хокисор йигитга айланмоқ учун неки зарур бўлса килай! Мен дунёга келиб соғ муҳаббат нақадар улуғ неъмат эканини энди билмоқдамен. Ҳозир дилим нурдай ёруғ туйғуларга тўлиб турибдир. Бу туйғулар пок бўлгани учун сизга ҳам тортинмай сўзламоқдамен, ҳазрат бегим! Мени тегирмон тошидай эзиб ётган мағлубият аламлари, тожу тахт армонлари — ҳаммаси ҳозир хаёлимдан узоклашди,

худди кечиб ўтнлган ботқокликдек орқада колди! Олдинда эса дунёнинг барча қувончларини ўзида жам этган бир истикбол турибдир. Бу — Ҳамила бону. Не килиб бўлса ҳам мен бу қизни яна қўрмоғим керак. Мехримни рад этса ҳам майли, факат сабабини ўзи айтсин!

Ҳумоюннинг эхтиросга тўлиб айтган бу сўзлари Дилдор бегимга қаттиқ таъсир қилди. Бегим келини Султонимни ёрдамга чақиришга ва икковлашиб Ҳамидани Ҳумоюн билан албатта учраштиришга сўз берди.

* * *

Чоршанба куни Султоним ва Дилдор бегим Самандар бегига Ҳамида бонуни чошгоҳ пайти бошлаб бормоқчи эканликларини хабар қилдилар.

Ҳумоюн уларни икки томонига серсоя санобар дараҳтлари ўтказилган йўлка охирида, заррин нақшлар билан безатилган шийпонда кутуб олди.

Таъзиму тавозелардан кейин Дилдор оғача ва Султоним бегим шийпондан ўнг томонга бурилган йўлка билан дарё бўйига караб кетдилар. Ҳумоюн билан Ҳамида бону атрофини яшил чирмовуқлар пана килиб турган шийпонда як-кама-якка қолишиди.

Ҳамида бону нафармон гулли парчадан қабо кийган. Бошидаги баланд тоқиси четидан елкасига тушган икки ўрим узун соchlари қабосининг этагигача етган. Юзига тутилган оқ ҳарир парда уни янада сеҳрли кўрсатади.

Ҳумоюн қувончини яширолмай:

— Сизни қайта кўрганим учун тангрига шукурлар айтурсмен! — деди. — Шу кейинги бир ҳафта мен учун бир йилдек узун туюлди. Мен сизга дилимни очиб сўзлай. Умримда ҳеч бир қизни бунчалик интизор бўлиб кутмаганман. Ҳамида бону, сиздан ўтинамен, ростини айтинг, мендан не гуноҳ ўтдики, дийдорингизга бу қадар номуносиб кўрдингиз?..

Ҳамида бону чўйдай ёниб турган кўзларини ердан олиб, Ҳумоюннинг юзига қисқа бир назар ташлади.

— Сиздан гуноҳ ўтган эмас...

— Бўлмаса орамизда не монелик бор? Айтинг, мен билай...

— Монелик ҳам эмас... Сиз эъзозлаган пок бир кишининг хотираси... Балки ҳали тирикдир? Ёки тангри раҳматига боргани ростми? Шуни билолмай доғдамен...

— Ким дедингиз? Ким?

— Сизга Чаусада яхшиликлар қилган йигит... Инингиз бизни Алварга олиб кетиб қолган эдилар. Биз йўғимизда сиз уни тахта чикарган экансиз...

— Низомми?

— Ха...

Карамнасадаги ҳалокатли ўпқонлар, кейин Аграда бўлган курашилар, Низомнинг бир кечада дом-дараксиз йўколгани, Ҳумоюн канча суриштириб, ҳеч нарсани аниклай олмаганлиги хотирасига бирдан босиб келди-да, хаёлини бошка ёқка буриб юборди:

— Мен уни авлиёдай эъзозлаб юрдиму тўсатдан йўқотиб кўйдим. Агар шу йигит ёнимда бўлса, эҳтимол, кейинги фалокатларга учрамасмидим? Сиз ҳам уни билармидингиз, Ҳамида бону!

— Зарафшон богида турганда кўрган эдим. Кичкина қизалоқ пайтларимда канизим билан иккимизни қайигига солиб айлантирган эди.

Ҳамида бону Низом билан ўтган масъуд дамларини ҳозир жуда маъюс бўлиб эслади-да:

— Мени бир ўй эзадир, ҳазратим,— деди.— Мен ўзим билмаган ҳолда эҳтимол... унинг ўлимига ёки... йўқолишига сабаб бўлгандурмен?

— Йўғ-е, нечун сиз сабаб бўлурсиз?

Ҳамида бонунинг кўлида кўзмунчоқлар ва кашталар билан безатилган чиройли атлас киса¹ бор эди. У кисани секин очиб, ичидан сарғайиб, ҳилвираб қолган бир парча қўғозни авайлаб олди.

— Ўн кундан бери ҳузурингизга келолмаганимнинг сабаби мана шу мактуб. Буни сиздан яширсам дилим куйди. Айтай десам... Мени ҳаёсиз деб ўилашингиздан кўркдим. Агар бу мактубда хотирингизга малол келадиган бирон гап бўлса мени ҳам, уни ҳам кечиринг. Аввал шу илтимосимни қабул килсангиз, кейин мактубни беришга журъят этгаймен.

— Илтимосингизни бажонидил қабул килгаймен!

Шундан кейин Ҳамида бону Низомнинг мактубини Ҳумоюнга берди. Мактубда Низом Ҳумоюнни «танти сиймо эканлар» деб мақтагани унга ёқимли туюлса ҳам, аммо Ҳамида бонуни «Офтобим» деб муҳаббат изкор қилгани, Жамна бўйидаги ўша соҳилда яна бир учрашишга чорлагани ва тўйдан гап очган жойлари тўсатдан рашикини келтириди. Ҳумоюн Низомни авлиё деб юрса, бунака шайтонлиги ҳам бор экан-ку! Алвардан Ҳиндол мирзони тезроқ чакиригиси келиб сабрсизлангани бежиз эмас экан-да!

¹ К иса — халтacha, бугунги тилда — сумка. Кейинчалик киса — кийимга тикиладиган кисса номини олган.

Хұмоюн хатнинг охирига етған сари авзойи ўзгариб, қонлары чимирилгани Ҳамида бонуни хавотир қилди. Нахотки Ҳұмоюн Низомнинг тақдери нима бўлганини, бу хат кимларнинг кўлига тушиб, Ҳамида бонуга қандай етиб келганини суриштириб билмасдан олдин икки ёшнинг орасида бўлиб ўтган болаларча мусаффо меҳрға рашқ қилса?

Ҳұмоюн хатни ўқиб бўлиб бошини кўтарганда Ҳамида куюниб гапирди:

— Кошки бу хат ўша пайтда менинг илкимга бориб теккан бўлса! Нобакорлар буни ҳам ўғирлаган эканлар.

— Нечук? Бу хатни сизга ким берди?

— Отам...

— А?

Ҳамида бону воқеанинг тафсилотларини ҳикоя қилас, Ҳұмоюн Низомнинг мана шу хат туфайли ашаддий душманлари кўлига қандай тушиб қолганини энди таҳмин кила бошлади. Бу хат Алварга борган эмас, ҳамма ёвузлик Агранинг ўзида килинган. Ҳамида бонулар Алвардан Аграра кайтгунларича Низом йўқолиб бўлган. Ҳұмоюн уни бир ой қидиртириб, ҳеч қаердан топдирммагач, дарёга чўкиб кетган, деган фикрга келган эди. Шунгача Низомнинг хатини яшириб юрган ғаламислар энди у ўлдига чиққанидан сўнг Ҳамида бонунинг ҳам адабини бериб кўйгилари келади. Низомнинг подшолик мухри босилган мактубини кечаси коронгидаги нотаниш бир киши Мирбобо Дўстнинг кўлига тутқизади, «қизингни тийиб ол!» деб гўлдирайди-ю, ғойиб бўлади. Мирбобо Дўст кўлдан-кўлга ўтиб эзгиланган бу хатни ўқиб, ундаги муҳаббат изҳоридан, айникса, кизининг дарё соҳилида бегона йигит билан учрашганидан даргазаб бўлади. Ҳамида бонуни қийин-қийнокларга солади. «Дадажон, ўлиб кетган бўлса арвоҳини ранжитманг, менда гуноҳ йўқ, у ҳам болаларча соғ мумалада бўлган» деб, Ҳамида бону отасига йиғлаб изоҳ беради. Кейин онаси орага тушади. Мирбобо Дўст хатни йириб ташламокчи бўлгандаги хотини, «ўлган одамнинг хотираси увол бўлмасин, менга беринг!» деб ялиниб, хатни ундан олади-ю, сандик тубига яширади. Аминат ёрдамида мактуб ахийри Ҳамиданинг кўлига тегади.

Ҳамида бону бу воқеаларни айтиб берар экан, кўзларида ёш йилтиради. Ҳұмоюн буни кўрганда бояги қизғанчик туйгулари энди ўзига ҳам жуда ноўрин ва уятли тўюлди. Низомнинг бошига ёмон бир фалокат тушганлиги, уни Ҳамида билан учраштириш баҳонасида дарё бўйига олиб бориб ўлдириб юборганлари Ҳұмоюнни энди ларзага солди. Ахир Низомнинг тақдери учун, аввало, Ҳұмоюн жавобгар

эмасмиди? Тажрибасиз ёш йигитга хокимиятни берган у эди-ку! Яхшилик қиласман деб, уни саройдаги ёмон мухитнинг қурбонига айлантирганидан қандай бехабар колди?

— Илоҳим Низом тирик бўлсин,— леди Ҳұмоюн.— У бўлмаганда мен ўзим ҳозир тирик юрмас эдим.

— Балки тирикдир?.. Қандоқ билиш мумкин? Унинг хотираси сиз билган менинг орамда тирик бир дарёдек окиб турибдир. Шунча кундан бери хузурингизга келолмаганим — ана шу дарёни босиб ўтолмаганим сабабли эди, ҳазратим.

Ҳамида бонунинг қанчалик гўзал қалби борлигини Ҳұмоюн унинг мана шу сўзларидан сезди. Ҳозир унинг ўзи учун ҳам Низомнинг хотираси мукаддас бир дарё бўлиб тўюлди. Энди у ҳам бу тарёни обёсти қилиб босиб ўтолмаслигини, Ҳамида бону турган нариги кирғоққа бошқа бир йўл тониши кераклигини хис қилди. Балки бу йўл жуда узоктардан айланниб келар ва ундан жуда катта сабр-бардош талаб қилас. Лекин Ҳамида бонунинг висолига тезрок етишмокчи бўлиб сабрсизланганлари ҳозир унинг ўзига енгистактиқ ва бачканалик бўлиб кўринди. Икковлари ҳам Низом хотираси олдида карздор эканмилар, энди бу карзни узишлиари керак. Лоакал Низомнинг тақдери нима бўлганини аниқлашмай туриб, бир-бирларига астойдил кўнгил қўя олмайдилар. Ҳұмоюн Ҳамида бонуга Низомнинг хатини кайтариб берар экан:

— Балки жавоб ёзарсиз. Ҳамида бону?— леди.— Агра томонларга яширикча бориб келаётган одамларимиз бор. Тайинлаб бериб юборгаймиз. Низомнинг ота-онасига Секридан катганина жоғир берган эдик. Низомнинг тақдери қандай бўлганини улар бўлтурдан бери сўроқлаб билган бўлсалар керак. Бизнинг Аградан чиқиб кетганимизга ҳам етти ой бўлди. Кўнглим сезиб турибдир, одам юборсан, бирон хабарини топиб келгай.

Ҳамида бону Низомга ёзадиган хатининг кўлдан-кўлга ўтиб юришини ўйлаб иккиланди.

— Ҳазратим, хат янада... бегоналар илкига тушишидан кўркамен... Юрак олдириб кўйганимни билурсиз. Балки ўзингиз менинг номимдан ҳам... битиб юборарсиз?

— Майли, Низомга мен ҳам мактуб ёзай. Аммо сиз кўркманг. Мактубингизни ёнг ишончили бир одамга бергаймиз. Сургучлаб бекитгайсиз. Ҳеч ким очмагай. Ахир мактубга жавоб ёзиш — сизнинг бурчингиз. Тўғрими?

Ҳамида бону Ҳұмоюннинг сўзларига ишонган каби бош иргаб:

— Миннатдормен!— леди.

Хумоюн уни күшкка бошлаб борди. Ҳамида бону гапсүзлардан күркмай ичкарига дадил кирди. Хумоюн Жавхар офтобачини чақириб пастки айвонга мез ва қоғоз-калам олиб келишни буюрди. Ҳамида бонуни шу айвонга бошлаб кириб, қоғоз, сиёҳ ва қалам турган миз олдига ўтқазди-да, ўзи хонайи хосга чиқди ва Жавхар офтобачига яна бир топширик берди:

— Филбон Лаъл Чандни чорланг! Тез!

То Лаъл Чанд келгунча Хумоюн ҳам миз ёнига келиб мактуб ёза бошлади:

«Менга туғушқонимдек азиз ва муҳтарам Низомиддин!

Худодан илтижо килурменким, бу хат Сизнинг илкингизга бориб етсин. Бизнинг бошимизга тушган кейинги қулфатлардан хабарингиз бордир. Шулар туфайли Синнда армону алам ичида юрганимда бир сабаб билан Ҳамида бонуга ёзган мактубингиздан хабар топдим. Аралашибим лозим бўлмаган бу нозик муаммога фақат Сизни қидириб топиш ниятидагина аралашмоқдамен. Бунинг учун мени маъзур тутинг. Мактубингиздаги розлардан хижолат чекманг, чунки бу бораларда мен сизни ўзимдан юз чандон мусаффороқ ва маъсумроқ деб билурмен. Мен то умрим борича сиздан қарздормен ва кўнглингиз тилаган қандай иш илкимдан келса қилишга тайёрмен. Агар даргохимизга қайтишни ихтиёр қилсангиз, бош устига, тақдирда неки бўлса бирга баҳам кўргаймиз...»

Айвонда ўлтириб хат ёзаётган Ҳамида бону эса ҳар икки сўздан сўнг бир тўхтаб қолар, Хумоюн ҳам шу бинода ўлтирганилиги хаёлидан нари кетмас, Низом ҳаётми-йўқми, бундан қатъий назар, икки йигит уни икки ўт орасига ташлаётгандай қўйнар эди. Бугунги ҳаяжонли гаплардан сўнг Хумоюн унга сирдошроқ туюлар, шунинг учун киз Низомга:

«Қадрдан оғам ўрнидасиз,— деб ёзмоқда эди.— Орамиз нурдай пок. Фақат менга ёзган мактубингиз туфайли бошингизга оғир кунлар тушмадимикин деган изтиробдамен». Ҳамида бону мактубни қачон ва кимдан олганини баён қилди: «Сизнинг ёғий илкига тушишингизга мен ҳам сабабчи бўлганим учун руҳий азобдамен,— деб давом этди.— Илоҳим ҳаёт бўлинг».

Ҳамида бону қисқагина мактубини тугатиб, ўрнидан турганда Хумоюннинг мунишиси айвонга таъзим қилиб кирди. Ҳамида боя хат ёзганда кўтариб қўйган ҳарир пардани яна юзига туширдй. Муншининг қўлидаги сопол идишаҳи ёл буғланиб турган иссик сурғуч бор эди.

— Мактубни ёзиб бўлдингизми, бону?— сўради мунши.— Ҳазратим менга сурғучлашни буюрдилар.

Хумоюн Ҳамидани алоҳида жойда ёлғиз қолдириб, истаганича эркин мактуб ёзишига имкон бергани ва мактубини ҳеч ким ўқиёлмайдиган қилиб дарҳол сурғучлатгани кизнинг унга бўлған эҳтиромини янада ошириди. Ҳамидани кўпдан бери ёзиб юрган ички дард энди оғир тошдай дилидан кўчиб гўё қоғозга тушди ва шу билан руҳига катта бир енгиллик берди.

Бу орада Хумоюн ҳам мактубини ёзиб бўлған экан, мунши уни ҳам сурғучлади. Шу орада Жавхар офтобачи филбон Лаъл Чандни бошлаб келди. Хумоюн ҳар иккала мактубни муншининг қўлидан олди-да, Ҳамида бонуни ўзининг хонайи хосига бошлаб кирди. Сўнг Лаъл Чанднинг бир ўзини чақирирди.

* * *

Бундан ўн тўрт йил аввал Фозихоннинг куткуси билан Бобур аскарларини ўрмонда адаштириб ҳалок қилмоқчи бўлған Лаъл Кумар кейинчалик Лаъл Чанд номи билан Хумоюн хизматига кирган эди. Гужаратда Баҳодиршоҳ билан бўлған жангларда Лаъл Чанд мингдан жанговар фил душман филларининг бирини ўмрови билан уриб ва икки оёқлаб тепиб қулатганини, иккинчисини тишлари билан уриб қочирганини Хумоюн ўзи кўрган эди. Шундан бери Лаъл Чандни ўзига хос филбон қилиб олган, Ганга бўйида Чаусада ҳам бу одам унинг Шерхон асоратидан қочиб кутулишига ёрдам берган эди. Лаъл Чанднинг табиб акаси Байжу ўғил-қизлари ва неваралари билан Агра атрофларида истикомат қиласди. Саккиз ойдан бери Хумоюн билан бирга мусофиrotда юрган Лаъл Чанд жигарбандларини жуда соғинган, улардан хабар олиб келиш учун бир-икки марта жавоб сўраган эди. Хумоюн унга бошқа муҳим топшириклар ҳам бермоқчи бўлгани учун «ҳали шошманг, вакти-соати келганда сизни ўзим чақириргаймен», деган эди.

Ҳозир подшо чақирирганидан умидга тўлиб шоша-пиша етиб келган Лаъл Чанд кўлини жуфтлаб боши узра қўйганича таъзим қилди-да:

— Буюринг, ҳазратим!— деди.

— Соҳиб Чанд, сиз Аграга бориб келмоқчи эдингиз. Бироқ Аграда ҳозир Шершоҳ ҳукмрон. Йўллар хатарли...

— Хатарини энди кўрмоқдамизми, ҳазратим! Мен Лахўрга бориб юрмасдан, Ажмирга ўтиб, ундан Аграга бормоқ-

чилен. Савдогар киёфасига кириб филимга бозоргир моллардан юклаймен.

— Сахро орқали юрсангиз балки филдан кўра тута маъкулдир?

— Менинг филим сахрова хам яхни юргай! Хозир салкин, туюдан кўра филда тезроқ бориш мумкин.

— Тахминан неча кунда бориб кайтгайсиз?

— Бу ердан Аграгача Ажмир орқали салкам беш юз мил. Хар куни ўтиз-кирк милдан юрганимда... нари-бериси билан... бир ойда келурмен.

Хумоюн елкасига олаётган юки бенихоя оғир эканини бирдан сезиб колгандай гавдаси майишиб:

— Ўх!— деди ва ёрдам кутгандай Ҳамида бонуга мўлтираб каради. «Наҳотки бир ойгача филбонинг йўлига караб, бир-биримиз билан учрашомай юргаймиз?» деган савонни киз фаҳмлади. «Начора, бошқа илож йўқ!» демокчи бўлиб, киз жавоб караш килди. Ҳумоюн қизнинг сўз билан айтмолмаган жавобини катъиятли нигоҳидан пайқади. У Ҳамиданинг хоҳишига қарши боролмай оғир тин олди-да, яна филбонга юзланди.

— Сиз Низомни билар эдингиз. Бедарак кетгани бизни халигача изтиробга солмокда.

— Ўзи хам ажойиб йигит эди,— деб ачиниб эслади Лаъл Чанд.

— Сўнгти ойларда эҳтимол бир хабари чиккандир,— давом этди Ҳумоюн.— Секри томонда ота-оналари турса керак. Аввал уларни топинг. Агар улар орқали Низомни топсангиз, мана шу иккита мактубни исъкига берингу бизга жавобини олиб келинг.

Лаъл Чанд мактубларни таъзим билан икки кўллаб олди:

— Буларни шундай маҳфий тутингки, сизу Низомдан бошқа бирор одамнинг илки хам тегмасин, назари хам тушмасин!

Ёши кирк бешларга бориб, узун сокол кўйган, лаблари ва ияги атрофилаги сокол-мўйлабининг бир кисми окарган Лаъл Чанд кўпни кўрган тажрибали одам эди. Узок йўлда унга пул керак бўлишини биладиган Ҳумоюн хазиначини чакириб икки ҳамён олтин бердири.

— Бири ўзингизга,— деди,— савдогар киёфасида борсангиз пулсиз иш битиролмагайсиз. Иккинчи ҳамённи эса Низомга бергайсиз. Ҳазинада унинг кўп олтинлари колган. Керак бўлса яна олиши мумкин.

— Мабодо, Низомни тополмасам-чи?— деб сўради Лаъл Чанд.

— У ҳолда мактубларни қайтиб олиб келгайсиз, токи сурғучлари бузилмаган бўлсин!— қатъий килиб деди Ҳумоюн.

— Жонимни гаровга қўйиб бўлса ҳам буйруғингизни бажаргаймен!— деди Лаъл Чанд ва орқаси билан юриб чиқиб кетди. Шундан сўнг Ҳамида бону Ҳумоюнга миннатдор кўзлари билан тикилди-да:

— Олижаноб иш килдингиз, ҳазратим!— деди.— Энди менга ижозат беринг. Дилдор бегим кутиб қолдилар.

Ҳумоюн уни бокка кузатиб чиқди.

— Аградан хабар келгунча... хайр!— деди киз.

— Ҳамида бону, Низомга оид гап орамизда қолгани дуруст.

Ҳамида бонуга бу таклиф маъқул тушди. Уйларига қайтаётганларида, Дилдор оғача унинг нима қарорга келганларини сўради. Ҳамида бону Ҳумоюндан бир ойга муҳлат сўраганини, ҳазрат шунга кўнганини айтди. Бошқа гапларни киз ҳатто онасидан ҳам сир тутди.

* * *

Икковлари орасидаги бу сир Ҳамиданинг дилига тушган учкун бўлди-ю, илгари сокин турган туйғуларини алганга олдира боқлади. Ҳумоюн боғда ўзини қандай тутгани, шийпонда нималар дегани, кўшкка кирганда айтган гаплари — ҳаммаси Ҳамиданинг хотирасига минглаб суратлардек накшланиб колган эди. Энди каерга бормасин, нима иш қилмасин, ана шу суратларнинг гоҳ униси, гоҳ буниси кўз олдидан беихтиёр ўтиб туради. Йигитнинг эҳтиросли овоз билан, «дунёда ҳеч бир қизни мен бунчалак интизор бўлиб кутмаган эдим», деган сўзлари қулогига қайта-қайта эшитилади. Ҳар эшитилганда қизнинг дилини яйратиб, ўзидан ифтихор киладиган даражадаги мамнуният багишлайди, Ҳамида ўзини энг толеи баланд бир киздек сезади. Лекин хатарли сафарга кетган филбои Лаъл Чанд эсига тушгаんだ ва Ҳумоюннинг Бҳаккардаги ишлари кун сайин чигаллашиб бораётганини эшигандан, «нечун Низомнинг мактубини ўртага солдиму шунча ташвиш ортиридим?» деб ўзидан норози бўларди. Кўнгли мунча нозик бўлмаса нима киларкин? Рост, Низом унтиб бўлмайдиган йигит эди, Ҳамида ҳозир хам унинг хотирасини бехурмат килиб босиб ўтолмаслигини сезади. Шу бир ой тезроқ ўтга колса экан,

деб кун санайди-ю, ташки оламда бўлаётган ва ўзларининг тақдирларига таъсир қиласидан воқеаларга ҳар қачонгидан ҳам ортиқ бир мароқ ва изтироб билан кулоқ солади.

Шершоҳ Панжобни олиб, энди жануб-ғарб томонларга кўшин тортгани, унинг лашкари ҳозир саксон мингдан ҳам ошиб кетгани Ҳамида бонуга Хиндол мирзонинг қароргохида бўлаётган гап-сўзлардан маълум эди. Ҳумоюннинг эса беку навкарларидан анчаси қочган, яна бир қисми Комрон мирзо томонига ўтиб кетган, ҳозир Бҳаккарда тўрт мингта одами колган.

Ҳумоюннинг атрофидаги адоват ҳалқаси сикилиб келаётганини, Бҳаккардаги Самандар боғи оромбахш бўлса ҳам, лекин дарёнинг ўртасида жойлашганлиги учун қуршовда қолиши осонлигини Ҳамида бону ҳам сезиб хавотирланарди. Шунинг учун Ҳумоюн ўз кароргохини Бҳаккардан жацуброкка — Потхур деган жойга кўчирганда Ҳамидалар ҳам Хиндол мирzonинг одамлари каторида дарҳол ўша мавзега ўйл олдилар. Ёнидаги кум саҳросидан қуруқ шабада эсиб турадиган, суғориладиган ерларида хурмолардан ташкари анорлар ҳам ўсадиган бу хушхаво мавзеда Ҳумоюн далв¹ ойининг охирларигача туриб қолди. Хиндол мирзо акасига яқин жойга чодир тиккан, Ҳумоюннинг баландликда турган хиргоҳ ва боргоҳлари Ҳамидаларга яхши кўриниб турарди.

Филбон Лаъл Чанд кайтишга ваъда қилган бир ой тугаб бормоқда. Кун санаб юрган Ҳамида: «Филбон Бҳаккарга келса биз йўқмиз, тополмай сарсон бўлиб юрибдими?» деб изтироб чекади.

Бирок Потхур Лаъл Чанд ўтиб келадиган Тар саҳросига Бҳаккардан кўра яқинроқ эди. Бу ерга тўрг минг одами билан Ҳумоюн кетиб тушганилиги атроф кишлокларда аллақачон овоза бўйлан. Ана шу овозаларни йўлда келётib ёшитган Лаъл Чанд Потхурни тез тепди. Ҳумоюннинг боргоҳи турган баландликка томон филини кистаб хайдаб ўтаётганда Ҳамида бону уни кўриб қолди.

Орадан бирор соат ўтар-ўтмас Ҳумоюннинг кароргохидан Моҳим биби деган ўттиз ёщлардаги жувон Ҳамида бонуни йўқлаб келди. Бу жувоннинг эри Налимбек Ҳумоюн билан бир онани эмган кўкалдош, оға-инидек бирга ўсиб энг яқин мулозимига айланган, Моҳим биби ҳам шу туфайли подшога яқин келиндеқ бўлиб қолган.

— Ҳазратим илтимос қилдилар, ҳозир бизникига борар экансиз.

¹ Да лв — 22 декабрдан 22 январгача.

— Нечун сизникига? — тушумнади Ҳамида бону.

— У кишининг ўзлари ҳам бизникига келмоқчилар.

Демак, Ҳумоюн иниси Ҳиндолнинг ғашлик килишини сезиб, бу томонларга келмаган.

Ҳамида онасидан Моҳим бибиларникига бирров бориб келиш учун рухсат олди-да, Моҳим биби билан йўлга тушди. Ҳар бир кадамида: «Низом тирикмикин? Бу ёғи энди нима бўларкин?» деган саволлар хаёлидан ўтиб турарди. Моҳим бибиларнинг чўтдай ясатилган кенг ва ёруғ шомиёнаси тўрида Ҳумоюн уни кутиб ўтирган экан. Ҳамида бону эшикда кўриниши билан ўрнидан турди.

— Қадамингиз кутлуғ бўлсин, Ҳамида бону, бу ёқка марҳамат қилинг! — деб, ўнг томонига тўшалган зарбоф кўрпачани кўрсатди.

Ҳамида бону торгиниб Моҳим бибига ўгирилган эди, у ҳам:

— Ўтинг, ўтинг, — деб, кизни ўша зарбоф кўрпачага ўтқазди-да, — мен ҳозир! — деб, оркаси билан юриб чиқиб кетди.

Икк韶лари қолганда Ҳумоюн Ҳамидага тўрт буқланган бир варақ қоғозни берди:

— Лаъл Чанд олиб келган мактуб. Ўзингиз бир ўқинг!

Ҳамида бону оёкларини такими остига йигиб одоб билан ўлтирган кўйича мактубни титрок қўллар билан очди. Низомнинг дастхатини танигандай бўлди.

— Наҳотки? — деб аввал ҳатнинг тагидаги имзога қарди. «Низом² деган имзони кўргач, — хайрият, тирик экан! — деб энтиқди.

Ҳумоюн ҳам яқин бир кишиси тирилиб келгандай қувониб гагирди:

— Сиз сабаб бўлдингизу ҳақиқатни билдик, Ҳамида бону!

Ҳамида ҳатни синчиклаб ўқий бошлади:

«Унуптилмас оғам мирзо Ҳумоюн!

Ўзингиз оғир қулфатларни бошдан кечириб юрган кунларингизда мени ёд этиб маҳсус одам юборганингиз мажруҳ дилимгэ малҳам бўлди. Сизнинг мактубингизни ҳам, Ҳамида бонунинг жавобини ҳам йиғлаб ўқидим. Тожу тахт кандай бало эканки, ҳаммамизга шунча баҳтсизликлар келтирди. Минбаъд мен шоҳлик даргоҳларига кадам босмасликка аҳд қилдим...»

Низом Афзалбек деган мушрифга иш буюрганини, давлатни бошқаришда тажрибаси йўқ одамни саройдаги малъунлар қандай алдаб қўлга туширганларини, кечаси

ўрмонда уни аёвсиз пичоқлаб, уриб, ўлдиргандан баттар килганинини ёзган эди. Йўқолган молларини қидириб чиқкан бир дехкон зийрак итлари ёрдамида коронгида Низомни беҳуш ётган жойидан топиб олади. Бакувват дехкон унинг яраларини боғлайди, ўғли ёрдамида уйига олиб бориб, қўлидан келганича муолажа қиласди. Қишлоқ табиби унга ёрдам беради. Низом гоҳ худ, гоҳ беҳуд бўлиб узоқ ётади. Сал ўзига келиб тилга кирганда, «мени яширинглар, ҳеч кимга айтманглар» дейди. Ўша галамислар билоб қолса яна келишларидан кўркади. Низом отини ҳам яширади, исмини сўраганларга «Салим» дейди. Ҳозир туриб юрадиган бўлган Низом шу кунларда ота-онаси билан Ажмирда экан, ўтирган жойида сават тўқиб тирикчилик тебратар экан. Лъял Чанд уни табиб акаси Байжу ёрдамида зўрга топибди.

Хумоюн филбон билан юборган минг танга олтин Низомнинг оғир кунига жуда аскатади. Душманлари ўшанда уни нағалли пошналари билан тепиб умурткасига зарар етказган экан. У ҳалигача хассага суюниб юрас, энди Хумоюндан келган пулнинг бир кисмини ота-онасига бериб, қолганига муолажани давом килдирмоқчи эди.

«Ўшанда шоҳлик ғурурига берилиб қилган хатоларимдан ҳали ҳам пушаймонмен,— деб давом этган эди Низом ўз мактубини.— Ҳамида бонуга ёзган хатим жуда пок ва самимий эди. Факат нопок одамлар шу туфайли бонунинг дилига озор етказган бўлсалар, мен узр сўрайман. Ёшлик шўхликларим учун шунчалик қаттиқ жазоландим. Ҳамида бону ўз жавобларида менга «оға» деб мурожаат қилибдирлар. Мен ҳам Ҳамида бонуни қиёматлик синглим деб билурмен. Икковларингизга чин дилимдан баҳт тилаймен.

Дуои салом билан қиёматлик инингиз Низом».

Ҳамида бону хатни ўқиб бўлганда қарама-карши туйгулар гирдобида қолди. Аввал Низомнинг тирик қолганидан қувонган бўлса, сал ўтгач, унинг ўрмонда қандай пичоқлангани ва топталганини кўз олдига келтириб даҳшатга тушди. Арапаш-қуралаш туйгулар гирдобини тифдай ёриб ўтган туйғу — Низомни шу кўйга соглан душманларга қарши интиком истаги бўлди-ю, Ҳамида бону ёшли кўзларини Хумоюнга тикиб, ўпкаси тўлиб сўради:

— Ҳазратим, бу Афзалбек деган мушриф жазосини олмагайми?

— Афзалбекни излаб тополмадик. Ҳозир Кобулда инимиз Комрон уни ўз каноти остига олиб юрган эмиш.

— Сайд Ҳалил-чи?

— Лъял Чанднинг айтишича, Аграда уни Шершоҳ зиндандан бўшатиб, яна катта диний лавозим берибди. Бу дунёда маккору уддабуронларнинг ошиғи доим олчи, Ҳамида бону!

— Илоҳим килган ёмонликлари худодан қайтсан! Аммо Низомни... тутинган оғам деб эдим... Бу мактубини ўқиб унинг улуғ қалби олдида сажда килям келди.

Ҳамида бону Низомнинг арzonгина қоғозга ёзилган мактубини очик тутган ҳолда унинг сатрларини эъзозлаб кўзига сурди-ю, Хумоюнга таъзим билан қайтарди.

— Менга хам Низом... қиёматлик ини!— деди Хумоюн, сўнг мактубни секин катлаб, боши устига, салласи қатига жойлади.

Икковларидаги бу яқдиллик, яхшиликни бу даражада сева олиш қобилияти Ҳамида бонунинг Хумоюнга бўлган яширин меҳрини бирдан аланга олдириб ошкор килиб кўйди. Киз уят аралаш эҳтирос билан шивирлади:

— Мардлигинингзга тан бердим... Энди ихтиёrim сизда!

Эртаси куни кизнинг ота-онасидан ҳам розилик олини. Ҳозирги ахвол дабдабали тўйларга имкон бермас эди. Мавқаб учун ош тортилди, ёш-яланларга ширинликлар улашилди. Аммо чогир мажлисига Хумоюн рўйхушлик бермади.

Сўнгги пайтларда Хумоюн май ичишини бас қилган, бир чети Низомга бориб тақаладиган ҳалолу пок туйгуларга майни арадаштиригиси келмас эди. Бир ойдан бери у маъжун ва афюн ейишларни ҳам тўхтатган эди. Покиза ва бўкира қиз билан кўшилишдан олдин йигит киши ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақида Хумоюнга доно одамлар илгари кўп гапларни айтишган, аммо у биринчи никоҳлари пайтида бу гапларга эътибор бермаган, май ҳам ичган, афюн ҳам еган эди. Ҳозир шунинг ҳаммасини эслаб, «эҳтимол, биринчи ўғлимнинг ночор тугилганига ва узоқ умр кўролмаганига ўзим ҳам айбдордурмен?»— деган ўй кўнглига келди. Хумоюн йигирма яшарлигига, яна ўғил кутиб юрган пайтда раҳматли отаси бир кун у билан ёлғиз колиб сирдош дўстдек сўзлашган эди.

Фарзандни худо бергай, ўғлим, лекин таңгрим уни ота-онанинг меҳру мұхаббатидан яратгай. Бу меҳр қанчалик гўзал бўлса, бола ҳам шунчалик чиройли туғулгай. Наслинг соглом, бакувват бўлсин десант, маст-аласт пайтингда зинхор ҳарамга кирма. Суяқ суради, дейдилар. Маъноси шуки, ота-онадаги фазилатлар ҳам, нуқсонлар ҳам болага ўтгай. Нуқсларим боламга урмасин десанг, умрингнинг энг

масъуд, пок дамларида фазилатларинг барқ уриб, нуксонларингни босиб кетган пайтларда висолга боргин.

Отасининг шу гаплари хозир Ҳумоюнга худди ўз дилидан эшитилаётгандай бўларди. У беш-олти ойдан бери уруш-юришларга бормай, Самандар боғида, дарё салқинида куч йиғди. Потхурга келгандан бери у ўзини күшдай енгил сезади. Бу ерга куруқ кум барҳанларининг ҳавоси келиб турар, Ҳумоюн вужудига алоҳида бир куч-куват куюлиб келаётганини сезар, шу кунларда сакраса қўли юлдузга етадигандай туюларди.

У Ҳамида бонуга аталган муҳаббатини мана шу масъуд ва юксак бир йигитлик куч-куватининг қанотлари устида олиб юришга интилмокда.

Кенг қўкаламзорда келин-куёв учун саккизта маҳсус чодир тикилди-ю, уларнинг атрофи улкан саропарда билан ўраб олинди. Саодат уйи деб аталган чодирда Ҳумоюн билан Ҳамида бонуга никоҳ ўқилди. Энг тўрдаги хилват чодир — мурод уйи. Унга олтин билан зийнатланган кат қўйилган, икки кишилик тўшак солинган. Парда ортида ёлғиз шам ёниб турибди. Ҳамида бону юпқа муслин¹ кўйлакда атиргул суви сепилган нафис шоҳи тўшакка қўрқа-лиса кириди. Янгалар унга биринчи кечалар кийин бўлишини айтишган. Никоҳдан олдин иккови ҳам ҳаммом қилишган. Ҳумоюн кизни майин ва нафис ҳаракатлар билан силаб эркалатор экан, ундан ғунчани эслатувчи бир хид келаётганини сезди. Белидан секин кучиб ёногидан ўпди-да, шивирлади:

— Ҳамида бону, ўҳшатмасдан учратмас деганлари рост экан. Икковимизнинг ҳам она томондан бувиларимиз хурсонлик тожиклар бўлган. Тожик тили бизнинг қонимизда туркӣ тил била умрбод бирга яшайдир.

— Рост!

— Шу сабабдин бўлса керак, сизга аталган рубоний дафъатан форс-тожик тилида хаёлимга келди. Айтами?

— Айтинг! — пи chirлади киз.

Дар дил ҳаваси лаъли ту дорам — мастам,
Дар сари ҳаваси қадди ту дорам — пастам.
Саргашта диле ба тори зулғат бастам
То дил ба ту бастам, аз ғам ворастам.²

¹ Муслин — энг нафис ипак мато.

² Таржимаси: Дилемда лаълинг ҳаваси — мастмен.
Ҳавасим боши қадлингга пайваст — пастмен,
Саргардон дилимни тори зулғингга боғладим,
Шундан бери ғаму туссадан ҳалосмен.

Форсий тилни нозик товланишларигача яхши биладиган Ҳамида Ҳумоюннинг қадига қадди пайваста келиб турган пайтда айтилган бу шўх, серзавқ шеърдан эриб кетди-ю, аввалги қўркувларини унудти. Ҳумоюннинг қулоғига дудоғини яқин келтириб:

— Бу шеърнинг завқидан мен ҳам мастмен! — деди.

Кучга тўлган залворли йигит унинг завқдан эриб турган пайтидан фойдаланди. Ҳамида бону ихраб юбормаслик учун тишини-тишига қўйди, оловли бир оғриқ қўзларидан учкун бўлиб сочилиб кетди. Назарида еру кўк зилзила пайтидагидек тебранди. Бу қанча вакт давом этганини билмайди. Бир вакт елкасидан тоғ қулақ тушгандай енгил тортиди. Йигит оғир-оғир нафас олиб ёнида ётарди. Одат бўйича Ҳумоюн эрта туриб саронардадан чиқиб кетиши, қиз куни бўйи янгалар билан қолиб дам олиши, куёв унинг олдига кечқурун қоронғи тушгандан қайтиши керак эди. Ҳумоюн Ҳамидадан бир лаҳзага бўлса ҳам ажрагиси кёлмади-ю, аммо хизмат килиб юрганлардан уялди, тонг қоронғисида чиқиб кетганича уч-тўрт соат давлат ишлари билан шуғулланди, пешин намозидан сўнг хиргоҳга кириб ухлаб олди.

Кунлар қиска эди, ҳадемай офтоб ҳам ботди. Фирашира коронғиликда Ҳумоюн саропардага кириб келар экан, Ҳамида бонуни бир йил қўрмагандай соғиниб қолганини сезди.

Иккови бир ёстиққа бош қўйганда Ҳумоюн ундан поқиза бир ис — она сутини эслатувчи хид келганини сезар, бу гал эр-хўтиналик унга фақат лаззат эмас, балки бўлажак фарзанд ва бўлажак она олдидаги муқаддас бурч бўлиб туюларди. Орадан кунлар ўтиб, иккови янги ҳаётга ўргана бошлигандан, очилиб гаплашадиган бўлишиди.

— Лахўрда мен бир туш қўрганмен, — деб юрак сирини айтиди Ҳумоюн, — бошдан-оёқ яшил кийим кийган мўйсафид қўлимига битта хасса берди. «Ўғил қўрсанг отини Ақбар қўйгии», деди. «Ўзингиз кимсиз?» десам, отим Аҳмаджон Зиндафил деди. Туш ўнг келса-ю, зора шу ўғил иккимизни бўлса, Ҳамида...

— Мен Аграда оқ филни туш қўрган эдим. Энди билсам... бу сиз экансиз!

Ҳамида бону туши ўнгидан келгани учун ўзини баҳтиёр сезмокда эди. Ундаги баҳт туйгуси Ҳумоюнга ҳам ўтиб, уни алланечук кўтариб юборди, яна шеър айтигиси келиб:

— Ҳамида, — деди, — шеърдагидай «сен» деб сўзласам майлими?

— Бажонидил!

— Бевафо чархнинг дастидан хонумонлар вайрон бўлди. Сарою қасрларда дилим бунчалик шод бўлмаган эди, Ҳамида! Яхши кўрган ёрининг васлига етган дил кувинда, чайлада яшаганда хам шоҳона саройларда яшагандагидан хуррамроқ бўла олар экан. Сенинг бокира гунанг очишлиши билан менинг жону жаҳоним янгиланиб кетди¹.

— Бунинг учун мен тангрига шукроналар айтурмен!
Хумоюн кўтаринки шеърий оҳангда давом этди:

— Тангрим сенга икки нарсани ато килганки, иккови хам ноёб. Бирни — шундай суратинг борки, сени севган одам ўзини баҳтли сезгай. Яна бирни — шундай сийратинг борки, муҳаббатинг ўзингга хам баҳт келтиргай. Мен бу икки нарсани ҳанузгача бир жойдан топа олмай юрган эдим.

— Нечун? Бу икки нарса ўзингизда хам бор-ку!
Ҳамидинг жўнгина килиб айтган бу мактоби Хумоюнга шундай завқ бердики, у кизни кучиб, дуч келган жойидан — нозик бўйнидан, кулган лабларидан, хатто сирға тақилган қулоғидан хам ўпа бошлади...

* * *

Чодир ичидағи бу маъсүд дамлар узок давом этмади. Орадан уч кун ўтгач, ташки оламнинг алгов-далғовлари Хумоюни яна куролланиб отганишга ва ёвга карши кўшини тортишга мажбур килди. Бу галги хавф орка томондан — шу вактгача унга тобе Бҳаккардан чиққан эди. Хумоюн Потхурга кетаётib, Бҳаккар қалъасига мирзо Ёдгор Носир деган кариндошини беш юз навкар билан кўрикчи килиб келган эди. Сўнгги кунларда Ёдгор Носирни шоҳ Ҳусайн аргун ўз томонига оғдириш ва Хумоюнга карши кўзгатиш харакатида эканини хуфиялар маълум килди. Хумоюн икки минг аскар билан дарҳол Потхурдан Бҳаккарга йўл олди.

¹ Хумоюн бу гапларини форсий тилда газал шаклида ёзган. Унинг туркӣ шеърлари ҳали топилганича йўқ. Патнада сакланниб қўшсан форсий девонида қўйидаги сатрлар бор:

Ҳар жоқи асоси хонаи мо бунёд аст
Аз гардиши ҷарҳи бебако барбод аст.
Аз хонаву манзил дилу қасиҳот нашуд
Хуррамни дил онки бо ингоре шод аст.
Шукр оллоҳки тоза шуд жонам
То шукуфта аст гунаин тари ту.

Аммо у етиб боргунча Ёдгор Носир шоҳ Ҳусайнга қалъя дарвозаларини очиб бериди. Дарё ичидағи қалъанинг йўлини ва кўпrik атрофларини шоҳ Ҳусайннинг уч мингдан ортиқ қўшини химоя қилиб турибди. Шоҳ Ҳусайн мурчал² устига ўз одамини чиқартириб, қаттиқ-қаттиқ гапиртириди:

— Мирзо Ҳумоюн, бехуда қон тўқилмасин десантиз, Синд вилоятидан яхшиликча чиқиб кетинг! Шоҳ Ҳусайн жаноблари сизга беш кун мухлат бердилар. Шу кунлар ичида туз ҳакини саклайдирлар². Сиз ҳужум қилмасангиз сизга тегмайдирлар. Аммо қилич яланғочласангиз оқибати учун ўзингиз жавобгар бўлурсиз!

Дарё томондан эсиб турган шабада мурчал устидан айтилган бу таҳдили сўзларни Ҳумоюннинг қулоғига баралла етказди. У ўз ёнидаги жанговар амири Турдибекка савол назари билан қаради.

— Ҳиндол мирзо кетиб қолмаганда бу гапларга кулоқ солмай ҳамма килардик,— деди Турдибек.— Лекин хозир одамимиз оз.

Ҳумоюн иниси Ҳиндолни оғир бир хўрсиниши билан эслади. У Ҳамида бонуни никоҳига олгандан кейин иниси билан икковининг орасига яна совукчилик тушди. Ҳиндол Корачахон деган амири билан Қандаҳорга кетаман деб туриб олгач, Ҳумоюн ноилож розилик берди. Иниси мингга яқин беку навкарини ўзи билан олиб кетаётганда Ҳумоюннинг одамларидан хам анчаси унга эргашди. Чунки етти ойдан бери саргардан бўлиб кувгинда юриш уларнинг жонига теккан, Синда кимматчилик бошланган, дон тошиш кийин, навкарлар Ҳумоюн берган мәош билан тириклик тебратолмай колган эди. Қандаҳор томонларда дондун арzon деб эшитган беку навкарлардан минга якини Ҳиндол мирзо билан кетди.

Ҳумоюннинг кўшини бир неча кун ичида икки баробар камайиб кетганини шоҳ Ҳусайн аргун билар, шу важдан хам ошкора таҳлид қилмоқда эди. Ҳумоюн:

— Энди бу итнинг оғзидан суяқ олиб бўлмас,— деди-ю,
Бҳаккардан умидини узиб, яна Потхурга қайтди.

Кечқурун беклар билан машварат килди-ю, беш кунлик йўл бўлган Жоудҳурга рожа Мал Деванинг хузурига Отакахон деган бекни кимматбахо совғалар билан элчи килиб юборди. Ҳумоюн рожа Мал Девага ёзган мактубида Шершоҳга қарши иттифок тузишни таклиф килган ва

¹ Мурчал — қалъя ташкарисидаги кўтарма, тепалик.

² Туз ҳакини саклаш — илгари Ҳумоюн хизматида бўлгани ва унинг хонадонидан туз ичгани назарда тутилади.

муваққат қароргохи учун Жайсимири ёки Биканир деган кальялардан бирини сүргаган эди. Элчи Ражастхон саҳро сидан ўтиб, Жоудхпурга бориб келгунча ўн кун ўтди. Бу орада Хумоюн ўз қароргохини Потхурдан Жайсимири томонга кўчирган эди. Рожа Мал Дева Хумоюннинг таклифини қабул килган, унга Биканир қальясини бермокчи бўлган, мақсадининг жиддийлигини исбот қилиш учун Отақаонга ўз одамини қўшиб, бир тую зўрга кўтарадиган ашрафий¹ танглалар ва лаъл билан зийнатланган совут пешкаш килган эди.

Хумоюн Тар саҳроси орқали Мал Дева ваъда килган Биканир томонга йўл олди.

Бу орада жавзо ойи кирган, хинд иссиқлари устига саҳро жазирамаси қўшилиб, йўл юришни кийинлаштираш эди. Ҳамида бону оёғи кумга ботиб кийналиб бораётган отда гоҳо боши айланганини сезиб, эгарни маҳкам ушлаб оларди. Кўнгли нукул аччик анорга суст кетарди. Хумоюн буни ундан кечаси чодирда ёнма-ён ётганда эшилди-ю, «бошкоронги бўлмаганмикин?» деб ўйлади.

Интихосиз қумтепалар орасида аччик анор топиш осонми? Лекин Хумоюн Қандахордан келаётган тую карвонларига одам юбориб йигирма дона ширин-туруш анор топтириди. Ҳамида уч-тўрт кун шу анорларнинг шарбатидан ичгач, бош айланишлари колди. Илгариги чавандозликлари кайтиб келиб, отда бемалол юрадиган бўлди.

Хиндистон ўзи иссиқ мамлакат, Тар саҳроси эса шу мамлакатнинг энг иссиқ жойи ҳисобланади.

Жавзо ойида Агра томонларда ёмғир фасли бошланган бўлса ҳам, Тар саҳросида осмон очик, ҳаммаёқ куйиб ётибди. Қумтепаларнинг терскай томонида саксовул ва янтоқдан ташқари хиндлар жаҳону деб атайдиган юлгунсимон ўсимлик, пхоч номли буталар тўп-тўп бўлиб, ерга қапишиб ўсади. Улар Биканирга етмасларидан энг иссиқ саратон ойи ҳам кирди.

Хумоюн ҳомиласи бор Ҳамида бонудан хавотирларар, подшога соябон тутиб юриши керак бўлган Беҳбуд чўпдорни ҳам бегимга соябон тутиш учун ажратган эди. Надим кўканинг хотини Моҳим биби, Шамсиддин кўрчининг хотини Жажжи биби ва яна канча аёллар ҳам ҳомиладор эдилар. Хумоюн саҳрова танқис бўлган сувни ҳам, егуликларни ҳам биринчи навбатда бўлажак оналарга беришини бўюрган, йўлда уларга ҳамма керакли хизмат-

ларни қилиб, асраб-авайлаб бориш Хўжа Муаззам бошлиқ юзта энг содик одамларга топширилган эди. Лекин улар ҳам нафасни қайтарадиган кум бўронларида, одамни жизгинак қилиб кўйдирадиган саҳро офтоби остида бечора аёлларга қандай ёрдам беришларини билмас эдилар. Бирдан-бир умидлари — тезрок рожа Мал Дева ваъда килган Биканирга етиб бориш ва унинг соя-салқин дараҳтзорларида жон саклаш эди. Тоқатлари ток бўлиб «эртага Биканирга етгаймиз» деб бораётган пайтларида Жаудхпур шаҳри томондан тую мингдан салобатли бир мўйсафид чиқиб, келди ва Хумоюнга зарур гапи борлигини айтди. Турдибек уни Хумоюннинг қаршисига олиб келган эди, мўйсафид туясини чўқкалатиб ерга тушди-да, отлиқ турган Хумоюнга таъзим қилиб якин келди. Паст товуш билан:

— Ҳазратим, холи қилинг, зарур гапим бор,— деди.— Мен шайх Асадуллемен, мухлисингиз мулла Сурх мени хузурингизга юборди. Ҳаётингиз хавф остида! Тезрок чора кўрмок керак!

Хумоюн атрофидагиларга «кетаверинглар» ишорасини килди-да, қумтепа ортида Асадулло билан ёғлиз қолди. Шунда мўйсафид қўйнидан битта хат олиб унга берди:

— Мулла Сурх китобдордан.

«Ҳазратим, Сиздан кўрган яхшиликларим ҳакки рожа Мал Деванинг асл ниятини ошкор қилмоқчимен. Мен ҳозир унинг саройида хизматдамен, Шершоҳдан Мал Девага маҳфий мактуб келганидан аниқ ҳабарим бор. Рожа Мал Дева Шершоҳ билан ёвлашишни истамайдир, бир иш қилиб, унинг кўнглини олиш ва ўз ҳокимиятини сақлаб қолиш ҳаракатида. Шершоҳ Мал Девага одам юбориб: «Агар Хумоюнни тутиб берсангиз, кўнглингиздаги инни қиласай, Алварни ҳам, Наирни ҳам ихтиёргизга берай», деб шарт кўйган. Мал Дева бу шартни қабул килган. Сиз билан иттифоқ тузгани макру ҳийла, холос. Зинхор Мал Деванинг вилоятига кадам босманг. Агар у сизга йўл кўрсатувчилар юборган бўлса, тафтиш қилиб кўринг. Сизни тутиб келтириш учун маҳфий одамлар тайинлаганидан ҳабардормен.

Сизга эътиқодим зўрлигидан бу мактубни ёздим, аммо нечоғлик хатарли ишга жазм килганим ўзингизга маълумдир, шу боис бу мактубни шайх Асадуллога қайтаринг, токи ёндириб ташласин.

Мухлисингиз мулла Сурх».

Хумоюн хурсоңлик тожиклардан бўлган мулла Сурхни яхши биларди. Онаси Моҳим бегимга унинг қариндошлиги бор эди. Накд ўлимдан куткарган садоқатли мулла Сурхга

¹ Ашрафий — олтин пул.

дил-дилидан миннатдорчилик сезди. Лекин энди қаёкка борсин?

Шайх Асадулло таъзим билан хатни қайтариб олдида, кўйнидан чақмок, пилта чикарди. Иссик қумтепа олдида пилта тез ёнди. Ҳумоюн ёниб кул бўлаётган мактуб билан бирга рожа Мал Девага бўлган ишончидан ва соясалкин жойларга етиш умидидан хам ажралди.

— Бизга килган яхшилигингиз худодан қайтсин, жабоб Асадулло, энди шу хизматни охирига етказинг. Рожа Мал Дева бизга роҳбин¹ қилиб юборган жосусларни тутишга ёрдам беринг.

— Аммо улар мени кўрмаслиги керак.

— Бўлмаса номларини айтинг.

— Бири Жобир. Иккинчиси рожпутлардан. Оти эсим-да йўқ.

Шайх Асадулло чўк тушиб турган туясига минди-ю, уни ўрнидан турғазди:

— Хайр, ҳазратим, худо хофиз! — деганича келган томонига қайтиб кетди.

Ҳумоюн отини кистаб ҳайдаб Турдибекка етиб олди, уни четга чакириб, воеани секин айтиб бўрди. Турдибекнинг ранг-кути ўчди-ю:

— Мал Дева юборган роҳбинларни ҳозироқ туттиргаймен! — деди ва олдинга қараб от чоптириб кетди.

Аёллар ва уларни кўриклаб юрган навкарлар орқароқда эди. Турдибек иккита роҳбинни тўртта навкарга туттириб Ҳумоюннинг олдига олиб келгунча Ҳамида бону ва унинг ёнидаги отлик аёллар хам яқинлашиб қолишиди. Ҳумоюн отда туриб роҳбинларни сўроқ қилаётганда Жобир дегани ўзининг жосуслиги фош бўлганини, ўлимга хукм қилиниши аниқлигини сезди шекишли, икки кўлидан бепарвороқ ушлаб турган навкарларни итариб ташлади-да, улардан бирининг қиличини шарт суғурди. Иккинчи жосус ҳам тў-полондан фойдаланиб, кўриқчилардан бирининг ҳанжарини кинидан тортиб олишга улгурди. Буни ҳеч ким кутмаган эди. Эсанкираб колган қўриқчилар то ҳушларини йигиштиргунча қилич тутган жосус Ҳумоюнга ҳамла қилди. От чўчиб ўзини орқага ташлади, сермалган қилич эгарда ўтирган Ҳумоюнга тегмай, отнинг бошига қарсиллаб урилди. Бу орада Ҳумоюн ҳам қиличини суғурди, от гандираклаб кетди, бошидан қон оқса ҳам, тўрт оёгини тўрт томонга тираб, яна бир лаҳза йикilmай турди. Жосус Ҳумоюнга

ташланиб, иккинчи марта пастдан юқорига қилич кўтаргунча Ҳумоюн қисқа бир ҳаракат билан унинг билагига баланддан туриб тиф урди. Бир-бирига қараб ҳаракатланган ҳар икки кўлнинг зарбаси бир жойга тушди-ю, жосуснинг билаги панжасига яқин жойидан қиличга урилди ва шартта кесилиб қумга тушди. Қилич бир ёққа отилди, кесик панжа қумда тўнкарилиб ётганда бармоқлар чайённинг оёкларидаи кимирилай бошлади. От йиқилаётганда Ҳумоюн оёкларини узангидан чикариб эгардан қумга сакради. Бу орада иккинчи жосус сокчилардан бирини ҳанжар билан уриб ярадор килган, лекин Турдибек унинг ўзига қилич уриб, бошини танасидан узиб ташлаган эди. Панжаси киркилган биринчи жосус оғриқдан ҳушини йўқотган пайтда навкарлар унга устма-уст қилич уриб, танасини бурда-бурда килишиди.

Бу қонли воқеанинг гувоҳи бўлган аёллардан бири қўркиб чинкирди. Ҳамида бону Ҳумоюннинг бир ўзимдан колганини, унинг кўлидаги қиличи конга бўялганини кўриди-ю, кўзларида даҳшат қотиб колгацдай анча вакт карахт бўлиб турди.

Ҳумоюнга бошка от келтиридилар, у эгарга минди-да, Турдибекка буюрди:

— Одамларни орқага қайтaring! Мал Дева мулкига энди ҳеч ким қадам босмасин!

Куни бўйи иссик сахрода йўл юриб ҳолдаи тойган одамлар энди манзилга етайдеганда яна орқага қайтишга мажбур бўлдилар. Намозшом пайтида орқада келаётган коровуллардан бири отини йўрттириб Ҳумоюнга етиб олди:

— Ҳазратим, беш-олти юз олтиқ аскар бизни таъкиб қилиб келмоқда!

— Мал Деванинг илғори бўлсами? — Тахлика ичида сўради Турдибек.

— Бу сахрода бошка ким бизни таъкиб этиши мумкин? — деди Ҳумоюн. — Ҳўжа Муаззам, Шамсиддинбек, сизлар аёллару болалар билан олдинга ўтинглар. Турдибек, Надимбек, Равшанбек, сизлар беш юз навкар билан ёгий кўринган томонда ҳимояда бўлинг. Мен ўртада ҳар икки томондан боҳабар бўлиб борурмен. Йўлда давом этгаймиз.

— Қайга борурмиз, ҳазратим? Қоронғида йўл кўринмаса! Роҳбинимиз бўлмаса!

— Осмонда юлдузлар бор-ку. Ана, Олтин Қозик. Биз жанубуга йўл олфаймиз. Умаркутга!

¹ Роҳбин — йўл кўрсатувчи, йўлни яхши биладиган одам.

Орқада беш юз навкар девордай саф бўлиб ҳимояда келмоқда эди. Қоронғида уларни таъқиб эттаётгандарга Ҳумоюн аскарлари жуда кўп кўринди шекилли, хужум килишга журъат этишмади. Тун яримлаганда таъқиб этувчиарнинг қораси кўринмай ҳам қолди. Саҳарга яқин тўхтаб, бир неча соат дам олдилар-да, Умарқут йўлини излай бошладилар.

Умарқут рожаси Вирсал Прасад Ҳумоюнни уч ой олдин ўз мулкига таклиф қилган. Лекин йўли узоклиги учун Ҳумоюн у ёқларга бормаган эди. Мана энди иссиқлар авжига чиккан саратон ойида Тар саҳросини бошдан-оёқ кесиб ўтиб, Умарқутга боришга мажбур. Саҳрода туялар ва ҳачирлар чидамлироқ, аммо отлар ва пиёда бораётган одамларнинг анчаси жизганак күмтепалар орасида иккilib ҳалок бўлди. Йўлларда учраган баъзи қудукларнинг суви қуриб қолган, бошқа сувли қудукларга етиб боргунларича икки-уч кунлаб йўл юришар эди.

Ҳумоюн ўзи ташна қолганда ҳам Ҳамида ва унинг ёнида бораётган учта ҳомиладор аёл учун охирги мешда маҳсус сув сақлатди. Оғироёқ аёллар отда қийналиб кетганда уларни ёввошроқ туялар устига ўрнатилган соябонли қажаваларга ўтқазиб олиб боришиди. Одамлар жуда ҳолдан кетган пайтларда сувли қудуклар, сердараҳт воҳалар учраб қолар, Ҳумоюн чодир тикдириб, ҳаммага икки-уч кун дам бердирап эди. Унинг энг кўп хавотири — Ҳамида бонунинг бемаврид туғиб қўйишидан эди. Ҳисоблари бўйича, бола мезон ойида туғилиши керак. Орада асад, сумбула бор. Лекин икки ой саҳрода тортилган азоблар болани не қўйларга согганин? Соғлом туғилса дуруст-а!

Умарқутга уч кунлик йўл қолганда Ҳумоюн Турдибекни рожа Вирсал Прасадга элчи қилиб юборди. Ҳали бу одам ҳам Мал Девага ўхшаб айниб қолмаган бўлсин!

УМАРҚУТ, ҚАНДАХОР, АКБАР ВА ЕТТИ ОНА

Майдалаб ёғаётган илик ёмғир саҳро иссиқларида қақраб кетган танларга роҳат берарди. Агра ва Гужарат тоғонларда ҳафталаҳ тинмайдиган ёмғирларнинг бир чети яшил воҳага жойлашган Умарқутга ҳам етиб келмоқда эди. Фарбдаги Араб денгизи унча узоқ эмас, жанубдаги

Аравалли тоғларидан оқиб келадиган сойлар Умарқут атрофларида тиниқ кўллар пайдо қилган. Уларда ўсган сеянтранг нилуфларни жимир-жимир тўлқинлар майин тебратиб турибди. Шаҳарнинг хурмозорлари, зайдуизорлари, кадхил деб аталадиган нон дарахтлари ёмғир сувига қониб яшнаб кетган.

Умарқут рожаси Вирсал Прасадга Ҳумоюндай иттифоқдош жуда керак эди. Синд ҳокими шоҳ Ҳусайн аргун Прасаднинг кекса отасини ўлдирган, Жун дарёси бўйидағи ерларидан анчасини тортиб олган эди. Ҳумоюнни ҳам Бҳаккардан кувган шоҳ Ҳусайн ҳозир уларнинг умумий душманига айланган эди. Шунинг учун Вирсал Прасад Ҳумоюнни илик қарши олди, Умарқут қалъаси ичидаги катта бир боғни икки қаватлик жимжимадор кўшки билан Ҳумоюн ва Ҳамида бонунинг ихтиёрига берди.

Боғда анбули деган хинҷа хурмоси, баланд серсоя махвалар, меваси шафтоли билан норинжнинг таъминни эслатадиган манго дарахти, хиди одамга ғалати тетиклик берадиган жосун ва канир гуллари ораста қилиб ўстирилган эди.

Боғ эгаси Вирсал Прасад қирк ўшларга кирган, копкора мўйловини узун қилиб, ёнокларига бураб ўстирган, елкаси кенг, бўйдор киши эди. Овози ҳам йўғон, кучли, фақат таажжуబки, шундай полвонтахлит эрқак бўйнига йирик-йирик марварид доналаридан узун маржон таъқиб олган, кулогида ҳам олмос сирга йилтиради. Бу ерларда ҳукмдор эрқакларнинг кимматбаҳо тақинчоқлар тақиши жоиз эканини Ҳумоюн биларди. У Рана Вирсалга олтин, дур ва лаъл билан зийнатланган ҳанжарни камари билан тақдим қилди. Совгадан мамнун бўлган Вирсал:

— Бу ерда сиз ҳеч нарсадан хавотир олманг, — деди. — Шерхон уч юз мил нарида. Орада Ажмир, Мевор, Жаудхир бор. Аммо рожа Мал Дева аҳмоклик қилибди, Шерхонга ён босиб, сизни унга тутиб бермокчи бўлибди. Шерхон ҳали унинг ўзини туттириб бошини кесдиргай.

— Шерхон Райзин¹ қалъасини ҳам олган эмишми, маҳарожа?²

— Ололмас эди. Қалъа ҳокими Пуран Мал тўрт ойгача Шерхонга дарвозани очдирмаган. Агар Пуран Мални алдашмаса, Райзин ҳали таслим бўлмас эли. Ахир Гвалиор қалъасини Шерхон икки йил деганда зўрга олди-ку!

¹ Райзин — Дехлидан 350 милча жанубдаги Малва вилоятига қарашли қалъа.

² Маҳарожа — улуг рожа дегани.

— Пуран Мални ким алдабди?

— Шерхон сиз билан ёлгон сұлқұ тузган каби Пуран Малға ҳам әлчи юбориб, ярашишни таклиф қилибди. «Райзин қалъасини топширсанг, сенға Ганга бўйидаги Банорасни бергаймен, моли жонинг омон бўлур», деб авраб, ахийири ишонтирибди. Бечора Пуран Мал қалъани унга топшириб, хайлхонаси билан ташқарига чиққанди Шерхоннинг одамлари ваъдани бузиб хужум қилибди. Пуран Малнинг ўзини ўлдирибди, аёлларини асир қилиб, молмулкини талаб кетибди.

— Дунё ғалати экан-да! — деди Хумоюн оғир тин олиб.— Ёмонлик қайтгай, дейишади. Лекин баъзи одамлар ёмонлик қилғанлари сари ишлари тараққий топгай. Шерхон ҳам ёмонлик ёқадиган тоифадан эканми? Роҳтас қалъасини ҳам Кришна Ройнинг яхшилигига ёмонлик қилиб эгаллаган эди. Хийлаю найранг ишлатган сари кудрати ошиб бормоқда.

— Э, ҳазрати олийлари, макру ҳийлага асосланган кудрат узок умр кўрмагай.

— Ким билсин, маҳарожа? Шерхоннинг ислохотларидан раият маминун эмиш. Унииг аклига, тадбиркорлигига тан берганлар кўп. Канауждаги жангда Шерхоннинг ҳарбий жиҳатдан устун келганига мен ҳам тан бердим.

Рана Вирсал Хумоюннинг бу аччиқ ҳакиқатни қийналиб айтганини сезди-ю, унга тасалли бергиси келди.

— Шерхоннинг ҳарбий устунлиги ҳозир яна ҳам ўсган. Лекин ҳарбий устунлик — пулга ёлланадиган қўшин селдай тез кўпайиб, яна селдай тез тугаши мумкин. Маънавий устунлик — ҳар қандай шароитда ҳам мард, танти, инсофли бўла олиш қобилияти. Бу устунлик дарё суви каби булоқлардан, кор сувларидан, ирмоклардан йигилиб кўпайди. Ишонаменки, Шерхондаги селдай мувакқат устунликдан кўра, сиздаги маънавий устунлик дарёдай узок умр кўргусидир.

Рана Вирсал форс тилини яхши билар, лекин Хумоюн унинг хурмати учун кўпроқ ҳиндича тилда гаплашар ва мезбоннинг яхшиликларини қандай қилиб қайтаришни ўйлар эди.

Умарқутнинг жанубида Гужарат, шимолида Синд ва шимол-шарқда Ражастхон жойлашган. Атрофдаги бу вилоятларнинг ҳаммасига нисбатан бир неча баробар кичик бўлган Умарқут — ўзича бир мустақил давлат, қўшини ҳам ўзига яраша оз. Шоҳ Ҳусайн аргун Жун дарёси бўйидаги Умарқутга қарашли жойларни босиб олиб, ўз мулкига айлантирганига бир йил бўлди. Аммо босиб олин-

ган қишлоқлардаги ражпутлар шоҳ Ҳусайн кўйиб кетган золим амалдорлардан безор бўлган, Рана Вирсалга вакиллар юбориб, Умарқутга кайтадан қўшилиш истагини билдиришмөкда. Рананинг ўзи ҳам отамерос ерларни босқинчилардан озод қилиш ниятида икки мингдан ортиқ қўшин тўплаган.

Хумоюн Рана Вирсалнинг шоҳ Ҳусайнга қарши юриш қилиш нияти борлигини эшитди-ю, «биз ҳам ёрдамга борсакмикан?» деб беклари билан маслаҳат қилди.

Бирок Хумоюннинг мингга яқин навкарлари саҳродан ўтиб келгунча жуда аброр бўлган, кўпларининг от-улови йўқ, кийимлари тўзиган. Умарқутда егулик нарсалар арzon, бир рупийга иккита қўй берар, аммо улов қиммат, яхши отни юз рупийга ҳам олиш қийин. Хумоюн хазинасида қолган олтинларини чамалаб кўрса, муҳтоҷ навкарларга от олиб бериш ва маош тўлашга етмайди. Хуфиялар унга Турдивекда икки сандиқ олтин борлигини айтишди. «Сизнинг хизматингизда юриб шунча бойлик ортирган, сиз унинг олтинини мусодара қилиб, навкарларга улашишга ҳақлисиз», деганлар ҳам бўлди.

Лекин Хумоюн ўн беш йилдан бери ўз хизматида юрган Турдивек Туркистонийга ёмонлик қилишни истамас эди. Турдивек дағалроқ ва мумсикроқ бўлса ҳам, шунча йилдан бери садоқат сақлаб келар, Тар саҳросидан ўтиш азобини ҳам бирга кечирган эди. Шунинг учун Хумоюн уни хиргоҳга чақириб икки юз минг рупий олтин қарз сўради.

Турдивек тезда жавоб бермай, ажин тушган пешонасини ишқади, сийраккина чўққи соқолини эзғилади.

— Ҳазратим, ахир ҳазинангиз бор-ку.

— Ҳазинага кон битсинми, бек. Аградан чиққанимиздан берли даромад йўқ. Нукул сарфладик. Навкарларга дурустроқ маош тўлашим керак. От қиммат. Яхши кунлар келса қарзингизни ортиғи билан қайтаргаймен.

— Ортиғи билан? Яъни, қанча ортиғи билан қайтарурсиз?

Хумоюн Турдивекни ҳазил қиляпти деб, кўзларига қаради. Йўқ, бекнинг қалин қовоклари орасидан қараб турган қўнғиртоб кўзлари ҳам, сийрак мўйлови тагида қимтилиб турган лаби ҳам жиддий эди.

— Хўп, ўзингиз қанча ортиғи билан олишга розисиз?
— Ўнга ўн икки.

Хумоюн икки юз минг рупийни икки юзу қирқ минг қилиб қайтаришини ўйлаганда судхўрлар эсига тушди.

Лекин ҳали у бунча пулни қайтарадиган бўлгунча бир йил ўтадими, беш йилми — ким билади? Турдибек ҳам ана шунни ўйлаб баланд нарх қўйган эди.

— Начора? Майли, насиб қиласа ўнни ўн икки қилиб қайтаргаймен...

Шу тарзда қарз олинган пулнинг юз минги Ҳумоюн билан саҳро азобини бошдан кечирган барча одамларга маош тарзида улашилди. Ўзларига от ва ҳарбий анжомлар олган беку навкарлар хотинлари ва қизларига такинчоклар ҳам совға қилишди. Чунки Умаркутга Араб денигизи яқин бўлгани учун унинг бозорларида денгиздан олинган дурлар, садафлар ва маржонлар жуда арzon эди.

Мезон киргач, ёз иссиқлари тугаб, ҳаво ҳам жуда латиф бўлиб қолди. Одамлар дамини олгач, Ҳумоюн Рана Вирсал билан учрашиб:

— Ота ерларингизни қайтиб олишингизда биз сизга ёрдам бермоқчимиз,— деди.— Барча беку навкарларимиз сизнинг қўшинингиз билан бирга юриш қилишга тайёр.

Рана Вирсал Ҳамида бонунинг оғироёқ эканини билар, хотинидан «мәҳмон бегимнинг ой-куни яқин эмиш», деб эшитгани эди. Шунинг учун Вирсал Ҳумоюннинг гапидан хиёл таажжубга тўшиб:

— Бегимни... қолдириб кетгаймисиз? — деди.

— Ҳа, юзга яқин одам бегимнинг хизматида бўлгай маҳарожа, биз сизнинг оиласигизга худди ўз оиласигизга ишонсан каби ишонурмиз.

Бу гапдан таъсирланган Рана Вирсал:

— Үндоқ бўлса, мен ҳам сизга ўз қўшинимни ишониб топширгаймен. Менинг икки минг раЖпут йигитларимга иним Судхир Прасад бошлиқ. Сиз эса ҳам ўз аскарингизга, ҳам бизнинг қўшинга бош саркарда бўлинг.

— Ишончингиздан миннатдормен, маҳарожа!

Шу карор бўйича ҳарбий юришга жўнашдан олдин Ҳумоюн Ҳамида бону билан боғда хайрлашди. Бодом гуларини эслатадиган беш барглик хушбўй канир гуллари ёнида Ҳамида маъюсланиб қўзига ёш олди:

— Оғир пайтда мени ташлаб кетмоқдасиз...

— Мен ота-боболаримиздан қолган удумга биноан кетмоқдамен, Ҳамида! Эсингизда бордир, туркий улусда онанинг ой-куни яқинлашса ота бирон ёққа ирим қилиб кетмоғи керак. То чақалоқнинг чилласи чиқмагунча мен узоқроқда юрсам сизга ҳам, болага ҳам яхшилик тилаган бўлур эканмен.

— Бу удумни мен ҳам тан олурмен. Лекин яна уруш хавфи...

— Уруш эмас.. Рана Вирсалнинг ота ерларидан босқинчиларни қувмоқчимиз, холос. Ора узок эмас, чопар бир кунда боргай.

— Бўлмаса хабар юбориб туринг.

— Хўп. Сиздан ҳам хушхабар кутгаймен!..

Ҳумоюн ваъдасига амал қилиб, уч кун ўтгач, Турдибекни Умаркутга юборди. У келтирган хабарга биноан, Ҳумоюн билан Рана Вирсалнинг бирлашган қўшини шоҳ Ҳусайн аргуннинг Жун дарёси бўйидаги қўшинини енгиг, етмиш мил нарига улоқтириб ташлабди. Ўзлаб кишлоклар истилочилар зулмидан кутулиб, яна Умаркутга қайта қўшилиди.

Бу хушхабар бутун шаҳарда катта шодиёнага сабаб бўлди. Рана Вирсал гулшодалар билан безатилган филга миниб Ҳумоюнга миннатдорчилик айтиш учун Жун дарёси бўйинга кетди. Унинг хотини Умаркутдаги бевабечораларга хайру эҳсон улашиди. Шаҳарнинг барча ибодатхоналарида баражманлар улуғ яздон Шива ва ражпупларга ҳомий маъбуда Кали ҳайкаллари пойида садақалар қилишди, муқаддас гурунчга сарёф қўшиб тайёрланган таомларни, ширинликларни қавмларга едиришиди.

Мана шундай шодиёналар давом этаётган куни пешинда Ҳамида бонуни тўлғоқ тута бошлади. Ҳумоюн унинг ихтиёрига ташлаб кетган одамлар орасида тажрибали доя хотин ҳам бор. Бу озода, эпчил, ўрта яшар аёл Моҳим бининг ўтган ойда туғилган ва Адҳам деб от қўйилган ўғлига, Жажжи бибининг Азиз деб аталган ўғлига доялик килган, ҳамма уни «қўли енгил» деб мақтар эди.

Лекин Ҳамида бонуга келганда бу доянинг эпчиллиги иш бермай қўйди. Ҳамида бону беш соат қийналди. Сабабини кейин билишса, бола фавқулодда йирик экан. Доя эса бошқа ёмон хаёлларга бориб ваҳимага тушди. Ҳамида бону зўриқиб қўзлари хонасидан отилиб чиққудай бўлар, «ёрдам беринглар», деб зорланар эди...

Кечи кириб, коронги тушди. Сокин осмонда тўлин ой кўринди. Ҳамида бону эса ҳамон қийнокда. Маслаҳат сўрайлик дейишса, Ҳумоюн йўқ. Ҳамиданинг онаси ёрдам сўраб Рана Вирсалнинг хотинига борди. Ўттиз ёшлардаги бу гўзал аёлнинг ўзи ҳам тўлғоқ азобини бошдан кечирган, эмизикли қиззаси энди икки ойлик бўлган эди. У ўзига доялик қилган эллик яшар чаккон бир аёлни чақиртириди-ю, Ҳамида бонунинг онасига қўшиб юборди.

Ташқарида изтироб чекиб ўлтирган Хўжа Муаззам:

— Мусулмон подшосининг фарзандига гайридин доялик қиласа гап-сўз бўлгай! — деб аввал бу дояни ичкарига киргизмади.

— Буларни ҳам худо биздек инсон қилиб яратган! — деди қизнинг отаси Мирбобо Дўст.— Ҳозир дину миллат айрадиган пайт эмас, Ҳамида билан боланинг ҳаёти хавф остида.

Шу пайт ичкаридан муслима доя саросима бўлиб чиқди.

— Бўлмаяпти, айланай хўжам! Чаппа келмасин деб кўрккамен!

Шундан кейин Ҳўжа Муаззам ҳам ён берди-ю, хинд доясига:

— Марҳамат, тезрок киринг! — деди.

Ювениб, тоза кийиниб келган хинд аёли Ҳамида бонуга ўнг томондан яқинлашди-да, ўз тилида қандайдир дуони пичирлаб ўқиди. Унинг озғин қорамтири кўлларида бирон сехри бор эканми, беш-олти дақиқа урингандан кейин тўсатдан чақалоқ ингаси эшитилди.

Ҳамида бонунинг юмуқ кўзлари чараклаб очилди. Назарида, шифт ва деворлар лопиллаб юриб кетаётгандай кўринди. Ўзининг танаси эса пардай енгил бўлиб колди. Бирок бош кўтариб болага қараашга мажоли йўқ. Ўғилми, қизми? Доялар шуни айтгунча ўтган бир лаҳза Ҳамида бонуга бениҳоя узок туюлди. Наҳот қиз бўлса? Шунинг учун айтгилари келмаяптими?

— Ўғи! — дея хитоб килди биринчи доя.— Муборак бўлсин, бегим! Польон ўғил туғдингиз! Нечун бу кадар кийин бўлди десам, жуда дўлвор экан!

— Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим! — деб биринчи доя боланинг киндигини кесди.

Иккинчи доя эса:

— Калимайики жай! — деб, чақалоқнинг кесилган киндиги учини яхшилаб туғиб кўйди.

Ҳамида бону гоҳ ўғилга интиқ Ҳумоюннинг чаппор уриб кувонишини кўз олдига келтирас, гоҳ Жамна устида Низомнинг қайигида қалқиб сузиб бораётган бўлар, унинг: «Муслиму хинди хаммаси бир инсон, факат баражману муллолар уларни бир-биридан айиурлар», деган сўзлари кулогига қайта эшитилиб кетар эди.

Инсон ҳаётининг энг масъулиятли дамларида кишилар ўзларининг дину миллатини ҳам унугиб, бир-бирларига одамийлик қўлини чўзишини Ҳамида бонуга ҳозиргина доялик килган икки аёлнинг иноклиги айтиб турарди.

Ҳамида сал ўзига келганда айвондан тўлинин ойнинг нури тушди. Сутдай ойдин кечада накоралар қувонч билан

така-тум килар, сурнай навоси янграп, Умаркут каъласидаги меҳмону мезбонлар янги туғилган бола шарафига хурсандчилик килишарди.

Турдибек Ҳумоюндан суюнчи олиш учун сахар палла отланиб, Жун дарёси томонга шошилди. Умаркутда эса икки кун давомида Ҳумоюннинг иомидан минглаб одамларга ош тортилди, ширинликлар улашилди. Учинчи куни Ҳумоюндан чопар келди. Чиллали аёл ва бола олдига фактат Моҳим биби билан Аминат кириб чиқишар эди. Ҳумоюннинг мактубини олиб кирган Моҳим биби суюншиб хабар берди:

— Исми Жалолиддин Акбар бўлсин, дебдиirlар! Сизга атаб шеър битибдиirlар! Чопар айтиб берди, қувонганиларидан барча навкарларга мушк улашибдиirlар.

— Мушк? — таажжубланиб сўради Ҳамида.

— Ха, ўша пайтда барча одамларга улашадиган бошқа мўлроқ нарсалари йўқ экан.

— Рост, ҳазиналари бўш, Турдибекдён карз олган эдилар...

Ҳамида бону ёстиққа ёнбошлаб, Ҳумоюннинг мактубини очди.

«Мен учун байрамлар байрами букун,
Ҳумоюн хуррамлар хуррами букун.

Дунёнинг барча давлату ҳазиналаридан ҳам аълорок ўғил инъом этган суюкли ёрим Ҳамида бону! Аввалги йилларда шунча давронлар суриб букунгидек суюнганимни билмаймен. Илоҳим Акбарнинг умри узок бўлсин, бекилган йўлларимиз бари очилсин, дилдаги орзулар истаганимиздан ҳам зиёда бўлиб рўёбга чиқсин!»

Ҳамида бону бу тилакка қўшилиб:

— Илоҳи омин! — деди-да, ўзига фотиҳа тортди, мактубни эса ўпиб, кўзларига сурди.

Ота-оналарини ва бошка ўнлаб одамларни шунчалик кувонтириб дунёга келган чақалоқнинг ўзи алланарсадан норозидек ғашлик қилиб кўп йиғларди. Ҳамида бону боласини бағрига олиб эмизгандан сўнг Акбар бир соат-ярим соат жим ётар, кейин яна инга-ингани бошлар эди. Она болага тирдикапалак бўлиб хизмат қиласидиган канизак Аминат, «йўргагида қаттиқ ботадиган нарса бормикан?» деб очиб кўрди. Йўргак жуда майин, беками кўст эди. Аминат Ҳамида бонуга қараб:

— Болангиз жуда гавдали, сутингиз етмаяптимикин? — деди.

¹ Маъбуда Калига шарафлар!

Шу гапнинг устига келиб қолган Моҳим биби:

— Менинг сутим кўп,— деди.— Ҳазрат бегим, агар рухсат берсангиз мен ўғлини эмизиб кўрай.

Ҳамида бону ўғил тукқандан бери гуё бирдан марта-баси ошган, энди унга «хазрат бегим» деб мурожаат қилувчилар кўпайган эди. Бу нарса Ҳамида бонунинг кулгисини келтириар, ҳозир ҳам у Моҳим бибига кулиб боқди-да:

— Рухсат эмас, илтимос сиздан, Моҳим! — деди.

Моҳим озодаликни яхши кўрар эди. Ўз хонасига чиқиб, сийнасини совунлаб ювди. Ҳамида бегим оқ кийиниб ётгани учун чақалоқ бошқа онадан бегонасираши мумкин эди. Шунинг учун Моҳим биби ҳам оқ шоҳи кўйлагини ўтлиғ¹ билан дазмоллаб кийди. Бошидаги рўмолини ҳам дазмолдан чиқариб ўради, оғзига ияги аралаш тоза оқ лачак тутди. Бу тайёр гардиклардан кейин гудак яна ингалаб йиғлай бошлаганда уни секин бағрига олиб сийнасини берди.

Ажабки, чақалоқ бегонасирамай Моҳимни узоқ эмди ва икки соатча миқ этмай тинч ётди. Унинг очиқиб йиғлагани, Ҳамида бону сахрода кўп қийналиб озиб қолгани учунми ё бошқа сабабданми, сути боласига озлик қилаётгани энди аниқ билинди.

Шу кундан бошлаб Моҳим биби «энага» деган унвон олди. Шахзодага энага бўлиш саройда жуда шарафли мартаба ҳисобланарди. Моҳимнинг бир ойлик чақалоги Адҳам бугундан бошлаб Акбарнинг кўкалдошига айланди. Бир онани эмган кўкалдошлар эса тутинган оға-ини сифатида goҳ умр бўйи подшо ва шахзодаларнинг яқин кишиларига айланадилар. Шунинг учун саройда Ҳамида бегимга синашта бўлган бошқа эмизикли оналардан яна нечаси Моҳим бибидек энага бўлиш истагини билдирилар. Булардан бири Шамсиддин Муҳаммад деган афғон йигитнинг хотини, яқинда ўғил тукқан Жажжи биби эди. Бу аёл номига яраша мўъжазгина, хушбичим, жажжи жувон эди, номини қисқартириб «Жижи» дейишарди.

Моҳим бибининг ўз чақалоги Адҳам ҳам хўра, икки болага сути етмайди, шунинг учун Ҳамида бегим ора-орада ўз ўғлини Жажжи бибининг эмизишига ҳам рухсат берди. У бош энага қилиб Моҳим бибини тайинлади. Аввалги озодалик удумига биноан, Моҳим энага Жажжи бибига ҳам худди ўзидек дазмолланган оқ шоҳи кўйлак кийдириб, оғзига оқ ипак лачак туттириди ёа боланинг олдига покиза қилиб киритди.

¹ Ўтлиғ — кейинчалик «утюг» бўлиб ўзгарган. Алишер Навоий асарларидаги ўтлиғ билан дазмол урилиши айтилган.

Чақалок бу онани ҳам бегонасирамай эмди. Унинг инга-ингаси янада камайиб кетди. Ўғлининг иштаҳаси ҳам полвоңларча эканини сезиб дадилланган Ҳамида бегим кунлар ўтиши билан яна янги энагалар топтириди. Булардан бири Нуриддинбек кўкалдошининг хотини Ҳакима, яна бири бадаҳшонлик тожик аёл Поянда биби бўлди. Моҳим биби буларнинг ҳар бирини оқ шоҳига кийинтириб, озода килиб гўдакнинг олдига олиб кирав, бола ғашлик қилмай уларни ҳам ўз онасидай эмар эди. Буни эшитган бувиси юмшоқ туморча ичига ёмон кўздан асрайдиган дуоларни ёздириб, кўзмунчоқ билан қўшиб тикди-да, Ҳамидага олиб кириб берди:

— Болангга тақиб кўй, ҳамма ёқасини ушлаб, ҳайрон бўлиб мақтайди, илоҳим кўз тегмасин! — деди.

Орадан йигирма кунча ўтди, энагалардан бири тумовлаб ётиб қолди, бирининг боласи иҷетар бўлди. Моҳим биби боласи ёки ўзи сал хасталанган энагани Акбарга яқин келтирмас эди. Яна энага керак бўлаётганини эшитган мезбонлар Рупарани деган эмизикли боласи бор ёшгина ҳинҷ жувонини Ҳамида бонунинг ҳузурига юбордилар.

Ҳумоюн аёллар ва болаларга Хўжа Муаззамни жавобгар эшик оға қилиб тайинлаб кетган эди. Хўжа ўзи Ҳамиданинг олдига киромаса ҳам Моҳим бибини воситачи қилиб бир талаҳ хавотирли гап айтди:

— Бегим охирини ўйласинлар, худо хоҳласа, Акбар улғайиб валиҳад бўлгай. Кейин руҳонийлар: «Мажусий онани эмған бола мусулмон подшосига валиҳад бўлолмай», деб монелик қилишлари мумкин. Ҳазратимдан беруҳсат ҳинҷлардан энага олманглар! Балога қолмайлик яна!

Бу гапларни Моҳим бибидан эшитган Ҳамида бону:

— Тоғамга чиқиб айтинг, мезбонларнинг даргоҳида еган нону тузларининг хурматини унутмасинлар,— деди. Шоҳ Ҳусайндек мусулмон амири бизни қувғин килганда Рана Вирсал жой берди. Рана дину миллат айирмади, биз нечун айрайлик? Ҳазратим энагалар ихтиёрини менга берганлар, «Акбар — бани башар фарзанди бўлсин», деб тилак билдирганлар. Хўжа тағойим бу ишга кўп аралашмасинлар, мезбонларнинг хотирига малол келадиган бирон гап айтмасинлар.

Хўжа Муаззам бу жавобларни Моҳимдан эшитгач:

— Начора, жиянимиз малика бўлгач, сўзларини рад килолмагаймиз,— деди.

Ўша куни кечқурун ҳинҷ жувони Рупарани энагалар-

нинг оқ шохи кийимини кийиб, бир ойлик Акбарни бағрига олганда Хўжа Муаззам ташки хонада чақалоқнинг чирқираб йиғлашини кутиб ўлтириди. «Бола зийрак бўлур, агар гайридинни эмгиси келмай йиғласа дарҳол ичкарига одам киритиб, гўдакни тортиб олдиргаймен», деган ўйда эди. Лекин истараси иссик Рупаранидан она сутининг ҳиди келиб турар, бола унга эликиб, йиғлаш ўрнига беихтиёр жилмайиб кўяр, чақалоқнинг тили ва тишсиз милки кўриниб кетгаида энага¹ ҳам ундан завқ олиб куларди.

Умарқутда оналар ва кўкалдошлар шундай тотув яшаётган фараҳли кунларда етмиш миң наридаги Жун дарёси бўйида Ҳумоюн билан шоҳ Ҳусайн аргун орасидаги қонли адоват кучайиб борар ва бунинг хабари Ҳамида бонуга келиб турар эди. Шоҳ Ҳусайн дарё бўйидаги мунозарали ерларни қайтариб олиш мақсадида шимолдан саккиз минг кишилик кўшин тортиб келган, Рана Вирсал буни эшишиб, Жун якинида яшайдиган ҳинд қабилалардан яна етти минг навкар ёллаган ва ҳаммасини Ҳумоюннинг ихтиёрига берган эди. Дарёнинг жануб кирғоғида — булар, нариги қирғоғида душманлар ҳал килувчи жанг учун қулай пайт пойлаб турар эди.

Ҳумоюн бу базиятда кўшинни ташлаб Умарқутга кела олмас, Ҳамида бонуни соғинганини, Акбар деб атаган ўғлини ҳалигача кўролмай доғда юрганини айтиб, юракни эзувчи хатлар ёзар эди.

Боланинг чилласи чиққач, Ҳамида Ҳумоюнга жавоб хати ёзди:

«Сиз келомасангиз ижозат беринг, ҳазратим, биз ўзимиз борайлик».

Орадан уч кун ўтгач, Шамсиддин кўрчибеги юзтacha навкар, бир неча юз оту туялар, соябон аравалар билан келди-да, Ҳамида бонуни ва Акбарни энагаю кўкалдошлари билан Умарқутдан кўчириб олиб кетди.

* * *

Жун дарёсидан сув ичадиган ерларда хурмозор ва мангозлардан ташкари пахта пайкаллари ҳам кўзга ташла-

¹ Ҳинд аёли Рупарани ва Акбарга энагалик килган бошқа оналарнинг номлари Абулфазлнинг «Акбарнома»сида келтирилган. Акбар улғайгандай ўз энагалари ва кўкалдошларига катта хурмат билан карагани кўпчилик тарихий манбаларда кайд этилган. Туркйча «энага», «кўка» сўзлари шу тарзда ҳинди, инглиз, форс, урду тилларига ҳам кирган.

нар, кеч кузда теримлар тугаб, дехқонлар ўтин учун ғўзапоя чопишар эди.

Ҳумоюн Ҳамида бонуга пешвоз чиқиб, уни Жун дарёсидан етти мил берида улкан маҳва дараҳтлари соя солиб турган бекатда кутиб олди. Йўргақдаги Акбарни қўлига олиб пешонасидан ўпар экан, боланинг тилла суви югуртирилгандек қизгиш сочи ва майин қош мўйлари, юз бичимидағи яна қандайдир белгилари унга кўпдан танишдек туюлди, бирдан раҳматли отаси эсига тушди-ю, қувончига яна бошқа туйғулар аралашиб, кўзига ёш келди.

— Умри узок бўлсин, онаси ҳам кўп яшасин! — деди.

Одамлар олдида Ҳамида бонуни қучиб ўпишдан тортинса ҳам, лекин кўзлари билан уни эркалаб бир лаҳза тикилиб турди:

— Ҳазрат бегим, мен сиздан тоабад миннатдормен!

Душман кўшинларидан йигирма милча берида, дарё бўйида чиройли бир bog она-бала учун ораста килиб қўйилган эди. Дарё сувининг бир қисми bog ичидан окиб ўтар экан, ойнадай тиниқ кўлчалар ҳосил қилган. Шунинг учун бу ерга «Ойнабог» деб ном берилиган эди.

Атрофи тиниқ кўл билан ўралган ва улар устидан чиройли кўпприклар ўтказилган кўкаlamзор оролсимон жойга улкан саропарда тикилган эди. Ҳумоюн Ҳамида бонуни саропарда ичига бошлаб кирада экан, энагалар ва чақалоқлар учун ажратилган четки чодирларни кўрсатди. Саропарданнинг бошқа четидаги учта чодир Ҳамида бону ва Ҳумоюн учун жиҳозланган эди. Потхурда Ҳамида бону келинчаклик пайтида «мурод уйи» деб аталган пуштиранг мовут чодир ҳозир кўзига оловдай иссиқ кўринди. Ҳамиданинг илгариги чиройига ҳозир майин ва улуғвор бир оналик ҳусни ҳам кўшилган, юзидағи латофат, кўзларидаги жозиба ниҳоятда тиниқлашган. Ҳумоюн Акбарни эмизган етти онани Саодат уйи деб аталган чодирга йиғди-да, Ҳамида бонуга гавҳар кўзли узук тақди. Энагаларнинг ҳар бири марварид шодалари, бош-оёқ саруполар билан тақдирланди.

— Ўғлимиз етти онаға фарзанд бўлибди, — деди Ҳумоюн. — Иншоолло, ўзи ҳам етук бўлгай! Акбарнинг энагаларидан бири ҳинд, бири тожик, бири афғон, бири форс, қолганлари туркий улусдан. Мен Ҳамида бонудан миннатдорменки, асли битта Одам Ато ва Момо Ҳаводан тарқаган турли элларнинг оналарини бир олижаноб максад атрофига тўплабди. Бунинг жуда улкан рамзий маъноси бор. Тилагим шуки, ўғлимиз Акбар шу оналар берган оқ сутнинг карзини уларнинг элларига бутун башариятга узсин!

Кечки пайт Ҳамида бону билан Ҳумоюн мурод уйида ёлғиз қолдилар. Одатдаги ўпишишлар ва эркалатишлардан Ҳумоюн ўзини баҳтиёр сезарди-ю, аммо кўнглиниң бир четидан «бу баҳт жуда омонат, хушёр бўл, сенга қарши қилич қайраган ганимлар атрофингни ўраб келмоқдалар», деган огоҳлантириш эшитилиб тургандай бўларди.

Гап фақат Жун дарёсининг нариги киргогида унга таҳдид солиб турган шоҳ Ҳусайндан эмас эди. Юз мил нарида шоҳ Ҳусайндан ийрикроқ ва хатарлироқ ёв — рожа Мал Дева Ҳумоюнни кўлга тушириш ва Шерхонга топшириш фикрида юради. Шерхоннинг ўзи эса шимолда Панжобни, шарқда Ажмирни, жанубда Малвани ишғол қилиб, Ҳумоюннинг бу уч томонга бўрадиган барча ўйларини бекитган ва унинг атрофидаги ҳалқани тобора қисиб келмоқда эди. Ганга бўйида бир марта гафлатда колиб Бека бегимни ва кизчаси Ақиқани олдириб қўйган Ҳумоюн энди Ақбар билан Ҳамидан бундай балолардан омон саклаш ҳакида туну кун ўй суарди.

Унинг одатдагидан ўйчанроқ бўлиб қолганини сезган Ҳамида бону:

— Биз Ақбар билан не қисак сизнинг мушкулингиз осон бўлгай, ҳазратим? — деб сўради.

— Узок йўлга чидаб берсаларинг, икковларингни бехатар жойларга олиб кетсан... кўнглим сал тиичирмиди?

— Узок йўлингиз қаер — Гужаратми?

Ҳумоюн өфир тин олиб бош чайқади — хозир у Гужаратдан ҳам умидини узган. Чунки Шерхон Малвани олиб, саксон минг қўшин билан Гужарат чегарасига яқинлашгач, Ҳумоюннинг у ердаги хайриҳоҳлари таҳлиkkагa тushiб қолган эди. Улар Ҳумоюнга ён босиб, кейин Шерхоннинг газабига учрашдан кўркишар эди. Байрамхон Ҳумоюнга чопар юбориб: «Зинҳор Гужаратга келманг, мен ўзим ҳузурингизга бориб жон сақламасам, бу ерда яна асоратга тушиб қоладиганга ўҳшаймен», деб хат ёзган эди. Ҳумоюн уни бирга олиб келиш учун Ҳаданг эшик оғани ва филбон Лаъл Чандни жўнатганига икки кун бўлди.

— Байрамхон келса, Кобулгами ёки Қандаҳоргами кетишдан бошқа чора йўқ, — деб Ҳумоюн Ҳамида бонуга маъюс термулди.

— Наҳотки Ҳиндистонни бутунлай тарқ этсак? — армон тўла товуш билан сўради Ҳамида бону. — Кечагина хинд аёли Рупарани Ақбарни бағрига олиб сийнасини бергандага менинг дилимда қанча ёруғ орзулар бор эди. Зора, бутун Ҳиндистон шу она тимсолида Ақбарни ўз фарзандидек бағрига олса. Зора, ўғлимиз ҳам шу улуғ мамлакатга чин

фарзандлик хизматини қилса. Наҳотки бу орзулар бари пуччикса, ҳазратим?

— Ноумид шайтон, Ҳамида бону! Шоядки, бу орзулалингиз келажакда рўёбга чикса. Лекин Ақбар ўша келажакка эсон-омон етиб бориши учун уни бехатар жойларга олиб кетмоғимиз керак.

Ҳамида бону Кобулдаги Комрон мирзони ва Қандаҳордаги Ҳиндол мирзони кўз олдига келтирди-ю, уларнинг ёнига боришдан юраги безиллади.

— Менинг Ҳиндан ҳеч кетким йўқ!

— Менинг кетким бор дейсизми, Ҳамида? Ҳиндистон эт бўлса, биз унда тирноқдек ўсдик. Тирноқни этдан ажратиб кўринг, оғриғига чидай олмайсиз! Мен икки йилдан бери Ҳиндан кетолмай саргардон бўлиб юрганим — тирноқни этдан ажратиб ололмаётганимдан. Бўлмаса бултур Бҳаккардан Кобулга ё Қандаҳорга кетайлик деганлар кўп эди. Ҳозир ҳам, агар сиз билан Ақбардан хавотир олмасам, шу ерларда таваккал қилиб, шоҳ Ҳусайнлар билан олишиб юраверишим мумкин. Лекин вазият ёмон, қават-қават ганимлар ҳалқаси атрофимизни ўраб келмоқда.

— Мен-ку, отлик, юриб чиниқканмен. Ёз иссиқларида ҳам кетавергаймен. Лекин Ақбар ҳали икки ойлик чақалок. Яна ўша жазира маҳалла саҳрондан ўтадиган бўлсак, мурғак бола бардош беролмагай.

Панжоб Шерхоннинг кўлида, Ҳумоюн шимолдаги Кобулга ёки Қандаҳорга кетиш учун яна улкан Тар саҳроси орқали ўтишга мажбур.

— Бўлмаса, ёз ўтгунча уч-тўрт ой таваккал қилиб шу ерда қолурмиз, — деди у. — Шерхон яқин ойларда бу томонларга қадам босолмас. Ақбар сал кучга киргунча сиз шу Ойнабоғда бемалол туринг.

— Сиз-чи?

— Мен қўшин ичиди — қароргоҳда бўлурмен. Илгари давлату мамлакатимни ёғийдан ҳимоя қилас эдим. Энди менинг энг катта давлатим — Ақбар билан сиз. Бир ўғилу етти онани мамлакатим каби ҳимоя қилгаймен!

Ҳумоюн саҳар пайти қирқ мил наридаги қўшин қароргоҳига кетганича узок вақт қайтиб келолмади. Фақат аҳён-аҳёнда: «Шоҳ Ҳусайн билан каттиқ жанг бўлибди», «Равшанбек яраланибди», «Ҳаданг эшик оға ҳалок бўлибди», «Турдидек рожа Вирсал билан уришиб аразлашиб колибди», деган хабарлар келиб турарди. Ҳумоюндан келган хатлар ҳам аҳвол тобора мураккаблаштаётганидан, агар Байрамхон Гужаратдан қилиб, унинг ёнига кирмаганда душман Ойнабоқка ҳам бостириб келиши мумкинлигидан далолат бе-

арди. Ниҳоят, Акбар түккиз ойлик бўлганда Хумоюн ўзи Ойнабоққа келди-ю, кўч иғишиши ҳақида буйруқ берди.

* * *

Хумоюн оиласи ва мингтacha одамлари билан Синд дарёсида уч кун сузди, Қандахорга борадиган карвон йўлига етганда юкларни кемалардан қирфокка туширирди ва туялар билан хачирларга ортириди. Ҳинддан узоқлашиб, шимолга қараб борар эканлар, ўн ойлик Акбар соябонли кажавага маҳкамланган беланчақда нортуюнинг бўйнига осилган қўнгироқнинг бир маромда жаранглашига қулок солиб ётиб ухлашга ўрганди.

Тогу чўллардан ва яшил воҳалардан ўтиб, хушҳаво жойларда беш-ён кун тўхтаб, Қандахор вилоятига яқинлашганлари сари чинорлар, тераклар, санобар дараҳтлари тез-тез учарди. Бозор расталарида хурмо билан бирга узум, нок, нақш олмалар кўзга ташланарди. Бу йил совук эрта тушган, кўп дараҳтлар ақрабнинг бошлиридаёқ баргини тўккан, боғлардаги анжир ва анояларни кор-қировлардан асраб, уюм-уюм тупроқ тагига кўмишган эди.

Ҳиндистон иссикларида енгил кийиниб, очик-сочиқ юриб ўрганган одамлар киши қаттиқ бўладиган Қандахор йўлида эрта тушган совуклардан жуда кийналиб қолишиди. Хумоюн жубба деб аталадиган авралик пўстинини елкасига олди, Ҳамида бону пахталик кимхоб тўн, жун рўмол ва маҳси-кавуш киди. Акбарнинг бешиги устига тия жунидан тўқилган қалин сақорлот говрапўш ёпилган бўлса ҳам, болани эмизган пайтларида шамоллаб қолди, бурни битиб, пихиллаб, кўп йигайдиган одат чиқарди.

Қандахорга ярим кунлик йўл қолганда Саримастунг деган кишлокда тўхтадилар. Кўпчилик беку навкарлар одатдагидай ўтов ва чодирлар тикишиб, кишлок четига жойлашдилар. Хумоюннинг ўзи ва болалик аёллар қишлоқ калонтарининг¹ ички-ташки ҳовлисига тушдилар.

Үлар илиқ, манқал деб аталадиган сандалига бозиллаган чўғ солдилар. Эркаклар ўлтирган ташқи уй меҳмонхонасига қуюқ-суюқ овқатлар тортилди. Уй эгаси — мошгуруч соқолли озғин афғон дастурхонга омин қилингандан сўнг дари² тилида:

¹ Калонтар — энг катта дегани, яъни кишлок оқсоқоли.

² Дари — форс тилининг Афғонистонда кўпроқ таркалган бир тuri, тоҷикчага яқин.

— Ҳазратим, холи қилинг, сизга айтадиган гапим бор,— деди.

Ҳонада Байрамхон билан Турдибек бор эди, Хумоюн уларга жавоб берди. Шундан кейин калонтар овозини пасайтириб:

— Сиздек олий меҳмон менинг кулбамга келиб тушганидан факат сарфароз бўлмоғим мумкин эди,— деди.— Аммо ҳозир сизнинг бошингиз устига тўпланаётган хавфхатарни ўйлаб бозовта бўлмоқдамен.

— Яна қандай таҳлика, жаноб калонтар?

— Сиз Қандахорга инингиз Ҳиндол мирзодан паноҳ истаб бормоқласиз, шундомки?

— Тахминан шундок.

— Аммо Ҳиндол мирзо бундан бир ҳафта олдин Қандахор ҳокимлигидан бекор қилинганини билурмисиз?

— Йўғ-е! Сиз буни кимдан эшитдингиз?

— Мен кеча Қандахорда эдим. Ўғлим Мирзо Аскарийнинг даргоҳида сипоҳи. Комрон мирзонинг ўзи ҳам Қандахорга келганидан хабарингиз бордир?

Хумоюн буни аммаси Ҳонзода бегимнинг уч хафта бурун ёзиб юборган хатидан билган эди. Йўлда эканида кайтакайта ўқиган ўша мактуби ҳозир сўзма-сўз хотиридан ўтди:

«Хумоюнжон, мен сизни жонимдан азиз кўриб, илтиносингиз билан Кобулдан Қандахорга бордим. Ҳар учала инингизни бир жойга ийғиб, ҳазрат отангизнинг васииятларини эслатдим, китобларини очиб кўрсатдим. Сизни валиахд тайиғлаганларида, «олти хисса Ҳумоюнга бўлса, беш хисса Комронга бўлсин, ҳамиша бу коидани маръий¹ тутиб, мундин тажовуз килмандар», деб ёзгандарини ўқиб бердим. Сиз отангизнинг бу васииятига доим амал килганингизни, Аградалигингида Комронга Кобулу Газнидан ташқари Панжобни ҳам берганингизни айтдим. Ўша пайтда Мирзо Комрон: «Отамиз менга беш хисса буюргандар, оғамизнинг мулки олти хиссадан ҳам ортиқ!» деб ғавғо килган эди. Мана энди Сизда ўшал олти хиссанинг биттаси ҳам қолмади, Комрон мирзо эса Бадаҳшону, Кобулу, Газнига каноат килмай, Қандахорни ҳам ўз ҳукмига бўйсундирмоқчи бўлди. Ҳиндол мирзога: «Қандахорда хутбани менингномимга ўқит!» деб буюорди. Менинг илтижоларим, олтмиш олти ёшимда тоғ йўлларида азбў тортиб Газни орқали Қандахорга шу адолатсизликнинг олдини олай деб келгандарим кор килмади.

¹ Маръий — конуний.

Не тил билан айтайки, Комрон мирзони сизу бизга адоват сақлаб юрган энг ёмон одамлар ўз таъсирига олмишдир. Сизнинг саройингиздан пораҳўрлик қилиб кувилган Бопусхон ҳозир Комроннинг соҳибихтиёр вазири. Амир Баҳлулга тухмат қилиб уни катл эттирган, кейин ўзи зиндонга тушган Сайд Халил Аградан келиб, Комрон мирзонинг саройида диний пешво бўлиб олмишдир. Бечора Низомга хиёнат қилиб, унинг ғанимлари олдида обрў ортирган Афзалбек ҳам ҳозир Комроннинг ишонган амирларидан бири. Қандаҳордаги Қорачахон ҳам шу қунларда Ҳиндол мирзодан айниб, Бопусхону Сайд Халиллар томонига ўтиб олган. Булар ҳаммаси Комрон мирзони ҳар қадамда улуглаб, «Сиз Бобур мирзонинг энг соҳиб истеъдод ўғлисиз, подшо-ликка фақат сиз муносибсиз», деган гапларга уни астойдил ишонтириб қўйганлар. Шу боисдан менинг куйиб-ёниб айтган барча гапларим тошга урилган тифдай ҳайф кетди. Ҳиндол инингиз: «Подшо оғамиз тирик турганда хутбани Комрон мирзонинг номига ўқитиш мумкин эмас!» деб оёқ тираб турибдир. Зора сиз тезор етиб келсангиzu бу талаштортишларни бартараф қиласангиз. Кўзим тириклигига сизнинг иниларингиз билан инок, иттифоқ бўлганингизни кўрсам дунёдан беармон кетардим».

Хумоюн бу хатни олганига икки ҳафта бўлди. Шундан бери уни энг қаттиқ ҳавотирга солиб юрган янгилик — Сайд Халил ва Афзалбекдай ашаддий душманлари Комрон мирзонинг пинжига кириб, унинг ишончли одамларига айланниб олганлиги эди. Айниқса, Сайд Халил Ҳумоюндан зиндон қасдини олиш учун ҳеч нарсадан кайтмаслиги аник. Ҳумоюн болалиги ўтган Кобулга боришига, отасининг қабрини зиёрат қилиб, унинг руҳидан мадад сўрашга қанчалик иштиёқманд бўлмасин, аммасининг хатини ўқигандан сўнг у ёкларга қадам босмасликка қарор берди. У Қандахорга ҳам ҳавотир бўлиб эҳтиёт билан яқинлашмоқда, лекин ҳар қалай, Ҳиндол мирзо шу ерда бўлса ёрдам қўлини чўзар деган умидда эди.

— Ҳиндол мирзо ҳозир Қандаҳордами? — сўради у қалонтарнинг сўзидан изтиробга тушиб.

— Йўқ. У киши илгарилари Қандаҳорнинг ёзги иссикларидан шикоят қилган эканлар. Ёзда бу ерларнинг жазирамаси чиндан ҳам қаттиқ бўлур, Комрон мирзо иниларига шуни эслатибдирлар. «Майли, сизга салқин жой берай, Фазнига ҳоким бўлинг, мирзо Аскарий Қандаҳорга келсин», дебдилар. Ҳиндол мирзо бу гапнинг ёлғонлигидан бехабар, Комрон мирзонинг таклифига рози бўлибдилар. Қандаҳордан кўч ортиб Фазнига борсалар, дарвозалар берк. Ич-

каридан бир одам чиқиб, Комрон мирзонинг янги фармонини Ҳиндолга кўрсатибдилар. Бу фармонга биноан Ҳиндол мирзо Фазнига эмас, Ҳайбар довонидан наридаги нотинч Сайфий¹ жойларга — Ламганот билан Тангиҳога ҳоким тайинланибдир.

— О ноинсоф-эй! — ғазаб билан деди Ҳумоюн. — Комроннинг ўзи ҳали Қандаҳордамикин?

— Йўқ, ўтган жума намозида Сайд Халил келиб хутбани Комрон мирзонинг номига ўқигандан кейин Кобулга кайтиб кетди.

— Ҳонзода бегим-чи?

— У киши ҳам йиглаб-йиглаб Кобулга жўнадилар.

— Демак, Қандаҳор ихтиёри ҳозир Мирзо Аскарийда?

— Ҳа, — қалонтар шивирлаб давом этди. — Менга ўғлим айтди. Комрон мирзо маҳфий фармон бериб кетибдирлар. Сизни туттириб, ҳибс қилишмоқчи эмиш. Ҳундор душманларингиз бор экан. Ўшаларга қўшиб ҳажга жўнатмоқчи эмишлар.

Ҳумоюн шунча узоқ йўл юриб, иниларидан паноҳ истаб келса-ю, энди манзилга етдим деганда даҳшатли хатарнинг устидан чиқса! Агар қалонтарнинг гапи рост чиқиб, уни ҳажга жўнатсалар, ҳимоясиз қолган одамни ҳундор душманлари йўлда ўлдириб кетишлири ҳеч гап эмас!

— Наҳотки иниларим менинг қонимга шунчалик ташна бўлса? — ўртаниб деди Ҳумоюн. — Балки бу бир ваҳимали овозадир?

— Ўғлим менга маҳфий буйруқ бор, деди... Ҳазратим, уйимнинг тўри сизники. Маликангиз ёш болали эканлар. Бу совуқда қаёққа ҳам бергайсиз? Агар таваккал қилиб тураверамиз десангиз — бош устига. Лекин ўғлим менга, «зинхор оғзингиздан чиқарманг», деган эди. Бу сирни мен фақат сизга ишониб айтдим.

— Хотиржам бўлинг. Буни мендан бошқа ҳеч ким билмагай!

— Худо ҳофиз! — деб қалонтар юзига фотиҳа тортиб ўрнидан турди.

Инилари уни ўлимга маҳкум этганини Ҳумоюн ҳеч ақлига сидиролмасди. Ҳафалашиш, аразлашишлар бўлиб туради. Лекин Ҳумоюн уларга бирон ёмонлик қилгани йўқ-ку. Аскар йигиб, Кобулга тажовуз қилиб бормаса, ёш болали хотини билан тинч бир жой излаб келаётган бўлса. Наҳотки шундай катта мамлакатнинг бир гўшасини ўз

¹ Сайфий — қилич кучи билан солиқ тўлайдиган, итоатдан чиқсан жой.

инилари ундан күп кўришади? «Оддий одам бўлсанг эдинг, бир шолчанинг устига ҳам сигар эдинг,— деган ўй кўнглидан ўтди.— Ҳамма бало сенинг подшолигингда. Қандахорда хутбани Комроннинг номига ўқитиш шунчалик кийин бўлгани — сенинг тирик юрганинг туфайлидир. Сайд Ҳалилу Афзалбеклар ўз мақсадлари йўлида ҳеч қандай разолатдан кайтмаслигини Аграда Амир Бахлул билан Низомнинг бошига тушган фалокатларда кўрган эдинг-ку».

Фикри шу жойга етганда Ҳумоюн эҳтиёт чораларини кўриб қўйишига карор берди ва ички ҳовлига — Ҳамида бону билан Ақбарнинг олдига йўналди. Бола йўлда яна баттар шамоллаган: ўталиб, ғашлик килиб йигларди. Ҳумоюн кириши билан Моҳим биби Ақбарни Ҳамида бонунинг қўлидан олди-да, нариги уйга олиб чиқиб эмиза бошлади.

Манкалинг иссигидан юзлари қизарган Ҳамида бону:

— Худога шукур-эй, йўл азоби тугай деб қолдими, ҳазратим?— деди.— Қандахорга етсак, барча машаккатлардан фориг бўлгаймизмийин?

Ҳумоюн индамай уни икки елкасидан олди-да, юзини ўзига қаратиб, қўзларига маъюс тикилди.

— Бардам бўлинг, Ҳамидам! Кажрафтор фалак бизни яна янги тўфонларга дучор килса ёнимда мардана туриб, берурсиз, деган умидим бор.

— Вой, яна бирон шум хабар келдими?— ранги қув учбি сўради Ҳамида.

— Қўрқманг, балки бу ёлғон овозадир. Хар эҳтимолга карши, қимматбаҳо нарсаларингизни, иссик кийимларингизни йигиб тайёрлаб қўйинг.

— Ақбарнинг нарсаларини ҳам йигишириайликми? Энагалар...

— Бола каттиқ тумовлаган кўринадир. Буни кейин ўйлашурмиз. Ҳарамда белуж аёл бормиди?

— Ҳасанали эщик оғанинг хотини белуж. Сора биби деган.

— Ўшани секин айтинг. Сиз билан шай бўлиб турсин.

— Лекин мен Ақбарни ташлаб кетолмагаймен!..

— Буни ўйлаштамиз дедим-ку. Вахима кўтарилиласин, бошка ҳеч кимга айтманг.

Ҳумоюн ёқасининг тұгмасини ечди-ю, ички кўйлагининг яширинча қўйин чўнтагидан баҳмал туморчага ўхшаш учбурчак нарсани олди. Атрофига кўз ташлаб, уй ва айвонда бошка ҳеч ким йўқлигига амин бўлгач, баҳмал туморчани Ҳамида бонуга узатди:

— Ҳазиналар бўшаб қолганини билурсиз. Отамдан ме-

рос қолган Кўҳинур олмоси мана шу туморда. Ҳар эҳтимолга қарши бу сизда турсин.

Туморча кичик бўлса ҳам вазни оғиргина эди. Ҳамида бону уни кўлига олганда Ҳумоюн қўшиб қўйди:

— Яна битта иирик олмос билан Бадаҳшондан келтирган беш-олтита нодир лаълларим ҳам шунинг ичиди. Ҳаммасининг киймати катта бир давлатнинг икки-уч йиллик даромадица бор. Мен ҳам валиахд ўтлимга муносиб мерос қолдирай деган орзу билан бу лаълу гавхарларни қанча хатарлардан асраб олиб ўтдим. Энди буларни сизга ишониб топширмокдамен. Ўзингиздан бошқа ҳеч ким билмасин.

Ҳамида бону туморчани икки қўллаб кўкрагига босган холда ҳаяжон билан гапирди:

— Менинг безовта дилимга бу улкан ишончингиз мадад бергай, ўтлимизга аталган омонатингизни кўз қорачигидай асрагаймен. Факат Ақбарнинг ўзи мен учун дунёнинг барча жавоҳирларидан азизроқ!

— Мен учун ҳам шундок, Ҳамида! Ақбар учун жонимни ҳам аяммагаймен!

* * *

Йўлларда тўхтаб-тўхтаб, Синдан Қандахорга етиб келгунларича икки ой ўтган, бу орада бир кисм одамлар йўл азобларига бардош беролмай касалланган, яна бир кисми бошка ҳукмдорлар ҳузурига кетиб колган эди. Ҳозир қароргоҳда аскару сипоҳилар бола-чақаси билан беш юзга етаретмас, уларнинг ҳаммасига Байрамхон бош бўлиб турар эди.

Ҳумоюн саккиз бурчаклик катта оқ ўтов олдига келиб отдан тушди. Эшиқдан пешвоз чиқсан девқомат Байрамхон катта оқ чўгирмали бошини эгиб, уни таъзим билан кутиб олди-да, ичкарига бошлади.

Ҳумоюн калонтар айтган сирни ҳеч кимга билдириласликка сўз берган бўлса ҳам, лекин Байрамхон ҳозир унинг энг яқин ҳамрози эди. Шунинг учун у билан яккама-якка ўтириб бор гапни бирма-бир айтиб берди:

— Агар иниларим менга қарши қилич яланғочлайдиган бўлса, ҳаж йўлида эмас, жанг майдонида ўлдира қолсинлар! Мен учун ҳам кўлда шамшир билан ўлиши афзал эмасми? Барча содик йигитларимизни жангга тайёрланг, Байрамхон!

Байрамхон улкан чўгирмасини сарак-сарак қилиб бош чайқади:

— Ҳазратим, мен ўн тўрт йилдан бери хизматингизда юриб, энг хатарли жангларингизга ҳам бирга борганмен. Аммо оға-иниларнинг биродаркушлик жангини сизга ҳам, ўзимга ҳам зинҳор муносиб кўрмасмен!

Байрамхон Ҳумоюндан саккиз ёш катта эди. Сўнгги йиллардаги асирик кулфатларидан юзида ажинлар кўпайган, ёши кирқдан ошиб, қалин кора соқолига оқ оралаб қолган эди.

— Майли, буйруғингиз билан мен барча беку навкарларни шай килиб кўйи, аммо жангни эмас, бирон бехатар жойга кетишни ўйламоқ даркор.

— Бу киши совугида каёкка борурмиз, жаноб Байрамхон!

— Шомилистонга¹ борайлик. Шимол томони Сейистон, Ҳирот. Ҳозир Ҳирот ҳам шоҳ Тахмаспнинг қаламравида. Бу шоҳ билан ёшлиқда кўришгансиз, отаси отангиз билан иттифоқдош дўст эди. Аграга шоҳ Тахмаспнинг элчилари боргандан иззат-икром билан кутиб олган эдингиз, катта совғалар бериб кузатган эдингиз. Шоҳга ҳам сизу биздек жанговар иттифоқдошлар жуда керак. Чунки шайбонийзодалар шу кунларда Ҳироту Хурросонни шоҳдан тортиб олиш харатиди шимолдан таҳдид солмокда эмишлар. Биз Тахмаспнинг ёнига кирсак, шоҳнинг душманлари тажовуздан ҳайи-киб қолишлари мумкин.

— Аммо ўзимизнинг шунча вилоятларимиз турганда сафавийлар юртига сифинди бўлиб бориши...

— Улар бегона эмас, ҳазратим. Шоҳ Тахмасп ўзимизнинг озарбайжонлик. Бундан йигирма тўрт йил бурун Табризга борганим ёдимда турибдир. Сиз ўшанда ўн бир ёшда эдингиз, балки эсларсиз? Сафавийлар ҳам ўзимизнинг туркий улусдан. Бобур ҳазратлари Шоҳ Исмоил билан таржимонсиз бемалол сўзлашган эдилар.

— Аммо жоҳил қизилбошлар ҳазрат отамдан қасд олмоқчи бўлгандарни ёдингиздами? Гўё Ғиждувонда шайбонийзодалар билан қизилбошлар орасида бўлган жангда менинг отам Нажми Сонийга хиёнат қилган эмиш, шунинг натижасида у ўлдирилган эмиш! Ҳолбуки, Нажми Соний отамнинг ўзини ҳам йўқ қилмоқчи бўлган экан, Қаршида катлиом эълон қилиб, етти ёшдан етмиш ёшгача бегуноҳ ахолини кирдирган экан.

— Шоҳ Исмоил буни билар эди, «айб Нажми Сонийнинг ўзида»,— деб Табризда отангизни химоя қилгани ўзингизда бордир.

— Шоҳ Исмоил ҳозир йўқ. Шоҳ Тахмаспга муте бўлиб бориши... хатардан холи эмас, жаноб Байрамхон.

— Хатар бу ерда қўпроқ. Ахир сиз шоҳ Тахмасп билан битим тузган эдингиз, оғир пайтда икковларингиз бир-бирларингизга кўмак бериш ҳақида аҳдлашган эдиларингиз.

— Шу аҳдлар эсида бормикин?

— Унутган бўлса эслатмоғимиз мумкин.

Ҳумоюн Байрамхонни шоҳ Тахмаспга элчи қилиб юбориши ҳақида ўйлаб, бир лаҳза жим қолди.

Шу пайт ташқарида от дупури ва аллакимнинг ҳовликиб:

— Ҳазратим қанилар?— деган хитоби эшитилди.

Ҳумоюн овозни таниб:

— Йўлчибекми?— деди.— Мен ўзим уни кутиб юрган эдим. Айтинг, тез кирсин.

Йўлчибекни Ҳумоюн бундан уч ҳафта бурун аммаси Ҳонзода бегимнинг мактубини олгандан сўнг Қандаҳорга хуфия қилиб жўнатган эди. «Агар бизга бирон хатар борлигини аниқ билсанг, дархол хабарини етказ», деб тайинлаган эди.

Совуқдан от чоптириб келгунча мўйловига қиров иниб, оқариб қолган Йўлчибек ўтов эшигидан кирди-ю, ерга ўзини ташлаб тиз чўқди:

— Шум хабар келтирдим, ҳазратим! Тезроқ шайланинг! Инингиз Аскарий икки минг кўшин билан сизни тутмоқчи бўлиб бостириб келмоқда!

Ҳумоюн ва Байрамхон ўринларидан сакраб туришди:

— Қаерда кўрдингиз?

— Бундан беш тошча¹ нарида. Мен етиб келгунимча анча вақт ўтди. Бир-икки соат ўтмай етиб келса керак. Нияти ёмон. Шафқатсиз фармон берилганини ишончли одами айтди.

Ҳумоюн Байрамхонга юзланди:

— Дарҳол одамларни йигинг! Ҳасанали эшик оға, Турдик, Мирбобо Дўст, Ёкуб кўрчи, яна кимки астойдил содик бўлса бирга юрсин! Истиқбол ёмон, йўлимиз хатарли! Мен хайлхонага борай!

Ҳумоюн намозшом пайтида от чоптириб калонтарнинг уйи томонга борар экан, тоғ томондан ачиқ изгирин эсаётганини, гуручдай-гуручдай қаттиқ қор доналарини шамол юзига жазиллатиб үраётганини сезди-да, «Акбарни олиб чиқсан нобуд бўлгай!» деган таҳликали ўй хаёлидан ўтди.

Ички ҳовлига кириб, мумкин қадар босик товуш билан:

¹ Шомилистон — белуж ва афғон қабилалари яшайдиган ўлка.

¹ Бир тош — саккиз чакирим.

— Бегим, от тайёр, иссикроқ кийиниб чикинг,— деди.

Аграда московиялик савдогар тақдим қилган сувсар пўстинни Ҳумоюн Ҳамида бонуга берган эди. Канизаги Аминат унга шу пўстинни кийдираётгандан Ҳамида бону ёшли кўзларини Ҳумоюнга тикди. Йиғлаб илтижо қилди:

— Акбаржонни бирга олайлик!

— Бегим, мени мунча эзманг. Боя тушунтирдим. Худо хоҳласа, эрта-индин қайтиб келурмиз. Совук ёмон, бола ўзи касал. Моҳим биби қараб тургай,— Ҳумоюн боланинг бешиги олдида турган Моҳим бибига юзланди:— Синглим, Ҳамида йўғида сиз Акбарга оналиқ килинг, Жавҳар офтобачи ҳам беш-ўнта содик одамларимиз билан шу ерда колиб, Акбарнинг хизматини қилгай. Агар кечаси Аскарий келиб, озор бермокчи бўлса... ҳазрат отамизнинг арвоҳларини ўртага солиб айтинг, Акбарга ҳам, энагаларга ҳам ёмонлик килмасин. Болада не айб? Қандай алами бўлса мана, мен бормен!— Бу сўзлар давомида Ҳамида бону жун рўмолини бошига солди, лекин ўзини тутолмай йиғлаб юборди, чопиб бориб Акбар беланган бешикни кучоклади:

— Мен боламни хавф-хатарга қандай ташлаб кетгаймен, мусулмонлар! Бу қандай кўргулик?

Онанинг изтироби болага ўтди-ю, Акбар бешикда ётган кўйича чирқираб йиғлади.

Ҳумоюн Ҳамида бонуга: «Бўлмаса бола билан қолинг!» демокчи ҳам бўлди. Боя у хотинига гавҳар ва лаълларни бергандан, «булар менсиз қолса хор бўлмасин, иликка тушсам тинтиб қўйнимдан топиб олишгай», деган фикр қўнглидан ўтган эди. Аммо ҳозир Ҳамида бонудан ажраб кетолмаслигини сезди. Энг оғир кунларда тақдирнинг барча зарбаларига бардош бериш учун суюкли хотини ёнида бўлиши керак эди. Ҳамида бонусиз истиқбол унга кераксиз ва маъноисиз туюларди. Шунинг учун:

— Бас, йиғламанг, мен ҳам колгаймен!— деди ва киличининг сопини чанглалади:— Менга бундай айрилиқ даҳшатидан кўра қилич билан жон бермок афзал! Охирги нафасим қолгунча сиз билан Акбарни ҳимоя қилгаймен!

У чопиб айвонга чиққанида дарвозахонадан Байрамхоннинг товуши келди:

— Ҳазратим! Одамлар йиғилди! Тезрок бўлинг! Ёғий якин!

— Ёғий якин бўлса жанг қилғаймиз!

— Икки минг ёғийга қандай бас келурмиз, ҳазратим? Кирқтагина беку навкар тўпладим, холос!

Бу сўзларни эшишиб турган Моҳим энага тез Ҳамида бонунинг ёнига келди:

— Вой ўлай, ҳазратимнинг қонига сиз зомин бўлманг яна, ҳазрат бегим! Акбаржонга мен ҳам онамен! Жижи энага бор! Пойчажон энага бор!

Рупарани Умарқутда қолган, энагалардан яна иккитаси Қандаҳорга етиб келолмаган, лекин ҳозир Моҳим тилга олган уч она болага жонини бергудек меҳрибон. Акбарнинг кўкалдошлари Адҳам, Азиз ва Зайниддинлар ҳам шу ерда қолади. Болани бу киш совугида олиб кетиб бўлмаслиги аник.

Ҳамида бону Ҳумоюнга аждаҳодай оғиз очиб келаётган хавф-хатарнинг бутун даҳшатини энди кўз олдига келтириди. Бешиқдаги Акбарни қулоқлаб, юзини боланинг юзига босиб хайрлашди-ю, Ҳумоюннинг кетидан ҳовлига чопиб чиқди. Кўз ёшларини, кафти билан артиб Ҳумоюннинг ёнига келди:

— Айтинг, менга ҳам от келтирсинглар!

Бу орада Ҳасан эшик оғанинг хотини Ойша биби ҳам отланиб, тайёр бўлиб турган эди.

Қирқтacha эркак орасида шу икки аёл ғўра қорни қайириб ураётган изгиринга қарши юриб, оқшом гира-ширасида Саримастунгдан чиқдилару шимол-шарқдаги қорли тоғларга қараб йўл олдилар. Ҳаво ниҳоятда совук. Кечаси тоғ этағидаги ўрмонзорга етганларида тун қоронгиси жуда қуюклшиб кетди. Айланма тоғ сўқмоғини топиш қийин бўлиб қолди.

— Одамлар ҳам жуда совкотди,— деди Турдибек.— Ҳазратим, тўхтаб бир гулхан ёқсакмикин?

— Пастдан бизни қувиб келаётган бўлсалар-чи?— деди Ҳумоюн.— Гулхан ёруғи бизни тутиб бергай. Тепаликдан ошиб, панароқ жой топмоғимиз керак.

Тепалик бўлиб кўринган жой анча баланд довон экан. Кор уриб турибди, юриш қийин, отлар ҳансираиди. Равшан кўқанинг оти сирғанчик жойда йиқилиб, орқа оёғи қиррали тошга шундай каттиқ урилдики, чўлоқлаб, юролмай қолди. Равшанбек отдан тушиб уни етаклаб бора бошлиди.

Тун ярмидан ошганда довондан наридаги қоятошлар панасига ўтиб, қор унча тегмай қорайиб турган тоғ камарлари олдида тўхтадилар. Йигитлар бирпасда ўтин олиб келиб гулхан ёқдилар. Бу ўрмонда болут дарахти кўп эди, унинг арчаникими эслатадиган нина барглари ҳўл бўлса ҳам гулханда часирлаб ёнарди. Атрофга сал ёруғ тушгандан кейин тоғ пистасининг дарахтлари ҳам кўринди, йигитлар унинг олови таптлик бўлади дейишиб, куриган шохларини синдириб гулханга ташладилар. Ҳумоюн билан

Байрамхон учун етова түртта салт от бор эди. Хумоюн шулардан бирини Равшанбекка берди.

— Чўлук от энди йўлга ярамагай, уни сўйинглар,— деб буюрди.

Одамлар кечки овқатни ейишга улгурмай йўлга чикишган, ҳозир уларни очлик ҳам кийнамоқда эди. Сўйилган отнинг гўштини пишириш учун қозон тополмадилар. Байрамхон болут новдаларини пичок билан тозалаб, сих ўрида ишлатди-да, от гўштининг яхши жойларидан писта чўғида кабоб қилдирди. Навкарлар от гўштини дубулгаларига солиб гулханда ковуриб едилар.

Ҳамида бону оч қолганини ҳам билмас, иштаҳаси йўк, бешикда қолган боласи кўз олдидан кетмайди. Сахар палла гулхандаги писта чўғининг иссиқ тапти элитиб, ўлтирган холда кўзи илинибди. Тушида ўн ойлик Акбарни чўмилтираётган эмиш. Бола соғ, қувноқ, «Хайрият-ей, ёнимда экан, тузалиб кетибди!» деб, қувониб кўзини очса, атрофида корли ўрмон, гадир-будур коятошлар, совуқда дийдира бтурган от ва ҳачирлар. Вокеликка қайти-ю, айрилик дарди яна янгиланиб, бирдан кўзларига ёш қалқди.

Ўша куни Жавҳар офтобачи бошлиқ ўттизатча одам Қандаҳорда колган ҷодирлар, бошқа зарур буюмларни олиб келиб, уларга кўшилдилар.

— Сизлар жуда вақтида кетган экансизлар!— деди Жавҳар.— Кетларингдан икки соат ўтар-ўтмас мирзо Аскарий катта кўшин билан бостириб келди. Тўрт томонга изғиб сизларни ахтарди. Биздан сўраган эди, «овга кетгандар», дедик. Кейин Акбар ёттан уйга кирдилар. Хотинлари Салтанат бегим ҳам бирга келган эканлар. Моҳим энага икковларининг оёғига йиқилиб: «Акбарни ўз фарзандингиз ўрнида кўринг!» деб илтижо қилди. Аскарий дагалроқ жавоб берган эди, Салтанат бегим орага тушдилар. Акбарни иликларига олиб эркалатдилар, «мен буни энагалари билан ўз тарбиятимга олгайман», деб Қандаҳорга олиб кетдилар. Буни кўриб кўнглимиз сал тинчи-ю, яшириқча йўлга чикдик.

Ҳамида бону орқага — Акбарнинг олдига қайтишни канчалик истамасин, энди Хумоюн ўзининг инилари билан ярашомласлигини сезиб турарди. У боласини соғиниб, йиглаб-сиктаб бўлса ҳам эри билан бирга шимолга — Хурросонга қараб кетиб борарди. Ёш она ҳар куни Акбарни эмизадиган маҳалда сийнасига сут тўпланиб, чидаб бўлмас дараражада оғрий бошларди. Шунда Ҳамида Ойша биби билан холи жойга чиқиб, сутини корга соғиб ташларди. Оппок қорда сут кўзга ташланмаса ҳам, унинг иссиқ тапти совуқ

корда ҳовур чикаради. Жигарбандининг насибаси хайф кетаётганидан юраги қон бўлган Ҳамида бону:

— Бизни шу кўйга солгандарни она сутининг уволи кўр килсин!— деб пичирларди.

ҚАЗВИН. ЕР ТАГИДАН ЎТГАН ТОҒ

Корли Элбрус¹ тизма тоғи Ҳазар² дентизинин жанубидан, Сафедруд деб аталадиган оқиши сувли дарёдан бошланади-ю, Мозандарон ва Гургонни айланиб ўтиб, Туркман элиниг чегарасигача юзлаб чакирим масофага чўзилади. Ҳазар дентизининг сернам ҳавоси Мозандарон ўрмонларига тез-тез ёмғир олиб келади, Элбрус тизмасининг шимол томонига ёқкан қалин корлар узок сақланади. Аммо қуюқ булуллар баланд тоғлардан ошиб ўтолмагани учун Элбрус тизмасининг жанубий этакларида жойлашган Қазвина қуруқ ва илиқ кунлар кўп бўлади.

Кишининг офтобли кунларида шоҳ Тахмасп Элбрус тоғининг кунгай этакларида ов килиб юрган эди, Мирзо Хумоюндан шошилинч элчи келганини эшитиб, уни арчазор ўрмон орасидаги хушманзара яланғликда ўзининг ҳаворанг кимхоб чодирида қабул қилди.

Байрамхон Ҳилмон дарёси бўйидан Хурросону Машҳад орқали Қазвингача бўлган бир ойлик йўлни қаҳратон қиши фаслида йигирма кунда босиб ўтган, қаттиқ ҷарчаганидан оёқ устида зўрга таъзим қилиб юкунгандан боший айланиб гандираклаб кетди. Буни кўрган Тахмасп унга чап томонидан — уч қадамча жойни кўрсатди-да:

— Кечириңг!³ — деди.

Шоҳнинг соколсиз ияги, узун мўйлови, девдай йирик гавдаси баҳайбат кўринса ҳам, йирик-йирик кўзлари Байрамхонга кутилмаган бир иликлик билан бокқандай туюлди.

Бугун ов ўнгидан келган, шоҳ ўз кўли билан отган архарлар⁴ чодир ташқарисида қор устида ётар, уларнинг қопкора, беозор кўзлари ва майнин юнглари Тахмаспда овчилик сурури билан бирга ўрмонда яйраб юрган шу тирик жон-

¹ Шимолий Кавказдаги Эльбрус чўққисидан ташқари Эроида Элбрус деган улкан тизма тоғ бор. Ривоятларга кўра, Элбрус ва Элбрус аслида бир тизмада бўлган экану, уларнинг ўртасидаги тоғ ер тагига тушиб кетгандан сўнг оралари узилиб колган экан.

² Ҳазар — Каспий денгизи.

³ Кечириңг — «ўтинг» дегани.

⁴ Архар — ёввойи кўй.

ворларнинг абадий сўнгани хаётларига нисбатан озгина ачиниш хисси ҳам уйғотмоқда эди.

У Ҳумоюннинг «олампаноҳ» деб бошланадиган мактубини ўқиганда ва унинг бошига тушган мушкул савдолар тафсилотини Байрамхондан эшитганда:

— Чоҳ афсус! — деди. — Бизим Ҳиндистондаги суюнган дағимиз Мирзо Ҳумоюн эди. Онинг ўзидан ҳам хатолар ўтмишки, тожу тахтидан айрилмишдир.

Таҳмасп Ҳумоюннинг бир вақтлар кайфу сафога берилганини, Аграда гоҳо ҳафталаబ базмлар ўтказганини, сахийликда ҳамма подшолардан ўзгиси келиб, қайси бир маросимда ўн икки минг кишига сарупо кийгизганини эшитган эди. Иниси Комрон Кобулу Фазнига қаноат қилмай Панжонни ҳам забт этганда Ҳумоюн уни дарҳол қувиб юбормаганини, юмшоқлик килиб шундай тажовузни кечирганини шоҳ Таҳмаспнинг ўзи ҳозир Ширвонда ҳокимлик килаётган иниси Алқас мирзога ҳам, Қазвиндаги иккинчи иниси Баҳром мирзога ҳам бунчалик эрк бермас, agar яқинлари бирон тажовузга йўл қўйса, аёвсиз жазоларди. Буни биладиган Байрамхон:

— Ҳазрат шаҳаншоҳ,— деди.— Мирзо Ҳумоюн ўшандага Комронга катта эрк берганларидан ҳозир пушаймонлар. Ул зотга сиздек шоҳ ҳазратларининг иниларингиз билан муносабатдаги қатъиятингиз ҳам ибрат бўлмоғи мумкин. Ул ҳазрат сизнинг улуг ҳукмдорлик тажрибаларинингизни ўрганмок учун ҳам ҳузурингизга келмоқчишар.

Туркман тили озарбайжончага яқин бўлгани учун Байрамхон талаффузини шоҳнинг она тилига иложи борича яқин килиб сўзларди. Таҳмасп унга тикилиб:

— Туркманинг қорақоюни уруги бизим қардашимиздир,— деди.— Сизинг баҳорлу уруғингиз Ҳамадон атрофларида биз билан инақ яшаюр. Сиз нечун суннийлар хизматига гетдингиз?

— Олампаноҳ, тақдирга чора йўқдир,— деб Байрамхон ўзининг Бадахшонда тугилганини, отаси Сайфалибек Бобурнинг инояти билан Фазни вилоятида ҳоким бўлганини, онаси Негина хоним ҳам Ҳумоюннинг онаси Моҳим бегимдан кўп яхшиликлар кўрганини, у бунинг ҳаммасига болаликдан гувоҳ бўлиб ўсгани учун ўн олти ёшидан бери шу хонадонга садоқат сақлаб юрганини айтиб берди.

Ҳумоюн билан Шерхоннинг Ганга бўйидаги жангларидан хабардор Таҳмасп:

— Сиз Шерхонга асир тушмишсиз?— деб сўради.

— Ҳа, подшоҳимизни куршовдан чиқардиму ўзим иликка тушдим.

Байрамхон Шерхон хизматига ўтмагани учун ўлимга хукм этилганини, сўнг яқин дўсти Абулқосим Жалойир иккаласи асирикдан қандай қочганини бир-бир айтиб берди. Байрамхоннинг шоирлик истеъоди воқеаларни лўнда ва таъсирили килиб айта олишида ҳам сезилар, Таҳмасп унинг ҳикоясига берилиб қулоқ солар эди.

— Абулқосим ўзи Жалойир деган ўзбек уруғидан, мазҳаби сунний, аммо қўриниши менга ўхшар эди. Ёшимиз ҳам teng, ўзимиз ўн беш йиллик қадрдан эдик. Читордаги бир жангда мен уни нақд ўлимдан олиб қолган эдим. «Ўша яхшилигингни қайташиб керак», деб юрарди. Икковимиз Шерхондан кочиб Гужарат томонга бораётганимизда Шерхоннинг одамлари кетимииздан қувиб етиб келди. Юздан ортиқ қуролли аскарга икковимиз бас келомаслигимиз аник. Шёрхон фармон берган экан: «Байрамхонн тутган жойларингда қатл этинглар, ҳибса олинмасин, яна қочгай», деган экан. Афғонлар Абулқосим икковимизни ўраб олиб: «Байрамхон ким? Олдинга чиксин»,— деди. Мен Абулқосим билан кучоклашиб хайрлашдим-да, олдинга чиқдим: «Байрамхон мен!» — дедим. Шунда Абулқосим мендан ҳам олдинроққа чиқиб: «Йўқ, бу менинг навкарим, Байрамхон мен»,— деди. Мен эътиroz қилиб, ўзимнинг Байрамхон эканимни исботламоқчи бўлдим. Афғонлар кимга ишонишларини билмай ҳайрон. Икковимиз бир-биримизга ўхшашмиз. Мен эътиroz килаверганимдан сўнг, Абулқосим юзимга бир тарсаки урди-ю: «Сен менинг итоатимдасен, жим тур, ҳали Байрамхон бўлишингга кўп йил бор!»— деди. Мен шапатидан караҳт бўлиб жим қолдим. Шундан сўнг афғонлар шапати еганим бежиз эмаслигига — менинг навкар эканимга ишонишиди. Абулқосим Жалойирни бир четга олиб кетидилар.

Байрамхон ўша воқеани яна кайта бошдан кечиргандек овози титраб давом этди:

— Олампаноҳ, сизу бизнинг қорақоюлу уругимиз, баролосу ўзбеклар — баримиз чиндан ҳам кон-кардош эканимизни мен ўшандага дил-дилимдан хис килдим. Фарбда турк султонлари, Туранда шайбонийзодалар энг жоҳил кучларни кўзгатиб, мазҳаб урушини бошламаса эди, минг-минг одам бехуда қурбон бўлмас эди. Бобур саройида ҳам, Ҳумоюн даргоҳида ҳам жаҳолат эмас, маърифат устун эди. Абулқосим Жалойир ана шу маърифат нуридан баҳраманд бўлиб ўсган йигит эди.

Байрамхон шу сўзлардан кейин қўйнига қўл солиб, садафи ялтираган кутича чиқарди:

— Мирзо Ҳумоюн сиза совға этиб Ҳиндистоннинг буюк олмосини юбордилар.

Шоҳ Таҳмасп қутичани очди-ю, қора баҳмал ичида минг хил жилва билан нурланаётган йирик олмосни кўриб кўзи қувончдан ялтираб кетди.

— Соғ ўл! — деди Байрамхонга.

Шоҳ эшик оға Валидбекни чакириб, Байрамхон билан йигитларига маҳсус чодирлар тикидиришини ва зиёфатлар беришини буюрди.

Ёлғиз колганда олмосни қутичадан олиб салмоқлаб кўрди. Бундай йирик олмос ҳалигача шоҳнинг қўлига тушмаган эди. Олмосни у синглисига кўрсатгиси келди-ю, икки чодир наридан Шоҳзода Султонимни чакиритириди.

Сафавийлар хонадонида мўътабар аёлларни эъзозлаб овга, ҳатто урушга ҳам бирга олиб бориш одати бор, бу уларнинг эътиқодлари билан ҳам боғлиқ эди. Улар сифиандиган тўртинчи халиф — ҳазрати Али суюкли хотини Биби Фотимани урушга ҳам бирга олиб боргани тарихдан маълум. Бехатар жойда — Алининг орқасида оқ соқолли бир мўйсафид Биби Фотима мингдан оқ туяниг жиловидан тутиб тураркан. Тепаликдан жангни кузатиб турадиган Биби Фотима Алига узокдан туриб руҳий мадад бераркан.

Таҳмаспнинг отаси Шоҳ Исмоил ҳам ўз жангларига севимли хотини Тожли бегимни бирга олиб бораради. Табриздан нари Чолдора деган жойда бўлган қаттиқ жангда Тожли бегим аввал бехатар тепаликда туриб шоҳнинг жангни кузатган. Кейин Шоҳ Исмоил мағлуб бўлаётганини кўрган Тожли бегим йигитча кийиниб жангга кирган, аммо иши чаппасидан кетиб асир тушган. Шоҳ Исмоил турк султонига юз минг туман¹ товон бермоқчи бўлган. Лекин турк султони Тожли бегимни бунча олтин эвазига ҳам қайтариб бермаган. Шоҳ Исмоил умрининг охиригача суюкли хотинини эслаб, соғиниб ўтган.

Бу аччик сабоқлан сўнг шоҳ Таҳмасп жангларга хотинларини олиб бормайдиган бўлди. Факат ҳазрати Али анъансини унутмаслик учун овларга синглиси Шоҳзода Султонимни бирга олиб берар, у тепада томоша қилиб турганди, отининг жиловидан нуроний бир мўйсафид тутиб турарди. Йигирма ёшли Шоҳзода Султоним чодирга кириб таъзим қилди-да, Таҳмаспнинг овдаги жасоратини, архарларга ҳақиқий шер каби ҳамла қилганини шавқ-завқ билан сўзлай бошлади. Синглисининг мана шу серзавқлиги, ширинсўзлиги доим шоҳнинг димогини чоғ қиласар, шунинг учун уни

¹ Бир туман — ўн минг табризий.

кўпинча ўзи билан олиб юарди. Таҳмасп синглисини яна бир қувонтиргиси келиб Ҳумоюн бериб юборган олмосни унга кўрсатди-да:

— Буюк хинд олмоси,— деди.

Ҳумоюндан элчи келганини эшитган Шоҳзода Султоним олмоснинг афсонавий гўзал товланишидан ҳаяжонга тушиб:

— Кўхинур будир? — деб сўради.

Шоҳ Таҳмасп Кўхинурнинг овозасини эшитган, аммо Байрамхондан буни аниқ сўраб олмаган эди. Синглисининг шаштини қайтармаслик учун:

— Ҳа, Кўхинур энди бизинг тожимизни беzaюр! — деди.

Шоҳзода Султоним акасини бу улуг обрў билан муборак-бод қилди ва бошига оғир кун тушган пайтда ҳам шунчалик саховат кўрсатган Ҳумоюнга кўмак беришни шоҳдан ўтиниб сўради.

Таҳмасп яна Валидбекни чакиритириди. У келгунча қутичани ёпиб, қўйин чўнтағига солиб қўйди. Синглиси буни ҳозирча сир тутиш кераклигини шундан сезди.

Валидбек таъзим қилиб кирганда:

— Жаноб эшик оғаси,— деди.— Хинд подшоси Мирзо Ҳумоюн биздан паноҳ сўраб Хуросон чегарасига келмишдир. Уни кабул этиб, ўз саховатимизни кўрсатсанак не деярсиз?

— Шаҳаншоҳ биза не фармон берсалар адо этишга ҳозирмиз. Аммо қулингизда бир андеша вардир.

— Не андеша? Сўзланг!

— Хуросон яқинларгача темурийлар мулки саналарди. Ҳумоюн шеҳ Таҳмасп ёрдамида қаддини тиклагач, Хуросону Ҳиротни сафавийлар давлатидан ажратиб олиш ҳаракатига тушмасмикин?

Валидбекнинг бу андишаси шоҳни ўйлантириб қўйди. Шу пайт Шоҳзода Султоним акасидан сўзлаш учун рухсат олди-да, ўз фикрини айта бошлади. Унингча, Ҳумоюннинг Хуросонда қолиши мумкин эмас. Чунки шимолда шайбонийзодалар, шарқда ва гарбда уни қувғин қилган инилари турибди. Бунинг устига яна сафавийлар билан ёвлашиб, Хуросонни талашса тўрт томонидан ўт кетиб, дарҳол ёниб кетишини билади. Шоҳзода Султоним шоҳ оғасига маъноли кўз ташлаб, бояги ноёб олмосни эслатмоқчи бўлди. Шоҳ шундай буюк совғани кабул қилиб олгандан кейин, Ҳумоюн элчисига қай тил билан рад жавоби беради? Ҳолбуки, Шоҳзода Султоним ўз суюкли акаси Таҳмаспни саховат ва мардликда Ҳумоюндан ҳам баландда кўришни истайди!

Синглиси айтган мантиқли гаплардан ташқари гўзал қизнинг бу истаги ҳам йигирма тўққиз ёшли Таҳмаспга Валидбекнинг андишасидан кўра кучлироқ таъсир қилди.

Шундай машхур бобурий ва унинг саркардаси Байрамхон Ҳиндишондай жойдан келиб сафавийлардан паноҳ топса, бу — шоҳнинг обрўсини янада оширмайдими?

Афсуски, Ҳумоюннинг одами жуда кам колган экан... Аммо унинг атрофидаги навкарларни истаганича қўпайтириш шоҳ Тахмаспнинг қўлидан келади-ку. Агар шоҳнинг буйруги билан Ҳумоюнни Сейистонда минг одам кутиб олса, Ҳиротга келганда уни яна икки-уч минг беку навкар кузатиб борса ёмон бўладими? Биринчидан, шоҳнинг бу икки-уч минг беку навкари Ҳурросондаги фитначи суннийларни Ҳумоюнга яқин келтирмайди. Иккинчидан, Ҳумоюнни кузатиб ва қўриқлаб юрадиган шоҳнинг икки-уч минг беку навкари мирzonинг ўзини ҳам садоқат чегарасидан чиқмасликка мажбур қиласди.

Тахмасп бу фикрларни ўртага ташлар экан, Шоҳзода Султоним ўз оғасининг ақлига тан бериб:

— Ҷўх доно тадбир,— деди.

Сиёsat учун шундай килиш зарурлигини Валидбек эшик оғаси ҳам энди тушуна бошлади. Ҳумоюннинг озгина одами ёнига шоҳдан икки-уч минг аскар қўшилиб, Ҳурросону Машҳад оркали Қазвинга қараб тантана билан ўтса, бунинг овозаси, албатта, фарbdаги ва шарқдаги душманларга ҳам етиб боради.

Шоҳ Тахмасп муншини чақириб, Сейистон бегларбеки Аҳмадбек шомлуға ва Ҳирот ҳокими Шоҳқулибек Қорасултонлар номига Ҳумоюнни зўр тантаналар билан кутиб олиш ҳакида фармонлар ёздириди. Шоҳзода Султоним бу фармонлардаги рақамларни эшитган сари ҳайратга тушмоқда эди: Тахмаспнинг фармонига биноан, Ҳумоюн ва унинг одамлари учун шоҳ хазинасидан ажратилиши керак бўлган явмилхарж — (кундалик харажат) икки туман, яъни йигирма минг табризий белгиланди. Сейистон ва Ҳирот ҳокимларига Ҳумоюнни ўн олти фарса¹ нарига бориб кутиб олиш, унга ўн иккита шоҳона чодир тикиб бериш, юзта эгарлоғлик от тақдим қилиш, ўзига, хотинига ва яқинларига зар қўшиб тикилган духобалардан саруполар инъом қилиш топширилди.

* * *

Агар Ҳамида бегимнинг кўнгли Қандаҳорда колган Акбарнинг хаёли билан мудом банд бўлмаса эди, Ҳурросон ва Эронда уларни меҳмондўстлик билан кутиб олганларидан

¹ Бир фарса — 6-7 чақирим.

яйраб, кувониб юриши мумкин эди. Ҳирот, Сабзавор, Машҳад, Нишопур шаҳарларининг минг-минглаб одамлари меҳмонларга пешвоз чиқишар, зиёфат пайтларида юзлаб чинни лаганларга ошлар сузилар, ҳар куни уларга киммат-баҳо сарполар кийдиришар, шоирлар Тахмасп билан Мирзо Ҳумоюнни осмондаги иккита қўш юлдузга ўхшатиб таърифлашарди. Шиа-сунний урушларидан беҳисоб жабр кўрган ва подшоларнинг ўзаро адоватларидан безор бўлган ўқимишли, зиёли одамлар энди икки хукмдорнинг бир-бирига инок муносабатда бўлаётганини яхшилик аломати деб билардилар. Базмларда энг хушовоз хонандалар бу инокликка бағишлиланган шеърларни латиф куйларга солиб ашула қилиб айтишарди.

Аммо юракни эзувчи бу гўзал куйлар ҳам эмизикли боласининг дийдорини кўмсаб юрган Ҳамиданинг соғинч туйғуларини баттар кўзгатарди. Ҳамида бону беш-ён кунда Қандаҳорга қайтармиз, деган умид билан йўлга чиққанди. Лекин орадан ҳафталар, ойлар ўтар, улар эса Қандаҳордан кун сайнин узоклашиб, Ҳазор денгизи ва Элбрус тизма тоглари томонга кетиб борарадилар.

Бу орада Қандаҳордан беш-олти юз беку навкарлар қочиб келиб Ҳумоюн аскарлари сафига қўшилди. Акбар билан колган Моҳим энага қочиб келган одамлардан Ҳамида бонуга мактуб муборди.

«Ҳазрат бегим, тангримга шукур, хавотирланадиган пайтлар энди ўтди,— деб ёзган эди Моҳим.— Шоҳ Тахмасп сизларни қатта иззат-икром билан кутиб олганининг овозаси Қандаҳорга ҳам етиб келди. Мирзо Аскарий ҳам Бобур миরзонинг ўғиллари-ку, ахир, у кишида ҳам оталаридан ўтган одамгарчилклар бор экан. Ҳозир саксонга якин одамни Акбаржон билан бизнинг хизматимизга бериб қўйдилар. Айниқса хотинлари Салтанат бегим жуда оққунгил аёл эканлар, Акбарни худди ўз фарзандларидек яхши қўриб қолдилар. Акбаржоннинг тили чиқиб, битта-иккита сўз айтадиган бўлиб қолди. Энг аввал Жажжи энагани «Жизи» деб атайдиган бўлди. Кейин мени «Маҳам» деб чақиришга ўрганди. Гавдаси ийрик, вазни оғир бўлгани учун бир ёшу уч ой деганда юра бошлади. Ҳазрат оталари шу ерда бўлганларида ўғилларининг юриб кетганини айтиб суюнчи олардик. Ноилож, бу хушхабарни Мирзо Аскарийга етказдик. У киши маминун бўлиб бизга ота ўрнида суюнчи бердилар. Туркий улуснинг удумини билурсиз, йўлга кирган болага кўз тегмасин, деб юмшок бир нарса билан оғига уриб ийқитадилар. Акбаржон қўлчаларини олдинга қилиб пилдираб юриб келаётгандага Мирзо Аскарий бошларидан

саллаларини олдилару унинг оёқчаларига салла билан урдилар. Бола юмшоқ салла устига йиқилиб тушди, лекин йифламади, бунинг ўйинлигини сезиб кулди, «яна!» деб талаб қилди. Мирзо Аскарий яна икки марта уни саллалари билан шундай уриб йиқитдилар. «Иншоолло, катта бўлганда елкаси ер кўрмагай, хеч бир олишувда енгилмагай!» деб тилак билдирилар. Мактубнинг шу ерига етганда Ҳамида бону ич-ичидан бу тилакка қўшилди-ю, «Мирзо Аскарийда ҳам ҳамият бор экан-ку!» деган ўйни қўнглидан ўтказди. Кечаси хобгоҳда бу хатни Ҳумоюн ҳам ўқиб, анча мамнун бўлди.

— Аскарий дуруст, аммо Комрон шу ерда ҳам бизга ўғайлик заҳарини сочиш ҳаракатида эмиш,— деди.— Санд Ҳалилнинг Султон Муҳаммад деган жоҳил муриди бор. Ўша одам бизга ганимлик мақомида бўлган яна уч-тўрт киши билан Кобулдан Маккага ҳажга бориш баҳонасида Қазвинга келиб тушибидир. Шоҳ Таҳмасп ҳузурига кириб, Мирзо Комрондан қимматбаҳо совғалар топширибидир. Улар шоҳни бизга қарши қўзғатиш учун ҳали кўп иғволар қиласа керак. Шунинг учун сиз ҳам ҳушёр юринг, бегим. Мехмондамиз, бизни қўриқлаш учун ёки хизматимизни килиш учун қўйилган юзлаб одамлар орасида шоҳнинг хуфиялари бор, ўзимизни киларнинг ҳам ёмонлари йўқ эмас. Мезбонларга малол келадиган бирон сўз ёки ҳаракат биздан содир бўлмаслиги керак.

Ҳамида бону бусиз ҳам ҳар бир сўзни ўйлаб гапирадиган, мезбонлар орасида одоб, тавозе қоидаларини жойига қўядиган бўлиб қолган эди-ю, фақат Ҳумоюн Қандаҳорда берган тумор гоҳ-гоҳ эсига тушиб оғир масъулият туйғуси уни безовта қиласди. Ҳилманд дарёси бўйида тўхтаганларида кечаси Ҳумоюн туморни ундан сўраб олиб, тикилган жойининг бир четини сўккан ва гумбаз шаклли йирик олмосни олиб, садаф қутичага соглан, «Буни Байрамхон биздан шоҳ Таҳмаспга совға қилиб элтгай», деган эди. Олмос қирраларида беҳисоб нурлар жилваси осмондаги фужруж юлдузларни эслатар, ўзи ҳам гумбаз шаклига ўҳшагани учун Ҳумоюн уни «Самойинур» деб атар эди. Туморнинг алоҳида бир қатида Қўхинур турибди, бошқа қатларида ўнтача йирик ёқутлар бор, шунинг учун салмоғи анча оғир туюлади. Ҳамида бону бу туморчада улкан ҳазинага баробар келадиган бойлик борлигини билгани учун уни йўқотиб қўйишдан жуда кўркар, кечаю кундуз ёнидан қўймай асрарди. Гоҳо Ҳумоюнга ҳазиломуз шивирлаб:

— Мен ҳам ҳазиначингизмен, ҳам уни кўтариб юради-

ган қарвоингизмен, улуфани¹ кўпроқ тўланг,— дерди.

— Молу жоним бари сизга улуфа,— деб жавоб берарди Ҳумоюн.

Бу яширин ҳазинани маҳфий саклаш осон эмас. Айниқса сафарда, меҳмонда ҳар хил кутилмаган ҳолатлар бўлади. Садоқатли канизи Аминат Қандаҳорда қолгандан бери Ҳамида бонуга белуж аёл Ойша биби билан Равшан қўканинг хотини қарашиб юрарди. Равшан қўка Комрон мирзо билан бир онани эмган ва кўп йил унинг хизматида бўлган бек эди. Қўли ёғрилиги учун Комрон уни жазоламоқчи бўлганда Синд бўйида Ҳумоюн томонга қочиб ўтган эди. Мана шу Равшан қўканинг хотини янги олинган канизлар орқали Ҳамида бонунинг жуда эҳтиёт билан сақлайдиган вазни оғир тумори борлигини, бегим ҳатто бош ювгандা, кийим алмаштирганда ҳам бу туморни хеч кимга бермаслигини эшишиб қолди. Бу сир Равшанбекнинг Ҳўжа Ғози деган қадрдонига ҳам маълум бўлди. Улар туморни хотинлар ёрдамида кўлга тушибирш учун пайт пойлай бошладилар.

Ҳамида бону Моҳим энаганинг сўнгти ҳатини ўқиган куни ўғилчасининг тилга киргани ва юриб кетгани ҳақидаги тафсилотлар бутун хаёлини шундай қамраб олдики, бошини ювиш учун гуслонага кирганда туморни кийимлари билан бошка хонада унутиб қолдирди. Ювениб, тараниб, канизи ёрдамида кийинаётганда тумор кўзига ташланди-ю, дарҳот кўлига олиб қаради. Вазни анча енгиллашиб колганини сезиб юраги шиғ этиб кетди. Бу ерга ким кириб чиққанини каниз ҳам билмай қолган, ўғрилар туморни сўқиб, бешта йирик-йирик бадаҳшон лаълини олишган, уни бошка рангдаги ип билан кўқтаб тикиб қўйишга ҳам улгуришган эди. Фақат Қўхинурни олишга журъат этишолмаган эди — бундай катта олмосга ҳаридор топиш амримаҳол, уни сотгунча кўлга тушиб қолиш хеч гап эмас эди.

Ҳамида бону ич-тини еб, бир неча кунгача дардини кимга айтишини билмай юрди. Ҳали ҳам ҳарам учун жавобгар бек — тогаси Ҳўжа Муаззам эди. Ҳамида бону уч кун ўтгач, тогасига воқеани айтиб берди:

— Ҳозирча ҳазратимга билдиримай туринг,— деди Ҳўжа Муаззам.— Агар бегона ўгри кирса туморни паккос олиб кета қоларди. Бу разил ишни ўзимизни килган. Биз Анбар Нозир билан ўзимиз тафтиш ўтказгаймиз.

Бу орада Ҳўжа Ғози билан Равшан қўка Қазвин бозор-

¹ Улуфа — иш ҳақи, маош.

ларидан энг қимматбаҳо түбичок отлар ва буюмлар сотиб олгани маълум бўлди. Тафтишга уста Анбар Нозир от сотган савдогарлар ҳузурига борди:

— Бу одамлар катта қарзни тўлайдиган бадавлат кишилар эмас, нечун қуруқ ваъдаларига ишониб, қимматбаҳо отларни бериб юбордингиз? — деди.

Савдогар бепарво туриб:

— Сиз уларни билмас экансиз, — деди. — Қўлларида шундай жавоҳирлари борки, бир эмас, юзта отга етгай. Менга иккита лаълни кўрсатишиди. Шундай бебаҳо лаълки, уни сотиб олишга анча-мунча заргарнинг пули етмагай. Бадавлат бир харидор топсалар, отимнинг пулини ортиги билан келтириб беришгай.

Шундан кейин Анбар Нозир Хўжа Фозининг хизматкорини яширинча сўрок килди. Хўжа Фози бир нарсани телпаги ичига тикиб олганини, кечаси шу телпагини халтага солиб, ёстиғи тагига қўйиб ётишини аниқлади. Нихоят, бир кун Хўжа Фози Ҳумоюннинг қабулига кирганда Хўжа Муаззам ҳам рухсат сўраб кирди. Подшонинг кўзи олдида Муаззам Хўжа Фозининг телпагини бошидан ҳазиллашган каби юлкиб олди. Иккита хўжа гижиллашиб қолди. Бироқ кўп ўтмай телпак катига тикиб қўйилган қимматбаҳо лаъллар топилди-ю, Ҳумоюн уни таниди.

— Буни ким ўғирлади? — деб қаҳр билан сўраганда Хўжа Фозининг семиз гавдаси дир-дир қалтирай боштади. У бутун айбни Равshan кўкага тўнкади.

Колган учта лаъл Равshan кўкадан топилди. Бошқа вақт бўлганда Ҳумоюн ўғриларни аёвсиз жазолаган бўларди. Лекин мусофири юртда беҳуда шов-шув кўтарилишидан ийманди-ю, уларни уришиб, сўкиб уч-тўрт кун хонаки ҳибса да сақлади.

Юртошлари олдида бош кўтариб юролмай қолган Хўжа Фози билан Равshan кўка хибсдан бўшаганларидан сўнг Ҳумоюнни сўймайдиган эшикоға Валидбекнинг олдига ҳимоя сўраб бордилар. Улар Валидбекнинг бошда Ҳумоюнга қарши бўлганини, «бу темурийзода Ҳурсонни биздан ажратиб олгай», деб ҳавфсираганини билар эдилар. Энди улар Валидбекнинг ҳақлигини кўрсатадиган турли гапларни ва Ҳумоюннинг ички ишларини шоҳга маълум қилмоқчи бўлдилар. Валидбек орага тушиб уларни ахийри шоҳнинг ҳузурига олиб кирди.

Шоҳ Тахмасп аввал Равshan кўкани, сўнг Хўжа Фозини яккама-якка қабул килди.

Кобулдан келган Комрон элчиси Султон Мухаммад

Ҳумоюннинг нияти ёмонлигини, Қандакэр олингунча шоҳга ёлғон ваъдалар бериб, кейин бу вилоятни ўзиники қилиб олишини айтган эди. Хўжа Фози билан Равshan кўка бу ҳақда Ҳумоюндан қандай гап эшигтан бўлсалар ёнига ўзларидан кўшиб-чатиб, шоҳнинг юрагига ғулғула солдилар:

— Олампаноҳ, Ҳумоюннинг ёлғонга усталигини сизга берган инъомларидан ҳам билмоқ мумкин, — деди Равshan кўка. — У киши сизга Байрамхон орқали Кўхинур олмосини ҳадя қилгани ёлғон. Кўхинур олмоси хотинининг туморчасида яшириғлик турибдири. Биз буни ўз кўзимиз билан кўрдик, ҳазрати шаханшоҳ!

Шоҳнинг кошлари чимирилиб, мўйловларининг уни пастга осилиб қолди. Наҳотки ўша гумбазсимон гўзал олмос Кўхинур бўлмаса? Шоҳ ўз синглисига: «Кўхинур будир!» деб кўрсатган эди. Энди унинг гапи ёлғонга чиқадими? Бу гапни инилари ҳам эшигтан, «Кўхинур энди бизим оғамиз тожини безаю», деб ифтихор килишган эди. Бу ифтихорнинг таги пуч чикса, Тахмасп ўз яқинлари олдида қанчалик нокуладай аҳволда колади!

Шоҳ Тахмасп иккинчи бўлиб кирган Хўжа Фозининг майда-чуйда иғволарини эшигтандан сўнг, Кўхинур тўғрисида гап очди:

— Сиз ҳам Кўхинурни кўрмишсиз?

— Ха, олампаноҳ, бегимнинг туморида кўрмишмен! — деди Хўжа Фози. — Сизга Байрамхон келтирган олмос гумбазсимонми? Унга «Самойинур» деб ном берилган. Аммо у Кўхинурдан икки баробар кичик! Факир икковини ҳам кўрганмен..

Бошқа олмосни Кўхинур деб хато қилгани Тахмаспга энди жуда алам қилди. Ҳумоюн ундан паноҳ истаб келган пайтда ҳам ўзини шунчалик баланд олар эканки, энг буюк Кўхинур олмосини хотинида қолдириб, бошқа кичикроғини шоҳга юбориби. Тахмасп бундай калондимоғларнинг кўпини кўрган, кўпининг жазосини берган! Бу темурийзоданинг адабини бериб қўйиш ҳам унинг қўлидан келади!

Шоҳ ўз ўйини шу тарзда яқунлади-ю, Валидбекни чакириб, Равshan кўка билан Хўжа Фозига дурустрок жой беришни ва улуфа тайинлашни буюрди. Шу кундан эътиборан бу иккови ҳам Тахмасп хизматига ўтди.

* * *

Мусофирилкда ҳам ўз юртошларининг тирноғи тагидан кир кавлайдиган одамлар Ҳумоюннинг шоҳ Тахмаспга боғлиқ бўлған мушкул ишларини янада мураккаблаштириди.

Бошқа бир юрт ҳукмдорининг қовоғига қараб муте бўлиб яшашинг қандай руҳий азоблари борлигини у биринчи бор Машҳадда қирқ кун шохнинг навбатдаги кўрсатмасини кутиб қолганда сезган эди. Уни бирга олиб юрган Жаъфар Султон Ҳумоюннинг шия мазҳабига ўтишини ва ўн иккита кирмизи йўл-йўли бор достор кийиб, имом Ризо масжидига зиёратга боришини маслаҳат берди. Бирок Ҳумоюн отасининг Самарканда шия досторини бошига кийиб кўриниш бергани қандай ёмон оқибатларга олиб келганини унугтан эмас. Шунинг учун Жаъфар Султонга:

— Жаноб бегларбени, чин эътиқод досторда эмас, дилда бўлур,— деди.

Ўшанда шоҳ оиласининг энг маърифатли вакили бўлган Сом мирзо орага тушиб, Ҳумоюнни мазҳаб бобидаги ортиқча тазийклардан ҳалос қилди.

Чунки ҳалол одамларни факат сунний мазҳабига ўтмагани учунгина кувгин киладиган ўта тажовузкор шиалар — мамлакатдаги кўп исёнлар ва алғов-далғовларга сабаб бўлган эди. Шоҳнинг ўзи ҳам ўта жоҳил мазҳабдошларига карши фармонлар чиқаришга ва кураш эълон қилишга мажбур бўлган эди. Айниқса, Ҳуросонда ва янгидан қўшилган Ширвонда сафавийлар сунний аҳолини ўзларига эл қилиш учун мазҳаб жанжалларидан баланд турадиган сиёсат юргизишга интилишарди.

Охири мана шу сиёсат Ҳумоюнга ҳам қўл келди. Шоҳ Тахмасп Ҳумоюнга ва унинг яқинларига мазҳаб борасида ортиқча тазийк ўтказмаслик ҳақида кўрсатма берди.

Ҳумоюн шоҳдан ҳарбий ёрдам сўраган, Қазвиндаги музокаралар Байрамхон ёрдамида дуруст бошланган, Тахмасп каттагина кўмак вайда қилган эди. Мана шу орада шоҳ томонига қочиб ўтган Равшан кўка билан Ҳўжа Ғозиларнинг иғоси бошланди-ю, амал-такал билан зўрга ечилаётган муаммолар баттар чигаллашиб кетди. Шоҳ музокараларни тўхтатди ва бир ойгача Ҳумоюнни қабул килмади. Бу орада Ширвондан нохуш хабарлар келди.

Бундан беш-олти йил аввал шимолдаги Озарбайжон ерлари — Ҳазар денгизи бўйидаги Боку, Куранинг ўнг кирғоғидаги Шамахи, Муған дашти бари ширвоншоҳлар хукми остида эди. Шоҳ Тахмасп ширвоншоҳларни енгдан сўнг шимолдаги озарбайжон ерлари жанубдаги вилоятлар билан бирлашди. Илгари Кура дарёсининг икки кирғоғи икки давлатга қарап ва уларнинг ўзаро адоварати эл улусга ташвиш келтириар эди. Энди ҳар икки кирғоқ бир ғавлат бўлиб бирлашгандан сўнг Кура устига курилган

машхур Ҳудофарин¹ кўприги жуда серқатнов бўлиб қолган, унинг иккала томонидаги озарбайжонликлар, ички урушлардан безор бўлган заҳматкаш ва зиёли одамлар тинч бир истиқболга умид боғлай бошлиған эди. Аммо аввалги ширвоншоҳларнинг тарафдорлари ҳали у ерда, ҳали бу ерда бош кўтаришарди. Ҳатто шоҳ Тахмаспнинг иниси Алқас мирзо ҳам Ширвонга бегларбени бўлиб боргандан сўнг ўзича мустакил давлат тузишга уриниб кўрган эди. Бундан хабар топган шоҳ Тахмасп Қазвиндан Ширвонга ўн минг қўшин билан борди. То у инисини қаттиққўллик билан ўзига итоат эттириб, Ҳудофарин кўприги орқали Қазвинга қайтиб келгунча Ҳумоюн унинг ўйлига қараб кутиб ўтириди.

Ниҳоят, сумбула кирган кунларда Тахмасп уни ўзининг Чилсүтун касрида қабул киладиган бўлди. Ўша вазир Валидбек Ҳумоюнни шоҳнинг хонайи хосига бошлиб кирди.

— Ҳазрати шаҳаншоҳ, Ширвондаги янги ғалабалар била сизни чин дилдан муборакбод этгали келдим,— деб гап бошлиди Ҳумоюн.

Шоҳ авваллари Ҳумоюнни доим ўрнидан туриб қабул килар ва ўнг ёнига ўтқазар эди. Бу гал ўлтирган кўйича унга чап томонидан уч-тўрт қадам наридан жой кўрсатди. Ҳумоюн Тахмаспдан олти ёш катта эди. Отасининг «катталар кўтарилиб бўлгай» деган гапини яна бир эслади. Шоҳнинг қамситишига ахамият бермасликка тиришиб, майнин кулимсиради-да, кўрсатилган жойга чўкка тушди.

— Олампаноҳ, биз сиздан кўп марҳамат кўрдик,— деди.— Энди ижозат берсангиз, юртимизга қайтсак...

— Ҳансы² юртингиза қайтажаксиз? — киноямуз сўради шоҳ.

— Ҳозирча Қандахорга... Сиз вайда қилган кўмак ила уни олсак, ўзингизга инъом этгаймиз. Биз ўғлимиз билан Ҳиндга қайтиши орзусидамиз.

— Ҳиндистон сизинг юртдур? — деб шоҳ яна киноя килиб сўради.

Ҳумоюн ичиди, «тангрим, ўзинг бардош бер» деб, бу истехзога ҳам чидади.

— Ҳиндистон — биз фарзанди ўлдифимиз юртдир,— деб Ҳумоюн битта сўзни атайлаб озарбайжонча айтди.

Шоҳ қўзларини кисиб Ҳумоюнга синовчан назар билан тикилди.

¹ Ҳудофарин — бу кўприк ҳозир ҳам Эрон билан Озарбайжон чегарасида туриби.

² Ҳансы — қайси.

— Эрон буюкми ёки сизинг Ҳиндистон буюкрок?

Пойгакда ўлтирган Валидбек бирдан сергакланди, шоҳ «Эрон буюкрок» деган гапни эшитса мамнун бўлишини Ҳумоюн ҳам сезди. Лекин бундай деса шоҳга очикдан-очик хушомад килиб ёлғон гапирадигандай кўринди-ю, хиёл тараддулланди.

— Эроннинг... буюк маданияти, буюк тарихи бордир... шундай тарих, шундай маданият Ҳиндистонда-да вар. Аммо Ҳиндистоннинг ахолиси кўпроқ, майдони ҳам буюкроқдир, олампаноҳ.

Бу гаплар шоҳнинг қулогига: «Мен ҳам сендан буюроқмен, шунинг учун энг улкан Кўхинур олмосини ўзимда олиб қолганмен!» дегандек эшитилди. Шоҳнинг бирдан жахли чиқди. Унинг қизишган пайтда мантикни тан олмай диган одати бор эди.

— Сиз биздан буюрок ўлсангиз нечун Ҳиндистондан бура¹ паноҳ истаб келдингиз? Дастроингиза Кўхинур олмосини таққанингиз учунгина биздан буюрок ўлмаяжаксиз!

Бу аччик изгирин қаёқдан эсаётганини Ҳумоюн Кўхинур олмоси тилга олинганидан сезди. Бу олмосни Ҳами да бонунинг туморида кўрган Равшан кўка билан Хўжа Гозининг изгирини. Бу разил ўғриларни зиндонга ташлатиш ўрнига, уларга танбех бериш билан чекланиб, ортиқча бир юмшоқлик қилгани учун Ҳумоюн яна ўзини койиди: «Қилган хатоингнинг жазоси мана шу, энди шоҳнинг барча танбехига чидайсен!»

Таҳмасп юрагида тўпланиб қолган гина-кудуратларни айтиб, кўнглини сал бўшатгандан сўнг, Ҳумоюн секин бош кўтарди:

— Ҳазрат шаҳаншоҳ, тоғдан кўра само буюкроқдир. Шунинг учун мен сизга Кўҳинурни эмас, Самойинурни юборган эдим... Орага ифво уругини сочган одамларни ёмонлашга эса менинг тилим бормайдир. Чунки не қилса ҳам улар менинг юртошларим. Ҳозир биз сизнинг ихтиёриниздаги меҳмонлармиз. Бизни бор қилишга ҳам, йўқ қилишга ҳам сиз, албатта, кодирсиз. Бир ўлим ҳамиша бошимизда бор. Мен ҳеч вақт ундан кўрқиб қочган эмасмен. Агар мендан айб ўтган бўлса, майли, буюринг!

Ҳумоюн Таҳмаспнинг кўзларига довталаб бўлган кабитик қаради. Шоҳ ҳам унинг кўзига кўзини қадаган ҳолда:

«Ўлимдан кўрқмаслигиниги кўрюрмиз!» дегиси келди, аммо бошқа гапни айтди:

— Айб дейил¹. Ов килирмиз! Чоршанба куни ўрмонда. Албрұс дөгиндә. Сизи таклиф этюрмиз.

Ҳозир Ҳумоюннинг кўнглига ов сигмаса ҳам, лекин бу гапларнинг тагида бошқа маъно борлигини сезиб, шоҳнинг таклифини қабул қилди.

* * *

Ов учун Элбрұс тогининг хатарли учмалари кўп бўлган ва машҳур темир дараҳтлари ўсадиган ўрмонизор ёнбагирлари танланди. Овга чиккан кизилбоң беклари орасида Ёкуб Шерафкан номли пахлавон йигит ҳам бор эди. У Мозандарон ўрмонларида йўлбарс билан олишиб, уни енгган, терисини шилиб, шоҳга таклим қилган эди. Тахмасп унга Шерафкан деб ном берган, йўлбарс терисининг эни ярим қарич келадиган узун бир парчасини унинг ўзига эсадалик қилиб қайтарган эди. Ёкуб Шерафкан ҳозир овда ҳам ўша бир тилим йўлбарс терисини ўнг елкасига боғлаб, икки учини белидаги камарининг олдига ва орқасига маҳкам қистириб олган эди. Байрамхон уни узоқдан Ҳумоюнга кўрсатди-ю, қулогига шивирлади:

— Ҳундор душманнингиз ана ўша! Бундан йигирма беш йил олдин унинг амакини Бобур ҳазратларидан қасд элмоқчи бўлганда, шоҳ Исломт қўймаган экан.

— Бўниси энди мендан кимнинг қасдии олмоқчи эмиш?

— Ўша отасининг қасди. Қаршида бегуноҳ ахолини катлиом қилган ашаддий инайлардан бири шу Ёкубнинг отаси экан. Кейин Ҳисорда сизнинг отангиз уни шу ишни учун ўлимга буюрган экан. Бу ҳодисалар бўлган пайтда сиз ҳам, Ёкуб Шерафкан ҳам икки-уч яшар бола бўлгансизлар. Лекин буларда одат шундайки, қасд олинмагунача хундор душманлик авлоддан-авлодга ўтавергай.

— Бу қасд — бизга қарши суникасдга айланса-чи? Шоҳнинг бундан хабари бормикин?

Байрамхон тасдик маъносига боши иргади.

— Менга Сом мирзо яширикча айтди. Орага тушган совукликни Валидбек истифода қилмишdir. Агар шоҳ катый ман этса, Ёкуб унинг азиз меҳмонига тажовуз кила

¹ Бура — бу ерга.

¹ Дейил — эмас.

олмас эди. Бирок ўзимизникилар орага нифок солдилар. Шундан кейин шоҳ кўрсатма беридир: «Ёкуб паҳлавон кучини кўрсатса майли, аммо ўқ отилмасин, курол ишлатилмасин», дебдир... Бу тоғда бузук зовлар¹, ўнгирлар кўп экан. Жуда эхтиёт бўлгайсиз, ҳазратим. Ҳасанали эшик оға, мен, яна йигирма кўриқчи йигит сизнинг ҳимоянгизда событиз. Ёкуб Шерафканнинг ҳам йигирмадан ортиқ йигити бор. Сиз архар овлаганда, улар сизни овлашларини унутманг.

Бундай хатарли дамларда Ҳумоюн ўзининг бутун вужудида алоҳида бир сафарбарлик сезар, борлиги кўзга ва кулоққа айланаб кетгандай, ҳар бир шарпани жуда тез илғарди. Бугун у тоғларда яхши юрадиган энг бақувват ва хушёр жийрон қашқа бадахшоний отини миниб чиқсан эди. Ўзининг ёш йигитлик пайтида Бадахшонда, Помир тоғлари орасида от чоптириб ортирган барча тажрибаси ёдига тушмокда эди. Архарлар тоғнинг баланд қоятошлари орасида бўлар, маҳсус одамлар уларни шоҳ Тაҳмасп ва Ҳумоюн турган ёнбағирларга ҳайдаб тушишга ҳаракат қилишарди. Лекин бу ҷаҳон жонноворлар тошдан-тошга сакраб, яна баланд учмалар томонга қочишарди. Ҳумоюн шоҳнинг олдида кўркок кўринимаслик учун ўша учмалардан бири нинг тепасига от чоптириб чиқди-ю, тўртта архардан бирини ёй ўқи билан уриб йикитди. У билан кетма-кет чиқиб келган Байрамхон ва Ҳасанали ҳам биттадан архар отишиди. Улар ов шавқига берилиб, ўзларининг кетидан писиб келаётган Шерафканни унугтан эдилар. Қаршидаги тошлок ёнбағирда яна бир кийик Ҳумоюннинг кўзига ташланди. Тоғнинг мусаффо ҳавосида узоқлар ҳам якин кўринади. Ҳумоюн, «пастдаги жилғадан ўтсам, нариги ёнбағирга бир лаҳзада етаман», деб ўйлади-ю, қизишиб терлаган отининг жиловини сой томонга бурди. Бирок унга оддий жилға бўлиб кўринган пастдаги сой — уч терак бўйи келадиган учуримли тош жар экан, унинг тагидан оқаётган сувнинг фракат гувиллачи эштилар, аммо ўзи кўринмас эди. Четларини калин буталар ва темир дараҳтлари пана қилиб турган тош жарни Ҳумоюн якин боргандан кўрди. Пастда қорайиб турган ўнгир унинг ваҳмини келтириди. Якин орада от сакратиб ўтадиган жой йўқ, тош жардан пастга кулаган одам чилпарчин бўлиб кетиши ҳеч гап эмас. От ҳам буни сезиб тўхгади. Ҳумоюн жарни айланаб ўтадиган жой бормикан деб, жиловни ўнгга бурди-ю, атрофга аланг-жаланг кўз югуртириди.

¹ Зов — тош жар.

Шу пайт алланарса шамолдай чийплаб бошининг ёнидан учеб ўтди-ю, ёнидаги темир дараҳтининг шоҳи каттиқ силкиниб кетди. Шу заҳоти нимадир илондай ишлонлаб ерга тушди. Бу — сиртмок эди. Ўн қадамчә нарида бўз от миниб турган Ёкуб Шерафкан сиртмокни Ҳумоюннинг бўйнига илинадиган қилиб ташлаган, аммо орадаги дараҳт шоҳи ҳалакит бергани учун аркои мўлжалга илинмай ерга тушган эди. Эллик қадамча нарида от чоптириб келаётган Байрамхон билан Ҳасаналининг йўлини бир талай қизилбош отликлар тўсиб олишди. Шерафканнинг ўзи ва ўнтача қизилбошлар Ҳумоюнни уч томондан ўраб олиниди. Факат жар томон очик қолди. Улар Ҳумоюннинг отига орқадан камчи уриб, уни уч томондан кисиб, тош жарга суриб бора бошладилар. Жойнивор жийрон қашқа бешини орқага силтаб, тўрт оёғини ерга ҳар қанча тираса ҳам, жар томон нишаб бўлгани учун ортдан суриб келаётганинг залвори зўрлик килди. Ҳумоюн ўнг томонида одам сийракроқ эканини, факат битта қизилбош уни ўнгга бурилгани кўймай кисиб келаётганини кўрди. Жиловни кўйнб юборди, оёғини узангидан бўшатди-да, бир сакраб, ўнгдаги қизилбонининг оркасига мингашиб олди, ўна заҳоти уни эгардан ағдариб ташлади. Дарҳол бўши эгарга тарманиб, жиловни кўлига олди. Отни ўнгга буриб тўпдан чинкаётганди яна талпиниб, эгарга минди.

Шу аснода Ҳумоюннинг бадахшоний оти баланд тош жардан пастдаги ўнгирга кулаб тушар экан, ҳаёт билан видолашган каби аччиқ бир кишиади. Эгардан ағдарилган қизилбош эса отлар оёғи тагида колиб кичкирди ва жар лабидаги бутага тармашиб, сафдошларидан ёрдам сўрай бошлади. Бир кисм қизилбошлар у билан андармон бўлди, аммо Шерафканнинг ўзи килич ялангочлаб, Ҳумоюннинг кетидан от чоптириди.

Байрамхон, Ҳасанали ва бошқа кўриқчи йигитлар орадаги йўлни тўсиб туриб олган қизилбошлариниг отларига камчи уриб, бақириб, Ҳумоюннинг олдинга ўтишга интилмоқда эдилар. Ахири Ҳасанали ҳам килич ялангочлади-ю, қизилбошлар куршовини ёриб ўтди ва Ҳумоюнга ҳамла қилиб келаётган Шерафканнинг каршисидан чиқди. Бирок Шерафкан отини жиловидан тортиб олд обёқларига турғизди ва юқоридан Ҳасаналининг бошига шундай килич урдики, ўткир исфаҳоний тиғ бош суюгини тарвуздай икки паллага бўлиб ташлади. Ҳасаналининг елкалари, отининг ёли қонга беланиб, ўлиги эгардан қулаб тушар экан, Шерафкан Байрамхонга кичкирди:

— Арай¹ тушсанг сен ҳам ўлюрсан! Қўй, мен хундор душманим ила олишай!

Ҳумоюн ҳам қиличини сугуар экан, қон тўкишга тайёр турган бошқа қизилбошларга қарата:

— Сенлар ҳам орага тушманлар! — деб қичқирди.

Икки от бир-бири билан айқашиб, икки қилич бир-бирига бало-казодай урилар экан, ҳозиргина бегуноҳ ҳалок бўлган Ҳасаналиниг қасоси ҳам Ҳумоюнга куч бергандай бўлди. Ҳозир у факат ўзини эмас, бегуноҳ катл этилган Қарши аҳолисининг хотирасини, уларга ён босган отасининг руҳини, Қазвина изтироб чекиб ўлтирган Ҳамида бонуни, Қандахорда стим боладай қолиб кетган ўғилчесининг келажагини ҳам ҳимоя қилаётганини бутун борлиги билан хис киларди. Ҳозир булариниг ҳаммаси унга мадад бераётгандай вужудига чексиз бир куч, журъат, чапдастлик қуюлиб келарди. У ёшлиқда икки қўллаб қилич чолишга ўргангандай бўлди. Қазвина шоҳнинг карорини кутиб ойлар давомида зерикиб юрган пайтларида ўнг қўлини орқасига бояглаб қўйиб, чапақайига қилич чолишларни қайта-қайта машқ қилган эди. Ҳозир ана ўша машқлар унга жуда асқатди.

Шерафкан юзма-юз қилич солиб, уни енголмагандан сўнг, темир дарахтини айланаб ўтиб, Ҳумоюнга чап томондан қилич урмокчи бўлди. Буни кўрган Ҳумоюн қиличини дарҳол чап қўлига олди. Шерафкан унинг чапақайига ҳам қилич ура олишини билмай эҳтиётсиз бир ҳаракат қилган эди, Ҳумоюн қулай пайтдан фойдаланди. Унинг чап қўл билан урган қиличи Шерафканинг елкаси аралаш гарданини қаттиқ ярадор қилди. Шерафкан қиличини қўлидан тушириб юборди, хушидан кетиб отдан йиқиладиган бўлгандай йигитлари келиб суюб қолишиди.

Бу олишувни тоф тепасида Валидбек билан Сом мирзо кўриб турган эдилар. Валидбек от чоптириб келиб Ҳумоюнга даъво қилди:

— Сиз нечун овда қилич ялангочлаб, бизим бекни ярадор этмишсиз?

Аммо Байрамхон Ёқуб Шерафканинг ўзи айбдор эканини айтиб, бегуноҳ ҳалок бўлган Ҳасаналининг жасадини кўрсатди. Сом мирзо Ҳумоюннинг шундай таҳликали холатда ўзини мардана тутганидан жуда таъсирланган эди. У акаси Тахмаспнинг олдига боргандা бутун воқеани батафсил айтиб бериб, Ҳумоюнни ёклиди.

¹ Арай — орага.

Шоҳнинг синглиси Шоҳзода Султоним одатдагидай ба-ланц бир жойдан отлик турраб акасининг кийик овлашини томоша қилган, тош жар лабида бўлиб ўтган ҳодисани ўзи кўрмаган бўлса ҳам, бошқалардан эшитган эди. Ҳумоюннинг оти тош жардан қандай қулаб кетгани, унинг ўзи бошқа отга сакраб миниб қандай жон сақлагани, сўнг чап қўл билан қилич чолиб, Шерафкандай паҳлавонни қандай енггани Шоҳзода Султонимни ҳаммадан кўпроқ ҳаяжонга солди. Очиilar орасида шоҳнинг холис кузатувчилари ҳам бор эди. Улар ҳам шоҳга келиб ахборот бергандана мөхмоннинг жасоратига койил бўлгандари сезилиб турарди. Атро-фидаги шунча одамнинг гапи бир жойдан чикқандан сўнг, шоҳ Тахмасп ҳам Ҳумоюнга тан бермай иложи қолмади.

— Шерафкан бизим фармонимизни бузмишдир, яралиқ ўлгани учун ўзи айбдор! — деди Тахмасп қурол ишлатмаслик ҳакида берган фармойишини Валидбекка эслатиб.— Аммо Мирзо Ҳумоюн бизим олий қўнағимиздир². Онга олий ёззоз лозимдир!

Ҳумоюннинг ўнгирга қулаб кетган оти ўрнига шоҳнинг ўзи учун етовда олиб келинган ва эгар-жабдуғи олтин билан зийнатланган чиройли оқ аргумоқ тақдим этилди. Отнинг оқ ранги ҳам ораларидағи кудурат кўтарилганини ҳаммага намойиш этгандай бўлди. Бегуноҳ ҳалок бўлган Ҳасаналининг оиласига шоҳ ўз хазинасидан кattагина нафақа тайин этди. Кечки пайт овда отилган кийиклар, какликлар, ҳилол қушлар гўштидан шоҳона таомлар тайёрланди. Тахмаспнинг кирмизи рангли улкан сақарлот боргоҳига Ҳумоюн билан Байрамхон таклиф этилди. Тахмасп Ҳумоюннинг катталигини энди тан олган каби уни тўрдаги жойга ўтказди. Олтин жомлардаги майинобларга кийик ва каклик кабоблари газак қилинди. Хиёл кайф қилгандаридан сўнг Тахмасп очилиб сўзлади:

— Мирзо ҳазратлари, мен тарих китобида ўқимишам, Сизнинг бобокалонингиз Амир Темур-да ҳар икки эли² ила чоҳ яхши қилич чопмишдир. Сиз чап эл ила қилич чопмакни ўшал бобонгиздан мерос олмишсиз. Ол бобонгиз Анқара яқинида турк султони Йилдирим Баязиди тор-мор этгани бизим Табризу Қазвинарлар учун-да хайрли ғалаба ўлмишди.

Йилдирим Баязиднинг мағлубиятидан юз эллик йил ўтар-ўтмас турк султонлари яна бош кўтариб, нарёғи Бағ-

¹ Кўнаҳ — мөхмон.

² Эли — қўли.

додини, бу ёги Табризни босиб олгани ва сафавийлар давлатига устма-уст тажовузлар қилаётгани шоҳни кўп безовта этарди. Шу безовталиклар даврида турк султонларининг Темурдан тор-мор бўлган пайтларини эслаш Таҳмаспга алоҳида мамнуният бахш этар ва Ҳумоюнни бугунги жасорати учун эъзозлаш имконини берарди.

— Биз сизинг барча истакларингизи бажо этюмиз,— деди у яна сал кайфи ошгач ва Ҳумоюннинг қулогига шивирлади: — Кўхинур бурадами?

Ҳумоюннинг юраги шиг этди.

— Кўхинур... Қазвinda.

— Бир кўрмоқ истарам...

— Бажонидил. Қазвинга қайтсак, ҳузурингизга элтгаймен.

Ичиди эса «майли, бош омон бўлса олмос топилгай» деб, Кўхинур билан ўзича хайрлашиб ҳам қўйди.

* * *

Қазвинга Чилсутун қасри ичиди Нигорхона деб атадиган ва камдан-кам одам кира оладиган нафосат макони бор эди. Камолиддин Беҳзод ва унинг шогирдлари чизган, ҳар бири юз минг олтин таңгага ҳам сотилмайдиган ноёб расмлар мана шу Нигорхонада сакланарди. Беҳзоднинг ўзи бундан олти йил аввал вафот этган, у асос солган Нигорхона ишларига ҳозир Султон Муҳаммад исмли машҳур наққош ва рассом мутасадди килиб тайинланган эди. Таҳмасп болалигидан расм чизишни яхши кўрар, отаси Шоҳ Исмоил уни етти-саккиз ёшида Камолиддин Беҳзодга шогирдликка берган эди. Нигорхонанинг деворларига нақшланган расмлар орасида Таҳмаспнинг мусаффо болалик кўзи билан кўрган ов манзарасини акс эттирувчи сурати ҳам бор эди.

Бугун пешин намозидан сўнг шоҳ Таҳмасп, унинг синглиси Шоҳзода Султоним, Ҳумоюн ва Ҳамида бону — тўртловлари шу Нигорхонани янә бир томоша килгани келдилар. Уларга пешвоз чиккан санъаткорлар орасида асли термизлик бўлган Мир мусаввир ва унинг ўғли Мирсаид Али ҳам бор эди. Ҳумоюн аввал келганда улар билан узок суҳбатлашган, чизган суратларини кўриб, истеъоддларига қойил бўлган: «Агар тангрим бизни муродга етказса, сизларни Кобулга ёки Аргага таклиф этгаймен, борумисизлар?»— деб сўраган эди. Шунда ҳар икки мусаввир бориши

¹ Бурада — бу ерда.

га тайёр эканларини, аммо шоҳ рухсат бермаслигини айтган эдилар. Ҳумоюн шоҳдан рухсатни ўзи олмокчи бўлган ва бунинг учун қулай фурсатни кутиб юрган эди.

Бугун Ҳумоюн бошқа ноёб расмлар қатори Таҳмасп чизган ов манзараларини ҳам кўриб, ундаги бўёкларнинг тиниклигини, тасвиirlардан ёш қалбнинг соф бир ҳарорати сезилиб туришини шоҳнинг ўзига жуда ёқадиган қилиб айтди. Ҳамида бону ҳам Нигорхонадаги ажойиб расмлардан олган завқини Таҳмаспнинг ўзи чизган суратга қўшиб гапирди. Шоҳ бу мақтовлардан яйраб, эриб турганда Ҳумоюн бир четда одоб саклаб кўл ковуштириб турган Мир Саид Алини кўрсатди-да:

— Ҳазрат шаҳаншоҳ, сизнинг Нигорхонангиз бебаҳо гавҳарлар билан тўлмишдир,— деди.— Мир мусаввир асли термизлик экан. Агар ижозат берсангиз, мен уни ўғли билан Кобулга олиб кетсан. Токи сизнинг тарбиянгиз билан ортирган санъатларини бошқа мамлакатларга ҳам тарқатсалар. Бу билан сизнинг шуҳратингиз ҳам бутун оламга ёйлаҗакдир.

Шоҳ Мирсаид Алига қошини чимириб қаради, сўнг Ҳумоюнга юзланиб мийигида кулди.

— Бизим бу мусаввирлар гавҳар яратурлар. Ҳар бир суратини гавҳар янглиғ ўн туман секкага¹ ҳам бермаюрлар.

— Аммо биз буларнинг харажатлари учун шоҳ ҳазратларига минг туман² тўлашга ҳам тайёрмиз.

— Яхши, сиз аввал Кобулга қайting, сўнгра ўйлаб кўрюмиз,— деди Таҳмасп.

Кобул йўлида ҳали қанча тўсиклар борлиги, аввал Қандохорга бориб, Ақбарни кутқариш кераклиги Ҳумоюннинг эсига тушди. У шу бугун шоҳ билан ўзининг орасидаги чигал тутунларни узил-кесил ечиб олмоқчи эди. Ҳумоюннинг маслаҳати билан Ҳамида бўну кеча оқшом Шоҳзода Султонимга учрашган ва энди сирлиги колмаган туморни ва ундаги Кўхинур олмосини, ўғрилар телпагидан топилган лъялларни унга кўрсатган, сўнг бўлган воқеани бир-бир айтиб берган эди. Равшан кўка билан Ҳўжа Фозилар Валидбек эшикоғасининг воситачилигига шоҳ хизматига олинганини эшитган Шоҳзода Султоним:

— Вах, бу хато ўлмишдир,— деб астойдил куюнди, разил ўгриларни Мирзо Ҳумоюн шоҳга айтиб жазо бердир-

¹ Секка — танга. Ўн туман — юз минг.

² Минг туман — ўн миллион. Кейинчалик Ҳумоюн Мир Мусаввир ва Мирсаид Али учун шоҳ Таҳмаспга ўн миллион табризий тўлаб, шундан сўнг уларни Кобулга олиб кетгани тарихий хужжатларда бор.

маганидан таажжубланди. Ҳамида бону Ҳумоюннинг меҳмонда юрганда бундай жанжаллардан андиша қилишини айтди:

— Шаҳаншоҳ ҳазратлари Кўхинур олмосини кўрмоқчи эканлар,— деди Ҳамида.— Марҳамат, қаерга десалар биз Мирзо ҳазратлари билан олиб бориб кўрсатгаймиз. Агар ёктирасалар тақдим этгаймиз. Шу ҳақда ҳазрат оғангиз билан гапиришиб, бизга жавобини айтингиз.

Шоҳзода Султоним бугун эрталаб Таҳмаспга бу гапларниң ҳаммасини батафсил сўзлаб берди. Шундан кейин шоҳ улар билан Нигорхонада учрашадиган бўлиб одам юборди.

Ҳозир бу ердаги нодир суратларни гавҳарга қиёслаб мақтаганларида Ҳамида бону кўлидаги кисага солиб юрган олтин кутичани ва ундан Кўхинурни маъюс бир туйгу билан кўз олдидан ўтказди. Чунки Ҳумоюн Кўхинурни курбон килиб бўлса ҳам шоҳ билан орани яхшиламоқчи ва тезроқ Қандаҳорга бориб Ақбарни кутқармоқчи эди.

Ноёб суратларни кўриб, қалблари нафосат завқидан майинлашган ҳолда Нигорхона тўридаги муҳташам хонайи хосга кирдилар.

Шоҳнинг кўнгли юмшаб турган мана шу аснода Ҳумоюн Ҳамида бонуга «олмосни беринг» дегандай ишора килди. Ҳамида кўлидаги кисадан олтин кутичани олиб, чап қўли кўксига, эрига одоб билан узатди. Ҳумоюн кутичани очди-да:

— Олампаноҳ, Кўхинурни эслатган эдингиз, марҳамат,— деб шоҳга тутди.

Таҳмасп олтин кутича ичидан ҳам нур тоғига ўхшаб жилоланиб турган олмосни кўрди-ю, қалбида кучли бир туйгу мавж урганини сезди. Бу — гўзаллик туйгуси эди. Таҳмаспнинг болаликдаги рассомлик истеъдоди кейинчалик ривож топмай қолган, ўн ёшида отаси ўлиб, тожу тахт жанжаллари бошига тушгач, интиҳосиз уруш-юрушларда қўли нафис мўйқаламни тутишдан чиқиб қолган эди. Аммо унинг ёш қалбида шоир отаси ва улуғ мусаввир Бехзод ўйғотиб кетган гўзаллик туйгуси ҳали ҳам сўнмаган эди. У ўз туғишганлари орасида энг соф ва гўзал инсон деб билган синглиси Шоҳзода Султонимни бунчалик яқин олиб юришининг боиси ҳам — дилида яшаб келаётган ўша гўзаллик туйгуси, покликка ва нафосатга бўлган ташналилек эди.

Ҳозир минг турли жилва билан ёниб турган Кўхинур олмоси унга табиат яратган энг ноёб гўзалликлардан бири бўлиб кўринди. Ҳаётда кичкина бир зарраси ҳам жуда кам

учрайдиган олмос софлиги ва мустаҳкамлиги Кўхинурда тогдай ёмби бўлиб бир жойга йигилганлиги — табиатнинг мустасно бир мўъжизаси эканини Таҳмасп юракдан хис қилган сари завқи ошиб борарди.

Аммо у ўз завқини айтмас, Ҳумоюн билан Ҳамида бону олдида Кўхинурни мақташдан ўзини тийиб турар эди. Чунки агар у мактаса Ҳумоюн Кўхинурни ҳозир унга тақдим этиши керак — иккovi ҳам тан оладиган одат шу эди.

Таҳмасп завқли бир ҳаяжон билан синглисига қаради:
— Самойинурни вер-чи.

Садаф кутичадаги Самойинур Шоҳзода Султонимда экан, уни олиб акасига берди. Таҳмасп икки олмосни икки кўлида ёнма-ён тутиб бир-бирига солишиди.

Катталик жиҳатидан Кўхинур хиёл улканроқ. Аммо гўзалликка келганда Самойинурнинг осмон гумбазини эслатувчи шакли ва унда беҳисоб юлдузлардай чакнаб турган олмос кирраларининг жилваси Таҳмаспга яна бир бетакрор мўъжизадек туюлди. Нариги икки иғвогар Кўхинурни бундан бекиёс катта деб ёлғон гапиргандарини шоҳ энди ўз кўзи билан кўриб турибди. У икки олмосни баробар тутган ҳолда:

— Бу ноёб мўъжизаларнинг ватани ўлмиш Ҳиндистон чиндан-да буюк мамлакатdir,— деди.— Кўхинур...

Шоҳзода Султоним акасига хавотирланиб кўз ташлади. Ҳозир у Кўхинурни мақтай бошласа, тамом, ҳар икки олмос ҳам Таҳмаспни бўлади. Лекин мардлик ва адолатни яхши кўрадиган Шоҳзода Султоним ўз акасидан ифтихор килишини истар, ундан олижаноб бир саховат кутар эди. Агар бусиз ҳам мусофириликда қийналиб юрган Ҳумоюн билан Ҳамида бонудай Кўхинур ҳам олинса ноинсофлик бўлишини куюнчак киз ич-ичидан сезиб, изтироб чекмоқда эди. Ҳозир шу топда ноинсофлик билан олижанобликнинг орасида гўё биргина қадам масофа бор. Наҳотки акаси олижанобликка томон шу биргина қадамни кўя олмаса?

Синглисинг кўнглидан ўтаётган изтиробли саволни Таҳмасп унинг жавдираб турган кўзларидан сезди. Ҳумоюн билан Ҳамида эса тақдирга тан берган каби осойишта. Улар яхши истикбол учун Кўхинурни курбон килишга тайёр туришибди. Шоир отасидаги мардлик ва тантлилик Таҳмаспда ҳам борлигини Ҳамида бону билан Ҳумоюн билиб кўйишлари керак! Шоҳ «Кўхинур» деб, бир тутилиб олгач, гапни бошқа ёкка бурди:

— Кўхинур — ер остидан топилмиш бир тоғ. Бизим

Албрұс тизма дағы Күхіқоғининг¹ шимолида ер остинаң чиқиб, иккі бошли буюқ Элбрұс чүқкисига айланған экан. Ривоятни билүрсиз: бу иккі Элбрұс орасидаги тоғлар ер остидан ўтюрмиш. Ман хәйл әдірамки², Хұмоюн ҳазратларининг Ҳиндистондан кетиши, мусофиротда, күвғинда юриши — тоғнинг ер остига тушиши янглиқdir. Аммо тоғ — ер остида ҳам буюқдир. Ман буни ҳазрат Хұмоюн овда ботирлик күрсатғанда күрмишам. Ҳозир Күхінурни меним элема вериб, чох саҳоват күрсатмоқчи бўлғанларида мен ер остидаги тоғнинг буюклигини яна бир бор хис этмишам. Истарамки, шу тоғ яна ер юзига чиксин. Хұмоюн ҳазратлари ила Ҳамида бегим икковларининг хийд әлидаги мартабалари яна тиклансин. Шу тилак билан Күхінурни ўзингизга қайтиб беражакман. Бизга Самойинурни тақдим этмишсиз. Биз буни энг юксак самовий нур ўрнида қабул қилдик. Күхінур эса ўзингиза ва авлодларингиза насиб этсии!

Таҳмасп олтин қутичани Ҳұмоюнга қайтариб бераётгандан Шоҳзода Султоним акасининг бу ишидан таъсирланиб, уни елкасидан кучди-да, қулогига шивирлади:

— Жоним сиза қурбон, ҳазрат оғажон!

Ҳұмоюн билан Ҳамида ҳам Таҳмаспнинг шоир отаси каби ажойиб ўхшатишлар килишга ва фалсафий фикрлар айтишга кодирлигини энди пайқадилар.

Олтин қутича Ҳамида бонунинг кисасидан қайта жой олди. Таҳмасп уларни кузатиб күяётганды, шоир отасининг Ҳатойи деган тахаллуси бўлганини, унинг ўзи ҳам баъзан ёмон одамларга ишониб хато қилишини, аммо бугун шу хатосини тўғрилаяжагини айтди. Ҳұмоюн кетғач, Таҳмасп ўзининг Чилсутун қасрига қайтди-да, хонайи хосга Валидбекни чакиртириди. Эшик оғага бирдан ғазаб қилиб:

— Сен ҳанси кazzоб ўғриларни меним даргоҳима бошлаб келмишсан?!— деди.

Равшан кўка билан Ҳўжа Фозининг ўғирлик қилғанларини, аёл кишининг туморини титкилаганларини Таҳмасп аввал ҳам эшитган, аммо чандон эътибор бермаган эди. Лекин энди шоҳ уларни бу ўғирликлари ва иғвогарликлари учун шафқатсиз жазога буорди. Равшан кўканинг ўғирлик қилган ўнг қўли билагидан қирқиб ташланди. Сасик иғволар тарқатган Ҳўжа Фозининг бурни кесилди-ю, абадий манқа бўлиб қолди.

¹ Күхікоф — Кавказ тоғлари.

² Әдірам — атаман.

* * *

Энг зўр истаги — тезроқ жанубга йўл олиш, Қандахордаги Акбарга етишиб, ундан нари Ҳиндистонга қайтиш бўлган Ҳұмоюн нуқул шу истакка қарши боришга, асл мақсадидан тобора узоқлашиб, янада шимолроққа кетишга мажбур бўлмоқда эди. Бир йилдан ортиқ олиб борилган музокаралар кеч кузда нихоясига етди, шоҳ Таҳмасп ўзининг тўққиз яшар ўғли Муродни, саркардаси Будағхонни ўн иккى минг аскар билан Ҳұмоюнга кўшиб Қандахорга юборадиган бўлди. Лекин бу қўшинни ҳали бир жойга йигиш ва Ҳұмоюн раҳбарлигида ҳарбий юришга тайёрлаш керак эди. Қазвін атрофларида шоҳининг ўз кўл остидаги ўн беш-йигирма минг аскар бор, уларни бокишдан ташқари от-уловларини ем-хашак билан таъминлаш осон эмас, куз тугаб, қиши яқинлашмоқда. Қиши ўчоги эса тор. Шу сабабларга кўра Ҳұмоюн ва унинг одамлари шоҳ вакили Будағхон билан бирга Қазвіндан шимолдаги кенг жойларга — Ҳазар денгизи бўйларига бориб кўшин тўплаши, сўнг ўша ёкларда Қандахор юришига тайёрлик кўриши мақсадга мувофиқ топилди.

Улар Элбрұс тогидан ва Мозандарон ўрмонаридан ўтиб, денгиз бўйларига келгунларича совук тушиб қолди. Ҳамида бону Қандахорда кийган исесик самур пўстинин яна сандикдан олди.

У ҳам, Ҳұмоюн ҳам денгизни умрларида биринчи марта кўрмоқда эдилар. Қирғоққа муттасил урилиб турган долга тўлқинлар қаттиқ шамол турганда атрофга сув зарраларини учиради. Ҳұмоюн денгиз билан ўрмон оралигидаги кенг бир саҳни кароргоҳ учун танлади-да, ҷодир ва ўтовлар ўриатилгунча Ҳамида бонуни кемага солиб, денгизда сайр қилдирди. Ҳавонинг қовоғи солик, денгиз нотинч, каттакатта тўлқинлар маст тудай кўпирб, кемани у ёқдан-бу ёкка улоктиради. Қирғоқдан узоқлашганлари сари тўлқинлар йириклишиб борар, уч томон кўз илгамас кенглик, ҳаммаси ҳаракатланиб кўпирб ётган сув.

Ҳұмоюн денгизнинг шимол четига етгунча кема салкам бир ой сузиши кераклигини, шу бир ойлик йўлнинг ҳаммаси яхлит, интихосиз сув эканини айтганда Ҳамиданнинг вахми келди. Кеманинг чайқалиши ҳам кучайиб кетгандан сўнг унинг боши айланади.

Ҳозир яна унинг бўйида бўлған, уч ойдан сўнг янги фарзанд туғилиши керак. Лекин мусофирикда, оғир руҳий

азоблар ичидә мудом Акбардан хавотир бўлиб яшаётган Ҳамида бону ўзини жуда нохуш ва беҳол сезар, иккйинчи бола касалманд туғилмаса деб қўрқарди. Ҳумоюнда ҳам Синд бўйларида Акбар пайдо бўлган пайтлардаги ички кўтарилик ийқ, у Қазвинга мураккаб ва муте ҳаётнинг руҳий қийноқларини бирпастга унугтиси келиб гоҳо афюн истеъмол қиласарди. Ҳамида унинг афюн кайфидан ўзини күшдай ёнгил сезиб, хандон уриб кулган пайтларини, эртасига эса ланж бўлиб, бўшашиб ўлтирганларини кўрар, «Шундай кунларда бўлган боланинг умри қандай кечаркин?» деб баттар безовталанарди. У Ҳумоюндан илтимослар килиб, афюнни иккйинчи истеъмол қилмасликка сўз оларди. Лекин орадан ўн беш-йигирма кун ўтиб, Ҳумоюннинг бошига яна биронта чигал ва мураккаб мушкулот тушар, кечалари ухлай олмай қийналар, ахири ҳакимидан мошдай кора афюн сўраб олиб, уни гулобга кўшиб эзиб ичар ва шу билан хиёл тинчир эди.

Денгизда нохуш чайкалиб бораётган кема бунинг ҳаммасини Ҳамиданинг ёдига туширди-ю, боши баттар айланиб, пешонасидан совуқ тер чиқди. Ҳумоюн унинг ранги оқарип кетганини кўрди ва кемани қирғоққа қайтаришни буюрди.

Кирғоқдан анча наридаги қароргоҳда аёллар учун шамолпана жойга катта саропарда ўрнатилган, унинг ичига чодирлар тикилган эди. Денгиз сайридан беҳол бўлиб қайтган Ҳамида бонуни канизи тўрдаги ўтовга олиб кириб анор шарбати ичиди ва иссиқ жой қилиб ётқизди.

Ҳумоюн атроф яхши кўринадиган баланд бир жойга саккиз бурчакли оқ ўтов тикириб, уни ўзига қабулхона — боргоҳ килган эди. У кема сайридан шу ўтовга қайтганда Байрамхон барра пўстин ва қулоқчин кийган қўнғир соқолли бир кишини унинг олдига бошлаб келди.

— Ҳазратим,— деди Байрамхон,— Аграда сизга қарчиғай совға килган московиялик меҳмон ёдингиздами?

Ҳумоюн бундан беш йил олдин кўрган Матвей Калигинни дарров таниди ва саломлашиб, боргоҳга таклиф килди. Матвей Семёновичнинг ёнида ўн саккиз ёшлардаги барваста йигит ҳам бор эди.

— Ўғлим Аким!— деб уни Ҳумоюнга таништирди. Отабола иккovi ҳам мезбоннинг хурмати учун бошларидан қулоқчиликарини олдилар. Уларнинг гардиш қилиб кесилган ўсиқ қўнғир соchlари бир-бирларини кида жуда ўхшар, факат Матвейнинг соchlарида оқи кўпайиб қолган эди.

— Сизни бу жойларга қандай шамол учирмиш?— сўради Ҳумоюн.

— Каспий шамоли!— деб Матвей денгиз томонни кўр-

сатди. У Ҳазар денгизини Каспий деб ўрганган эди.— Бу денгизни шимол томонида бизнинг ватанимиз Россия бор. Аградан ҳазрат отангиз Москвага элчи қилиб юборган Ҳўжа Ҳусайнни бизнинг одамлар ҳалигача Бобурин деб атаб, эслаб юрадилар. У яшаган хутор каттагина қишлоққа айланиб Бабуриномони олган. Бу ерда Ҳўжа Ҳусайн кўринмайдир. Боши омонми?

Ҳумоюн оғир уҳ торти:

— Ҳўжа Ҳусайн бошқа кўп жасур кишиларимиз като-ри Шерхон билан бўлган жангларда тангри раҳматига борди...

Матвей Семёновичнинг овози мусибатдан титраб:

— Царство ему небесное!¹— деди-да, бир чўкиниб кўйди. Оғир хўрсиниб, Ҳўжа Ҳусайндан кўрган яхшиликларини эслаб кетди:— Ўшанда мени зиндандан чикариб ўйига олиб борди, парваришлаб дармонга киргизди! «Шерхон бостириб келмасдан тезроқ жўнанг» деб, барча каму кўстимни тўғрилаб, ватанимга кузатиб кўйган эди.

Матвей Семёнович Москвага кайтиб боргунча яна кўп хавф-хатарлар ва машаққатларни бошдан кечирди. Лекин у Ҳўжа Ҳусайн ёрдамида Хиндистондан олиб кетган парчалар, нодир матолар, марваридлар, мушку анбарларни Москва зодагонлари катта пулларга сотиб олиши. Матвей Семёнович белини анча бакувват қилгач, Новгороддан бутун бир кемани ўнтача одами билан уч ойга ёллади-ю, унга Каспийнинг жанубий қирғогида яхши қадранадиган мўйналар, асаллар, зигирпоядан тўқилган чиройли матоларни ортиб Мозандаронга келди. Бу ердан эса ипак ва ип газламалар, майиз, қанд, новвот каби Московияда тансик бўлган ширийликлар олиб кетмоқчи.

— Московияда хозир ким подшо?— деб сўради ундан Ҳумоюн.

— Иван Тўртинчи². Сизнинг отангиздан элчи бўлиб борган Ҳўжа Ҳусайн унинг отаси Василий Учинчи билан учрашган эди. У вафот этди.

— Подшоларинг биз томонларга элчи юбормоқчи эмасмикин?

Матвей Семёнович бош чайқади:

— Подшомиз ҳали ёш, энди ўн тўртга кирди. Хозир мамлакат ичидаги ташвишлар ҳам унга етиб ортади.

¹ «Осимон шоҳлиги унга насиб қилсан», яъни жойи жаниятдан бўлсан!

² Иван IV — Кейинчалик Иван Грознийноми билан машҳур бўлган.

— Қандай ташвиш?

— Тарқок вилоятларни Москва атрофига бирлашириш осонми! Боярлар ҳаммаси ўзича бир пəдшо бўлгиси келгай. Лекин Иван Тўртнчи ёш бўлса ҳам қаҳри ёмон деб эшитдим! Итоат этмаганларни аямай қийратар эмиш. Бошқалари буни кўриб, ёш подшонинг олдида титраб турармиш. Ҳозир бизнинг мамлакат Московия эмас, кўп вилоятлар бирлашиб, Россия номини олди.

— Сизларда ҳам ички парокандалигу вилоятларни бир марказ атрофига бирлашириш муаммоси бор экан-да,— деди Ҳумоюн таассуф билан.

— Аммо бизда тамға солиги йўқ,— деди Матвей.— Лекин бу ерда тамға солиги жуда баланд экан.

— Қанча?

— Мусулмон бўлсангиз сотган молларингизнинг йигирмадан бирини олурлар. Бизга ўхшаган бошка диндагилар молининг ўндан бирини тамға солигига тўлашга мажбур. Шоҳ Тахмасп сизни жуда ҳурмат килурлар, деб эшитдим. Бир оғиз айтсангиз, ҳазратим, бизни шу соликдан озод этсалар.

Ҳумоюн ўйланиб қолди. Матвей Калитин унинг олдига бир чеккаси шу адолатсиз соликдан ҳимоя истаб келган эди.

— Жаноб Матвей, бу ерда биз ҳам сиз каби мусофири миз. Шоҳнинг ички ишларига аралашолмасмиз. Агар Ҳиндистон бизга насиб этса, яна боринг, ўшанда бажонидил...

— Такдир сизни қўлласину яхши ниятингизга тезроқ еting, Мирзо ҳазратлари. Аммо Матвей Калитин Ҳиндистонга қайтиб боролмаса керак.

— Нечун?

— Ёш кетиб қолди. Мана, соч-соқоллар оқарди. Икки орадаги йўл азобларига энди соғлигим бардош беролмагай. Аммо Ҳиндистонда кўрган ажойиботларимни, сиз билан Ҳўжа Ҳусайн қилтан одамгарчиликларни умрбод унутмасмен. Агар сиз бўлмасангиз, жоҳил Сайд Халил мени зиндонда чиритиб юборган бўларди. Бунинг ҳаммасини мана бу ёшларга,— деб Матвей Семёнович ўғли Акимга ишора қилди,— сўзлаб тамом қиломасмен. Истайменки, икки орада борди-келди бўлиб турсин. Мен бўлмасам, ўғлим келгусида Ҳиндистонга сизни сўроқлаб боргай. Шунинг учун форсий, туркий тилларни ўрганмоқда.

Ҳумоюн Акимга қизиқиб бир кўз ташлаб олди. У ички бозорларда харидорларни алдаб бой бўладиган савдогарларни ёмон кўради. Аммо карвонлар ва кемаларда узок

йўлларнинг юз хил машаққатларини енгиб, қитъадан-қитъага нодир буюмлар билан бирга кўп янгиликларни ҳам олиб борадиган Матвей Калитинга ўхшаш тижорат кишиларини ҳурмат қиласади. Шунинг учун у адолат истаб келган Матвейга қўлидан келган ёрдамни бергиси келди. Матвей Аграга совға килиб элтган иссик самур пўстин бултур Қаңдаҳор совукларида Ҳамидага жуда аскатгани, қорли Элбрус тоғидан ҳам бегим шу пўстинга ўраниб ўтганини эслади.

Ҳумоюн кўйин чўнтағидан ичи қат-қат килиб тикилган чарм ҳалтача олди. Ҳалтачанинг бир қатида иккита ёқут турган эди. Шуларнинг йирикрогини кафтига қўйди-да, Матвей Семёновичга узатди.

— Олинг, мендан эсадалик. Балки тамға солиғининг хиссаси шу ёқутдан чиқар.

Матвей Семёнович ял-ял ёнаётган қип-қизил, йирик ёқутни таъзим билан олар экан, унинг қиймати жуда баланд эканини сезди. Нафакат тамға солиғининг хиссаси, балки ўзи кемага ортиб келган барча молларининг берадиган фойдасидан ҳам бу ёқутнинг нархи баландрок эканини унинг тажрибали кўзлари дарҳол пайқади.

— Бу совғангиз мен учун бебаҳодир,— деди у Ҳумоюнга.— Мен буни авлоддан-авлодга мерос килиб қолдиргаймен. Мана, ўғлим Аким ҳам, унинг фарзандлари ҳам буни бизга ким инъом қилганини эслаб юрсинлар.

— Ҳумоюн бу гапларни маъқул кўриб, бош иргади:

— Жаноб Матвей, фарангистонлик Пакавир Шерхон томонига ўтиб, бизга тўғаноқ берганда, сиз холис туриб бизга кўмак берган эдингиз. Менинг эзгу тилагим шулки, сиз мансуб бўлган ҳалқ билан бизнинг элимиз ораси ҳамиша шу ёқутдай беғубор турсин. Муносабатларимиз доим лаълнинг қирмизи чўғидек ёниб турсин!

Улар қадрдонлардек илиқ ҳайрлашдилар. Ота-бона денгиз бўйидаги кемаларига томон қайтар эканлар, Ҳазар денгизининг қишки совук тўлқинлари уларнинг бошлари оша кўйка сапчигудай қўринар ва жўшиб, кўпиреб ётарди. Ҳумоюн кемада бирпас сайр қилиб, бу тўлқинлар орасида қандай беҳаловат бўлганини эслади. Шимолдан келган азamat отабола ҳафталар, ойлар давомида гоҳ ҳатарли тўфонлар, гоҳ денгиз қароқчилари билан олишиб, серғазаб Ҳазар денгизининг бу бошидан нариги бошига сузиб ўтишлари учун канчалик куч ва журъат кераклигини ўйлади-ю, уларга ичичидан қойил бўлиб қўйди.

* * *

Икки орада шиа-сунний жанжаллари чиқмасин учун Будағхон бошлиқ кизилбош аскарлари алохидар кароргохга тұпламмоқда әди. Ҳумоюннинг кароргохидаги қүшин ҳам күн сайин күпайиб борарди. Байрамхон Ҳазар бүйидаги сунний мазҳаблик туркман қабилаларидан беш-олти юз беку навкарни Ҳумоюн хизматига тортди. Шу орада Турдібек Туркестоний Хуросонга бориб Ҳумоюнга яна бир талай тараждорлар топиб келди.

— Ҳазратим, ҳатто ўзбекнинг машхур Шайбон уругидан бўлган Алиқулихон номли бек ҳам иниси билан сизга анча мойил,— деди Турдібек.— Ўзи билан сўзлашмоқчи бўлсангиз, одам юборай, қабулингизга келсин.

— Шайбон уругидан бўлса, Хуросонда не қилур?— тажжубаниб сўради Ҳумоюн.

— Уларни Бухородаги уруғдошлари сиғдирмагандан кейин, Хуросоннинг Жом шаҳрига келиб қолган экан. Турондаги шайбонийзодаларга адватлари чексиз. Сизнинг Самарқанду Бухорони улардан тортиб олишингизни истайдир. «Агар Мовароуннахрга кайтмоқчи бўлсалар, биз хизматларига киргаймиз», дейдир.

Ҳумоюн ўйланиб колди. Ҳиндистонда Шерхоннинг ҳокимияти тобора мустаҳкам бўлиб бормоқда. Панжоб ва Аградан маълумот юбориб турган хуфиялар Шерхоннинг қўшини юз йигирма мингга етиб, хеч ким бас келолмайдиган қудратга эга бўлганини хабар қилдилар.

Мовароуннахрда эса шайбонийзодаларнинг ҳокимияти парча-парча бўлиб заифлашиб бормоқда. Самарқанд Бухоро хонига итоат этмайди. Фарғона водийсида мустакил хонлик пайдо бўлмоқда. Тошкент ҳам Бухоро хонлигидан ажralиб чиққан. Ҳаммаси бир-бири билан қирпичок бўлиб урушмоқда. Илму санъат орқага кетган. Жоҳил шайбонийзодалар ҳатто Навоийни «Темурийлар шоири» деб айблаб, шеърларини тақиқ этганлар. Кадимий маданият марказлари бўлган Эрону Хуросон билан алоқа узилган, шиасунний адовати авжида.

Ҳумоюн уч ёшида Самарқандга бир мартагина борган, Тошкент ва Фарғонани умрида кўрмаган. Лекин ота-боболарининг ватани уни ўзига тортади. У Қандахор ва Кобулни қайтариб олгани билан Шерхон ҳали-бери уни Ҳиндистонга йўлатмаслиги мумкин. Балки Кобул эгалланғандан сўнг Ҳумоюн ота юртига кайтар?

Шу ўй билан у Алиқулихонни ўз ҳузурига таклиф қилди.

Ўттиз беш ёшлардаги, қисик кўзли, барваста Алиқулихон ўзига ўхшаб кетадиган ўттиз ёшлардаги укаси Баҳодирхонни ҳам бошлаб келди. Ақа-ука иккови ҳам Навоий ва Бобур шеърларидан юзлаб сатр ёд билар эканлар. Алиқулихон Султон тахаллуси билан, Баҳодирхон эса Ғазали номи билан шеър ёзар эканлар. Сұхбат давомида буни билгани сари, Ҳумоюннинг уларга кизиқиши ортиб борди.

— Ҳазратим, мен Шайбон улусидан бўлсан ҳам руҳан Шайбонийхонга эмас, сизнинг шоири отангизга кўпроқ яқинлик сезурмен,— деди Алиқулихон.— Мирзо Бобур учун ватандан айрилиш кандай оғир кўргилик бўлса, Мовароуннахрдан Бобурнинг кетиб қолиши биз учун ҳам улкан йўқотишидир. У кишининг ортларидан қанча истеъоддли, фозил кишилар ватандан кетдилар. Мовароуннахр шу туфайли ҳам маънавий инициаторга учради. Отангиз-ку, қайтиб келолмадилар. Балки энди сиз ўша фозиллару истеъоддларни Мовароуннахрга яна қайтариб олиб борурсиз? Шу билан ватанимизнинг Улуғбеклару Навоийлар давридаги маънавий юксалишлари янгидан боштанса... Орзуимиз ана шу!

— Мен учун ҳам бу — улуғ бир орзудир!— деди Ҳумоюн. Алиқулихон ва Баҳодирхонларга яна Искандархон номли тошкентлик бек ҳам кўшилди. Бу учовининг иккى мингдан ортиқ навкари бор әди, ҳаммаси бирлашиб, Қандахорни қайтиб олишда Ҳумоюнга кўмак берадиган бўлдилар.

Ҳазар бүйида тайёрланаштган бу ҳарбий юриш қанча сир тутилса ҳам, хуфиялар учининг дарагини алла-қачон Комрон билан Аскарийнинг қулогига етказган эдилар. Аскарий Ҳумоюн билан шоҳ Тахмаспнинг бирлашган қўшинига бас келолмаслигини билиб, Комрондан ёрдам сўради. Бирок Комрон Кобулни ҳимоясиз ташлаб кетолмаслигини айтиб инисига мактуб ёзди. «Акбарни энагалари билан дархол Кобулга жўнатинг!— деб буюрди Аскарийга.— Акбар — Ҳумоюннинг жони. Агар огамиз Қандахорда сизни қизилбошларга курбон килмоқчи бўлса, Кобулда ёлиз ўғли ҳам тирик қолмагай. Биз буни унга маълум килгаймиз».

Итоатга ўргангай Аскарий кечаси эл ухлаганда Моҳим биби ва Жажжи энагаларни оёққа туртизди. Уларнинг Акбардан ташқари ўз фарзандлари ҳам бор, Адҳам ва Азиз кўкалар ҳам ҳали уч ёшга кирмаган мурғак болалар. Уч бола бевакт уйғотилганидан гашлик килиб йиглайди. Моҳим энага Аскарийнинг оёғига йикилиб:

— Болаларга раҳм қилинг, киши чилласида ҳайф бўлиш масин!— дейди.

Жажжи энага Аскарийнинг хотини Салтанат бегимига

ялинади. Лекин Аскарий Комроннинг буйругини бажармай иложи йўклигини айтади.

— Ахир бу болалар от минолмаса!— деб куюнади Моҳим энага.— Тойғоқ йўлларда буларни ўнгариб юриб бўлмаса! Кобул бир хафталик йўл! Қандок етказиб боргаймиз?

Салтанат Аскарий билан гаплашиб, туяларга атрофи иссиқ кигизлар билан ўралган қажавалар ўринатицни буюрди. Болаларни иссиқ кийинтириб, оналари билан шу қажаваларга ўтқазиши. Йиглаб-сиқтаб Қандахордан тун ярмида йўлга чиқдилар. Эртаси куни оқшом бир қишлоқда тунашга тўхтагантарида Ҳумоюннинг шу атрофларда яшириниб юрган хуфияси Йўлчибек Моҳим энага билан учраши. Кечаси болалар ухлаганда Моҳим энага Ҳамида бонунинг номига мактуб ёзди.

— Бегим қаерда бўлсалар ҳам, шу мактубни етказиб беринг,— деб Йўлчибекдан илтимос қилди.

Йўлчибек мактубни қиш чилласида узоқлардан Ҳазар бўйига етказиб келди. У бевосита Ҳамида бонуга мурожаат қилишдан ийманиб, аввал Ҳумоюннинг ўзига учраши-ю, эшигтан-билган воқеаларини бир-бир айтиб берди. Ҳумоюн Қандахордан Кобулга борадиган паст-баланд йўллардан қишида ўтиш қанчалик машакқатли бўлишини биларди. Энагалар учта ёш болани бу йўллардан азоб-укубат билан олиб ўтиб Кобулга боргандарида уларни ким кутиб олади? Ҳумоюн энг аввал ўзининг ашадий душманлари бўлган Сайд Ҳалил, Қорачаон ва Афзалбекларни кўз олдига келтирди. Бу ёвуз одамлар унинг мурғак ўғилчасига ҳар қандай ёмончиликни қилишдан тап тортмайди. Ҳумоюн шуни ўйлаганда, эртагаёқ Кобулга қўшин тортгиси келди. Лекин қишида Кобулга факат Қандаҳор томондан ўтиш мумкин. Шоҳ билан тузилган шартнома бўйича ҳам у аввал Қандаҳорга юриш қилиши шарт.

Ҳумоюн бу юришини хутнинг ўрталарида бошлашга қарор берди. У Ҳамидани ҳам йўлга тайёрлаши керак эди. Саропардага боришдан олдин хиргоҳда ёлғиз қолиб, Моҳим энагадан Йўлчибек келтирган мактубни кўлида бирпас айлантириб кўрди. Буни Ҳамидага бериб бўлармикин? Балки ичida Ҳумоюн ҳам билиши керак бўлган зарур гапи бордир? Ахийри сабри чидамай мактубни очди.

Ақлли Моҳим, воқеанинг энг ёмон тафсилотларини Йўлчибекдан оғзаки айтиб юборган, мактубга эса иложи борича таскин берадиган гапларни ёзган эди:

«Тантрига шукурки, Ақбаржон кўкалдошлари орасида энг соғломи, худо уни анча-мунча касалликларга ва машак-

катларга бўй бермайдиган бақувват бола қилиб яратган экан. Қаттиқ совукларда ҳам икки юзи қип-қизил бўлиб юрибdir. Аммо дили жуда сезгир, атрофида ёмон одам пайдо бўлса ўзидан-ўзи безовталанур. Йўлда ҷарчадик, кечаси тўхтаган жойимизда чироқни ўчириб ухлашга ётдик. Лекин Ақбар ҳеч ухламади, ғашлик қилиб йиглайверди. Совқотдимикан деб қарасам, йўқ, юзлари, кўл-оёклари илик, нукул йиглайдир. «Ёйик, ёйик»,— дейдир. Сўзига тушунмай ҳайрон бўлдим. Кейин билсам, «ёруғ» дегани экан, «ре»га тили келишмай чироғни сўраган экан. Чироғни қайта ёқиб қўйган эдим, тинчиб ухлаб колди. Мен хозир шу қора чироғ ёруғида мактуб ёзмоқдамен. Атрофимида Комроннинг ёвуз одамлари юрганини бола ҳам сезгани учун менинг юрагим таҳлиқида. Лекин сиз шунга ишонингки, мен тирик бўлсан, Ақбарни жон ўрнида асррагаймен. Кобулда Ҳонзода бегим билан Гулбадан бегим борлар. Эсон-омон етиб борсак, мен улардан албатта ҳимоя сўрагаймен. Лекин сиз ҳам иложи борича тез етиб келинг, бутун нажотни биз ҳазратим икковингиздан кутгаймиз».

Ҳумоюн мактубни Ҳамидага хозирча кўрсатмади. Факат Қандахордан Йўлчибек келганини ва «Ақбар кўкалдошлари орасида энг соғломи», деб мактаганини айтиб берди.

— Синд бўйида бизнинг оловли муҳаббатимиздан пайдо бўлган бола, худо ҳоҳласа, барча мушкулотларга бардош бергай!— деб Ҳамидага тасалли берди.

Доим ўғлига илҳақ бўлиб яшайдиган Ҳамида бону огироёқ бўлса ҳам тезрок Ақбарга етиб боришини истарди. Шунинг учун Ҳумоюннинг:

— Бир ой ичida йўлга чиқгаймиз, тайёрлик кўринг,— деган гапини қувониб қарши олди.

Ҳумоюн хутнинг ўрталарида Элбрус тогини шаркий томондан айланниб ўтиб, Хуросон орқали Қандахорга йўл олди.

ҚАЛАНЖАР. ҚАСОСЛИ ДУНЁ

Худди ўша милодий 1545 йилнинг қишида Шерхон Ганганинг жанубидаги Қаланжар қатъасига ҳужум бошлади. Ҳазар денгизи бўйидан жанубга қараб келаётган Ҳумоюн билан Қаланжар орасида минглаб чақирим масофа бор. Аммо Шерхоннинг атроф мамлакатлардан маълумот юбориб турган хуфиялари Ҳумоюннинг тарафдорлари кўпайиб бораётганини, шоҳ Таҳмасп берган ўн икки минг аскардан

ташқари яна бир неча минг ўзбек, туркмай жангчилари унинг қўшини сафида келаётганини хабар қилдилар.

Шерхоннинг бир юзу кирқ минг отлиғу пиёда қўшини, беш минг жанговар фили бор. Лекин Қандахорга яқин бўлган Синд ва Умарқутда Шерхонга бўйсунмасдан, Ҳумоюннинг қайтишига кўз тикиб турғанлар кўп. Шимоли шарқдаги Кашмир вилоятида эса Ҳумоюннинг тоға авлодидан бўлмиш Мирзо Ҳайдар ҳукмронлик қўлмоқда. Илож топилса у ҳам Ҳумоюнга ёрдам қўлини чўзиши мумкин. Шерхон Қаланжар қальясини эгалласа, кейин Панжобга келиб, Кашмирдан Ҳумоюн томонга чўзилиши мумкин бўлган ёрдам қўлини бутунлай кесади. Ана ундан кейин Шерхон бор кучини тўплаб, Синд ва Умарқутдаги душманларининг додини беради. У ўзидан олдин хеч бир подшо ўтказмаган катта ҳарбий ва молиявий ислоҳотларни бекорга ўтказётгани йўқ.

Шерхон бу мамлакатни кийнаб юрган ҳинд-мусулмон диний низоларига чек қўймоқчи, ўзининг «Шершохи Одил» деган номини оқладиган улуғ ишлар килиб, янги сулолага асос солмоқчи. Шунинг учун «ғайридин» деган тушунчаларга қарши бориб, давлат маҳкамаларига ҳам, ўз аскарлари сафига ҳам минг-минглаб ҳиндларни қабул қилди. Барча шахару қишлоқларда ҳисоб-китоб ишларини тартибга солувчи ва амалдорлар устидан каттиқ назорат ўрнатиб, пораҳўларининг жазосини берувчи марказий маҳкамага ҳинд ражпутлари орасидан чиккан тадбиркор Тодар Мални бошлиқ килиб қўйди.

Қаланжардаги ражпутлар Кират Синх бошчилигида қатъани маҳкам бекитиб, Шерхонга дарвоза очмаганларидан сўнг, у мана шу Тодар Мални орага қўйиб, қўргондагиларни муросага чакириб кўрди. Қаршилик килиши фойдасис эканини, Шерхон Қаланжардан зўрроқ ражпут кўргонларини забт этганини Тодар Мал қўргон ҳимоячиларига кўйиб-пишиб тушунириди. Агар Қаланжар ҳимоячилари омон колишини истасалар жангни тўхтатиб, Шерхон билан сулҳ тузсинлар. Шундан кейин Шерхон уларни афву этади, молу жонларига тегмайди, Қаланжар рожалари ва обрўли ражпутларига Дехли атрофларидан яхши жогирлар беради.

Аммо Қаланжар қальаси жуда мустаҳкам, унда ичадиган сув ҳам, захира ҳам етарли эди. Шерхоннинг аввалги хийлаю найрангларидан жабр кўрган читорлик, райзинлик ва биканурлик рожалар Қаланжар ҳокими Кират Синх атрофида жипслашган эди.

Тодар Мал Шерхоннинг хайрли ишлари ҳам кўплигини айта бошлаган эди, Кират Синх унинг сўзини кесди:

— Шерхон Райзин қальасида сулҳ тушиб, Пуран Мални ўлдирганига не дейсан? Биз, ражпутлар, мард, содда одамлармиз. Шерхон рожа Мал Девага ўзини дўст кўрсатиб, хатлар ёзган эди, охирида уни не кўйга солди?

Тодар Мал бу саволларга жавоб тополмай тутилиб қолди. Шерхон Ражпутана ҳокими рожа Мал Девага қарши қандай макру ҳийлалар ишлатгани унинг ҳам эсига туша бошлади.

Мал Дева машҳур саркарда Рана Санграм Синхнинг ўғли эди. У Ражпут вилоятларини бирлаштириб, Шерхонникидан ҳам улканроқ ва кучлирок қўшин тўплаган эди. Жоудхпурдан шарқдаги илк тўқнашувларда Шерхон бу зўр қўшинга бас келолмай икки ой йўлида тўхтаб қолди. Ана шу ойлар ичida у ёв қўшини орасига кириб олган ўз маҳфий одамларини ишга солди. Мал Деванинг қаттиқ-қўллигидан, ҳадикчилигидан норози бўлиб юрган Биканир, Нагор рожалари бор эди. Хуфиялар Шерхонга уларнинг номларини билиб бердилар. Шерхон худди Дехлидаги Амир Бахлулга ёзган мактубига ўхшатиб, Мал Деванинг кўл остидаги саркардалардан Бирам Дев, Роа Калянларнинг номига маҳфий хат ёзив юборади. Бу хатда Шерхон Мал Девадан норози бўлиб юрган бошқа уч-тўртта ражпут саркардаларининг номини ҳам илиқ сўзлар билан тилга олади. Бу рожалар Шерхонга хеч қандай мактуб юбормаган бўлсалар ҳам, Шерхон гўё улардан яширин мактуб олгану энди шунга жавоб берадиган киши бўлиб ёzádi:

«Мал Дева нечоғлик золим ва қобилиятсиз хукмдор эканлиги маҳфий мактубларингизда келтирилган тафсилотлардан бизга аён бўлди. Иншоollo, унинг иллатлари ўзининг бошига еткусидир. Бизга хайриҳоҳ бўлган бошқа ражпут саркардаларга ҳам кароримизни маълум қилинг. Биз зинҳор дину миллат айирмагаймиз. Сизлар билан биргаликда улуғ Ашока¹ давридаги ғяона ва қудратли ҳинд давлатини барпо этмоқчимиз. Биз Мал Девани юзма-юз жангда ҳам енгишга қодирмиз. Аммо ортиқка қон тўкилмаслиги учун сизлар кўплашиб Мал Девани тутиб беринглар. Шундан сўнг ҳар бирингиз бизнинг энг улкан иноятларимизга сазовор бўлурсиз ва тилаган вилоятингизга ҳоким этилажаксиз».

Шерхоннинг ўз қўли билан ёзилган ва унинг ҳақиқий муҳри босилгандан мактубни Мал Деванинг маҳсус одамлари жосуснинг чўнтағидан топиб олишади. Бирам

¹ Ашока — Эрамиздан олдинги III асрда ўтган ва бутун Хиндистон ярим оролини бирлаштириб, ғяона давлатга айлантирган подшо.

Девнинг якин одами бўлган бу «жосус» аслида мактубнинг ўз чўнтағига қандай кириб колганини мутлақо билмайди, Шерхоннинг хуфиялари бу ишни худди Аградаги каби усталик билан яширикча қиласидар. Аммо хиёнатни кўп кўриб, ҳадикчи бўлиб қолган рожа Мал Дева бечора «жосус»нинг «мактубни чўнтағимга ким солиб кетганини билмайман», деган гапларига мутлақо ишонмайди. У Шерхон билан бир неча марта хат ёзишган эди. Ўша хатларни ҳозиргиёсига солиштириб кўриб, мактубни Шерхоннинг ўзи ёзганига ва ҳақиқий муҳрини босганига амин бўлгач, «жосус»нинг бошини кесдири. Шерхоннинг мактубида номи кўрсатилган «хоин» саркардаларга қўшиннинг ярмидан кўпи итоат этади. Агар Мал Дева уларни туттираман деса ички уруш бошланиб кетиши мумкин. Бироқ Мал Дева Шерхон билан тил биритирган саркардалар орасида қолса хиёнатнинг курбони бўлиши хеч гап эмас. Унинг ҳадикчилиги ғолиб келади-ю, ўзига содик эллик минг одамни бир кечада қароргоҳдан кўчиради, Ражпутана юртининг пойтахти Жаудхпурни ташлаб, Сивана деган жойга чекинади. Шу тарзда бир-бирига ишончини йўқотиб пароканда бўлган ражпут саркардаларини Шерхон битта-битта енгид, бартараф қиласи. Уларнинг тирик қолганлари Қаланжарга келиб жон саклайдилар.

— Энди у ҳодисалар такрор бўлмагай, Шершохи одил ҳозир ўз номларига муносиб адолатли йўл тутмоқчилар, сулҳ тузайлик! — деб, Тодал Мал Қаланжар хокими Кират Синҳдан қайта-қайта илтимос қилди. Аммо Кират Синҳ уни уришиб ташлади:

— Сен бизни Шерхонга тутиб бермоқчисан! Жўна бу ердан! Ҳақиқий ражпут ҳийлаи найрангларнинг курбони бўлгандан кўра, кўлда қилич билан жанг майдонида ҳалок бўлишни афзал кўргай!

Тодар Малнинг воситачилигидан натижа чиқмагач, Шерхон қалъанинг тагини кавлашни ва девори остига борут кўйиб портлатишни буюрди.

Ўн минглаб одамлар, от-уволовлар, филлар Қаланжар кўргони атрофида ойлар давомида тинимсиз ишлатиди, уларнинг оёклари остида буталар, ўт-ўланлар эзилиб йўқ бўлди, ерлар титкиланиб, шудгорга айланиб кетди. Бироқ кўргон улкан қоятошлар устига қурилгани учун қилт этмай тураверди. Унинг девори тагидан лахим кавлашга ҳам илож бўлмади. Кўргон ичига булоклар бор, ҳимоячилар учун сув етарли. Тик қоятош устидан ўтган баланд деворларга нарвон ҳам кўйиб бўлмайди. Пастдан отилган тўп ўки юқорига чикиб боргунча кучини йўқотади-ю, метин деворларни тешиб ўтолмайди.

Шу тарзда қамал жуда узоқка чўзилди. Ҳут ойидаёқ бошланган ҳинд иссиқлари ҳамалда муттасил кўтарилиб бориб, саврнинг ўрталарида чидаб бўлмас даражага етди. Ёмғир фасли олдидан қўзғаладиган тўполнон шамоллар қўшиннинг оёғи остида титкиланиб ётган сувсиз ёнбағирлардан чанг-тўзон кўтара бошлади. Иссиқ ва дим ҳавода кўргон атрофидаги қоятошлар чўғдай кизиб кетди. Ёши олтмишдан ошган Шерхон бу иссиқдан ва чанг-тўзондан бўғилиб, нафас олиши оғирлаша бошлади.

Шу орада карвон билан Қандаҳорга савдогар киёфасида юборилган хуфия Шерхон учун нохуш хабарлар келтириди. Ҳумоюн қалъани қирқ кун қамал қилгандан сўнг иниси Аскарий ичкаридан чиқиб, унга таслим бўлиди. Ҳумоюн энди Кобулга кўз тикаётган эмиш. Агар Комрон ҳам шундай тез таслим бўлса, Шерхонга шимолдан келадиган хавф анча кучайиши аник. Шерхон Комроннинг ёнида юрадиган ишончли кишиси Саид Халилни эслади. Анчадан бери уни йўқламаган эди. Эртаси куни битта ишончли одамини нодир совғалар билан Кобулга, Саид Халилнинг олдига юборди. Яширин мактубда Комроннинг Ҳумоюн билан ярашишига зинхор йўл қўймасликни топширди, бунинг учун қандай кўмак зарур бўлса юбориб туришни ваъда қилди.

Шерхоннинг ҳозирги энг зўр истаги — Қаланжар камалини тезроқ тугатиш эди. Шундай қудратли қўшин билан беш ойдан бери битта қалъани ололмаётгани унинг саркардалик номи учун ҳам яхши эмас. У ўз қўшинидаги ҳиндулар орасида энг обрўли рожа ҳисобланган Браҳмажит Гаурни эрталаб хос чодирига чақириди. Уни тикка тургизиб кўйиб койишга тушди:

— Сиз нуқул ражпутларингизни мактар эдингиз, «яхшиликни биладиган танти элмиз», дер эдингиз, кани ўша тантилик?

Юзлари офтобда кўмирдай қорайиб кетган, калта соколига, қоши ва мўйловига чанг ўтириб, кулранг тусга кирган қирқ беш яшар Браҳмажит Гаур таъзимга бош эгди:

— Менинг ражпутларимдан не гуноҳ ўтган бўлса айтинг, олампаноҳ, дарҳол жазосини берурмен!

Аммо Шерхон дилида тўпланиб қолган гина-кудуратни тўкишда давом этди:

— Мен ражпутларни ўзимга тенг кўриб қўшинимга олдим, маҳкамаларда ҳинд тилини жорий этдим! Шу мамлакат обод бўлсин деб мингдан ортиқ работлар, карвон-саройлар курдим. Ражпутларга ҳурмат билдириб, хатто Дехлида курдирган масжидимнинг пештоқига ҳиндулар мұ-

қаддас гул ҳисоблайдиган нилуфарнинг мармар нақшини ишлаттиридим!

— Бу ҳаммаси рост, олампаноҳ! Сиз ҳиндларга нисбатан ҳали ҳеч бир мусулмон ҳукмдори қилмаган нек ишларни қилмоқдасиз!

— Нега бўлмаса сизнинг кўрнамак юртдошларингиз мана бу қальъада туриб мени шунча вақтдан бери беҳурмат қилмоқда? Ўша биз таҳтдан ағдарган Ҳумоюн ҳам Қаланжарни бундан ўн тўрт йил аввал қамал қилгани ёдимда бор. Сизнинг юртдошларингиз Ҳумоюнга бир ой ҳам қаршилик кўрсатмай таслим бўлган эди. Нега биз келганда ражпутларингиз беш ойдан бери дарвоза очмай жиннилик қилмоқда?

— Жоҳиллик окибати бу, ҳакиқатни тушунмаслик, кўрлик!..

— Ундай бўлса, нега сиз биздан вакил бўлиб бориб, юртдошларингизнинг кўзини очмайсиз? Уларга мен ёмонлик қилмоқчи эмасман, наҳотки ўз тилингизда ражпутларингизга шуни тушунтириб айтольмайсиз?

— Бажонидил айтурмен, олампаноҳ! Сиз уларга авфи умумий бергаймисиз?

— Э авфи умумийдан ташқари, Ажмирми, Банорасми, истаган вилоятларини берай! Мана, тепамизда худо турибдир! Ҳинд маъбудларини ҳам ўртага қўйиб онт ичинг, ишонтиринг, мен билан сулх тузиб, қальани топширсалар, ҳаммасининг молу жони омон қолур, кўнгиллари тилаган муродларига етурлар!

Бу гал Шерхон астойдил сўзининг устидан чикмоқчи эди. Бунга ишонган Браҳмажит Гаур элчиларнинг оқ байроғини кўтариб қальага қараб кетди. Қальадагилар уни эрталабдан пешингача ичкарига киритмай овора қилдилар. Буни эшитган Шерхон ўз аскарларини дарвозадан мумкин қадар узокқа олиб кетишини буюрди.

Жазира маисида тоғнинг тошлари олов пуркайди. Шерхон ўзи учун килинган маҳсус соябон тагида пешин намозини ўқигунча нафаси қайтиб, терга ботиб кетди. Шундай бўлса ҳам, жойнамоз устида чўкка тушиб: «Э парвардигор! — деб илтижо қилди.— Ўзинг күшойиши коримни бергайсен! Қальадагилар муросага келса биронтасининг бурнини қонатмасликка сенинг олдингда сўз бердим, энди ўзинг мушкулимни осон қил!»

Қалья дарвозаси яқинида Браҳмажитдан бошқа биронта одам, биронта хавф қолмагач, мустаҳкам пўлат дарвозани кия очиб, уни ичкарига киргиздилару яна дарҳол ёпиб, танбалаб олдилар. Браҳмажит қалья ичидаги ахволни ва

унинг баъзи сирларини кўриб-билиб олмасин учун, элчининг кўзини боғлаб, кўлидан етаклаганча Қаланжар химоячиларининг раҳбари Кират Синхнинг олдига бошлаб бордилар. Кўзига боғланган оқ латта олингач, Браҳмажит беш ой қамал азобидан озиб-тўзиб кетган, лекин кўзлари ғазаб ва қатъият билан чақнаётган рожа Кират Синхни ва унинг атрофидаги эллик-олтмишта қасоскорларни кўрди.

— Азиз юртдошлар, мен бир ражпут сифатида сизларнинг ботирликларингизга, метин иродангизга койилман!— деб ҳаяжон билан сўз бошлади Браҳмажит Гаур.— Улуғ Шива олдиди қасам ичиб айтаманки, ҳали ҳеч қайси ражпут қалььаси ўзидан юз баробар улкан ёв билан бунчалик узок, бунчалик дадил олишган эмас. Факат мен эмас, Шершоҳ ҳазратлари ҳам сизларнинг жасоратларингизга тан бермоқда. Мени юборишдан максадлари ҳам — сизларга қойил бўлиб, афви умумий бермоқчи эканликларини айтишдир!

Браҳмажит Гаур Шерхоннинг яхши ният билан қиласиган қурилишлари, ислоҳотлари ва бошқа нек ишларини айтиётгандан Кират Синх сабрсизланиб унинг сўзини бўлди:

— Сен уни оппок кўрсатиб мақтайдермасдан, ваъдасини бузиб қилган маккорликларини ҳам айтгин-да! Шерхоннинг Роҳтас қальасини Кришан Ройдан қандай сурбетларча тортиб олгани эсингда борми? «Бечора аёлларимиз билан болаларимизга бошпана беринг!» деб заифона кийимларни кийиб боришган. Аётча кийинган бу эркакларнинг олчоклигини Райзин қальасида бехуда ҳалок бўлган ражпутларнинг тирик қолган қариндошлари унутолгайми? Мана, брамизда Кришан Ройнинг ўғли туребди, айтсин! Шерхоннинг ваъдасига ишониб бўлурми?

Кират Синх қўли билан кўрсатган барваста йигит:

— Йўқ, маҳарожа,— деди.— Шерхоннинг биронта ваъдасига ишониб бўлмагай. У фақат биз каби ражпутларга эмас, ўз динидаги мусулмонларга ҳам ноинсофлик қилгани эсимиздан чиққани йўқ. Ганга бўйида, Чаусада Ҳумоюн билан ярашиб, хужум қилмаслик ҳакида тузган битимини қандай бузган эди, а, бир эслан!

— Э, у ҳарбий хийла эди-ку! Ҳиндларга ҳозир Ҳумоюндан кўра Шершоҳ кўпроқ яхшилик қилмоқда!...— деб эътироз қилди Браҳмажит Гаур.

— Агар Шершоҳинг бизга чиндан яхшилик қилмоқчи бўлса,— деди Кират Синх,— сен бориб айт, қамални тўхтасин, кўшинини Қаланжардан олиб кетсан. Бизни тинч қўйса, кейин балки унинг яхшилигига чиндан ишониб, иттифоқ тузармиз. Аммо ҳозир биз унга ишонмаймиз, дарвоза очиб, яна бирон маккорлик балосига учрашни

истамаймиз! Агар камалии давом этказса, биз ҳам охириги кишишимиз колгунча олишгаймиз. Енгилсак, аёлларимиз, қизларимиз душман қўлига тирик тушмаслиги учун ўзларини ўзлари жавҳар¹ қилиб ўлдиришга сўз берганлар. Бизнинг Шерхонга узил-кесил жавобимиз ана шу!

Брахмажит Гаур тарвузи қўлтиғидан тушигандай бўшашиб Шерхоннинг ҳузурига қайтиб келди-ю, бўлган гапларни батафсил айтиб берди. Шунча катта жангларни галаба билан тугатган Шерхон энди Қаланжарда қаёқдаги Кират Синҳдан снгилиб орқага чекиниши — унинг учун хаёлга келтириб бўлмайдиган бир алаҳсирашдек ёшигилди. Қалъадагиларнинг жавоблари унинг газабини келтирди. Энди бу лаънати кўргонни ер билан яксон килагиси келди-ю, ўттиз минг одамни иссик жазира маестрида аямай ишлатиб қалъага якин бора оладиган баланд ва мустаҳкам мурчаллар² ясаттириди. Бу орзда Агра ва Дехлига юборилган маҳсус одамлар мамлакатда бор энг зўр замбаракларни ҳўқиз ва филлар ёрдамида Қаланжар ёнига олиб келдилар ва ўша қўтармалар устига чиқариб ўрнатидилар. Замбаракларнинг ўкларини ясайдиган усталар етарли эди. Саккиз жуфт ҳўқиз қўшиладиган энг зўр замбаракларнинг ҳар битта тош ўки йигрма беш-ўттиз ман³ оғирликда. Буларни отиш учун жуда кўп борут керак. Туяларда ортиб келинган борут тўла чарм мешлар маҳсус омборларда тахланиб турарди. Атрофи тахта билан ўралган бу омборларнинг устига ўтовнинг кигизлари ёпилди.

Шерхон қалъанинг заифрок кўринган бир девори каршисига энг зўр замбаракларни қатор қилиб ўрнаттириди-ю, ўкларни кетма-кет бир нуктага уришни буюрди. Ўзи замбараклардан анча нарида — борут омборларининг ёнидаги тепаликда тўпчилар бошлигига кўрсатмалар бериб, ўклар мўлжалига канчалик аниқ тегаётганини кузатиб турди. Офтоб тоғ ортидан энди чиқиб келмоқда. Шерхон турган жойдан хали эрталабки соя кетган эмас, қалъанинг ўқ бориб тегаётган деворига кўёш тушшиб турибди. Деворга урилиб кайтаётган тўп ўклари орқага санчиб кетади, баъзилари йигирма-ўттиз газ берига келиб тушади. Бундан хавотирланган тўпчилар бошлиги:

— Олампаноҳ, сиз бу ерда турманг, бехатарроп бир жойга кетинг! — деб илтимос килди.

¹ Жавҳар — аёлларнинг ўстарини килич тигига тутиб ўлдириш одати.

² Мурчал — тош, тупрок, ёғочлар ёрдамида ясаладиган сунъий тепалик, қўтарма.

³ Ўттиз ман — йигирма тўрт килограмм.

— Сен менга ақл ўргатмай ўз ишингни кил! — деб ўшқирди Шерхон. — Томчи билан тошни тешадиганлар бор. Сен шундай тўпларнинг ўки билан битта деворни тешолмайсанми?

— Илож қанча, олампаноҳ? Тўпларнинг қувурлари қизиб, чўғ бўлиб кетди. Энди сал танаффус қилиб совутилмаса кизиган қувур ёрилиб кетиши мумкин.

Бу орада офтоб ҳам кўтарилиб, жизиллатиб куйдира бошлади. Саврнинг ўрталари¹, бу ерда иссик энг авжига чиқадиган пайт. Шерхоннинг ўзини ҳам тер боса бошлади. Унинг хос чўпдори орқага ўтиб, узун ёғоч учига ўрнатилган соябонни Шерхоннинг бошига соя берадиган қилиб тутиб турди. Юзини борутнинг қуруми корайтирган, факат кўзининг ва тишининг окларигина аниқ кўринадиган тўпчибоши Шерхондан яна койиш ёшидти:

— Девор энди тешилай деганда отишни тўхтатдингми? Бошка тўплар қани? Ўттизта замбарак келтирилган эмасмиди? Чўян ўки билан отиладиган энг катта замбараклар нечун жим?

— Энг катта замбараклар эскирок. Ганга бўйида, Чаусада Хумоюндан ўлжа олинган ўша замбараклар олти йилдан бери отилган эмас.

— Мен сенга айтмабимидим? Вактида ёғлаб тур, яхшилаб асрар демаганимидим?

— Ёғлаб, яхши асрраганимиз, олампаноҳ! Майли, агар буюрсангиз энди ўша катта тўпларни ўклаймиз!

— Дарҳол ўқла! Улардан беш-олти марта ўқ отгунларингча азвалги тўплар ҳам совуб колар. Бу девор қуламагунча ҳамма замбаракларни ишлатавер!

— Бош устига, олампаноҳ!

Чаусада ўлжа олинган замбараклар чиндан ҳам жуда катта, ҳар бирини ўн олти ҳўқиз токка зўрга тортиб чиқарган эди. Уларнинг борут орасига жойланган чўян ўкини бир тўпчи кўтаролмайди. Замбаракни ўклаш ва отиш учун беш-олти киши керак бўлди. Четроқдаги тош кўтармага ўрнатилган бу замбараклар қалъа деворининг мўлжалга олинган жойига сал киярок турибди. Қиялатиб отилган чўян ўклардан бир қанчаси деворга урилиб, орқага кайтди. Бу замбараклар Шерхондан узоқрок турган бўлса ҳам, уларнинг деворга урилиб қайтаётган ўклари киялаб бориб Шерхон турган тепаликнинг этакларига туша бошлади. Буни кўрган Шерхоннинг юраги бир сесканди. Бу қалъанинг

¹ Саврнинг ўртаси — 7-8 майга тўғри келади.

деворида жон борми, ўқларни қайтариб отяпти?! Ё ичкари-даги ражпутларнинг метин иродаси бу деворга ўтганми? Шерхоннинг хаёлига шу гап келганда катта чўян ўқ кальянинг тепасидан бир газча жойини ўпирашиб, нарёкка кулатиб ўтди. Бундан кувонган Шерхон хавф-хатарни яна унуди-ю, навбатдаги ўқнинг отилишини кутди.

Навбатдаги ўқка борут икки баробар кўп солинган эди. Унинг чўян ўқи икки баробар катта зарб билан қальянинг тош деворига урилди, уни тешиб ўтолмагач, орқага киялаб қайти ва зинғиллаб учганича Шерхондан сал наридаги борут омборининг устига тушди.

Замбарак кувуридан чўғ бўлиб ёниб чиққан чўян ўқ омбор ўстига ёпилган кигизни ҳам, чарм мешни ҳам тутатиб, тешиб ўтди-ю, жазирама иссиқда қизиб турган қуруқ боругнинг ўзини портлатиб, ёндириб юборди. Бутун бир борут омборининг даҳшат солиб портлашидан кўтарилиган хаво тўлкини ўн қадамча жойда турган Шерхонга тошдай қаттиқ урилди ва уни тепаликдан пастга итқитиб юборди. Жуда қаттиқ йикилган Шерхон ҳушидан кетди. Портлаш пайтида ёниб кетган ёғоч, кигиз ва чарм парчалари унинг устига аланга бўлиб ёғилиб туша бошлади. Шерхон кийимларига илашган оловнинг аччик оғриғидан хиёл ҳушига келиб, кўзини очди. Олов унинг қошларини ва соқолини ҳам ямлаб еб кела бошлади. Сассик турунда нафас олиб бўлмайди. У кўли билан юзини оловдан тўсмокчи бўлди, шунда енглари ҳам ёнаётганини кўрди-ю, сўнгги нажотни ердаги тупроқдан излади. Ерга ағанаб, юзини тупроққа босганича яна ҳушидан кетди...

Шерхоннинг ён-веридаги қўриқчилари ҳам борут омборининг портлашидан ҳалок бўлган эди. Узоқроқда бўлган ва соғ қолган одамлар нима воеа бўлганини фаҳмлаб, ёрдамга келгунларича Шерхон куйиб, ҳалок бўлган эди...

Шерхон ёши олтмишдан ошгач, туғилган юрти Сасарамда чиройли кўт ўртасидаги оролга ўзи учун салобатли мармар макбара курдирган эди. Уни ўша макбарага дағн этдилар. Аммо Қаланжар деворидан қайтган ўқ фақат борут омборини эмас, Шерхон меросхўрларининг ўзаро иноклигини ҳам портлатиб юборгандай бўлди.

Шерхоннинг катта ўғли Одилхон жангларда иштирок этмаган бўлса ҳам, Аграда ўзини отасининг ўрнига шоҳ деб эълон килди Бироқ бошка бир қанча амирлар Шерхоннинг ўртанча ўғли Жалолхонни валиахд деб тан олдилар. Фақат Шерхоннинг энг машхур лашкарбошиларидан Ҳавасхон Сирхинда Жалолхонга қарши исён кўтарди. Панжоб ҳокими Ҳайбатхон ҳам Жалолхонни тан олмади.

Жалолхон Исломшоҳ деган янги ном билан таҳтга чиқди-да, Ҳавасхон ва Ҳайбатхонларга қарши уруш бошлади.

Чунорда Шерхоннинг куёви Аҳмадхон сур, Банголада Ибрөҳим сур ва яна бошка-бошқалар ягона давлатни парчалаб, ўзларича мустақил подшо бўлиш харакатига тушдилар.

Шерхон беш йил таҳтда ўлтириб, зўр шиддат ва суръат билан тузган янги давлат ўзаро урушларда, ички низоларда ўшандай шиддат ва суръат билан парчаланиб кета бошлади.

КОБУЛ, БХИРА. КУЙГАН КЎЗЛАР

Бу ҳодисалар хабари Кобулга жавзо ойида етиб борди. Қунлар исиб, Кобул атрофидағи тоғларнинг қори эриган сари фақат дарёлардагина эмас, булоқларда ҳам сув кўпайиб кетди. Шохи Кобул тоғининг этакларидан чиқадиган чашмалар суви Гулкина мавзеидан нарига ўтиб, баланд тепалик устига жойлашган аркнинг ён-веридаги майсазорларга ҳам жилдираб етиб келди.

Кишида Қандаҳордан олиб келинган Акбар энагалари билан шу аркда қаттиқ назорат остида сақланар эди. Дарё бўйидаги Боги Наврӯзийда турадиган Хонзода бегим Акбарни ўз даргоҳига олиб кетмоқчи бўлди, аммо Комрон мирзо рұхсат бермади.

— Аркда сокчилар кўп, бу ер бола учун бехатаррок,— деб важ кўрсатди.

Лекин аркда Афзалбек ва Қораҷаҳонга ўхшаган Ҳумояннинг ғанимлари бор, улар болага зимдан ёмонлик килишлари мумкин. Хонзода бегим икки ярим яшар Акбарни қучоғига босиб, қулоғига шивирлади:

— Ану амакиларнинг илкидан ҳеч нарса олмагин, энг ширин нарсани берса ҳам емагин, ҳўпми, жоним?

Акбарнинг онасиникига ўхшаш иирик-иирик кўзлари катта амманинг юзига ҳайрат билан тикилади. Катталар орасидаги мураккаб муносабатларга ҳали унинг акли етмайди. Лекин аркка келиб-кетиб турадиган кўзлари совук беку аъёнлардан боланинг ўзи ҳам бегонасирайди. Баъзилари ясама такаллуфлар қилиб, уни гапга солмоқчи бўлса, бола ковоғини уйиб индамай тураверади. Гоҳо аммаси Гулбадан бегим икки ўшли ўғилчаси Саодатёрни етаклаб келади. Акбар улар билан бийрон тилда гаплашади, Саодатёр билан ўйнаб қулади. Айникса, Хонзода бегим келганда:

— Момо келди, моможён!— деб, чопқи:лаб пешвоз чиқади.

Моҳим энага унга гап ўргатди:

— Ҳазрат бегимни момо деманг, ҳазрат амма денг!
— Йўқ, амма — мана! — деб Акбар Гулбаданни кўрсатди.

Ёши олтмиш еттига кирган Хонзода бегим сўнгги йилларда янада кичрайиб, енгилгина бўлиб қолган. Худди вазни йўқ фариштадай. Ўзи ҳам кўпинча енгил оқ ипак кийим кияди. Лекин бошидаги оқ қасаба рўмолидан ҳам сочи окроқ кўринади. У Акбарни бағрига босиб:

— Момо деган тилингдан ўзим ўргилай! — деб эркалатди. — Майли, мен сенга момо бўлақолай. Раҳматли бобонг Бобур мирзонинг икки-уч яшарлиги эсимга тушмоқда. Мен, беш ёш катта эгачиси, унинг бешигини тебратганин. Эсимда бор, кичиклигига қўлчалари, оёқчалари ҳам Акбарнидек тўла-тўла, миқти эди.

Хонзода бегим Акбарда Ҳумоюндан ҳам, Ҳамида бонудан ҳам ўтган жозиба борлигини кўрди-ю, уларни эслаб юраги эзилди. Ёш гўдак онасини уч-тўрт ой кўрмаса кейин уни таний олмай қолади. Шуни биладиган Хонзода бегим:

— Акбаржон, ота-онанг эсингда борми? — деб сўради. — Ҳозир кириб келсалар таний оласенми?

Бешикда колган ўн бир ойлик бола бир ярим йилдан бери кўрмаган ота-онасини кўз олдига келтирмоқчи бўлиб уринди, лекин келтира олмади. Маъюс бош чайқаб:

— Йўқ, — деди.

Шундай шўх бола ота-онаси тўғрисида гап чиқса, тирик етимдек маъюс бўлиб қолишини кўрган Моҳим энага кўзига ёш олиб, шивирлаб ҳасрат қилди:

— Ҳазрат бегим, баҳор ўтди, болаларимизни боғ-роғларга сайрга олиб чиқолмадик. Бизни кўриқлаш баҳонасида ҳибса сакламоқдалар. Аркка сув мешда ташиб келинади, кўкаламзори йўқ. Девордан шундай пастга қарасангиз, майсазорда булоқ сувлари оқиб турибдир. Биз ҳаммасидан маҳруммиз.

Хонзода бегим боя келаётганда Комрон мирzonинг тўрт яшар ўғли Иброҳим тарбиячилари кўриқчилари билан аркнинг этагидаги қўкаламзорда нақора чалиб, копток тепиб ўйнаб юрганини кўрган эди. Комроннинг ўғли шундай яйраб эркин юрганда Акбарни ҳибсдагидай тутишлари Хонзода бегимга чидағ бўлмас бир адолатсизллик бўлиб туюлди.

— Юринглар, биз ҳам майсазорларга чиқайлик! — деб, Акбарни қўлидан олди. Моҳим энага ва Жажжи энага ўз ўғилчаларини етакладилар. Арк дарвозахонасида турган қуролли кўриқчилар

— Рухсати олий бўлмаса Акбар мирzonи чиқаришига қаққимиш йўқ, — дедилар.

Хонзода бегим Комроннинг ҳозир арқда йўклигини билар эди.

— Ҳазратим менга рухсат берганлар, — деди кўриқчига. — Бутун масъулиятини мен ўз зиммамга олурмен. Очинг дарвозани!

Жуссаси кичкина бу нуроний кампир мамлакатнинг энг мўътабар қайвониси эканини кўриқчилар ҳам билар эдилар. Улар бегимнинг маликаларга хос катъият билан берган буйргуни бажаришга мажбур бўлдилар.

Тиник булоқ суви йилтираб оқаётган ариқ бўйида, анвойи дала гуллари очилиб ётган кенг майсазорда Акбар ва унинг икки қўкалдоши яйраб кувлашиб, роса ўйнадилар. Хонзода бегим билан энагалар сув бўйида катта бир ёнғоқ дараҳтининг соясида гаплашиб ўлтириди. Шу пайт болалар чаладиган кичкина нақоранинг товуши эшитилди.

Комрон мирзо наврӯз байрамида ўғлига совға қилган иккита ноксимон нақоранинг юзига тортилган чарми кизил рангда. Ёнларига нукрадан чиройли безаклар килинган. Нақора чўпларига олтин суви югуртирилган. Нақорани бир хизматкор йигитча икки қўли билан тутиб, орқаси билан юриб келмоқда. Тўрт яшар Иброҳим мирзо нақорачўларни чалакам-чатти уриб, бирон куйга ўхшамайдиган хунук товушлар чиқармоқда.

Акбар амакибачаси Иброҳимни арқда ҳам кўп кўрган. Бегонасирамай унинг олдига чопиб борди. Чиройли нақорачаларга хаваси келиб:

— Менга чўпини беринг, мен ҳам бир чалай! — деди.

Лекин подшонинг ўғли ҳисобланадиган ва атрофидагилардан кўп хушомадлар кўриб димоқ пайдо қилган эркатой Иброҳим:

— Нари тур, сен ҷаломмайсан! — деди.

Уч яшар Адҳам кўка гапга аралашди:

— Акбар сиздан яхши ҷалгай. Беринг, кўрсатсан!

— Йўқ, буни менга ҳазрат отам совға қилган!

— Кайтариб олурсиз! — деди Акбар. — Бир ҷалиб кўрай!

Иброҳим мирзо унамагач, Акбар нақорачўга чанг солиб, уни тортиб олмоқчи бўлди. Иброҳим бермади. Шу тортишувнинг устига Комрон мирзо беш-олтита отлиқ одамлари билан келиб колди.

— Бу не можаро? — деб ўшқирди. — Буларни ким аркдан чиқарди?

Хонзода бегим дараҳт соясидан туриб отлиқлар томонга юрди:

— Ҳазратим, мен буларни олиб чиқдим. Баҳор ўтиб, кўкаламзорга чиқмаган эканлар.

Комрон сал шахтидан тушди-да, аммасига салом берди. Ҳар қалай, у ҳам бу кекса кайвонидан ҳайкиб ўрганган эди. Лекин отдан тушиб кўришишга бўйни ёр бермади. Шерхон ўлгани, Ҳумоюннинг ишлари юришиб, Қандаҳорни эгаллагани Комронни жуда безовта қилиб қўйган. Унинг олтин юганли оқ оти ҳам ўзи каби сабрсизланиб, гижинглаб туриби. Комрон юганни тортиб, орқада от ўйнатиб турган вазири аъзам Бопусхон ва Кобул шахрининг ҳокими Қорачонга юзланди. Накора ҳам байроқ каби энг мартабали ҳокимларга берилишини назарда тутиб:

— Бу Акбар бола ҳалитдан накора талашмоқда-ку!— деди.

Бопусхон хахолаб кулди-ю:

— Ҳазратим лутф қилдилар!— деди.

Ювош отда сокин турган Кобулнинг ҳозирги шайхулисломи Саид Халил ҳам Комроннинг сўзини ёқтириб:

— Ҳа, ҳазрати олийлари туяға миниб узокни кўрдилар!— деди.

Кичкина Акбар бу гапларни унча тушунмаса ҳам, отликлардан бегонасираб, қўлчаларини накорачўпдан тортди. Комрон унга қараб:

— Сенга накора керакми?— деди.— Шуни чалмоқчимисен? Айт, бола!

Акбар тасдиқ маъносида бош иргади. Комрон бу болани арқдан беруҳсат олиб чиқсан кекса аммасига қаттиқ гап айтилмаган бўлса ҳам, аммо Акбарнинг адабини бериб қўйгиси келди. Ўғли Иброҳим мирзо унга Акбардан хийла бақувват кўринди. Иброҳим Акбардан бир ярим ёш катта. Йикитиши аниқ.

— Қани, бўлмаса, икковинг кураш тушинглар!— деди Комрон Акбар билан Иброҳимга.— Ким йикитса, накора ўшаники!

Иброҳим нақорачўпни хизматкорига бериб, Акбарга томон хезланиб келди. Акбар кичик бўлса ҳам, кўкалдошлиари билан олишиб ўрганган эди. Икки боланинг ҳам белларида белбоқчалари бор. Олишув бошланди. Митти полвонларнинг курашига отликлар кулиб қараб туришибди. Комрон мирзо жиддий, Ҳонзода бегим билан Моҳим энага хавотирда. Иброҳимнинг ёши катталиги қўл келди. Акбар қаттиқ гандиралади, оёғи ўтлоқда тойилиб чўқ тушди. Иброҳим арқда ҳам алоҳида эъзозда юрар, кўп тантликлар килиб, Акбарни етим боладай турткилар эди. Наҳотки Акбар ундан йиқилиб, шундай чиройли нақорадан маҳрум

бўлса? Йўқ! Бола Ҳонзода бетим билан Моҳим энаганинг мўлтираб турган кўзларидан мадад олгандай тез қаддини тиклади, бутун кучини йиғди-ю, Иброҳимни даст кўтариб, ўтлоқ ерга ағдариб урди ва устидан босиб тушди. Акбарнинг тагида ётган Иброҳим:

— Бас, қўйвор!— деб йиглаб юборди.

Комронга бу ёмон бир истикболининг аломатидек туюлди. Унинг ғазабидан қўрккан Моҳим энага чопиб бориб, болаларни ажратди-да, Иброҳимни тургизиб, устини кока бошлади:

Комрон ўз ўғлини жеркиб:

— Э, атала полвон, нечун йиглайсен?— деди.— Бас! Накорани энди Акбарга бер!

Аммо Бопусхон орага тушди:

— Ҳазратим, сиз кўрмадингизми, Акбар тўғаноқ солдикку? Бўлмаса Иброҳим мирзо уни йикитар эди!

Атрофидагиларнинг бундай хушомадларига ўрганиб колган Комрон мирзо дарров ёлгон гапга ишонгиси келиб:

— Мен кўрмабмен,— деди-да, Саид Халилга савол назари билан қаради.

Доим Комроннинг заифликларини зўрлик аломати деб кўрсатдиган ва унинг мақтогва ўчлигидан фойдаланиб мартабаси ошадиган Саид Халил ҳам худди тўғаноқни ўзи кўргандек гапирди:

— Астагфирулло! Шундай кичик бола гирромликка ўрганини қаранг!

Унинг гапини Корачон маъқуллади:

— Қандаҳорни гирромлик билан олган отасига тортибдир-да!

Атрофдан кетма-кет ёғилган бу гаплар Комроннинг Ҳумоюндан яхшироқ эканини, шу сабабли Иброҳим ҳам Акбардан баландрок туришини яна бир марта исбот этгандай бўлди. Шу билан хижолати босилган Комрон мирзо аммасининг кўзи олдида бир тантлилик килигиси келди.

— Майли, накорани ану болачага бер!— деб Акбарни кўрсатди. Сўнг ўғлига тасалли берди:— Садака ҳам керак. Сенга бундан яхширогини олиб бергаймен. Юр, отга мингаш!

Хизматкор йигит накорани Акбарга зугум билан туткизди-да, Иброҳим мирзони эркалатиб қўлига олди ва отасининг орқасига мингаштириди.

Икки ярим яшар Акбар тўғаноқ нима, гирромлик қаниқа бўлишини билмаса ҳам, отликларнинг кўзларидағи нафратни, гапларидаги данином ва кинояғтарини сезиб, ҳайрат билан

котиб турибди. Кўлидаги нақора ҳам энди унинг кўзиға кўринмайди. Нега уни жеркишди? Ахир у йиқитди-ку!

Боланинг шу оғир изтиробини сезган Хонзода бегим тез бориб Акбарни бағрига босди:

— Бўйгинангдан момонг айлансан, митти полвоним! Кичик бўлсанг ҳам ютдинг! Бу нақора садақа эмас, соврин! Ҳалолинг бўлсин! Чал!

Бу гаплардан Комрон мирзонинг ранги бўзариб кетди. Қорачахон ҳомийсига ён босиб, Акбарга нафрат билан тикилди-да:

— Ҳозирча чалиб туринг, фирромликнинг жазосини ҳазратим кейин берурлар! — деди.

Хонзода бегим Комронга икки қўлини чўзиб деди:

— Адолат қилинг! Ахир сиз ҳақгўй шоирнинг ўғлисиз! Ўзингиз ҳам ҳакиқатни улуғлаб латиф шеърлар битгансиз. Ёнингиздаги жаноблар сал инсоф қилишсин! Бу маъсум бола фирромликни қаёқдан билгай. Оқни қора қилиб кўрсатиш шу даражада бўлурми?!

Энди Қорачахон ва Сайд Ҳалиллар Комрондан ҳимоя кутиб, унга кўз тикдилар.

— Бегим, от устидан кўп нарса аникрок кўрингай, — деди Комрон. — Сизнинг кўзингиз тўғонокка тушмаган бўлиши мумкин. Аммо ёнимдаги жаноблар — менинг суюнган тоғларимдир. Булар кўзгу бўлиб, менга ҳакиқатни кўрсатулар. Мен бу кўзугуна карасам, кўнглим кўтарилур. Сиз менинг кўзгумга тош отманг, бегим!

— Аммо, — деди Хонзода бегим, — Қорачахон жаноблари бегуноҳ болани жазоламокчи бўлиб таҳдид қилгандар — кўзугу тош отиш эмасдирми? Жаноблар билиб қўйсинларки, ану тепалик устидаги ҳазрати Бобурнинг қабрлари турибдир. Инимнинг улуғ руҳи бу болани ҳимоя килгай! Агар Акбарга зиён етказсалар, отангиз қабрларида тикка тургай!

Комрон сабрсизланиб ўйноклаётган отининг юганини асабий тортиб, уни сал тинчлантириди, оркада кийналётган ўғилчасини эгарнинг олдига олиб, чап қўлига кўтарди:

— Ҳазрат бегим, Акбарга ҳеч ким зиён етказган эмас! Кўриб турибсиз, тўрт ойдан берли биз буни ўз ўғлимиздек асраб юрибмиз!

Моҳим энага бу орада Акбарни отликлардан узокрокқа етаклаб олиб кетди. Кўкалдошлари чиройли нақорани ўраб олиб тамоша кила бошладилар. Лекин катталар орасида асабий гаплар бўлаётганидан ҳайиқкан болачалар нақора-

ни чалгилари келса ҳам, буига ботинолмай жим турардитар.

— Энг ёмон хавфу хатар Аскарийнинг бошига тушган! — деб қизишиб давом этди Комрон. — Сиз адолатли амма бўлсангиз, Аскарийни кутқаришга ёрдам беринг! Қизилбошлар Қаңдахорни олиб, Аскарийнинг ҳазинасини талабдилар, ҳарамини бенемус қилибдилар!

Отликлар каршисида ёлиз турган Хонзода бегимнинг жуссаси қичик, ўзи нимжон қўринса ҳам, кўзлари шерини-кидай ёниб турар, сўзлари ўқдай чиқар эди:

— Бундай тухматларни иним Бобур мирзо шоҳ Исмоил билан иттифок тузган пайтда ҳам кўп эшитганимиз! Ҳаммасининг ёлғонлиги кейин билингай!

— Аммо Мирзо Ҳумоюн Қаңдахорни қизилбошлар ёрдамида олгани ёлғон эмас-ку! — деди Бопусхон. — Бу ҳақда ҳазратим ажиб маснавий ёзмиштар. Бир ўқишка ёк менга ёд бўлиб қолди:

Чикди Ҳурросон саридин ўғривор
Келди ҳом таъма айлабон Қаңдахор,
Жамъ бўлуб бир неча бадном анга
Куфр ўтининг шуъласини тез этиб
Зулму ситам тигини ҳунрез этиб...

га бехад ёқиб тушди:

— Офарин, ҳазратим!

— Боплабдилар! Бобур ҳазратларидан мерос олган шеърий истеъоддлари роса камолга этибдир!

— Аммо бундай ўткир шеърни мен Бобур ҳазратларининг девонларида ҳам кўрганим йўқ! — деб Бопусхон Комронни яна бир даража баланд кўтарди.

Қорачахон дарҳол бу гапни маъқуллади:

— Устоздан ўтган шогирдга тасанно!

Комрон мактовдан ёғдай эриб илжайиб турар, ҳатто шоирликда отасидан ўзганлиги ҳақидаги сўзларга ҳам эътироҳ қилмас эди. Буни кўрган Хонзода бегим нима дейишини билмай лол туриб қолди. Шу пайт Ҳумоюннинг ўз укаси Комрондаги бу хислатни — мактовга учиш одатини ойнага қараб алданишга қиёслаб форсча ёзган рубоийси бегимнинг ёдига тушди:

Дар ойини гарчи худнамойи бошад
Пайваста зи хийштан жудойи бошад.

Худро бамисоли ғайр дидан ажибаст
Интарв ажиби ҳам кори худойи бошад.¹

Боя Комрон ўз атрофидаги хушомадгўйларини «булар менинг ойнам» деб айтгани бежиз эмас эди. Бу «ойна» Комронни ўзи истагандай ўзгартириб, факат кўркам, жозибадор томонидан кўрсатишга ўргаиган эди. Атрофидагилар сийратни суратдан айириб олиб, Комронни ўзи тўғрисидаги ҳақиқатдан бутунлай жудо килишга интишарди. Ана шундагина Комрон тўйлик уларники бўларди. Улар Комронни Ҳумоюнга қарши кўйишдан манфаатдор эдилар. Чунки Бопусхон вазири аъзамлик унвонига, Сайд Халил диний пешволик лавозимига, Қораҷаҳон Қобул ҳокимлигига ака-уқани уруштириб юриб эришган эдилар. Ҳозир уларнинг ҳар бирида хушҳаво бөг-рөглар, энг яхши жогирлар, энг катта бойликлар, имтиёзлар бор эди. Агар Ҳумоюн Қобулга қайтиб келса, Комрон тахтдан тушади-ю, Бопусхон ва Қораҷаҳонлар барча мартабаю имтиёзларидан маҳрум бўладилар. Ҳумоюннинг Байрамхонга ўхшаган ўз яқинлари бор, улар Сайд Халилга ҳам кун бермаслиги аниқ. Комрон-ку Бобурнинг ўғли сифатида яна бирон мартабага эришар, аммо ҳозир унинг атрофидаги тургандар Ҳумоюн қайтса ҳозирги давуру давронларидан бутунлай маҳрум бўлишлари аниқ. Шунинг учун Комроннинг ўзидан ҳам кўра унинг атрофидаги аъёнлар ака-уқа орасидаги ихтилофни иложи борича авж олдиришдан манфаатдор эдилар. Ҳонзода бегим қалбига қуюлиб келган бу аламли ўйларни Комронга кандай айтишни билмай бўғилиб гапирди:

— Ҳазратим, сиз ўз оғангиз билан бунчалик довватга боришингиздан факат ёвуз одамлар суюнурлар. Аммо меннинг дилимда оға-ини доввати эт билан тирниқни ажратгандаги каби оғриқ кўзгайдир. Сизнинг отамерос шеърий истеъодинингиз бундай довватга зинҳор хизмат килмаслиги керак. Ҳудо хоҳласа, сиз ҳали Ҳумоюн билан ярашурсиз. Ўшанда бу маснавийлар тилга олинса хотириигизга қанчалик малол келишини бир ўйланг!

Оқ от устида турган Комрон бир лаҳза жим қолди. Шу топда Комрон Ҳонзода бегимнинг кўзига отасидек савлатли ва хушбичим кўринди. Ўзи ҳам кучга тўлган ўттиз беш

шимили йигит, ҳамон чап қўлида кўтариб турган каттагина ўғлиниг оғирлигини гўё сезмайди.

— Сиз малолни айтасиз, бегим, аммо ҳозир мирзо Аскарийнинг ҳаёти хавф остида, уни ким куткаргай? — деди Комрон.

— Агар биз қўйиб берсак, Мирзо Ҳумоюн қизилбошларни Кобулга ҳам бошлаб келгай,— деб қўшимча килди Қораҷаҳон.

Сайд Халил ёқасини ушлаб:

— Ё алҳазар! — деди.— Кобулни ҳам шиа мазҳабига ўтказмокчи бўлиб кирғин бошласалар... довватни ана ўшанда кўринг!

Ҳонзода бегим яна Комронга мурожаат килди.

— Ҳазратим, бу вахималарга ишонманг! Ҳумоюн бунчаликка бормагай!

— Ҳазрат бегим, сиз бизга ишонмасангиз, балки Қандаҳорга бориб воқеани ўз кўзингиз билан кўриб келурсиз? — деди тўсатдан Комрон.

Ҳонзода бегим, «ҳозир жуда пишиб колганмен, узок сафарга ярамагаймен», деб, ўзини бирпас қайтарди. Аммо Комронни ўзининг ҳақлигига ҳеч ишонтира олмагандан сўнг тўсатдан:

— Майли, мен Қандаҳорга борай! — деди.— Агар мирзо Аскарийнинг ҳаёти хавф остида бўлса, мен унга шафоъ бўлай. Агар Аскарийни куткарсак, сиз Ҳумоюн билан ярашгаймисиз, ҳазратим?

Бопусхон ҳам, Сайд Халил ва Қораҷаҳон ҳам Комронга: «Ярашиш хатарли!» дегандай безовта бўлиб қарашди.

— Мирзо Ҳумоюн шиалар хизматига ўтиб, жуда катта гуноҳ килдилар,— деди Сайд Халил.— Шу гуноҳларини ювмагунча ҳазратимнинг ярашмоқлари чорёри босафолар руҳига муносиб иш бўлмагай.

Комронга бу важ кўл келди. У салмоклаб, вазмин гапирди:

— Оғамизнинг яна бир катта гуноҳи — ҳазрат отамиздан мерос колган Ҳинддаги улкан давлатни бой берганлигидир. Шерхон оламдан ўтибдир. Энди Мирзо Ҳумоюн Ҳиндистонга қайтиб, ўша давлатни тикласин, шиалар билан орани узиб, поклансан. Ана ундан сўнг, биз у билан ярашсак арзигай!

Гап шу билан тугади-ю, отлиқлар аркка қараб кетишиди. Бадковоқ амакилар узоклашгандан сўнг Акбар билан икки кўкалдош уларнинг ғалвасини унтишди-ю, чиройли накорани навбатма-навбат чалиб ўйнай бошлишди. Аммо Ҳонзода бегим Комронни ўраб олган доғули одамларни хаё-

¹ Таржимаси: Гарчи ойнада ўзингни қўрурсен
Вале ул кўрганинг ўзинг эмасен.
(яъни, сурат билан сийрат орасида фарқ, жудолик бор)
Ўзингни ўзганинг ўрнида кўриш ажиб.ир
Аммо бу ажиблик ҳам худонинг ишилар.

лидан узоклаштиромай кийналарди. Нимасидир Бобурга ўхшайдиган күхлик йигит, ҳароратли шеълар битадиган сохибистеъод одамнинг шундай қаллоб мухитга тушиб қолгани бегим учун катта бахтсизликдай туюларди. Кўпни кўрган Хонзода бегим дунёдаги энг ёмон адашиш — оқни қора қилиб кўрсатаоладиган риёкорлар мухитига асир тушиш эканини биларди. Комрон ташки кўринишда гўё ҳукмфармо, атрофидагиларга сўзини ўтказадиган тождор. Аммо атрофидаги риёкорлар зоҳиран унга бўйсунсалар ҳам, ботинан уни ўзларининг мақтovларига асир, хушомадларига муте қилиб олганларини Комрон сезмайди. Шуни ўйлаганда Хонзода бегимнинг унга ҳатто раҳми келди. Факат Аскарийни эмас, ҳали Комроннинг ўзини ҳам бу асоратдан кимдир қутқармаса, бутун умри ва отамерос истеъоди ҳайф кетади. Комронни ҳақиқат йўлига қайтариши Хонзода бегимнинг қўлидан келмаслиги бугун яна бир бор билинди. Бу иш, эҳтимол, Ҳумоюннинг қўлидан келар. Хонзода бегим шунинг учун ҳам Кандаҳорга бориши ва оға-инини бир амаллаб яраштириши керак...

* * *

Баланд тоғлар орасидаги салқин Кобулдан Кандаҳорнинг жазира мақтovларига кириб борган Хонзода бегим биринчи кун кўп беҳаловат бўлди. Хайриятки, Ҳумоюннинг қароргоҳи шаҳардан ташкаридаги серсув боғот жойда экан. Ҳумоюн аммасини бошига кўтаргудай эъзозлаб, айвони салқин шаршараға қараган энг хушҳаво уйни унга бўшаттириб берди. Ҳамида бону ҳам ўғли Акбарнинг хабарини олиб келган кайвоининг атрофида гирдикапалак бўлиб, меҳмондорчиликлар қилди.

Уларнинг кўришмаганларига беш йил бўлган эди. Бу орада Хонзода бегимнинг охирги тишлари ҳам тушиб кетган, ҳозир милки билан овқат чайнайдиган бўлиб колган. Ҳамида бону ҳам илгаригидай эмас — юзида кандайтир беморлик ва маҳзуллик аломати бор, шу беш йилда ўн-ўн беш ёш улғайгандай кўринади.

— Ҳар қалай, сизларни бирга кўрганим учун тангримга шукроналар айтурмен,— деди Хонзода бегим.— Ҳамида бону, ҳў, Жамна бўйида сиз чавгон ўйнаб юрган кезларда килган орзуласимиш ёдингиздами? Шу орзуимга ҳам худо етказди, ўғилчаларинг Акбаржонни бағримга босиб эркалатиш менга насиб бўлди.

Ҳамида кураш тушадиган, накора чаладиган бўлиб колган ўғилчаси ҳақидаги хикоядан ҳам кувониб, ҳам юраги

эзилиб кўзига ёш олди. Ҳумоюн эса ўғлининг кандай ғолиб чиққанини эшишиб хандон уриб кулди:

— Яхшилик аломати бу. Демак, Комрон ҳам енгилгай!

— Ҳумоюнжон,— деди Хонзода бегим илтимоскорона товуш билан.— Маъсум болаларнинг кураши безарар. Аммо тожу тахти оға-иниларнинг адовати қанчалик бахтсизликлар келтиришини ўзингиз кўриб турибсиз. Энди Комрон билан олишишни эмас, ярашишни ўйланг, жоним болам!

Комрон қилган ёмонликлар Ҳумоюннинг эсига тушди-ю, бутун дарду аламлари бирдан янгиланди.

— Аммажон, оға-ини адовати ҳақида машхур «Юсуф-Зулайҳо» афсонаси бор. Лекин ўша афсонадаги Юсуфга ўгай огалари қилган ёмонликлар ҳам менинг ўз иниларимдан кўраётган жабру жафоларим олдида бир ҳалво, холос! Инимиз Кобулга қаноат қилмай, Панжобни мендан тортиб олгани, Шерхон билан олишганимда нуқул пойимга болта ургани, Қандаҳорда бешикдаги боламизни чиркиратиб, бизни бегона юргана кувгани, Қазвинга жосусларни юбориб фитна қўзғатгани!. Қайси бирини айтайки, юз ўлимлардан қолиб, Қандаҳорга қайтиб келсак, Акбар яна йўқ! Энг разил қароқчилардай болани ўгринча олиб кетибдир! Энди уни гаровда тутиб туриб, бизга таҳдидлар килиши қайси дарвозага сиғгай?! Агар ўгай инилар бошимизга шундай оғир кунларни солмаса эди, ҳозир иккинчи ўғилчамиз ҳам олти ойлик бўлар эди! Қизилбошлар билан ҳамкорлик қилиш, Қандаҳорни қайтиб олиш қурбонсиз бўлган эмас, аммажон!

Ҳамида бону ҳарбий юриш пайтида совук изғиринларда Сейистон йўлида бевакт туғилган ва икки кунгина яшаб қазо қилган кейинги ўғилчесини эслаб пик-пик йиглай бошлади. Унга ҳатто от қўйишга ҳам улгурмадилар... Шундан бери Ҳамиданинг ўзи ҳам касалманд бўлиб қолди, бир вактлар чавгон ўйнаб юргандаги соғлиги энди йўқ.

Ҳумоюн ҳам қирқ ёшга кирмасдан соқол-мўйловига оқ тушган, юзлари уйқусизликдан қотган, кўзлари ичига ўпирлиб тушган.

— Ўн икки минг қизилбош қўшини бир йилдан бери ёнимда худди учқун тушса портлайдиган борут омборига ўхшаб юрибдир,— деб у сўзида давом этди.— Мен ҳам Шерхонга ўхшаб портлаб кетмайин деб кечаю кундуз минг эҳтиёт билан иш олиб бормоқдамен.

— Не бўлса ҳам, қизилбошларни Кобулга бошлаб бора-кўрманг, Ҳумоюнжон. Отангиз буларни Самаркандга

бошлаб борганидан умр бўйи армон қилиб юрганини унутманг.

— Жаннатмакон отам менга ўз умрларини бахш этган эдилар. Энди билсам, умрларига кўшиб, ўз қисматларини ҳам берган эканлар! Ўша мағлубиятлар, ўша қувгинлар, ўша саргардонликлар менинг бошимга ҳам тушди! Кошки ўғлими Акбарга бу жабру жафолар дахл қилмас! Йўқ, менинг оғир қисматимга бугун мурғак ўғлими ҳам шерик! Менинг бошимга тушган балолар Акбарнинг жонига ҳам таҳдид солмоқда.

— Бунчалик куюнманг, Ҳумоюнжон! Ҳазрат отангизнинг улуғ қисматлари бор! Иним Бобур улкан зафарларга ҳам муяссар бўлган эдилар! Ҳали сиз ҳам, ўғлингиз Акбаржон ҳам ҳазрат отангиз каби катта юксакликларга кўтариурсиз!

— Шояд шундай бўлса! Аммо мени ҳозир қизилбошлар ғашвишга солмоқда. Мен уларни Қандаҳордан тўгри Қазвинга кайтариб юбориш ҳаракатидамен. Бу эса жуда мушкул. Аксига олиб, фалокат юз берди. Шоҳ ўзининг тўққиз яшар ўғли Муродни Қандаҳорга ҳоким тайинлаган эди. Болани эҳтиёт қилиб асраш унинг аткаси Будагхонга топширилган эди. Будагхон жаҳли тез, дагал муомалали одам экан, яна шиа-сунний жанжаллари бошланди. Шунинг устига қалъада вабо таркалди. Шаҳзода вабога учраб тўсатдан вафот этди. Хайрият, биз шаҳардан ташқарида алоҳида кароргоҳда турибмиз. Бўлмаса бизга ҳам вабо юқиши мумкин эди, шаҳзоданинг ўлимида ҳам бизни айбламоқлари мумкин эди.

Ҳумоюн вазият мураккаблигини, шоҳга воқеани чаппа қилиб етказувчилар борлигини ҳисобга олди-ю, унга таъзия билдириб хат ёзи, воқеанинг бутун тафсилотлари баён қилинган илик, дўстона мактубдан ташқари Аскарийнинг ҳазинасидан мусодара қилинган олтин-кумушларни уч туяга орттириб, бошка совғаларни ҳам ёнига кўшиб, бир карvon юқ қилди. Сўнг ҳаммасини Байрамхон ва унинг юзтacha қўриқчи йигитига топшириди-да, дарҳол Қазвинга юборди. Бир карvonга юқ бўлган совғалар ва олтин-кумушлар Ҳумоюннинг укаси Аскарий учун тўлаган товони, айни вақтда, шоҳ берган қарзларнинг ортиғи билан қайтарилиши эди. Бундан мамнун бўлган шоҳ Таҳмасп Аскарийни Ҳумоюннинг ихтиёрида қолдиришга рози бўлди. Шаҳзода Муроднинг ўлими учун бутун жавобарлик Будагхоннинг зиммасига тушди. Будагхон ўзига топширилган ишнинг уддасидан чиқа олмагани учун Қандаҳор ҳокимлигидан бекор қилинди.

Шу фурсатдан фойдаланган Ҳумоюн шоҳ Таҳмасп ҳам ёқтирадиган, шиа-сунний низоларига бўй бермайдиган Байрамхонни Қандаҳорга ҳоким қилиб тайинлади. Байрамхон яна Қазвинга бориб, шоҳ Таҳмаспнинг бу карорга розилигини олиб келган куни Ҳумоюн уни аммасининг олдига бошлаб кирди:

— Пойқадамингиз яхши келди, ҳазрат амма! Байрамхон шундай мушкул вазифаларни қойил қилиб уddaлагани учун, унга даргоҳимизнинг энг юксак мартабаси — хони замон уновонини бердик.

— Қуллук бўлсан! — деб Хонзода бегим Байрамхонни ўрнидан туриб муборакбод қилди. Бу шоир йигит йигирма беш яшарлик пайтларида Бобур мирзонинг ўртанча қизи Гулранг бегимга ошик бўлиб юргани кайвонининг эсига тушди. Ҳозир Байрамхон басавлат ўрта яшар одам бўлса ҳам, Хонзода бегим уни йигит ўрнида кўриб деди:— Илоҳим, умрингиз узоқ бўлсан! Ҳумоюнга қилаётган ҳамма яхшиликларингиздан хабарим бор. Агар яна битта қизим бўлса, сизни жон деб куёв қилур эдим!

Бу гаплардан ҳамма бир қулиб олди. Кулаётганлар орасида Хонзода бегимни кўришга келган Салтанат бегим ҳам бор эди. «Қизилбошлар Аскарийнинг ҳарамини беномус килганмиш», деган овозалар ҳақиқатан уйдирма гап бўлиб чиқди. Ҳумоюн Аскарийнинг хотини Салтанат бегимни, бошқа аёллар ва болаларни ўз ҳимоясига олган, кароргоҳда уларга алоҳида чодирлар тикидириб берган эди. Аммо Аскарийнинг ўзини Будагхон асир қилиб Қазвинга юбормоқчи бўлгани рост эди. Ҳумоюн уни кафилликка олган, кўшин орасидаги алоҳида ўтовда атрофига соқчилар кўйиб ҳибса сақламоқда эди. Бугун эрталаб Хонзода бегим ўзи уни бориб кўрди.

Белида на қиличи, на камари ва на белбоги бор, соқол-мўйлови ўсиб кетган, юзи синиккан Аскарий лаблари пир-пир учиб:

— Ўзимдан ўтган, амма,— деди.— Энди... оғаларимизга айтинг, адоватни бас қилсинлар. Шу икки оға ярашса биз ҳам тинчир эдик.

Ҳозир Байрамхон келтирган хушхабарлардан Ҳумоюннинг дили яйраб турган пайтда Хонзода бегим унга меҳри товланиб каради-да:

— Ҳазратим,— деди,— худо раҳмати отангиз сизга атаб ёзган мактубларида битган эдиларки, «улуғлар қўтаримлиқ бўлгай». Сиз катта оғасиз, улугсиз. Комрондан ўтган бўлса кечиринг. Ўғлингиз Акбар ҳам хавф-хатардан кутулсин.

— Оға-ини адовати ўзимнинг ҳам жонимга теккан,— деди Ҳумоюн.— Наҳотки тўрт оғайни бир дастурхон атрофиға йигилиб ўтиrolмасак? Мен қачонлардан берли ҳазрат отамнинг қабрига зиёратга борганим йўқ. Бир марта учала ишимни мақбараларига бошлаб борсам. «мана, отажон, тўрт кўз тугал», деб, отамнинг улуғ руҳини шод этсам, деб, шунча орзу қилурмен. Комрон ҳеч бўй бермайдир. Ахир у ҳам шу отанинг фарзанди-ку. Бир марта менга ишониб, Кобул дарвозасини жангсиз очсин. Ҳиндол билан Аскарий ҳозир ёнимда, бирга олиб борай. Комрон ҳам ёнимга кириб, кўмак берсин. Ҳиндга қайтиб, отамнинг улуғ давлатини тиклайлик. Ана ундан кейин Кобул ҳам, Қандаҳор ҳам — ҳаммаси яна Комроннинг ихтиёрига ўтгай.

Юрак қаъридан чиқкан бу сўзлар Ҳонзода бегимга шундай таъсир қилдики, кўзига ёш олиб:

— Муродингизга стинг, Ҳумоюнжон, мурувватли қалбингиз бор! — деди.— Мен бориб ҳамма гапларингизни Комронга айтгаймен! Яккама-якка ўлтириб сўзлашурмен!

Ҳонзода бегим тезроқ Кобулга қайтиб, бу янгиликларни Комронга етказмоқчи ва уни инсофга чақирмоқчи эди. Бирок руҳини кўтариб, вужудини ҳаяжонга солаётган бу мураккаб вазифалар унинг юрагига катта юк бўлиб тушмоқда эди, гоҳи-гоҳида нафас олиши оғирлашиб, ўпкаси гижиллаб қолар эди. Ҳумоюн аммасини ўзининг хос ҳакимиға кўрсатган эди:

— Ҳазрат бегим, сизга ором керак, ҳозир узок сафарга чикмаганингиз маъқул,— деди.

Ҳумоюн ҳам аммасини олиб колмокчи бўлди. Лекин Ҳонзода бегим кўнмади.

— Салкин Кобулга етсан яҳши бўлиб кетгаймен, оға-инини мен яраштирасам, хонадонимизда буни киладиган бошка кайвони йўқ,— деб туриб олди.— Акбаржонга ҳам Кобулда мен керакмен. Йўлга чиқай!

Ҳамида бону фил суюгидан ва хушбўй сандал дарахтидан ясалган ўйинчоқлар, жажжи этикчалару тўнлар ва кўйлакчаларни Акбарга атаб бериб юборди.

Ҳонзода бегим Кобулдан ўзининг канизи ва тўртта одами билан келган эди. Ҳумоюн уларнинг ёнига йигирмата йигит қўшли, аммасини маҳофага ўтқазди. Йигитларига:

— Тахтиравон ҳам олинглар,— деб буюорди.— Маҳофа уринтириб қўйса, тахтиравон беозорроқ, кўтариб кетгайсизлар.

Ҳонзода бегимнинг руҳи қанчалик тетик бўлмасин, танаси йўл азобини кўтаролмайдиган бўлиб қолган эди.

Буни ўзи ҳам сезар, лекин Кобулга бир амаллаб етиб олишига умид боғлаб бораради.

Уч кун ўтиб, тўртинчи куни маҳофада бехаловат бўла бошлади. Юраги тўхтаб-тўхтаб урарли. Канизи буни йигитларга айтди. Шундан сўнг саккиз йигит уни тахтиравонга солиб қўлларида кўтариб бора бошладилар, Бошдан-оёқ ок кийинган, озиб, енгилгина бўлиб қолган Ҳонзода бегим тахтиравон ичидаги худди ўзи йўқдай, факат руҳи бордай сокин бораради. Кўз олдидан бутун хаёти, Фарғона водийсида бошланган ёшлиги, иниси Бобур билан Самарқанд қамалида тортган азоблари, Шайбонийхон ҳарамида ўн йил яшаб топган ўғилчаси Хуррам бир-бир ўта бошлади. Ҳонзода бегим туш кўрдими ёки алаҳисирадими, ўн бир ёшли Хуррамшоҳ туман ичидан кулимсираб чикиб келди-ю, онасини қўлидан олди. Зум ўтмай туман осмондаги булатта айланди. Она-бола осмонда муаллак туриб қолгандаи бўлди. Ҳонзода бегим ер узокларда колиб кетганини кўриб, юраги шув этди, ўзи бола билан пастга учиб кетгандай бўлди, шу кетища ҳушини йўқотди-ю, нафас олишидан тўхтади.

Унинг кандай жон берганини ҳеч ким сезмай қолди. Тахтиравон Кобулҳақ деган жойга етганда йигитлар уни ерга кўйиб, очиб карасалар, Ҳонзода бегимнинг кўзлари абадий юмилган... Ўша йигитлар эртаси куни унинг тобутини кўтардилар.

* * *

Ҳумоюн Қандаҳори тиничитиб Кобулга боргандада, Комрон қалья дарвозаларини очмади. Қамал бошланди. Ҳумоюн аркдан баландрок бўлган Үқабайн тоғига замбарак ва тўғанғларни ўрнатиб, оға-инининг орасини бузатётган Бопусхон ва Корачаҳонни ўкка туттириди. Бу ўқлардан бири тасодифан Комроннинг тепасидан учиб ўтган эди. Акасига ўчакишган Комрон уч яшар Акбарни ичкаридан олиб чиқдириди-ю, ўқ келаётган томонга тўғрилаб, тикка турғизиб қўйди. Қандай даҳшатли хатарга рўбарў бўлғанини билмайдиган мурғак бола Комроннинг буйруғига биноан арк ҳовлиси ўртасида анча вақт турди. Тўғанг ўқлари ёни-веридан визиллаб ўтганда уларга қизикиб қаради. Тўп ўқларидан бири боши устидан ошиб, арк деворига урилди-ю, чанг кўтариб, тошларни синдириб тушди.

Акбар отасининг ўқига нишон килиб қўйилганидан ха-

бар топган Моҳим энага ичкаридан дод солиб чиқиб, болани ўзининг гавдаси билан тўсди. Ўқ келаётган томонга караб кўлларини кўтарди, бор овози билан бақирди:

— Отманглар-о-о!! Отманглар! Акбар бу! Акбар-ар! Болага отмангла-ар!!

Ниҳоят, тоғдан ўқ отаётганлар бола билан турган аёлни кўрдилар. Моҳим энага жон ҳолатда қичкириб «Ак-к-ба-ар бу-у!» дегани Ҳумоюнинг кулогига етганда кўркувдан сочлари тикка бўлиб кетди. Қалья томонга замбаракдан ҳам, тўфангдан ҳам ўқ отишни қатъян тақиқлади.

Акбар ўлим таҳликасини энагаси орқали сезди. Боя деворни чангитиб, тошни синдириган тўп ўқи энагага тегиши мумкинлиги болада кўркувдан ҳам кучли бир кин ва жаҳл уйғотди. Моҳим уни ичкарига кўтариб кирганда боланинг ранги оқариб кетган эди. Моҳим уни ерга қўйиб, пиёлада сув олди. «Бола кўрккан» деб, сув ичирмоқчи бўлди. Лекин Акбарнинг хуши жойида эмас, пиёлани уриб ерга тушириб юборди. Бирдан дод солиб йиглади, аммо кўзлари намланмади. Дилядаги тошдай қаттиқ бир жаҳл туйғуси борлигини исканжага олиб қийнар, бояги ўкларнинг визиллаши кулогидан нари кетмас эди.

— Акбаржон, бас! Бас! Ўклардан кутулдик! Йиги бас!. Бўлди болажоним! Бўлди!

Тўп ўқининг ваҳшати билан бирга боланинг қалбига ўрнашиб қолган ўксиниш ва жаҳл ҳеч тарқамас, Акбар ўзини у ёқдан-бу ёқка отиб йиглар, қўлига тушган нарсани улоктиради. Боланинг йиғисини нариги уйдан эшигтан Гулбадан бегим чопиб кириб келди. Моҳим билан икковлашиб, Акбарни кеч бўлганда зўрга юпатдилар. Бола уйкусидаги ҳам оғир хўрсиниб ётарди. Буни кўриб Гулбадан бегим кўзига ёш олди. Эшик-деразани бекитиб, шам ёруғида Ҳумоюнга мактуб ёза бошлади:

«Ҳазраг оғажон, шукурким, Акбаржонни худо бир асрани. Лекин уч ойдан бери камал азоби ҳаммани жонидан тўйдирди. Бопусхон билан Қорачахонларнинг зулмидан безор бўлганлар кечаси девордан ўзини ташлаб, обмўридан чиқиб, сиз томонга қочиб ўтмоқда экан. Бу ўтганлардан бири менинг мактубимни сизга етказар деб умид қиласмен. Мен эшигдимким, Бопусхон билан Қорачахон боғ талашиб урушиб қолибдилар. Худо раҳматли аммам Ҳонзода бегимнинг яхши боғи, ҳовли-жойи меросхўрсиз қолган эди, шуни Қорачахон олмоқчи экан, вазир Бопусхон ундан олдин Комрон мирзодан ижозат олиб, ўғлига хатлаб берибдир. Шу туфайли бу икки ит суюк талашиб

уришиб қолдилар. Бопусхон вазирлигидан фойдаланиб, Қорачахонни доругалик амалидан маҳрум қилди. Ҳозир Қорачахон мингтacha аскарга саркарда, Чармгарон дарвозасини кўриклаб турибдир. Қўёвингизнинг иниси, менинг қайним Маҳдихўжа ҳам унинг аскарлари сафида. Бир кун мастиклида Қорачахон Маҳдихўжага сизни мақтаган эмиш, Комронга хизматга ўтганидан энди афсус қиласмиш, «ҳазрат Ҳумоюн гуноҳимни кечирмагай-да, бўлмаса ҳузурларига бош эгиб борар эдим», деган эмиш. Подшоларнинг биридан бошқасига қочиб ўтишга ўрганган бундай сотқинларни ўзларининг қуроллари билан енгиш мумкин эмасмикин? Ортиқча қон тўкилмайдиган бирон йўлини ўйлаб топармикинсиз, ҳазрат оғажон! Қўзларимиз йўлингизга тўрт бўлиб нажот кутмоқдамиз. Сизни соғиниб, йиғлаб мактуб ёзган синглингиз Гулбадан».

Ҳумоюн бу мактубни олгач, ўз аскарлари сафида хизматда бўлган куёви Ҳизрхўжаконни чодирга чақирди. Ҳизрхўжакон ботир йигит, одоб-ахлоқи Гулбаданга маъкул келган, ўзи эшонлар авлодидан эди-ю, лекин ёшлигида яхши таҳсил кўрмаган, саводи йўқ, уммий эди. Ҳумоюн берган хатни кўлида айлантириб кўрди, кўзига соғинч билан сурди.

— Тинчликмикин, ҳазратим? Ёшлиқда кунт билан савод ўрганмаганимдан энди доғдамен!

Ҳумоюн мактубни унинг кўлидан олиб, ўқиб берди. Ҳизрхўжакон чақмоқ мўйловини мамнун силаб, баҳодирона кенг кўкрагини тўлдириб нафас олди:

— Синглингиз бизга нажот йўлини топиб берибдир, ҳазратим! Агар буюрсангиз мен Қорачахон билан алоқа ўрнатмоғим мумкин.

Ҳумоюн Қорачахон билан алоқа боғлашдан қанчалик жирканмасин, бошқа йўл йўқлигини сезди.

— Инингиз Маҳдихўжа Қорачахон билан Чармгарон дарвозасини кўриклар экан,— деди Ҳумоюн.

— Ҳа, мен аввал инимни топгайман.

— Менинг Қорачахонга... мактуб ёзгим йўқ... Мабодо иликласалар ўзига ҳам ёмон бўлғай... Сиз менинг номимдан инонтириб айтингки, кечаси эл ухлаганда дарвозани очиб берса, нобакорнинг барча гуноҳларидан кечгайман, кўнгли тилаган иноятларни ҳам заҳримартига олсин.

Тезроқ Гулбаданга етиш иштиёқида ёнган Ҳизрхўжакон қавс¹ ойининг муздай сувига кечаси обмўри орқали тушиб, сув тагидан нафас олмай ўтиб борди...

¹ Кавс — 22 октябрдан 22 ноябргача.

Келишилган вақтда Қорачахон Чармгарон дарвозасини секин очиб берди. Ҳумоюннинг қўшини қальга бостириб кирди. У Комронни нима килиб бўлса ҳам тирик қўлга туширишни буюрган эди. Лекин чакқонлик ва довюракликда акасидан қолишмайдиган Комрон қўлда килич билан ўзига йўл очиб, қальянинг бошқа дарвозасидан кочиб чиқиб кетди. Шу кетганича Хайбар довонидан ошиб, Синд дарёсидан ўтиб, қайнотаси Ҳусайн аргун даргоҳидан паноҳ топди.

* * *

Икки ярим йилдан бери ёлғиз ўғлининг дийдорига ташна бўлиб юрган Ҳумоюн тонг отганда Акбар ётган аркка от чоптириб келди. Лекин уйқудан барвакт уйғотилган бола отасини танимади — ўн ойлигига бўлган воқеалар гўдак хотирасидан аллақачон ўчиб кетган эди. Бунинг устига килич таққан Ҳумоюннинг нимасидир шафқатсиз Комронни ва тепасидан ўтган тўп ўқини боланинг эсига тушириди. Акбар бегонасираб орқага тисарилди. Ҳумоюн унга қўл чўзиб ялинди:

— Акбаржон! Ўғлим! Сени хавф-хатарлар гирдобида қолдирганим учун кечир! Билмасдан оттирган ўқларим учун кечир мени!

Отасининг овози Комроннидан бутунлай бошқача экани Акбарда илик туйғу уйғотди. Шундай катта одамнинг кўзида ҳалқаланган ёш, овозида товланган илтижо боланинг кўнглини юмшатди. Ҳумоюн уни авайлаб кучоғига олганда Акбарга бу ёқимли туюлди.

Кўп ўтмай Қандаҳордан Ҳамида бегим ҳам етиб келди. У келгунча Гулбадан ва Моҳим энага Акбарга онасининг кўп белгиларини айтиб бердилар. Шунинг учун Акбарнинг онасини таниши унча қийин бўлмади.

Ҳамида бегим Акбарни кечаю кундуз ёнидан кўймай парвариш қилас әкан, унинг миқти ва шўх бола бўлганини кўриб кувонарди. Фақат бъази кечалари тўп ўқига нишон бўлган ўша машъум дамлар боланинг тушига кирса босин-кираб уйғонар, ранги оқариб, ўзини билмай қолар, йиглаб тўполон қилас, уни юпатгунча она эзилиб, қийналиб кетар эди. Боланинг бошидан кечган даҳшатлар унинг дилида умрбод унут бўлмайдиган асоратлар қолдиргани Ҳамидана таҳликаға соларди. У бу асоратни ўғлининг хотирасидан кетказишга ҳаракат қилиб юрган кезларда яна янги фалокатлар юз берди.

Шимолий чегараларда шайбонийзодалар кутқусига учган Бадаҳшон ҳокими Ҳумоюнга карши исён кўтарди. Ҳумоюн Бадаҳшонга қўшин торти ва ўша ёкларда олти ой колиб кетди.

Бунинг хабари Синд вилоятида пайт пойлаб юрган Комрон мирзога етиб борди. У бир неча юз одамни оддий деҳқонлар, бозорчилар кийимида Кобул дарвозалари томон юборди. Шаҳар тинчиб қолган, атроф кишлеклардан бозорга дон, мева, ўтин олиб келадиган кишилар учун дарвозалар ҳар куни аzon пайти очилади. Соябон араваларда дон ва мева ўрнига куролли навкарларни бекитиб олиб кирган Бопусхон энг аввал қалья дарвозаларини эгаллади. Асосий кучлар билан пиистирмада турган Мирзо Комрон Бопусхон очган дарвозалардан от кўйиб кирди-ю, бутун қальяни забт этди, қаршилик қилганларни аёвсиз ўлдирди, ўтган галги мағлубият учун кўп одамлардан қасд олди. Бу хабар Ҳумоюнга етиб боргач, у Бадаҳшондан Кобулга қайтди. Аммо дарвозалар яна бекик, Комрон уни киритмоқчи эмас. Яна камал бошланди.

Ўтган галги камалда Ҳумоюннинг Қорачахон билан алоқа боғлашига аёллар ёрдам берганини эшитган Комрон мирзо Ҳамида бону билан Гулбадани илгари мирзо Аскарийнинг ҳарами бўлган бир уйга каматди. Бопусхон бегимлар камалган жойни ойлар мобайнида сокчилар кучи билан саклашга эринди-ю, унинг эшик ва даричалари гишт қалатиб бекиттириди. Сув ва овқат том устидаги мўридан арқон билан тушириб берадиган қилинди. Ҳамида бону, унинг ўғилчаси Акбар ва кизалоги Жаҳон бегим ўз энагалари билан мана шу зиндондай эшиксиз ва даричасиз ўйда беш ой камал азобини тортидилар. Қамок даврида икки ўшдан ошган Жаҳон Султон бегим зиндон азобига бардош бера олмай оғир касал бўлди-ю, онасининг қўлида жон берди... Беш яшар Акбар ҳам бу мусибатни бошдан кечирди.

Ҳумоюн энди Комронни умрбод кечирмаслиги керак эди. Комрон ҳам шундай деб ўйлаб охирги кучлари қолгунича у билан олишди, лекин енгилиши муқаррарлигини сезди-да, Кобул қальасидан кечаси яшириқча чикиб, ўттизтacha одами билан шимолга қараб кочди.

Шу кетишида бу гал у Бадаҳшоннинг Толиконига борди. Бадаҳшоннинг маркази — Зафар қальаси эди. Ҳумоюн бу қальянинг ихтиёрини амакиваҷасининг ёш беваси Ҳарам бегимга ва унинг норасида ўғиллари мирзо Сулаймон билан мирзо Иброҳимга топшириб келган эди. Ҳарам бегим ўттиз ёнили келишганд жувон, жангларда эркакча

кийиниб, килич чопадиган довюрак, мард аёл эди, ўн беш минг Бадахшон йигити унга сўзсиз итоат этар эди.

Қамалда енгилиб ҳазинасидан ва кўшинидан айриланган Комрон давлатманд жувон билан тил топиш фикрига тушди. Тархон бека номли бир доголи аёл: «Амакисининг бевасига уйланиш бизнинг улусда бор одат, Ҳарам бегим сиздек баходир йигитга зор бўлиб юрибdir, мен сизга унинг ризолигини олиб бергаймен», деб Комронни ишонтириди.

Комрон ўзининг ошиқлик мактубига Бадахшон лаъли, ҳинд марваридлари ва чиройли қашмири рўмолни қўшиб совга килди-ю, Тархон бека оркали Ҳарам бегимга юборди. Ҳарам бегим Комроннинг ошиқлик мактубини ўқиди, совгаларини кўрди, Тархон бека сўйлоқи тишларини кўрсатиб хихилаб кулди:

— Ўттиз ёнда эрсиз юриш азоб, айланай, бошимиздан ўтган,— деб, беҳаё ҳикоялар айтиб, Ҳарам бегимнинг хирсини уйғотишига ҳаракат килди.

Ҳарам бегим қайноға ўрнида кўриб ўрганган Комрон мирzonинг мактуби ҳам, орага қўйилган кампирнинг беҳаё гаплари ҳам Зафар қальясининг маликасига каттиқ ҳакоратдай туюлди. Унинг ғазаби келиб, жалладни чакириди-ю, доголи Тархон bekани пора-пора килдирди. бошини кесдириб, ўзи келтирган қашмири рўмолга тугдирди-да, лаълу марваридлари билан бирга Комронга кайтариб юборди. Инисининг мактубини эса Ҳумоюнга жўнатди.

Бу воқеадан хабар топган Ҳумоюн Комроннинг мағлубиятдан довдираб, эс-хушини йўқотаётганини, ёмон одамлар шундан фойдаланиб, уни янада шармандали ахволга солишлари мумкинлигини, оталарининг улуғ номига иснод келтирадиган бундай ишларнинг олдини олиш ҳам катта аканинг бурчи эканини ўйлади. У энди нима қилиб бўлса ҳам Комрон билан бир учрашиши, юзма-юз туриб очик гаплашиши керак эди. Фақат шундагина орани бузатётган одамларнинг таъсирини киркиш ва Комронни уларнинг асоратидан кутқариш мумкин эди. Қанча мушкул муаммаларни ечган Ҳумоюн наҳотки энди шу ишнинг уддасидан чиқолмаса? Наҳотки ўз инисининг берган озорларини унучтиши, килган ёмонликларини ичига ютиб, у билан бир марта ярашиши шу қадар кийин бўлса?

Ҳамида бегим Комроннинг номини тилга олгиси келмас, қамал ойларида дили яралangan Акбар ҳам жажжи синглиснинг қотили билан отасининг ярашишини истамас эди. «Комрондан энди умид йўқ, яширин одамлар юбориб, ясоқقا етказиши керак!» дерди Турдибек. Лекин

Ҳумоюн биродаркуш бўлишини истамас, «раҳматли отам, «зинҳор иниларингнинг конини тўкма!» деб васият қилгандар» дерди.

Ҳозир Аскарий билан Ҳиндол Ҳумоюннинг ёнида, энди факат Комрон тентираб юрибди. Ҳумоюн унинг олдига Ҳиндолни юборди. «Бас энди, келсин, гуноҳларидан кечай», деди. Аммо Комроннинг ёнидаги Бопусхон, «борманг, яширинча қатл эттиргай», деб уни кўркитди. Комрон яна ярашишдан бош тортиди. Шундан кейин Ҳумоюн Ҳарам бегимга мактуб ёзиб, Комронни қуршовга олишда ёрдам беришини сўради. Ҳарам бегим ўн икки минг отлик қўшин йигди, ўзи бу лашкарга бош бўлиб, Помир тогининг жанубий этакларидан Ҳиндикуш тогининг шимолидаги Кўталгача олиб келди. Бу қўшинни Ҳумоюннинг кўмагига топшириди-да, ўзи яна Бадахшоннинг Зафар кальасига қайтиб келди.

Келинларининг мардона иши Комронни вахимага солиб қўйди. Агар у Ҳумоюн билан энди ҳам ярашмаса тирик кутулиб кетолмаслиги аниқ эди. Шундан кейин Комрон Ҳумоюн кароргоҳига одам юборди:

— Ҳиндол келсин, бирга боргаймиз,— деди.

* * *

Илк баҳор кунларида Ҳумоюн Ҳиндикуш тогининг жанубий этакларига юздан ортиқ чодир тикитирди. Уларнинг ўртасига кўкракдор бир жойга улкан саропарда ўрнатилди. Боргоҳ ва хиргоҳдан ташқари яна уч хил рангдаги учта кимхоб чодирни шу саропарда ичига ўрнатишиди.

Отликлар кўп ўтиб йўл килган жойдан то саропарда эшигига қадар лоларанг ипак пойандоз тўшалган эди. Ҳиндол ва Аскарий икки ёнда, Комрон мирзо ўртада, учаласи шу пойандоз олдига келиб отдан тушдилар. Накоралар чалиниб, кўш сурнай майин навони куйлаб турибди. Яхши кийинган салобатли Комрон мирзо лоларанг пойандозга секин қадам қўйиб, иниларини эргаштириб кела бошлаган пайтда саропардадан Ҳумоюн унга пешвозди. Сурнай ва накоралар товушида жўшқин, кувнок, ҳаяжонли оҳанглар пайдо бўлди.

Бу хаёлот эмас, туш ҳам эмас. Ҳумоюн кўпдан орзу қилган ва етти йил курашиб юриб, ниҳоят бугун мұяссар бўлаётган ҳакиқат эди.

Бунчалик эъзоз билан пешвозд отинишини кутмаган Комрон акасининг муруввати олдида тиз чўкиб уч марта

юкунди. Ҳозир унинг белида на қиличи, на ханжари бор, факат камарнинг ўзи боғланган. Комрон тигроқ кўллари билан олтин камарини счди-да, уни ўзининг бўйнига осди. Бу унинг таслим бўлганини билдирар эди. Шу билан Комрон ўзининг гунохкор эканини хамманинг кўзи олдида тан олди. Бундан таъсирланган Ҳумоюн унга кучоқ очди, одат бўйича уч марта кўкракни кўкракка босиб кўришдилар. Шундан сўнг, Ҳумоюн Комроннинг олтин камарини бўйнидан олиб, белига боғлаб кўйди. Саропарда ичидаги энг катта чодир оға-инилар учун гулдай ясатиб кўйилган эди.

Ҳумоюн тўрга ўтди-да, ўнг ёнига Комронни ўтқазди. Аскарий билан Ҳиндол икки томондан жой олишди. Олтин косаларда энг аввал хушбўй гулоб келтирилди. Бир коса гулобни аввал Ҳумоюн, сўнг Комрон иди. Иккичи косадаги гулобнинг бир қисмини Аскарий ишиб, колганини Ҳиндолга берди.

Зиёфат бошланди. Гоҳ кийик кабобини, гоҳ кобули шўрвани, гоҳ фарғонача паловни олиб келиб дастурхонга кўяётган баковуллар тўрт оға-инини энди бир дастурхон атрофида кўраётгандаридан хурсанд. Энг тўнгичи Ҳумоюн — кирк ёшда, энг кичиги Ҳиндол — йигирма саккизда. Бугун дастурхон атрофида тўртовларидан бошка хеч ким йўқ. Тўртовлари ҳам бир-биридан дуркун бўлгани учун катта чодирни тўлдириб ўлтиришибди. Хизматкорлар назарida чодирда етти-саккизта одам ўлтиргандай.

Паловдан кейин Ҳумоюн битта чинни тарвуз сўйидиди. Тарвузни тенг икки паллага бўлиб, бир палласини Комрон билан Ҳумоюннинг олдига, иккинчи палласини кичик инилар ўртасига кўйишди. Баҳоргача асралган бу тарвуз жуда ширин эди, тўртовлари ҳам уни мақтаб-мақтаб едилар, бари бир тарвуз улардан ортиб қолди.

— Ана,— деди Ҳумоюн.— Тўртталамизга битта тарвуз етиб ортар экан. Талашиб-тортишишнинг не хожати бор? Мамлакат улкан — Қандаҳордан Бадаҳшонгача. Наҳотки шу бизга етмаса?

Комрон хижолатдан кизариб, маҳзун бир қиёфа билан:

— Начора, ҳом сут эмган банда эканмиз,— деди.

— Майли, ўтган ишга салавот,— деди Ҳумоюн.— Қани, мирзо Комрон, янги шеълардан борми?

Гап ёқимли мавзуга кўчганидан енгил тортган Комрон:

— Ҳазрат отамизнинг машхур бир рубойлари бор. «Кўнгли тилаган муродига етса киши, ё барча муродларни тарқ этса киши» деб бошланур. Факир шу йўлда бир рубойй битмишмен:

Ё бўлса мұяссар кишига илм ила ҳол¹
Ё топса киши салтанат авжида камол.
Ё ошифтада бўлса кўруб ҳусну жамол,
Ё бўлса тамом ўзлигидин фориғбол.²

Ҳумоюн ҳозир оға-ини адоватидан кутулиб, фориғбол бўлиб ўлтиргани учун, сўнгги сатр унга жуда ёқди:

— Кўнглимдаги сўзларни битибсиз, амирзодам! Дунёдаги энг ёмон тутқунлик — одамнинг ўзлигидан фориғбол бўла олмаслигидир. Бундан олдин бир маснавий ҳам битган экансиз. Менинг хотирамда бир неча сатри қолмишdir. Унда ҳам ҳак сўзлар бор.

— Қайси маснавий экан, ҳазратим? Бирор сатрини эслатинг.

«Якталабу, яқдилу, якхўй бўл,
Борча ҳалойик била якрўй бўл».

— Бу ҳам ҳазрат отамнинг маснавийларига ўхшаб кетадир.— деди Ҳиндол.

— Ҳа,— давом этди Ҳумоюн.— Қуйидаги тўрт сатрини Комрон мен кабиларга бағишлаб ёзган деб ўйладим:

Эй, ўзини жоҳ ила маст айлаган,
Химматин ул пояда паст айлаган.
Химмат эмас улки, жаҳон олғасен
Химмат эрур буки, борин согасен³.

Комрон акаси билан хафалашиб юрганда бу сатрларни унга қарши қаратгани рост эди. Лекин ҳозир у шеърдаги кинояни ўзига олди:

— Бу сатрларда мен ўзимга мурожаат этмишмен, ҳазратим! Ёдингизда бўлса жаннатмакон отам бир қанча маснавийларни ўзларига карата битган эдилар. Секрида май ичишдан тавба килганда ўзларига мурожаат этиб айтган маснавийларини эсланг:

— Ўзингизга мурожаат этганингиз — бизга ҳам мурожаат килганингиз эмасму, амирзодам? — деди Ҳумоюн

¹ Ҳ ол — бу ерда қарор топиш, максадга етиш.

² Ф о р иғ — озод бўлиш, ташвишдан кутулиш; б о л — дил, жон; ф о риғ бол — дилу жоннинг озод бўлиши.

³ С олғасен — «баридан воз кечгайсен» маъносида.

Неча нафсингта бўлурсен тобеъ?
Неча умрингни кулурсан зойеъ.

кулими сираб.— Ахир биз ҳаммамиз бир хонаводаданмиз.

— Бу рост, аммо мен аввалги даъволаримдан воз кечиб, ўзлигимдан форигбол бўлдим. Ҳиммат — барини олишда эмас, баридан воз кечишда эканини энди астойдил хис этдим.

— Бу хис сизга ҳам таниш бўлса керак, ҳазратим? — деб Ҳиндол Ҳумоюнга Аграпи эслатди.— Ўшанда сиз ҳатто тахтингизни, бутун ҳазинангизни сакко йигит Низомга бериб кўйган экансиз. Афсуски, биз ўшанда ёшлик килиб бу юксак ҳимматнинг қадрига етмаган эканмиз.

— Энди қадрига етдингизми, ахир? — кулиб сўради Ҳумоюн. Бу саволга ҳар учала ини тасдиқ жавоб бердилар.

— Ундок бўлса, тўртталамиз бу кеча мана шу саро-парда ичиди бирга ухлагаймиз. Дамини олиб, ёртага Кобулга, ҳазрат отамнинг қабрини зиёрат қилгани боргаймиз.

Ҳумоюн атайлаб беку аъёнларни орага қўшмасликка ҳаракат килар, чунки уларнинг Комронга боғлиқ гина-кудуратлари кўп — Бопусхон камал пайтида бирининг ака-сини ўлдиртирган, бирининг синглисини беномус қилган, лекин одамлар буни Комрондан кўрар эди.

Тўрт оғайни қўрикчи йигитлари билан Кобул кўчалари-ни тўлдириб ўтдилар, минглаб одамларнинг эътибори остида баланд тепалик устидаги Бобур мақбарасига кўтарили-дилар.

Оталари хаётлигига тоғдаги чашмалардан бу ергача ариқ қаздириб, сув олиб келган ва тўртта чинор эктирган эди. Йигирма йил ичиди улар юкорига бўй чўзиб, катта дараҳтларга айланган.

Бу хушхаво жойга шимолдан — Амударё ва Сирдарё томондан эстан шамоллар Бобур туғилиб ўсган жойларнинг эзгу исини олиб келарди. Жанубдан эстан шамоллар эса Бобур Кобул дарёси бўйида ва Жамна қирғоқларида барпо этган боғларнинг муаттар хидини келтириб турган-дай бўларди.

Оталарининг васиятига биноан, унинг хоки Аградан хинд тупроғи билан бирга келтирилиб қабр ичига солин-гандар эди. Қабр устидаги олтинранг мармар эса Самарқанд-нинг Фозғонидан туяларга ортиб келинган ва Кобулда та-рашланиб, сайкал олган эди. Тўрт ўғил мақбара ичига чукур сукут билан кириб, қабр тошининг икки ёнига ва оёқ томонига чўк тушиб ўлтиридилар ва тиловат килд Ҳумоюн отасининг ўлмас руҳини тирик хис килиб, хаётлигига идеқ мурожаат этди:

— Ҳазрат отажон, шукур, мана, барча ўғилларингиз соғ, омон. Ҳузурингизга бирга келиш орзусида эдик. Бугун шу орзуга етдик.— У иниларига юзланди: — Падари буз-рукворнинг руҳлари олдида аҳд қиласийлик, Комрон, Аскарий, Ҳиндол — барчамиз минбаъд аҳилликни ҳеч ҳам бузмайлик! Ҳеч бир кимса орамизга нифоқ сололмасин. Омин!

— Омин!

Ҳиндол акасининг сўзларидан қаттиқ таъсирланиб, кў-зига ёш олди.

Комрон эса босиқлик билан:

— Омин! — деди-ю, ичиди Ҳиндолни «ҳали ҳам бола» деб кўйди. Аскарий ҳам Комрондек босиқ. У Ҳумоюндан кўра Комронни тезрок тушунади. Ҳумоюннинг одам эришиб бўлмайдиган нарсаларга ишониши ва интилиши, ҳо-зиргидай оталарининг қабри олдида тирик одамга сўзла-гандек гапиришлари Комрон билан Аскарийга китобий бир хаёлпастликдек туюлади. Аграда Ҳумоюннинг олий та-бакани «аҳли давлат», «аҳли саодат», «аҳли мурод» каби қисмларга бўлганлари, бутун жамиятга эса табиатдаги чор унсур асосида тартиб бермоқчи бўлганларини, эшкакчи Низомни подшо қилиб кўтаргандари ҳозир Комроннинг эсига тушиб кулгисини келтириди.

Бобур мақбарасидан нарироқда Ҳонзода бегимнинг қабри устига қўйилган одам бўйидан баландрок оқ мармарга Ҳумоюн шикаста ҳарфлар билан дил сўзларини ўйди-риб ёздиригандар эди. Ҳозир у укаларини аммасининг қабри олдига бошлаб келди-да:

— Бу улуғ аёл умр бўйи отамизга бизга ўзини фидо килиб яшади,— деди.— Ҳаётининг охирги дақиқаларига-ча тўртовимизни бирга кўриш орзусида бўлди.— Ҳумоюн аммасининг руҳига ҳам худди тирик пайтидагидек мурожаат этди: — Ҳазрат аммажон, арвоҳингиз шод бўлсин, сиз орзу қилган кунларга етишдик. Улуғ руҳингиз бизга хамиша мадад берсинг! Омин!

Комрон бу гал юзига истар-истамас фотиха тортди, акасининг бу гаплари, унинг назарида, улкан подшога ярашмайдиган бачканаликдай туюларди.

Ҳумоюн эрталаб бу ёкка келаётib, мақбара этагига кўчат олиб чиқишини ва чукурчалар қазиб қўйишини буюргандар эди. Пастдаги ариқ бўйида Турдибек у айтган ишларни тахт килиб, тўрт оғайнини кутиб турган эди. Ҳумоюн хилхонадан чиқиб буни кўрди-ю, иниларига:

— Ҳозир илк баҳор, айни ниҳол ўтқазадиган пайт,— деди.— Юринглар, отамиз қаздирган ариқ бўйига биз ҳам

кўчат экайлик, ҳозирги масъуд дамлардан хотира бўлиб колсин.

Хумоюн чинор кўчатини чукурчага солиб, ўзи тупрок тортмокчи бўлган эди, навкари кетмонни бермади:

— Ҳазратим, сиз тутиб турсангиз бас!

Аммо Ҳумоюн бунга кўнмай кетмонни тортиб олди-да, кўчат тагига ўзи тупрок ташлай бошлади. Умрида қилмаган бу ишга унинг кўли келишмаётганини кўрган Комрон акасининг кулги бўлишидан озорланиб:

— Бас, ҳазратим! — деди. Комроннинг ҳокимона ишораси билан навкар тез кетмонни Ҳумоюннинг кўлидан олди.

Комроннинг ўзи эса кўчатни тутиб турди, аммо кетмонсопга қўл теккизмади. Аслзодаларга хос назокат билан тарбия кўриб ўсан Комрон, «авомга ўзингни тенг тутсанг, дархол тепангга чикгай», деган эътиқодда эди. Ҳумоюн эса беғубор оддий одамларга яқин бўлишни яхши кўрар, ўсли Акбарнинг тўйида у ҳатто И момқули деган навкари билан кураш тушган эди.

Тўрт оғайни факат ўзлари колганда унча билинмайдиган бундай фарқлар улар жамият орасига кирган сари кўзга яққол ташланади ва бирини биридан узоклаштира бошлайди. Кўпчилик Ҳумоюндан мамнун. Оға-инининг олишувларидан безор бўлганлар, «хайрият, энди тинчидик», деб қувонади, «Ҳумоюн инилари килган ёмонликларни юзларига солмай, хурматларини жойига кўйиб, ёнида эъзозлаб олиб юрибдир, бағрикенглик бундан ортиқ бўлғайми?» деган мактovлар Комроннинг қулоғига ҳам чалинади. Ҳозир бу ярашиш нуқул Ҳумоюннинг обрўсини ошираётгандай, Комрон эса Кобулдаги аввалги нуғузини йўқотиб, пастлаб кетаётгандай туюлади-ю, кун сайин каттиқ ботади. Айникса, камал пайтида ундан жабр кўрган одамларнинг кўзларидаги кудурат Комронга тикандай санчилади, қариндош аёллар билан кўришганда Ҳамида бону унга кўзлари тўла мусибат билан шундай тикилдики, Комроннинг кўнгли аллакандай бўлиб кетди. У Ҳумоюннинг камал пайтида зинданда жон берган кизи — икки ёшли Жаҳон Султон бегимнинг ўлими учун жавобгар эканини мунгли онанинг нигоҳидан сезганда, бу кўзларнинг ўтқир дарди гўё найза бўлиб отилди-ю, Комроннинг дилига кадалди. Эшик даричаларига ғишт қаланиб, камоқхонага айтлантирилган коронги уйда сингиллари Гулбадан ҳам бир неча ой зиндан азобини тортган, энди у ҳам Комрондан кўрган азобларини унута олмас эди... Ҳумоюнга садоқатли беклардан бир қанчаси Бопусхон томонидан аёвсиз ўлдирилган, барь

зиларининг хотинлари бозорда халойиқнинг олдида бено-мус қилинган, уларнинг тирик қолган оға-инилари буни ҳам Комрондан кўришарди. «Сен фармон бергансен, қасдини сендан олмоғимиз керак!» дегилари келиб, Комронга интиқом тўла кўзлар билан тикилишарди. Ҳумоюн қасоскорларнинг ҳовурини босиш учун Бопусхонни хибс килдирди. Афзалбек Синдга боргандা Шерхоннинг ўғли Исломшоҳ томонга ўтиб кетган, Қораҷаҳон кечаси дарвозани яшириқча очиб бергандан берли Ҳумоюн хизматида юради. Лекин беку аъёнлар орасида Қораҷаҳоннинг эътибори йўқ, солик йиғувчи маҳкамада учинчи даражали бир лавозимда ишлар, ҳеч ким уни писанд килмас эди. Бундан аламзада бўлиб юрган Қораҷаҳон пайтини топиб Комроннинг қароргоҳига келди, тиз чўкиб, ундан узр сўради.

— Мен ҳали ҳам сизни валинеъматим деб тан олурмен! — деб шивирлади.— Оҳ, қани ўша давру давронларимиз? Агар мен сизга керак бўлсам, чорланг, ернинг остидан бўлса ҳам хузурингизга етиб келурмен!

— Фитнаю шўриш энди бас! — деб Комрон унга ён бермади. Чунки ҳозир Комрон қароргоҳ килган Боги Наврўзийда Ҳумоюнга гап етказадиган хуфиялар бўлиши мумкин эди.— Яхшилик йўлидан юрсангиз, бир кун яна учрашгаймиз. Унутмаганингиз учун ташаккур!

Бу ташаккур — унинг Қораҷаҳонни кечиргани эди. Ҳар қалай, Комронни Ҳумоюндан баланд қўйиб эъзозлайдиган одам ҳам борлиги Комроннинг дилига таскин берди. У Қораҷаҳондан Саид Халилни сўради.

— Бечора қилтомок бўлиб қолди,— деди Қораҷаҳон.— Икки ойдан берли томоғидан овқат ўтмай қоқсуяк бўлиб ётибдир. Билмадим, неча кунлиги бор...

Комрон Саид Халилни кўргани борди. Бир вактлар ерни босайми-босмайми деб кеккайиб юрадиган Саид Халил ҳозир одам кўрса сесканадиган кўкиш-сариқ мурдага ўхшарди. Лаблари қимиirlаганда худди ўлик ётган одам гапириб юборгандай Комроннинг эти жимиirlади.

— Сиз...— деб пицирлади Саид Халил Комронга...— Сиз тахтни олинг! Оғонгиз... номуносиб!..

Бир томонда — Ҳумоюнни Комрондан юз чандон баланд қўйиб мақтаётган беку аъёнлар, иккинчи томонда озчилик бўлса ҳам, ҳар қалай, Комронни отасининг тахтига энг муносиб деб биладиган эски қадрдонлар... Комронга бу икки мухит — қайчининг икки тифидек туюлар, Кобулда юрганда руҳи шу тиғлар орасида қолиб қиймала-наётгандай азоб тортар эди.

Бу, эҳтимол, она сути билан кирган гайришуурий бир

туйғудир. Чунки Комроннинг онаси Гулруҳ бегим кундоши Моҳим қувонгандага эзилар, аксинча, Моҳимнинг бошига фарзанд доғими ёки бошқа бирон кулфат тушса ўзини ундан баҳтиёррок сезиб, дили таскин топарди.

Комрон ҳам Ҳумоюннинг обрўси ортганидан қувонолмас, балки руҳи тушар эди. Акасининг маънавий ғалабаси унга ўзининг маънавий мағлубиятидек туюларди. Унинг қўзини кўйдириб, рақобат ҳиссини хуружга келтираётган нарсалар кўпайган сари кечалари ухлай олмай чиқди-ю, синиқкан юз билан Ҳумоюнга мурожаат килди:

— Мен бу жамиятдан узокроққа кетай, ҳазратим. Улуғ мурувватларингизни то абад унутмагаймен. Энди... тинч бир гўша бўлса, ижод килсан...

Ўша кезларда Ҳумоюннинг қаламравидаги энг узок ўлка — шайбонийзодалар давлати билан чегарадош бўлган Кўлоб эди. Комрон Кўлобга, Аскарий эса унга қўшни Толиконга тайин бўлди ва тез кунда ўз вилоятларига жўнаб кетди.

Кобулда Ҳиндол билан қолган Ҳумоюн энди Ҳиндистонга қандай қилиб қайтиш йўлларини ўйлар эди. Бу йўллар Ҳумоюн учун ҳали ҳам берк. Шерхоннинг ўғиллари орасида энг ғайратлиси бўлган Исломшоҳ ўзига қарши бош кўтарган кучли саркардалар — Ҳавасхон ва Ҳайбатхонларни енгиб, Гвалиор қальясига хибс қилган. У Панжобда зўр давлат тузиб, қўшинини юз мингга етказган. Ҳумоюнда ҳали Исломшоҳга бас келадиган куч йўқ. Дехли, Агра, ҳатто узок Бихар ва Банголадан Кобулга, Ҳумоюн саройига эски қадрдонларидан хат-хабарлар, вакиллар келиб турибди. Ўша ёкларда бир-бири билан ҳокимият талашиб, эл-улуснинг бошига беҳисоб баҳтсизликлар келтираётган Аҳмадхон ва Одилхон сурларнинг зулмидан безор бўлган одамлар Ҳумоюнни тезроқ Ҳиндистонга қайтишга ва ўз тарафдорларини бу балолардан куткаришга унайдилар. Ҳумоюннинг ўзидаги энг зўр истак ҳам шу. Аммо ёши қирқдан ошиб, мулоҳазакор бўлиб қолган Ҳумоюн ҳали Ҳиндга қайтиши учун фурсат етилмаганини, тарих қозони яна узок қайнаши кераклигини сезади. Исломшоҳ минг уринса ҳам тўхтатолмайдиган ички бир нураш худди тоғ ёнбағрининг аста-секин кўчишига ўхшаб, Шерхон тузган давлатни ичдан емириб бормокда. Буни Ҳумоюн Ҳиндистонга маҳфий тарзда бориб келаётган ўз мушрифларининг ахборотидан билиб турибди. Бу ички нураш ўз ишини қилиб бўлгунча Ҳумоюн шошмасдан куч тўплайди ва куляй вазиятни сабр-бардош билан кутади.

* * *

Баҳор сувларидан лойқаланиб оқаётган Кобул дарёсининг шовуллаши Ўрта боғдан баралла эшитилиб туради. Чорчамалари ва мармар кўшклари Бобур томонидан режалаштирилган бу марказий боғнинг номини ҳам унинг ўзи қўйиб кетган¹. Бу боғнинг кизғиши кум тўшалган орас-та йўлкаларида кўкалдошлари билан чопиб ўйнаб юрган олти яшар Акбар:

— Адҳам, Азиз, келинглар, «Байрамхон» ўйнаймиз,— деб қолди.

Бу ўйинни уч ўртоқдан бошқа ҳеч ким билмайди. Отасининг беклари орасида Акбарга энг ёқадигани Байрамхон. Отасидан ҳам бу одам тўғрисида кўп ғаройиб ҳикоялар эшитган. Байрамхон ҳозир Қандаҳорда, Кобулга кам келади. Лекин ҳар келганда Акбарга фил суюгидан ва сандал дараҳтидан ясалган ғалати ўйинчоқлар совға қиласди. Бир марта мана шу боғда у Акбарга ва кўкалдошларига қиличбозликдан сабоқ ҳам берди. Ўшанда Акбар ўз отасининг икки кўллаб қилич чопишини, Элбрус тоғида ов пайтида Ёкуб Шерафқан билан бўлган хатарли жантда чап кўл билан қилич уриб қандай ғолиб чиққанини айтиб берди.

Байрамхоннинг бу ҳикояси Акбарга шундай таъсир килдики, у ҳам ўнг қўлини белбоқчаси билан ёнбошига боғлатиб қўйиб, бўйига яраша ёғоч қиличини чап қўли билан ишлатишга ўрганди. Ҳали қўли қотмаган ёш бола учун чап қўлини ҳам ўнг қўлидай яхши ишлатишга ўргатиш унча қўйин эмас эди. Шундан кейин тенгдош-кўкалдошлари орасида Акбар ёғоч қилични ҳаммадан яхши чопадиган бўлди. Байрамхонга ихлоси ортиб, уни:

— Хонбобо! — деб улуғлади.

Соқоли Ҳумоюнникидан оқицироқ ва бўлиқроқ, ёши ҳам каттароқ бўлган Байрамхон боланинг топағонлигидан завқ қилиб кулди:

— Шаҳзодага бобо бўлиш ҳам катта шараф! Майли, мени хонбобо дейверинг.

Шундан кейин Адҳам билан Азиз ҳам Байрамхонни «хонбобо» деб атайдиган бўлдилар ва ундан ўз саргузаштларини айтиб беришини илтимос қилдилар. Шоирликда сўз таъсирини ошириб ўрганган Байрамхон оғзаки

¹ Туркий тилда марказ маъносида ишлатиладиган «Ўрда» сўзи ҳам оғизи «Ўрта» демакдир.

хикояни ҳам жуда марокли қилиб айтар эди. Айниңса, унинг Шерхонга қандай асир тушгани, сўнг Абулкосим Жалойир уни қандай куткарғани болалар дилига, гўё накшланиб қолди. Байрамхон Қандахорга кайтиб кетгандан сўнг, уч ўрток унинг шу хикояси асосида бир ўйин ўйлаб чиқардилар. Адҳам Шерхон бўлиб ёғоч қилич тақди. Акбар — Байрамхон бўлди. Азиз — Абулкосим. Шерхон — Адҳам уларнинг икковини тутиб олди-да:

— Ким Байрамхон? — деб ўшқирди.— Чик олдинга, ҳозир бошингни кесгаймен!

Шунда Акбар:

— Мен Байрамхон,— деб олдинга чиқди. Аммо Азиз Абулкосим бўлиб, ундан олдинроққа ўтди-да:

— Бу Байрамхон эмас,— деди.— Мен Байрамхон! Бу менинг навкарим!

— Йўқ, мен Байрамхонмен! — деб Акбар яна олдинга чиқди.

Шу пайт қоидага биноан Азиз Акбарнинг юзига бир шапати уриши:

— Жим тур, сен навкарсан, Байрамхон — мен! — дейиши керак эди. Аммо Акбарнинг шаҳзодалигини доим эсда тутиш, ҳатто ўйинда ҳам унга қаттиқ тегмаслик кераклиги Азизнинг кулогига ота-онаси томонидан қайта-қайта қўйилган эди. Акбар уч ёшида тўп ўкига нишон қилиб қўйилгандан бери қаттиқ жаҳли чиқса ўзини билмай колар, ранги оқариб тўполон кўтарар эди. Шунинг учун Азиз унга шапати уролмади.

— Йўқ, мен Абулкосим бўлмагаймен! — деди.— Адҳам, сен бўл. Қилични менга бер! Мен — Шерхон.

Икки қўкалдош ўрин алмаштиришгандан сўнг ўйин босидан бошланди. Шапати уриладиган жойига етганда Адҳам Абулкосим бўлиб:

— Мен — Байрамхон, сен жим тур! — деди-ю, Акбарнинг юзига тарсаки туширди. Умрида бундай тарсаки емаган боланинг кўзларида оғриқдан ёш ҳалқаланди. Адҳам, унинг қулогига шивирлади:

— Мен сиз учун жен бермоқчимен, хайр, дўстим!

Сўнг у Шерхон — Азизнинг олдига бориб, унинг ёғоч қиличига бўйинни тутди. Ўйин яна бир такрорланганида энди Адҳам Байрамхон бўлди, Акбар эса Абулкосим киёфасига кириб, ундан шапатининг касдини олди. Байрамхон бўлиш кийин эди, Адҳам шапати оғриғига чидамай уришиб кетди.

Шунда ичкаридан Ҳамида бону чиқди-ю, уларни ярашириб қўйди.

— Энди ўйин бас, Акбаржон, юринг, мен сизга дутор чалиб берай.

Ҳамида бону илгаридан дуторни яхши чалар, сўнгги ийларда кўнглиниг чигалини танбур ва сато чалиб ёзадиган бўлган эди. Акбарга дуторнинг товушидан ҳам қўра сатонинг нафис ва чўзиқ оҳанглари кўпроқ ёқарди. Шунинг учун кўшкка киргана:

— Ҳазрат аяжон, дутор эмас, сато чалиб беринг,— деб илтимос қилди. Она-бала уч ийлдан бери бирга юриб, аввали айриликлар дардини унутган, бир-бирининг дийдорига конган шу кунларда Ҳамида бонунинг қалби бошқа бир мунг билан маъюсланиб юради. Сўнгиг пайтда у Хумоюн билан кам қўришар, доим унинг дийдорига зор бўлиб юради. Мана шу соғинч мунги сегоҳнинг маъюс сҳангларига йўғрилиб, сатони гўё ийғлатда бошлади. Онасининг қалбидага тўпланиб қолган мунгни сатодан эшиттан сарі Акбарнинг, негадир ўпкаси тўлиб, ийғлагиси келди. Аяжонига не бўлган? Бунча мунг унинг дилига қаёқдан ийғилган? Бола билмайди. Аммо янгрок сато буни гўё билгандай Ҳамиданинг дарду аламларини гўзал ва маъюс оҳангларга солиб куйлади.

Ҳамидан ўртаб юрган ғам — фақат бевакт ўлган икки фарзандининг доғигина эмас. Суюклиси Хумоюн, подшоҳлик анъаналарига берилиб, унинг устига яна бир хотин олгани Ҳамидан дўзах азобига солди.

Ҳамида икки йил бурун бўлган бу ходисани хеч унупломайди. Ўшанда Бадахшон юриши ва Кобул камали чўзилиб кетиб, Хумоюн Ҳамида бону билан бир йилча қўришомлади. Бу орада беклари Хумоюнни катта бир вилоятнинг ҳокими билан ярашириш учун, шу ҳокимнинг Норчучук исмали қизини унга олиб бермоқчи бўлишди. Одатга биноан, Хумоюн бу қизни никоҳига олишдан олдин катта хўтиналаридан розилик олмоғи керак эди. Ҳўжа Муazzзам Бадахшондан Кобулга келиб, жиянидан розилик сўраганда Ҳамида ўртаниб ийглади:

— Тофам бўлатуриб сиз ҳам менинг юрагимга тифургаймисиз?

— Илож қанча, жиянжоним! Хумоюн ҳазратлари ийгит ёшидалар, ҳали қирққа киргандари йўқ. Бир йилдан ортиқ ҳарамсиз юрмоқ подшолар учун мумкин бўлмаган ҳол. Зино йўлига кирмаслик учун ҳалолу покиза бир инкоҳга зарурат...

— Биз бир умр ҳалолу покиза юрибмиз-ку, мулла тоға? Нечун у киши бир йилда зино йўлига киргайлар?

— Сизу биз подшо эмасмиз, бегим, нечунлигини би-

лолмасмиз. Шариат ўзи тўрт хотинга йўл бериб кўйған бўлса не илож? Подшони куёв қилишга хавасмандлар кўп. Ота-боболардан қолган удум... Балки хали Акбарингиз ҳам шундок килгай. Тождорларнинг азалий одати шу бўлса биз не қилайлик, жиянжон! Менинг ҳам сизга дилим куйиб, эзилиб юрибмен!

— Менга қайишсангиз, бориб айтинг! Ҳали энди йигирма бирга кирдим. Наҳотки шу ёшда қари кампирга айлансаму устимга хотин олсалар? Мен ризо эмасмен!

— Мен... бундай гапни бориб айтолмагаймен... Назардан қолсам, кейин бошқа беклар мени тепкилаб ташлагай. Чунки бизга душманлик макомида бўлган катта бир вилоятнинг ҳокими энди сулх йўлига ўтиб, ҳазратимга қизини бермоқчи. Агар бу никоҳ бузилса, сулх ҳам яна урушга айлангай, қанча бегуноҳ қонлар тўкилгай. Наҳотки сиз тогсийнгизнинг забуни бўлишини истайсиз? Яна уруш бўлишини, беҳуда қонлар тўкилишини истасангиз, майли, рози бўлманг!

Ҳамида бону Синд вилоятида Ҳумоюнга кирқ кунгача рўйхушлик бермай юрган пайтларини эслади-ю:

— Ўзимдан ҳам ўтган! — деди.— Ўшанда кўнмаслигим керак эди. Илкимни чўзсам, этагига ҳам етмаслигини ўшанда сезган эдим!

— Аммо ҳали ҳазратимнинг сизга меҳрлари чексиз...

— Мехрдан галирманг! — деб Ҳамида тогасини жеркиб ташлади.— Ҳаммаларингиз бирсиз! Боринг айтинг, уйланаверсинлар! Аммо иккинчи менинг ёнимга келмасинлар! Бас!

Ҳумоюн ўн етти ёшли Бадахшон гўзали Норчучук бегимга уйланиб, Кобулга қайтгунча Комрон Синдан ўгринча келиб шаҳарни олди. Қамал даҳшатларида икки ёшли қизалоги Жаҳон Султондан ажralган Ҳамида бону кейин Ҳумоюн хотинини озод килганда ҳам бошқалар қатори кувона олмади. Чунки Ҳумоюннинг ёнида янги хотини Норчучук бегим ҳам Кобулга кириб келди, уни дарё бўйидаги Боги Бинафшага жойлаштирилар. Бир йил ўтмай Норчучук бегим Ҳумоюнга ўғил туғиб берди, отини Муҳаммад Ҳаким кўйишиди. Шуни эшитган куни Ҳамида бону Акбарни бағрига босиб кўзига ёш олди:

— Болажоним, худо сенга ҳам ўтгай ини берди!

Акбар онасининг бундан нега изтироб чекаётганини тушунмади:

— Ини... ёмонми, аяжон? Мен уни ўйнатамен-ку.

— Сен ўйнатадиган ининг Қандаҳор йўлида ўлмаганда хозир уч яшар бўлур эди! Амакинг Комрон эсингда бор-

ми? Сени аркда тўпнинг ўқига рўбарў қилгани ёдингдами? Үгайлик ана шундай бўлур, болам!

Ўшанда Комрон мирзо уни қандай шафқатсиз ўлимнинг тифига тўғрилаб кўйганини бола ҳали ҳам онаси тушунганчалик фахмлаган эмас, лекин бари бир ўша дамлар эсига тушса, яқинда кўрган тўпларининг даҳшат солиб отилиши кўз олдига келади-ю, уни беихтиёр сескантариб юборади. Шу хотира таъсирида бола Комрон амакисини гайришуурый бир туйғу билан ёмон кўради, уни учратса ётсираб, ўзини олиб қочади...

...Сатодан чиқаётган мунгли куйлар пастда шовуллаётган Кобул дарёсининг овозини босиб кетгудай бўлар ва боғ йўлкаларига, гуллаган бехи ва олмалар орасига секин тараалар эди. Ҳамида бону Ҳумоюнни ҳали ҳам яхши кўрар, уни соғиниб яшар, мана шу соғинч хозир маъюс ва ёруғ куйга айтаниб сатони янгратарди.

Ҳумоюн ҳукumat ишлари билан банд бўлганда ўз давлатхонасига яқин бўлган Боги Дилқушода тунаб колади. Ҳамида бону эса уни «яна Боги Бинафшага, Норчучук Зегимнинг хобгоҳига кетган» деб изтироб чекади. Кобулнинг Боги Йўнғичкасида Ҳумоюннинг катта хотини Бека бегим ўз яқинлари билан туради. Ҳаждан қайтгандан бери Ҳожи бегим номини олган бу такводор аёл Ҳумоюннинг назаридан қолган, Ҳамиданинг унга рашки келмайди. Аммо Ҳумоюн энди ўн саккизга кирган Норчучук бегимнинг олдида тунаған кунлари Ҳамида бону Ўрта Богда тиканга ағанагандай кийналиб чиқади.

Шу ички азоб таъсирида у гоҳо Ҳумоюндан аразлайди. Одатда, Ҳумоюн Ўрта Бокка келиб тунайдган бўлса кундуз одам юбориб хабар қилади. Богда шунга яраша тайёрлик кўрилади.

Бугун пешинда худди шундай хабар келди. Ҳамида бону Ҳумоюннинг дийдорига зор бўлса ҳам, бироқ унинг ўн кундан бери келмаганига, бу орада балки Норчучук бегим хобгоҳида тунағанига аччиқ қилиб, рад жавоби берди:

— Ҳазратим мени маъзур тутсинглар. Тобим йўқ. Хизматларида бўлолмагаймен. Бинафша боғига борақолсинглар.

Ҳарам бекаси у-бул деб, уни аччиғидан туширмоқчи бўлди, лекин бир сўзли Ҳамида айтган гапида туриб олди.

Ҳозир у Акбарга сатода чалиб берәётган мунгли куйда мана шу аразнинг дарди ҳам гоҳ нола, гоҳ гирия шаклига кириб янграмокда эди.

Кутилмаганда Ўрта Бокка кириб келган Ҳумоюн хизматкорларини саросимага солиб қўйди. Улар иккинчи

ошиёнда сато чалаётган Ҳамида бонуни чақириб тушмокчи бўлдилар. Лекин Ҳумоюн рухсат бермади:

— Безовта қилманглар, ўзим чиқгаймен,— деди ва куй овози келаётган тиллакори болохонага секин кўтарилиди. Эшик очик қолган эди. Ҳумоюн кадамини секин босиб бўсағага келганда ичкарида банорас кўрпача устида юзма-юз ўлтирган она-бала унга ён томондан кўринди. Улар куйга маҳлиё бўлиб, эшик олдида тўхтаган Ҳумоюннинг шарпасини пайқамадилар.

Ҳамиданинг бошида ҳаворанг дурра, икки ўрим узун сочларининг учи кўрпача устига тўшалиб ётиби. Ўнг кўлидаги камон муножот куйига монанд нафис ҳаракатлар килади. Чап қўлининг бармоқлари пардаларни моҳирона босади. Энди йигирма икки ёшга кирган ва ҳусну жамоли етилиб, тенгсиз бир гўзалга айланган Ҳамиданинг юзларида Ҳумоюн ҳалигача кўрмаган соғинч, қўмсанш, ўксиниш мунги. Қаршисидаги Акбар гоҳ онасининг юзига, гоҳ унинг қўлларига қарайди, гўзал куй болани сеҳрлайди! Аммо онасининг ғамгин кўриниши болани ҳам беихтиёр маъюслантиради.

Ҳамида шу мунгли куй билан юрагини бўшатгандай бўлди. Муножотни чалиб тутатгач, Акбарга:

— Энди бас-а? — деди.

Шу пайт Ҳумоюн:

— Ижозат, беринг, бегим — деди.— Бетоблигингизни эшишиб кўргани келдим...

Она-бала ўринларидан тез туриб, одатдагидай Ҳумоюнга таъзим қилдилар. Беш-олти кундан берли отасини кўрмаган Акбар унга қараб талпинди. Ҳумоюн чўк тушиб, бўйини ўғли баробарли паст қилди-да унга кучоқ очди. Акбар чопиб бориб отасининг бағрига отилди.

Ачомлашганларидан сўнг Ҳумоюн қаддини ростлади-да, овозига расмийроқ тус берди:

— Амирзода,— деди ўелига,— мавлоно Асомиддин сизга хат-савод ўргатмоқчи бўлса, расм чизиб ўлтирас эмишсиз.

Акбар беш ёшга етар-етмас муаллимлар унга сабоқ бера бошлаган, араб алифбосининг мураккаб қоидалари болани қийнар, у эркалик қилиб, кўп дарслардан қочиб кетар ва қўкалдошлари билан уруш-уруш ўйнарди. Кобулнинг энг таникли мударриси мавлоно Асомиддин камоли жиддият билан унга ҳарф ўргатар:

— Мана бу «мим», бу эса «нун», орасига «ёй» қўйиб ёзсан, «мен» бўлур,— деса Акбар бу ҳарфлардан күш ё бошқа бирон жонворнинг расмини ясар, нукталарини кўз-

га, забарлари¹ ни қошга айлантириб юборар эди. Ҳозир у отасига ростиши айтди:

— Менга мударрис эмас... ану... сурат чизадиган... Қазвиидан келган мулла амак... сабоқ берса бас-да.

Ҳумоюн Қазвии Нигорхонасида қилинган аҳдга биноан, Беҳзоднинг шогирдлари Хўжа Абдусамад ва Мирсаид Али иккови учун шоҳ Тахмаспга катта маблағ тўлаб, маҳсус одамлар воситасида мусаввиrlарни Кобулга кўчиртириб келтирган эди... Ҳозир Мирсаид Али Ҳумоюн кутубхонасининг китобдори қилиб тайинланган. Хўжа Абдусамад эса олти яшар Акбарга мусаввиrlикдан илк сабоқлар бермоқда эди.

— Амирзодамда туғма бир истеъдод бор,— деган эди кечака Хўжа Абдусамад Ҳумоюнга.— Рангларни яхши ҳис қилурлар. Мутаносиблик туйғуси кучли. Бинолару дараҳттар расмини яхшироқ чизурлар. Эҳтимолки, мусаввиrlикдан ҳам кўра меъморликка кўпроқ салоҳият намоён қилурлар. Аммо меъморлик истеъдодини камолга еткизиш учун ҳам хат-саводли бўлмоқлари, кўп китоблар мутолаа килмоқлари зарур.

Ҳумоюн ҳозир бу гапларни Акбарнинг қулогига яхшилаб қўйди-да, минбаъд хат-саводга зўр бериш ҳакида ундан сўз олди, сўнг қўкалдошлари олдига қайтишига рухсат берди.

Ҳамида бону Ҳумоюннинг келишига әдатдагидек тайёргарлик кўролмаганидан хижолат бўлиб:

— Маъзур тутинг,— деди.— Кутмаган эдик...

Унинг таини соғ эканини, фақат араз қилиб «бетобмен» деганини пайқаган Ҳумоюн бир оз товуши олиниб, ўпкалаб гапирди:

— Диidor ҳам ғанимат, Ҳамида. Мен қирқдан ошдим, яна шунча умр кўришим гумон. Кўпи кетиб ози қолди.

— Не қилай? Мен ўшлигимда сўлиб бормоқдамен! Таним соғ бўлса-да, қўнглим ўксик, рухим пажмурда...

Ҳамиданинг қўзларида ёш гилтиллаганини кўрган Ҳумоюн унинг олдида ҳамон гуноҳкор эканини эслаб ўнгайсизланди:

— Осий банда эканмиз, боболар анъанасию давлат манфаатларига бўйсуниб қилган гуноҳимни кечиринг, Ҳамида бону!

— Ўғил кўрибсиз, муборак бўлсин...

Ҳумоюннинг Норчучук бегимдан кўрган ўғли Ҳамида бо-

¹ Забарлари — араб ҳарфининг устига кўйиладиган узунчоқ белги.

нуга қувонч эмас, алам келтирганини унинг овозидан сезган Ҳумоюн:

— Шоядки, бу ўғил сизга ҳам фарзандлик қилса,— деди.— Ҳиндол Дилдор оғачадан түгилганда менинг худо раҳмати онам уни мана шу боғда ўз фарзандидек тарбия қилган эди.

— Энди мен ҳам шундоқ қилмоғим керакми?

— Йўқ, нечун? Сиз ҳали ёшсиз, яна қанча ўғиллар кўрмогингиз мумкин. Мен... сизга... танадан кўра руҳ олийроқ эканини айтмоқчи эдим. Бу беш кунлик ўткинчи дунёда энг юксак садоқатнинг макони ҳам руҳдир. Ўлсак куртларга ем бўлатурган танамиз тирикликда бизни нафсу тами балоларига гирифтор қилур экан. Менинг ёшимда одам жисмоний яқинликдан кўра маънавий яқинликнинг бекиёс даражада афзал бўлишини фаҳмлар экан. Мен инилар ташвишидан фориг бўлдиму руҳимни бир яйратгим келди. Шунда дилим сизга қараб талпинди... Синд бўйлари, Тар саҳроси, Қандахору Қазвин — шунча йўлларни бирга босиб ўтдик, Ҳамида. Сиз ёнимда бўлмасангиз, ўша даҳшатларга мен бардош беролмас эдим. Бундай бетакрор давр кишининг ҳаётидаги факат бир марта бўлғай. Наҳотки шундай муҳаббатни унтиб бўлса? Факат танам ёки кўнглим эмас, бутун руҳим, бор маънавий оламим бу дунёда сиздан яқинроқ, сиздан суюклироқ ёр топганий йўқ, Ҳамида, ишонинг!..

Ҳумоюннинг бу гапларидангина эмас, иккови бирга ўтказган унтилмас кунлар хотирасидан ҳам дили хиёл ёришган Ҳамида кулимсираб ҳазил қилди:

— Балки келгусида суюклироқ ёр яна учраб қолар, ҳазратим?

— Суюклироқ деб, яна кайта ўзингизни учратсак-чи?

— Кошки! — деб кулди Ҳамида.

Шу билан аразлар унтилди-ю, Ҳамида бону Ҳумоюнни ички хонага таклиф қилди. Алоҳида дид билан ясатилган бу танобий уйга аввал шарбатчи олтин кўзачада гулоб келтириди. Кейин бовурчилар бор санъатларини ишга солиб икки кишилик қуюқ-суюқ зиёфат тайёрлашга киришиди. Офтобачи аёл фуслхонага илиқ сув олиб ўтди. Кўп ўтмай созандалар ҳам пайдо бўлди, шўх, кувноқ куйлар янграй бошлади.

Бутун боғ тўйхонага айлангандай серҳаракат, қувноқ тус олди. Бу ҳолат боғ йўлкаларида кўкалдошлари билан чопиб юрган Акбарга ҳам таъсир қилди.

— «Ёр-ёр» ўйнаймиз! — деди у.

— Келин йўқ-ку.

Чорчаманлар орасида беш ёшли Салима Султон бегим кўринди. Унинг отаси мирзо Нуриддин жангда ҳалок бўлган, онаси Гулранг бегим бултур хасба¹дан вафот этган, шундан сўнг уни Ҳамида бону ўз тарбиясига олган эди. Салиманинг мураббияси ичкарида иш билан банд. Акбар икки кўкалдоши билан кизчанинг олдига келди.

— Биз билан ўйнайсанми? — сўради Акбар.

Ўғил болалар илгари уни кўпда ўйинларига кўшишмас эди. Бугун кандай бўлиб бирга ўйнагани таклиф қилганиларидан кувонган Салима олд тишлари тушиб кемшик бўлиб колган оғзини қия очиб кулимсиради:

— Майли. Не ўйин?

— Оқ рўмолинг борми? — сўради Акбар.

— Бор.

— Бошингга ёпиб чиқ.

Салима ўзидан ярим ёш катта бўлган Акбарнинг қаршисида алланечук ювош, итоаткор бўлиб қоларди. Унинг айтганини килиб, ичкаридан оқ рўмол ёпиниб чиқди. Шунда Акбар:

— Келин-куёв ўйнаймиз,— деди.— Салима, сен келин. Куёв ким бўлсин? Адҳамми?

Салима бош чайқади. Акбар Азизни кўрсатган эди, қизча яна бош чайқади. Шунда Азиз:

— Акбарми? — деб сўради.

Салима оҳуникидай чиройли кўзларини ерга каратиб сукут сақлади. Бу унинг рози бўлгани эди.

Азиз беҳи гулининг кичик бир шоҳчасини синдириб, Акбарнинг бежирим саллачасига жига килиб қадади. Келин-куёв ёнма-ён ерга қараб боғ йўлкасидан кела бошлашди. Икки кўкалдош уларнинг икки ёнида туриб ёр-ёр айтишиди:

Келин келди, ёр-ёр-ей, келин келди!

Куёв келди, ёр-ёр-ей, куёв келди!

Болачалар бошқа ёр-ёрни билмаганлари учун нукул шу икки гапни тақрорлашарди.

Кўшкнинг юкори қаватида висол завқидан бошқа ҳамма нарсани унуган Ҳумоюн ва Ҳамида бону болаларнинг бу ўйинидан бехабар. Лекин улар бугун яна янгидан келин-куёв бўлаётгандай шод-хуррам. Дастурхонга кетма-кет овкат ташиётган товоқчи² ташкарида болаларнинг ёр-ёрига қулоқ солиб турган шарбатчини кўрди-ю, унга маънодор кўз қисиб қўйди. Маъсум овоз би-

¹ Хасба — ичтерлама.

² Товоқчи — подшо саройидаги кичик лавозим.

лан ўйин қилиб айтилаётган «ёр-ёр» Акбар ва Салимадан хам кўра, иккинчи қаватдаги ҳакиқий келин-куёвларга мос тушаётганини болаларнинг ўзлари пайкамасди, аммо товокчи ва шарбатчилар буни сезганлари сари завқ қилиб кулишарди.

* * *

Кулгилар кетидан келган мусибатли йигилар Қорачахоннинг Комрон мирзога олиб борган шум хабари билан бошланди.

— Ҳумоюн мирзо Балх яқинида шайбонийзодалар билан жанг қилиб юриб ҳалок бўлдилар!..

Қорачахон Ҳумоюннинг қонга бўялган шоҳона жуббасини инисига кўрсатди.

Ҳумоюнни Балх юришига Алиқулихон ва Баҳодирхонлар кўндирган эдилар. Қандахорни олишда Ҳумоюнга катта ёрдам берган бу ўзбек сultonлари энди унинг ёрдамида Бухоро ва Самарқандга қайтмоқчи эдилар. Балх олинса Мовароунинахрга йўл очилган бўларди.

— Хайрият, бу муҳорабага биз қатнашмаган эканмиз,— деди Комрон.

— Энди пуштипаноҳимиз ўзингизсиз,— деди Қорачахон.— Кобулни тезрок эгалламоғингиз керак!

Мирзо Комрон шошилинч равишда Кўлобдан Кобулга жўнади, йўлакай Толикондаги иниси Аскарийни ёнига қўшиб олди. Ҳумоюн Кобул қалъасига Қосим барлос деган ишончли одамини ҳоким қилиб кетган эди. Қосим барлос қонли жуббани кўргач:

— Балки ҳазратим факат ярадор бўлгандирлар, ҳали согайиб келиб қоларлар! — деди.— Ўғиллари мирзо Акбарни валиаҳд тайин этганлар. Кобул ихтиёрини бошқа хеч кимга бермагаймиз!

Комрон мирандинг қаҳри келди. Қорачахон ҳам Қосим барлосни кўрарга кўзи йўқ эди. Кобулга катта қўшин билан кирган Комрон мирзо Қосим барлосни туттириб, ўлимга ҳукм қилди. Қосимбекнинг хотини адолат талаб қилиб аркка келган эди, Қорачахон уни бозорга олиб боришни ва халойикнинг кўзи олдида беномус қилишни буюрди. Беномусликдан ўлимни афзал кўрган гўзал жувон йўлда Кобул дарёсининг баланд кўпrigидан ўзини сувга отиб ҳалок бўлди. Қорачахон Қосим барлоснинг ўзини халойикнинг кўзи олдидга пора-пора қилиб катл эттириди.

Бунинг ҳаммасини саккиз ёшли Акбар ҳам кўрган, кўзларида даҳшат котиб қолгандай, аркда бир нуктага тикилиб

жим ўлтирас эди. Комрон мирзо унга отасининг қонли жуббасини кўрсатди.

— Ҳазратимни худо раҳмат килсин, маросимларини кейинроқ ўтказгаймиз,— деди.— Сиз валиаҳдсиз, давлат ишини мен сизнинг номингиздан бошқаргаймен.

Ҳамида бону турган Ўрта Богнинг атрофиға юздан ортиқ қўриқчи қўйилган, кириш-чикиш катъий назорат остида эди. Аркдаги Акбар ҳам хеч ёққа чикарилмай хонаки хибса сакланар эди.

Яна қайтадан шахар хокими бўлиб олган Қорачахон кўнгли тилаганича айш қилиб бу гал узокрок даврон сурмокчи эди.

Лекин орадан бир хафта ўтар-ўтмас Қундуз томондан учиб чиқиб, Ўрта Бокка етиб қўнган алоқачи кабутар Ҳумоюннинг мактубини олиб келди. Факат Ҳумоюн билан Ҳамида бонуга ўрганган бу кабутар бегона одамга туткич бермас эди. Ҳамида бону айвонга келиб қўнган усти кизгиш, кўкраги оқ бу жониворни қўлига олди-ю, унинг қаноти остига найча қилиб беркитилган кичкина мактубни топди.

Ҳумоюн соғинчли саломлар айтгандан сўнг, Балх этагида Шайбонийзодалар билан бўлган жангда бонидан ярадор бўлганини, ҳозир анча соғайиб қолганини ва тезда етиб келажагини айтган эди. «Комрон мирзо бизга қўмакка келмокчи эди, бунинг ўрнига Кобулга борганимиш, ахвол нечук? Ушбу кабутар билан тезда жавоб қайтаринг», деганди.

Ҳамида бону «ўлдига» чиққан Ҳумоюннинг тирик эканидан суюниб йиғлади, мактубни ўпди. Кабутарнинг қанотларини қўзига суриб, дону сувига каради. Кечаси ўлтириб Ҳумоюнга жавоб мактуби ёзи-да, ахвол ҷечоглиқ оғирлигини баён қилди. «Сиздан ўтинамен, бир иложини топингки, биз яна камалда колмайлик,— деди.— Шахар дарвозалари кундузлари очик. Назаримда, Комрон мирзо сизнинг ҳалок бўлганингизга ишонган. Шунинг учун билдиримай келсангиз, дарвозани бекитишга улгурмагай».

Кабутар бу мактубни Қундузга олиб кетди. Орадан ўн беш кунлар ўтгач, Ҳумоюн яшириқча юборган одамлар бозорга келган дехконлар кийимида калъя ичига кириб олиб, энг аввал дарвозани эгалладилар. Қорачахон билан Комрон мирзога хабар етиб боргунча Ҳумоюннинг пистирмада турган тўрт минг аскари шахарга бостириб кирди. Саросимада колган Комрон ва Аскарий ўз одамлари билан бошқа дарвозадан чиқиб қочдилар. Ҳумоюн иниларининг кетидан одам юбориб: «Агар менинг ўлимим ҳақидаги ёлғон овозага ишониб Кобулга келган бўлсаларинг қайtingлар,

ярашайлик», деган таклифни айтди. Аммо Қосим барлос ва унинг хотини учун жавоб бериш осон эмас эди. Кобулда Комрон ва Қорачахоннинг хундор душманлари хозир ҳар қачонгидан ҳам кўп. Шунинг учун Комрон мирзо қайтмади.

— Бир марта тавба-тазарру қилиб кўрдик, энди бас!— деди.

Қорачахон Ҳумоюн элчисига янада катъйироқ жавоб килди:

— Қайтиб бориб ер ўпгунча, бошимиз дарвозахонага осилгани афзал!

Ҳумоюн юборган элчи Кобулга қайтиб бу гапларни айтиб бергандা Хиндол ҳам акасининг ёнида турган эди. Бирдан газаби жўшиб:

— Ҳазратим, Қорачахонни бу ниятига етказмок керак! — деди.— Менга ижозат беринг, ўзим шу абллаҳ билан бир олишиб кўрай!

— Қорачахон ёлғиз эмас, биз ҳам кўпчилик бўлиб бормомиз лозим! — деди Ҳумоюн.

Оға-инистлар Тангихо деган жойда тўкнашдилар. Хиндол мирзо зирхли кийим кийиб, килич ялангочлаб жангга кирди, Қорачахон билан юзма-юз туриб, унинг бўйини мўлжаллаб килич сермаётганда ортдан Комроннинг бир навкари пусиб келди. Дубулғанинг орқа зирхидан гарданга қаратиб урилган тиф Хиндолни бехуш килди. Унинг қиличи кўлидан тушди, ўзи отдан йикилаётганда Шамсиддин Мухаммад етиб келиб, ўнгариб олди-да, жанг майдонидан олиб чиқди.

Бўйиннинг ўқ томири кесилгани учун Хиндол ҳушига келмай, жон берди. Буни эшитган Ҳумоюн тўпчи ва тўғангиларнинг саркардаси Самбахонни чақириб буйруқ берди:

— Хиндолнинг котилларига шафкат йўқ, аямай отинг!
Оting!!

Комроннинг одамлари ўқ ёмири остида колдилар. Бу ўклардан бири Қорачахонни отдан йикитди. Комрон колган-қутган одамлари билан жанг майдонидан чиқиб қочди. Турдебекнинг одамлари Қорачахоннинг бошини кесиб Ҳумоюнга кўрсатдилар.

— Абладнинг бошини ўзи айтганидай қилиб Кобулнинг дарвозахонасига осинглар! — деб буюрди Ҳумоюн.

Золим бекнинг боши беш кунгача дарвозахонада ўтган-кетганга томоша бўлиб осилтиб турди. Лекин ўз инисининг ўлимига сабаб бўлган Комрон ҳали ҳам кошиб юрар эди.

Шоирлар Хиндол мирзонинг ўлимини бир вактлар

Хиротда бобосининг фармони билан ҳалок этилган Мўмин мирzonинг ўлимига киёс килиб марсиялар ёздилар. Кекса Дилдор бегим ўттиз икки ёшли ёлғиз ўғли Хиндол мирzonинг жасадини кучоқлаб фарёд чекканда, Кобул атрофидаги корли тоғлар ҳам титраб кетгандек бўлди. Гулбадан бегим онасининг ёнида туриб нола килди:

— Оғажон, сиз ўлгунча мен ўлсам бўлмасми?!
Ўғлим Саодатёрни сизга курбон килсан тирик колармидингиз, оғажоним?! Сиз ўлгунча кўрнамак Комроннинг ўзи ўлса бўлмасми?!

Беклар ҳам Комроннинг боши кесилишини талаб қила бошладилар. Лекин Комрон Синд дарёсидан ўтиб, Хиндистонга, Шерхоннинг ўғли Исломшоҳнинг ҳузурига кочиб кетган, фақат Аскарий Тангиҳода қўлга тушган эди. Ҳумоюн Аскарий билан юз кўришиси келмади:

— Қандаҳорда бир марта кечирган эдим, энди даф бўлсин, Аскарийни ҳажга жўнатинглар! — деб буюрди. Комрон ҳакида эса Хиндистондан маломатли хабарлар кела бошлади. У Исломшоҳга бағишлаб рубоий ёзган экан. Исломшоҳ унга минг рупийни садақага ўхшатиб берибди.

— Ўз туғишиларига яхшилик қилмаган, менга яхшилик қилгайми?— деб Комронни ўлдириш ҳакида маҳфий буйруқ берибди.

Буни пайқаб қолган Комрон Исломшоҳ саройидан ҳам қочади-ю, мамлакатнинг шимол-шарқ чеккасидаги Бхирага, бир вактлар отаси билан ҳамкорлик қилган Султон Адҳамнинг вилоятига боради.

Султон Адҳам эса Ҳумоюнга ён босиб, маҳсус одамини Кобулга юборди. «Инингиз ҳозир менинг асирим, истаган пайтингизда тутиб бергаймен, агар келсангиз Бхира сизга пешкаш, биз Исломшоҳни эмас, Сизни ҳакиқий подшоҳ деб тан олурмиз», деб мактуб ёзди.

Катта бир вилоят ҳокимининг бу мактуби Хиндистонга қайтиш орзуисида юрган Ҳумоюнга яхшилик аломати бўлиб туюлди. Комрон шу тентирашида оиласларининг шаънига иснод келтирадиган яна кўп ишлар қилиши мумкин, бунинг олдини олиш ҳам катта аканинг бурчи эди. Беклар Комроннинг боши кесилишини Ҳумоюндан талаб қилиб чиқарган маҳсус хукмга Турдибек, Мунимхон, Шамсиддин Мухаммад ва бошка яна ўн иккита энг нуфузли амирлар имзо чекиб, ўз муҳрларини босишган эди. Ҳумоюн бир оғиз «хўп» деса, Бхирага бориб, Комроннинг бошини кесиб келишга тайёр турган қасоскорлар кўп эди. Лекин у Комроннинг шеърларини унуголмас,

шоир инисиининг қонига зомин бўлса бир умр виждан азобида қолишини ўйлар эди. Ҳумоюн яна қатъяйтсизлик қилаётганини кўрган Турдибек амирлар номидан унга кескин гап айтди:

— Ҳазратим, Комрон мирзони бир эмас, беш-ўн марта кечирдингиз. Бундан факат сиз эмас, беку навкарлар хам бехисоб заар кўрдилар, давлат манфаатлари курбон бўлди! Агар тирик кўйиб берсангиз, Комрон мирзо бирон куи ўғринча келиб, яна Кобулни олғай, яна кўпимизнинг бошимизга раҳматли Қосим барлоснинг кунини солгай. Шунинг учун ё бизни дейсизу Комроннинг баҳридан ўтгайсиз. Ё биродарликни дейсизу, бизга жавоб бергайсиз! Бошка йўл қолмади!

Байрамхон Қандахорда қолгандан бери Турдибек яна Ҳумоюннинг энг соҳиби ихтиёр амир ал-умаросига айланган, унинг сўзини рад этиш осон эмас эди.

* * *

Ҳумоюн беш минг қўшин билан Ҳайбар довонидан ошиб, Хинё дарёсидан ўғди-да, Бхира вилоятida бир вактлар Бобур барпо этган Боги сафога келиб тушди. Унга пешвоз чиккан Султон Адҳам вилоят ҳокимиға подшолар томонидан инъом этиладиган маҳсус байрок ва нақора совға олди. Шу билан Ҳиндистоннинг шимол-шарқидаги Бхира вилояти яна Ҳумоюн каламравига ўтди.

Бу вилоятда саккизта йигити билан яшириниб юрган Комрон гўё олов ҳалқаси ичидан қолди. Ҳумоюн билан келган беш минг қўшиннинг ичидан унинг хундор душманлари жуда кўп. Султон Адҳам Комронни уларга тутиб бериши ҳеч гап эмас. Ҳумоюн инисиiga одам юбориб:

— Ўзи яхшиликча келмаса, қасоскор беку навкарлар минг азоблар билин ўлдиргайлар,— деди.— Агар ҳазрат отамнинг руҳидан химоя истаб келса, балки тирик колғай.

Комрон учун хам ҳозир отасининг руҳию акасининг даргоҳидан бошка мадад берадиган жой қолмаган эди. У кечки пайт Боги Сафога саккизта куролли йигити билан кириб келди.

Ҳумоюннинг хиргоҳига кирган заҳоти хос навкарлар Комроннинг белидаги қиличи ва ханжарини ечиб олдилар. Нариги чодирга бошлиб кетилган йигитлари ҳам дархол куролсизлантирилганини Комрон шундан сезди. Ҳумоюннинг чодирида Қосим барлоснинг жияни Ханжарбек турган экан. Унинг қасоскор кўзлари Комронга тифдай кадалди. Ўлим хавфидан сесканган Комрон:

— Ҳазратим, бу не ҳол?!— деб Ҳумоюндан сўради.— Ваъдангиз бошка эди-ку. Мени не килмоқчисиз?!

— Сиз қачон ваъдангизда турган эдингиз, иним Комрон?! Йигирма йилдан берли менга неча марта хиёнат килганингизни бир эсланг! «Давлат ишида қаттиқ турилмаса, мурод ҳосил бўлмағай!» деб ҳазрат отам тўғри айтар эканлар! Мен мудом юмшоқлик қилдим, ўзимдан ўтди! Шерхон билан олишганимда ёрдам ўрнига нукул тўғанок бердингиз, буни кечирдим! Кобулда Акбарни тўп ўқига нишон килиб қўйдингиз, буни кечирдим! Икки яшар қизалогимиз Жаҳон Султон бегимнинг ўлимига сабаб бўлдингиз, буни кечирдим! Мана, охири Ҳиндолни ўлдириб биродаркушга айландингиз!

— Мени беклар йўлдан урди, рост, гуноҳим бор! Ҳиндолни Корачахон ўлдирган, мен эмас!

Ҳумоюннинг ғазаби келиб, Комронни сенсираб гапиди:

— Ёлғон! Бопусхон билан Корачахонлар ўлиб кетди, аммо сени уларга дўст килган ўғайлигинг, баҳиллигинг, ҳасадчилигинг ҳамон ичингда тирик турибди! Бу иллатлар сенга отамиздан ўтган эмас! Отамиз танти одам эдилар. Сенга она сути билан кирган ўғайлик атрофингни ўраган иблисларга кўл келди. Сен мудом мени кўролмай яшадинг, мен яхши кун кўрсам, бундан сенинг кўзларинг куиди! Кўзларингга чиккан бу куйдиргини олов билан ёндиromoқдан ўзга чора қолмади!. Ханжарбек!

— Лаббай, ҳазратим!

— Бунинг кўзига мил тортинглар!

— Йўқ, йўқ, ундан кўра ўлдиринг мени! — деб Комрон кочмокчи бўлди.

Ханжарбек бошлиқ тўрт йигит уни икки кўлидан тутиб, нариги чодирга куч билан олиб кириб кетдилар.

Ҳумоюн эрталаб аzonда кўч йиғиширишни буюрди. Бир кунда пойдо ва унинг барча одамлари чодирларини йигиб, Кобулга қайтиб кетди.

Фақат Комрон, Ханжарбек ва унинг одамлари, яна ўнтача соқчи йигитлар турдиган чодирларгина қолди.

Тушга якин олов ёқилди, соат милига ўхшаш узунчок пўлат миллари чўғдай қизаргунча қиздирилди. Такдирига тан берган Комрон кўрпача устига ўзи чалқанча ётди. Ханжарбек бошлиқ олти кишининг иккитаси унинг кўлларини ва бошини кимирлатмай ушлаб турди, яна иккитаси оёклари ва белидан босди. Фулом Али фаррошбоши Комроннинг кўзларини йириб корачиғини очиб турди. Унинг йирилган кўзига кўринган охирги нарсалар — Ханжарбек-

нинг қасоскор юзи ва қизариб ёниб турган миљни корачикка томон олиб келаётган олти бармокли кўли бўлди. Ханжарбекнинг бош бармоги иккита. Бу кўшалок бағмоклар даҳшатли бир маҳлукнинг қискичларига ўхшар ва хозир Комроннинг кўзларини ўйиб оладигандай таҳдид солиб келар эди. Оловли мил корачикка жазиллаб сурилганда кўзни ўйиб олгандагидан хам аччикрок бир оғрик унинг вужудини пармалаб ўтгандай бўлди, бошининг орка томонидан яшил, кора, сарик, қизил доиралар портлаб чикиб, бутун борликни гўё остин-устун килиб юборди. Ханжарбек оловли миљни унинг кўзларига тақрор-тақрор, ўн-ўн беш мартараб босди, бир мил совуса, чўғлатилган иккинчи миљни ишга солди. Бу интиҳосиз азобдан алаксираш даражасига етган Комрон бўкириб юборди:

— О-о-о! Бас, ноинсоф! Бас!

— Ўзинг ноинсоф бўлмасанг ининг Хиндолни ўлдириштирамидинг? — деди Ханжарбек.— Сен-ку тирик қолурсан! Кошки, тоғам Қосим барлос бирпасга тирилиб келса, қасос қайтанини кўрса!

Чўғлатилган мил корачикларга яна беш-олти мартадан босилгач, Комрон тубсиз бир зулмат ичига қулаб тушиб кетаётгандай бўлди. Ханжарбек мил тортиш коидасига астайдил риоя килиб, куйдирилган корачикларга туз босди, лиму сувидан томизди. Бунинг ачиштириши аввалги оғриклардан хам ошиб тушди. Ҳамон зулмат жарининг тубига етолмай қулаб тушиб бораётган Комрон туз ва лиму сувининг ачиштиришидан яна хушига келиб чинкирди...

* * *

Оталари барпо этган Боги Сафо Комрон ихтиёрида колдирилган эди. Ҳумоюндан байроқ ва накора инъом олган Султон Адҳам Бхира хокими килиб тайинланди ва Комроннинг ахволидан хабар олиб турди. Шифобахш тоғ ҳавосида, кўл бўйида Комроннинг кўзидаги жароҳат уч ойга бориб тузалди, аммо ёруғ дунёнинг турфа рангларидан маҳрум бўлиб, кечаю кундуз коп-коронги зулмат ичидан яшааш унинг рухини тушириб юборди. Илгари у юртдан-бу юртга кўшин тортиб, от чопиб юрган кирқ ёшли йигит энди юз кадам жойдаги хожатга етакчисиз бороямайдиган бўлиб қолди. Овкат еганда ҳатто кошигини кўлига тутказиб кўйишмаса ўзи топиб ололмайди. Қалам тутиш, ёзиш, ўқиш, табиат манзараларини томоша килиш, суюкли хотини Чучук бегимнинг хусну жамолидан завкланиш —

ҳаммасидан биратўла жудо бўлгани қалбини чексиз алам, ўч, адоват туйғуларига тўлдириди.

Нуридийда, кўз — инсонга берилган қанчалик улуғ неъмат эканини, шу неъматни куйдириб, соғ одамни кўр килиш қандай вахшият эканини у энди билди. «менга шафкатсиз жазо берганларини умрбод кечирмагаймен», деб аҳд ҳам килди.

Лекин ойлар ўтиши билан хотира уйғонди, бўлиб ўтган воқеалар тақрор-тақрор хаёлидан ўта бошлади.

Маккан Мадинага кетган мирзо Аскарийнинг хаж ўлида вафот этгани ҳакида мусибатли хабар келди. Комрон унга куюнди. Иниси Ҳиндол мирзони эслаб юраги баттар эзилди. Тўрт оғайнини бундан уч йилгина олдин Кобул кўчаларини тўлдириб бирга ўтгандари, оталарининг қабри тепасида ёнма-ён турниб, энди иноқ бўлишга аҳд қилганлари хаёлида гавдаланди. Шу аҳдни биринчи бўлиб ўзи бузгани ва қанчалик ёмон шафкатсизликлар қилгани гўё хотирасига қайтиб келди. Илгари оддий кўз билан ғалат кўринган кўп нарсаларни энди қалб кўзи унга ҳаққоний килиб кўрсата бошлагандай бўлди.

Чучук бегим эрининг дил яраларини тузатишда унинг шоирлиги ёрдам бермасмикин, деб ўйлади. Бегим Комроннинг турли дафтарларда сочилиб ётган шеърларини тўплади ва билимли бир мунши ёрдамида девон тартиб беришга киришиди.

Кунларни қандай ўтказишни билмай диккинафас бўлиб юрган Комроннинг ўзи хам девон тузиш фикри билан овуниб, барча шеърларини муншига бир-бир ўқитиб кўрди. Баъзиларига қандай таҳрирлар киритишни айтди. Девоннинг одатий кисмлари учун ҳали анча шеърлар етишмаслиги аниқланди. Комрон ўша шеърларни бир сатр; икки сатрдан хаёлида яратса бошлади. Муншини чакириб, хаёлда тўкилган сатрларни айттиб ёздириди-ю, ўқитиб кўрди:

Навбаҳор ўлса баҳоримни менинг ёд айланг.

Сарвқад лолаву зоримни менинг ёд айланг.

— Бўлатурғанга ўхшайдир,— деб енгил сўлниш олди. Кўзига мил тортганларида борлик дунё хаёлида конли кафан тусини олгани ёдидан хеч чиқмас эди. Шуни хам ғазал сатрларига жойлагиси келди-да, яна бир кун хаёлида шеър битгач, муншини чакириди:— Эзинг!

Лоланинг жисмида конлиғ кафанин кўрганда,
Кафанду жисми фигоримни¹ менинг ёд айланг.

¹ Фигор — афгор, яъни абгор ва мажрух маъносида.

Шеър яхши чиқаётганидан унинг кўнгли кўтарили. Чучук бегимга атаб битилган ғазалга янгидан икки сатр кўшиди:

Улмайин вахки ўлувдан баттар ахволим бор
Тутиб илкими васл сори роҳбар бўл.

Бу сатрларни эрининг оғзидан эшитган Чучук бегим:

— Бажонидил илкингиздан тутай,— деди.— Қани, каёнга бормокчисиз, мирзам?

— Гуноҳларим кўп. Чучук. Қанчалик ёмон хатолар килганини энди фаҳмламоқдамен. Маккаи Мадинага бориб, бу гуноҳлардан покланмагунча кўнглим тинчимагай.

— Каъба жуда узок. Кобулга бориб, ҳазрат отангизнинг қабрларини зиёрат қилсан-чи?

Комрон ўйланиб турди-да:

— Майли, аввал Кобулга борайлик,— деди.

У эгарда юрганда отини хизматкори етаклаб бораради. Комрон Чучук бегим билан Кобулга келиб, Боги Наврӯзийга тушди. Эртаси куни катта ўғли Иброҳим мирзо билан отланиб, оталарининг қабри турган тепаликка чикиб борди. Буни эшитган Ҳумоюн Акбар билан тепаликнинг иккинчи томонидан кўтарилиб келди.

Комрон отдан тушгач, ўғлининг елкасига ўнг кўлини кўйиб, туртиниб бора бошлади.

Ҳумоюн бир вақтлар мағрур ва салобатли йигит бўлган инисининг етакчига эргашиб, оёғи билан ерни пайпаслаб, ифодасиз юз билан бораётганини кўрганда бирдан кўнгли бузилди. Бўғзига тикилиб келган тугунни ичига ютиб, секин унинг макбараға кирди.

Комрон отасининг қабр тошидаги ёзувларни қўли билан пайпаслаб топди.

— Ҳазрат отажон, руҳингиздан мадад истаб келдим!— деб пичирлади.— Хиндол билан Аскарий мен туфайли жувонмарг бўлди, бундай оғир гуноҳни не тавр кўтарай? Энди руҳимни поклаш учун ҳажга кетишдан бошқа иложим йўқ. Қайтиб келолмасам, алвидо, отажоним!

Ҳумоюн кўз ёшини тўхтатолмади, Акбар отасининг йиғлаганини энди кўрди. Иброҳим макбара четида кимирламай турибди. Ўсмир ёшига етган бу икки йигитча болаликда накора талашиб олишганлари оталарининг аёвсиз курашлари олдидা бир ўйинчоқ эканини энди билишар ва дамларини ичларига олиб жим туришарди.

Ҳумоюн кўз ёшини ичига ютиб, томок кирди. Макба-

рада ўғлидан бошқа яна кимдир борлигини Комрон энди пайқади.

— Ким бор?

Ҳумоюн кўз ёшини кафти билан тез артди-да, бўғиқ товуш билан:

— Мен... сизни шу кўйга соглан бераҳм оғангиз,— деди.

Комрон уни «оға» дегиси келмади.

— Сиз мен учун энди факат шоҳксиз.

— Ха, шоҳлик ўзи — шафқатсизликдир. Ахли жаҳон шундай бераҳм бўлса, биз не қиласайлик?

— Мен энди бу жаҳонни тарк этмоқчимен.

— Ҳали ҳам мен сизни иним дейман, Комрон. Аскарий ҳаж йўлида вафот этгани етар. Энди сиз Кобулда колинг. Мана шу макбара ҳам сизу бизнинг саждаҳоҳимиздир. Ҳазрат отамнинг руҳини шод этадиган ашъорлар яратишига кодирсиз.

Комрон бош чайқади:

— Мен кетмогим керак. Рози бўлинг!..

— Начора? Мен сиздан розимен. Энди... мендан ҳам рози бўлинг, иним.

— Мен розимен. Хайр!

Орадан уч кун ўтгач, Комрон Чучук бегим билан узок Арабистонга жўнади.

СЕКРИ, БИНА. ҚЎЗҒОЛОН

Ўн беш-йигирма йилда бир бўладиган қурғоқчилик Дехли ва Агра атрофларидағи ёзги экинларни қовжиратиб қўйган. Саратон кирган бўлса ҳам, ҳар йили шу пайтда ёғадиган ёмғирлар ҳамон бошланган эмас. Тар саҳросидан эсган оловли гармселлар ҳаммаёкни жизгинак қилиб кўидиради. Ерлар сувсизликдан ва иссиқдан тарс-тарс ёрилиб кетган. Бозорларда пулга нон топиб бўлмайди. Очарчилик ва қаҳатчилик бошланган.

Низомнинг ўрмон четидаги кулбаси Секри кўлига якин. Лекин бу йил кўлда ҳам сув оз. Кўл сатҳи пасайиб, сув Низомлар турган жойдан узоқлашиб кетди. Унинг биттагина сигири, икки бигҳ¹ ери бор. Ўсмир ўғиллари сигирга ўрмондан ўт ўриб келишади. Лекин ерга пол қилиб экилган шоли сувсизликдан бошоқ тортмай куриб колди. Факат ўнтача хурмо ва банаң дараҳтларини Низом хотини

¹ Икки бигҳ — ярим гектардан кўпроқ.

ва болалари билан кўлдан чеълаклаб сув ташиб суғориб, шуларнинг меваси билан жон саклашмокда. Кўлдан бери нон юзини кўришган эмас. Уйда бир халтагина гуруч колган, онда-сонда суюк ош пишириб ейишади. У ҳам тугаса, очарчилик балоси уларни ҳам ўз исканжасига олиши а ик.

Кани энди Низом орзу қилган ҳалкпарвар давлат бўлса-ю, шундай оғир, табиий оғатлар пайтида эл-юрганинг мушкулини осон килса! Шерхоннинг ўлганига ўн йилдан ошди, унинг авлодлари ҳамон мамлакатни парчалаб, ўзаро урушларда ҳалкни аборг қилмоқда. Шерхондан кейин подшо бўлган унинг ўғли Исломшоҳ интихосиз талон-торожлари билан ўзининг афғон юргдошларини ҳам жонидан тўйдирди. Афғонларнинг ниёзи қабиласидан чиккан забардаст йигит Абдулла Ниёзий Агранинг яқинидаги Биана шахрида ҳалқ қўзғолонига бош бўлди. Қўзғолончилар Исломшоҳнинг пораҳӯр амалдорларини шахардан қувиб юбордилар. Абдулла Ниёзийнинг олти юздан ортиқ куролланган йигитлари орасида афғонлар, хиндлар, бошқа ҳалқ вакиллари ҳам бор. Хиндию муслим деб дину миллат айриш йўқ. Исёнчиларнинг бири косиб, бири дехкон, бири ўтинчи, лекин ҳаммалари адолатга ташна. Қадимги ривоятлар бўйича, улар ҳалқ орасидан туғма бир адолат-парвар Маҳдий¹ чикишига ишонадилар. Ёши энди киркларга борган, истараси иссик, ўзи довюрак, нутки таъсирили Абдулла Ниёзий уларга ана шу Маҳдийнинг элчиси бўлиб кўринади.

Абдулла Ниёзий Низомнинг кўп йиллик қадрдони. Шерхон даврида Низом ўзининг исмини яшириб, Салим деган иккинчи ном билан танилгандан бери улар яқиндан таниш. Низомнинг бошига тушган кўргиликлар туфайли соч-соқоли эрта оқарган. Касалликдан тузалган бўлса ҳам, узун оқ соқоли борлиги ва хассага суюниб юргани учун ёшлар уни — «Салим ота» деб аташади. Абдулла Ниёзий ундан Кабир шеърларини ва бҳакти таълимотини ўрганган. Шунинг учун Ниёзий Салим отани Бианага олиб бориб, исёнчиларга «Менинг устозим!» деб танитди.

Исломшоҳдай шафкатсиз тождордан тап тортмай Биана ҳокимини қувиб юборган бўј жасур одамлар Салим отага афсоналарда улуғланадиган қаҳрамонлардай кўринди.

¹ Маҳдий — аслида «тумба» деган маънони билдиради. Рухонийлар бу сўзга илохий тус беруб, «гойибдан келадиган одил пешво Маҳдий», дейишган.

Ҳалол меҳнати билан кун кўрадиган ҳалқ қачондир бир вакт золим ҳукмдорларни йўқотишига орзуманд бўлган Салим ота Бианада шу орзуси ушалаётганидан руҳи кўтарилиб юрди.

Қўзғолончилар сафи кенгайиб, уч минг кишига етганда улар Biана шахри четидан алоҳида бир жойни қароргоҳ килиб, каттакон жамоа бўлиб яшай бошладилар. Кўпчилик одатдаги меҳнатини қилиб, топганининг бир кисмини оиласига беради, колганини жамоанинг умумий дастурхонига қўяди. Қуролли йигитлар Бианада иложи борича яхши муомала билан тартиб ўрнатишига интилади, факат муомалага кўнмайдиган ашаддий бузукларни хибсга солади ёки шаҳардан бадарға килади. Улар хатто бозордаги нарх-навони ҳам тергаб, нафси катта савдогарларни инсоғ билан нарх кўйиншга мажбур килдилар.

Бианада янгича тартиб ўрнататайтган Абдулла Ниёзий бошлиқ ҳалқ харакатининг овозаси гарбдаги Гужаратгача, шарқдаги Бихаргача бориб етди. «Biана маҳдийлари ҳалкни Исломшоҳ зулмидан қутқармокчи эмиш, дунёда адолат ўрнатар эмиш!» деган гаплар эл-юрг орасида тобора кенг тарқала бошлади.

Шерхон авлодларининг ўзаро урушлари ва шафкат-сизликлари баъзи бир шайхларнинг ҳам жонига теккан эди. Абдулла Ниёзий ва Салим оталар Бианада золим амалдорларни йўқотиб, адолатли иш олиб бораётгандари Аълойи деган кекса шайхнинг исёнчилар томонига ўтишига сабаб бўлди. Шайх Аълойи ўз ихтиёридаги вакф ерларнинг даромадини маҳдийлар харакатига инъом килди. Унинг хонақоси энди исёнчилар адолат ҳакида тарғибот юргизадиган жойга айланди.

Шайх Аълойининг муридлари орасида Исломшоҳ қувгин қилган амирлар ва бошқа бадавлат одамлар ҳам бор эди. Энди агар Исломшоҳга қарши турган шу кучлар ҳаммаси ҳалқ харакатининг гирдобига тортилса подшо ҳокимияти ҳавф остида қолиши аниқ, Кобулдаги Ҳумоюннинг ишлари ўнгланиб, қўшини йил сайин зўрайиб бораётгани Исломшоҳнинг хавотирини ошириб юрган эди. Шунинг устига ичкаридан ҳам ўт чикса — тамом! Исломшоҳ бу хатарнинг олдини олиш учун Бианага ўз вазирини юбориб, шайх Аълойини саройга таклиф қилди:

— Тақсиримиз келиб, янги эътиқодларини бизга баён килсинлар, маъқул бўлса биз ҳам маҳдийларга кўшилайлик!

Подшонинг бу гаплари тагида киноя борлигини сезган Салим ота Аълойига шивирлади:

— Борманг, саройни мен билурмен, вазирнинг гапидан риёнинг хиди келиб турибди!

Шайх Аълойи Исломшоҳ юборган вазирга қараб:

— Агар онҳазрат бизнинг эътиқодимизга кизиксалар, балки ўзлари Бианага ташриф буюрурлар? — деб сўради.

Вазирнинг юзи бирдан тундлаши, ковоги уюлиб:

— Таксир, онҳазрат ёлғиз ташриф буюргайлар,— деди.— Подшо бу ерга келсалар, юз минг қўшинлари билан келгайлар. Сиз уларга бас келгаймисиз?!

Бу таҳдидли сўзлар шайхнинг кайфини учириб юборди. У кон тўкилишини ва юз минг қўшин Бианани оёкости килишини кўз олдига келтириб:

— Балодан хазар! — деди.— Майли, мен ўзим саройга бора қолай.

Олтмиши беш ёшли нуроний мўйсафид маҳдийлар одати бўйича пиёда йўлга тушди. Кийимлари оддий бўздан, оёғида дехконлар киядиган арzon шиппак. Лекин ўзи мағрур. Подшо ва аъёнлар қаршисида ғоз туриб:

— Ассалому алайкум! — деди.— Олампаноҳ, мендан таъзиму тавозе кутманг. Биз, маҳдийлар, бир осмон остидаги барча одамларни, шоҳу дарвишлигидан катъий назар, баробар деб билурмиз. Биз инсонни бойлигию мартабасига қараб эмас, ҳалол меҳнатию чин одамилигига қараб қадрлагаймиз. Эшлишимга қараганда, сизнинг мингдан ортиқ филингиз, ўттиз минг отингиз, юз минг қўйингиз бор экан. Ростми?

— Рост бўлса-чи? — истехзо билан сўради Исломшоҳ.

— Агар рост бўлса, сиз ўзингиз каби минглаб одамларнинг ҳакқига жабр қилган бўлурсиз!

Тахтнинг ўнг томонида ўлтирган шайхулислом Абдулла Анзорий:

— Бу не густоҳлик?! — деб Аълойига ўшқирди.— Подшолар эл-улусдан солик олишлари, давлат манфаатлари учун мол йигишлари шаръийдир!

Абдулла Анзорий эллик ёшлардаги юзлари таранг, корасокол, сергўшт одам эди. Аълойи унга юзланди:

— Таксир, шу давлатнинг фуқаролари бўлган минг-минг дехконлар, косиблар табиии оғат туфайли очдан ўлмоқда! Бундай пайтда ўттиз минг ҳарбий от ейдиган арпаларни эл-юртга улашилса савоб бўлмасмиди? Юз минг қўйдан бир кисмини очларга эҳсон килиш шаръий эмасми?

Исломшоҳнинг хасислигини биладиган беку боёнларнинг баъзиси, «подшомиз ўлса ҳам бундай қилмагай!» деб бир-бирлари билан маъноли кўз уриштириб олдилар. Абдулла Анзорий эса:

— Астағфурулло! — деб шайх Аълойининг сўзини кесди:— Аъло ҳазрат масжидларга катта ионалар қилмокдалар, минг-минг синг ерларни вақфга бермоқдалар! Саховат бундан ортиқ бўлгайми?

— Аммо бу саховат факат сиз каби пешволарнинг бойлигини ортиромекда, холос! — деб Аълойи энди шайхулисломнинг ўзини фош қила бошлади:— Таксир, мукаддас китобларда барча хайру эҳсонлар муҳтожларга берилсин дейилган, вақфлардан тушадиган даромад ҳам мискин бечораларнинг ҳакқидир. Лекин ҳозир барча хайру эҳсонлар, барча ионалар масжид вақфлари орқали сизнинг ихтиёрингизга ўтмекда. Ахир бу учига чиқкан адолатсизлик эмасми?

— Бас! — деб Исломшоҳ Аълойининг сўзини кесди ва уни олиб чиқиб кетишини буюрди.

Ўша кун оқшом Абдулла Анзорий бошлиқ уламолар тўпланиб, куфр йўлига ўтган шайх Аълойини тошбўрон қилиб ўлдириш ҳақида фатво чиқардилар.

Аммо Исломшоҳ Аълойини ўлдирирса кўзғолон янада авж олиб кетиши мумкинлигини, бу шайхнинг ваъзлари хатто саройдаги айрим беку аъёнларга ҳам таъсирир килганини биларди. Шунинг учун:

— Бу маҳмадона чолни менинг қаламравимдан чиқариб юборинглар, жанубдаги Даканга кетсин! — деб буйрук берди.

Махсус одамлар Аълойини соябон аравага солиб, жанубга олиб кетаётгандарида Нарбада деган жойда яна унинг тарафдорлари топилди. Нарбадалик амир Бихархоннинг акасини Исломшоҳ ноҳак ўлдирирган. Шундан бери улар хундор душманга айланган. Энди Аълойи Исломшоҳга карши айтган ўткир ваъзлар таъсирида Бихархон ҳам мингта якин беку амири билан маҳдийлар таълимотига хайриҳоҳлик билдири ва Аълойига кўл бериб, мурид бўлди.

Бу хабар Исломшоҳга етиб боргандан кейин: «Шайх Аълойини кечирдик, Даканга сургун қилиш ҳақидаги фармон бекор бўлди, пойтактга қайтсин!» деб одам юборди.

Ўша йили очарчилик туфайли ўлат тарқаган эди. Узок йўлларда шайх Аълойига ўлат юккан экан. Бирдан иситмаси кўтарилиб, бўйнида данакдай шиши пайдо бўлди. Агар бу шиши баданида кўпайса ўлиши муқаррар эди. Нарбадалик моҳир хинд жарроҳи Аълойининг бўйнидаги шишини кесиб олиб ташлади. Ихлосмандлари унга энг яхши дору дармонлар топиб бердилар. Шайх Аълойи бир ҳафтада тузалишга

юз тутди. Ҳали унча дармонга кирмасидан Исломшоҳ юборган одамлар уни яна соябон аравага солиб, ўша пайтда поитахт бўлган Лахўрга олиб келдилар.

Аълоининг гаплари одамларга жуда кучли таъсир қилишини амалда кўрган Исломшоҳ:

— Мен сизни ўзимга диний пешво килиб олмокчимен! — деди.— Маҳдийлардан энди воз кечинг! Кулогимга бир оғиз «кечдим!» дессангиз бас.

— Йўқ, аълоҳазрат, мен қариганимда имонимдан воз кечолмагаймен! Ундан кўра сиз халққа жабр-зуум қилишдан воз кечинг!

Исломшоҳнинг бирдан ғазаби келиб, кўзлари косасидан ўйноклаб чиқди:

— Миргазаб! Дарра келтиринг! Уринг бу сассик чолни! Миргазаб Аълоининг бўз тўнини ечиб, елкасини ялан-фочлади. Яқиндагина ўлатдан зўрга тузалган кекса одамнинг танаси озгин, қовурғалари бўртиб турар эди. Оғир дарра подшонинг кўзи олдида зарб билан тўрт марта урилгач, Аълоий ҳушидан кетиб йикилди ва жон берди.

Унинг ўлимини халқдан сир тутишди. «Аълоийномаълум томонга қочиб кетибди!»— деган овоза тарқатиши.

Исломшоҳ фурсатдан фойдаланиб, Абдулла Ниёзийни ҳам бир ёқли қилмоқчи бўлди-ю, Бианага картга кўшин юборди. Уч минг исёчки шаҳар четидаги кўкаламзор бир жойда истиқомат қиласар, атрофида девор ёки истеҳком ҳам йўқ. Подшонинг ўттиз минг қўшинни қароргоҳни тўрт тарафдан ўраб олди. Абдулла Ниёзий подшо саройига яхшилика бормаса, бу қўшин қароргоҳга бостириб кириши ва Ниёзийни зўрлаб олиб кетиши керак эди. Агар исёнчилар курол ишлатса, қўшин уларни қириб ташлаши мумкин эди. Абдулла Ниёзий бегуноҳ одамларнинг конига зомин бўлмаслик учун подшо қўшини билан саройга борадиган бўлди. Салим ота ва бошқа яқинлари у билан кучоклашиб хайрлашилар.

— Кўришолмасак рози бўлинглар! — деганда Абдулла Ниёзийнинг кўзларига ёш қалқиб чиқди.

Подшо аскарларига йўлда пистирмадан туриб хужум қилишини ва Ниёзийни қутқариб олиб кетишини истаган ботир йигитлар бор эди. Лекин охир-оқибатда улар ҳам Исломшоҳнинг беадад қўшини дастидан ҳалок бўлиши мукарар эди. Бехуда қурбонлар беришни ёмон кўрадиган Салим ота таваккалчи йигитларни бу қалтис ниятларидан зўрга кайтарди.

Абдулла Ниёзийни Исломшоҳнинг таҳти олдига олиб келдилар. Таҳт устида зарбоф кийимларга ўраниб савлат

тўкиб ўлтирган Исломшоҳ кирк ёшдан энди ошган бўлса ҳам, юзи сарғайиб шишинқираган, кўзининг оқи ҳам сарғиш кўринадиган касалманд одам эди. У Абдулла Ниёзийнинг бакувват гавдаси ва соғлом юзига ғаши келиб тикилдида:

— Суянган тогинг шайх Аълоий эди — кулади! — деди.— Сен биз билан ватандош афтон экансен, саройга олай, маҳдийларинг билан алоқани уз!

— Ҳазрат подшо! Сиз Аълоининг факат танасини маҳв қилдингиз. Аммо унинг руҳи тирик! Бу руҳ ҳалқдан куч олиб, золимларнинг жазосини бергусидир!

— Жазо?! Сен менга жазо бермокчимисен?

— Мен эмас, хаёт жазо бергай! — деб Абдулла Ниёзий Исломшоҳнинг ички касалликлардан салкиган юзига ва шиғган қовоқларига маъноли кўз ташлади.— Отангиз Шерхонга қасос қандай қайтганини унутманг! Бегуноҳ ўлдирилган мўйсафиднинг уволи сизни ҳам урмай қўймагай!

— Э, уволи ҳозир сени ургай! Миргазаб, дарра уринг бу катта даҳан ахмокка! Ўлгунича қалтакланг!..

Абдулла Ниёзийни ҳушидан кетгунча қалтаклашиб, кечаси ўрмон четидаги йўл бўйига келтириб ташлаши. Саройдагилар уни «ўлди» деб ўйлашган эди. Лекин кирк ёшли бакувват Ниёзий ҳали тирик, гоҳ худ, гоҳ бехуд бўлиб ётган эди. Исёнчилар уни шу ахволда топиб олиб, Салим отанинг олдига кўтариб келдилар. Бундай оғир жароҳатни қандай тузатишни ўз аччик тажрибаси орқали яхши биладиган Салим ота ҳинд табиблари ёрдамида Абдулла Ниёзийни ўлим чангалидан қутқариб олди. Аммо қалтак зарбидан бадани ҳилвираб, ички аъзолари ҳам лат еган Абдулла Ниёзий узок вакт тўшакдан туролмай ётди.

Бианадаги ҳалқ ҳаракати жасур бошликларидан айрилгач, исёнчилар жамоаси тарқаб кетди. Лекин икки йил давомида бу жамоа килган адолатли ишлар ва одамларнинг дилида уйғотган исёнкор туйғулар гўё бир тутантиник бўлди-ю, бутун мамлакатда Исломшоҳга қарши қаратилган нафрат оловини ёндириди. Бу нафрат кутилмаган жойлардан Исломшоҳ даргоҳига ҳам йўл топиб кирад, саройдаги истеъодли шоирлар ва фозил кишилар кўзидан подшога аталган қарғиш ёғилиб тургандай бўларди. Бу ҳаммаси ташки алғов-далғовлар азобига қўшилиб, Исломшоҳ узок умр қўра олмади. У кирк бешга бормай вафот этди.

Шундан кейин Шерхон авлодларининг хонадони тўрт томонидан ўт кетган уйнинг ахволига тушди. Исломшоҳдан сўнг таҳтга чиқкан унинг ўн икки яшар ўғли

Ферузни ўзининг туғишинг амакиси Муборизхон заҳарлаб ўлдириди. Бу котил амаки ўзига Одилшоҳ деб ном кўйиб Аграда тахтга ўтиргандан сўнг, бошқа қариндошлар бирваракай исён кўтардилар. Шерхоннинг киз неварасига уйланган Аҳмадхон сур Лахўрда ўзини мустакил подшо эълон килиб, Искандаршоҳ номи билан тахтга чиқди. Чунор калъасидаги иккинчи күёв — Иброҳим сур Аграга хужум килиб, уни Одилшоҳдан тортиб олди. Бирок Искандаршоҳ ҳам Аграга даъвогар эди. У Лахўрдан Аграга кўшин тортиб келди. Икки күёв пойтахт Аграни талашиб, конли жанглар килаётган пайтда Хумоюн ўттиз минг аскар билан Кобулдан чиқиб Хинд дарёсидан ўтди-ю, бир хафта ичida Лахўрни жангсиз эгаллади.

Салим ота кўпдан бери Хумоюннинг йўлига кўз тутиб юрар эди. Шуни биладиган Абдулла Ниёзий Панжобдан якинда кайтган шайх Муборак деган кишини Салим отанинг кулбасига бошлаб келди.

Аждодлари араб бўлган шайх Муборак ҳам Бианадаги ҳалқ харакатига иштирок этган, кейин қувғинга учраб, Бхира томонларга кетиб колган эди. У Салим отадан суюнчи сўрагиси келиб:

— Таксир, Хумоюн сиз таъриф килганингиздек соҳибдилт одамга ўхшайдир,— деди.— Бхирадан то Лахўргача мен унинг амалга оширган тадбирларини зимнан кузатиб келдим. Хиндиистонда очарчилик бошланганидан хабардор экан, кўп жойларда очларга оши-нон улашишни буюрди. Лекин бу билан иш битмаслиги аник эди. Кандахору Пешовар томонларда дон арzon экан. Хумоюн кемаларда, карvonларда дон ташитиб келиб, бозорларни жонлантириб юборди. Тужкорларнинг узлари фойда кетидан қубиб, шимолдан Панжобга тинмай дон ташиб келмокда!

— Кошки Аграларда ҳам шундай килинса! — деб, килт этиб ютинди Абдулла Ниёзий. У беморликдан тузалгандан кейин Секрига кўчиб келган, тоғ этагида кичкина бир кулбада ночоргина хаёт кечирар эди. Шайх Муборак келтирган хушхабар Салим отани қувонтириб юборди. У маслакдош дўстлари олдига дастурхон ёзиб, банан ва хурмо қўйдирди.

— Не килайки, нон йўк,— деди ва хотинига ширгуруч пиширишни буюрди.— Бугун борини еб турайлик. Эртага яна насиб килгани бўлгай. Шоядки, буғдой ортган карvonларни Хумоюн биз томонларга ҳам бошлаб келса!

Тождорларни хуш кўрмайдиган Абдулла Ниёзий:

— Карvonлар ташиб келган буғдой фалон пул турса

керак,— деди.— Сизу бизда олтин-кумуш йўк. Ҳумоюнга умид боғлаб яна алданиб қолманг, Салим ота.

— Рост, миён¹ Абдулла,— деди Салим ота Ҳумоюнга якин юриб бошдан кечирган фалокатларини эслаб кетди:— Шохлар билан бизнинг орамизда чукур жарлар бор. Мен бу жарга бир марта қулаб, ўлишимга сал қолди.

Шайх Муборак бош чайкаб:

— Ҳар қалай, Ҳумоюн Исломшоҳдай золим эмас,— деди ва қўйнидан катланган бир ёзув чиқарди:— Мана, Ҳумоюннинг афви умумий эълон килиб чиқарган фармони.

Фармон оддий одамлар ҳам тушунадиган килиб ёзилган эди. Салим ота уни шайх Муборакнинг қўлидан олиб овоз чиқариб ўқиди:

«Ҳалойик! Кимки илгари Шерхон ва унинг авлодлари таъсирида бизга қарши иш килган бўлса-ю, энди бу хато йўлдан қайтиб, биз билан ҳамкорликка юз тутса, ҳаммасига афви умумий бергаймиз, барча гуноҳларидан кечгаймиз, ҳар бирига муносиб иноятлар килгаймиз. Барча беку навкарларга тайин этилдиким, биз ўз кадрдон элимиз бўлмиш Хиндиистонга кайтдик, босқинчилик ва талончиликка мутлако йўл қўйилмасин. Бу фармони олийга риоя килмай, хинд дехконларининг сигирини ўғирлаб сўймокчи бўлган Аҳмадхон исмли навкар ўн минг кишилик кўшин олдилда кутурган филнинг оёғи тагига ташлаб ўлдирили. Иншоолло, бу жазо бошқалар учун ибрат бўлғусидир, фуқаронинг молу жонини омон саклашга ёрдам бергусидир. Бизнинг эзгу ниятимиз — ўзаро урушларда, жабру зулм ичida ағбор бўлган бу муazzам мамлакатни яна қайтадан яқдилу яктан, ободу қудратли килмоқдир. Илоҳим, шу улуғ максадларга етайлик!»

Бу гаплар таъсирида Салим отанинг дилида яна илик туйгулар уйғонди. Ҳумоюн мавлоно Ҳондамир билан ҳамкор бўлиб янги конунлар чиқаргани, табиатдаги уйғунлик ва мувозанатни жамиятга ҳам татбик этишга интилгани хаёлидан бир-бир ўтди.

— Ҳумоюн сизга кадрдон бўлган экан! — деди шайх Муборак унга.— Энди у Дехлига кайтаётган пайтда, сиз унга пешвоз чиксангиз... Ҳумоюн қувғинда юрганда биз унинг душманлари бўлган Шерхон авлодлари билан қандай олишганиларимизни сўзлаб берсангиз... Ахир Абдулла Ниёзий бош бўлган ҳалқ харакати Исломшоҳ ҳукмрони

¹ Миён — «домба», «мавлоно» деганга ўшаш сўз. Фозил кишига ишбатан айтилади. •

лигини ичдан емирмаганды, Ҳумоюн Панжобни жангсиз ололмаган бўларди!

— Ҳа, унинг Ҳиндистонга кайтишига биз қандай кўмак берганимизни Ҳумоюн билмоғи керак,— деди Салим ота.— Лекин... унинг даргоҳида кўрган даҳшатларим хотиримдан нари кетган эмас... «Саройга иккинчи қадам босмагаймен!» деб аҳд қилганмен.

Исломшоҳ, саройида еган калтаклари Абдулла Ниёзийнинг ҳам эсига тушди-ю:

— Бормаганингиз маъкул,— деди.

Аммо шайх Муборак бошқа нарсадан хавотир бўлмоқда эди. Ҳумоюн афви умумий эълон қилганидан фойдаланган баъзи маккор одамлар энди алдамчилик йўли билан Исломшоҳ давридаги юксак мартабаларини саклаб колишига интилмоқда эдилар.

— Исломшоҳ саройида шайхулислом бўлган Абдулла Ансорий ёдингизда борми?— деб сўради шайх Муборак Ниёзидан.

— Аълонини ўлдиришга фатво берган илонми?

— Ҳа, ўша Ансорий ҳам гўё кейин Исломшоҳдан айниглан эмиш. Шайхулисломлик лавозимидан фойдаланиб, Исломшоҳнинг ички сирларини билар экану хуфиялар орқали Кобулдаги Ҳумоюнга етказиб турар экан. Исломшоҳ ўлиб, ички низо авжига чикканда шайх Ансорий Ҳумоюнга: «Энди келсангиз Ҳиндистон сизники бўлгай», деб бир жуфт этик юборибдир. Бу этикнинг рамзий маъноси ҳам подшога хушомаддан иборат экан, яъни: «Ота юртингиз Тури — бош бўлса, сиз хозир турган Кобул — бел, биз эса сизга ёёқ бўлиб, шу этикдек хизмат қилишга шаймиз!» дегани экан.

— Об-бо, хушомаднинг болохонадорлигини қаранг!— деди Ниёзий нафрят билан.

Подшолар хушомадни яхши кўришини билурсиз,— деб сўзида давом этди шайх Муборак.— Панжоб жангсиз олинганда Абдулла Ансорий Лахўрдан бир кун йўл юриб, Ҳумоюнга пешвоз чиқибдир. Подшо у билан отдан тушиб кўришибдир. «Таксир, этик юбориб қилган кароматингиз рост келди!» деб ташаккур айтибдир. Орадан уч кун ўтмай Лахўр уламолари Абдулла Ансорийни Ҳумоюн саройига шайхулислом тайин этиб фатво эълон қилдилар. Подшолар ўзгарсалар ҳам, шайхулислом яна ўша Ансорий!

— Икки подшо орасида айғоқчилик қилиб юрган одамга шундай мартаба берилса-я!— ғаши келиб деди Салим ота.

Подшоларга айғоқчилар, албатта, керак, буниси кўпдан маълум, сўзида давом этди шайх Муборак.— Аммо бу

Ансорий зулм тифини Исломшоҳга қандай қайраб бериб турганини Ҳумоюн ҳали билмаса керак. Шундан фойдаланиб, маккор Ансорий биз каби тарафдорларини ҳам Ҳумоюнга ёмон кўрсатиши, орага нифоҳ солиши мумкин. Ахир ҳамонadolat излаб юрган маҳдийлар ҳаракати ҳалқ орасида ҳали тўхтаган эмас! Салим ота Ҳумоюнга ҳеч бўлмаса бир мактуб ёзиб, Бианадаги ҳалқ ҳаракати қандай бўлганини, Ансорий ўшанда нелар қилганини ҳакконий сўзлар билан баён килишлари керак эмасми?

— Агар мен бу мактубни ёзсан, уни ким Ҳумоюнга етказиб бергай? Шоҳнинг қабулига кириш осон эмас.

— Ёзинг, мен элтиб беришга уриниб кўрай,— деди шайх Муборак.

Меҳмонлар ширгуруучни еб тарқаганларидан сўнг, Салим ота ёлғиз қолиб қўлига қалам олди. Шунда Ҳамида бонува ундан олган мактубини эслади. Ҳумоюннинг Акбар деган ўғли каттагина ўсмир бўлиб қолганини эшитган эди, шу ёдига тушиб, мактубни муборакбоддан бошлади. Кейин Ҳумоюн кувғинда юрган йилларда юз берган воқеаларни кисқача баён қилди. Шайх Ансорий ҳақидаги гапларни ҳам барча далиллари билан қоғозга туширгач, мактубни шундай тутатди:

«Ҳазратим, кўришмаганимизга ўн олти йил бўлди. Бу орада сиз кўп довонлардан ошиб, аввалгидан юз чандон тажрибалироқ ва донороқ бўлиб қайтмоқдасиз, деган ишонч билан йўлингизга кўз тикмоқдамиз. Ҳалқ адолатли раҳбарга бениҳоя ташна. Маҳдийлар ҳаракати ҳам ана шу ташналиктан келиб чиқкан эди. Агар шу ташналиктни кондирсангиз, эл-улус сизни барча балолардан асрайдиган балогардон бўлгусидир!»

Эртаси куни йўл тайёrlигини кўриб келган шайх Муборак бу мактубни тўнининг астарига тикиб, Панжобга йўл олди. Аммо у Лахўрга етиб бормасидан, Ҳумоюн Дехлига томон кўшин тортиб келаётгани маълум бўлди. Шерхон авлодларидан Искандаршоҳ Агра яқинида ўз ракиби ИброХим сурни енгган, унинг бир қисм аскарларини ўзига кўшиб олиб, лашкарини эллик мингга етказган эди. Энди Искандаршоҳ бу катта кўшин билан Сирхинд яқинида Ҳумоюннинг йўлини тўсиб чиқди.

Шайх Муборак бир-бирига қараб юмалётган тогдай зўр тошларнинг орасида қолиб, янчилиб кетмаслик учун ўзини четга олиб, Калонурга кетди ва жанглар тугашини кутди. Орадан бир ойча вакт ўтгач, Искандаршоҳ Панжобнинг Махчивара деган жойида Ҳумоюннинг лашкарбoshisi Байрамхондан енгилиб, Ҳимолай тоғлари томонга

қочгани маълум бўлди. Бундан беҳад суюнган шайх Муборак Хумоюннинг хузурига йўл олди.

Аммо Жамна бўйлаб Дехли томонга кетиб бораётган Хумоюннинг хозир муқим турадиган жойи йўқ, қароргохларининг ўрни ўзгариб туради. Қаландар кийимида юрган шайх Муборак, ниҳоят, унинг ўрмон четида ов килиш учун икки-уч кун тўхтаганидан фойдаланди-да, мавқаб жойлашган қароргоҳга яқинлашди. Кўриқчилар бошлиғига:

— Ҳазрат олийларига ҳалқнинг номидан ёзилган бир мактуб топширмоқчимен,— деб арз қилди.

Давлат бошлиғига арзу дод килиб келувчилар жуда ўп бўлганлиги учун, уларни аввал синчилаб текширишар ва ўнтадан биттасини подшонинг хузурига киргизишар эди. Шайх Муборакни ҳам кўрчибени саволга тутиб, тафтиш килаётган пайтида катта оқ саллали Абдулла Ансорий иккита уламо билан уларнинг ёнидан ўта бошлади. Шайх Муборак салласи катталарга юзини кўрсатмасликка тиришиб, орқа ўгириб турди. Лекин кўрчибени уламолардан бирини чакириб:

— Тақсир, бери келинг, бу одам ҳам шайхлардан экан,— деди.— Қандайдир маҳдийлар номидан подшога мактуб олиб келганини. Кўриб беринг-чи, ҳазратимнинг эътиборларига арзидиган гапмикин?

Ансорийнинг ишораси билан ёшрок бир имом кўрчибенинг олдига келди. Хайриятки, Абдулла Ансорий орқа ўгириб турган шайх Муборакни танимади. Ёш имом яқин келиб шайх Муборакнинг юзига тикилди-ю:

— Қани, ҳазратимнинг номларига ёзилган мактубни бир кўрайлик-чи!— деди.

Шайх Муборакнинг ичи кўркувдан музлаб кетди. Мактубда Ансорийга карши ёзилган сўзларни мана бу имом ўқиса шайх Муборакни тинч қўймайди. Дин пешволарининг ўз қуролли одамлари — муҳтасиблари бор. Ансорий «дахрий» деб фатво берса бас, муҳтасиблар шайх Муборакни хибсга олишга ҳам, ўлдиришга ҳам кодир. Шайх Муборак мактубни олиб бермоқчи бўлиб, қўйнига қўл солди. Лекин қўли бўш чиқди... Қўлидаги қаландар халтасини титкилади, ҳатто уни қўрчибегига очиб кўрсатди. Белидаги фўтасини ечиб, эски тўнининг барларини силкитди. Мактуб йўқ! У астар остига тикилган жойида «қилт» этмай тургани шайх Муборакнинг жонига ора кирди:

— Мактубни кеча ётган жойимда унугиб қолдирибмен! Мени маъзур тутинг! Ижозат бўлса, хозир бориб олиб келай!

Кўрчибенинг жаҳли чиқди:

— Э, бор, жўна! Сенсиз ҳам подшонинг қабулига кирмокчи бўлганлар беҳисоб!

Шайх Муборак бир балодан кутулганига шукур қилиб, Хумоюннинг қароргоҳига иккинчи марта қадам босмади. Салим отанинг мактубини эса ўзига қайтариб олиб келиб берди. Бўлган воқеани ҳикоя қилгач:

— Подшолар билан бизнинг орамизда ўтиш мушкул бўлган баланд ғовлар борлиги рост экан!— деди.— Энди сизга омад берсину ўзингиз Хумоюнни бирор жойда холи учратиб, ҳақиқатни унга айтинг.

Бундай омад қачон келишини Салим ота ҳам билмас эди.

ДЕХЛИ. ЗАФАРДАН КЕЙИНГИ ЖУДОЛИК

Акбар Дехлини ўн уч ёшида ғалаба шодиёнаси қунида биринчи марта кўрди. Шерхон авлодлари Панжобда мағлуб бўлганларидан кейин Дехлини ҳам ташлаб қочишиди. Шаҳарда қолган аъёнлар Хумоюнга пешвоз чиқиб, қалъа дарвозаларининг қалитини топширдишар. Шундан сўнг туж минган жарчилар Хумоюннинг ғалаба муносабати билан афви умумий қилинганини ҳақидаги фармонини кўча-кўйда айтиб ўтдилар.

Хумоюннинг ўзи ҳам шаҳарнинг машхур Пуран¹ қалъасига борадиган марказий кўчадан мингтacha одами билан нақоралар ва карнай-сурнайлар чалдириб, тантана билан ўтди. Кўчанинг икки четида ҳалойик ғуж-ғуж бўлиб турибди. Уларнинг орасида енгилган Искандаршоҳнинг аламзада одамлари ҳам бўлиши ва пистирмадан ўқ отиши мумкин. Шунинг учун улкан кора фил устида олтин кўшкдай безатилган шийпон тагида ўлтирган Хумоюн бошига дубулга, энгина зирхли кийим кийган.

Хартумидан думигача чўғдай безатилган, бўйнига улкан гулшодалар осилган подшо филини юзлаб отликлар ўраб, кўриқлаб бормокда.

Акбар ана шу отликларнинг олдинги сафида, отасининг ўнг ёнида Ҳайрон номли гўзал саман отини миниб келмоқда. Ундан оркарокда — Байрамхон, Турдигек, Алиқулихон ўзбек, Қиличхон Андижоний каби ахли давлат... Абдулла Ансорий бошлиқ дин пешволари подшо филининг орқароғида бормокда. Абдулла Ансорий худди Исломшоҳ саройи-

¹ Пуран — кўхна деган маънони билдиради. Саккиз аср бурун курилган бу қалъа хозир ҳам бор.

даги каби Ҳұмоюн саройида ҳам диний пешво бўлиб олғанлиги рост эди. Лекин Ҳұмоюн уни биринчи кунларданоқ каттиқ итоатда тутишга интилар, мавқабда ахли давлатдан кейинги иккинчи ўринда бориши кераклигини мири тузукка ўзи тайинлаган эди.

Деҳли қўчаларидағи ҳалойик подшонинг филини ким миниб бораётганига ҳам эътибор бериб қарап эди. Филbon Лаъл Чанд Қандахор ва Кобулга етолмай, Ҳиндистонда колган, лекин Ҳұмоюн Лахўрга қайтганини эшигтан заҳоти яна унинг ҳузурига борган ва Сирҳинддаги жангда қўлидан келган кўмакларни берган эди... Ҳұмоюн эски қадрдонининг кўп йиллик яхшиликларини қайтариш учун бугун Деҳли марказидан миниб ўтаётган шохона филни бошқариши Ҳұмоюн Лаъл Чандга топшириди. Йўл четидаги одамларнинг баъзиси Деҳлида кўп йил яшаган Ҳұмоюн Чандни таниб, бир-бирларига ифтихор билан кўрсатишарди.

Бир вактлар Ҳұмоюн Аграда шу ишни килмоқчи бўлганда йўл бермаган Саид Ҳалил энди йўқ, ҳозирги шайхулислом Абдулла Ансорий эса Исломшохга кўп йил хизмат килганилиги учун тили қисик, «ғайридин подшонинг филини миннисин!» деб эътиroz кила олмайди. Дин пешволари «ғайридин» деб хушламайдиган Ҳұмоюн Чанд каби хиндлар Қаланжарда Шерхон билан қаҳрамонларча жанг қилиб, уни қандай ҳалокатга учратганилиги Ҳұмоюннинг ёдидан чиқмайди. У дини бошка бўлса ҳам, дили инсоний фазилатларга тўла бўлган мана шу улуғ ўз эҳтиромини билдириш учун бугун Деҳлидан хиндлар жуда эъзозлайдиган жонивор — филда ўтишни ва бу филнинг измини Ҳұмоюн Чандга топширишни лозим кўрган эди.

Карнай-сурнайлар ва накора товушлари баланд жойдаги кизил тош деворли Турон қалъя дарвозасига етганда тинди. Бу ерга олдинрок келган маҳсус қўриклилар ва хизматкорлар қалъани ораста қилиб жиҳозлаб, йўлкаларга пойандозлар тўшатиб қўйган эдилар. Қалъя ҳовлиси жуда кенг, у бошидан бу бошигача минг қадамдан ортиқ.

Кеч кирган бўлса ҳам саратон иссиғи жуда баланд. Ҳұмоюн куни бўйи зирҳли кийимда юриб, иссиқда жуда лоҳас бўлгани учун хонайи хосда энг аввал енгил ипак кийимларини кийди, совутилган лиму шарбатидан ичди. Барини ораста қилиб жиҳозлаб, йўлкаларга пойандозлар тўшатиб қўйган эдилар. Шундан кейин Акбарни ёнига олиб ҳовлига чиқди ва шабада тегадиган очикроқ жой излади.

Офтоб ботган, лекин осмоннинг гарб томони ҳамон ловуллаб ёниб туриби. Йўлкаларга тўшалган қизғиши тошлардан ҳам кундузги иссиқнинг тафти урятти. Қалъанинг

энг баланд жойи кунботиш томонда — Шерхоннинг масжиди ва шермандал деб аталадиган тепаси очиқ тош бино турган жойда эди. Ҳұмоюн Шерхон қурдирган масжиднинг ўрни яхши танланганига, бино пештоқи салобатли, тош безаклари ўзига ярашиб тушганига тан берди-ю:

— Дуруст, Шерхон ўзидан яхши хотира ҳам қолдириб-дир,— деб қўйди.

Масжиддан ўнгда — баланд ва хушманзара бир жойда саккиз бурчакли, икки ошиёнли мўъжаз бино туриби. Бунинг тархини бир вактлар Ҳұмоюн чиздирган ва китобхона учун мўжаллаган эди. Лекин тўполонлар бошлангандан сўнг қурилишлар тўхтаб, бу бино ҳам чала қолиб кетди. Кейин уни Шерхон ўз дидига мослаб, учинчи қаватини шабада тегадиган очиқ саҳн қилиб қурдирибди. Салкин шамол эсиб турадиган бу шинам жой ҳурсандчилик қилинадиган манзил — мандал номини олибди.

Ҳұмоюннинг одамлари бугун шермандални ҳам ювиб, тозалаб, тепадаги шийпонига гилам ва кўрпачалар тўшаб кўйишган эди.

Зинапоя олдида турган соқчи йигит ота-болага йўл бериб, ўзини дархол четга олди. Ҳұмоюн яхлит ва дағал кулранг тошлардан тарашланган зинапояга оёқ қўйиб юқорига қаради. Зинапоя тик ва тор, унга факат битта одам сиғади, ичи нимқоронги. Беш-олти қадам нарида яна худди шунга ўхшащ иккинчи зинапоя бор — буниси чикиш учун бўлса, наригиси пастга тушиш учунми? Тош кулуқка ўхсидиган ва юқорига пармадай буралиб чиқадиган ҳар икки зинапоя ҳам Ҳұмоюнга ёқмади.

Иккаласини бирга кўшиб тарашлатса кудуқдай тор бўлмас эди,— деди Акбарга ўгирилиб. Зинапояда кўл билан тутадиган қанот ҳам йўқ. Ҳұмоюн Акбарни эргаштириб иккинчи қаватга чиқди. Бу ердаги хоналар шинам, китоб жавонлари ўрнатса бўладиган жойлари ҳам бор. Айниқса, учинчи қаватдаги ораста шийлон ва саккизта оқ мармар устунчаларга соябон каби ўрнатилган накшин гумбаз жуда кўркам эди. Шийпонда фир- фирмада шабада эсиб турди.

Тик зинапоядан чиккунча энтикиб, терлаб кетган Ҳұмоюн кўрпача устига ўлтириб, ўзини шабадага солди. У то пафасини ростлагунча бир неча дақика ўтди. Бу орада Акбар шийлондан кафтда тургандай аниқ кўринаётган улуғвор шаҳар — Деҳлини томоша қилди. Қалъя деворининг тагидан буралиб оқиб ўтадиган Жамнанинг гарбдаги кипкизил шафак рангига бўялиб, ёниб оқаётганидан ҳайратга тушди.

— Сен иссикни сезмайсан-а? — унга хаваси келиб сўради Хумоюн,— Тар саҳросида туғилгансен, бу иссиклар қонингда бор. Лекин мени бугунги ҳарорат ғоят бетоқат қилди. Ёшлиқда унча сезмас эдим.

Хумоюн мўйлаби энди сабза урган, бўйи ўсиб, отасига тенглашай деб қолган Акбарга синчиклаб қаради-ю, бирдан Ҳамида бону ёдига тушди. Акбарнинг новдадай эгилувчан қомати ва юз-кўзининг жозибаси Ҳамиданинг чавгон ўйнаб юргандаги ёшлигини эслатарди. Ҳумоюннинг юрагини соғинч туйғуси орзиктириб ўтди. Кобулда қолган Ҳамидани кўрмаганига олти ой бўлди. Яна кўришиш насиб этармикин? Аммо, шукур, ота-онасининг суратини ҳам, сийратини ҳам ўзида жам этган ўғли ёнида юрибди-ку. Авлодлар тақдири бир-бирига нақадар киришиб кетишини Ҳумоюн энди астойдил хис қилмоқда. Акбарнинг тақдири туғилмасидан анча олдин — Ҳамида билан Ҳумоюн бир-бирлари билан илк бор учрашган наврўз кунларидан бошланган эмасми? Агар Ҳумоюн Ганга ва Карамнаса дарёларига чўкиб кетганда Акбар ҳам дунёга келмас эди-ку. Ўшанда сувчи Низом Ҳумоюн билан бирга унинг бўлажак ўғлини — мана шу Акбарни ҳам кутқартган экан-да. Одамнинг тақдири унинг ўзидан олдин туғилиши рост.

Лекин Акбар ўн ойлик бола пайтида Қандаҳорда асосратда қолгани, уч ёшида Кобулда тўп ўқига нишон килиб кўйилгани, кичикликда бошдан кечирган бошқа таҳликаю ташвишлари уни тез улғайтирди. Ўғлининг фахми катталарницидан қолицмайди. Шунинг учун Ҳумоюн унга дил ёриб сўзлади:

— Отанг ҳам кексайгани энди билинмокда, ўғлим! Бу йил кирк еттига кирдим. Отам шу ўшда қолган умрларини менга баҳш этиб шунқор бўлган эдилар. Дейдиларки, отасининг ёшига етган одами Азроил бир силкитиб кўрармиш, бўш келса олиб кетармиш.

Азроил — ўлим тимсоли эканини биладиган Акбар отасига хавотирли кўзлар билан қаради:

— Нечун бундай дедингиз, ҳазратим? Мен сизга муносаб ўғил бўлиш орзусида юрибман. Лекин ҳали бу орзуимнинг ўндан бири ҳам ушалгани йўқ. Тангрига илтижо килурмен: барча орзуларимнинг ушалганини сиз билан бирга кўрайли!

Мўйлаби сабза уриб, овози йўғонлашиб қолган Акбарнинг бўлиқ гавдаси, ўткир фахми, айникса, хозир айтган сўзлари ўн етти-ўн саккиз ёшли йигитникига ўхшар эди. Ҳумоюн ўзининг ўн уч ўшда ҳали қийинчилек кўрмаган арзанда ўсмир бўлганини эслади. Акбарни эса Қандаҳору





Кобулда бошидан кечирган таҳликалари, якиндан кўрган фожиалари қанчалик тез улгайтирганини отаси бугун анирок сезгандай бўлди. Ўғлига илиқ бир гап айттиси келган Ҳумоюн:

— Жамна бўйидаги кийик ови ёдингдами? — деб кулимсираб сўради.

Акбар бу овга оталиғи Байрамхон билан чиқкан эди. Иши ўнгидан келиб, семиз бир кизил кийикка дуч келди, учқур оти Ҳайрон устида уни кувиб бориб, ёй ўқи билан бикинига уриб йикитди.

— Овингиз муборак, амирзодам! — деб Байрамхон Акбарни табриклиди. — Энди бу кийикдан қандай таом пиширтироқчисиз?

— Буни ҳазрат отамдан сўрайлик.

Акбар кийикни навкарларидан иккитасига кўтартириб, отасининг ҳузурига олиб келди-да, унинг ёёги олдига кўйди:

— Ҳазратим, ўғлингизнинг биринчи ови сизга пешкаш!

Ҳумоюн бўйи чўзилиб отасига тенглашиб қолган Акбарни бағрига босди.

Кунлар иссиқ, Акбар овда терга ботиб кетганини сезган Ҳумоюн ўғлини Жамнанинг салкин кирғогида лангар ташлаб турган кемага бошлаб чиқди. Бовурчилар кийик гўштидан оғизда эрийдиган килиб кабоб тайёрладилар. Кеманинг толорида ота-бала ва Байрамхон учовлари ка-бобни еб бўлишгач, Ҳумоюн офтобачи келтирган сувда қўл ювди-да, қофоз-қалам сўради, у хозир шу дастурхон устида хаёлига куюлиб келган сатрларни маснавий шаклида тез-тез ёзди:

Худоё, ту ин гавҳари шахвор
Зи осибе бадгуҳарон дур дор.
Зи дарёйи дониш ба ў об дех
Зи хуршиди биниш ба ў тоб дех.¹

Ҳумоюн ўғлига бу сатрларни ўқиб берди:

— Менинг сенга тилагим шу! — деди. — Ол!

Форсий тилни ҳам яҳши биладиган Акбар ўрнидан туриб, отасининг шеърини таъзим билан олди-да, кўзларига сурди:

¹ Таржимаси: Худоё, ўзинг бу шоҳ гавҳаримни
Ёмон кўзлардан асра, таги ёмонлардан узок тут.
Уни билим дарёсининг сувига кондир,
Ақлу меҳр офтоби билан сайқал бериб чинқтир.

— Мен буни жон ўрнида асрагаймен!

Ўша куни кечкурун Акбар ўзининг дасторпечига буюриб, отаси инъом этган тўрт сатрни шохи туморчага тикидирди-да, кийимлари ичидан бўйнига билинтиrmай такиб олди.

Мана, ҳозир у отасининг ёнида Дехлининг энг баланд жойига курилган шийпон устида турганда ўша туморчанинг шохиси иссиқда терлаган баданига алланечук салкин тегаётганини сезди-да, ўзича бир суюниб кўйди.

— Шукурки, кўзим тириклигига сени Дехлига олиб келдим,— деди Хумоюн.— Бу шахри азимни мен кўпдан берли пойтахт қилиш ниятида эдим. Лекин мени бу ниятга етказадиган йўл ер тагидан ўтганини билмас эканмен.

— Қандок... ер тагидан?— тушунмай сўради Акбар

Хумоюн унга Казвинда Элбрус тоғи ҳакида эшиштан ривоятини айтиб берди.

— Ер тагига тушиб кетган ўша тоғ менинг елкамдаш босиб тушгандек бўлди. Ўн беш йил давомида шу тоғни Синду, Кандахору, Қазвину Кобул орқали кўтариб ўтишга мажбур бўлдим, унинг оғирлигидан эзилиб азоб тортдим. Нихоят, бугун шу тоғ — отам тузиб кетган ўша улкан давлат — яна ер юзасига қайтиб чиқди. Мен қуришга ултурмаган обидаларни энди сенинг қурмогинг учун имкон бор. Ахир ота кисматига ўғил шерик! Отамнинг умри менда давом этган бўлса, менинг умрим сенда давом этгай. Биз худди юз йиллаб яшайдиган чинорнинг алоҳида шохларию илдизлариай яхлит бир оиласиз.

Хумоюн ўғлига бугун биринчи марта дилини ёриб, кўнглиning тубини очиб кўрсатар, Акбарнинг камоли жиддият билан тинглаётганидан ҳамма гапни кўнглига тугаётгани билиниб турарди.

— Чинорнинг дастлабки эллик-олтмиш йилдаги ўсиши, бир авлод умрига қиёс этгулиkdir,— деб давом этди Хумоюн.— Кейинги эллик-олтмиш йиллик ўсиши иккинчи авлод ҳисобига бўлгай. Бу орада чинор аввалгидан икки баробар баланд кўтарилгай. Учинчи авлоднинг умри бу чинорни энг баланд ўксакликка кўтариб, улуғ дараҳтга айлантиргай. Лекин унинг шу улуғлигига ниҳол пайтида отган илдизларию ўрта яшарлигига ёйган шохларининг ҳиссаси бўлгайми, йўқми?

— Бўлгай!— деди Акбар.

— Сен келажакда энг баланд пояларга кўтарилганингда менинг шу сўзларимни бир эслаб қўйгин.

— Барча сўзларингиз менинг қалбимга тошга битилган ҳарфлардай нақшланмоқда, ҳазрат отажон. Фақат сиз...

шундай улкан галабадан сўнг... нечун кўнглинигиз ўксиган каби сўзламоқдасиз?

— Армоним кўп, ўғлим, ёшликда тузган улкан режаларим амалга ошмади. Энди ҳаммасини қайтадан бошлиашга умрим етмаслигини сезиб турибмен. Одамзод жамияти ҳали бениҳоя нокомил. Алоҳида комил сиймолар бор, аммо бутун жамият — атрофимизни ўраб турган табиатга нисбатан фоят ҳом, бетартиб. Еру кўкдаги тартибу мувозанат мени доим ҳайратга солур. Офтоб вактида чикгай. Ой аник соату дақиқасида тўлгай. Юлдузлар зўр бир тартиб билан айлангай. Бахор кетидан албатта ёз келгай. Чор унсур — тупрок, сув, олов, ҳаво — бир-бири билан муайян тартибда бирлашиб, табиатни яратгай. Ҳаёлпараст эканмени, еру кўкдаги мана шу тартибу мувозанатни жамиятга тадбир этмоқчи бўлибмен. Йилнинг ўн икки ойи, мучалнинг ўн икки йили асосида сарой ахлини ўн икки тоифага бўлиб, ҳар бирига алоҳида мавке белгилабмен. Аммо мени табиатда йўқ жаҳолату хурофот, риёкорлигу амалпарастлик, ғаламислигу хоинлик жамиятда бижғиб ётганини унутган эканмен. Тўғри, табиатда йўқ илму санъат, маърифату заковат фозил одамларда бор. Лекин бизнинг жамиятимизда улар ҳали жуда оз. Шунинг учун менинг бу йўлдаги ҳаракатларим шамолни тутиб тартибга солмоқчи бўлган ҳаёлпарастнинг ишидек бекор кетди. Энди ўйласам, жамиятни такомиллаштириш учун аввал уни табиатдан узоқлаштириб юборган сунъийликларни йўқотмок керак экан.

— Қайси сунъийликлар?— тушунмай сўради Акбар.

— Масалац, диний адоват ёки миллий низолар ҳаммаси гаралли мақсадлар учун ўйлаб чиқарилган машъум сунъийликлардир. Мен шунча мамлакатларни кўрдим. Муслиму ҳинди, шиаю сунний, насораю оташпараст — ҳаммалари бир Одам Ато билан Момо Ҳаводан тарқаган бани башардирлар. Лекин «бизнинг динимиз сенинидан афзал, бизнинг иркимиз сенинидан баланд» деган ўринисиз талаш-тортишлар туфайли мудом конли урушлар келиб чикгай, мудом лак-лак бегуноҳ одамлар кирилгай. Айниқса, Ҳиндистондай турфа динли мамлакатда инсонни унинг табиий асосларидан узоқлаштириб юборган диний зиддиятлар, сунъий варналар¹ кўп фожиаларга сабаб бўлмоқда. Онанг билан мен сени гўлаклигингдаёқ шу сохталиклардан узоқ тутмок учун турли улус оналари орасидан энагалар топдик. Сенга оқ сут берган етти энаганинг бир кисми туркий улусдан бўлса, бири гайри-

¹ Варналар — касталар.

дин хинд аёли, бири афғон, бири тожик. Түрфа динли турли миллат вакиллари бўлган бу оналарнинг оқ сути сенинг қонингда бирлашган, табиатингда бутун башариятга фарзанд бўлгудек фазилатлар бўлган. Келгусида сен жамиятдаги сохталикларни бартараф кильмоқ учун ўз табиатингдаги мана шу афзалиятга суюнмоғинг керак. Хусусан, хинд — муслим низоларини йўқотмоқ учун, бошқа минг хил иллатларнинг илдизини киркмок учун зўр ислоҳотлар ўтказмогимиз керак!

Ислоҳот нималигини Акбар шу оқшом отасидан биринчи марта эшилди. Ота-бала сухбатга берилиб, қоронги туша бошлаганини сезмай қолган эдилар. Сарой чароғбони зина-поядан олтин шамдонда липиллаб ёниб турган қўшалоқ шамни кўтариб чиқди.

Ҳумоюнга шийпон ёқиб колгани учун бир ой ичидаги қайта жиҳозлатди ва кутубхонасини шу ерга кўчиртириб келди. Кузнинг юлдузлар чараклаган тунларида учинчи қаватга устурлоб ўрнаттириб, юлдузлар ҳаракатини кузатдиган бўлди. Бу орада Агра ҳам жангсиз олинди, Ҳумоюн унга Искандархон ўзбекни ҳоким қилиб тайин этди. Турдидек Дехли ҳокими бўлди. Самбхал, Меват ва Ажмир вилоятлари ҳам Ҳумоюннинг қаламравига ўтди. Ҳамон Шерхон авлодлари хуруж қилиб ётган жойлар — Ганга бўйидаги Қалпи ва шимолдаги Калонур атрофлари эди. Ҳумоюн Акбарни оталиғи Байрамхон билан бирга Панжобга ҳоким тайин этди. Ота-бала хайрлашишдан бир кун олдин кутубхонанинг тепасидаги ўша мармар шийпонга чиқдилар. Ҳумоюн отасининг «Вақойиъ» китобини энг яхши ҳаттотларга бериб, Акбар учун тилла суви билан безатилган маҳсус нусха кўчиртирган эди. Ҳумоюн кутубхонасининг китобдори Ҳўжа Абдусамад касбдоши Мирсаид Али билан бирга «Бобурнома» воқеалари бўйича илк расмлар ҳам чизишган эди. Ёши улуг Ҳўжа Абдусамад олдинда, ўттиз ёшли хушбичим Мирсаид Али орқада, зина-поядан чиқиб келдилар. Ҳўжа Абдусамад «Бобурнома»нинг Акбар учун кўчиртирилган янги нусхасини икки кўлида авайлаб тутганича таъзим қилиб кирди. Ҳумоюн Акбарга юзланиб деди:

— Ҳазрат отам, «бу китобни авлодларинг ҳам ўқисин», деган эдилар. Мен шу васиятни бажо келтирадиган кунларга етишганимдан шодмен. Афсуски, сени Фарғонаю Самарқандларга олиб боролмадим. Энди отамнинг бу китоби сени хаёл қанотида Мовароуннаҳрга олиб борсан! Акбар, сен ҳам мен каби, ҳамиша шу китобдан руҳий мадад олиб яшагин!

Акбар кўлини кўксига кўйиб:

— Умрим охиригача ўғитингизга содик қолгумдир, ҳазрат отажон! — деди.

— Отамдан менга ўтган бир эътиқодни сенга айтмоқчилен. «Хаёлпараст» дейишлиларидан кўркмай, энг улуғ максадларни кўзлашга ўрган. Аммо ҳеч бир улуғ мақсад — улуғ истеъодларсиз, даврнинг энг комил сиймоларисиз амалга ошмагай. Шунинг учун атрофингга энг яхши одамларни, энг зўр истеъодларни иложи борича кўпроқ тўплагин. Дунёнинг ҳеч бир бойлиги, ҳеч қайси гавҳару жавоҳири сенга ўзинг тўплаб парвариш қилган улуғ истеъодларчалик кувончу шуҳрат келтира олмагай. Истеъоддли одамларда инсоний нуқсонлар, нозу фироклар бўлса, буни кечирмок керак. Сен уларни авайлаб камолга етказсанг, ўзингнинг олий камолотинг ана шу бўлғай. Сен канча кўп одамга яхшилик килсанг, бу яхшилик бошқа кутилмаган жойлардан ўшанчалик кўпайиб кайтгай. Дунёда яхши билишу яхшилик килишдан афзалроқ баҳт йўқ, шуни ҳеч қашон унутма, ўғлим!

Ҳумоюн шу сўзлар билан ўғлига отасининг китобини тақдим этди. Акбар китобдан бениҳоя мамнун бўлса ҳам, бироқ отаси худди бошқа кўришолмасликларини олдиндан сезганга ўхшаб гапиргани анчагача уни ҳайратга солиб юрди.

Ҳумоюннинг ўзи ҳам Акбарни жўнатгандан сўнг: «Мен нечун ўсмир ўғлимга бундай гапларни айтдим?» деб, ичичидан таажжубланиб кўйди. Ахир унинг ишлари энди ўнгланди. Киш ўтиб, довонлар очилса, Ҳамида бёғим кобулдан келади, икковлари хали Акбарни уйлантиришлари, невара кўришлари керак!

Бўш вакти бўлса у одатдагидай кутубхонага келарди. Тик ва тор зина-поядан кўтарилиб тушиш унга хийла нокулай туюлар, лекин вакт ўтиши билан ҳам одатланиб борар эди. Зина-пояларнинг нега қудукқа ўхшатиб тор ва тик килиб курилганидан ўзича бир маъно ҳам топгандай бўлди. Зина-пояга фақат битта одам сиғиши подшони кўриклиш учун кулай эди. Бу ерда битта сокчи турса бас, юзта одам хужум килиб келса ҳам зина-поядан ёпирилиб ўтломайди. Битта-битта ўтиб кўтарилганини эса юқорида турган одам даф қилиши осон. Бинога кирадиган бошқа ҳеч қандай йўл йўқ. Кирди-чиқди камлиги Ҳумоюннинг кутубхонада тинчгина мутолаа қилиши учун ҳам қулай эди.

Мана шу тарзда у Шерхон қурдириб кетган зина-поянинг торлиги, тикилиги ва бошқа нокулайликларига кўнилди. Дехлининг куруқ ва салқин қиши кечаларида осмонни тўл-

дириб чараклаб чиқадиган юлдузларни тепадаги шийпондан томоша қиладиган ҳам бўлди.

Кобулда қирчиллама киш бўладиган далв¹ ойида ҳам Дехлида ҳаво баҳор пайтидагидай майин, атроф кўм-кўк эди. Ҳаждан кайтган мунахжим мавлоно Розиулло Ҳумоюнга сахар пайтида Суҳайл юлдузини кўрсатмоқчи бўлди.

— Суҳайл юлдузини бир кўрган одам бу дунёю у дунёда барча муродларига етгай,— деди мавлоно Розиулло.

Бу сўзларнинг одатдаги муболага эканини Ҳумоюн биларди, лекин у Суҳайл юлдузини кўришга кўпдан иштиёқманд эди. Отаси бу юлдузни умрида бир марта Ҳиндикуш тоғининг баланд бир жойида туриб тонг саҳарда кўрганини «Бобурнома»да ёзиб кетган эди. «Толеим отамничиалик бўлса умримдан зинҳор шикоят қилмагаймен» деган эътиқодни кўнглига туккан Ҳумоюн Суҳайл юлдузини албатта бир кўрмоқчи бўлди.

У ҳам Бобурга ўхшаб уйқусизликдан қийналар, баъзан афюн кўшилган маъжун еб ухлар эди. Бугун кечаси ҳам маъжун еб тўрт соатча каттиқ ухлади. Асли у камуйку одамлардан эди, тўрт соат ухласа бир кунга кифоя қиласди. Шунинг учун доим эрта турарди. Бугун ҳам шундай пайтда туриб бет-қўлини ювди.

Мавлоно Розиулло яна бир мунахжим билан уни кутубхона олдида кутиб туришган экан. Ҳумоюн уларни эргаштириб, ўша тор ва тик зинапоя олдига келди. Соқчилар уларга йўл бердилар. Зинапоя коронги бўлгани учун чарогбон олдинга ўтди. Шу орада мавлоно Розиулло билан келган мунахжим:

— Ҳазратим,— деб Ҳумоюнга мурожаат қиласди.— Факир Маккатуллони тавоғ қиласдан сўнг Дамашққа борган эдим. Ўша ерда инингиз мирзо Комронни кўрдим.

Ҳумоюн бу хабардан суюниб:

— Эсон-омон эканми?— деди.— Нечун ҳанузгача қайтмабдир?

— Дамашкда ховли-жой сотиб олибdirлар. Танмаҳрамлари Чучук бегим ёнларида. Яна бир канча вакт ўша жойда истиқомат қиласалар керак. Сизга салом йўлладилар.

— Саломат бўлсин,— деди Ҳумоюн зинапояга қадам кўяркан. Инисининг тирик экани ҳақидаги хабардан енгил тортиб, учинчи қаватдаги шийпонга одатдагидан осонроқ кўтарилди.

Бугун осмон нихоятда тиник, юлдузлар одатдагидан

ҳам кўп. Осмоннинг шарки энди окараётган пайтда унинг жануб томонида, уфқка яқин бир жойда сарик аралаш ақикдай пуштиранг юлдуз кўринди.

— Суҳайл¹ ана шу!— деди мавлоно Розиулло ҳаяжон билан.

Ҳумоюн уни устурлоб орқали кузатар экан, умри давомида кўрган юлдузларининг энг гўзали шу эканини сезди.

— Шукурки, мен ҳам Суҳайлни кўришга мусассар бўлдим!— деди.

Шу пайт пастдаги масжиднинг имоми мезанага кўтарила бошлади. Мавлоно Розиулло:

— Ҳазратим, бомдод намозига бормок керак,— деб колди.

Тонг энди ёришган. Суҳайл унинг нурига сингиб кетаётгандек кўринмай колди.

Ҳумоюн намозга бориш учун зинапояга томон йўналди. Шу пайт тонг корониси ичидаги ётган кудуксимон зинапоянинг оғзи Ҳумоюннинг кўзига худди ўн олти жуфт хўқиз судраб юрадиган энг катта замбаракнинг оғзидаи корайиб кўринди. Бу замбаракнинг ичидан ҳозир ўқ отилиб чиқадигандек туюлди. Шерхонни ҳалок қиласган замбарак ўки Ҳумоюннинг ҳаёлида гавдаланиб, уни шундай сескантидики, боши музлаб кетди. «Бемаъни рўё!— деб ичидаги ўзини койиди.— Менга не бўлди? Кечаси еган маъжунимда афюн кўпрок эканми?»

У чарогбонга қараб:

— Олдинга ўтинг,— деди.

Зинапояга чирок нури тушгач, одатдаги тош пилапоялар кўринди-ю, рўё йўколди. Уч-тўрт қадам олдинда чарогбон, ўртада Ҳумоюн, ундан уч-тўрт қадам нарида мунахжимлар зиналарни бир-бир босиб пастга туша бошлидилар. Бояги сесканиш ўтиб кетган бўлса ҳам, Ҳумоюннинг тиззалирида озгина титрофи қолган, оёклари аввалгидан мадорсизроқ туюлар эди. Шу пайт масжид томондан аzon товуши эшитилди. Ҳумоюн намозга кеч қолмаслик учун қадамини тезлатди.

Зинапоя пармага ўхшаб ўнгга бурилган жойда уч-тўртта инанинг ўнг томони жуда тор, оёқ сиғмас эди. Ҳумоюн авваллари ўтганда зинанинг чап томонидаги кенгроқ қисмига оёқ кўйиб ўтарди. Ҳозир шошилинчда шу эсидан чиқди-ю, зинанинг энг тор ва сирғанчиқ ўнг томонига

¹ Далв — январь.

¹ Суҳайл — ҳозирги илмий тилда Канопус юлдузи.

устма-уст икки марта қадам қўйди. Ҳар икки оёғи ҳам зинадан сирпаниб кетиб, мувозанатини йўқотди, атрофига кўлларини ёйди, аммо ушлаб коладиган хеч нарса йўқ. Олдиндаги чаробон ҳам, орқадаги мунажжим ҳам ёрдамга етиб улгуролмади. Мункиб кетган Ҳумоюн пешонаси билан зина-поянинг тош деворига қарсилаб урилди. Қўзларидан яшил, кизил учкунлар сачради, Кобулда колган Ҳамида бону, Панжобда юрган Акбар, Дамашқдаги Комрон, ҳатто узок Сирдарё бўйида, Ахси жаридан ийқилиб ҳалок бўлган бобоси Умаршайх мирзо хаёлидан чакмоқдай тез, камалакдай рангин бўлиб ўтди-ю, бирдан йўқолди. Ҳумоюн хушидан кетиб, гавдасининг бутун оғири билан зина-пояга ағанаб тушди. Шунда боши тош зиналарга яна уч-тўрт марта каттик урилиб, жароҳати баттар оғирлашди. Ӯч кун хушига келомлай ётиб жон берди.

ПАНИПАТ, ДЕХЛИ. ТЎФОНДА ҚОЛГАН ЁШЛИК

Дехлидан уч юз миљ узокда — Панжобнинг шимолшарқидаги Каланурда юрган Акбар отасининг ўлими ҳакидаги хабарни орадан бир ҳафта ўтгандан сўнг эшилди. Мусибатли воқеанинг тафсилотларини чопар Назирқул сўзлаб берганда ўша зина-поянинг кулранг тошлари унинг бошига ҳам урилгандай вужуди караҳт бўлиб қолди, бир канча вақт ҳатто қўзига ёш келмади.

Байрамхон дарҳол беку аъёнларни тўплаб, Акбарни отасининг ўрнига таҳтга чиқариш харакатига тушди. Таҳт ҳам шитоб билан ёғочдан ясалди ва наридан-бери безатилди. Валиаҳд Акбар шу ёғоч таҳт устига чиқиб ўлтираётганда отасининг кутубхона шийлони устида дил ёриб айтган гаплари бирдан-эсига тушди, «баланд пояларга кўтарилганингда менинг бу сўзларимни эслаб қўйгин», деган васияти қулоғи тагида қайта жаранглагандай бўлди-ю, қўзларига бирдан ёш қуюлиб келди.

Аъёнлар Акбарга қуюқ таъзим килиб, тоҷу таҳт билан муборакбод этаётганда унинг қўзларидан ёш оқаётгани баъзиларни хайратта солди, баъзи беклар «хали бу бола-ку!» дегандек киши билмас лаб буриб қўйишли.

Унинг ақволини тушуниб турган Байрамхон кечаси Акбар билан яккама-якка галлашди:

— Амирзодам, мардана турадиган энг таҳликали кунлар бойланмоқда. Илгари хазратимдан хайниб Дехлига

якин келомлай юрган Одилшоҳ билан Ҳему ҳозир эллик минг қўшин билан Дехли устига бостириб бормоқда эмиш.

— Дехли ҳокими... Турдибек бундан хабардормикин?

— Мен ҳозир чопар Назиркулига буюрдим. Йўл ҳозирлигини кўрсину сахар палла Дехлига жўнасин. Мана, сизнинг номингиздан Турдибекка юбориладиган фармойиш. Пуран қалъада заҳира етарли, дарвозаларни бекитсин, Дехлини зинхор Одилшоҳ билан Ҳемуга топширмасин.

— Биз бу ердан ёрдамга етиб боргумизди! — деди Акбар.— Ахир ҳазрат отамнинг Дехлидаги кабрлари ёгийлар оёғи остида колмаслиги керак!

— Яхши сўз айтдингиз. Бу сўзларни фармойишга ҳам ёздиргаймиз. Мана бу жойига муҳр босинг.

Акбарнинг муҳри босилган фармойишни сахар палла йўлга чиккан чопар Дехлига олиб жўнади. Унинг кетидан Байрамхон ҳам Каланурда бор қўшинни ийғиб, жанубга юриш бошлади.

Чопар бир ҳафтада ўтадиган йўлини катта қўшин ўн беш кунда босиб ўтиши мумкин.

Панипатга етганларида каршиларидан бир неча минг кишилик қўшин чиқиб келди. Байрамхон чигдовулларни¹ юбориб — бу Дехлидан келаётган Турдибекнинг лашкари эканини аниклади-ю, ҳанг-манг бўлиб ёнидаги Акбарга каради:

— Наҳотки пойтахтни ёғийга топшириб келган бўлса?! Улар отларини елдириб Турдибекка пешвуз чиқдилар.

Ранг-қути ўчган Турдибек Акбарга яқин келиб отдан тушди, жиловни рикобдорига бериб, ёш подшонинг қаршисида юкунди, сўнг унинг узангисини ўпиб йиғлаб юборди:

— Амирзодам, худо сизга қувват берсин! Ҳазратимдан айрилиб қолдик! — Турдибек факат бу мусибатдангина эмас, Дехлини душманга топшириб келаётганидан ҳам қўониб, елкалари силкиниб ҳўнграб гапирди: — Суянган тогимиз эни ўй! Дехли ҳам иликдан кетди!

Отасини эслаб қўзи ёшланган Акбар сўнгги галдан оюрланиб сўради:

Фармойиш етиб бормадими?

Сизнинг олий фармойишингиз етиб боргандада бизни ташлаб чиқмокда эдик. Беку аъёнлар машварат шундай карорга келдикки, Одилшоҳ билан Ҳемуэллик минг қўшинига биз ёлгиз бас келоммагаймиз.

Чигдовул — разведкачи.

Ундан кўра тезрок сизнинг ҳузурингизга келиб, асосий кучлар билан бирлашмокка карор қилдик.

— Нотўри карор килибсиз, жаноб Турдибек!— деди Байрамхон бирдан қизишиб.— Сиз амирзодам юборган фармойиш бўйича Дехли қальасини ичдан бекитмоғингиз керак эди! Биз боргунча пойтахт иликдан чиқмаслиги лозим эди! Дехлини қайта олгунча ҳазратим канча сарсону саргардонликларни бошдан кечирган эдилар! Сиз ёш подшонинг бўйруғини бажармаганингиз учун...

«Жазо олмогингиз керак!» деган сўзларга йўл бермаслик учун Турдибек Байрамхоннинг гапини шарт кесди:

— Жаноби хони хонон, мен ўттиз йилдан берли шу олий хонадонга содик хизмат қилиб келмоқдамен. Секридаги жаигда жасорат кўрсатганим учун Бобур ҳазратлари менга мана бу мурассасъ ҳанжарни инъом этганлар!— Турдибек белидаги сопига ва қинига қимматбаҳо тошлар билан зеб берилган ҳанжарни кўрсатди-ю, Байрамхонга сўз навбати бермай, овозини кўтариб давом этди:— Мен Ҳумоюн ҳазратлари билан Ганга бўйларида, Тар саҳросида, Қазвина бирга юриб, неча ўлимлардан колганмен, неча марта ҳазратимишинг иноятларига сазовор бўлганмен.— Турдибек Акбарга юзланди.— Амирзодам, отангизнинг бошларига энг оғир кунлар тушгандар, бошқалар юз ўриб ташлаб кетганда мен ҳамиша ёнларида бўлганмен!

— Буни мен билурмен!— деди Акбар ва ачиниб сўради:— Аммо нечун отамнинг кабрларини ёғийлар оёғи остига ташлаб келдингиз?

— Вазият бизни шунга мажбур қилди! Бошқа илож йўқ эди, амирзодам! Лекин Дехли ёнидаги Туғлокободда Ҳему билан дадил жанг қилдик. Биз беш минг киши эдик. Ҳемунинг элтик минг қўшинига, мингта жанговар филига бас келомадик, икки минг киши талафот бўлди, қолган уч минг одамни омон саклаб, ҳузурингизга олиб келдим.

Байрамхоннинг қаҳри келиб хитоб қилди:

— Сиз Дехли қальасидан чиқмаслигиниз лозим эди! Туғлокободдаги жанг ҳам сизнинг ҳатойингиз! Икки минг кишининг қони ҳам сизнинг бўйнингизга тушадир!

Акбар ёши отасидан катта икки мўътабар бекнинг бу жанжалини қандай босишини билмас эди.

— Амирзодам, адолат қилинг!— деб Турдибек яна Акбарга юзланди.— Мен ёғийни ўз кўзим билан кўриб келмоқдамен. Байрамхон жаноблари ҳали унинг қандай бир даҳшат эканини кўрмай туриб мени айбламокдалар! Ахир бу Ҳему деган балойи азимга Иброҳим сур кирқ минг қўшин билан бас келомай енгилди-ку! Амирзодам, биз

сизни ҳам бу улкан ҳатардан эҳтиёт қилмоғимиз керак. Яхшироқ тайёргарлик кўрмасдан туриб Ҳемуни енгиб бўлмагай! Иложи бўлса, Панжобу Кобулдан, Қандахору Фазнидан янги аскарий кучлар йигиб келмок лозим!

— Кўркканга қўша кўрингай!— деб Байрамхон унинг сўзини кесди.— Сиз бу вахима гаплар билан қўшинининг кайфиятини ҳам бузмоқчимисиз, жаноб Турдибек? Сизнинг гапингизга кирсак, яна Ҳиндистонни бой бериб, Қандахору Кобулга қайтиб кетгаймизми?

— Йўқ!— деди Акбар ва икки бекнинг тортишувини ўзи ҳал қиломаслигини сезиб, Байрамхондан илтимос қилди:— Ҳонбобо, дурустроқ бир жойдан қароргоҳга ўрин танлайлик. Тўхтаб, кечкурун бекларни машваратга чорлайлик.

Турдибек отига қайта миниб, Акбарнинг орқарогида бора бошлади. Оталик хуқуки бўйича Байрамхон ёш подшохнинг ўнг томонида юрарди. Турдибек Ҳумоюннинг яқин маслаҳатчиси бўлгани учун қароргоҳга ўрин танлашда Акбарга ҳам маслаҳат беришга интилиб, Жамна бўйидаги кўкалам адирларни кўрсатди:

— Сув яқин, атрофи очик, бағри кенг жой,— деди.

Акбар Байрамхонга савол назари билан қаради. Диidi ҳам, феъли ҳам Турдибекнидан бошқача бўлган Байрамхон:

— Панипат яқинида Бобур ҳазратлари бундан ўттиз йил олдин қароргоҳ қилган жой бор,— деди.— Ҳозир биз учун ҳам энг қулаг макон ўша жой бўлгай...

Икки бек яна баҳслашмаслиги учун Акбар дарҳол Байрамхоннинг гапига қўшилди:

— Ҳазрат бобом танлаган жой биз учун ҳам табаррукдир.

Бир томони дарё, иккинчи томони қўшин ўтолмайдиган ўрмон бўлган бу паст-баланд қўкаламзор адирлар қароргоҳ учун чиндан ҳам қулаг эди. Чодир ва ўтовлар ўрнатилгунча Акбар билан Байрамхон қароргоҳ атрофларини айланиб кўрдилар. Иброҳим Лодининг юз минг қўшини ўшанда Дехли томондан қандай таҳдид солиб чиқиб келганини Байрамхон Акбарга айтиб берди. Ҳарбий филларга карши қазилган ва усти шоҳ-шабба билан бекитиб қўйилган катта-катта чукурлар бор эди. Ўттиз йилда уларнинг анчаси тупроққа тўлиб, саёзлашиб қолган, иchlари ва атрофларида ўт-ўланлар ўсиб ётар эди.

— Зарур бўлса бу чукурларни қайтадан қазитмоқ мумкин,— деди Байрамхон.— Амирзодам, энди Дехлига борицдан қўра ёғийни мана шундай ўзимизга қулаг бир жойда пойлаганимиз маъқул.

Ўрмон ичидан қушларнинг сайраши ва маймунларнинг кий-чув қилганлари эштилиб турарди. Чап томондаги Жамнада қайиклар ва кемалар осойишта сузib кетяпти. Олам шундай осуда кўринар, табиат улуғвор бир вазминлик билан атрофни ўраб турар, аммо Байрамхон билан Акбарнинг диллари безовта. Ҳумоюннинг ўлими билан бошланган хавф-хатарлар тобора кўпайиб боряпти. Ҳимолай тоғларининг этакларида Манкетда пайт пойлаб, куч йигиб ётган эски ёвлари Искандаршоҳ яна Лахўрни қайтиб олиш харакатига тушди.

Жанубдан Одилшоҳ ва Ҳемудай зўр ёв бостириб келса, булар икки қудратли душман орасидан қандай чиқиб кетишаркин?

— Шунинг устига Турдибек бугунгидек бебошлик килаверса, ҳар нарсада менга карши сўзлаб, биринчиликни талашса, кўшинда ички парокандалик бошлангай, амирзодам!— деди Байрамхон Акбар билан ўрмон четида як-кама-якка турганди.— Мен бу одамнинг бадфеъллигини азалдан билурмен. Мудом ўтмишдаги хизматларини пеш килур. Хизмати, садоқати йўқ эмас. Аммо феъли ёмон, мумсик одам. Умарқутда отангиз Турдибекдан икки лак олтин қарз сўраган эканлар. Шунда Турдибек судхўрга ўҳшаб юзга юз йигирма рупий қайтариш шарти билан қарз берган. Отангиз унинг шу икки лак олтинини тўрт йилдан сўнг Қандаҳорда уч лак килиб қайтаргандарини кўрганмен. Отангиз раҳматли ҳалол бўлгилари келиб, юмшоқлик килар эдилар. Турдибек унга сайин ўзини катта олиб, калондимоғликка ўрганган эди. Аммо ҳозир вазият таҳликали, юмшоқлик қилсан, ички парокандалик авжлангай, ташки душманлар олдида заифлашиб ҳалок бўлгаймиз. Шунинг учун сиздан ҳам қатъият лозим.

— Ҳонбобо, отам ўрнида энди сиз қолдингиз. Ҳозир менинг сиздан бошқа раҳнамом йўқ... Турдибек билан бирон... муроса йўлини топайлик.

— Муроса?!— ранжиб сўради Байрамхон.— Амирзодам, унга жазо бермок лозим!

Соқоли оппок Турдибекка жазо бериш Акбарга бехад мушкул туюлди. Турдибекнинг жияни Моҳим Акбарни эмизган энагаларидан бири. Турдибекнинг бошқа нуфузли қариндошлари кўп, унга жазо берилса ҳаммаси аразлаб кетиши мумкин.

— Аммо улар: «Кобулга қайтмоғимиз керак, ҳазратимнинг ўлими туфайли Ҳиндистонни бой бердик», деяётган Эмишлар. Лекин амирзодам, сизнинг киндик қонингиз ҳинд

тупроғига тўқилган. Энди бу тупрокка отангиз қўйилди. Шу икки сабабдан Ҳиндистон сиз учун муқаддас ватандир. Бу ватанини ташлаб кетмоқчи бўлганларга қатъий зарба берилмоғи лозим. Бу ишни мен қиласай. Сиз дарё бўйларини сайд қилинг. Балки овда кўнглингиз таскин топар?

Акбарнинг ўзи ҳам ёши улуғ бекларнинг бугунгидака баҳсу жанжалларига аралашишни истамас эди. Шунинг учун кўкалдошлари ва қўриқчи йигитлари билан отланиб ўрмонга сайд қилингани кетди.

Кечки пайт сайддан қароргоҳга қайтса, Турдибек кариндошлари билан турадиган чодирлар орасидан йиги-сиги товушлари эштилияпти.

Акбар ўша чодирларга шитоб билан яқинлашганда Моҳим энага ёшли кўзлар билан унинг қаршисига чопиб чиқди.

— Амирзодам, мен сизга оқ сут берган эдим! Наҳотки тағойимни сиз ўлимга буюрган бўлсангиз?!

Акбар «ўлим» сўзидан чўчиб тушди:

— Турдибекни? Мен буюрган эмасмен! Не бўлди?

— Золим Байрамхон... чодирда... Турдибек тағойимни ўлдириб кўйди!

Акбарнинг ишонгиси келмай:

— Йўғ-е!— деди.— Ҳибс қилгандир?

У отининг бошини кўйиб, ўз хиргоҳи томон шошилди. Акбар тезроқ ҳонбобога учраб, фалокатнинг олдини олгиси келар эди. У хиргоҳ олдида ранглари оқарган Байрамхонни кўрди-ю:

— Ҳонбобо, Турдибек тирикми?— деб сўради.

Юз берган баҳтсизликдан ўзи ҳам изтироб чекаётган Байрамхон паст товуш билан:

— Амирзодам, ичкарига кирайлик,— деди ва Акбарга йўл бериб, унинг кетидан хиргоҳга кирди:— Ишонинг, мен уни сиздан бемаслаҳат ўлимга ҳукм этган эмасмен. Дехлини ёгийга ташлаб келгани учун ҳибс қилдирмокчи бўлдим. Чодирга чақириб: «Қуролни топширинг!» десам; «Ҳали сенроғизий кексайтганимда мени хор қилмоқчимисан?!» деб сўқинди-ю, белидаги ҳанжарини суғуриб менга ташланди. Жамол деган йигитим ёнимда турган эди. Турдибекни қўлидан тутиб қолмоқчи бўлди, лекин Турдибек уни итариб ташлади. Менинг бикинімга тиф санчмокчи бўлганда қўриқчи йигитим унинг кўкрагига ҳанжар урди...

— Ўлдими?.. Наҳотки!.. Ахир... Ҳонбобо!.. Отамнинг ими бизга озмиди?

— Ўзи хужум қилмаса ҳеч ким уни ўлдирмас эди!..

— Энагамнинг тօғаси... уруғ-аймоги кўп! Ҳаммаси эндигигай. Ташқарида ёғий, ичкарида бу!..

Ўспирин Акбарнинг шунча нарсаларга акли етаётганидан хиёл таажжуланган Байрамхон:

— Рост,— деди,— бўш келсак, ички уруш бошланмоғи мумкин. Ё сиз мен томонда мардона туриб, бор кучларни бир иродага бўйсундиргайсиз. Ё энагаю бошқаларнинг кўнглига караб, ҳаммани ўз ҳолига қўйиб бергайсиз, истаган одам оталиғингизни яна «рофизий» деб сўккай, ички интизом йўқолгай, кейин ташки душман ҳам бизни осонгина енгтай. Шу икки йўлдан бирини танламоғингиз керак!

Байрамхоннинг катъият билан ёнган кўзлари Акбарнинг ёдига бултур Сирхиндаги шиддатли жанг пайтларини эслатди.

Искандаршохнинг ўнг қанотидаги отликларини орқага қайтариш ва чекинаётган филларига топтатиш зарур бўлди. Бош саркарда Байрамхон бу мушкул ишни хосса тобинда¹ турган амир Музаффар Лоханига ва унинг кўл остидаги икки минг аффон йигитига топшириди. Амир Музаффар ёвнинг ўнг қанотидаги кучлари икки баробар кўп эканини кўрди. Уларни орқага қайтаришига кўзи етмади. Ортдан чекиниб келаётган филлар топтаб ташлашидан қўрқди ва Байрамхоннинг буйрганини бажаришдан бош тортди. Баҳслашиб ўлтирадиган пайт эмас эди. Агар ёвнинг ўнг қанотига вактида зарба берилмаса Искандаршоҳ ғолиб келиши мумкин эди. Бундай пайтда бош саркарданинг буйрганини бажаришдан бош тортиш хиёнат хисобланарди. Байрамхон амир Музаффарга шуни айтиб, буйрукни яна бир тақрорлади, аммо ўжар аффон амири Музаффархон буйрукни бажариб бўлмаслигини айтди. Байрамхон ёнидаги туркман йигитларига буюриб, Музаффарнинг кўлини боғлатдирди, сўнг сафсаф турган йигитларининг кўзи олдида буйрукни бажаришдан бош тортгани, шу билан душманга ёрдам бергани учун бошини шарт кестириди.

Аффон амирлари орасида Музаффарни ёмон кўрадиган, у билан доим мунозара қиладиган бошқа бир довюрак бек бор эди. Байрамхон дарҳол ўшани икки минг отлиқка саркарда этиб тайинлади-ю, топшириқни зудлик билан бажаришга фармон берди.

Байрамхон билан ҳазиллашиб бўлмаслигини, унинг буйргидан бўйин товлаш нима билан тугашини ўз кўзлари билан кўрган аффон йигитлари ёвнинг ўнг қанотига жонжаҳдлари билан ҳамла қилдилар. Бу ҳамла Байрамхон кутгандај яхши натижа берди, ёвнинг пиёдалари ўз отлиқ-

¹ Хосса тобин — маҳсус резерв.

лари ва филлари орасига тушиб колиб, оёқости бўлди. Искандаршохнинг харбий филлари чекиниш пайтида ўз пиёдаларининг анчасини топтаб ташлади. Охирида бу филлардан тўрт юзтаси ўлжа олинди. Жанг тугагандан кейин Музаффар Лоханининг ўғиллари ва қариндошлари Байрамхоннинг устидан Хумоюнга шикоят қилдилар. Хумоюн Байрамхоннинг қизиққонлигидан хафа бўлди, «ҳибс килиш мумкин эди-ку!» деб койинди. Лекин бўлар иш бўлган, Байрамхон катта зафар келтирган эди. Хумоюн уни кечирди, Музаффар Лоханининг яқинлари эса аразлашиб, Гужарат томонга кетиб қолишиди. Улар ўзларини Байрамхоннинг хундор душманлари деб эълон килгандарини Акбар эшитган эди. Энди бунинг устига Турдибекнинг яқинлари Байрамхон билан ёвлашса...

— Хонбобо, сиз мени қанотингиз остида олиб юрибсиз. Мен буни унутмаймен. Маслаҳат беринг, не килай?

Байрамхон хиргоҳ тўрида мўътабар жойда турган «Бобурнома»ни кўрсатди:

— Улуғ бобонгизнинг китобидан мадад сўранг. Оталари ўлганда бобонгиз сиздан ҳам ёш — ҳали ўн иккига тўлмаган эканлар. Устозлари андижонлик Хўжа Абдулланинг оқилона ўйтлари билан ёғилар ҳалқасидан омон чиккан эканлар.

Акбар кечаси алламахалгача «Бобурномани» вараклади...

Узок Сирдарё бўйида, Акбар ҳали кўрмаган Андижону Ахсида ёш Бобурнинг Самарқанду Тошкент томондан бостириб келган душман кўшинлари орасида колгани қайси бир жихатлари билан Акбарнинг ҳозирги ахволини эслата бошлиди. Бобоси ҳам ўз ўшига номуносиб мураққаб зиддиятларга дуч келган, лекин уларнинг орасидан йўл топиб ўтиб, мана шу Панипатда ўз кўшинидан саккиз баробар кўп эъланни енгид чиккан экан.

Акбар Байрамхонни бобосининг устози Хўжа Абдулла ўрнида кўрди...

Эртаси куни Турдибек ўрмон ичидағи баланд бир яланглика дағи этилганда Акбар мархумнинг қариндошлари ёнида туриб, унинг тобутини кўтаришиди, кейин Моҳим энагасининг чодирига кириб, ундан кўнгил сўраб чиқди. Турдибек оладиган каттагина улуфа энди унинг оиласига нафака тарзida умрбод бериб турилиши кўпчилик олдида эълон килинди.

Акбарнинг бу ишлари Турдибекнинг баъзи қариндошларини сал юмшатган бўлса, баъзилари, аксинча, баттар ҳаво бойлаб, Байрамхонни котилликда айблай бошлишди. Пирмуҳаммад деган бек машваратда яна Байрамхонни айбламоқчи бўлганда, Акбар унинг сўзини кесди:

— Жаноби Пирмұхаммад, биз Турдибекнинг аввалги хизматларини тан олурмиз! Аммо Турдибек Дәхлини бой бергани устига яна оталиғимизни ҳақорат килибdir, тиғ яланночлабdir. Оқибатда, ўзи ҳалок бўлмишdir. Мусибат чекдик, дағн этдик. Энди бас! Хонбобо биз учун ҳазрат отамиздек азизу мўътабардирлар.

Акбар ўз ёшига ярашмайдиган бу жиддий сўзларни кечаси билан ҳаёлида ўйлаб пишишиб келган эди. Ҳаёт уни ёшига номуносиб мураккаб ишқалликларга дуч келтиргани сари Байрамхондан бошка суянидиган тоги қолмаганини сезарди.

— Жаноб беклар, кимки оталиғимизнинг шаънига ёмон сўз айтса, бизга қарши чиққан каби жазоланур. Ёғий якин. Шу вазиятда кимки хонбобонинг буйругини бажармаса, бизнинг буйруғимиздан бош тортган ҳисобланур. Саркашлиқ — ёғийга ёрдам берур, бизга хиёнат бўлур. Хоин эса аёвсиз ёсокка¹ етказилур.

Акбарнинг бу гаплари асосида маҳсус қадага² чиқарилди ва қароргоҳдаги ўн беш минг беку навкарларнинг ҳам масига ўқиб эшиттирилди.

Шундан кейин Байрамхондан норози бўлиб юрганлар ҳам аламларини ичларига ютиб, унинг иродасига бўйсунишга мажбур бўлдилар. Бир ёқадан бош чиқариб Одилшоҳнинг эллик минг кўшини билан Панипатда дадил жанг килишиб. Бу жангда Алиқулихон бошлиқ мерғанлар тўлғама усулини ишлатиб, ёв кўшинининг орқасига ўтди-ю, фил устида ўлтирган бош саркарда Ҳемуни отиб йикитдилар. Буни кўрган Одилшоҳ жонҳолатда қоча бошлади...

Байрамхон Акбарни кучоклаб:

— Амирзодам, ғалаба муборак! — деди.

Ўша куни Алиқулихонга мўътабар хони замон унвони берилди. Байрамхон эса барча вазиру умаролардан баландрок турадиган вакили салтанат мартабасига кўтарилиди.

* * *

Ҳинд водийларидан йил бўйи баҳор яшиллиги кетмагани каби йил бўйи дараҳтлар тагидан заъфарон япроқлар ҳам аримайди. Барглар табиат қонуни бўйича янгиланиб боради, эскилари эса ой сайн сарғайиб аста-секин тўкилиб туради.

¹ Ёсок — ўлим жазоси.

² Қадага — мурожаатнома.

Қора кийган азадор Ҳамида бегим Акбарнинг қўлига суюниб Ҳумоюннинг қабри томон мажолсиз юриб боради. Ҳамал кириб, гулмоҳур дараҳтлари яна барча япроқларни бирваракай тўккану баргсиз шоҳлари ғуж-ғуж қизил гуллар билан безанган. Аммо боши эгик Ҳамида бегимнинг кўзлари юкоридаги гулларга эмас, дараҳт тагини босган ҳазонларга тушади. Дунёдаги ёнг суюкли кишисидан айрилгани, ўттиз икки ёшида бева қолгани унинг бутун вужудини сарғайган ҳазонга айлантириб қўйгандай туюлади. Қабр атрофидағи кўқаламзор майдон ҳам унинг кўзига қайғудан ҳазон бўлиб қовжираб тургандай қўринади. Бу қабрга тош қўйишга улгурганлари йўқ. Факат Ҳумоюн ўзи ёқтирадиган Ҳусрав Дехлавий ва Низомиддин авлиё мозори якинидаги бағри кенг бир текисликнинг атрофини ўраб, ариқ қаздиришган, кўчатлар экдиришган ва бўлажак мақбара учун жой ҳозирлашган, холос.

Бу жудолик онасиға нечоғли оғир тушишини Акбар биларди. У Кобулдан келаётган онасини кутиб олиш учун отда ўн кун йўл юриб Ҳинд дарёсининг бўйигача борди. Кобул дарёси Ҳиндга келиб қуйиладиган Тҳатта атрофларида Ҳамида бегимнинг дарёдан ўтишига ёрдамлашди. Пойтахт яна Аграга кўчган бўлса ҳам, Ҳамида бегим Акбар билан Дехлининг Пуран қалъасига келиб тушди.

Байрамхон Аградаги саройда, Ҳумоюннинг девониоми ва ҳонайи хосида иш олиб бормоқда. Аградаги Зарафшон ва Ҳашт Бихишт боғларига ўхшаш оромгоҳлар Дехлида ҳали йўқ. Бунинг устига, Ҳамида бегим Дехлининг Пуран қалъасига турганда кўзи нукул кутубхона биносига ва унинг ичидаги тош зиналарга тушар, бу ҳаммаси унинг дил яраларини тирнаб янгилар эди. Шунинг учун Акбар онасини Аграга олиб кетмокчи бўлди:

— Энди сиз бу бехосият Пуран қалъада турманг, онажон.

Акбар тахтга чиққандан берли Ҳамида бегим уни «сиз»-лаб гапиради:

— Йўқ, ўғлим, отангизнинг қони тўкилган тош зиналар ҳам мен учун муқаддас, мен бу ердан ҳеч қаёққа кетмагаймен.

— Агра узоқ эмас-ку, тез-тез келиб қабрларини зиёрат килиб тургаймиз.

Ҳамида бегим йиглаб бош чайқади:

— Тирикликларида бирга яшагани қўймадилар, нукул бизни айирдилар. Энди мен отангизнинг қабрларидан айрилмагаймен. Менинг абадий маконим ҳам у кишининг ёнларида бўлғай. Бу дунёда отангизни энди кайта кўролмагаймен. Кошки мен ҳам тезроқ жон берсаму нариги дунёга бориб, отангизни яна кўрсам!

Бу гаялардан Акбарнинг ҳам кўнгли бузилиб, кўзларига ёш келди. Онасининг мусибатини ёнгиллатадиган бирон чора топмаса, ундан ҳам айрилиб қолиши мумкинлигини сезди.

Интихосиз хотиралар ичидан Ҳамида бону Акбарга отасининг маънавий оламини кўрсатадиган энг ёрқинларини саралаб хикоя килиб берарди. Тар саҳроси, Қандахор, Қазвинг...

— Худо раҳмати Дехлида етти ошиёнлик бино қурдирмокчи эдилар... Насиб қиммаган экан...

— Онажон, ўша бинони биз қурдирсак-чи? Отамнинг хотираларига муносиб улкан макбара... етти ошиёнлик бинодай баланд бўлса.

Бу фикр Ҳамида бонунинг мусибат тўла қалбига таскин беришини Акбар сезди. Унинг китоблари сакланадиган сандиги ичida Самарқанддаги Гўри Амир, Ҳиротдаги Гавхаршод бегим, Фазнадаги Махмуд Фазнавий, Машҳаддаги Имом Ризо ва бошқа энг машҳур мақбаралар тасвири тўплланган мураккас¹ бор эди. Акбар китобдорга буюриб, шу мураккасни топтириди-ю, онаси билан бирга уни вараклаб кўрди. Кўлига қозоз, қалам олди. Мусаввирлик ва мъеморликдан хабари бор, Хўжа Абдусамаддан олган сабоқлари ёдида. У Дехлидаги Мирзо Ҳумоюн мақбарасини қандай тасаввур этишини онасига чизиб кўрсатди. Буулутлар билан бўйлашадиган муҳташам гумбаз. Етти қават уй баландлигидаги пештоқлар... Акбар чизган расм ҳали жуда ҳом бўлса ҳам, Ҳамида бону унинг жўшқин ниятини чизиклар ёрдамида кўз олдига келтира бошлади:

— Бино бунча улкан бўлса, атрофидаги боғи ҳам ўзига яраша катта бўлгани дуруст. Ичкари, ташки ҳовлилари, сув жилдираб оқадиган ариқлари, катор турган дараҳтлари...

— Ҳаммаси бўлгай, онажон! Эртагаёқ Дехлининг энг машҳур мъемори мирзо Миракни ҳузурингизга таклиф этгаймиз.

Акбар онасини ғам-ғуссадан алаҳситадиган шундай катта иш топилганидан мамнун эди. Эртаси куни она-бала ўлтирган қабулхонага мирзо Мирак таъзим қилиб кирди. Алғов-далғов замонларда курилишлар таққа тўхтагани учун қўлёзмалар кўчириб, хаттотлик қилиб кун кўрадиган мирзо Мирак кўп ўлтириб ишлашдан елкалари буқчайиб қолган кирк беш ёшлардаги киши эди.

— Ҳазрат бегим, амирзодам, тангрим мени шундай кунга етказгани учун шукроналар айттурмен! Бу яхши ниятларингиз мени толе муждасидек шод қилди!

¹ Мураккас — альбом.

Мъемор Акбар чизган ҳомаки суратга кўз ташлар экан:

— Тасанно, амирзодам! — деди. — Факат ижозат бўлса битта мулоҳазамни айтсан...

— Марҳамат, мавлоно.

— Бу расмда сиз макбара деворини тўғри ер юзасидан кўтарибсиз. Самарқанду Ҳиротда шундай килиш мумкин. Чунки у ёқларда ер ости сувлари унча яқин эмас. Гўримир даҳмаси ҳам ер остига қурилган. Аммо Дехлида ёмғирлар кўп бўлгай, ер ости сувлари юкори кўтарилиб, даҳмага кирмасин учун, уни баландрок жойга ўрнатмок даркор. Ўшанда макбара саҳни ердан беш-олти газ баланд тургай.

— Демак, макбара бундан ҳам юксакрек кўтарилгай, шундокми? — сўради бегим.

— Айни шундай.

— Қанча баланд бўлса шунча яхши, — деди Акбар. — Дехлининг энг улуғ обидаси шу бўлмоги керак!

— Аммо харажати ҳам шунга яраша бехад улкан бўлгай, амирзодам, — деди мъемор. Бутун давлат ишлари, шу жумладан, ҳазинанинг ихтиёри ҳам Байрамхонда эканини у яхши биларди: — Оталик жанобларининг бу режадан хабарлари борми?

Акбар ялат этиб онасига каради. Байрамхон ҳамма ишда ўта талабчан бўлгани каби, сарфу харажатларни ҳам каттиқ тергаб тураг, ҳатто Акбар ва Ҳамида бонунинг кундалиқ сарфлари учун кетадиган маблағ ҳам хонбобонинг имзоси бўлмаса берилмас эди. Акбар Панипатда ҳаммани, ҳатто ўзини ҳам оталифининг иродасига бўйсундиргандан берли ҳануз ўша якка ҳокимлик давом этмоқда эди. Жоме масжидларида ҳар жума куни Акбарнинг номи хутбага кўшиб ўқилса ҳам, аслида, олий ҳукмрон Байрамхон эди.

— Жаноб мъемор, сиз аввал макбаранинг тархини чизинг, — деди Акбар. — Уни қуриш учун тахминан қанча маблағ, қанча коргару ҳунарпеша кераклигини бизга ёзиб беринг.

— Бош устига, амирзодам! Аммо ҳисоб-китоб ишлари учун маҳсус одам ёлламасам, ўзим уddyалай олмасмен. Ҳомаки тархини чизиш учун ҳам кўп вақт кетгай.

Акбар мъеморнинг озғин юзи ва эскирган кийимларига караб, унинг ўзи ҳам ёрдамга муҳтоҷ эканини сезди. Ичкари ҳонага кириб, ўзининг шахсий харажатлари учун ҳазинадан олган бир ҳамён олтинни олиб чиқди-да, мъеморга чошина¹ тарзida берди.

¹ Чошина — аванс.

Орадан анча вакт ўтиб, бўлажак мақбаранинг сарфу харажатига оид ҳисоб-китоб тайёр бўлганда Байрамхон ўзи Аградан Дехлига келиб колди.

Унинг соқол-мўйлови сиялиқ тарашланган, ёши эллик еттида бўлса ҳам йигитлардай башанг кийинган, кайфияти яхши эди. Байрамхон бурноғи йили Мевар ҳокими Жамолхон деган амирнинг ўн етти ёшли қизига уйланган, якинда бу ёш хотиндан ўғил кўрган, унга Абдураҳим деб исм кўйган эди.

Акбар билан Ҳамида бону хонбобони Пуран қалъанинг меҳмонхонасида кутиб олиб, олдига дастурхон ёзилар.

Хумоюннинг йилошисини берганларидан сўнг Ҳамида бегим кора кийимларини ташлаган, ҳозир ҳаворанг қабо кийиб, бошига кўк ҳошияли оқ қасаба рўмол ўраган эди.

— Ўғил кўрибсиз, жаноби оталиқ,— деди Ҳамида бегим.— Муборак бўлсин!

— Куллук, ҳазрат бегим. Бизга не хизматлар бор? Билгали келдим.

— Биз амирзодам иккаламиз ҳазратимнинг мақбараси учун тарҳ чиздирган эдик. Меъмор мирзо Мирак ҳозир қабулхонада. Сиз ҳам бир кўрсангиз.

— Бажонидил.

Мирзо Мирак Байрамхонга алоҳида, Акбар билан Ҳамида бегимга алоҳида таъзим бажо келтиргач, жилдга солинган лойиҳани мез устига қўйиб очди.

Рангли қилиб ишланган мақбара тархи бир қарашда Байрамхонга ҳам ёқди.

— Ҳазратимнинг улуғ хотираларига муносаб!— деди у. Бирок меъмордан сарфу харажати канака бўлишини сўраб билган сари қоши чимирилиб, авзойи ўзгара бошлади:— Жаноб меъмор, бу бинога давлатимизнинг бир йиллик даромади ҳам етмагай-ку! Ҳазинада бор маблағни қурилишга сарф килсак, ўттиз минг қўшинга маошни қаёқдан тўлагаймиз? Курол-яргни қайси пулга олгаймиз?

— Оталиқ жаноблари,— деди Ҳамида бегим,— бу қурилиш бир йилда битмагай... Балки менинг қолган умрим шунга сарф бўлгай. Ҳар йилги давлат даромадларидан бир қисмини ажратсангиз бас...

Байрамхон бегимнинг мусибатли юзига назар ташлайди-ю, сал юмшади:

— Хўп, мен рози!— деди.— Ҳозирча лойиха ишлари учун маблағ топиб бергаймен. Қурилишнинг ўзи учун келгуси йилги даромадлардан бир қисмини ажратгаймиз.

Ҳамида бегим ҳаётининг энг катта муаммоси бўлиб турган мақбара қурилишига Байрамхоннинг розилигини олганидан мамнун ва мулоим бўлиб колди. Байрамхон мана шу пайтдан фойдаланиб, дилидаги нозик гапларни унга айтишга чоғланди. Аммо ёш йигит Акбарнинг олдida сири очилишидан иймангандай тараадудуга тушди.

— Ҳазрат бегим,— деб у ўнгайсизланиб гап бошлади,— кўнгил одамни не кўйларга солишини бошқалар билмаса ҳам сиз яхши билурсиз. Ёшлидаги бир дард менга умр бўйи азоб бериб юрганидан Ҳумоюн ҳазратлари хабардор эдилар. Дилемдаги армонни билгандаридан сўнг, «эски ҳатони, албатта, тузатгаймиз, агар Ҳиндни худо қайта насиб этса, бизга кариндош бўлгайсиз», деган эдилар...

Акбар хонбобосини ҳеч қачон ҳозиргидай ўнгайсиз ва уятчан қиёфада кўрмаган эди. Унинг соқол-мўйловига ва ўsicик қошларига тушган оқ толалар илгари ўз ёшига ярашган каби салобатли кўринарди. Бугун Акбар унинг соқол-мўйлови йигитларникидай қоп-кора эканини кўриб таажжууга тушди. Унинг Ҳамида бегимга айтиётган гаплари ҳам галати эди.

Лекин кўп нозик сирлардан хабардор Ҳамида бегим Байрамхоннинг нима демокчилигини дарҳол фаҳмлади-ю, дили алғов-далғов бўла бошлади. Байрамхон подшоҳ оиласига қандай қилиб кариндош бўлмокчилиги унга маълум...

Хумоюннинг жияни Салима сulton бегим бўй ётиб қолган, ота-онаси ўлиб кетгандан берли Ҳамида бегим уни она ўрнида тарбиялаб ўстирган. Бугун Байрамхон Дехлининг Пуран қалъасига келганда ўн беш ёшли Салима бегимни узокдан кўриб, юраги «жиг» этиб кетди. Чунки Салима улгайган сари онаси Гулранг бегимга икки томчи сувдай ўҳшайдиган гўзал қиз бўлиб бормокда эди. Байрамхон йигит пайтида Гулранг бегимни каттиқ севганлиги, қиз ҳам унга мойил бўлганлиги, лекин тақдирлари қўшилмай, иккови ҳам доғда қолганлари Ҳамида бегимга ҳам маълум эди. Қандаҳорда Ҳонзода бегим Байрамхоннинг Ҳумоюнга қилган яхшиликларидан бехад мамнун бўлган пайтларида: «Яна битта қизим бўлса Байрамхонни ўзим куёв қилар эдим!» деган сўзлари ҳам бегимнинг ёдида қолган.

Кейинчалик Байрамхон Кобулда Салима бегимни онасига жуда ўҳшаб қолган пайтида кўрди-ю, юрагида ҳали сўнмаган ўша ёшлик меҳри қайта алсанга олгандай бўлди.

Ўрта боғда Акбар билан келин-куёв ўйнаб ўсган Салима

ҳазрат тоғасининг энг ишонган дўсти Байрамхондан кўпда тортинас эди. Байрамхоннинг катта хотинидан туғилган ўғиллари уйланган, ўзининг ўсиқ сокол-мўйловига оқ тушган. Шунинг учун Салима ҳам уни Акбарга ўхшаб: «Хонбобо», деб атар эди. Байрамхон Салимани Ўрта Богдаги шийпонда ўн уч ёшида бир учратди-ю, гапга солди. Гулранг бегимга атаб ёзган шеърларидан Салимага ўкиб берди:

Эй пари пайкарки, умри жовидонимсен¹ менинг,
То тирикмен, сендин айрилмонки, жонимсен менинг.

Шеърни яхши кўрадиган ва ўзи ҳам ғазал машқ кила бошлиган Салима бегим Байрамхоннинг бу ҳароратли байтидан астойдил завқ олгани унинг парпираб ёнган кўзларидан билинди. Шунда Байрамхон аввалгидан ҳам ҳароратлироқ овоз билан яна бир байт айтди:

Йўқ сенча киши севгулук эл ичраки, йўқтур
Сенек севарим, ҳоҳ инон, ҳоҳ инонма.

Байрамхоннинг бу ғазали куйга солиб айтиладиган машхур ашулаардан эканини Салима биларди. Онаси Гулранг бегимга аталган бу сатрларни Байрамхон энди унинг шоиртабиат кизига тикилиб айтганда, эски муҳаббати гўё янгиланди-ю, эл ичиди энди унга Салима бегимдан суюклирок киз йўқдай туюлди.

Байрамхондай катта шоир билан сухбатлашганидан курсанд бўлган Салима кейинроқ пайт топиб унга ўзининг шеърий машкларини кўрсатди. Киз боланинг ишкий шеърлар ёзиши мутаассиб одамлар томонидан уят саналарди, шунинг учун Салима ўз шеърларига «Махфий» деб имзо чекар эди.

Салима бир вактлар Акбар билан келин-куёв ўйнаб юрган пайтларидан бери Акбарни болаларча бир меҳр билан яхши кўрарди. Унинг ишкий шеърлари Акбарга бағишланган, лекин буни ҳеч кимга, шу жумладан, Байрамхонга ҳам айтмас эди.

Қизнинг шеърларидаги бу яширин олов Байрамхоннинг унга бўлган меҳрини янада алантантиргандай бўлди. Шеър баҳонаси билан улар боғда бир неча марта сухбатлашдилар.

Байрамхон Салимага уйланиш ва подшоҳ оиласига кўёв бўлиш ниятини кўнглига маҳкам туккан эди. Ҳумоюн ваъдасини бажаришга ултурмай оламдан ўтди. Салиманинг ҳам отаси, ҳам онаси ўрнида Ҳамида бегим колди.

¹ Умри жовидон — ўлмас умр, мангу тирик ҳаёт.

— Энди, ҳазрат бегим... худо бизни осуда кунларга етказди. Катта қурилишлар, орзу-хавасли тўйлар киладиган пайтлар келди...

Хонбобо бугун Салима бегимга ёш кўрингиси келиб, сокол-мўйловини бўятирғанини Ҳамида бегим энди пайкади. Лекин уч кам олтмиш йиллик умр машакқатлари унинг юзига, пешонасига, ҳатто бўйинларига чукур ажинлар солиб кетган эди. Бўялган сокол-мўйлов билан бу ажинлар бирбирини фош қилишини Байрамхон ўзи ҳам сезаётгандай кимтиниб, ўнғайсизланарди. Хонбобони ҳеч қачон бу аҳволда кўрмаган Акбар гап нимадалигига тушунмай, гоҳ унга, гоҳ онасига ҳайрон бўлиб қаарарди. Ҳамида бегим изтироб ичиди қолганини сезган Байрамхон унинг бирон совуқ гап айтиб қўшишидан чўчиди ва сўзини тезроқ тугатишга интилди:

— Колган гапни бугун окшом шайх Гадойи келиб айтгай, бегим. Мен Шерхон асирилгидан кочиб юрганимда бу шайх мени уйига яшириб нақд ўлимдан олиб қолган. Шунинг учун уни муносиб кўрдим... Мен ўттиз йил давомида шу хонадонга килган хизматларимни ўзингиз билурсиз. Бизга шу иноятни муносиб кўрсаларингиз, мен учун энг олий мукофот бўлгтай. Шу вактгача килган хизматларим дарёдан томчи. Дарёнинг ўзидек катта хизматларни конкариндош бўлганимизда килгаймен!

— Жаноб вакили салтанат! Ҳали дилимиздан қайғу аригани йўқ. Шайх Гадойи шошмасинлар. Кейинроқ...

— Қачон? — сабрсизланиб сўради Байрамхон.

— Яна уч-тўрт ой ўтсин.

Бир вактлар Қазвина элчилик килиб юрган кезларида жуда бардошли ва мулоҳазакор одам бўлган Байрамхон кейинги йилларда хийла ўзгариб қолган. Қандаҳорда ўн йил ҳоким бўлган ва сўнгига пайтларда Акбарни ҳам ўз измига бўйсундирган тожсиз подшога айлангандан бери аввалги сабр-бардоши ва мулоҳазакорлиги уни гўё тарк этган. Ҳозир ҳам «уч-тўрт ой» деган сўзлардан озорланиб:

— Ҳазрат бегим, пайсалга солинса гап кўпайгай! — деди. — Майли, бир ҳафта ўтсин. Шайх Гадойини келгуси чоршанбада қабул қилинг!..

Акбар бу орада гап нимадалигини фаҳмлай бошлиган эди. У ҳозир онасининг ёнини олса, гап баттар чигаллашишини сезган Байрамхон:

— Амирзодам, — деб Акбарнинг хаёлини бошқа ёкка бурди, — сиз мендан Панжоб билан Манкот вилоятига бориши учун ижозат сўраган эдингиз. Мана, ёмғир фасли тугади.

— Энди жүнасак бўлгайми? — кизикиб сўради Акбар.

— Ха, Лахурда аткангиз Шамсиддин Мухаммад сизни кутиб олгай. У хозир Панжоб хокими. Манкот хам бизга хайрихох вилоят. Бу ердан мингта беку навкар Пирмуҳаммад атка бошчилиғида сизга ҳамроҳ бўлгай. Шу ҳафта йўлга чиқмоғингиз мумкин. Барча тайёрликлар кўрилгай.

Байрамхон Салима бегимнинг Акбарга меҳри борлигини ишончли одамлардан эшилган эди. Энди совчи келадиган нозик пайтда Акбарни узокрокка юбориб, киз туфайли икки орага тушиши мумкин бўлган низонинг олдини олмокчи эди. Байрамхон ўз ниятига тезрок етиш учун ҳамма нарсани олдиндан ўйлаб, астойдил тайёрланиб келганини сезган Ҳамида бегим оғир ва таҳликали туйғулар гирдобида колди.

— Онажон, мен Манкотга кетсам, сизга қийин бўлмагайми? — деб сўради Акбар.

Ҳамида бегим Салиманни ўзига келин қилмокчи эди. Қиз ҳам шуни жуда истайди, Акбарга дуч келиб колса, бўлажак келинчакдай уялиб кимтинади. Акбар хали уйла-ниш тўғрисида ўйтамайди. Лекин вакт ўтиши билан у ҳам ўзининг Салимага кўнгли борлигини фахмлаб колиши мумкин.

Ҳамида бегим ҳозир шуни Байрамхонга айтадиган бўлса, қизикконти оталиқ оловланиб кетиши аник. Ахир у Ҳумоюннинг ваъдасига орка киляпти. Бир вактлар Гулранг бегимни унга бермаганларининг аламини унтуломай юрибди.

Икки орада низо чикса, Акбар аёвсиз кураш гирдобига тортилади-ю, хаёти хавф остида колади.

Йўқ, Ҳамида бегим ёлгиз ўғлини бундай хавфу хатардан узокрок тутмоғи керак. Акбарнинг ўзи ҳам качондан бери Манкот томонларга сафар килиш орзуисда юради. Ўғли ҳозир шуни истаб турганини кўрган Ҳамида бегим:

— Майли, Акбаржон, сизни соғиниб қийналсанам ҳам, бардош берурмен! — деди.

Акбар сафар иштиёки ва тайёргарлигига берилиб, Байрамхон билан онаси орасида бўлиб ўтган ғалати ва сирли гапларнинг сабабини унча сурнштирмади. Лекин у жўнайдиган куни эрталаб онасининг хонайи хосига хайрлашиш учун кирганида ранги сўлғин, кўзлари йигиздан кизарган Салима бегимни кўриб колди.

Акбар ярим ёш катта эди ва кизга «сен» деб гапиради:

— Ха, Салима, сенга не бўлди?

Ҳамида бегим «айтма» дегандай лабини тишлаб каради. Лекин Салима ички түғёнини Акбардан яширолмади:

— Мен ҳам сиздек... хонбобо деб... бобом ўрнида кўрсам... неварали одам менга ошиқ бўлганмиш!.. Ўйланмоқчи эмиш.

Акбар Байрамхоннинг ўтган куни одатдан ташқари ийманиб айтган сўзларининг маъносини ва шайх Гадойи келишининг сабабини энди тушунди.

— Наҳотки? Йўғ-эй! Салима, балки хонбобо ҳазил килгандир?..

— Ҳазил эмиш!.. Мана, хонбобо ўзи менга арзи ҳол килиб ёзган шеъри.

Икки ёшга изтироб билан тикилиб нима дейишини билмай турган Ҳамида бегим уларнинг бир-бирига канчалик муносиблигини кўриб, юрагини алам тимдалади. Акбар — мўйлаби кўзга ташланиб колган, дуркун гавдали, жозибали йигит. Балогатга етиб, пуштиранг баҳмал нимчасининг кўкраклари бўртиб турган хипча бел, нафосатга тўла қиз Салима. Наҳотки уларнинг тақдирлари кўшилмаган бўлса?..

Акбар олтин суви югуртирилган ипак қоғоддаги сатрларга кўз югуртириди:

Ҳажрингни ҳаёл қилмок мушкул,
Сендин талаби висол қилмок мушкул.
Холимни сенга арз қиласам дейдурмен.
Аммо менга арзи ҳол қилмок мушкул.

Акбар Байрамхоннинг дастхатини танирди. Шеърдаги ростгўйлиқ, ҳароратли қалбнинг дарди ва шоир қаламининг таъсири кучи уни ўзига ром қилди. Байрамхон ёшлигига Гулранг бегимга ошиқ бўлиб, етишолмаганини Акбар ҳам биларди. Салима онасига жуда ўҳашанини у ҳам эшилган эди. Ўша эски дард янгиланиб оталиғини не ҷоғлик мушкул ахволга солиб қўйганини унинг ўзи шеърий сатрларда ростгўйлиқ билан айтгани Акбарни лол қолиди. Чиндан ҳам, хонбобонинг ёшгина Салимадан висол талаб килиши жуда мушкул, арзи-ҳол килиши бундан ҳам мушкул, унинг ҳажрида куйиши эса ҳаммасидан мушкулроқ. Кўнгил кишини не кўйларга солишини Акбар ўша куни хонбобо ёш йигитлардай ийманиб гаплашганда ҳам кўрган эди-ку.

— Энди не қилурмиз? — деб Акбар онасига каради.

Шу қийин аснода Ҳамида бегим Ҳумоюннинг руҳига тиди:

— Ҳазрат оталиғиз ваъда берган экантар... ўзингиз эшигиз, болам.

Салима бегим йиглаб гапиради:

— Ҳазрат тоғам тирик бўлганларида менга раҳм қил-

масмидилар? Ахир мен ҳам ҳазрати Бобурнинг невараси эмасменми? Бобомиз ўз қизларини уч хотинли кекса бекларга бериб хор қилган эмас эдилар-ку! Менга ҳам ўзимга муносиб йигит топилмагайми?

Шеър машқ килиб юриб дилидагини равон айтишга ўрганган Салиманинг бу гаплари Акбарни ларзага солди. Унда ҳам бирдан бобурйларга хос ғуур, иззат-нафс ўйгонди.

— Биз ҳали шунчалик ҳимоясиз, нотавон оила бўлиб колдикми, онажон? Менинг подшолигим каёқда колди? Хонбобо тепамизга чикиб кетмоқда-ку! Унинг катта ўғли Мирзоҳон ҳозир йигирма беш ёшда! Ўн тўккиз ёшли хотини Нозия бор! Яна Салимага... Соколини бўяб... Ахир бу...

Акбар билан оталигининг ораси бирдан дарз кетгандай бўлди. Ҳамида бегим бунинг оқибатидан қўрқди.

— Байрамхон сиз учун ота ўрнида-я, Акбархон! Зинҳор унга қарши гапиришга ўрганманг! Иғвогарлар кўп, дарров етказгай!

— Етказса, етказсин!— деди Акбар.— Қўрқиб хор бўлиб яшагандан, мардона олишиб ўлган яхши!

Ҳамида бегим талпиниб Акбарнинг олдига борди-ю, унинг елкасидан кучди:

— Болажоним, ботирлар авлодидансиз, сизнинг иердил йигит бўлишингизга ишончим комил! Факат энди ўн олтига кирдингиз. Шошилманг, бир-икки йил куч йигинг. Ҳеч бўлмаса ўн саккизга киринг, давлатни ўзингиз бошқарадиган бўлинг. Биз буни сабр-бардош билан кутгаймиз!

Акбар Салимага савол назари билан қаради. Қиз ҳам кута олармикан? Лекин Салима ихтиёри ўзида эмаслигини биларди. Акбардан ҳимоя сўраш эса ҳатарли эканини, ёш ўспирин ҳозир Байрамхон билан олишса ҳалок бўлиб кетиши мукаррарлигини Салима сезиб турарди. У ўзини йигидан зўрга тутиб:

— Амирзодам, онамиз ҳақлар,— деди.— Мен баҳти кора қиз эканмен, етим ўсдим. Энди мени деб бундай балоқазони бўйнингизга олманг. Мен ҳам тақдиримда борини кўргаймен. Лекин то ўлгунча сизга... Сизни қалбим тўрида саклагаймен! Хайр!

Салима йиглаганича хонадан чопиб чикиб кетди. Унинг аламли сўzlари ва аччик йиғиси Акбарнинг қалбидаги қудратли бир туйгуни жунбишга келтиргандай бўлди. Бу туйгу муҳаббатиди ёки факат раҳм-шафкатми, ҳали унинг ўзи ҳам билмайди. Факат томонига бир нарса тикилиб, овози бўғилиб гапирди:

— Салимага бунчалик жабр килинса, биз кандоқ қараб тургаймиз, онажон? Мен ҳозир бориб оталиғим билан сўзлашгаймен!

Байрамхон ўтган куни Дехлидан Аграга жўнаб кетган эди. Буни биладиган Ҳамида бегим:

— Шоҳ ўғлим, сиз бу можарога аралашманг,— деди.— Ўспирилар ҳал қиласиган иш эмас бу! Байрамхон отангизни неча ўлимлардан олиб колган, сизни ҳам ёмон фалокатлардан кутқарган. Яхшиликни кайтариш осон эмас, бу ҳам гоҳо қурбон талаб қилгай! Мен ўзим бир хисобини топгаймен... Одамларингиз кутиб тургандир. Йўлдан колманг!

Ҳамида бегим ўғлидан бирор кун ажрагиси келмаса ҳам, лекин шу ишқаллик туфайли Акбарни тезроқ Панжобга жўнатишга интиларди.

— Аммо шайх Гадойи келса ризолик берманг, шошил масинлар,— деди Акбар.— Бир-икки йил кутсингилар.

Ҳамида бегим икки-уч ой муҳлат сўраганда шунчалик озорланган Байрамхоннинг бир-икки йил сабр қилиши имкондан холи эди. Айниқса, ёши ўтиб бораётган одамлар бу нозик ишда ҳар бир кунни ғанимат билишидан бегим хабардор эди. Лекин у Акбарни юпатиш учун:

— Хўп, хўп, сиз хотиржам бўлинг, болам!— деб, ўғлини кузатиб қўйди. Ёлғиз қолганда эса ҳамма балога энди ўзи балогардон бўлишини сезиб, вужудини ваҳм босди.

АГРА. ҲОКИМИЯТ ТАЛОТУМЛАРИ

Эгасини йиқитиб кетадиган асов отлар бўлади. Лекин филбонга хартуми билан чанг соладиган, уни йиқитиб, оғи билан топтаб ташлайдиган маст филлар отлардан юз чандон даҳшатлироқ бўлишини Акбар Ҳиндистонга келгандан кейин кўрди.

Бу қудратли жониворлар беғубор болалар ва ёш ўспирилар билан яхши чикишар эди. Акбар ўн ёшида Бхирада биринчи марта филга миниб қўрганда худди юриб кетаётган баланд коятошнинг устида ўлтиргандай сесканган эди. Отасининг кадрдан филбони Лаъл Чанд уни аввал ювош филларга миндириб ўргатди. Филнинг супрадай кенг қулоклари остига тиззани тикиб маҳкам ўлтириш, анкуш деб аталадиган темир таёқча билан уни хиллалаб бошқариш ва филбонликка оид бошқа нозик ишлар, муомалаларни бажо келтиришни Акбар ўн уч ёшида билиб олди. Филлар ширинликни яхши кўпар, шакарқамиш ерди. Акбар Пан-

жобнинг Манкот деган жойидаги катта филхонада бу жониворлар яхши кўрадиган емишлардан пиширилган гуруч, бодом ва асал қўшилган гажаражлардан едирган. Дилшанкар, Дамудор, Жҳалпа деган филлар билан жуда инок бўлиб олган эди. Бу зийрак жониворлар яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам унутмас экан. Ҷхай деган бир филбон Акбарнинг Дамудор учун берган гажаражини охуридан олиб, бошка филга берган экан. Бир кун Дамудор маст бўлиб, занжирини узиб кетди. Ҷхай қаршисидан чиқиб уни тўхтатмоқчи бўлганда хартуми балан уриб йиқитди. Шунинг устига Акбар фил яхши кўрадиган ширин емиш олиб келиб қолди. Дамудор уни таниди. Акбар кўлида анкуш билан:

— Дамудор, тўхта, Дамудор!— деб, филга илиқ гапирди.— Мен сенга гажараж олиб келдим! Ол, егин, Дамудор!

Фил маст бўлганда овқатга унча қарамайди. Аммо Акбарнинг аввалги яхшиликлари Дамудорнинг ёдидан чиқмаган эди. Акбар унинг олдинги ўнг оёғини силаб:

— Дамудор, оёғингни тут!— деди. Фил оёғини тутиб бермаса унга миниб бўлмас эди. Дамудор хартумини кескин силкитиб наъра торти. Ҳозир унинг бутун вужуди хуружга келган пайтда устига ҳеч кимни миндиргиси келмас эди. Лекин Акбар уни силаб-сийпаб яна илиқ гапирди. Хиндчалаб:

— Билле!— деди.— Дамудор! Билле!¹

Нихоят, Дамудор ўнг оёғини тиззасидан букди-да, кенг, доира шакл кора товонини Акбарга тутди. Акбар шу товонга оёғини кўйди-да, кўлинни юқорига чўзиб, филнинг қалин кулогидан тутганича, унинг бўйнига чиқди. Акбар уни ўрмонга сайдга олиб борди, дарёда чўмилтириди. Филнинг ҳовурини босиб, яна филхонага қайтариб олиб келди.

Шундан кейин филбонлар Акбарнинг маҳаватлик² истеъоди ва журъатига тан бердилар. Лаъл Чанд унга фил уришириши ҳам ўргата бошлади

Ҳарбий филларни жангга тайёрлаш учун уларни маст қилиб, маҳсус бир майдонда уришириб кўриш одати Хиндистонда қадимдан бор эди. Филлар уришаётганда унинг устида маҳавати бўлади. Катта майдон ўртасида тупроқдан кўтарма қилинади. Икки фил кўтарманинг икки томонидан келиб, аввал бир-бирини хартуми ва тиши билан ура бошлиди. Уларнинг улкан оёқлари остида тупроқ кўтарма нураб, кулаб тушади. Маҳаватларнинг ҳар бири ўз филига буйруқ бериб, йўл-йўриқлар кўрсатиб туради. Филлар гоҳо

¹ Билле — оёғингни тут, «миндир» дегани.

² Маҳават — филшунос, филбон.

бир-бирига шундай қаттиқ уриладики, маҳават бўшрок ўтирган бўлса, хасдай учеб кетади. Ғазабнок фил ўз рақибни енгиш учун аввал унинг устидаги маҳаватини йиқитишга, уни хартуми билан уриб туширишга ҳаракат қиласди. Чунки маҳавати уриб туширилган фил енгилган ҳисобланади. Катта баландликдан йиқилган маҳават эса бирон жойи синиб майиб бўлади, гоҳо уришаётган филларнинг оёғи тагида топталиб ўлиб кетади.

Шунинг учун филини уриширишга олиб чиқадиган филбон худди ўлимга кетаётган одамдай уйидаги яқинларидан ва филхонадаги ҳамкасларидан рози-ризолик сўраб, ҳамма билан хайрлашиб майдонга чиқади.

Ўсмирлик оловлиги туфайли Акбар мана шу хатарли фил уришига биринчи марта маҳават бўлиб қатнашганда ўн тўрт ёшда эди.

Байрамхон фил уришида Акбарга бирон кор-ҳол бўлишига хавотирланиб, аввал унга руҳсат бермади.

Тождору шахзодаларга ҳатто чавгон ўйнаш мумкин эмас,— деди Байрамхон.— Чунки муҳолиф томон қасддан гўй ва чавгончўп билан уриб, тождорга шикаст етказиши мумкин. Фил уришириш эса чавгондан минг ҳисса хатарлиро!

Лекин Акбар маст филларни қандай дадиллик ва усталик билан мина олишини оталиги ҳам кўрди. Акбар Дамудор номли ўша зўр филни мастлиги тарқагандан сўнг Байрамхонга инъом килди. Бундан мамнун бўлган оталик,nihоят, Акбарнинг маҳават бўлиб фил уриширишига ҳам руҳсат берди.

Акбар Жҳалпа деган жанговар филни миниб майдонга чиқди. Лакна деган иккичи маст филни Лаъл Чанд минди. Байрамхон рақиб томонга атайлаб Акбарни яхши кўрадиган ва уни эҳтиёт қиладиган маҳаватни кўйган эди. Филлар бир-бирларини тишлари ва хартумлари билан уриб бир ярим соат олишдилар, аммо маҳаватларини йиқитолмадилар. Шунинг учун олишув дуранг билан тугади.

Шундан кейинги тўрт йил давомида Акбар яна анча маст филларни минди ва уларнинг аёвсиз жангларига ҳам қатнашди. У Аградаги кескин зиддиятлардан ва оталиги билан икковининг орасини бузатётган беку аъёнларнинг фисқу фасодларидан таъби кир, кўнгли ғаш бўлган пайтларда фил миниб кўнгил ёзар эди.

* * *

Акбар Манкотда юрганда Байрамхон уч кун тўй бериб Салима бегимга уйланган эди. Шундан бери иккى орада найдо бўлган дилсиёхлик тобора кучайнаб кетяпти. Турдивек

ўлдирилгандан бүён Байрамхонни ёмон кўрадиган Моҳим энага хони хононни Акбарга нуқул ёмонлайди:

— Ҳокимият оталифингизни ҳовлиқтириб қўйди! Хони хонон илгари бундака эмас эди. Ҳозир унвонига ҳам қаноат килмай, ўзи подшо бўлмоқчи эмиш! Салима бегимдан ўғил кўрса, «бу ҳам Бобур авлодидан» деб, ўзиникини тахтга чикармокчи-да! Сизни тахтдан четламоқчи оталифингиз, амирзодам, эҳтиёт бўлинг!

Акбар Байрамхоннинг бунчаликка боришига ишонмаса ҳам, аммо энди ундан жуда эҳтиёт бўлиб юрар, дилида оталиғига қарши норозиликлар тобора кўпайиб борар, бу туйғулар ҳаммаси бир кун эмас, бир кун оловланиб портлаб кетиши мумкинлигини сезар эди.

Байрамхон Салима бегимга уйланганига, мана, икки йил бўлди, аммо ҳалигача ундан фарзанд кўргани йўқ. Саройда бўлаётган мишишларни Акбар кўкалдоши Адҳамдан эшилди:

— Салима бегим Байрамхондан фарзанд кўришни истамас эмиш. «Мени ўз ҳолимга кўйинг, Нозия биби сизга мунтазир, боринг», деб эшикни ичидан қулфлаб олармиш. Байрамхон зўравонлик килишга журъат этмасмиш. Салима бегим ўзини бар нарса килиб кўйишидан кўркармиш! Кекса одам, кўрнасига караб оёқ узатса бўлмасмиди??

Акбар саройда Байрамхонни кўрганда унинг нимадандир эзилиб, ич-этини еб юрганини сезарди. Ҳуфиялар ҳар хил иғволарни унинг қулогига ҳам етказиб борсалар керак. Байрамхон бир кун Акбарни ҳоли топиб, янги ёзган газалидан бир неча байтини ўқиб берди:

Ҳар сўзки гаразгў деса, эй ёр, инонма,
Арбоби гараз сўзига зинхор инонма.
Ҳар дам санга юз сўз мени маҳрумдин айтиб,
Ҳар сўзда анинг юз гарази бор, инонма.
Ҳар неча жафо кўрса вафо тарки килурму
Байрамки, билур ўзни вафодор, инонма.

Акбар оталифининг бу ҳароратли байтлар билан нима демокчи эканини тушунди.

— Ҳонбобо, мен ҳам жафо кўрсан-да, ҳали тарки вафо қилтан эмасмен,— деди.— Лекин... ўн саккизга кирдим, подшо деган номим бор. Одамлар менга арзу дод килурлар.

— Сизга не хусусда арз қилмоқдалар, амирзодам?

— Шайх Гадойи садрлар судури бўлмоқчи эмиш. У одам шиа мазҳабидан. Саройдаги кўпчилик беку аъёнлар

эса суннийлар. Суннийпараст руҳонийлар ҳам дод-фарёд кўтаргай.

— Амирзодам, сиз нечун бу дод-фарёдларга қулоқ солмокдасиз? Ахир бу суннийпарастлар мудом торлик килурлар! Ҳиндистон эса жуда кенг мамлакат. Кўпчилик ҳалки — ғайридин. Шерхон шуни ҳисобга олиб, хиндарга бағри-кенглик қилди-ю, кўп ютукларга эриши. Мен ҳам ҳозир давлат идораларига энг истеъоддли хиндарни ишга олмокдамен. Тодар Мал деган бир ҳинди ҳисоб-китоб ишига беҳад уста. Ўзи оддий ҳалк орасидан чиккан камбағал ийтит. Солик ишларини яхши йўлга кўймоқда. Суннийпарастларингизнинг бошлиғи шайхулислом Ансорий шу ҳиндини саройда кўриб қолиб: «Бу мажусийни ким олий даргоҳга киритди?» деб жанжал кўтарди. Шунда шайх Гадойи менинг тарафимни олди. Бу шайх Ҳиндистонда туғилиб ўстган, ерли ҳалқнинг тилини ҳам, дилини ҳам, урф-одатини ҳам яхши билур. Ўзи адолатли, раҳмдил одам.

Акбарнинг дилидан эса: «Бу шайх шунчалик адолатлию раҳмдил одам бўлса, Салима бегимни макру ҳийла билан отасидан катта қарияга никоҳлаб берармиди?» деган фикр ўтди.

* * *

Шайх Гадойи садрлар судури килиб тайинлангандан сўнг барча қозиларни янгилади, масжидларнинг вакфларини ҳам суннийпараст руҳонийлардан тортиб олиб, ўзига ёқкан бошқа мазҳабдаги шайх ва уламоларга бера бошлади. Шайх Ансорий бошлиқ суннийпарастлар худди инига чўп тикилган арилардай вижиллаб, шайх Гадойига қарши кўзгалдилар. Уларга Байрамхондан норози бўлиб юрган беку аъёнлар кўшилди.

Акбар кимнинг гапига ишонишини билмай, интиҳосиз низолардан тўйиб кетганда Дехлига, онаси ва энагаси Моҳим бибининг ёнига бораради. Лекин Дехлида Байрамхонга душман бўлиб қолганлар Аградагидан ҳам кўп. Моҳим энаганинг иниси Шаҳобиддин Ҳамида бегимнинг тавсияси билан Дехли шаҳрига кутвал қилиб тайинланган эди. Бу одам жияни Адҳамхон орқали Пирмуҳаммад атка билан тил биритирган, ҳаммалари бирлашиб, Байрамхон билан шайх Гадойини юксак лавозимларидан четлатиш фикрига тушган. Лекин Акбар уларнинг гапига кирса ички уруш бошланиши ва қон тўкилиши мумкинлигини билади, ўз атрофидаги беклардан хеч бири бу улкан давлатни Байрамхон-

чалик уддалаб бошқара олмаслигини сезади. Шунинг учун у Дехлидаги зиддиятлардан ҳам ўзини четга олиб, яна Аграга қайтади. Бундан бир ойча бурун Акбар Аградаги Зарафшон бөғининг тиллакори шийпонида ўлтирганида Пирмуҳаммад атка ҳовликиб келди-ю:

— Амирзодам, сиз ҳокимиятни ўз илкингизга олмоғиниз керак! — деди. — Аградаги Қиличхон Андижоний, Калпидаги Алиқулихон ўзбеклар ҳам сизга содик. Шайх Ансорий фатво беришга тайёр. Кўпчилик дин ахлиниң шайх Гадойини кўярпра гўзи йўк.

Бу гапларга шийпон орқасидаги дарахтлар панасида туриб гўё гулларнинг тагини чукалаб юмшатаётган серсоқол боғбон зимдан қулоқ солмоқда эди. Кобулда Сайд Халил қилтомоқ бўлиб ўлиб кетгандан сўнг Комрон билан Бҳаккарга қочган Афзалбек шу эди. Комрон Ҳумоюн билан ярашганда Афзалбек жазодан қочиб, Панжобга келди. Исломшоҳ хизматига ўтиш учун ўзига Муборизхон деган афғонча янги ном қўйди. Бобурийларга оид кўп сирларни Исломшоҳга айтиб бериб, беш-олти йил унинг хизматида юрган Афзалбек ҳокимият яна ўзгарганда Байрамхон хузурига келди.

Байрамхон уни аввал Афзалбек бўлиб юрган пайтларида танимас, бирда-ярим кўрган бўлса ҳам унтиб юборган эди. Муборизхон — Афзалбек — ўзи ҳам йигирма йилдан бери жуда ўзгариб кетган, узун мошгуруч соқолли кекса одамга айланган, лекин хуфиялик ишида маҳорати янада ошган эди. Шунинг учун Байрамхон уни Зарафшон бөғига боғбон тайинлаган, айни вактда, Акбарни йўлдан урмокчи бўлган беку аъёнларнинг сўзларидан оталикни огоҳ қилиб турувчи хуфия килиб қўйган эди. Муборизхон ҳозир қулоғини динг килиб, Акбарнинг жавобини кутди.

— Оталиғим бизга кўп яхшиликлар килган, — деди Акбар, — мен унинг юзига оёқ қўёлмагаймен!

— Аммо оталиғингиз сизга шунча ёмонликлар қиласа майлими? Салима бегим унинг даргоҳида бебаҳт... Нажотни ҳамон сиздан кутмоқда! Дехлида отангизга улкан мақбара курмокчи эдингиз. Курилиш ҳалигача бошлангани йўқ. Оталиғингиз каттароқ маблағ бермайдир!

— Ҳатто шахсий харажатларимга ҳам пулни кам бериб, мени жуда кисиб қўйганлиги рост! — деди Акбар алам билан.

— Аммо Байрамхон ўзи ҳаммадан бой! Қандаҳордай улкан вилоят унинг жогири. Ҳар йили лак-лак олтин танга даромад олмоқда! Атрофига шайх Гадойи, Валибек, Шоҳкули маҳрамга ўҳшаган қизилбошларни йиғиб олган. Улар-





га энг катта лавозимлару жогирларни берган. Ҳар бири сизу биздан бой! Қачонгача бу бедодликка чидагайсиз, амирзодам? Ахир сиз подшосиз! Ҳазина сизники, барча вилоятларда сизнинг номингиз хутбага кўшиб ўқилмокда. Аммо ҳазинага сизнинг муҳрингиз билан қоғоз олиб борилса пул берилмайдир! «Факат вакили салтанат Байрамхоннинг имзосию ижозати билан пул берилсин!» деган фармон бор. Ҳазиначи бу фармонни бузса, жазо олгай! Ахир бу адолатсизлик эмасми? Бу фармонни қачон бекор қилурсиз? Ҳамма жойда сизнинг муҳрингиз билан иш олиб борилмоги керакку! Буюринг, содик беку аъёнларингиз буни жорий этсинлар!

Пирмуҳаммад атка айтган бу ишни жорий этиш — давлат тўнтариши ясашдай мушкул ва хатарли эди. Байрамхоннинг феъли маълум. Атрофидагилар хеч балодан қайтмайдиган шафқатсиз одамлар. Улар Турдибекни чодирда қандай ўлдиргандари Акбарнинг кўз олдига келди. Узок жимликтан сўнг Акбар:

— Ҳали шошмайлик,— деди.— Мен ўйлаб кўрмогим керак.

* * *

Ўша куни кечаси Муборизхон — Афзалбек бу гапларни оқизмай-томизмай Ҳашт Бихишт боғидаги Байрамхонга етказиб борди. Байрамхон аввал бир оловланди, кейин мулоҳаза килиб кўриб, Акбарнинг вазминлигига тан берди. У оталигига Салима бегим ҳакида ҳам ҳалигача бирор оғиз сўз айтгани йўқ. Салима бегим Акбарга кариндош, кўришиб, гаплашман деса, хеч ким такиклай олмайди. Лекин икки орадаги ишқалликни баттар кўзгамаслик учун Акбар Байрамхоннинг ҳарамидаги аммабаччасидан атайлаб ўзини олиб юрибди. Байрамхон гоҳо бу йигитдаги бардошга хайрон колади. «Конида бор шекилли-да», — деб ўйлади. Бобур ҳам шу ёшда термизлик Боки Чагониёнийнинг аввалги яхшилиги учун унотолмай, унинг канча гунохларини кечиргани, Ҳумоюн ўз инилари билан муносабатда канчалик бардошли бўлгани Байрамхоннинг ҳаёлidan ўтади.

Аммо Акбарни Байрамхонга қарши кўзгатмокчи бўлган Пирмуҳаммад атка жазосини олмоги керак!

Эртаси куни Байрамхон уни ўз девони хосига чакиртириди. Нозирул мулук Пирмуҳаммад эрталабдан Байрамхоннинг авзойи ёмонлигини одамлардан շитган ва ўзини касалга солиб, уйига бориб ётган эди. Унинг касали ёлғон-

лигини фош килиш учун Байрамхон уч-тўртта яқин мулозимлари билан отланиб тўғри Пирмуҳаммаднинг уйига ўйл олди. Ҳовли дарвозаси олдида турган коровул:

— Беруҳсат киргизманг деб буюрган эдилар,— деди-да, дарвозани очмади:— Мен хозир ичкарига кириб, рухсат сўраб чиқгаймен!

Коровул Байрамхонни танимаслиги мумкин эмас эди. Давлат бошлигини бекик дарвоза олдида куттириб кўйиш Байрамхон билан бирга келган шайх Гадойи ва Шоҳкули маҳрам томонидан учига чиқкан одобсизлик деб баҳоланди. Байрамхон коровулнинг қайтиб чикишини кутиб турмасдан отининг жиловини орқага бурди. Саройга кайтгач, Валибек унинг номидан Пирмуҳаммадга қисқа бир хат ёзиб юборди:

«Сен жаноби хони хононнинг ҳузурига келганингда юпун кийинган бир муллоча эдинг. Хони хононнинг тавсияси билан атка бўлдинг. Бу улуғ зот сени нозирул мулук лавозимига кўтардилар. Энди сен бунинг ҳаммасини унудингми? Билиб кўй, бизнинг қаршимизда сенинг бир пиёла сувчалик ҳолинг бор, вакили салтанат чимчилоғи билан бир урсалар тўкилиб, сочилиб кетгайсан. Агар жонингдан умидинг бўлса тезроқ ақлингни йигиб, тавба килгани келгайсен!»

Пирмуҳаммад хат келтирган кишига: «Эртага эрталаб боргаймен», деб жавоб берди. Кечки пайт Акбарнинг номига мактуб ёзиб, воқеани баён қилди:

«Амирзодам, боғда сўзлашган гапларимизни кимдир оталиғингизга етказганга ўхшайдир. Мен кочмасам қасд олғайлар. Валибек ёзган хатни ўқиб кўринг. Муҳрларни хони хононга қайтириб юбормоқдамен. Менинг лавозимим унинг одамларидан яна бирортасига керак, чамаси. Аммо Сизга ҳамиша содикмен, қачон чорласангиз ҳузурингизга етиб келгаймен». Пирмуҳаммаднинг нозирликдан ташқари, панжҳазора¹ деган ҳарбий унвони ва беш минг наввари бор эди. Кечаси коронгида у энг содик кишиларидан мингтасини йиғди-ю, Аградан яширикча чиқиб, Гужарат томонга қочди.

Бу орада Байрамхоннинг яқинлари уни оталиққа қарши фитнада айблаб, ҳибс қилиш ҳақидаги буйруқка қўл кўйдирган эдилар. Тун ярмидан ошганда камаш учун келган одамлар уни тополмадилар, сўнг молу мулкини мусодара килдилар. Ўзи топилмагани учун оила аъзоларини Биана кальясига элтиб ҳибс қилдилар.

¹ Беш минг боши дегани — генерал унвонига тўғри келади.

Байрамхоннинг ёнида катта лавозимга кўз тикиб юрганлардан бири эронлик Ҳожи Муҳаммад Сейистони эди. Икки кун ўтмасдан Байрамхон бу одамни Пирмуҳаммаднинг ўринига ички ишлар нозири¹ қилиб тайин этди. Аграда Акбар суюнадиган сирдош нозирул мулук энди йўқ, унинг ўрнини Байрамхоннинг яна бир ашаддий тарафдори эгаллади.

Акбар Пирмуҳаммаднинг оила аъзолари, жумладан, хотини Ҳакима биби ҳибсга олинганини эшишиб, Байрамхоннинг ҳузурига кирди:

— Хонбобо, Ҳакима биби ҳам менга оқ сут берган энага! Унда айб йўк! Ҳибсдан бўшатмоқ керак.

— Амирзодам, Пирмуҳаммад аткангиз менга қарши фитна уюштирганидан сиз хабардормидингиз?

— Мен уни бу ёмон ўйдан қайтарган эдим.

— Аммо у қайтмабдир. Айби бўйнига кўйилишини сезиб қочибдир. Оиласи эса бу ишда унга ёрдам берибдир.

— Атканинг қочишига сизнинг номингиздан ёзилган мана бу мактуб сабаб бўлмишdir!— деб Акбар Валибекнинг Пирмуҳаммадга дўқ қилиб ёзган ҳақоратомуз хатини оталиғига кўрсатди:— Хонбобо, атрофингиздаги баъзи жаноблар сизга эркалик килиб, ҳаддидан ошиб кетмоқдалар. Сиз менга «Ионома» радифлик ғазалингизни ўқиб берган эдингиз. «Фаразгўйларга иономанг» деган гапни энди мен ҳам сизга айтмоқчимен!

— Аммо сиз менга ионасизми, амирзодам? Пирмуҳаммад мени давлат тепасидан ағдармокчи бўлди. Хотини ҳам бу ишда унга ҳамкор. Шунинг учун ҳибс қилинди. Бунга иономасангиз, демак, менга иономайсиз!

— Энагам менга онам ўрнида. Икковингизга ҳам ионониб ўрганганмен!

— Аммо ҳокимиятнинг барча тизгинларини битта одам ўз илкида тутиб турмаса, давлатни бошқариб бўлмагай, амирзодам! Сиз ҳали бу минг ғилдиракли улкан аравани бошқариш қанчалик қийинлигини тасаввур этолмайсиз. Ҳокимият ўзи нима? Соддароқ қилиб айтганда, минглаб асов отлар қўшилган улкан арава! Минг ғилдирак ҳаммаси тинимсиз ҳаракатда, минг отнинг тизгинларини кимдир тўғри йўлга солиб турмоги лозим. Сал бехабар қолсангиз, отларнинг бир қисми аравани бошқа ёқка олиб қочиб кетгай, боткоққа ботқизиб кўйгай, хатто жарга ағдаргай. Орага

¹ Нозир — министр.

бошқа одамлар сукулса-ю, тизгинларнинг бир қисмини бу ёққа бурса, бир қисмини у ёққа бурса, арава сарсон бўлиб, жарга қулаф тушмагайми?

Байрамхон Акбарнинг кўзларига синовчан назар билан тикилди:

— Агар сиз шу минг фиддиракли аравани мендан яхшироқ бошқаргаймен десангиз, агар минглаб асов отларнинг тизгинларини илкингизда мендан яхшироқ тутиб туро олсангиз, марҳамат, мен ҳаммасини сизга топширгаймен! Давлат ишлари мени беҳад чарчатди. Бир умрга етадиган молмулким бор. Бошқа не керак? Дам олай, ашъор ёзай. Жангут жадалларда қонлар тўкиб, гунохлар қилганмен. Шу гунохлардан покланмоқ учун ҳажга бориб келай. Олинг, барча тизгинларни, ҳокимиётни ўзингиз бошқаринг!

Акбар оталиги айтган баҳайбат аравани ва унга қўшилган минглаб асов отларни ўзича тасавур этди-ю, эти жунжикди. Бу аравани оталиғидан яхшироқ ҳайдашга у хали тайёр эмас эди. Мабодо, таваккал қилиб: «Беринг жиловни!» деса, Пирмуҳаммад аткаси каби қувфинга учраши ҳеч гап эмас, чунки Байрамхон давлат тепасидан кетса, унга суюниб турган шайх Гадойи, Ҳожи Муҳаммад Сейистоний, Валибек, Шоҳқулибек каби ўнлаб яқинлари барча лавозимларию имтиёзларидан ажralиши муқаррар. Шунинг учун Байрамхон истаса-истамаса, унинг атрофидагилар давлат тепасига бошқа одамни келтирмасликка интилади. Мабодо, Акбар келадиган бўлса, уни аравадан ағдариб ташлайди-ю, бошқа итоаткорроқ, ёшрок бобурийзодани хўжакўрсинга подшо қилиб кўтаради.

Байрамхоннинг кўзлари тагига яширинган киноя ҳам, «қани, ҳокимиёт талашиб кўр-чи, не ахволга тушаркинсен!» деяётганга ўхшарди.

Яқиндагина онаси Акбарга Дехлидан махфий хат ёзиб, уни огоҳлантирган эди: «Агар сиз оталиғингизга қарши бош кўтарсангиз, Байрамхоннинг тарафдорлари сизни қувиб, ўрнингизга Комрон мирзонинг ўғли Абулқосимни таҳтага чиқармоқчи эмиш. Ахир унинг отаси ҳам подшо бўлганку! Тинч юринг, Акбаржон. Агар Дехлига келсангиз, Абулқосимни бирга олиб жўнанг. Бу мактубни ёндиринг. Сизни соғинган онангиз».

Абулқосим ҳали ўн икки ёшга тўлмаган ўспирин. Байрамхон унга яна беш-ён йил оталиқ бўлиши мумкин. Унгача Салима бегим ўғил туғиб берар. Акбар эса ўн саккизга кириб, ҳокимиёт тизгинини қўлга оладиган ёшга етиб коляпти...

Оталигининг синовчан назари олдида бу нарсаларни хаёлдан ўтказишнинг ўзи Акбарни даҳшатга келтириди.

— Хонбобо, мен сиз билан ҳокимиёт талашмайдирмен! — деди.— Сиз айтган минг отлик аравани бошқариш канчалик қийинлигини менга ҳазрат отам айтганлар, ҳазрат бобом китобларида ёзиб кетганлар. Майли, барча тизгинлар сизнинг илкингизда турсин. Фақат менинг илтимосимни ҳам рал этманг. Ҳакима энагам тухматга учраб, хибсда ётмасин. Вўшатинг!

Қочиб кетган Пирмуҳаммадга нафрати чексиз бўлган Байрамхон:

— Ҳаммасини қаттиқ тафтиш килиб, айбларини бўйинирига қўйгаймиз! — деди.

Демак, хибсдагиларни айбига иқорор қилиш учун қанча қийноқларга ҳам солишлари мумкин...

* * *

Акбар оталик билан бу ҳақда бошқа баҳсласиб ўлтирамади-ю, таъби тиррик бўлиб саройдан чиқди ва филхона гомонга бурилди. Бу ердан маст филнинг наъраси эшитилмоқда эди. Филбонлар бошлиғи Лаъл Чанд олтмиш ёшларга бориб, анча кариб колган, бугун уйига кетган, унинг ўрнида ингирма ёшли ўғли Бҳишан Чанд ишлаб турар эди.

Жангларда олдинги сафда борадиган Фавждор¹ исмли улкан фил занжирни узгудай бўлиб силкиниб, шовқин сошарди. Акбар унинг маст бўлганини сезди. Бҳишан Чанд Фавждорнинг емишига мастиликни тарқатадиган дори гиёҳдан кўшиб берди. Аммо фил бу гиёхнинг ҳидини ёмон кўрарди, емишига қарамади. Шундан сўнг маҳават фил чанқаганда ичадиган сувга шириналар билан ўша дори гиёҳдан аралаштириди-ю, ёғоч чеалакка солиб, филнинг олдига олиб борди. Аммо филбон унга иккинчи марта ёмон кўрган гиёхини олиб келгани учун Фавждорнинг газаби қўзиди. Мастилигида эгасини ҳам аямайдиган Фавждор хартуми билан филбон кўтариб келган чеалакни шундай қаттиқ урдики, чеалак бир томонга учеб кетди, Бҳишан Чанд иккинчи томонга сирғалиб ийкиди. Чеалакдаги ширин сув ерга тўкилиб, филбоннинг устига сачради. Бҳишан Чанд филнинг оёғи тагида колишидан кўркиб, четта эмаклаб кочди.

Акбар Фавждорнинг занжирдан бўшамоқчи бўлиб тал-

¹ Фавждор — ҳарбий қисм. Филлар галаси. Фавждор — гала бошлиғи.

пинаётганини, ўрмонда, дарё бўйида эркин юрган пайтлари кўмсаётганини сезди. Унинг ўзи ҳам ҳозир саройдаги зиддиятлар занжиридан кутулишни истарди. Бхишанг қараб:

— Мен Фавждорни миниб сайр қилиб келсам-чи?— деди.

— Йўк, йўк, амирзодам! Бунга якин борманг! Фавждор жангларда одам ўлдириб ўрганган шафқатсиз фил! Бўшатсак, сизни йикитиб кочиб кетгай! Мен сизга сайр учун бошка фил бергаймен.

Аммо Акбар ҳозир маст филини мингиси келар, ўткир хавф-хатар туйгуси билан қалбидаги дилсиёхликлар губорини тарқатгиси келарди. Шунинг учун Бхишан Чанднинг галига қулоқ солмай, Фавждорнинг орка томонига ўтди. Фил орка оёғидан занжирбанд килинган, териси калин бўлса ҳам, ҳадеб силтанаверганидан, оёғи анча шилинган эди. Акбар, кўлида темир таёқча билан, филнинг номини аниб, унга иложи борича мулойим гапириб якинлашди. Акбар илгари Фавждорга уч-тўрт марта мингган, унга хуштаъм емишлар берган эди. Ҳозир шу филнинг эсига тушди. Акбар занжирни ечгач, фил анча енгиллик сезиб, унга томон ўгирилди. Акбар якин бориб, унинг устундай оёқтарини силаб-сийпади:

— Қани, Фавждор, оёғингни бер! Билле! Фавждор!

Фавждор наъра тортиб норозилик билдирса ҳам, ахийри, унг оёғини букиб, Акбарнинг юкори чиқишига имкон берди. Акбар тиззаларини филнинг қулоклари тагига тикиб, унинг гарданя яқинига маҳкам ўлтириб олгач:

— Юр!— деб буйрук берди.— Мел! Юр!

Фавждор бусиз ҳам филхонадан ташқарига отилиб чиқди. Доим кўзга ташланмасликка тиришиб, Акбарни кўриклиб юрадиган икки девқомат йигит унинг ҳаёти учун жавобгар эдилар. Акбар мингган фил наъра тортиб лўкиллаганича дарё бўйидаги калин дараҳтзорга караб чопиб кетди. Кўриклилар отланиб унинг кетидан тушдилар. Акбар кўлидаги темир таёқча билан филнинг гарданига уриб, уни йўлга солмоқчи бўлиб кўрди. Лекин Фавждор энди унга итоат этмас эди. Йўлида учраган буталарни босиб-янчиб, дараҳтларнинг шохларини қарсиллатиб синдириб ўтаётгандা Акбар унинг боши устига эгилиб, қулокларига кўллари билан ёпишар, шундай қилмаса, шохларга илиниб, ерга чалпак бўлиб йикилишини сезарди.

Отликлар дараҳтзор орасидан ўтолмай колиб кетди. Бир вакт Фавждор дарё бўйидан чиқди. Хут ойи. Жамнада сув озайиб, ўрталарида кумлок оролчалар пайдо бўлиб

колган. Маст фил ўзини дарёга ташлади. Унинг устида ўлтирган Акбар шу филнинг ўзидай улкан хатарни хис килган сари қалбидаги хаёт-мамот туйғуси кучайиб борди. Уни қийнаган сарой зиддиятлари хаёлидан узоқлашиб кетди. Дарё суви юзига, кўлларига алланечук ёқимли тегли. У оғзининг тахир бўлиб кетганини, лаблари қуруқшаб, тили оғзиза яхши айланмай қолганини энди сезди.

Фил бўйнигача сувга ботиб, Жамнанинг қорамтири сувида суга бошлади. Акбарнинг оёқлари, шоҳона этиги сув ичида кўринмай кетди. Дарё салқини уни анча ўзига келтириди. Бир кўлини сувга солди-да, панжасини чайқаб, кафтида сув олиб ичди. Шу пайт орқадан Лакна деган филни миниб Бхишан Чанд етиб келди ва Акбарнинг кетидан дарёга тушди. Фавждор яхши сузар эди, кўп ўтмай дарё ўртасидаги четлари кумлок, ўртаси дараҳтзор оролга етиб борди. Аммо қирғокка чиқкиси келмай, саёзрок жойда тўхтадида, хартумига сув олиб, сағрисига сепа бошлади.

Бу орада Лакна билан Бхишан уларга етиб олиши. Лакна мода фил эди, ҳозир унинг осуда, вазмин, ҳомиладорлик даври. Бултур Фавждор у билан кўп ўйнашган ва иккови кўшилишган эди. Яна икки йилдан сўнг¹ туғиладиган бўлажак филчанинг отаси Фавждор эди. Шунинг учун Бхишан Фавждорнинг хуружини босишида Лакна ёрдам берар деган умид билан шу мода филни миниб, Акбарга ёрдамга шошилган эди. Филлар ҳўл хартумларини бирбирига якинлаштириб искашди. Фавждор яна бир бўкириб кўйди, аммо товуши аввалгидай газабнок ва баланд эмас. Жинниларча югуриш, айникса, салқин дарё бўйлаб сузиш унинг мастилигини бир қадар босган эди.

Бхишан «подшога бирон шикаст етса мен балога колурмен», деб кўркиб ранги оппоқ окариб кетган эди. Акбар ҳам ўзининг кўллари титраётганини энди сезди. Бхишаннинг ранги ўзгариб кетганини кўриб:

— Сиз мунча кўрқдингиз, соҳиб?— деб кулди.

— Ахволингиз жуда кўркинчили эди-да, амирзодам!

Кришна² сизни паноҳида асрасин!

— Мен ҳазрати Сулаймондан³ мадад сўрадим. Хайриятки, икковимизнинг илтижомиз ҳам ижобат бўлди.

Акбарнинг бу сўзларидан Бхишаннинг юзига қон югуриб, кўзлари мамнунлик билан чакнаб кетди. Акбар уни ўзига якин олиб «икковимиз» дегани беҳад ёқимли эди.

¹ Филлар ўз ҳомиласини уч йил кўтариб юриб, кейин тугади.

² Кришна — хинд худоларидан бири. Филлар ҳомийси.

³ Ривоятларга кўра, ҳазрати Сулаймон барча ёввойи ҳайвоинлар ҳомийси бўлган.

Жангларда одам ўлдириб ўрганган даҳшатли маст филни бугун Акбар каби миниб, ўрмуну дарёларни оралаб чопишига анча-мунча маҳават журъат этмаган бўларди. Бхишаннинг кўзи олдида Акбар Рамадай¹ довюрак йигит, айни вақтда, оддий бир филбон — маҳават бўлиб кўринди. Акбар шу жар икки жиҳати билан бу меҳнаткаш хинд йигитининг дилига беҳад яқин ва чин ихлосига муносиб туюлди.

— Фақат подшо бўлганингиз учун эмас. бугунги журъатингиз учун ҳам мен сизга умрбод содик колгаймен! — деди Бхишан.

Икки йигит дарё ўртасидаги оролчада анча вакт колиб кетдилар. Кечки пайт коринлари очиб, дарёдан қайта сузуб ўтилар-да, қирғоққа чиқдилар. Фавждор анча босилиб, гапга кирадиган бўлиб қолди. Акбар уни филхонага киргизиб юборди-ю, куни бўйи безовта бўлиб уни кутиб турган жиловдори ва кўрикчи йигитларига от келтиришини буюрди.

* * *

Кийимларига лой теккан, юзи тирналган, аммо кўнглиниг чигалини ёзib, руҳи тинклиашган Акбар саройга отлик кайтар экан, қалъа ҳарвозаси якинида ичкаридан маҳрамлар билан отлик чиқиб келаётган Байрамхон дуч келиб қолди. Акбарнинг бугунги саргузашти аллақачон оталикнинг кулоғига етиб борган чамаси, Байрамхон отининг жиловини тортиб, Акбарга тегишиди:

— Амирзодам, бугун яна маҳаватлик қилибсиз-да!

Байрамхоннинг ёнида саман отини гижинглатиб турган узун мўйловли Шоҳқулибек ҳомийсининг хазилини маъкуллаб кулди-да:

— Балки амирзодам яна маҳават бўлиб фил уриштирмокчидирлар? — деди.

Унинг отдан тушмай шундай такаббуrona гап отиши Акбарнинг иззат-нафсига тегди. Чунки саройда қабул килинган одат бўйича, мулозимнинг подшога от устида туриб гапириши одобсизлик саналарди.

— Жаноб Шоҳқулибек, — деди Акбар ковоини уйиб, — сиз мен билан фил уриштирадиган даражага етиб қолдингизми?

Байрамхоннинг олдида Акбар илгари унинг мулозимларига бундай кескин жавоб бермас эди. Лекин бугун Ак-

бариининг ўзига ишончи ошган пайтда оталигининг атрофилари одамлар одобсизлик қиласа аламини ичига ютиб кета-вергиси келмади.

— Маст фил асабингизни чарчатган бўлса керак, — деди Байрамхон уни босик бўлишга ундангани каби. — Лекин, Амирзодам, сизда филларни ўзига ром қиласидан ажиб бир меҳригё бор. Манкотда ўн тўрт ёшда фил уришига катнашганингиз ҳеч ёдимдан чиқмайдир.

— Ўша олишув дуранг бўлган эди-я! — деди Валибек. — Амирзодам, орадан тўрт йил ўтди. Мана, баходир йигит бўлдингиз. Энди фил билан майдонга тушсангиз енгиги чикишингиз шубҳасиз!

Бу мулозим ҳам отдан тушмай гап қотгани, Байрамхон эса уларнинг одобсизлигини сезмаётгани Акбарнинг нафсониятига янада каттикроқ тегди. Ҳолбуки қаршисида тургандарнинг ҳеч бири маст филга журъат қилиб яқин бора олмайди. Акбар ҳеч бўлмаса шу нуктада ўзининг оталигидан устун эканини кўрсатиб қўйгиси, унинг атрофидаги кеккайган мулозимларининг ҳам адабини бергиси келди. Байрамхонга юзланиб:

— Жаноби вакили салтанат рози бўлсалар, биз фил билан майдонга тушишга тайёрмиз! — деди.

У Байрамхоннинг: «Йўқ, подшолар бундай хатарли жаңгда ўзлари майдонга тушмасликлари керак», деб эътироҳ килишини кутди. Аммо Байрамхон кулимсираб:

— Сиз энди йигит бўлдингиз, розилик бермай иложимиз йўқ, — деди.

Шоҳқули маҳрам яна гап қўшиди:

— Жаноби вакил, Зўравор деган буюк филингиз куч йигиб ётибдир. Гулмуҳаммад маҳават билан ўшани майдонга туширинг, — деб маслаҳат берди.

Байрамхон бу маслаҳатни дарҳол қабул қилгани ҳам Акбарни хиёл ҳайратга солди. Чунки Зўравор деган фил жаңгдаги шафқатсизлиги билан донг чиқарган эди. Панипрат жангиди уни ўша Гулмуҳаммад деган филбон мингандан Зўравор душман отликларини хартумига ўраб отган, пиёдаларни оёғи билан янчган, бунинг ҳаммасини Байрамхон ҳам кўрган эди. Илгари ҳатто чавгон ўйинини шаҳзода ва подшолар учун ножойиз деб гапирадиган ва Акбарни бундай хатарлардан эҳтиёт қилиб юрган оталиги наҳотки энди уни Зўравордай одамкуш фил билан уриштириб қўйиб, ўзи жим томоша қилиб ўлтирас?

— Демак, сиздан Зўравор майдонга чикиши аниқми? — кайтариб сўради Акбар.

— Аниқ, — деди Байрамхон. — Анчадан бери фил жан-

¹ Рама — «Рамаяна» номли машҳур достон қаҳрамони.

гини кўрганимиз йўқ. Амирзодам, сиз ҳам энг зўр филингизни майдонга олиб чиқинг... Фалабангизни ўзим бир кўрай.

Байрамхон «фалабангиз» деган сўзни киноя билан айтганини Акбар сезди. Демак, оталиқ фил жангидаги ғолиб чиқишига ишонади. Бошқалар ҳам: «Аграда ҳозир Зўраворни енгадиган фил йўқ», деб ўйлашади. Аммо Акбар филни уларнинг кўпидан яхшироқ билади. Бугун у мингдан Фавждор кучи ошиб-тошганидан маст бўлгани маълум. Бироқ ота-боладай иноқ бўлган Акбар билан Байрамхон энди очикчасига рақибга айланаб фил уриштиришса, окибати қандок бўларкин?

Хиндистонда азалдан ҳокимият талашувчиларнинг фил уриштириши рамзий маънога эга. Рақиб подшолар энг зўр полвонларини ўртага тушириб кураш олдириши, кайси томоннинг полвони енгса, ўша томон ғолиб саналиши ривоятларда ҳам бор. Хиндистонда шу полвонлар ўрнига энг зўр филларни мингдан филбонлар майдонга чиқиб олишади.

— Сиз шуни истайсизми, жаноби вакили салтанат?— деб қайтариб сўради Акбар.

Илгари «хонбобо» деб мулоим гапирадиган Акбар энди довталаб бўлаётган каби шиддатли оҳанг билан «жаноби вакили салтанат!» дейиши Байрамхоннинг ҳам иззат-нафсини қўзғатди. Подшо йигитча ҳаво бойлаб кетаётганга ўхшайди. Байрамхон Зўраворни ишга солиб, уни кўпчиликнинг олдида боплаб бир енгиши керак. Ана унда ховури босилиб оталиfiga яна сўзсиз итоат этадиган бўлади. Майли, ўзи маҳават бўлиб майдонга чиқсин. Зўравор уни йикитса, кейин Байрамхон ҳам уни кайриб олади, чизган чизигидан чиқмайдиган қиласди. Мабодо Акбар Зўраворнинг оёғи тагида қолиб ҳалок бўлса... Байрамхон буни ҳам ўйлади... Яхши кўрган шогирди ўлса ичи ачиши, қуйиниши аниқ. Лекин начора? Ҳаёт, муҳит Акбарни унга рақиб қилиб қўйди. Нарёқда Моҳим энага, Ҳамида бегим, Пирмуҳаммад атка — ҳаммаси Байрамхонга қарши, оталиқ буни хуфиялар орқали билиб турибди. Акбарнинг дили ўшалар томонда. Бу ҳам оздай, Салима бегим ҳалигача оталикка қўнгил бермайди. Байрамхон унинг жисмини эгаллаган пайтда ҳам, бегимнинг дили Акбарда эканини сезиб ўртанади. Салима бегим Байрамхондан фарзанд кўришни истамаётгани рост. Бу ҳаммаси қанча гап-сўзларга сабаб бўлмоқда. Байрамхон ҳаммасидан биратўла кутулишни истайди. Шунинг учун у ҳам довталаб бўлиб:

— Майли, амирзодам, майдонга чиқинг!— деди.

Акбар Шоҳқулибек, Валибек, шайх Гадойиларнинг яши-

рини ниятини энди сезди. Улар Акбарнинг маҳават бўлиб, майдонга тушишини ва Зўраворнинг оёғи тагида янчишини исташади. Оталиғи эса уларни бу ёмон ниятидан кайтармайди. Нега? Рақобат шу даражага етган бўлса, Акбар нега уларнинг истагига бўйсуниб, майдонга фил мишиб кириши керак? Бугун маст фил устида жонини хатарга кўйгани озми?

— Ундей бўлса,— деб Акбар Байрамхонга тикилиб қарали,— биздан Фавждор майдонга чикгай. Аввал уни маҳават Бхишан Чанд минсин. Агар йиқилса, кейин мен ўзим миниб киргаймен. Кунини белгиланг!

Махаватнинг йиқилишига шубҳа кильмайдиган Байрамхон:

— Индин, чоршанбаи муродбахшд, пешин намозидан сўн!— деди.

* * *

Акбар билан Байрамхон иккаласи қарама-карши томонда туриб фил уриштиришини эшитган беку аъёнлар чоршанба куни Жамна бўйидаги маҳсус майдонга ёпирилиб келдилар. Филлар уришадиган майдоннинг атрофига томошабинлар учун бехатар жойлар килинган, орага филлар ўтолмайдиган бакувват ёғоч тўсиклар ўрнатилган эди. Майдон пастда. Унинг сахни яхши кўринадиган баланд жойларга нақшин шийпонлар ўрнатилган. Жануб томондаги шийпонни Байрамхон ўз одамлари билан эгаллади. Шимол томондаги толорда Акбар кўкалдошли Адҳам, Азиз ва якин ичқиbekлари билан ўлтиришибди. Майдоннинг ўнгу сўлида — ёғоч тўсик ортида ҳакамлар ва оташдорлар¹ туришибди. Пиёда томошабинлардан ташқари, майдон атрофларида отлик турган томошабинлар ҳам анчагина бор — мар устидан майдон яхшироқ кўринади.

Филбонлар худди ўлимга кетаётган одамлардай яқинларидан рози-ризолик сўраб хайрлашдилар. Акбар жанг олдидан маҳсус ширин ичимлик билан маст килинган Фавждорни силаб-сийпаб кулогига шивирлади:

— Кучингни кўрсат, жонивор! Илоҳим енггину енгилмагин!

Фил нимадандир норозидек наъра тортди, аммо Бхишан Чандга ўнг оёғини тутиб, елкасига чиқишига ёрдам берди.

Унинг каршисидан чиккан Зўравор чиндан ҳам жуда бахайбат фил эди. Икки орадаги тупрок уюми қулатилгач, Зўравор Фавждорга ташланди. Шунда унинг бўйи икки

¹ О та ш д о р — оловдор дегани. Фил жангини тўхтатиш керак бўлса оловдор майдонга кирили.

қарич баланд, гавдаси ҳам шунга яраша улкан әканлиги күзга ташланди. У Фавждорни тиши билан уриб, уч-түрт қадам нарига улоқтириб юборди. Бхишан Чанд қаттик чайкалиб, ийқилишига сал қолди. Аммо Фавждор чақконрок эди, ракибининг орқасига айланиб ўтди. Зўравор унга томон ўгирилаётганда бикинига тишлари билан шундай урдики, қоядай зўр Зўравор оғриқдан дармонсизланиб гандираклаб кетди. Бхишан шу пайтдан фойдаланиб, Фавждорга:

— Че! Ўнгдан ўт! Че!— деб навбатдаги зарбани қандай берини ўргатди.

Фавждор ракибининг ўзини ўнглашига имкон бермай, олд оёқларига кўтарилид-ю, уни ўнг томондан бор кучи билан тепди. Филbon Гулмуҳаммад тепиш зарби билан ўрнидан кўзғалиб, Зўраворнинг пешонаси устига оғиб тушди. Шунда Фавждор хартуми билан филбонни бир урди-ю, ерга кулатди.

Махаватсиз қолган Зўравор орқага чекинди. Гулмуҳаммад баланд фил устидан ерга чалқанча тушиб, хушидан кетди. Фавждор уни босиб, янчидан ташлаши мумкин эди. Шу пайт оташдорлар машъала ёкиб майдонга чопиб кирдилар. Филлар ҳар қанча газабнок бўлса ҳам, оловдан қўрқар эдилар. Оташдорлар уларни бир-бирларидан ажратиб, майдон четига чиқишига мажбур қилдилар. Гулмуҳаммаднинг бели синган, боши, кўли қимирлар, аммо ўрнидан тура олмас эди. Хизматкорлар кириб уни кўтариб чиқаётганда Акбарнинг атрофидаги кўкалдошлиари ва беклари:

— Муборак бўлсин, амирзодам!— дейишиди.

— Сиз енгдингиз!

Филбони ийқилиб тушган томон ютқизган ҳисобланарди. Байрамхон, «ютқизсан оқибати ёмон бўлгай-ку!» деган ўйни аввалроқ хаёлига келтирмаганидан, энди афсус қилди. Чунки унинг атрофидаги беку аъёнлар бир лаҳза ҳанг-манг бўлиб жим туриб қолдилар. Нарёқдагилар Акбарни табриклиётгани баралла эшитилди. Акбар эса филбонидан миннатдор бўлиб:

— Тасанно, Бхишан!— дерди.— Бхишан Чандга бошоёқ сарупо, бир ҳамён олтин хадя қилинсин! Ҳали бу ботир маҳаватга жогир ҳам инъэм этгаймиз!

Кўпчиликнинг олдida мағлуб бўлганлари Байрамхоннинг ўзидан ҳам кўра, унинг ёнида ўлтирган Валибек, Шоҳқулибек, шайх Гадойиларга оғир ботди. Улар барча мартабалари ва имтиёзларидан айрилиб қолишлари мумкинлигини аниқ сезишид-ю, оловланиб кетишиди:

— Фирромлик бўлди, жаноби вакил!— деди Шоҳқули маҳрам. Бу гапни бошқалар илиб кетишиди:

— Рост, коғир филбон фирромлик қилмаганда Зўравор сингилмас эди.

— Фил қочгани йўқ!

— Гулмуҳаммадни майиб қилди, ноинсоф!

Шайх Гадойи Байрамхонга юзланди:

— Мажусий филбон муслим Гулмуҳаммадни майиб қилиб кетавергайми, жаноби вакил? Бу иши учун мажусий ишна мукофот ҳам олса... Эртага барча кофиру мажусийлар муслимларга қарши бош кўтартмагайми?

— Фирром мажусийни жазолаш лозим!— деди Шоҳқулибек.

— Ўлдириш лозим!— деди Валибек.

Байрамхон ҳеч қандай фирромлик бўлмаганини ўз кўзи билан кўрган бўлса ҳам, лекин Акбарнинг Гулмуҳаммадга ачинмагани, уни майиб қилган Бхишан Чандга эса мукофот бергани катта бир адолатсизликдек туюлди. Бхишанни ўлимга буюриш ҳам ортиқча бир шафқатсизлик бўлишини оталиқ ҳар қалай сезди. Аммо бу филбоннинг адабини бериб кўймаса Акбар ва унинг тарафдорлари жуда ҳовлиқиб кетадигандек кўринди. Байрамхон ҳали ҳам тожис подшо эканини кўрсатиб қўйгиси келди. Филбон Бхишан Чанд Гулмуҳаммадни майиб қилганлиги учун Байрамхон уни ўртачароқ бир жазога ўн беш дарра уришга буюрди.

Акбардан мукофот олган голиб филбоннинг Байрамхон томонидан жазога буюрилиши — икки орадаги зиддиятнинг қанчалик кескин тус олганини ошкор қилиб қўйди. Одамлар Акбарнинг орага тушишини ва оталиғидан шафқат сўрашини кутдилар. Аммо Акбар ҳозир оғиз очса, оталиғига: «Мен подшомен, бу адолатсизлигингиз учун ўзингизни жазога буюришга ҳақлимен!»— деб юбориши мумкин эди

Байрамхоннинг атрофидаги одамлар нақадар шафқатсиз эканини кўра-била бундай гапни айтиш — ёш боланинг ишини қилиш бўлар эди. Улар Акбарни ҳам бир кечада Турдибекка ўхшатиб ўлдириб юбориши ёки Пирмуҳаммад атканинг ахволига солишлари ҳеч гап эмас. Шунинг учун Акбар ичидагини уларга сездирмай, зимдан тайёрлик кўриши керак.

Ота-боболардан ўтган сабр-бардош унга яна иш берди. Акбар тишини тишига кўйиб индамади, оталиғига бирон оғиз сўз котмади. Гўё бепарво юриб Зарабшон боғига қайтиб кетди. Факат кеч кирганда Бхишан Чанд ҳам бокқа, келиб, дарра зарбидан моматалоқ бўлиб кетган елкасини очиб кўрсатганда Акбарнинг ғазаби келди. Интиқомга тўла наст товуш билан:

— Улар сизни эмас, мени калтаклашди! — деди. — Бунинг қасоси қайтгусидир!

Акбар кечаси билан ухлай олмай түлғаниб, Байрамхонни ҳокимият тепасидан қандай кетказишиңи ўйлаб чиқди. Оталиги унга доим: «Ёғийни ғафлатда қолдириб, шердай пусиб боришиңа ўрганинг!» деб таълим берарди.

Акбар ана шу ўгитга амал қилди-ю дилидаги ниятини Аградаги бирор кишига сездирмади. Унинг учун бехатарроқ жой — Дәхли эди. Энг ишонган кишилари ҳам ҳозир ўша ёқда. Акбар Байрамхонни ҳокимиятдан кетказиши ҳақидаги қарорини Дәхлига бориб эълон қылганда Аградагилар унинг ўрнига Комроннинг ўғлини таҳтга чиқармаслиги учун Акбар Абулқосимни бирга олиб кетиши керак.

Наврўз якин эди, Акбар ҳар байрамда онасидан хабар олиб туради. У оталиғига шуни осойишта туриб айтди, гүё ораларидан ҳеч бир хафалик ўтмагандай хайрашишди. Абулқосим эса кўпдан бери Акбарга:

— Мени Дәхлига бирга олиб кетинг,— деб илтимос килиб юрар, буни Байрамхон билар эди.

Шунинг учун Акбарнинг бу гал амакибаччасини бирга олиб кетаётганидан Байрамхон ортиқча бир шубҳага бормади. «Хайрият, филбонини жазолатганимга унча хафа бўлмабдир, попуги босилиб, дуруст бўлиб қолибдир», деган ўй билан Акбардан ўзича мамнун ҳам бўлди.

* * *

Бироқ шундан кейинги воқеалар худди дарё тошиб, атрофини сув босгандагидай таҳликали тус олди. Тошқин тоҳо шундай секин бошланадики, кирғоқдан узоқда турган бинолар, боғлоқлик моллар тагига аввал озгина лойқа сув ўрмалаб келади. Бироқ сув сатҳи тўхтовсиз кўтарилиб боради. Тошқин уйларга ёпирилиб киради, лойқа сув ичидаги қолган қантариғлиқ отлар нўхтасини узгудай безовта бўлиб кишинайди. Бир вақт қарасангиз, тошқин авжига чиқиб, деворларни қулатади, одамлар ва молларни оқизади, каттакатта пичан гарамларини лапанглатиб ўрнидан қўзғатади ва кўтариб олиб кетади.

Наврўз кунлари Байрамхоннинг хуфиялари Дәхлидан келтирган илк ахборотлар тошқин сувнинг аввал жимгина ўрмалаб келганига ўҳшади. Акбар Кобулдан Мунимхон деган бегини, Бҳирадан Шамсиддин аткани чакирибида, Дәхли кутвали Шаҳобиддинга: «Давлатни ўзим бошқармочимен, оталиғим истеъфога чиқса майли», деган маънода мактуб юбориби. Ёш йигит, бу гапни Моҳим энага ва Ҳамида бегимлар таъсирида айтган бўлса керак, аммо

ҳали давлатни бошқара оладиган даражада тажрибаси йўқлиги Байрамхонга маълум. Шунинг учун вакили салтанат бу гаплардан унча таҳликаю саросимага тушмади. Факат барча вилоят ҳокимларию пойтахтдаги аъёнларга ички кураш бошланганидан хабардор қилиб, махфий мактублар юборди: «Акбар мирзони сизу бизга қарши қўзғатётган ғанимларимиз хуруж қилмоқда, Дәхлидан ноxуш хабарлар олдик, навқару курол-аслаҳани тайёр тутинг, майдонга чиқиц зарур бўлганда махsus фармон юборгаймиз, иншоолло, бизга қасд килганлар паст бўлғай!»

Махфий девоннинг Муборак исмли бошлиғи Акбарга содик киши эди, Байрамхон ёздирган бунга ўхшаш хатлардан нусхалар кўчиритириб, Дәхлига яшириқча юбориб турди. Оталиқнинг ҳар бир қадами Акбарга маълум эканини Байрамхон ҳамал ойининг бошларида Акбар Дәхлидан юборган мактубдан билди. Майнин ипак қофозга ёзилган бу мактуб Байрамхонга уйларни босиб йиқитадиган ва одамларни оқизиб кетадиган даҳшатли бир тошқиндай таъсир қилди. «Мұхтарам Байрамхон жанобларига»— деб бошланган биринчи сатрданоқ кучли тўфон Байрамхоннинг «оталиқ, вакили салтанат, хони хонон» деган юксак унвонларини чўқтириб юборгандай туюлди.

«Сизнинг бобурийлар хонадонига қирқ йил давомида қилган буюк хизматларингиз оламга машҳурдир. Ҳазрат отам билан биз сизнинг яхшиликларингизни доим муносиб равишда тақдирлашга интилдик, даргоҳимизда энг юксак эъзозда бўлдингиз, кўнглингиз тилаган кўп нарсаларга эришдингиз, биз ёш бўлганимиз учун тўрт йилдан бери вакили салтанат лавозимида давлатни бошқардингиз».

Акбар «бунинг ҳаммаси энди ўтмишга айланди» деган оҳанг билан ёзгани Байрамхонни ларзага келтирди. Наҳотки буни Акбар ўзи ёзган бўлса? Моҳим энагами? Ҳамида бегимми? Йўқ, мана, сатрлардан гүё Акбарнинг ўз овози эшитила бошлади, Байрамхон бу овозни таниди:

«Оталиқ лавозимида бизга берган тарбиянгиз, ўргатган сабоқларингиз умрбод ёдимииздан чиқмагай. «Бизнинг ҳаммамиз ҳақ олдида бўйин эгурмиз, адолатни отамииздан ҳам баланд кўймогиз керак», деган сўзларингиз хотиримга накшланиб қолган. Мен шу эътиқодга таяниб иш қилмокдамен. Минг афсуски, сўнгги пайтларда манфаатта берилган баразли одамлар сизни ўраб олди. Шоҳқулибек сизга энг якин маҳрам бўлди, у билан Валибек иккови ўзларини подшодан ҳам баланд тутиб, биз билан от устида туриб обрў талашганда, бу одобсизликка чек қўймадингиз. Бошқаларги лак-лак инъомлар бериб саховат кўргаздингиз, бизнинг

шахсий харажатларимиздан маблағни тежаб, муте қилиб қўйдингиз. Қайси бирини айтайки, ёмон одамларни эъзозлаб, бизга энг яқин кишиларни тухмат билан жазолатдингиз».

Ақбар ичига ютиб юрган барча аламларини энди бирдан тўкиб солган, тўғон очилганда сув киргокларини босгани каби, Байрамхоннинг вужудини ички түғён чулғаб олди. Ақбар барча гина-кудуратларини айтиб бўлгач:

«Сўз кор килмаслигига қайта-қайта амин бўлганимдан сўнг, ҳокимиятни ўз илкимга олишга катъий карор бердим,— деган эди.— Бугундан эътиборан ҳазиначига фармон юборилдиким, бизнинг муҳримиз ва руҳсатимизсиз ҳеч кимга бирон танга пул берилмасин, барча давлат маҳкамалари факат бизнинг кўрсатмамиз билан иш олиб борсинлар.

Сиз менга давлат ишларидан чарчаганингизни, тинч бир гўшада дам олгингиз борлигини, ҳажга бормоқчи эканлигингизни айтган эдингиз. Энди бу ниятларингизни бемалол амалга оширгингиз мумкин. Сиз жаҳонда танилган бадавлат одамсиз, атрофингиздаги манфаатпарастлардан тезрок ҳалос бўлмоғингиз учун ҳажга боришингиз максадга мувофиқдир. Сизнинг бехатар ҳаж қилиб келишингиз учун зарур бўлган барча қўриклилар тайин этилгусидир, хамма эҳтиёт чоралари кўрилгусидир. Фармон бердикким, сизнинг молу мулкингизга ҳеч ким дахл қила кўрмасин. Қандахор ҳам жогирингиздир. Уй-жойингиз, хизматкорларингиз — ҳаммаси ўз ихтиёргизда колгай.

Агар бизга имкон берсангиз, сизни ҳамиша отамиз ўрнида эъзозлагаймиз, барча тажовузлардан ҳимоя килгаймиз.

Сиз мени катъиятга ўргатгансиз. Шогирдингиз ўз вазифасини адо этишга катъий киришганда, бундан хафа бўлмассиз, балки ёрдам бергайсиз деган умиддамен»...

Бир пайт Ҳожи Муҳаммад Сейистоний саросима ахволда Байрамхоннинг олдига кириб, ўзининг вазирлик лавозимидан бўшатилганини айтди ва Ақбарнинг бу ҳакидаги маҳсус фармонини кўрсатди. Кўп ўтмай жума намозидан кайтан шайх Гадойи:

— Э-воҳ, бизни ҳам садрлар судури лавозимидан бекор қилдилар!— деб титраб-қалтираб ҳабар берди.— Суннийтарлар мени «рофизий» деб тошбўрон килишларига сал қолди. Шайх Анзорий суннийларни бизга қарши кўзгатиб, ўзи голиблардек тантана килмоқда! Бу не бедодлик, жаноби Байрамхон?! Сизни Ақбар вакили салтанат лавозимидан олиб ташлаганини Анзорий масжидда йигирма минг намозхонга эълон килганда, душманларингиз: «О-о! Худога шукур!» деб юбордилар.

Шоҳқули маҳрам ҳам барча имтиёзларидан маҳрум

этилганилиги ҳакида фармон олди-ю, уни йиртиб-йиртиб, оёклари билан тепкилади:

— Мана, мана, Акбарнинг фармони! Биз унинг ўзини таҳтдан ағдаргаймиз! Ўрнига бошқа темурийзода топилгай!

Шоҳқули маҳрам Комроннинг ўғли Абулқосимни излай бошлади. Шунда Байрамхон Абулқосимни Ақбар Дехлига олиб кетганини эслади...

Зимнан пухта тайёрланган бу тўнтариш Байрамхонни эсанкиратиб қўйди. Селдай ёпирилиб келаётган ўзгаришларни таҳлил киласидаги ахволда эмас, цуқул куйиб ёнади. Атрофидагилар эса бутун айбни Ақбарга тўнкаб, оловга мой сепгандай исёнкор гаплар килишади:

— Бу қутурган амирзоданинг жазосини бермоқ керак!

— Ҳажга ўзи борсин!

— Ахир ҳаж йўлида ўлдирилганлар озми?

Байрамхон барча яқинларига ва оила аъзоларига дарҳол кўч йигиширишни буюрди. Муҳташам кўшкларда, Ҳашт Биҳишт боғининг чаманзорлари орасида даврон суриб юрган мингдан ортиқ одам бугун худди уй-жойларини сув босаётгандай шитоб билан Аградан кўча бошладилар.

Байрамхон Ақбардан хат келтирган Адҳамхонни чакирди ва унга ўзининг қисқагина жавобини тутказди:

«Амирзода! Мен ҳаж йўлида ҳалок бўлишни истамаймен. Отангиз Қандахорда эканида инилари уни ҳажга жўнатмоқчи бўлишганини онангиз Ҳамида бегим яхши эсласалар керак. Сиз ўшанда бешикда эдингиз. Отангиз ҳажга боришинг ўлим билан тугашини билгани учун ҳатто бешикдаги ёлгиз ўғлини ташлаб, Қазвинга кетган ва ўша ёкларда жон саклаган эди. Уни ҳажга қувомоқчи бўлганлар охирокибатда ўз қилмишларининг жазосини олганлари сизга маълум. Бу ачичк сабокни унутиб бўлмагай. Мен сизга меҳримни бердим, фарзандимдан зиёд кўрдим. Оқибат шу бўлдими?»

Байрамхон катининг охирига аламли бир рубоийсини илова қилди:

«Аввал мени хизматингга маҳрам килдинг,
Базминг аро ҳамзабону ҳамдам килдинг,
Охир яна илтифотни кам килдинг
Расвойи тамоми ахли олам килдинг».

* * *

Адҳамхон кўка бу жавобни Дехлига етказиб боргандага Байрамхон Жамна ва Ганга оралиғидаги дуоба¹ йўллари билан Лахўрга қараб кетмоқда эди. Унинг одамлари:

¹ Дуоба — икки сув оралиги.

— Сиз Лахўрга киришингиз билан Лахўрнинг беку навкарлари Акбарга қарши бош кўтарурлар!— деб ишонтирган эдилар. Савр ойининг иссиқ кунларида салкам олтмиш ёшли Байрамхон ҳар куни отда эллик милдан¹ йўл босиб, тўрт кунда Сирхиндга яқинлашди.

Бу орада Акбар ва Пирмуҳаммад аткалар Дехлидан йўлга чикишган экан. Лахўрга Дехли яқинроқ бўлгани учун улар Сирхиндга олдинроқ етишган ва Лахўрнинг йўлини тўсишга улгуришган эди. Бҳирадан Шамсиддин атка одами билан Акбарга келиб кўшилди. Шарқдаги Калпидан келган Алиқулихон жанубдаги Малвадан чакирилган Баҳодирхонлар хам Акбар томонига ўтганлиги маълум бўлди. Байрамхон яккаланиб қолди. «Панжобда ҳамма бизга қўшилиб исён қилгай!» деган кароматлар ёлғон чиқди.

Тўрт кун қатиқ иссикда шоша-пиша йўл юришдан хотинлар ва болалар уриниб, касалланиб қолишиди. Бундан нарида хавф-хатар беҳисоб. Шунинг учун Байрамхон Салима бегимни, Нозия бибини, тўрт яшар Абдураҳим ва бошқа бола-чакаларини Сирхинда қолдирди-да, ўзи мингдан ортиқ содик кишилари билан жануби шарқдаги Биканирга йўл олди.

Орқадан Акбарнинг тўрт саркардаси бирлашиб, Байрамхоннидан уч баробар катта қўшин билан таъкиб этиб келмоқда. Шу орада чопарлар Байрамхонга Акбарнинг яна бир мактубини келтириб беришиди.

«Бизнинг саройимиз ҳам, дилимиз ҳам сиз учун ҳамон очик,— деб бошланарди Акбарнинг мактуби.— Сиз замонанинг энг буюк донишманд сиймоси бўлганингиз учун биз сизни хонбобо деб улуғлар эдик. Ўша эҳтиромимиз ҳали ҳам йўқолган эмас. Кучлар нисбатини кўриб турибсиз. Агар сиз ёнгилсангиз, мен учун ҳам бу қора кун бўлғай. Чунки ота-боладай одамларнинг бир-бири билан жанг килиб қон тўкишини худо ҳам кечирмагай, тарих ҳам. Очик айтай: мен сиз билан урушишни истамаймен. Енринчи бўлиб ўқ отмаслик ҳақида фармон берганмен. Сиздан илтимос, адоват йўлидан қайting. Бир вактлар менинг ҳазрат отамни инилари билан яраштирган пайтларингизни эсланг. Оға-ини адоватига астойдил қарши турган масъуд дамларингизни менга сўзлаб берганларингиз ёдимда турибдир. Ҳажга боргингиз келмаса саройга қайting, биз сизни энг юксак эъзоз билан кутиб олгаймиз, барча унвонларингизни тиклагаймиз».

Бу мактуб таъсирида Байрамхоннинг Акбар билан отаболадай яқин бўлган пайтлардаги илиқ туйгулари уйғонди.

«Ўзим элчи бўлиб, ўринсиз адоватларни бартараф килиб юрган эдим-ку, энди менга не бўлди?» деб дилидаги кудуратни босишга уринди.

Аммо беку аўёnlарини машваратга чақириб, уларнинг фикрларини эшитган сари яна авзойи ўзгара бошлади.

— Биз таслим бўлсақ, Пирмуҳаммад атка қасос олмагунча тинчимагай!— деди Валибек.— Акбарга билдиримай ўлдириб юбориши иликларидан келмагайми?

Шайх Гадойи сўз олди:

— Бу мактубни ҳам Пирмуҳаммадга ўхшаган айёр тулкилар ёзган! «Адоват йўлидан қайting» эмиш. «Тарих ҳам, худо ҳам кечирмагай» эмиш! Ёш йигит отасидан катта Байрамхонга бундок ақл ўргатгани кулгули эмасми?

Якин одамларининг бу гаплари ҳам Байрамхонга асосли туюлди. Акбар ўзи Ҳисор Феруз деган жойда тургани маълум. У Байрамхон билан урушишни ўзига эп кўрмаётгани рост бўлиши мумкин. Лекин ҳозир Акбарнинг кўшинига Пирмуҳаммад атка бошчилик қилмоқда. Байрамхон Акбарга ёзган жавобида: «Сиз менга қарши турган тўғонларни очиб юбордингиз, энди бу тошқинни ўзингиз ҳам идора этолмагайсиз!— деди.— Мен Пирмуҳаммад атка кабиларга таслим бўлиб, хор-зорликда ўлгандан кўра жанг майдонида мардона ҳалок бўлишни афзал кўргаймен».

Акбар бу жавобни олгандан сўнг, олдинги сафга Пирмуҳаммадни эмас, Шамсиддин аткани кўйди ва «иложи борича урушманг!» деб фармон берди. Пхилаур деган жойда Шоҳқули маҳрам бошлиқ қизилбошлар Шамсиддин атканинг қўшинига тўsatдан хужум қилди. Шамсиддин атка Акбарнинг буйруига бўйсуниб, ўқ отмади ва чекинди. Аммо «ёғий мағлуб бўлиб чекинди» деб руҳи кўтарилиган Шоҳқули маҳрам ҳужумни янада кучайтириди. Гунакур деган жойда Шамсиддин аткага Пирмуҳаммад ва Алиқулихонлар ўз қўшиллари билан ёрдамга этиб келдилар. Улар Шоҳқулибекни уч томондан куршаб олиб, килич билан чопиб ташладилар. Байрамхон бошқа содик кишиларини куткариш учун ёв отликларига қарши элликта маст филни жангга солди.

Бироқ бу филларни миниб бораётган филбонлар орасида кекса Лаъл Чанднинг тарбиясини олган, унинг ўғли Бҳишанга дўст бўлган, шу туфайли Акбарга зимдан ён босадиган ҳинд маҳаватлари бор эди. Улар маст филларнинг йўл танламасдан ботқоқлик орқали ҳужумга бораётганини сезсалар ҳам, ўзларини сезмаганга солдилар. Олдинги филлар ботқоқка ботиб юролмай қолдилар. Орқадагилари бошқа ёкка бурилиб, то ботқоқликни айланиб ўтгунларича Пирмуҳам-

¹ Эллик мил — саксон километрга якин.

мад атка ва Алиқулихонлар Валибекни ҳам, Байрамхоннинг бошқа юзлаб беку навкарларини ҳам қириб ташладилар. Байрамхон колган-күтган озгина одами билан тоғ томонга чекинди ва қоятош устига қурилган Тилвор қальасига қириб, унинг дарвозасини бекиттириди.

Қасоскор Пирмуҳаммад атка қальани уч минг қўшин билан ўраб олди. Аграда бошланган сув тошқини гўё шу тоғларгача кўтарилиб келгандай бўлди. Қалъа nochor, захира йўқ, Байрамхоннинг элликтагина одами колган. Пирмуҳаммад атка бошлиқ қўшин бу қальага селдай ёпирилиб қириши ва Байрамхонни ҳалок этиши ёки асир олиб, қўлини орқасига боғлаб чиқиши муқаррар эди...

Бу даҳшатли тошқинни бошлаган Акбар уни чиндан идора этолмай қолди-ю, узоқдан туриб, Байрамхонга яна ёрдам қўлини чўзди.

Оқ байроқ кўтарган элчи Акбарнинг қисқагина мактубини қальага олиб қириб, Байрамхонга топшириди. Хатнинг бошидаги:

«Хонбобо!— сўзи Байрамхонга масъуд кунларини эслатиб, вужудига нурли бир ҳарорат бергандай бўлди.— Ишонинг, хонадонимизга килган аввалги яхшиликларингизни мен кейинги дилсиёҳликларнинг барчасидан баланд қўйгаймен. Сизнинг қонингизга ташна қасоскорлар борлиги рост. Менга имкон беринг, сизни уларнинг тажовузидан кутқарай. Не шартингиз бўлса айтинг, факат энди аловатни бас қиласлил, бошқа қон тўкилмасин. Бу фармон әмас, балки илтимос!»

Байрамхон Акбар чўзаётган қўлни бу гал қайтаролмади. Акбар уни фактак вақтинча кутқариши ва химоя қилиб туриши мумкин, Байрамхон буни биларди. Аммо лашкарбоши бўлиб олган Пирмуҳаммад атка Байрамхонни йўқ килмагунча тинчимаслиги аниқ эди. Жавоб хатида Байрамхон Акбарга фактак биттагина илтимосини айтди: «Пирмуҳаммад атка мендан иложи борича узоқда юрсин. Мунимхон, холисрок одам, келиб мени ҳузурингизга олиб борса, қайтишга розимен».

Орадан иккى кун ўтгач, Тилвор қальасини қамал қилиб ётган қўшин Акбарнинг фармони билан Аграга қайтарилиди. Олтмиш яшар нуроний мўйсафид Мунимхон Байрамхонни Тилвордан олиб чиққанда сув тошқини гўё босилган, ҳаммаёқ тинчиб қолган эди.

* * *

Бир вақтлар Ҳумоюннинг Комрон билан ярашган пайтини кўрган Акбар саройга Байрамхон қайтадиган пайтда

оёқ тагига чиройли пояндоз тўшатди. Байрамхон шу пояндоз олдига келиб отдан тушди-ю, Акбарнинг тахти кўйилган жойгача юз қадам масофани қирмизи пояндоз устидан юриб борди. Акбарга яқинлашганда бир тиззасини ерга кўйиб юкунмокчи бўлди. Шунда Акбар унга пешваз чиқиб, кўлидан олди-да, ўрнидан турғазди, унга кучоқ очиб:

— Хонбобо!— деди.

Бу қадар илиқ муносабатни кутмаган Байрамхон Акбарни бағрига олиб, юзини унинг елкасига босди-да, йиглаб юборди.

— Амирзодам!.. Ўша минг отлик арава... мени олиб қочиб кетган экан... Кейин билдим...

— Ўтган ишга салавот!— деди Акбар ва атрофларини ўраб турган беку аъёнларига юзланди.— Жаноблар, бугундан эътиборан оталиғимизнинг хони хонон унвонлари кайта тикланди. Ҳаммангиз хони хонон жанобларини бизнинг маънавий отамиз ўрнида қўриб, муносиб равишда эъзозлагайсизлар!

Эртаси куни шу маънода маҳсус фармон ёзилиб, барча вилоятларга юборилди. Сўзда Байрамхоннинг аввалги мавкеи тикланди. Лекин амалда Байрамхоннинг рақиблари Акбарнинг пинжига қириб олишган.

Мавкеи баланд Пирмуҳаммад атка Байрамхон билан яккана-якка дуч келиб қолса аччик киноялар қилади:

— Хони хонон жаноблари бизни бир пиёла сув каби чимчилоқлари билан тўкиб-сошиб юбормокчи эдилар... Лекин тақдир экан, акси бўлди!..

Байрамхонни хокимият ҳовлиқтирган пайтида чиндан катта кетиб айтган гаплари энди уни ўсал қилади-ю, атканнинг бу кинояларига дафъатан жавоб тополмайди. Аммо уйга қайтганда, дардини қоғозга тўкиб шеър ёзади:

Байрамхонга басе гариблик кор этди,

Фурбат ани хору зору бемор этди.

Ё рабки, балоларга гирифтор ўлсун

Ҳар кимки ани ғамга гирифтор этди.

Душманлари саройда яна унинг устидан кулмокчи бўлганларида Байрамхон шу ўткир сатрларни уларга гўё найза қилиб отди. Шеърий найза Байрамхонни хору зор қилиб аламдан чиқаётган Пирмуҳаммад атканинг қулогига етганда унинг жони чиқиб кетди:

— Бу — қарғиши-ку!— деди атка ва шеърни яхшилаб кўчиртириди-да, Моҳим энагага элтиб кўрсатди:— Каранг, биз Байрамхонни амалидан туширганимиз учун ҳаммамизни «балоларга гирифтор бўлинглар!» деб қарғабдир!

—Фақат бизни эмас, подшохни хам қарғаган!— деди Моҳим.— Ахир Байрамхонни ҳокимият тепасидан ағдариб ғамгин қилган энг улкан одам Акбаршоҳ эмасмилар!

— Накадар доносиз, Моҳим! Подшоҳимизни бу шеърдан ўзингиз огоҳ қилинг, оталигининг чаёндай чакишини билиб қўйсинлар!

Моҳим энага хозир Акбарнинг энг ишонган кишиси бўлиб қолган эди. Байрамхоннинг шеъри саройда канака гап-сўзларга сабаб бўлаётганини Акбарга айтиб берди:

— Байрамхонга шунча яхшилик қилсангиз ҳам, каршишини қўймайдир! Илоҳим сизу бизга тилаған балолари ўзига урсин!

Акбар Моҳим энагага болалигидан ишониб ўргангандан шу изоҳи таъсирида Байрамхоннинг шеъри унга ҳам қарғишдай туюлди. Оталиги ўзининг бошига ўзи кулфат келтирганини нега ўйламайди? Агар уйида Салима бегим ҳам Байрамхонни ғамга гирифтор килаётган бўлса, буни нега ўзидан кўрмай, бошқаларга ёмонлик тилайди?

Шу гаплар таъсирида Акбар билан Байрамхоннинг орасига яна совуклик тушди. Байрамхонни ҳажга жўнатиш ҳақидаги гап қайта қўзғалди. Акбар бу гапга на «ҳа», на «йўқ» демас, лекин унинг сукути — ризолик аломати эканини кўпчилик сезади. Байрамхон фисқу фасодга тўлган саройдан кетмаса бўлмаслигини сезди-ю, одамларига кўч ийғиширишни буюрди. Жўнашига бир кун қолганда Акбарнинг хонайи хосига кирди.

Акбар унинг ғамгин ва касалманд юзига қараб ўнгайтказиленди.

— Наҳотки бизни бутунлай тарқ этмоқчи бўлсангиз? Ахир биз... сизнинг кўмагингиздан... яхши маслаҳатингиздан умидвор эдик.

— Маслаҳатгўйларингиз етарли, амирзодам.

— Аммо бу ҳокимият... сиз айтган минг отлиқ арава... Мени шошириб қўймоқда!. Уни олишдан ҳам бошқариш мушкул экан...

Акбар энди ўшлиқдагидек самимий гапиргани учун Байрамхон ҳам унга илик жавоб берди:

— Ота-боболарингизга умр бўйи азоб берган бу арава ҳали сизнинг бошингизга ҳам кўп кулфатларни солса керак. Маслаҳат шулки, тизгинларни мендан тортиб олдингиз, энди бошқаларга берманг. Мендек одамни ҳовлиқтирган ҳокимият Моҳим энагадек аёл кишини ёки Адҳамхондек йигитчани хато йўлларга олиб кириб кетиши ҳеч гап эмас. Аравани хайдайдиган одам унинг устида ўлтиrsa ҳам, «аравакаш», яъни аравани тортиб борувчи хисобланадур. Кечаю

кундуз шу минг ғилдиракли аравани ўзингиз тортиб бораётгандек меҳнат қилмасангиз муродга етолмагайсиз. Ҳамма ишда танаффус бўлмоғи мумкин, аммо ҳокимият араваси кечаю кундуз тинимсиз юргай, сал бехабар қолсангиз манфаатпарастлар уни бошқа томонга буриб кетгайлар ёки ташки ғанимлар ғафлат пайтида келиб тортиб олгайлар.

Акбар Байрамхоннинг сўзларида катта бир ҳақиқат борлигини дил-дилидан сезиб, оғир тин олди:

— Бу сўзларингизни ҳам, менга қилган барча яхшиликларингизни ҳам унумтагаймен, хонбобо. Мендан не талабингиз бор, буюринг, бажонидил адо этай!

Байрамхон бошини солинтириб бир лаҳза жим қолди. Акбарнинг дил ёриб гапиргани унга ҳам энг яширин дардини айтиши имконини берди:

— Сиз ёш бўлсангиз ҳам, хозир менга сирдошсиз. Ёшлиқда берган қўнгил унугтилмас бир бало бўлур экан. Кексайганимда ўшлиқ оловини дилимда кайтадан ёндиromoқчи бўлдим. Лекин бу мумкин эмас экан... Ўзимни ҳам, Салима бегимни ҳам беҳуда азобларга қўйганимни кейинроқ фаҳмладим. Нозия биби — ўғлим Абдураҳимнинг онаси... Менга меҳри яхши... Уни бирга олиб кетгаймен. Салима бегим Аграда қолгай... Менинг душманларим нақадар кўплиги сизга маълум. Агар куним битса... умидим борки, Салима бегимни сиз ҳимоясиз қолдирмассиз...

Бўғиқ товуш билан васиятга ўхшатиб айтилган бу сўзлардан Акбарнинг эти жимиirlab кетди:

— Хонбобо, сизни тангрим ўзи арасасин! Мен сизга керагича қўриқчилар бергаймен, сафарингиз бехатар бўлиши учун барча чораларни кўргаймиз. Аммо албатта кайтиб келинг, биз сизни кутгаймиз!

Байрамхон бош чайқади:

— Энди қайтолмасам керак! Энди қолган умримни шоир бўлиб ўтказмоқчимен. Мен туркман элиданмен. Шу элга қайтсам, зора элдошларим мени ўзларининг шоирлари деб қабул қилсалар... энди... алвидо!

Улар маъюс видолашдилар.

* * *

Бир вақтлар Зарафшон боғида боғбон бўлган Муборизхон (аввали Афзалбек) Акбар ва Пирмуҳаммаднинг гапларини Байрамхонга етказиб юриб унинг яқин одамига айланган эди. Бироқ Байрамхон енгилиб, Акбарга энг яқин одам — Адҳамхон ва унинг онаси Моҳим энага бўлиб қол-

ганини кўрган Муборизхон, ҳамон Байрамхоннинг хизматида юрган бўлса ҳам, энди унинг ички сирларини Адҳамхонга етказиб турди ва унинг содик ҳуфиясига айланди.

Адҳамхон келажакда Байрамхон каби вакили салтанат бўлиш орзусида эди. Бунинг учун аввал Байрамхонни, ундан сўнг Мунимхонни йўқ қилиш фикрига тушган. Муборизхон шу режаларни амалга ошириша унга астойдил хизмат килса Адҳамхон уни ҳалигача ушалмай келаётган орзуларига етказиши, катта амал ва мулк инъом этиши мумкин.

Муборизхон Байрамхоннинг энг ишончли хизматкорлари каторида сафарга бирга чиқди. Адҳамхон унга Аҳмад ободдан наридаги Патан шахрининг кутвали Мусахон Пўлодий билан яширин алоқа боғлашини буюрди. Патан Гужарат подшосига карап, бу ерда Акбарнинг ҳукми ўтмас эди. Адҳамнинг ошнаси Мусахон эса Аграда Байрамхон билан чиқишолмай, пораҳўрликда айбланиб, тўрт йил бурун Патанга кетиб қолган, аммо Адҳамхон билан ҳалигача мактуб ёзишиб турар эди. Энди Адҳамхон билан Пирмуҳаммад атка Байрамхонни Патанда ўлдириш режасини шу Мусахон билан тил биритириб туздилар. Муборизхон икки орада маҳфий воситачи вазифасини ўтади.

Режанин бевосита амалга оширадиган қотиллар — бундан беш йил олдин Сирхиннадаги жангда буйрукни бажармагани учун Байрамхон томонидан катл эттирилган Музаффар Лоҳанининг қариндошлири орасидан танланди. Байрамхон хажга борадиган мўйсафидлар каби оқ сўғ¹ ридо кийган, курол-яроғи йўқ. Унинг шуҳрати бутун Хиндистонга тарқаган, Ажмир ва Аҳмадобод орқали Патангача бўлган бир ойлик йўл давомида Байрамхонни яқиндан бир қўришга, унинг икки оғиз сўзини ёки бирон байт шеърини эшитишга иштиёқманд одамлар тўда-тўда бўлиб атрофини ўраб олишар эди.

Тўпланганлар орасида, албатта, унинг бошига тушган кулфатлар ва мағлубиятларни ҳам эшитган, «ҳокимиятдан қувилган катта амалдорнинг аҳволини бир қўриб қўйи-лиқ!» деб совуқ синчковлик билан тикиладиган ноҳайрихоҳлар ҳам йўқ эмас. Байрамхон айниқса шуларни ёмон қўрарди. У шон-шуҳратнинг оғир юқидан ҳам безган, иложи бўлганда ёлғиз сайр килгиси, янги шеърлар ва достонлар хақида ўй сургиси келарди. Патан кутвали Мусахон Пўлодий эски хафагарчиликларни унутгандай бўлиб, Байрамхонни гўё илик карши олди, унга шахар четидаги кўкаламзор ва хилват ўрмонзорларни кўрсатди.

¹ Сўғ — оқ жун мато. Сўғи сўзи ҳам шундан олинган.

Шимолий ўлкаларда киши чилласи бошланган бўлса ҳам, Патанда ҳаво худди қўклам пайтидагидек сўлим, ғарб томонда унча узок бўлмаган денгиздан сарин шабада эсив турарди.

Байрамхон мана шу гаштили ҳавода ўрмон ичидаги ёлгиз сайр қилишга чиқди. Жамол ва бошқа қўриқчи йигитларига жавоб бериб юборди. Байрамхоннинг ёнида факат «садоқатли» Муборизхон колди. У эса Музаффар Лоҳанининг ўғли Муборак билан яшириқча учрашиб тил биритириб қўйган эди.

Сербарг жамн ва амалбед¹ дарахтлари орасидан йигирма-ўттизта одам чиқиб кела бошлаганда Байрамхон: «Синчков томошабинлар шу ерда ҳам тинч қўйишмайди-я!»— деб хиёл ранжири. Аммо атрофини ўраб келаётган одамларнинг важоҳати қўрқинчли эканини кўриб сесканиб кетди.

— Муборизхон!— деб ҳамрохини чакириди.

Бироқ Муборизхон уни хундор душманларига тутиб бериб, ўзи аллакачон ғойиб бўлган эди. Байрамхон йигитлардан бирининг қўлида совуқ йилтираган икки учли ханжарни қўрди. «Жамудхар» деб аталадиган бу даҳшатли ханжарнинг сопи қайченикига ўхшар, икки учли баданга санчилгач, ҳар икки дастаси бармоқлар билан кисилар ва аъзоларни қайчидай киркиб, киймалаб, одамни тил тортирмай ўлдириарди. Байрамхоннинг саросимали хаёлида Панипатдаги чодирда ўлдирилган Турдиган гавдаланди. Унинг ҳам бикинига мана шунақа икки тифли ханжар санчилганда, бечора қўзлари косасидан чиккудек кийналиб, инграб жон берган эди.

Аммо хозир икки учли жамудхар баланд бўйли мўйловдор аффон йигити Муборак Лоҳанининг қўлида эди.

— Менинг отамни сен Сирхинда қилич билан чопдирган эдинг, қотил!— деб Муборак жамудхар тутган қўлини баланд кўтарди.— Энди касос кайтгай!

Байрамхоннинг назарида, икки тиф унинг икки қўзига санчиладигандек қўринди. Байрамхон қўллари билан юзини тўсли-да, кетига тисарилди. Орқадан бостириб келган йигитлар уни Муборак томонга каттик итариб юбордилар. Байрамхон чирпирак бўлиб учиб, Муборакка елкаси билан урилди. Шу пайт икки тифли ханжар унинг икки кураги остига ғарчиллаб санчилди...

¹ Жамн — мевали дарахт. Амалбед — толнинг бир тури.

* * *

Қон тўкиб кутурган қотиллар Байрамхоннинг хотини билан боласини ҳам ўлдирмоқчи ва бор-будини таламоқчи бўлдилар. Лекин Жамол бошлиқ туркман йигитлари Нозия биби билан Абдураҳимни Патандан соғ-саломат олиб чиқиб кетдилар. Байрамхонни конга беланің кийими билан салласига ўраб Патанда шахидлардек дағн этилар¹.

Отасидан айрилиб Аграга йиглаб қайтган Абдураҳимни Акбар кўлига кўтариб, бағрига босди:

— Мендан ҳам хатолик ўтди, оталиғимни ҳажга юбормасам бўларди.. Энди отангга узолмаган қарзларимни сенга узгаймен, Абдураҳимжон!

Акбар бугунги бош вазир Мунимхонга буюрди:

— Махсус фармон ёздиринг: Абдураҳимни мен фарзандликка олурмен. Подшоҳ ўғлига қандай кийиму таом, қанча хизматкору улуфа лозим бўлса ҳаммаси тайин этилсин.

Ҳали Акбарнинг ўзи фарзанд кўрмаган ўн тўққиз ёшли йигит бўлгани учун у Абдураҳимни фарзандликка олгани баъзиларга эриш кўринди. Лекин унинг энг яқин кўкалдоши Азизхон Абдураҳимга бек атка килиб тайин этилди. Гулафшон боғи сокчи ва хизматкорлари билан Абдураҳимнинг ихтиёрига берилди. Агранинг энг фозил одамлари Абдураҳимни шаҳзодалардай тарбиялаб парвариш қила бошладилар.

Байрамхонга аза тутиб қора кийган уч хотинидан бири Салима бегим бўлди. Акбар оталиғининг Аградаги уйига фотиҳага борганда ичкари ҳовлига кириб Салима бегимдан кўнгил сўради. Ҳамида бегим Салиманинг олдида ўтирган экан. Ёш бева юм-юм йиғлаб деди:

— У киши ўлгунча мен ўлсам бўлмасми? Кошки бизда ҳам сати² одати жоиз бўлса, мен ҳам ўша оловда куйиб кул бўлганим яхши эди!

Энди ўн саккиз ёшга кирган жувоннинг бунчалик куйиниши Ҳамида бегимни таажжубга солди:

— Вой, Салимажон, сизга не бўлди? Ҳали гулдай ёшлигингиз турибдир...

— Очилмай сўлган гул энди кимга керак, ҳазрат бегим?! Бахтим қора бўлмаса шу кунлар бошимга тушармиди!?

¹ Орадан ўн саккиз йил ўтгач, яқин кариндошлари унинг хокини Машҳадга элтиб, машҳур Имом Ризо макбарами ёнита кўмдилар.

² Сати — хиндалардаги хурофий одат. Бева ўзини эри билан бирга оловга ташлаб кўйдирди.

Акбар Салиманинг нега бундай деяётганини тушуниб турарди. У энди ўзини Акбарга номуносиб сезиб шунчалик куюнмокда эди. Лекин Акбарга у ҳали ҳам аввалийдай гўзал кўринар, унинг дардини Акбар дил-дилидан сезгани сари кўнгли бузилиб, томогига ёш тикилиб келарди.

— Салима,— деб Акбар овози олиниб гапирди,— мен сизни ўшанда ҳимоя қила олмадим... Ўзимни ҳалигача гуноҳкор сезурмен... Вакти келгай, бу гуноҳимни албатта ювгаймен... Тупроғимиз бир жойдан олинган, толеимиз ҳам бир бўлгай!..

Бу гаплар Салима бегимга тасалли берди, аммо Ҳамида бегимни ўйлантириб кўйди. Наҳотки Акбар шу бевани олмоқчи бўлса?

Байрамхоннинг йигирмаси, қирқи ва бошка маросимлари ўтгач, Салима азадорлик кийимларини ечди. У Ҳашт Бихишт боғида кузги гуллар қийғоч очилган пайтларда бодом гулли қабо кийиб юрганини Акбар кўрди-ю, онасиning олдига борди. Томоқ қириб, ийманиб гап бошлади:

— Бир вактлар Салимани келин қилиш орзусида эдингиз, онажон...

Ҳамида бегим афсус билан:

— Насиб қилмаган экан-да,— деди.

Акбар ҳозир отасидан ҳам дуркун ва кўхли йигит бўлган. Салима бегим Байрамхонга узатилган йиллари Ҳамида бегим ўғлига марҳум Ҳиндол мирзонинг кизи Рукия бегимни олиб берган эди. Лекин Акбар унга кўнгилсиз, уч йилдан бери фарзанд ҳам кўришмади. Ҳамида бегимнинг невара кўргиси келади. Акбар шоҳлик удумига биноан яна уйланиши мумкин. Ҳамида бону Салимани илгари суйган бўлса ҳам, энди «такдири кўшилмаган экан, Акбардай йигитга бевани олиб бераманими?» деб яқинлаштиргиси келмайди. Бирор Акбар Салимага кўнгли борлигини онасига айтиб:

— Мен уни ўз... ҳимоямга олмокчимен,— деди.— Одамлар не деса десинлар. Аммо хонбобонинг душмани кўп, аламини Салимадан оладиганлар ҳам топилгай. Хонбобонинг ўзи буни менга айтиб кетган эди. Унинг рўйи-хотири учун ҳам Салимани ҳимоя килмогим керак.

— Биламен, сиз олижаноб бўлмокчисиз. Лекин кўнгил иши нозик, Акбаржон... Уч йил бирорвонинг никоҳида бўлган бева...

Акбар озорланиб деди:

— Буни менга эслатманг! Бошқалар шундай деса ҳам сиз билан биз ҳақиқатни биламиз-ку... Салима бизни деб ўша даргоҳга кетгани наҳотки эсингиздан чиқсан бўлса? «Яхшиликни қайтариш осон эмас, бу ҳам қурбон талаб

қилгай» деган гапни ўзингиз менга айтган эмасмидингиз?

Ҳамида бегим энди ўзининг шу гапига амал қилмай иложи қолмади ва тўй тайёрлигига кириши. Маълум сабабларга кўра тўй шовқин-суронсиз, камтаргини бўлди.

Ҳашт Биҳишт боғининг устида юлдузлар чараклаб, етти кунлик ой уфққа оғиб тушаётган тунда икки ташна қалб, ниҳоят, бир-бирининг меҳрига қонди.

ДЕҲЛИ. МУҲАББАТ ВА ФАЗАБ

Ҳазинанинг кулфу калити Акбарнинг ихтиёрига ўтгандан бери Дехлидаги Мирзо Ҳумоюн мақбарасининг тархи қоғоздан ерга тушиб, улкан бир курилиш тусини олди. Бу ишга катта-катта маблағлар ажратилгандан сўнг, меъмор мавлоно Миракнинг кўл остида ўнлаб сангтарошлар, муҳандислар, юзлаб коргарлар ишлай бошлади. Мақбарага керакли қизил тош узоқдаги тоглардан ташиб келтириларди. Ҳўқиз ва тую кўшилган аравалар оғир тошларни вактида етказиб улгуролмас, сангтарошлар гоҳо бекор туриб колишаради. Ўй-хаёли мудом Ҳумоюн ва унинг мақбараси билан банд бўлган Ҳамида бегим Аграда турадиган Акбарга хат ёзиб ахволни тушунтириди.

«Шукурки, ҳозир замон тинч, филхонангизда етти юз фил бокувда турибdir, бир қисмини юк ташишга ўргатиб бўлмасмикан?» деб сўради.

Шундан кейин Акбар бекор турган ҳарбий филларидан юзта ювошроғини Бҳишан Чанд бошлиқ филбонларга бериб Аградан Дехлига жўнатди.

Ҳарбий филлар кўпинча бекор туарар, ҳар замонда бир бўладиган уруш олдидан уларга зўр ҳўраклар берилар, ширин сувга маст ва дарғазаб қилувчи гиёҳларнинг шарбати қўшилар, шуни ичгандан сўнг, улар отликини ҳам, пиёданни ҳам хартуми билан уриб, оғи билан янчиб кетаверар эди. Мехнатга ўргатилган филлар юк ташиб чарчаганидан ювош бўлиб қолар, уларга шакарқамиш каби енгил ҳўраклар, осойишта тутувчи емишлар берилар эди. Бир-икки ой шу тарзда боқилган Фавждор ҳам ювош бўлиб қолганини ва юк ташишга ўргана бошлаганини Акбар Дехлига келганда ўз кўзи билан кўрди.

Арабистонларга бориб ҳаж қилиб келган Бека бегим Ҳамида бонуга Синай тоги этагида эшитган бир ривоятини айтиб берди:

— Бора-бора уруш йўқолар эмишу одамлар қиличдан ҳам омоч ясар эмишлар!

— Кошки ўша замонларни биз ҳам кўрсак, Ҳожи бегим! — деди Ҳамида бону.

Бир вактлар кундош бўлган бу икки аёл ҳозир инок бўлиб колишган. Энди уларнинг бир-бирларидан кизғанадиган эрлари йўқ. Мана бу мақбара курилишидаги ишлар эса икковига ҳам етиб ортади.

Ҳожи бегим боғ меъморчилигини яхши билар, мақбара атрофидаги ўттиз жариблиқ¹ ички-ташки боғнинг йўлкалари, гулзор ва дарахтзорлари унинг назорати остида килинмоқда эди.

Мирзо Ҳумоюн мақбарасининг ички-ташки боғ ўртасига Курилаётгани ва бу боғнинг ўзи меъморчилик асаридек маҳсус лойиха асосида бунёд этилаётгани — Дехли ва Аграда ҳали тажрибадан ўтказилмаган янгилик эди. Мавлоно Мирак ҳам, бегимлар ҳам бундай мақбараларни Ҳирот ва Машҳадда ўз кўзлари билан кўришган, Самарқанддаги Гўри Амир шу тарзда курилганини билишар эди. Энди улар Мовароунаҳр ва Эрон меъморчилигининг шу анъанасини Ҳиндистон шароитига тадбиқ этмоқда эдилар. Кийинчилик шунда эдикни, Самарқанд ва Ҳирот обидала-рига безак тарзида ишлатиладиган рангдор кошинларни бу ерда ишлатиб бўлмасди — Ҳиндистоннинг иссик иклими ва сернам ёмғир фасли кошинларни тез ишдан чиқарди. Шунинг учун мақбарага ишлатиладиган барча зийнатлар тошдан йўнилиб, мармарга сайқал ва зеб бериб қилинмоқда эди. Мирзо Ҳумоюн мақбарами ўзининг бўй-басти на барча иши сангтарошликка асосланганлиги билан Ҳирот ва Самарқанд обидаларига нисбатан ҳам такрори йўқ бир чигилик бўлиши керак эди.

Жума кунлари курилишда иш тўхтар, ҳаммаёқ сув қўйгандай жимжит бўлиб қолар эди. Факат аҳён-аҳёнда Ҳумоюн қабрини зиёрат килишга келганларнинг тиловатлари мунгли оҳанг билан атрофга тараалар эди.

Муслималик одатига биноан бегимлар Ҳумоюн қабрига ҷрталаб офтоб чиқмасдан келишар, бундай пайтда бошқа ишратчилар деярли бўлмасди эди. Бу жума Ҳожи бегим иситмалаб зиёратга келомади-ю, Ҳамида бегим тонг пайти, слиз ўзи келди.

Мувакқат мармар сағананинг атрофи ўралган ва усти яхнилаб ёпилган. Ичкари нимкоронғи. Бегим икки шоҳали шамдоининг шамларини ёқиб, қабринг бosh томонига кўяётгандага кимдир пичирлаб тиловат қилаётганини эшитди.

¹ Жариф — бир минг икки юз квадрат метрга тенг.

Орқасига ўгирilar экан, қабрнинг оёқ томонига чўкка тушган соқоли узун мўйсафидни кўрди. Бегим бошига кўтариб кўйган ҳарир пардан тез юзига тушириб чўнқайди ва тиловат тугаганда мўйсафидга кўшилиб юзига фотиҳа тортди.

Мўйсафид ҳассасига таяниб ўрнидан турди-да, титрок товуш билан:

— Ҳазрат бегим, кечикиб бўлса ҳам, сизга ҳамдардлик билдиргани келдим! — деди.

Овози, кўзлари беҳад таниш, аммо бўлиқ оқ соқол бекитиб турган юзи бегона, туркий сўзларни хинчча талафуз билан айтиши ҳам кимнидир эслатади. Лекин катта оқ салласи ва эгнидаги малла хиркаси шайхларникига ўхшайди.

— Миннатдормен, таксир,— деди Ҳамида бегим ҳам ўрнидан кўтарилиб.

— Ҳумоюн ҳазратлари билан... оға-ини тутинган эдик,— сўзида давом этди мўйсафид.— Қабрларини зиёрат қилгани ҳар йили келурмен. Аммо сизни биринчи учрашишим...

Ҳамида бегим бирдан Жамна бўйида ўтган қизалок пайтини, Низом эшқакчининг қайифини, унинг ўтли кўзларини ва ширали товушини эслади-ю, вужуди ларзага келиб сўради:

— Сиз?.. Низом?.. Соҳиб Низом...

— Ҳа, бахтсизликка учраб Салим номини олган Низом — мен!

— Наҳотки? Кўзларимга ишонмаймен! — деб Ҳамида бегим Низом томонга талпинди. Йигирма уч йилда одам шунчалик ўзгарар эканми? Ҳали элликка кирмаган Низом — ҳасса суюнган оппок соқолли кария!

— Оғир жароҳатлар мени тез қаритди, бегим. Синмаган жойим қолмаган эди. Ҳали ҳам... Сиз билан... ҳазрат икковларингиз... Синд вилоятида қувгинда юрган пайтларингизда менга мадад бердиларингиз... Бўлмаса алла-қачон ўлиб кетардим.

— Хайриятки, яна қўришишга мұяссар бўлдик. Сизга айтадиган қанча гапларим дилимда қолган. Мен учун сиз поклик тимсоли эдингиз, соҳиб Низом!.. Ҳазратим ҳам сизни авлиёдек соғдил йигит деб улуғлар эдилар.

— Авлиё эмас, осий бандамен,— деди Низом.— Учаламиз бир вактлар мактуб орқали хабарлашган эдик, ҳозир ҳам бу ерда учаламиз... ҳазрат Ҳумоюннинг руҳлари мен учун тирик. Инсоннинг поклиги — дилидаги

эътиқоди бўлур. Кийим тоза бўлмаса ҳам, дил пок бўлса, бундай дилни муқаддас билиб, унга сифинмоқ мумкин. Мен ҳам Жамнада бирга сузиб юрган пайтларимда сизнинг сиймонгизда самовий бир нур кўрганимен. Бу нур ўшанда кўзларимга кириб макон қурган эди, ҳалигача кўзларимни юмганимда қорачигим орасида сиз кўрингандай бўлурсиз, Ҳамида бегим.

Ҳумоюннинг қабри ёнида айтилаётган бу сўзлардан Ҳамида бону ўнгайсизлана бошлади. Буни пайқаган Низом:

— Кексайгандা изҳори дил қилмоқда деб ўйламанг, бегим,— деди.— Сиз ҳам, Мирзо Ҳумоюн ҳам мен кўрган инсонлар орасида энг соҳибдил сиймолардирсиз. Икковларингиз ҳам менга беҳад азиз бўлганларингиз учун Секридан шу ергача пиёда юриб зиёратга келдим.

Мўйсафид одам юз милдан ортиқ масофани пиёда юриб ўтиши Ҳамида бегимни ҳангуманг қилиб қўйди:

— Ахир... билганимизда от юборар эдик-ку, соҳиб Низом!

— Отлик юриш менинг ҳозирги эътиқодимга хилоф, менинг камбағалпарвар устозларим Кабир ҳам, Мўъининиддин Чешти ҳам доим пиёда юрганлар. Камбағалликда умр ўтказганлар. Шайх Саъдий айтганки:

Саъдиё, чун давлату фармондихи
Нестию ҳакпарати хуштараст¹.

— Даёлату ҳокимият талотумларидан мен ҳам жуда тўйганмен,— деди Ҳамида бегим.— Синду Қандаҳорда, Қазвину Кобулда, Дехлию Аграда... бошимизга не балолар ёғилмади!. Соҳиб Низом, сиз Карамнаса ўқонларидан ҳазратимни куткариб чиққанингизни ўғлимиз Ақбаршоҳ ҳам эшитганлар. Нечун олти йилдан бери саройга келмадингиз?

— Бегим, мен энди подшоҳ саройига зинҳор қадам босмагаймен.

— Ё биздан кўнглингиз қолганми?

— Сиздан эмас, мутлок ҳокимият деган аждаходан юрак олдириб қўйганмен. Мирзо Ҳумоюн Панжобга қайтган пайтларида жуда кўргим келди. Шайх Муборак деган кишидан мактуб ёзиб юбордим. Аммо уни ҳазратимнинг

¹ Таржимаси: Саъдиё, бою бадавлат ва мансабдор бўлгандан кўра, йўқчиликка қўниб, ҳакпарат булиш афзалдир.

хузурига киргизмабдилар. Бианада ҳалк ҳаракатига иштирок этгани учун шайхулислом Аңсорий «дахрий» деб ўлимга буюрибди. Бечора шайх Муборак ҳамон кочиб юрибди. Аңсорий эса иззат-икромда. Шундан ҳам билдимки, сарой тұла ғараз, иғво, қакимчилик, адолатсизлик! Ўша аждаҳо бусиз яшай олмаслигини мен үзим бир неча күн подшо бўлганимда кўрдим. Байрамхонни бу аждаҳо қандай ямлаб-ютганини сиз ҳам кўргандирсиз? Бу аждаҳо одамни алдаб, ҳовликириб, жар ёқасига қандай олиб борганини сезмай қолар экансиз.

— Ха, ғаламис манфаатпастлар кўп. Мен мудом ўғлимдан хавотирланиб яшаймен... Эҳтимол, сизни алдаб, мактубингизни душманларингизга элтиб берган хоин ҳали ҳам саройда юргандир. Сиз уни кўрсангиз танирмидингиз?

— Афзалбек деган хушмўйлов илонни мен умрбод унутмагаймен. Адхамхон Секри томонларга боргандага унинг ёнида юрган серсокол бир бекни кўрдим. Қош-кўзи ўша Афзалбекни эслатди. Якинда Адхамхон билан Моҳим энага унга подшодан жогир олиб берганмиш, мингбоши лавозимига кўтарганмиш.

— Оти ҳали ҳам Афзалбек эканми?

— Оти бошка, эслаб кололмадим.

— Кошкি хоинларни фош килишда сиз ҳам Акбаржонга ёрдам берсангиз, сохиб! Унга мудом сиздай беғараз кишилар етишмайдир.

— Ёмонларнинг бирини йўқотсангиз, бошка ундан уддабуронроғи келур. Мутлоқ ҳокимият бор жойда хиёнат ҳам, алдамчилик ҳам, адолатсизлик ҳам бўлмай иложи йўқ, бегим!

Низомнинг гапида жон борлигини ўз аччик тажрибасидан ҳам биладиган Ҳамида бегим дилтанг бўлиб сўради:

— Наҳотки бу балоларнинг ҳеч бир балогардони бўлмаса?

— Балогардони бор. Барча шаҳару кишлoқларни ким қурган? Барча кийимлеклару егуликлар кимнинг меҳнати билан барпо бўлмоқда? Мана бу макбарани ким тикламоқда? Барча саройлар, тожу тахтларни ким елкасида тутиб турибди? Ҳалқ! Эл-улуснинг факат кичик бир кисми подшо қўшинида навкар бўлиб, жангларда унга балогардонлик килур. Аммо бошка кисмлари амалдору мансабдорларнинг оёғи остида эзилиб ётибди. Уларни жабру зулмдан куткарадиган одил раҳбар бўлса эди, ҳалқ ҳам бундай раҳбарга балогардон бўлмоғи мумкин эди.

— Акбарнинг энг зўр орзуси — одил бўлишдир. Лекин унинг донишманд бир раҳнамоси йўқ. Сиз...

— Мен ҳам ожиз бир одаммен, бегим. Раҳнамолик қўйимдан келмагай. Лекин бутун ҳалқ бир ҳакикат атрофига бирлашиб, яқдил бўлса, энг қудратли кучга айлангай. Устозимиз Мўйиниддин Чешти айтганлар: «Инсон, сен ҳакни осмондан эмас, ўз дилингдан изла». Кабир айтгани... Низом Кабирнинг шеърини хинчда айтиб, форсчага таржи-ма кильмокчи эди, Ҳамида бегим:

— Тушундим! — деди.

— Сиз хиндича ўрганишишиз?

— Ха, бемалол сўзлашурмен! — деди бегим хинчалаб.

— Ундаи бўлса энди бизнинг дилимизга йўл топишингиз осонрок бўлгай.

— Акбаржон ҳам хиндийчани сувдек билур. Факат унинг атрофига... одамни бузадиган ёмонлар кўп.

— Бироқ асил одам ёмонлар орасида ҳам ўз фазилатларини йўқотмаслиги мумкин экан. Кабирнинг бир шеърида «Хушбўй сандал дараҳтига заҳарли илон ўралиб олса ҳам бу дараҳт муаттар хидини йўқотмагай» дейилади. Бегим, ҳозир сиз билан гаплашганим сари ана шу олиjanоб сандал дараҳтини қайта-қайта эсламоқдамен... Мен эшитдимки, подшо ўғлингиз Умаркутда түгилганда сиз бир хинд аёlinи ҳам энагаликка таклиф этган экансиз. Ростми?

— Рост. Рожа Вирсалнинг кариндоши Рупарани Акбаржонга оқ сут берган энагаларнинг бири.

— Бунинг қанчалик улуғ маъноси борлигини ҳали ўзингиз ҳам сезмасангиз керак. Кабирнинг ҳам бир онаси ҳинд, бир онаси муслима бўлган, ҳаётида, қалбида, шеърларида ҳинди билан мусулмон яктану яқдил бўлиб бирлашган. Кабир ўлганда ҳиндалар уни ўз одатлари бўйича оловда куйдириб кулини Гангага сочмокчи бўлганлар. Мусулмонлар эса, «йўқ, Кабир бизники» дейишиб, уни ўз одатлари бўйича ерга дафи этмоқчи бўлурлар. Икки томон мунозара килиб, унинг жасади ўраб қўйилган парданни кўтарсалар, Кабир йўқ. Унинг жасади ўрнида бир даста гул ётган эмиш. Ҳиндалар билан мусулмонлар бу гулларни тенг бўлиб олишибди... Бу ривоятнинг маъносини ўзингиз тушунарсиз, бегим. Тилагим шулки, ўғлингиз Акбар ҳам икки томонни баробар кўрса, ҳам муслимлар, ҳам ҳиндалар дилига Кабир каби йўл топа олса... Ана ўшанда бутун ҳалкнинг қудрати унга келган балоларга балогардон бўлғай. Агар ўғлингиз ҳалкнинг дилига чукур маънавий илдиз отолмаса, навбатдаги довуллар уни ҳам

сүуриб олиб кетмөгү мүмкүн. Отасининг бошига тушган күвғинлар Ақбарнинг бошига тушмасин деб мен шу гапни айтмоқдамен!

Хамида бегим ўзини кийнаб юрган энг мушкул маънавий жумбокларга шу донишманд мўйсафид ёрдамида жавоб топиши мумкинлигини, ёшлиқдаги меҳр энди бегараз, соф бир маънавий яқинликка айланёттанини сезди.

— Саройга келмасангиз... балки... Ақбаржон ўзлари борарлар... Сизни қаердан қидириб топсин?

— Мен бир факир одаммен, бегим. Подшо мени қидириб боришига кўзим етмайдир. Аммо сизга айтмоғим мүмкүн. Секридан ўн чакирим берида ўрмон четида кулбам бор, озгина еримда дәхқончилик билан рўзгор тебратурмиз. Шерхон даврида номимни ўзгартириб яшириниб юрганимдан хабардорсиз. Беш йил дарвиш бўлдим. Салим Чешти деган ном билан танилдим. Ҳозир кўпчилик мени шу ном билан атайди. Низом деган аввалги номим энди унтилган. Одамлар олдида шайх Салим деб аташингиз маъкулроқ бўлгай.

Муслима аёл билан бегона эркакнинг соф ниятда учрашиб гаплашиши учун пир ва мурид муносабатлари қулайроқ бўлишини Хамида бегим ҳам сезди.

— Хўп, мен сизни минбаъд ўзимнинг маънавий раҳнамом деб билурмен!

Салим ота Хамида бегимга яқин келди. Икковларининг орасида Ҳумоюннинг мармар қабри туриди. Раҳнамога қўй бериш одатига биноан, Хамида бегим Салим отага нафис панжасини чўзди. Бегим эрининг руҳи гувоҳлигига тузайтган бу маънавий иттифоқ бегараз, пок бир имон иши эканини сезган Салим ота мармар қабр оша қўлини узатиб, Хамида бегимнинг бармоқларини секин кафтига олди-да, кўзларига сурди.

Улар яна учрашадиган бўлиб хайрлашдилар. Салим ота ҳассасини қўлтиғига олиб, вазмин, аммо мустахкам одимлар билан узоқлашар экан, Хамида бегим унинг ҳали элликка ҳам кирмаганини яна бир эслади. Кўринишдан нуроний мўйсафид бўлса ҳам, меҳнатда пишган танаси чайр эканини сезди ва Секригача пиёда бора олишига ишонди. Энг мухими, бу одам бегимнинг дилига улкан бир чироқ ёқиб кетгандай бўлди.

* * *

Ақбар ақлини таниб Ҳиндистонга қайтгандан бери бу мамлакатдаги гаройиботлар унда битмас-туғанмас бир хай-

рат уйғотарди. Болалигига баҳайбат филлар уни лол қолдирган, заҳарли илонларни най навосига ракс қилдирадиган морбозлар яна бир таажжубга солганди. Ерга тириклай кўмиб қўйилган, ўн кун ётиб ҳам ўлмайдиган, кавлаб олингандা тирилиб юриб кетадиган фақирлар (йоғлар) Ҳиндистоннинг сехру жодуси кўплигига уни яна бир ишонтирган эди.

Ақбар ўн уч ёшида филбонлар орасида маҳаватликни машқ қилиб юрган пайтида ҳинд тилини ўрганган, урдуча ҳам бемалол гапира оларди. Филбонларнинг суюкли қаҳрамонлари Рама ва унинг гўзал севгилиси Сити ёш Ақбарнинг дилидан доимий жой олган эди. У Рамадай қаҳрамонликлар кўрсатишни ва ўз Ситисини топиб, унга етишишни орзу килган пайларни кўп бўлган. Ҳозир йигирма ёшга кирган пайтида ҳам, ажойиб ҳинд қизларини учратса, уларнинг нозу карашма билан ракс қилишларини кўрса, нафосатга тўла қўшиқларини эшитса, ёшлиқдаги ўша орзулари қалбига туртиб-туртиб қўйгандай бўлади.

Салима бегим унинг бу орзусига ҳалакит бермас, кўп азоб тортган бечора жувон Ақбарнинг бағрида гулдай очилиб яшар, эрига бағишилаб ўтли шеърлар ёзар, ташқаридан қараганда, иккви бир-бирига астойдил меҳр кўйиб ҳаёт кечираётганга ўхшар эди. Аммо аслида уларни Салиманинг мухаббати иноқ тутиб турарди. Ақбарнинг унга уйланишида мухаббатдан кўра раҳм-шафқат устун келганини Хамида бегим ҳам сезади.

— Шоҳ ўғлим, сиз бевага уйланиб мени доғда қолдирдингиз. Мен ҳали мамлакатнинг энг гўзал қизларидан келин тушириб, катта тўйлар килгим бор.

— Бир вактлар ўзингиз кундош азобини бошдан кечиргансиз, онажон. Энди буни Салимага кандай раво кўурсиз?

— Мен раво кўрмаганимда ҳам, сиз подшоҳсиз. Подшоҳларнинг эса хотини битта бўлмагай. Буни Салима ҳам билгай.

... Бугун кечаси Ақбар хобгоҳда шу чигал муаммо ҳақида ўйланиб ўлтирганда, Салима унинг кўнглидан ўтган нарсаларни сезгандай бўлиб:

— Ҳазратим,— деди.— Сиз менинг олдимдаги бурчинизни ҳам, оталиғингиз буюрган васиятни ҳам мардона адо этдингиз. Энди мен ҳам шунга яраша инсоғ қилмогим керак. Агар бирон кизга... қўнгил қўйсангиз... ҳаққингиз бор... мен розилик берурмен!

Ақбар ҳапни ҳазилга бурди:

— Балки ўзингиз... совчиликка ҳам борурсиз?

Салима бегим бу ҳазилни ўзига қаттиқ олиб, кўзлари бирдан ёшланди:

— Мен учун беҳад оғир дардни ҳазилга йўйманг! Онангизнинг дилларида мен туфайли армон қолмасин. Мен у кишининг яхшиликларини ҳам қайтармоқчимен!

Акбар Салимани белидан қучиб, юз-кўзидан ўпди:

— Ҳеч азоб тортмасдан, факат роҳат-фароғатда яшайдиган эркакларда нафсга, гууррга берилиш кучли. Шафқату қаноат машаққат чеккан аёлларда кўпроқ бўлурмикин?

— Биз, аёллар ҳам, фаришта эмасмиз, ҳазратим. Илкимизга ҳокимлик тизгини тегса ўзимиздан кетишимиш ҳеч гап эмас. «Одамни синамоқчи бўлсангиз, унга мансаб бериб кўринг», деган накл эшитганмен. Ҳозир сизга энг содик аёллардан Моҳим энаганинг бошига ана шундай бир синов тушмишдир.

Моҳим энага ҳакида марҳум Байрамхон ҳам ташвиштарадуд тўла сўзлар айтиб кетгани Акбарнинг ёдига тушди.

— Салима сиз Моҳим энагада... бирон ўзгариш сезмоқдамисиз?

— Ҳа, ўзгариш катта.

Яқин одамлари бир-бирини ёмонлай бошласа Акбарга бу доим ёмон таъсир қиларди. Ҳозир ҳам унинг юзи тундлаша бошлаганини кўрган Салима:

— Балки бу — яхши ўзгаришдир,— деб гапни бурди.

— Менга онам қиласидиган яхшиликларни шу аёл қилган, Салима. Кобул эсингиздами? Комрон амаким биз билан ўчакишиб, мени отам оттираётган замбаракнинг ўқига тўғрилаб кўйган эди-я! Ён-веримдан вاشиллаб ўтган замбарак ўкларини эсласам, ҳали ҳам сочим тикка бўлиб кетадир. Ўшанда Моҳим энага чопиб келиб ўз гавдаси билан мени тўстган эди-я! Қандаҳорда, қиши совукларида энагам мени яна қанча ўлимлардан олиб қолган!..

— Ҳа, Моҳим энага ўшанда чеккан машаққатларининг роҳатини энди кўрмоқда. Бугун мамлакатимизда ундан нуфузли аёл йўқ. Беку аъёнлар Моҳим энагани сиздан кейинги иккинчи сиймо деб ҳисоблайдилар.

— Нечун? Онам ҳазратлари-чи?

— Онангиз ҳокимиятнинг роҳатидан кўра азобини кўп кўриб, юрак олдириб кўйганлар. Ҳозир бутун эътиборлари мақбара қурилиши билан банд. Аммо Моҳим энага давлат ишларида ўзларини сувдаги балиқдек яхши сезадилар. Энага учун ҳокимият ҳали янги, тансик нарса, ўзлари тўйса ҳам, кўзлари тўймайдир.

Бу гапларда киноя борлигини сезган Акбар яна энагисини ҳимоя қила бошлади. Чунки Байрамхон воқеаларида ҳам барча хавф-хатарни ўз зиммасига олиб, Акбар томонда катъий турган, унга энг кўп ёрдам берган ва оқилона йўллар кўрсатган одамларнинг бири Ҳамида бегим бўлса, бири Моҳим энага эди.

Оталиғи айтган минг отлиқ араванинг барча тизгинларини Акбар ўз кўлига олгач, унинг имзосини кутаётгани коғозлар, ҳукму фармонига мунтазир муаммолар, инояти ёки жазосига, рухсати ёки эътиборига қараб турган одамлар шу кадар кўпайиб кетдики, ёш подшо уларнинг ҳаммасига вакт етказолмай қолди. Шундай пайтда яна энагаси ёрдамга келган бўлса, бунинг нимаси ёмон? Акбар болалик пайтлардан бери энагага сўзсиз ишониб ўрганган. Ҳозир ҳам унинг қирмизи бўёқ суртиб босиладиган катта олтин муҳри кўпинча Моҳим энаганинг кўлида туради. Шу муҳр босилмагунча, ҳазина ҳеч кимга пул бермайди. Шу муҳр босилмаса, беку аъёнлар янги мартабалар ва жогирлар ололмайди. Моҳим энага ҳаммани ўз кўлига каратиб кўйгани учун унинг номи сарой аҳлининг тилида достон бўлди. Моҳим энагани: «Доно кайвони бўлмаса аёл боши билан Байрамхондай одамни енгиб чиқарми!» деб муболага қилувчилар кўп. Ҳозир Моҳим энага қаерга кўлини чўзса етади, истаган одамига катта мартабалар бера олади. Энаганинг ўғли Адҳамхон Жамна бўйидаги катта мулкнинг эгасига айланди. Адҳамхоннинг уч минг наввари бор, ҳар ой ҳазинадан йигирма минг рупий мояна олади. Моҳим энаганинг энг суюкли ўғли мана шу Адҳамхон. Сарой аҳли: «Моҳим энага Адҳамхонни Мунимхоннинг ўрнига бош вазир қилиб кўтартмагунча тинчимагай», деб пичир-пичир сўзлашганлари Салима бегимнинг қулогига ҳам қалинган.

Ҳозир хобгоҳда Салима Акбарга шунинг ҳаммасини айтиб берди-ю:

— Энагангизни эҳтиёт қилинг, ҳазратим,— деди.— Ноҳоргина ҳаёт кечириб юрган муштипар аёл эди. Селдай оқиб келаётган бойлигу обрў-эътибор бечорани бошқа ёққа оқизиб кетмасин.

— Буни онамга ҳам айтинг,— деди Акбар.— Учовлашиб, энагамнинг хатти-харакатини яхши томонларга буриб турайлик.

Моҳим энага табиатан яхшиликка мойил аёл эди. Акбар унинг қизлар учун мактаб-мадраса очиши нияти борлигини биларди. Энага бойликларининг бир кисмини шу хайрли ишга сарфлаши учун Акбар:

— Истасангиз, кызлар мадрасасини Дехлида очинг,— деб маслаҳат берди.

— Сиз ижозат берсангиз, бажонидил очгаймен!

Бу мадраса учун Моҳим энага Низомидин авлиё мақбасига яқин жойдан икки ошиёнлик улкан бир бинони боғ-ховлиси билан сотиб олди. Отинойилар дарс берадиган кызлар мадрасаси Дехли учун жуда катта янгилик бўлди. Кўп подшою маликалар қилмаган ишни Моҳим энага қиласанлиги унинг эл-улус орасидаги шуҳратини яна бир даражада ошириди.

Моҳим энаганинг эндиги истаги — бир ҳафта улкан тўй бериб келин тушириш ва унга барча вилоятлардан олий меҳмонлар чакириш эди. У тўй тўғрисида энг аввал Ҳамида бегим ва Ақбардан маслаҳат сўради:

— Даљ ойида, салқин пайтда ўтказган маъкул,— деди Ҳамида бегим. Энага унинг бу таклифини қабул килди.

— Унгача ҳали икки ой бор, барча вилоятлардан энг нуфузли одамларни таклиф этгаймиз,— деди энага.

— Ҳаммаси келса ҳовлингизга сифармикин?— сўради Ақбар.

— Ҳовлига сифдириб бўлмас,— деди Моҳим энага.— Қалъада ўтказсак-чи, ҳазрат бегим?

Ҳамида бегим Ақбарни Салимага уйлантирганда катта тўй қилмаган эди. Энди подшо саройи жойлашган қалъада Моҳим энага шундай катта тўй бериши Ақбарнинг обрўси учун яхши бўлармикин?

— Бу тўй ҳам ўзимизники,— деди Ақбар.— Қалъада қилсақ, факат беку аъёнларни эмас, энг обрўли ҳинд рожаларини ҳам таклиф этгаймиз. Умаркутга ҳам таклиф юборгаймиз. Балки рожа Вирсал Прасад ҳам етиб келгай. Рупа энага тирик бўлса уни ҳам шу тўйга топиб келтиргаймиз.

— Кошкى эди!— деб Ҳамида бегим Ақбарнинг ниятини энди астойдил маъқуллади. Умаркутга борадиган чопарга таклифномани бегимнинг ўзи ёзди.

Ақбарнинг максади — Моҳим энаганинг тўй харакатларини ҳам хайрли томонга буриш ва мамлакатнинг муслиму ҳинд аҳолисини бир-бирига яқинлаштириш эди.

Ақбар Мунимхонга буюриб, Дехли, Агра, Жайпур ва бошқа яқин вилоятлардаги нуфузли рожалар варайларни саройга чакирди-ю, ҳиндлар билан ҳамкорлик қилиш, маданият, ободончилик ишларида ҳамжихат бўлиш борасида машварат ўтказди. У йигилганларга отаси учун курилаётган мақбарада, Агра қалъасини кайта тиклаш ва кенгайтиришда ҳинд ҳунарпешалари, мёъморлари, коргарлари муслимлар билан қандай инок ишлабтганларини аитиб берди

— Ишда ҳамкор бўлганимиз каби, тўйларни ҳам бирга ўтказмоғимиз керак,— деди.— Мен муҳтарама Моҳим энага номидан бизга хайриҳоҳ барча сохибихтиёр рожа-райярни тўйга таклиф килурмен. Ҳозир даргоҳимизда оналару ҳангаларнинг мавқелари баланд, биз уларга фарзандларча оқибат кўрсатиш харакатидамиз. Шунинг учун сохиб рожа-райялар тўйга ахли аёллари билан келсалар биз уларни ўз она-сингилларимиз қаторида эҳтиром килгаймиз.

* * *

Тўй арафасида Умаркутдан Рупа энага ва унинг тогаси Вирсал Прасад уч филга совға юклаб келаётганлари маълум бўлди. Излаб юрган одамлари топилганидан бениҳоя суюнтан Ҳамида бегим меҳмонларга пешвоз чикишини Ақбардан олтимос килди.

Ақбарнинг буйруғи билан энг салобатли филлардан ўнтаси гулшодалар ва зарбоф ёпинчиқлар билан безатилди. Уларнинг елкаларига маҳдианбар¹ деб аталағидан ва мўътабар аёллар ўлтирадиган ҳашаматли шийпонсимон кажаватар ўрнатилди. Маҳдианбарларнинг бирига Ҳамида бегим, иккинчисига Моҳим энага, яна бошқаларига Жажжи энага билан Ҳакима энагалар чиқиб ўлтиришиди. Ақбарнинг ўзи ўлдинги филда худди юриб бораётган тахтга ўхшаш олтин нахмилда ўлтирибди. Пирмуҳаммад атка бошлиқ мулоғизматар ва юзга яқин қўриқчи навкарлар филларнинг ён-верида утиқ кёлмокда.

Шаҳар четида тантана билан кутиб олинган Рупа энага ва Вирсал Прасад Ақбарни Ҳамида бегим ёрдамида зўрға танидилар. Чунки уни бир ойлик чакалоқлик пайтидан бери кўрмаган эдилар. Лекин йигирма йилдан бери қўришмаган оналар ва энагалар бир-бирлари билан йиғлаб қўришиллар.

Вирсал Прасад олтмишдан ошиб, узун мўйлови оппок оқарган мўйсафидга айланган эди.

Ақбар чўғдай ясатилган филлардан бирига Вирсал Прасадни миндириди. Ўзи ва онаси олдинги филларга чиқдилар. Бошқа энагалар ҳам тантанали филлар карвонида шиз мөхмонларни шаҳар бўйлаб олиб ўтдилару Пуран қалъанинг тўридаги энг яхши бир кўшкка жойлаштиридилар.

¹ М а ҳ д — бешик маъносини ҳам англатади. Оналар кўзда тутилади.
А қ б а р — шийпоннинг бис түри.

Акбар саройида «атка хайл»¹ деб аталағын жуда эътиборли бир тоифа борлиги кўпчиликка маълум эди. Бу гурӯхга энагалар, бир онани эмган кўкалдошлар ва уларнинг оталари — аткалар кирап эди. Энди мана шу имтиёзли «атка-хайлга» Рупа энага билан Вирсал Прасад ҳам тантанали суратда киритилгани Дехли ва унинг атрофига дув-дув гап бўлиб тарқалди. Чунки мусулмон подшоси Акбарнинг файридин ҳинд энагаси ҳам борлиги кўпчилик учун фавқулодда бир янгилик эди. Мутаассиб шайхлар Акбарнинг ҳинд энагага кўрсатган эҳтиромларини қоралашиб, чекка-чеккада сасиб: «Подшомиз куфр йўлига кирди, бунинг касофати ёмон бўлгай!» деган кароматларни қилишар эди.

Аммо Салим отага ўшаган ҳалк вакиллари бу хушхабарни бир-бирларига қувониб етказдилар. Шу фавқулодда ҳодиса туфайли Моҳим энага килаётган тўйининг обрўси яна ҳам ошиб кетди, унга таклиф килинган беку амирлардан ташқари, Дехли ва унинг атрофидаги вилоятларнинг рожа варайлари тўйга аҳли аёлларини ҳам олиб кела бошладилар.

Бир ҳафта давом этган бу тўй кунларида бутун Дехли карнай-сурнайлар товушига, куй ва ашулашар жарангига, ясан-тусан одамларга, ранг-баранг безаклар ва гулшодаларга тўлиб кетди. Жамна бўйидаги очик сайлгоҳларда раккосалар, морбозлар, кўзбойлоғич сеҳргарлар, дорбозлар, лўлилар эртадан-кечгача томоша кўрсатардилар. Тўйга келган энг нуфузли амирлар, рожа варайларни Пуран қалъада Моҳим энага билан Акбарнинг ўзи кутиб олмоқда эди.

Ҳамида бегим тўйга келган кўҳлик кизлар орасидан Акбарга муносиб келин танламоқда эди. Тўйининг учинчи куни Санганирдан келган бир киз одамнинг ҳушини оладиган даражада гўзал эканлиги оғиздан-оғизга ўтиб, Ҳамида бегим билан Акбарнинг қулогига етиб борди. Акбар бу кизни кўпчиликнинг орасида кўрганда худди оддий маржонлар орасида турган олмос донасини учратгандай юраги «жиг» этди. Кизни бошқалардан ажратиб турган фарқ — фақат юзининг гўзаллигига эмас, балки юлдузининг иссиклигига, кишини дарҳол ўзига тортадиган алоҳида оҳанрабоси борлигига эди. Ўғлининг бу кизга назари тушганини сезган Ҳамида бегим Моҳим энагага шипшиди:

— Санганирлик кизни хонайи хосга бошлаб келинг.

Бу гўзал киз тўйга кирқ ёшлардаги катта акаси — мардона қиёфали, хушмўйлов, новча Ҳағван Да билан келган эди. Тўйбоши уларни подшонинг хонайи хосига бошлаб кирди.

¹ Хайл — оила, хонадон. 328

Хона тўридан Акбар билан Ҳамида бегим уларга ишловоз чиқдилар. Ака-сингил кафтларини жуфтлаб бошлари устига кўйган ҳолда уларга таъзим қилдилар. Моҳим шага аввал Ҳағван Да сини таништириди:

— Рожа Ҳари Малнинг катта ўғли...

Акбар ҳиндчалаб кизнинг отини сўради. Акбарнинг тил билишидан кўзлари чакнаб кетган киз:

— Жодҳа Бай,— деб ўз отини айтди. Шунда қизнинг товуши ҳам Акбарга жуда сеҳрли туюлди.

Киз ортиқча тортинмасдан, ўзини аслзодаларга хос бир одоб ва эркинлик билан тутар эди. Ҳамида бегим ва Моҳим энага уларни яккама-якка колдириш учун Ҳағван Да сини тўрдаги нақшин курси томон бошлаб кетдилар.

Акбар Жодҳа Байнини хонанинг улардан узокрок бурчалида турган мез ёнига таклиф қилди. Мез устида тахтаси садаф билан безатилган, доналари фил суюгидан ясалган чиройли шахмат турган эди. Киз доналари жой-жойига териб, гўё ўйнаш учун тайёрлаб кўйилган шахматга қизиқиб каради.

— Мумкинми? — деб оқ донали пиёданни кўлига олиб томоша қилди-да, кейин ўйнагиси келгандай уни икки катақ олдинга сурди.

— Шахмат ўйнаши билурмисиз? — хайратланиб сўради Акбар. Киз тасдиқ маъносига бош иргади.

Шундан кейин Акбар ўртадаги кора донали пиёданни бир катақ олдинга сурди. Киз кулиб, аспни ўйинга чикарди. Акбар фарзин ёнидаги филни юрди. Икковлари мезнинг икки томонига ўлтириб астойдил ўйнашга киришдилар.

Акбар ўйин баҳона қизнинг бутун вужудидан ёғилиб турган нафосат ва гўзалликдан завқ олади, унга қарайди-ю, аммо кўзи тўймайди. Жодҳа Байдан мушкка ҳам, анбарга ҳам ўҳшайдиган аммо улардан ёқимлироқ гул ҳиди келиб туряди. Пешона устидаги қалин ва майин кора соchlари устига капалакларни эслатадиган тилла баргак тақилган. Зар кўшиб тўкилган пуштиранг сарисининг тагидан кўкраклари бўртиб турибди. Сари тагидан кийилган калта енглик нимчаси белига етиб-етмай тугайди. Хипча бели ва корнининг икки энлик жойида силлик бадани очик турибди. Аммо унинг бадани ҳам Акбарга нур билан йўғрилган юзи каби тиник ва мусаффо кўринди.

Жодҳа Бай ўзининг ҳусни билан одамларни махлиё қилишга гўё ўрганиб қолган. Акбар ўйинни унутиб, ҳуши бошка ёққа кетиб колаётганидан киз завқланиб жилмайди-да:

— Фарзинингиз... — деди.

Хозир қиз ўз фили билан Акбарнинг химоясиз қолган фарзинини олиб қўйиши мумкин эди. Акбар буни энди пайқаб бош чайкади:

— Рани Жодҳа Бай, сиз фақат менинг фарзинимни эмас, дилимни ҳам ютиб олмоқдасиз. Бунчалик товоно. экансиз. Устозингиз ким?

— Устозим — билим. Фирдавсийнинг сўзлари эсин-гиздадир?

— Қайси сўзи?

— ... «Ҳар каски доно аст товоно бувад».¹

Жодҳа Бай форсий тилни ҳам яхши билиши Акбарнинг унга бўлган эъзоз-эътиборини яна бир даража оширди.

— Рани Жодҳа Бай, саройда қолсангиз... шу товоно-лигиниздан биз ҳам баҳраманд бўлсак... майлимни?

Киз энди жиддийлашди, алланарсадан хавотирланган дай бўлиб ўрнидан турди ва акаси томонга қаради:

— Ҳазратим, эътиборингиздан беҳад миннатдормен! Аммо мен саройда қоломмагаймен.

— Нечун?

— Менинг ихтиёrim ота-онамда. Хозир оғам билан уйга жўнаб кетгаймен.

— Аммо менинг сиздан ажрагим келмас!

— Ундоқ бўлса, энди ўзингиз Жайпурга меҳмон бўлиб боринг. Биз бажонидил кутиб олгаймиз.

Жодҳа Бай саройдан чўчир, бу ҳашаматли даргоҳ унга бегона ва хатарли туюларди. Шуни сезган Акбар кизни акаси олдига бошлаб келди. Хайрлашиб кетаётганди Бҳагвон Даҳ ҳам:

— Ҳазрат бегим, муҳтарама энага, агар подшо ҳазратлари билан бирга Жайпурга ташриф буюрсаларингиз биз беҳад сарфароз бўлурмиз!— леди.— Отамиз Бҳари Мал ҳам сизларни меҳмон қилиш орзуисидалар. Ҳинд энагангиз Рупаранини юксак эъзоз билан кутиб олганларингиз она-мизнинг қулоқларига ҳам бориб етган. Бутун хонадонимиз сизларга буюк ҳурмату умид билан қарайдир.

Ака-сингил жўнаб кетди-ю, Жодҳа Байнинг қиёфаси, гаплари, киликлари Акбарнинг дилига нақшланиб қолгандай бўлди. Бу кизни яна кўргиси келаверди, хаёллари эртаю кеч у билан банд бўлди.

Ўғлининг холатини сезган Ҳамида бегим Санганирга Қиличбек Андижоний деган амирни маҳсус мактуб билан юбориб, Жодҳа Байни келинликка сўради. Рожа Бҳари Малнинг жавоби ижобий, ёш подшога кариндош бўлиш

шарафи унинг дилига ёқиб тушган, факат кизлари бўлажак қуёвнинг Санганирга келишини ва тўйни ҳинд одатига биноан шу ерда бошлишини зарурий шарт килиб қўйган эди.

* * *

Ҳамида бегим яна аросатда қолди. Саройда орзу-ҳавасли катта тўй қиласай деса, мутаассиб шайхлару садрларнинг қўзи олдида бараҳман чакириб, ҳиндча никоҳ ўқитиб бўлмайди. Аммо бегим Салим отага қўл бериб, бҳактига эътиқод қўйгани учун кизни ўз динига содик қолишга ҳақли деб хисоблайди.

Умарқутдан келган Рупа энага ҳозир бундай нозик ишлар бўйича Ҳамида бегимнинг якин маслаҳатчисига айланган эди. Акбар, Моҳим энага — хаммалари кенгашиб, келин истайдиган ҳиндча никоҳни Жайпурда қила қолишини маъкул кўрдилар. Бу ходисага олий табақанинг эътиборини тортмаслик ва гап-сўзни кўпайтирмаслик учун: «Подшо Санганирга тўйга эмас, балки овга боргай» деб эълон килдилар.

Кейинги пайтларда Акбар қўлга ўргатилган қоплонсимон жонивор — чита билан ов қилишини яхши кўрарди. Читабокар овчилар читабонлар деб аталарди. Темир қафасда бокиладиган, бўйнига маҳсус тасма боғланган читаларни тия қўшилган катта араваларга ортиб, Дехлидан юз милча жануб-гарбдаги Санганирга томон йўл олганларида хут ойи кириб, қунлар анча исиган, даладаги буғдойлар бошоқ гортиб қолган эди.

Беш юз аскар қўриклиб бораётган мавқабда ясан-тусан филлар устидаги маҳдианбарларда Ҳамида бегим, Моҳим энага ва Рупа энагалар ҳам келмоқда эдилар. Олий меҳмонлар келаётганидан хабар топган рожа Бҳари Мал ўғли Бҳагвон Даҳ ва бошқа якинлари билан Акбарга вилоят чегарасида пешвоз чиқди. Акбар ва пешвоз чиқкан мезбонлар Диоса деган қишлоқка якинлашганларида, унинг аҳолиси ёв босишдан кўркиб, тоф томонга қоча бошлади. Фавждор естан филини миниб келаётган Акбар Бҳари Малдан:

— Нечун бундай бўлди?— деб сўради.— Биз яхши ният илан келаётганимизни айтмаган эдингизми?

— Ҳазратим, айтган эдим! Бироқ бу жойлар Самбхал вилоятига карашли. Вилоят ҳокими мирзо Шарафиддин ҳаноблари аҳолига нисбатан жуда шафқатсиз. Одамлар идан юрак олдириб қўйганлари учун энди сиздан ҳам очмоқдалар.

¹ Таржимаси: билимли, доно одам товоно, яъни кудратли ҳам бўлади

Акбар ўнг томонида бораётган Қиличхон Андижонийга буюрди:

— Шарафиддин мирзога одам юборинг, зудлик билан етиб келсин.

Кечки пайт мирзо Шарафиддин унга пешвоз чиқиб, отидан сакраб тушди-да, Акбар мингандардан филнинг оёғи тагига чўккалашиб юкунди.

— Жаноб Шарафиддин мирзо, сиз маҳаллий аҳолини биздан бездириб қўйибсиз...

— Ҳазратим, мендан гуноҳ ўтган бўлса кечиринг!

Акбар чап ёнида отлиқ турган Бҳари Малга юзланди:

— Қайси қариндошингизни бу бек гаровга олиб, ҳисбда сакламоқда?

— Акамнинг ўғли Жай Мал билан Раж Синҳ деган неварам ҳибс қилинган.

— Бегуноҳ одамларни гаровда саклашга ким буйруқ берди, тақсир?

Шарафиддин мирзо ота томондан машҳур Хўжа Ахрор авлодларига бориб тақалар, она томондан эса темурийларга қариндош эди. Акбар давлатида темурийлар мўътабарроқ бўлгани учун Шарафиддин «хўжа» унвонидан воз кечиб, «мирзо» унвонини афзал кўрган эди. Лекин Акбар хозир «тақсир» деб киноя қилиш билан ундан гўё мирзо унвонини тортиб оладигандек кўринди. Бундан кўркиб қалтирай бошлаган Шарафиддинхўжа:

— Ҳазратим, мендан ўтган бўлса афву этгайсиз!—деди.— Яхши кўрган фарзандларини гаровда тутсам, бу рожпутлар исён кўтаролмагай, деган фикрда шу ишни қилганмен!

— Фикрингиз хатодир, тақсир. Бегуноҳ йигитларни шу бугунок ҳибсдан бўшатинг, иззат-икром билан уйларига жўнатинг!

— Бош устига, ҳазратим!

Шарафиддинхўжа шоша-пиша орқасига қайтди ва ўша куни гаровдаги икки йигитни бўшатибгина қолмай, ҳар бирiga бош-оёқ саруло кийдириб, биттадан отни анжоми билан ҳадя қилиб жўнниттириди.

Акбар бўлажак қаллифи Жодҳа Бай юртида мумкин қадар яхши хотира колдиришга,adolatli ва шафқатли бўлишга ҳаракат килди.

Жодҳа Бай турадиган жойларга яқинлашганлари сари Акбарнинг дилида нафис ва гўзал хислар кучайиб борар, аммо ташки ҳаёт унга бир-биридан дагал ва хунук муаммоларни кўндаланг киларди.

Санганир атрофларида аҳоли кўп, шунинг учун ов кила-

лиган жонивор кам. Подшоҳнинг араваларга ортиб келинган читалари ва уларни кўлга ўргатган читабонлар ўзларига иш тополмай, аҳолига томоша бўлиб қолдилар.

Ҳиндалар читани йўлбарсдан ҳам хатарлирек йиртқич деб исоблайдилар. Бели ингичка, думи ва танаси узун, бутун териси ок-сарғиши хол-холлардан иборат бу йирик қоплон шихоятда чаккон бўлади, каттиқ сакраса хатто физнинг устига чика олади. Энг чопқир кийикни ҳам кувиб етади. Гоҳо ўрмонда сламхўр читалар ҳам учраб туради.

Шундай хатарли йиртқични кўлга ўргатиб, қафасда олтиб юрган читабонларнинг димоглари баланд, ўзларини подшоҳнинг суйган овчилиари килиб кўрсатиб, дўк-пўписар ҳам қилишади.

Бир жойда яхши кийинган ўрта яшар киши темир қафасга яқин келиб читани томоша қилас экан, читабон у одамнинг оёғидаги чиройли этикка хуштор бўлиб қолди. Йиридан қафаснинг оғзини очди-ю, читанинг бўйнидаги чарм алқасидан тутиб:

— Этикни еч!— деди ҳалиги одамга.— Ечмасанг, хозир штани кўйиб юборурмен, сени тилка-пора қилгай!

Читанинг сарғиши кўзлари оловланиб, ўзи ириллаб турарди. Кўркиб кетган бечора томошабин чиройли этигини штабонга ечиб берди.

Яхши кийинган одам ялангоёқ юришдан кийналиб, омонига тошлар ва тиканлар қадалиб келаётгандан Акбар юрисисидан чикиб қолди. Яланг оёқ киши йиғлаб туриб:

— Ҳазратим, адолат қилинг! Арзимни тингланг! Ҳазратим, деб мурожаат қилди. Акбарнинг ишораси билан турарди ва кўриқчилар яланг оёқ кишига йўл бердилар. Туриб юртни от минган эди. У от устида туриб яланг оёқ штанинг арзини эшитди-да:

— Қани, юринг, ўша читабонни бизга кўрсатинг!— деди.

Читабон тортиб олган этигини аллақачон оёғига кийган, оғизиги кафас олдида турар эди. Акбардан кўркиб, оғизиги одамнинг этигини дарров ечиб бера бошлади. Бўлаларни қайнотаси Бҳари Малнинг олдида каттиқ хижолати оғизиги Акбар:

Бу читабон бизнинг хизматимиздаги барча одамларни даррава дод тушурмишдир!— деди ва чап томонда турган штанинга мурожаат қилди:— Жаноб Чифатойхон, хукмимизни + оғизилар Жайпур аҳолисига эълон қилсинлар! Махсус фурман ёзиб, барча вилоятларга юбортиринг, токи бутун маҳаллакат оғод бўлсин. Бизнинг хизматимизда юриб аҳолига кўз ўтказадиган, зўравонлик билан унинг кийим ёки буюм-штанинг тортиб оладиган кимсалар шафқатсиз жазо олурлар!

Мана бу читабон майдонга олиб чикилсин, бироннинг этигинаи тортиб олиб кийган оёги кесиб ташлансин!

Ўша куни бу фармон халойикнинг кўзи олдида амалга оширилди. Халқ Акбарни адолати ва катъияти учун мақтай бошлади.

* * *

Бу мактovлар, албатта, Жодҳа Байнинг кулогига ҳам етиб борди. Ҳозир ҳамманинг тилида шу қизнинг номи. Жодҳа Байни бир кўришга, икки оғиз сўзини эшитишга муштоқ ихлосмандлари кўпайиб кетди.

Лекин ота-оналари Жодҳа Байни чет кўзлардан йироқда тутишар ва никоҳ тўйига тайёрлашар эди. Күёв томондан беш юз одам келган, улар ҳаммаси рожа Бҳари Малнинг қасрига сифмайди. Акбар Санганир деган кўкаламзор, ҳушиманзара жойни ўзига кароргоҳ килиб танлади. Мавқабнинг юкларини ва чодирларини бир неча юз туялар, филлар ва ҳачирлар кўтариб келмоқда эди. Махсус одамлар тоғ этакларидаги кўкаламзорга уч юзта ранг-баранг чодир тикдилар. Улар орасида энг ҳашаматлилари Акбар учун, унинг онаси, энагалари ва бошқа якинлари учун ўрнатилди. Бўлажак келин-куёв учун меҳтарлар¹ икки қаватли кўшкни эслатадиган болаҳонадор чодир куришиди. Бу чодирнинг ўтов керагаларига ўхшаган йиғма ёғочлари энг қаттиқ маҳва дарахтидан ясалган. Унинг синчга ўхшаган йўғон хариларини филлар кўтариб келиб, хартумлари билан тиклаб берадилар. Икки ошиёнли, зинапояли бинонинг ёғоч қовурғалари бир-бирига маҳкам уланиб, яхлит ва мустахкам «кутига айлангандан сўнг, устига чодирнинг қалин ва гўзал пуштиранг матоси тортилди.

Одам бўйи келадиган ва «дамома» деб аталадиган улкан ноғоралар чалинди, уларга кўш карнайлар, кўш сурнайлар жўр бўлди-ю, тўй шодиёнаси бошланди. Режа бўйича тўй бир ҳафта давом этиши, шу орада келин томон ҳам, кўёв томон ҳам барча орзу-ҳавасларини амалга ошириб улгуришлари керак эди. Ҳаво очик, қунлар баҳмалдай майнин, айни тўй-томошалар ўтказадиган пайт эди.

¹ Мехтарлар — чодир ўрнатиб берадилар.

Ҳамида бегим мана шундай баҳмал мавсумда Синд вилоятининг Потхур деган жойида чодирлар ичидаги Ҳумоюн билан ўтказган унтилмас дамларини эслар, Акбар — ўнандаги оловли муҳаббатнинг маҳсули эканини ўйлар, энди шу ўғли севиб колган ҳинд қизи ҳам табиат бағрига ўрнатилган чодирда ҳақиқий баҳт топишини истарди.

Бироқ кўёв-келиннинг икки динга мансублиги ва никоҳни икки жойда, икки хил ўқитиш муаммоси онани ташвишга солмоқда эди. Ҳиндча никоҳ ўқийдиган пурхитлар¹ киз томонда бор, аммо икки динни баробар кўрадиган садр ёки шайх топиш кийин. Саройдаги шайхулислом Ансорий ёки садрлар судури Абдунаби икки динли никоҳга рози булишмади. Улар ҳатто қуръону пайғамбарни тан оладиган шиалар билан келишолмайди-ю, коғир саналадиган баражман ва коҳинилар билан қандай тил топишади?

Ҳамида бегим ўйлаб-ўйлаб, Салим отани ҷақиришга қарор берди. Саройга бормаса, Жайпурга келиши мумкинку. Секри бу ерга унча узок эмас, отда бир кунлик йўл. Бегим Салим отага мактуб ёзиб Чигатойхон Тошкандийдан берив юборди.

«Тақсир, ёшлиқ пайтимиизда сизнинг отангиз ҳам Жамна ўйинда тўй қилиб, тўнгич ўғлини ҳинд қизига уйлантирмокчи бўлганини айтиб берган эдингиз. Ўшанда мусулмон мутаасиблари ҳам, жоҳил баражмандлар ҳам бунга қарши чиқиб, тўйини бузганлари, отангизни зиндонга ташлаганлари ёдингизда бордир. Йиллар ўтиб, замонлар ўзгарди. Ўғлимиз Акбаршоҳга мен каби оқ сут берган ҳинд энага Рупа биби ҳозир менинг ёнимда. Ўшанда отангиз амалга оширолмаган ҳинд-мусулмон тўйини энди биз ўтказмоқчимиз. Шунга сизнинг иштирокингиз ва кўмагингиз зарур бўлиб колди. Биз ўрмон ичидаги, табиат бағрида турибмиз. Бу ер — подшоҳ сиройи эмас. Шунинг учун албатта ташриф буюарарсиз деб умил қилурмен.

Ихлосмандингиз Ҳамида бону бегим».

Бу мактубни олиб жўнаган Чигатойхон уч кун бедарак кетди. Тўй охирлаб бормоқда. Эртага кечаси никоҳ ўқитилиши керак. Бегим кейин билса, Салим ота отга минишни истамабди. Чигатойхон унинг пиёда юришига мосланиб бир қуслик йўлни уч кунда зўрга босиб ўтибди. У навкарини

¹ Нурахит — хиндаларнинг мулла-имоми.

олдинрок юбориб, бу воқеадан Акбарни ва бегимни хабардор қилди. Салим отанинг Дехлидаги Ҳумоюн қабрига ҳам ҳаж қилган каби пиёда борганини Акбар онасидан эшитган эди. Мўйсафиднинг ҳурмати учун Акбар ҳам кароргоҳ четигача пиёда бориб, Салим отага пешвоз чиқди. Уни фарзандларча эҳтиром билан кутиб олди-да, олдиндан тайёрлаб қўйилган меҳроблик чодирга олиб кирди. Салим отани тўрга ўтказиб, ўзи пастроққа чўкка тушди:

— Таксир, мен сизнинг таърифингизни Сирхиндда Абдулла Ниёзийдан эшитган эдим.

— Ха, Абдулла Ниёзий Биана ҳалкини Исломшоҳ зулмига қарши қўтарган жуда жасоратли одам эди.

— У киши сизнинг тўғрингизда ҳам худди шундай фикрда эканлар. Кейин ҳазрат онам менга кўп воқеаларни айтиб бердилар. Отамизга унутилмас яхшиликлар килган экансиз. Мен сизни маънавий отамдек азиз билурмен.

Сўнгги сўзлардан кўзлари ялтираб кетган Салим ота Акбарга:

— Э, ўғлим!— деб мурожаат қилди.— Яратганинг олдида шоҳу дарвиш — барчамиз баробар инсон фарзандимиз. Мен икки йил Арабистонда бўлдим, қанча ҳалқларни кўрдим. Ҳамма жойда ҳам инсон — шу инсон, бани башар асли ўзи бир. Қанча тождорларни кўрдик. Шерхон нечогли қудратли, ақли, найрангни кўп ишлатиб, авлодларини ёмонликка ўргатди, оқибатда, бари ҳалқнинг қаҳрига учраб йўқ бўлиб кетди. Бугун келганимнинг сабаби — сиздан умидим катта. Ота-боболарингизнинг нек ишларини давом эткизib, эл-улуснинг олқишини олгайсиз.

— Муташак кирмен, таксир.

Дастурхон ёзилиб, тўй зиёфати ейилгач, Салим ота ташқарига чиқмоқчи бўлиб ўрнидан турди. Шунда Акбар уни отасидай эъзозлаб, кавушини оёғи тагига тўғрилаб, жуфтлаб қўйди. Аммо Акбарнинг тенгдоши ва қўкалдоши Адҳамхон шайх Салимнинг ялангоёқ эшкакчилар орасидан чиқкан камбағал йигит бўлганини Моҳим бибидан эшитган эди, шунинг учун чолни писанд килмай, киноя билан тиржайиб кулди. Ўзи бечораҳол оиласдан чиқкан бу йигит камбағал ўтмишини эслатадиган одамларни сўймайди. Адҳамхон олий табаканинг энг бой аслзодалари каторида шайхулислом Ансорийга қўл бериб, мурид бўлган.

Акбар тиржайиган қўкалдошига «хаддингдан ошма!» дегандек тикилди. Бирок Адҳамхон тап тортмай қўзини Акбарнинг қўзига қалади: «Шу исқирт чолга кавши тўғрилаб

бериб, бизни ҳам ерга урдингиз, ахир биз сизга таъзим килиб, юкуниб юрибмиз!» демокчи бўлди. Акбар Адҳамхоннинг накадар талтайиб, қалондимоғ бўлиб бораётганини шунда барадла пайқади.

Келинни олиб келиш учун бораётганирида Адҳамхон унинг ўнг томонида энг яқин куёв жўраси бўлиб бормоқчи бўлди. Бирок Акбар ўнг ёнига иккинчи қўкалдоши Азизни олди. Адҳамхон орка қаторда қолиб, қовоғи бирдан осилиб кетди.

* * *

Улкан бир тоғ қояси устига қурилган рожа Бҳари Малнинг қальасида бир хафтадан бери маъюс қуйлар янграйди, қизлар давра бўлиб, туғилган даргоҳ билан хайрлашув кийинлиги ҳакида ашула айтадилар. Азалий удум шундай: куёв томонда нақоралар севинч билан «така-тум» қилади, карнайлар қувнаб «ҳа-ҳр» лайди, чунки оиласа янги бир одам — гўзал келин қўшилади. Аммо қиз ўстирган ота-она жигарпорасини узатади. Қиз бу даргоҳдан йиглаб чиқиб кетмаса ота-онанинг қўнгли жойига тушмайди. Шунинг учун қиз узатадиган хонадонда тўй куни юракни эзувчи хайрлашув қуйлари чалинади.

Бирок Акбар карнай-сурнай ҷалдириб, ўз одамлари билан Бҳари Малнинг қальасига кириб келганда қувноқ тўс-тўполон бошлианди. Ҳинд одатига биноан, Акбар қиз турадиган ҳовлига қилич тақиб отлиқ кириб борди. Унинг ёнида куёв жўраларидан ташқари, Рупа энага ҳам бор. Ҳиндча расм-русларни Акбар ва унинг одамларига Рупа энага ўргатиб туриби.

Ясатилган келинчак бир тўп дугоналари билан гулшодалар кўтариб, уйдан Акбарга пешвоз чиқдилар. Қизлар ёр-ёрни эслатувчи қўшикни айтишиб қўлларидаги гулшодаларни Акбар мингандан отнинг бўйнига осдилар. Ҳайрон исмли бу от хушбўй гулшодалар ва гўзал қизлар орасида чиндан ҳам таажжубга тушгандай қўзларини катта-катта очиб турарди. Нихоят, келинни отнинг гулга кўмилган бўйни остидан олиб ўтдилар.

Бундай юксак эҳтиромдан сўнг куёв отдан тушди. Жодха Бай унга таъзим билан яқинлашиди-ю, энг сара гуллардан қилинган ва «сваямвар»¹ деб аталадиган катта

¹ Сваямвар — «ўз дилидагини танлаш» деган маънони билдириди. Ривоятга биноан, қадимда қизлар йигитлардан қаиси бирини ётириса шу гулчамбарни унинг бўнинга солган.

гулшодани Акбарнинг бўйнига осди. Шундан сўнг келин-куёв гулшодалардан тизим-тизим килиб ясалган ва маҳсус меҳроб ўрнатилган гулчодирга кирдилар. «Йўллари оқ бўлсин» деган ниятда гулчодирнинг четига ун ва гуруч сепиб қўйилган. Меҳроб кархисида иккита сербезак курси турибди. Келин-куёв шу курсиларга ёнма-ён ўтиридилар. Келиннинг ёнидан унинг ота-онаси ва бошқа якиnlари жой олиши. Кўёвнинг ёнига Рупа энага ва кўкаaldoшлари ўлтириши. Пурохит деб аталадиган хинд муллаларининг бири келин томонда, иккинчиси куёв томонда туриб, «мант» лар деб аталадиган дуоларини ўқидилар.

Акбар никоҳ пайтида айтиш керак бўлган гапларини Рупа энага ёрдамида ўрганиб келган эди. Пурохит ундан хинчалаб:

— Рани Жодха Байни никоҳингизга оласизми?— деб сўради.

Акбар ҳам хинчалаб:

— Мен муқаддас олов, осмон ва ер гувоҳлигида хинд кизи рани Жодха Байни чин дилдан хоҳлаб ўз никоҳимга олгаймен!— деди.

Пурохит ўша савол билан кизга мурожаат қилди. Акбарнинг гапи Жодха Байга анча далда берган эди.

— Мен,— деб сўз бошлади киз,— олий тангрилар гувоҳлигида муслим йигитнинг никоҳига ўз хоҳишим билан ўтмоқдамен. Унинг уйини ўз уйим деб билурмен. Барча келинлик хизматларини сидқидилан адо этгаймен.

Қоидага биноан, бу сўзлардан кейин пурохитларнинг бири йигитнинг қўлидан, иккинчиси қизнинг қўлидан олдида, икки панжани бирлаштириди. Акбар қизнинг майин кўлчаси тафтини ўз кафтида хис қилди. Пурохитлар Акбарнинг елкасидаги шоҳи фўтанинг учини қизнинг эгнидаги зарбоф сарининг учига секин боғлаб қўйдилар.

Сал нарида муқаддас олов ёниб турибди, хушбўй ҳид берувчи гиёҳлар тутатилмокда. Қўллари чирмашган, фўта ва сарилари бир-бирига боғланган келин-куёвни пурохитлар олов атрофидан етти марта айлантириб ўтказдилар. Бу айланишлар билан меҳру оқибат, поклик, болажонлик, ота-онага эҳтиром, садоқат, одоб каби оиласий хаётнинг еттига энг муҳим талабига риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммаларига олдилар.

Никоҳ маросимининг охирида қизнинг отаси фотиҳа бериши керак эди. Одатга биноан, Бҳари Мал ўзининг ва уругининг номини айтиб сўз бошлади.

— Мен, рожа Бҳари Мал, ўттиз олтита раЖпут қабила-лари каторига кирадиган Калваҳа уругининг бошлиғимен.

Тарихдан маълумки, бизнинг энг қадимги аждодларимиз арийлар бўлган. Улар Хинди斯顿га шимолдан, Мовароуннахру Хурросон томонлардан келган оташпаратлар деб эшитганмен. Ҳазрат подшо, сизнинг аждодларингиз ҳам шимолдан келганлар, қадим замонда улар ҳам оташпарат бўлганлар. Айтмоқчименки, бугун мана бу муқаддас олов гувоҳлигида бизга куёв бўлаётганинг тасодиф эмасdir. Эҳтимол, тақдир такозоси шундай бўлгандирки, минг йиллар олдин бир-бирларидан джрашиб, турли мамлакатларга уруғ каби сочилиб кетган авлодлар энди сизларнинг тимсолингизда яна топишмоқдадирлар. Мен ўз қизимни сизга инъом қилурмен. Билурсизки, инъом кайтиб олинмайди. Қизим бу даргоҳга энди фақат меҳмон бўлиб келмоғи мумкин!

Акбар кафтига тафти уриб турган нафис қўлчани меҳр ва ташниалик билан кисиб қўйди.

Келинни тахтиравонга ўтказиб, карнай-сурнай садоси остида кароргоҳга олиб қайтганларида тун ярмидан ошган, лекин ҳамма уйғок, машъала ва гулханлар ёқилган эди. Уларнинг ёруғида келин-куёвни Ҳамида бегим ва бошқа якиnlари кутиб олиб, улкан саропарда ичига бошлаб кирдилар.

Хумоюн жорий қилган анъана бўйича, келин-куёв аввал «Давлат уйи» деб аталадиган биринчи хонага кирдилар. Бу ерда уларни вазири амирлар таъзим билан карши олиб, муборакбод қилдилар ва кимматбахо совғаларини топширилар. Саропарда ичидаги иккинчи муҳташам чодир «Саодат уйи» деб аталар эди. Бу ўйда куёв-келинни янги малла тўн кийган, оқ салла ўраган Салим ота кутиб олди ва икковлари қархисига ўтказиб тилак айтди:

— Илоҳим баҳтли бўлинглар, оқибатли фарзандлар кўринглар, эл-юргтнинг олқишини олиб, узок яшанглар!

Мусулмонча никоҳ ҳам ўқилгандан сўнг келин-куёв саропарда тўридаги икки ошиёнли «мурод уйига» йўл олдилар. Акбар бу уйда киз билан яккама-якка коладиган дамларни толикиб кутмоқда эди. Лекин одатга биноан, бу уйнинг биринчи қаватига дастурхон ёзилган, янгалар келин-куёв учун энг нодир таомлар тайёрлашган эди.

Жодҳа Бай Акбар билан бир дастурхондан овқат ейишга журъат этмай, ўзини четга тортиди. Ҳинд одобига биноан, келин кўёвни ўзидан бекиёс даражада юкори қўяди, хотин ҳам эрни илоҳий бир юксакликда кўради. Шунинг учун кўёв билан бир дастурхондан овқат ейиш — келинчак учун одобсизлик саналади. Жодҳа Бай ҳам Акбар овқат еб бўлгунча дастурхонга якин келмокчи эмас, бир четда одоб

сақлаб турмоқчи ёди. Акбар аввал ҳам эшитган бу одатлар эркак зотининг обрўсини афсонавий бир юксакликка кўтаришини, келин ўз кўёвани худо ўрнида кўришини Жодҳа Байнинг ҳозирги одобида юракдан хис қилди-ю, қаллиғига меҳри тобланив шивирлади:

— Мен сизнинг хонадонингизда хиндча одатларга риоя қилдим-ку. Энди сиз бу ерда туркий одат бўйича мен билан бирга таом ейишингиз керак. Қани, олинг.

Акбар бедана кабоб солинган олтин лаганни қаллиғига яқин сурди. Аммо Жодҳа Бай болаликдан онгига сингган одатни буза олмади. Акбарнинг олдида овқат чайнашдан уяди. Янгалар келин-куёвга асал қўшилган чой келтирилдилар. Акбар ўзи ичган асал чойдан Жодҳа Байга ҳам озгина ичирди.

Киз ота-онаси билан хайрлашганда каттиқ йиғлаган, ҳозир ҳам хомуш кўринарди. Акбар ҳазил билан унинг кўнглини ёзмокчи бўлди:

— Рани Жодҳа Бай, саройда шахмат ўйнаганимиз ёдингиздами?

— Ха.

— Ўшандা сиз менинг фарзинимни... ютиб олган эдингиз-а?

Жодҳа Бай энди жилмайди:

— Бекор қилган эканмен.

— Нечун?

— Қасос қайтди. Мана, фарзининг ўрнига сиз мени ютиб олдингиз.

Кизнинг ширин жавоби Акбардаги баҳт туйғусини янада ошириб тоширгандай бўлди. У бирдан қайнатаси айтган сўзларни эслади: барча бани башар битта Одам Ато ва Момо Ҳаводан тárқаган бўлса, минг йиллар аввал, оташпастлик даврларида, Жодҳа Байнинг арий боболари билан бобурийларнинг узоқ аждодлари қўни-қўшни, куда-анда бўлиб яшаганларига нега ишониш мумкин эмас? Келин-куёвни олов атрофидан айлантириш одати туркий ҳалқларда ҳам бор-ку.

Ниҳоят «мурод уйи»нинг хобгоҳида икковлари ёлгиз колдилар, Акбар севгилисини минг йил соғиниб кутган йигитнинг қалб кучи ва эҳтироси билан Жодҳа Байнин бағрига олди. Икки ёш дил бир-бирининг тафтидан эриб, қалблари дарёдай туташиб оқа бошлади.

* * *

Ҳиндулар орасида минг йиллардан бўён ахлоқ-одоб низоми ҳисобланадиган ва муқаддас саналиб ижро этиладиган

Ману¹ конунлари Жодҳа Байнинг қон-қонига кичиклигидан сингдирилган ёди. Унинг эътиқоди бўйича, аёл киши умрида фақат бир марта эр килиши мумкин. Агар эри ўлса, беванинг бошқа эрга тегиши мумкин эмас. Бева ё эрининг жасади билан бирга оловда ёниб ҳалок бўлиши керак ёки қолган бутун умрини эрига аза тутиб, кунига фақат бир маҳалгина овқат ейиши, то ўлгунча мотам кийимида хор, забун ахволда яшashi керак. Ману ҳинд аёлига эрининг ҳаётини ўз ҳаётидан ҳам ортиқроқ эъзозлашни ва уни ўз тангриси ўрнида кўришни буюрган. Факат шу буйрукни сўзсиз бажарган аёлларгина ҳинд тангрилари Брахма, Шива, Вишнуларнинг марҳаматига сазовор бўлишига Жодҳа Бай сўзсиз ишониб ўрганган.

Аёлларга нисбатан шафқатсиз Ману ҳиндуларнинг олий табақасига мансуб эркакларга тўрттадан хотин олиш хуқуқини берган. Лекин бадавлат хукмдорлар юз, икки юзтагача хотин олсалар ҳам ҳинд дини бунга қарши чиқмас ёди. Жодҳа Байнинг отаси ўн еттита хотин олган, улар ҳаммаси эрларини тангри ўрнида эъзозлашга тиришар ва ҳарамда муроса билан яшар эдилар. Буни отасининг уйида кўриб ўсган Жодҳа Бай Акбарнинг бошқа хотинлари борлигига ҳам тез кўнидди. Жодҳа Байнинг гўзал жисми ва қалби каби, унинг ахлоқ-одоби ва эрни бу қадар эъзозлаши ҳам Акбарни ўзига маҳлиё қилди. Келинчак ҳар куни уч маҳал ибодатдан олдин оёқдан юзгача яхшилаб ювинар ва олий тангрилари хузурига гўдакдай пок бўлиб борарди. Ҳиндустаннинг иссиқ иқлимида таҳорат ўрнига бутун танани уч маҳал ювиб, поклаш, гусулни албатта оёқдан бошлаш, охирида юзни юваб, оғизни хушбўй дори гиёҳлар қўшилган сув билан чайиш одамни нечоғли тетик ва латиф қилишини Акбар Жодҳа Бай орқали яқиндан билди. Жодҳа Байдаги жозиба унинг гўзал хуснидангина эмас, ахлоқ ва одобидан ҳам келиб чиқишини сезган Акбар ёш хотинининг имону эътиқодини асрраб-авайлашга ҳаракат қиласарди. Жодҳа Бай Санганирга ҳар куни ибодатхонага борарди, чунки у илоҳий деб ишонгандан ҳинд тангриларининг ҳайкаллари фақат ибодатхонага қўйилар, уларга уйда сиғиниш мумкин эмас. Шунинг учун Дехлининг Пуран қальясидаги жажжи бир бино Жодҳа Бай ва унинг ҳинд канизаклари учун ибодатхона қилиб берилди.

Шу сабабли Жодҳа Бай билан бирга Акбар саройига

¹ Афсонага кўра, Ману — инсон зотининг илк бобокалони экан. Ҳиндулар уни ўзларининг биринчи пайғамбарлари деб билган. Ману конунлари шариат ва тарикат кучига эга бўлган.

бараҳман ва пурахитлар ҳам кириб келдилар. Жодха Бай учун ажратилган ибодатгоҳда шулар хўжайин бўлиб олиб, Шива, Дурга ва бошқа тангрilarнинг ҳайкалларини ўрнатдилар. Ҳарамда Жодха Бай учун ажратилган хоналар ҳам Санганирдан қизнинг сепи билан келган хонаки маъбудаларнинг ҳайкалчалари билан тўлди. Ҳинд келинчак учун очилган сўкмокдан унинг қариндошлари ҳам саройга кириб келдилар. Синглисими биринчи марта Дехлига, тўйга олиб келиб, Акбар билан таништирган Ҷаҳангир Дағса амири дуҳазори¹ деган катта мансаб берилди. У ўзининг рожпут йигитларидан икки минг отлиқни Акбар хизматига олиб келди. Бу отлиқларнинг маошини Акбар ўз хазинасидан тўлай бошлади. Ҷаҳангир ўн тўққиз ёшли девкомат ўғли Ман Синхни Акбар хос мулозимлари қаторига қўшди.

Будпарастликдан балодан қўркандай ҳазар қиласидан тақводор уламо ва садрлар бундан канчалик норози бўлиши Акбарга мальум эди. «Подшомиз кофирларни эркалатиб, бошимизга чиқармоқда!» деган гаплар хали ҳозир ичкариларда шивир-шивир нолиш тарзида айтилаётган бўлса ҳам, ҳуфиялар орқали Акбарга етиб кела бошлади. Шайхулислом Абдулла Анзорий ўзига қўл берган Адҳам кўкалдош ва Баҳодирхонлар билан зиёфатларда бирга бўларди. Уларга охир замон яқинлашаётгани тўғрисида тахликали кароматлар килас:

— Яъжуҷ-маъжуҷ деганлари — саройга ёпирилиб кириб келаётган мана шу мажусийлардир! — дерди. — Подшомиз қайноғаси Ҷаҳангир Дағсан баттар яна бир мажусий рожани саройга олиб келибдир. Ашула айтадиган қизиқчи рожа Бирбал подшомизни ўзига ром қилиб олаётган эмиш. Наҳотки бизнинг ботир бекларимиз динимизнинг поклиги учун жон койитмасалар? Мусулмонободни саклаб қоладиган мард ғозийлар кани?

«Мана, мен!» деб, юрак ютиб майдонга чиқадиган ва Акбар билан олиша сладиган беклар саройда деярли йўқ эди. Факат Моҳим энаганинг даврида хони аъзам унвонини олган Адҳамхон ёшлиқда Акбар билан «тепишиб» катта бўлгани учун ундан ҳайикмас эди.

Анзорий билан Адҳамхон Байрамхонга қарши бирга курашган эдилар, уни Патанда яширикча ўлдириш маслаҳатини бирга килган эдилар. Адҳамхон ўша кезда Анзорийнинг сирдош муридига айланган эди. Иккови ёлғиз қолганларида Адҳамхон пирига мактаниб ҳам кўярди:

¹Дуҳазори — икки мингбоши.

— Подшомиз ҳозир жуда ҳаво бойлаб кетди. Аммо беш-олти яшарлигимизда биз у билан «Байрамхон» ўйнار эдик. Байрамхон бўлгиси келган бола ўйин қоидаси бўйича шапати ейиши керак эди. Ўшанда мен Акбарнинг юзига аямай шапати урганмен. Кўзлари ёшланиб кетса ҳам «ғинг» дёёлмаган!

— Ботирсиз! — деб Анзорий Адҳамхонни мактаб кетди. — Ҳозир бутун мамлакатда сиздан дадил, сиздан нуфузли амир йўқ. Онангиз Моҳим биби саройда маликалардан ҳам баланд мартабага эришдилар. Имони пок муслимларнинг суюнган тоғи она-бала икковингиз бўлиб колдингиз. Байрамхон қувилганда мен сизни унинг ўрнига вакили салтанат бўлурсиз деб умид қилган эдим.

Ўзи ҳам буни жуда истаб юрган Адҳамхон армон қилиб деди:

— Начора? Мени «ёш» дейишиб, Мунимхонни қўйдилар.

— Аммо ҳали ҳам кеч эмас, жаноби хони аъзам. Сиз ёш бўлсангиз ҳам Мунимхондан юз чандон донороксиз. Мунимхон подшоҳни кофирларнинг ихтиёрига бериб қўймокда. Рожа Бирбал ҳам Мунимхоннинг бўшлиги туфайли подшоҳнинг пинжига кириб, мусоҳиб¹ бўлиб олибдир. Қўйиб берсак, ҳадемай бу рожа «вакили салтанат» бўлмоги мумкин.

Адҳамхон билан рожа Бирбал саройда қаттиқ тўкнашиб колган, Анзорий буни биларди. У атайлаб Адҳамхоннинг дил ярасига туз сепиш учун:

— Жаноби хони аъзам, рожа Бирбал саройда ҳаддидан ошиб, сиздай буюк бекка ҳам тил теккизгани ростми? — деб сўради.

Адҳамхон бу нохуш ҳодисани эслаганда юзи бирдан буришиб:

— Саройда эмас, дарё бўйида, — деди.

Акбар, Адҳамхон, Бирбал ва яна бир қанча мулозимлар Жамна бўйида бузоклар ўтлаб юрган жойдан пиёда сайр қилиб ўтаётгандарида, гап айланиб кўкалдошларга келди. Адҳамхон ўзининг кўкалдошлигидан ортиқ даражада керилиб юришини рожа Бирбал ҳам сезган эди. Акбар ундан:

— Соҳиб Бирбал, сизнинг ҳам кўкалдошингиз бўлганми? — деб сўради.

— Бўлган, ҳазрат подшо.

— Ким?

— Ҳазратим, айтсан одобсизлик бўлгай!..

¹Мусоҳиб — яқин сухбатдош.

Рожа Бирбалнинг кизиқчиликларини ёқтирадиган Акбар:

— Айтаверинг, биз учун одобсизлик саналмагай!— деб уни қўймади.

Рожа Бирбал ўтлаб юрган ювош бир бузоқни етаклаб келди:

— Онамнинг сути етмагани учун болалигимда сигир соғиб беришган. Шу сабабли менинг кўкаaldoшим — мана шу бузоқ!

Акбар хаҳолаб қулди. Лекин Адҳамхон бу гапни ўзига олиб, «рожа мени бузоққа тенглаштири!» деб аччиғи келди. Ансорий ҳозир унинг ўша эски аламини янгилай бошлади:

— Рожа мажусий бўлгани учун сигиру бузоқни муқадас билур. Аммо сизу биз учун онанинг оқ сути наҳотки... шундай латифага муносиб қўрилса!

Адҳамхон белидаги ханжарнинг сопини ғазаб билан тижимлаб:

— Тангри ҳаки, мен бу рожадан қасд олмоғим керак!— деди.

— Жаноби хони замон, биттасини йўқ қилсангиз, бошқалари колур. Биз мажусийларнинг ҳаммасини саройдан даф этмоғимиз керак.

— Қандай қилиб, тақсир?

— Кўп ишларга Мунимхоннинг бўшлиги сабаб бўлмоқда. Уни биратўла даф этадиган доно йўл топмоғимиз лозим!

— Менга ўша доно йўлни кўрсатинг-да, пийрим!

— Бу йўл — Мунимхонни кетказиб, ўрнига сизни вакили салтанат қилиб кўтаришидир.

Ўзи ҳам шу юксак лавозим орзусида юрган Адҳамхон сувга ташланган балиқдай яйраб:

— Миннатдормен, пийрим!— деди.— Аммо подшо бунга кўнмаса-чи?

— Кўплашиб ҳаракат қилсак, подшо ҳам кўнгай. Ахир сиз унинг бирга ўсган энг қадрдон тенгдошисиз. Онангизга подшонинг ишончи баланд. Пайтини топиб айтсинлар. Мен ҳам барча уламолар номидан сизни тавсия этай. Ўзингиз ҳам бўш келманг, тарафдорларингизни ишга солинг.

— Доно маслаҳат бердингиз, пийрим!— деб Адҳамхон энгашди-да, Ансорийнинг этагини ўпди.

Шу маслаҳат бўйича Адҳамхонни Мунимхоннинг ўрнига вакили салтанат қилиб кўтариш ҳаракати бошланди. Бу ҳаракат Акбардан сир тутилди. Чунки шайх Ансорий Адҳамхонни Акбарнинг янги сиёсатига ва саройда гайридинларнинг кўпайишига қарши ғов қилиб кўтармокчи бўлгани мутлақо сезилмаслиги керак эди.

Деҳли вилоятининг ҳокими Шаҳобиддин ҳам жияни Адҳамхон томонга ўтди. Энг ифлос фитналарда қатнашиб мансабдор бўлган Афзалбек — Муборизхон ўз ҳомийси Адҳамхонни вакили салтанат қилиб кўрсатиш учун яна ҳар қандай котилликка тайёр эди. Чунки у Адҳамхоннинг юксалишига ёрдам берса, ўзининг мартабаси янада ошишига, келажакда бирор вилоятнинг ҳокими бўлишига ишонарди.

Моҳим энага ҳали ҳам Акбарга меҳрибон, унинг ҳинд энагаси Рупа бибини ва ёш хотини Жодха Байни қўлидан келганича эъзозлайди. Шу билан бирга у яхши кўрган ўғли Адҳамхоннинг мартабаси янада ошишини ва унинг вакили салтанат бўлишини истайди. Мана шу истак энагани беихтиёр яширин кураш гирдобига тортиди. Энага оқибати ёмон бўлишини тасаввур этмасдан ва Акбарнинг янги сиёсатига қарши боришини ўйламасдан, «факат ўғлимни Мунимхоннинг ўрнига вакили салтанат қилсан бас, орзуим ушалгай» деган ниятда Маҳдумул Мулук билан тил бириктириди.

Саройда катта нуфузга эга бўлган Моҳим энага бош кўшгандан сўнг яширин гуруҳ катта кучга айланди. Адҳамхон гоҳо ширакайф бўлиб юрар, Мунимхонга «жон керак бўлса ўринни бўшат!» дегандек таҳдидлар килар эди. Юмшоқ табиат Мунимхон Байрамхондай одамни маҳв этган бу гуруҳдан кўркар, Моҳим энага билан Адҳамхоннинг қовоғига қараб турар эди. Хасталаниб юзи сарғайиб қолган Мунимхон ахийи Акбарнинг ҳузурига кириб илтимос килди:

— Ҳазратим, менга енгилроқ иш беринг, майли, вакили салтанатликка Адҳамхон ўтсинлар!— деди.

— Бироқ, Адҳамхон хони аъзамлик унвонини ҳам кўтаролмай ҳовлисиб қолмокда. Вакили салтанатликни у эплай олмагай.

— Моҳим энага ёрдам берсалар, балки эпларлар?

— Сизга бу фикрни... энагам бердиларми?

— Ха, у кишининг ниятлари шу.

— Лекин шайх Ансорий Адҳамхонни менинг янги сиёсатимга қарши қайраб юрибдир. Булар рожпутларни саройдан қувмокчилар. Наҳотки энагам буни билмаса?

— Энагангиз ўғлининг мартабаси ошишини жуда истайдир. Она-да!

Акбар Мунимхоннинг Моҳим энага ва Адҳамхон таз-йикига бардош бера олмаслигини сезди. Ҳеч кимга билдиримай, Кобулга маҳфий мактуб юборди-ю, Шамсиддин аткани пойтактга чақиртириди.

Бу орада жанубий вилоят бўлган Малвада Шерхон сур авлодларидан бўлган Бўз Баҳодирга қарши юриш бошлади. Акбар Адҳамхонга катта ишонч билдириган бўлди-да, ўн минг қўшининг уни саркарда килиб, Малвага жўнатди.

— Бўз Баҳодир саройида Рупмати деган машхур хонанда қиз бор экан, шуни Аргага тирик олиб келинг! — деб буюрди.

Адҳамхон Малвада юрганда Шамсиддин атка Кобулдан етиб келди ва Мунимхоннинг ўрнига вакили салтанат килиб тайин этилди. Шу орада Адҳамхон ҳам Бўз Баҳодирни енгиб, катта ўлжалар билан Малвадан қайтди.

Шамсиддин атка факат Акбарнинг измига бўйсунар. Моҳим энага билан Адҳамхонни давлат ишларига аралашиб тириналикка тиришарди. Акбар ўзининг кизил мухрини энагасидан қайтариб олиб, Шамсиддин аткасига берган эди.

— Ахир Адҳамхон болаликдан бирга ўсан содик кўкалдошингиз-ку, ҳазратим! Вакили салтанат бўлса, сиз учун жонини бермас эдими?

Акбар Моҳим энагани алоҳида эҳтиром килиб:

— Улуг эна, сиз менга қандай яхшиликлар килганингизни ҳеч вакт унумтагаймен,— деди.— Сизга доим фарзандек окибат кўрсатиш харакатидамен.

— Рост, ҳазратим, менга килган олий иноятларингиз учун оқ сутимдан мингдан-минг розимен!

— Раҳмат сизга, улуғ эна! Адҳам кўкалдошимга ҳам юксак хони аъзам унвони берилди, катта жогир ажратилди.

— Ўғлим сиздан кўрган яхшиликларни унутса кўр бўлгай! Мен унга айтганимен!

— Мен ҳам кўп... огоҳлантиридим. Лекин Адҳамхон катта давлату мартабадан ҳовлиқиб қолди. Шайх Ансорий мени «куфр йўлига кирди» деб иғво қилаётганидан хабарим бор. Адҳамхон эса унга кўл бериб мурид бўлди, ўша шайхнинг кутқусига учиб юрибди.

Моҳим энаганинг ўзи ҳам шайх Ансорийнинг гурухига кўшилиб, ўғлини вакили салтанат килмокчи эканидан наҳотки Акбар ҳабар топган бўлса? Бу одам ер тагида илон қимирласа билар экан-да! Лекин Моҳим энага сир бермасликка тиришди:

— Ҳазратим, ёмон одамларнинг гапига ишонманг Адҳамхон сиз чизган чизикдан чикмагай! Сиз уни Малвага урушга юбордингиз. Сизга қарши бош кўтарган Бўз Баҳодирни енгиб келди! Шу билан Адҳамхон ўз салокатину яна бир бор исбот килмадими?

Акбар бош чайкади:

— Афуски, Адҳамхон Малвада ўринсиз зўравонликлар килиб, биз топширган нозик ишларни бузиб қўйди. Рупмати деган малвалик хонанда қизнинг таърифини сиз ҳам эшишган бўлсангиз керак. Эл-улус орасида накл тарқалганки, Рупмати қўшиқ айтганда, осмондаги ой ҳам, қуёш ҳам унга маҳлиё бўлиб тўхтаб қолур. Биз Адҳамхонга буюрган эдикки, Рупматини яхши муомала билан ўзингизга эл килиб, пойтахтга бошлаб келинг, унинг санъатидан биз ҳам баҳраманд бўлайлик. Бироқ Адҳамхон Рупматини асириб олиб, кўпол зўравонликлар килмишdir. Эл суйган гўзал хонанда бу зўравонликка қарши заҳар ичибди-ю, ўзини ўзи ўлдирибди. Эл-улус бу ўлимни Адҳамхон билан биздан кўриб, қаттиқ норозилик билдиришdir.

— Аммо қизнинг ўзи Бўз Баҳодирга маъшуқа экан. Унга садоқат саклаб «жавхар» одати бўйича ўзини ўлдириган бўлса, бунинг учун Адҳамхон айбдорми?

— Мен Малвага ўзим бориб, ҳаммасини тафтиш қилиб келдим. Адҳамхон бошқа малваликларга ҳам зулм ўтказмишdir. Жабру зулмга қарши ғалаён бошланган экан. Адҳамхонни дарҳол Малвадан жўнатиб юбориб, тўполонни зўрга тинчтитдик. Унинг ўрнига Пирмуҳаммад аткани ҳоким тайинлаб келган эдим, яна фалокат юз бериди. Аткамиз ёғийларни кувиб бориб, дарёдан ўтаётганда сувга ғарқ бўлиб кетибди. Ахийри Абдуллахон ўзбекни Малвага ҳоким тайинлаб жўнатдик... Адҳамхон бошда яхши иш тутганда, шунча ҳалокатлар юз бермаслиги мумкин эди.

— Беайб — парвардигор, дейдилар, ҳазратим, Адҳамхондан ўтган жойи ҳам бордир. Ахир ҳали у ёш, тажрибаси оз.

— Шунинг учун кўпни кўрган тажрибали Шамсиддин атка бизга вакил бўлгани маъқул-да!

— Лекин кўкалдошингиз жуда ўксиниб юрибди. Унинг кўнглини қандай кўтаришимни билмаймен.

— Кўкалдошим сал камтар бўлмоғи керак, улуғ эна! Мен ўзим Адҳамхон билан сўзлашгаймен. Сиз бу ишлар туфайли кўп койинманг. Давлат иши шафқатсизdir. Сиз эса мушфик онасиз. Амал талашишлардан узокрок юрганингиз маъқул. Шунча машакқатлар билан фарзанд ўстирдингиз, келинлар туширдингиз. Энди уйда ўлтириб шуларнингроҳатини кўринг. Уйда зериксангиз, ўзингиз очган қизлар мадрасасига боринг. Ўқишни истайдиган қизлар кўпмиш, эски бино кичиклик килса, балки ҳовли тўрида ниги бино курдиргаймиз. Менинг онам ҳам мақбара курилиши билан овуниб, давлат ташвишларини унутди. Оналариз энди факат савоб ишларни килсинлар, безовта, нотинч

давлат юкини биз Шамсиддин атка билан күтарайлик.

Акбар майин гаплар билан энагасини давлат ишларидан четлатаётганини сезган Моҳим биби куюниб яна қўзига ёш олди:

— Майли, биз энди... кераксиз бўлиб... четга чиқайлик...
Лекин Адҳамхон... шунча йиллик қадрдонингиз...

— Адҳамхонга менинг қилча ҳам кудуратим йўқ. Факат унинг ўзи амалпараматлик кўчасидан чиқмоғи керак. Бу кўча не-не одамларни адаштириб, маҳв қилиб юборганини ўзингиз билурсиз.

— Уни бу кўчага судраган ёмон одамлар бор, ҳазратим. Адҳамни ўшаларнинг дастидан факат сиз кутқармоғингиз мумкин!

— Хўп, сиз учун мен уни ёмонлар дастидан юлиб олишга уриниб кўрай. Аммо сиз ҳам Адҳамхонга айтинг, ўзи улардан кутулишга интилмаса, четдан минг одам уринганда ҳам кутқаролмагай. Мен буни раҳматли амаким Комрон мирзонинг тақдирида кўрганмен.

Моҳим энага Акбарнинг бу гапларини ўғлига ўша куниёқ етказди. Бирок энди Адҳамхон ўзининг Муборизхон каби сирдошлари билан орани узолмайдиган даражага етган, уларни бир-бирларига маҳкам боғлаб турган аввалги жиноятлари ҳам бор эди.

* * *

Адҳамхоннинг уч минг кишилик беку навкарлари орасида Афзалбекни эслатадиган одам борлигини Акбар бир йил бурун эшитган, бирок тафтиш қилиб кўриш учун ҳалигача фурсати бўлмаган эди. Энди Адҳамхонни ёмон одамлар дастидан кутқаришни Моҳим энага ҳам илтимос қилгандан сўнг, Акбар Шамсиддин аткани ўз ҳузурига чақириди-да:

— Сиз отам бор пайтда хизмат қилган сипоҳиларни яхши билурсиз,— деди.— Адҳамнинг мансабдор сипоҳиларини бир-бир тафтишдан ўтказинг. Уларнинг орасида хоин Афзалбек бошқа ном билан юрган бўлиши мумкин.

Шамсиддин атка Афзалбекни Кобулда, Комрон мирзо хизматида кўрган эди. Адҳамхон билан Акбар у пайтда икки-уч яшар бола бўлганлиги сабабли уни унтутиб юборган эдилар. Шамсиддин атка Адҳамхоннинг мансабдор сипоҳиларини саройга битта-битта чакириб сухбатлашганда Муборизхоннинг овози ва кўzlари унга бирдан Афзалбекни эслатди. Бундай ғаламисларга шафқат қилмайдиган Шамсиддин атка Афзалбекни минг қийнокларга солиб тергов

килдириди. Ҳумоюнга ва Низомга қилган хиёнатларидан тортиб, Байрамхонга айғоқчи бўлгани ва Акбарнинг устидан чақимчилик қилганларигача, ундан сўнг Адҳамхонга сотилиб, Патанда Байрамхоннинг бошига етганигача ҳаммасини бир-бир бўйнига қўйди. Терговчи унинг жиноятларини қофозга ёзиб, ўзига имзо чектириди. Шамсиддин атка кечки пайт Акбарнинг хонайи хосига тергов қофозини олиб кириб ўқиб берди.

Битта одамнинг йигирма беш йил давомида шунча ёзувиликлар қилишга улгуранидан ақли таңг қолган Акбар жаллодин чақириди-ю, ғазаб билан буюрди:

— Бу абллаҳнинг чақимчилик қилган тили, хоинлик қилган иликлари, Байрамхонни ўлимга бошлаб борган оёқлари бир-бир кесилсин, ундан сўнг бутун вужуди халойикнинг кўзи олдида парчалаб ташлансан! Бу ҳукм бутун нойтахтга, барча вилоятларга эълон қилинсин, токи бошқа вузлар ҳам умрлари қандай тугашини билиб кўйисинлар!

Жаллод бу ҳукмни эртага жазо майдонида амалга шириш учун тайёрлик кўргани кетди. Акбар ўзини сал осиб одгунча, Шамсиддин атка сукут қилиб турди. Сўнг ша тургов қофозининг Адҳамга оид жойини кўрсатди.

— Шундай хоинни воситачи қилиб, Байрамхонни яшинича ўлдирирган одамлардан бири — Адҳамхон экан. ни не қилайлик?

Акбар яқиндагина йиглаб келган Моҳим энагани эслади қили бовар қилмай:

— Наҳотки кўкалдошим шунчалик ёмон жиноят қилган ўлса?!— деди.— Эҳтимол, бу ғаламис Афзалбек энди Адҳамни бизга сотмоқчиdir?

— Соткин бўлгач, сотиши аниқ. Аммо унинг далили бор: Байрамхонни ўлдиришда қилган «холис» хизмати учун ғалабек мансабдор бўлган, Адҳамхон онаси орқали ҳамакат қилиб, унга жогир бердириган.

— Ўша жогир ҳам менинг руҳсатим билан берилган. Наҳотки мен шу қадар алданган бўлсам?! Болалигимизда Адҳамхон, Азиз — учаламиз доим хонбобога ҳавас қилар эйик... Байрамхон бўлгимиз келар эди. Шунака ўйинимиз ён бор эди. Наҳотки ўша Адҳамхон охир-окибат ҳажга етётгандан куролсиз Байрамхонни хоинларча ўлдиришга бош үшнган бўлса?

— Ҳазратим, сиз мунча оташин бўлманг. Ҳаётда нелар ғрамас! Ўслим Азиз менга айтиб берган эди. Ўша ўйинлар айтида ҳам Адҳамхон кўп ғирромлик қилар экан, ростми?

— Рост! Начора! Адҳамхонни шу бугун кечаси чақириб, Афзалбек билан юзлаштиринг. Агар жинояти рост

чиқса, Адҳамхонни ҳам ҳибсга олинг. Қандай жазо бериши-
ни кейин ўйлаб кўргаймиз.

Шамсиддин атка ўз қабулхонасиға чикқанда қоронги тушиб қолган ва қандиллардаги шамлар ёқилган эди. У шу кеча жиноятчиларни юзлаштириб улгуриши керак, чунки эртага Афзалбекни жаллод парча-парча килиб ташлади. Шамсиддин атка Адҳамхонни подшонинг фармойиши бўйича зудлик билан саройга етказиб келиш учун уйига маҳсус одам юборди.

Вакиллик лавозими Шамсиддин аткага берилганидан бўён Адҳамхоннинг аткани кўярга кўзи йўқ. Шунинг устига сирдош беки Муборизхонни атка ҳибс қилди-ю, Адҳамхоннинг дилидаги адоват яна бир даражада ошиди. Саройнинг эркаси бўлиб ўргангтан Адҳамхон энди шу атканинг харакатлари билан назардан колаётганини сезгани сари алами ошиб, ундан касд олишни кўнглига тугиб юради.

Бугун хуфтонда Шамсиддин атка уни терговга чакирганда Адҳамхон ўлфатлари билан маҳва гулидан қилинган ароқни ичиб кайф бўлиб ўлтирган эди.

— Зудлик билан бориш керак бўлса, қани Хушамхон, бирга юр,— деб каллакесар йигитини имлади.

Улар ички хонада тўнларининг тагидан ханжар тақиб олишди. Адҳамхон йигитига тушунтириди:

— Агар атка мени ҳам Муборизхонга ўхшатиб туттиромчи бўлса, ўзининг жазосини бергаймиз!

Хушамхон тушунган маънода бош ирғади. Кейин иккови ҳам тўнларининг устидан одатдагидай қиличларини тақиб олишди.

Вакилнинг қабулхонасиға кираверишда бу қиличларни ечиб олиб қолишиди. Қабулхонада ўлтирган терговчи Муборизхоннинг бўйнига олиб кўл кўйган жиноятларини ўқиб эшиттирап экан, Адҳамхон даҳшатга келди, Байрамхонни маҳфий катл эттиришда унинг ҳам иштироки борлиги тилга олинганда:

— Бўхтон!— деб бакирди.— Буни ўзларинг тўқиб чиқаргансенлар!

Шу пайт тўрдаги эшик очилди-ю, Шамсиддин атка кириб келди:

— Жаноби Адҳамхон, ҳозир биз сизни Афзалбек — Муборизхон билан юзлаштиргаймиз. Бўхтон бўлса исбот этинг.

Сири фош бўлиши мукаррарлигини пайқаган ширакайф Адҳамхон:

— Мен у соткиннинг юзини кўргим йўқ!— деди. Айни

пайтда Шамсиддин аткага карши дилида тўпланган барча кеклар, адоватлар бирдан жунбишга келди. Кайфи бўлгани учун ўзини тиёлмай бакирди: — Сен мени ҳам ҳибс қилмоқчисен! Вакил бўлганинг озми?! Энди мен ўрнингни олиб қўйишимдан қўркиб бошимга етмоқчимисен?!

Ўғли тенги йигитнинг «сен-сенлаб» айтган ҳақоратомуз гаплари Шамсиддин атканинг ҳам аччиғини келтирди:

— Сен «қўкалдошмен» деб ховлишиб кетдинг! Саройга кайф билан келибсан! Бу кетишида ўз бошиннга ўзинг етгайсан!

— Йўқ, унгача сенинг бошинг кетгай!— Адҳам орқароқда турган Хушамхонга ўгирилиб:

— Ур!— деди-да, ўзи тўн тагидан тақилган ханжарни сувурди. Уларни қуролсиз деб ўйлаб бехавотир турган Шамсиддин атка белидаги қиличини олишга улгурмай Хушамхон унинг бўйнига ханжар урди. Атканинг бўйнидан қон отилиб эшик томонга кочганда Адҳамхон кетидан етиб бориб, бикинига тиф санчди. Бу орада терговчи чакирган соқчилар Хушамхонни уриб йикитдилар. Аммо Адҳамхон юқори қаватларга қочиб чиқиб кетди.

Соқчилар уни учинчи қаватдаги ҳарамнинг эшигигача қувиб бордилар. Адҳамхон бичилган хабаш қоровулнинг хай-хайлашига қарамай, Акбар ухлаб ётган хобгоҳнинг ўйлагига қочиб кирди. Ҳарамга киришга хақки йўқ сокчилар ташқарида колдилар.

Қотиллик қилиб, ақл-хушини йўқотган Адҳамхон ғайришуурий бўр тарзда Акбардан паноҳ истаб, тақиқланган ҳарамга кирди-ю, бир жойда тўхтаб туролмай, ўйлак охиридаги айвонга ўтиб кетди.

Ҳарамнинг ичма-ич хоналари тўрида Жодҳа Бай билан ухлаб ётган Акбар пастда кўтарилиган тўполнондан чўчиб уйгонган эди. Йўйлакда ҳам шовқин эшитилгач, сапчиб туриб, апил-тапил кийинди-да, хобгоҳдан йўйлакка чиқди. Ранг-кути ўчган Рафиқ маҳрам қандай фалокат юз берганини шоша-пиша айтиб берди. Акбар бундан бир неча соатгина олдин тирик юрган аткасининг ўлдирилганига ишонгиси келмади. Унинг жасади пастда ётганини эшитиб, зинапоядан пастга югорди.

Пастдаги қабулхонанинг эшига бўсағасида Шамсиддин атка узала тушиб ётибди. Акбар унинг бошини қўлига кўтариб:

— Атка! Аткажон!— деб чакирди. Танаси ҳали совиб улгурмаган, аммо жони йўқ, Ҳумоюнни, Акбарнинг ўзини неча ўлимлардан олиб қолган бу мард, довюрак одам қўркиб

олдин мушт кўтарган номардлар дастидан ҳалок бўлгани Акбарга шундай таъсир қилдики, аткасининг юзига юзини босиб йиғлаб юборди. Сўнг бирдан Адҳамни эслади-ю, қалбida интиком туйгуси уйғонди:— Шундай одамни ўлдирган Адҳам!.. Қани у қонхўр?

— Учинчи қаватда... Соқчилардан қочиб ҳарамга кириб кетди!

Акбар хобгоҳдаги Жодха Байни эслади. Ёш келинчак котилни кўриб қўрқса!.. Акбар энди юкорига қараб югурди. Девкомат икки сокчи ва Рафик маҳрам Акбарни химоя килиш учун унинг кетидан ҳарам йўлагига чопиб кирдилар. Адҳам айвонда пусиб турар эди. Қонли ҳанжари ҳали ҳам кўлида. Айвонга тушиб турган ой ёргуғида кўзлари кутурган йиртқичникидай чақнаб кўринди. Қуролсиз Акбар ҳансирағ унга яқинлашар экан:

— Не килиб қўйдинг, аблах?!— деди.

— Алам ўтказди, қасдимни олдим!— хириллаб деди Адҳам. У ўзини ҳак қилиб кўрсатмокчи бўлаётгани Акбарнинг ғазабини яна бир даража оширеди.

— Байрамхонни ўлдирганинг озмиди?!— деб кўкалдошининг юзига тарсаки урли. Адҳам телбаларча бақириб:

— Бас! Сени ҳам ўлдиргаймен!— деди-ю, ҳанжарини кўтарди. Одам ўлдириб кутириб кетган Адҳамга энди бари бир эди. У Акбарнинг кўрагига ҳанжар санчмоқчи бўлганда, ўнг томондаги сокчи билагидан маҳкам тутиб олди. Айни вақтда, Акбар унинг қулоги аралаш бўйнига шундай куч билан мушт урдики, Адҳамхон гандираклаб йиқила бошлиди-ю, ўзидан олдин ҳанжари ерга «шақ» этиб тушди.

— Богланг бу иблисни!— буюрди Акбар соқчиларига. Мушт зарбидан бўшашиб қолган Адҳам қўли боғланишига қаршилик қиломади. Соқчилар уни хибсга олиб кетмоқчи эдилар. Лекин ғазабдан ранги ўчиб, Адҳамнинг кўкалдошлигини унутган Акбар:— Улоқтиринг буни пастга!— деб кичкирди.

Шу пайт Кобулда Акбар уч яшарлигига боши устидан учеб ўтган тўп ўқининг ваҳшати борлигини қайтадан куюндей чулғади. Улар учинчи қаватда турган эдилар, ҳовлига тош тўшалган эди. Айвондан улоқтирилган одам тошга урилиб ўлиши аниқ. Шуни билган қўрикчилар бир лаҳза иккиландилар. Лекин ғазаби авжига чиқканда ўзини билмай коладиган Акбар яна бақириди:

— Улоқтиринг!

Акбар каттиқ ғазабланганда важоҳати ўзгариб, канчалик қўркинчли бўлиб кетишини йигитлари энди кўрдилар. Улар қўли боғлоқлик Адҳамни шоша-пинча айвондан пастга

улоқтирилар. Адҳам учинчи қаватдаи кулақ тушаётганда жон аччиғи билан бақириди. Ҳовлига тўшалган ясси тошларга боши билан қарсиллаб урилганда бақириқ бирдан узилди-ю, овози абадий тинди.

Лекин Шамсиддин атканнинг уйидан эшитила бошлиған дод-фарёдлар туни билан босилмади. Бўғиқ ва аччиқ йиги товуши Моҳим энаганинг ўйини ҳам тўлдириди.

Шамсиддин атканнинг хотини Жажжи энага, ўғли Азиз қўқа ва бошқа яқинлари Адҳамхонни карғаб йиглайди. Аммо Моҳим энаганинг бутун дарду алами ичида. Уйидан ташқарига чиқадиган аҳволи йўқ, ўттиз-қирқ йиллик қадрданоларининг кўзига кўринишга юзи чидамайди. Ўғли шунчак жинояти устига Акбарга ҳам ҳанжар ўқталгани энаганинг мусибати устига қўшилган яна бир оғир маломат бўлди. Адҳамхонни тобутга солиб уйдан олиб чиқаётганиларида Моҳим энага шундай ўртаниб йингладики, оёққа туролмай, кўнгли озиб йиқилди. Уни бехуш аҳволда уйга кўтариб кириб, тўшакка ётқиздилар.

Хушига келганда кўзини очса, тепасида Акбар турибди. Ранги ўчган, лаблари парпирайди:

— Улуғ эна!.. Не қилай? Айтинг! Менинг ҳам илким кон! Гуноҳим катта!

— Ҳибс қилдирсангиз бўлар эди-ку...

— Ҳибс қилдириншга улгуrolмадим!.. Сизнинг олдингиздаги гуноҳимни энди не тавр ювай? Айтинг!

Моҳим энаганинг кўзларида ёш гилтиллади.

— Э, воҳ! Бу дунё ўзи бевафо, нопок... Ҳаммага қораси тегаркан... Берган ок сутим ҳам булганиб кора бўлди!.. Адҳам, жигарпорам!.. Минг марта айтдим... Қулоқ солмади... Эй, худо!.. Одам нечун бундай яратилган?

— Адҳамни ўтга итариб, ўзи четда турган гаддор, одамлар бор, улуғ эна! Ёшлиқ қилиб пайкамай юрган ёқанимиз, замон, мухит мен сунянган тогларни ўзимнинг илким билан қулатиш харакатида экан. Минбаъд бу иблис мухит билан бошқача олишгаймен! Менга сизнинг мададингиз керак, улуғ эна! Табибларни юборай, даволаниб, тезрок обёкка туринг!..

Бирор табибларнинг давоси кор килмади. Моҳим энага тўшакдан қайтиб туролмай, ўғлининг кирки арафасида жон берди.

Акбар фарзанддек унинг тобутини кўтаришди. Моҳим энагани Деҳлининг машхур Кутб минори ёнига иззат-икром билан дағи этдилар.

СЕКРИ. БАЛОГАРДОН

Сабзаранг түтикушлар дараҳтдан дараҳтга чугурлаб үтади. Қорин оқ, усти қўнгир маймуналар шохларга осилиб ўйнайди. Бўлик ўт-ўласларни кимирлатиб, чипор илон ўрмалаб үтади. Қаердандир узокдан овчилар чалган нафир¹ товуши ва филинг наъра тортгани эши билади.

Ўрмон ичи серсоя, салқин. Кесиб кетилган дараҳтлардан бирининг кундасида Акбар ўйга чўмид ёлиз ўлтирибди. Ҳозир ҳеч кимни кўргиси, ҳеч ким билан гаплашгиси келмайди. Суянган одамлари бирин-кетин ҳалок бўлгандан берли минг отлик араванинг бутун оғирлиги унинг зиммасига тушган, саройнинг оғир муҳитида энг яхши ҳислари сўнаётгандай, дилини қандайдир караҳтлик чулғаб олаётгандай туюлади. Бугун у Секри ўрмонларига овга чиқкан эди. Лекин ов қиласиги ҳам келмади, соқчиларни адаштириб мана шу кимсасиз жойни топиб паналади.

У ҳозир ўрмоидаги бирон жоноворни ўлдиришдан кўра қалбидаги яхши ҳисларни тирилтиришга кўпроқ эҳтиёж сезади. Лекин соатлар үтади, вужудидаги караҳтлик ва руҳидаги сўниклик ҳеч тарқамайди. Бир пайт орка томондаги сўқмоқдан кимдир ўтларни шитирлатиб оҳиста юриб келаётганини эшилди. «Шу ерда ҳам тинч кўйишмайди-я», дегандай норози бўлиб орқага ўгирилди. Оқ ридо кийган нуроний мўйсафид ҳассасига суяниб сўқмоқдан унга караб келмоқда эди. Акбар Салим отани таниди-ю, беихтиёр ўрнидан турди.

Санганирдаги никоҳдан берли Акбар уни кўрмаган, лекин унинг сұхбатини олишга иштиёқманд пайтлари бўлган эди. Шунинг учун Акбар унга пешвоз чиқди. Салим ота кўришаётib:

— Биз томонларга хуш келибсиз! — деди.

— Ўйингиз шу ердами, Салим ота?

— Ҳа, ўрмон четида кулбам бор... Ҳазрат онангиз сизни «бормоқчи» деган эдилар. Етти йилдан берли мунтазирмен.

— Нечун етти йил?

— Жайпурдаги тўйга етти йил бўлди-ку.

Акбар вақтнинг тез ўтганидан таажжубланди. Кечагидай ёдида турибди: Санганирда Салим ота никоҳ ўқигани учун Акбар унга икки юз минг рупий инъом берди. Чунки подшоларнинг никоҳи учун катта инъом бериш азалий одат эди. Ҳумоюн Ҳамида бонуга уйланганди, қувгинда юрганига қарамай, Абдулбақо деган одамга никоҳ ўқигани учун икки

¹ Нифир — сурнайнинг бир тури.

миңг рупий берганини Акбар онасидан эшилган эди. Ленин Салим ота бу инъомни қабул кильмади:

Бойлик имонини бузгай. Менинг устози қалоним Фаридиддин Ченитига Элтутмиш деган подшо тўртта қиши и ўн икки минг бигх¹ ери билан инъом қилганда узр олмаган эканлар. Подшолар давлат харажатлари учун ёғ йиғиб, ҳазина сақлашлари, албатта, жоиз. Аммо ни ҳақ йўлига бағишлийдиган сўфийлар бойлигу марта маънида бўлмаслиги керак. Олов ўтинни қандай тез тириса, тамаю бойлик сўфиининг имонини шундай еб трай... Маъзур тутинг, мен икки юз минг рупийни магаймен.

Эҳтимол, бу инъомни бева-бечораларга хайру эҳсон бор таркатурсиз? — сўради Акбар.

Ҳазратим, агар бева-бечоралар хурсанд бўлсин иғиз, уларни адолатсиз соликлардан өзод қилинг.

— Қайси солик адолатсиз экан, Салим ота?

— Жизя мусулмонлардан олинмайдир. Уни факат гайринилар тўлашга мажбур. Сиз хинд кизига уйландингиз, минг имону эътиқодини эҳтиром этмоқдасиз. Бунинг учун ишча минг ташаккур. Аммо сизнинг қайнатангиз Бҳари Мат, бошқа хинд кариндошларингиз каби жизя солигини тушга мажбур. Бу — адолатданими?

— Ахир жизя — шариатда бор эмиши-ку?

— Э, шариатда йўл кўп! Уни истаган томонга буриб фаат курувчи тамагир руҳонийлар бор. Хиндистонда киз асрдан бери ўнлаб мусулмон подшолари ўтган, лекин ортаси шу адолатсиз соликни бекор қилишга журъят ташаккур. Умидим борки, энди шунга сиз журъят этурсиз! Бирор бечораларга қилган хайру эҳсонингиз ҳам, менга ҳам улуғ инъомингиз ҳам шу бўлгай!

Акбар ўшанда бу сўзларга жавоб тополмай лол бўлиб қолган, Салим ота эса икки юз минг рупий инъомни олмасдан, дастурхондан факат иккита ион олиб белига туккан ва Секрига пиёда қайтиб кетган эди.

Муслиму хиндни бир-бирига карши қўймасдан олиқ-солик бобида уларни баробар қўришини Акбарининг ўзи ҳам жуда истарди.

Акбар тажриба учун жизяни бир йилга бекор килди. Шунда дин пешволари Ганг бўйида ҳокимлик қиласиган Аликулихон ва Баҳодирхонларни Акбарга қарши қўзгатдилар. Жизядан катта даромад оладиган бу беклар Акбарни

¹ Бигх — бир гектарнинг учдан бири. Ўн икки минг бигх тўрт минг гектар.

«диндан чиққан дахрий!» деб эълон қилдилар. Хутбани Акбарнинг Кобулдаги ииниси Муҳаммад Ҳаким номига ўқита бошладилар.

Панжобдаги мутаассиблар ҳам Аликулихонга қўшилиб, Акбарнинг итоатидан чиқиши хавфи тугилди. Шундан сўнг Акбар жизяни қайта тиклашга мажбур бўлди. Аликулихон бари бир унинг ҳокимиятини тан олмади, Ганга бўйида Акбарга карши қилич қўтариб жангга чиқди. Бу жангда унинг ўзи ҳам, ииниси Баҳодирхон ҳам ҳалок бўлдилар.

Акбар бунинг ҳаммасини Салим отага айтиб берди-да:

— Солик бобидаги ислоҳот бизни икки ўт орасида қолдирди! — деди. — Амиру беклар исёнини бартараф ки-лишга улгурмасимдан дехқонлар гулу кўтардилар. Ҳатто шу Агра атрофларида ҳам қароқчилар куррурий¹ларни ўлдириб, пулларини талаб кетмишлар!

— Бу ҳодисадан менинг хабарим бор,— деди Салим ота.— Куррурийлар солик йигиш хукуқини сиздан сотиб олгандан сўнг инсофни унуганлар. Дехқонлардан соликини уч ҳисса ортиқ йигиб, бир ҳиссасини давлатга берсалар, икки ҳиссасини ўзлари олмишлар, судхўрлардан баттар бойиб кетмишлар.

— Нафсини тиймаган куррурийларни биз жазога тортдик. Аммо қароқчилар уларнинг пулларини горат қилган экан...

— Эшитдим, сиз ўзининг жанговар филни миниб гулу кўтаргандарга қарши қўшин тортмишсиз. Лекин куррурийлар адолатсизликдан безор бўлиб исён кўтарган дехқонларни сизга «қароқчи» қилиб кўрсатган экан. Бу дехқонлар куррурийларни горат қилган эмас, икки-уч ҳисса ортиқ ундирилган солик ҳақини қайтариб олган!

— Шу ростми, Салим ота?

— Ростки, мана, тепамизда яратганинг ўзи гувоҳ. Мен кўрган нарсамни айтмоқдамен. Ҳолбуки амалдорлар воқеани сизга бутунлай тескари тушунтирибдир.

Акбар исён кўтарган «қароқчиларнинг» қишлоғига бостириб борган пайтини, ўзи мингдан зўр фил томига похол ёпилган қулбаларни оёги билан уриб йиқитганини, шунда бамбук ходалари орасидан қароқчилар эмас, аёллар ва болалар чинкириб чинқашини эслади-ю, хижолат чекиб деди:

— Хом сут эмган бандада... алданган эканмиз. Куррурийлардан бутунлай воз кечдик. Солик маҳкамаларига бошқа инсофли одамларни қўймоқдамиз.

¹ Куррурийлар — солик йигиш хукуқини давлатдан сотиб олган пулдорлар.

— Ҳайрли бўлсан! Бироқ нечун маънос кўринурсан? — Мени эзиб юрган ташвишлар тогнинг тошларидаи күн. Қайси бирини айтай?

— Лекин зафарлариниз ҳам кўп-ку. Нечун улардан қуонмайсиз? Читорда катта жасорат кўрсатибсиз. Овозаси Секира ҳам келди...

* * *

Акбар Дехлининг ғарби-жанубида уч юз эллик мил уюкликда жойлашган Читор қальясини эслади. Мевар ишоятигининг маркази бўлган бу қалья тоғ тепасига жуда мустаҳкам қилиб курилган эди. Бир вактлар Ҳумоюн итоатида бўлган бу вилоятни Акбар тинч йўл билан яна марказий давлатга қўшмоқчи бўлди ва қайниси Ман Синхни Читор саркардаси Жаймалнинг олдига юборди.

Аммо Ман Синх Читор қальасига борганди Жаймал унинг олдига келиб гаплашиши ҳам ўзига муносиб кўрмади. Ман Синх қалья ичидаги бир хонада уч соат бетоқат бўлиб кутди-ю, ахийи натижасиз қайтиб кетди. У кетаётгич орқасига қараса, Жаймал келиб одамларига қаттиқ-каттиқ ганирипти:

— Хонин Ман Синх ўлтирган хона унинг нафасидан ҳиром бўлди! Энди бу хонага муқаддас Ганга сувидан сениб, уни покланглар!

Хинча имону эътиқодини пок тутадиган Ман Синх учун бу гаплар мисли кўрилмаган бир хақорат эди.

Читор тўрт ойгача Акбарга дарвоза очмади. Қалья ҳимоясини ўша Жаймал бошқармоқда эди. Акбар уига мактуб йўллади:

«Жаймал Ратхорни ботир йигит ва фил жаигига уста деб эшитдик. Шу гап рост бўлса фил миниб майдонига чиқсан. Мен у билан яккама-якка фил жангига қилемокчимен. Икковимиздан қай биримиз голиб чиқсан, ўшанинг қўшини чифарға ёришган хисоблангай. Уруш ортиқча талафотсиз тутагай!»

Лекин Жаймал Акбарнинг бу таклифини қабул килмади — у дарвозани очиб, қальбадан чиқса алдаб кўлга туширишлари мумкин деб ўлади. Шундан кейин Акбар яна қалья деворлари тагидан нақб қазишини буюрди. Бирдан ети-саккиз минг одам казиган нақбга борут кўйиб портлагалар, мустаҳкам девор ҳам кулаши мумкин эди. Бундан хинотирга тушган қалья ҳимоячилари тўп-тўп бўлиб девор устига чиқдилар-да, пастана нақб қазиётгандарнинг устига

оғир тошларни, ёниб турган ходаларни ота бошладилар. «Тўра» деб аталадиган катта қалқонлар Акбарнинг одамларини тенадан ўклар ва тош-пошлардан ҳимоя қилас, янги-янги кучлар шу қалқон тагида девор тагига етиб бориб, уни мўри-малаҳдай кемириб, нақб қазир эди.

Акбар бу тўполонни атайлаб кўтартирган эди. У қалья деворига баробар турган сунъий тепалик устида шох-шаббаплар ва тошлар панасида ўлтириб, Жаймалнинг қалья девори устига чиқишини пойлай бошлади. Пастда ҳужум кучайиб кетгач, Жаймал ҳимоячиларга бошчилик килиш учун девор тепасида пайдо бўлди. Аммо ора хийла узок, Акбар Жаймалнинг факат суратини кўрган, уни таниб олиши осон эмас. Лекин табиат Акбарга фавқулодда ўткир кўз берган. У кундуз куни осмоннинг қўёшидан узокроқ турган қисмларига тикилиб қараса, милт-милт килиб турган юлдузларни кўради. Ҳозир у қалья деворида турган Жаймалнинг овонини эшитмаса ҳам, ҳимоячиларга буйруқ бергандা лаблари қандай қимиirlаганингча кўрди-да, «Новак» деб аталадиган каттакон ёйга ўқ жойлади.

Новакни факат билагида кучи кўп йигитларгина ота олар, унинг ўки оддий ёйнидан узокроқка борар ва қаттироқ тегарди. Девор устидаги Жаймал ҳам новакдан пастга кетма-кет ўқ отиб, Акбарнинг йигитларидан учтўрттасини кулатди. У новакка яна ўқ ўрнатаётган пайтда Акбар кўтарма устидан отган ўқ Жаймалнинг чап кўкрагига шундай куч билан санчилдики, ярмигача ботиб кетди. Жаймал девордан йикилиб кетадиган бўлгандан уни ёнидагилар тутиб қолдилар. У ўша куни жон берди.

Бу ҳодиса жанг тақдирини ҳал килди. Саркардасидан айрилган читорликлар ғалабадан умидини уздилар. Аёллар жавҳар одати бўйича ёв қўлига тирик тушмаслик учун ёппасига ўзларини ёниб турган гулханга ташлаб, куйиб ҳалок бўлдилар. Тирик қолган йигитлар эса Патта деган довориак ражпут бошчилигига аргувон рангли кийим¹ кийишиб, қалья дарвозаларини очдилару Акбар томонга ҳамла килдилар. Нақд ўлимни бўйинларига олиб жанг килган ражпутлардан бирининг новакдан отган ўқи Акбарнинг бошидаги дубулгага тегиб ўтди.

Бирдан Акбар уч ёшдалигига Кобул аркида тўп ўқига нишон бўлиб турган пайтидаги даҳшатли туйгулар қуюни қайтиб келди-ю, уни чирмаб айлантира бошлади. Читорда гўзал аёлларнинг жавҳар ўтида куйиб ўлганлиги ҳам унинг

¹ Аргувон рангли кийимини жангда шахид бўлишини бўйинга олган ражпутлар кийган.

гўзабини авжига чиқарди. Кобулда тепасидан учиб ўтган тўп ўқи қулоғига эшитилиб кетганда ўзини билмай қоладиган Акбар:

— Жоҳилларни асир олманглар!— деб қичкирди. Шунда гўё қулоғи тўп ўқидан битиб қолгандай, ўз овози ўзига эшитилмади:— Қатлиом қилинсин! Читорда қатли-ом!!

— Қатлиом!— деган фармон сафлар бўйлаб тарқалди.

Читор аҳолиси орасида бегуноҳ ҷоллар, аёллар, болалар бор эди. Уларнинг қатлиом қилина бошлаганидан даҳшатга тушган Ман Синг жанг майдонидан Акбар турган тепаликка от чоптириб борди. Қатлиом ҳақидаги фармонни бекор этишини ўзининг ражпут жангчилари номидан қатъий илтимос қилди. Акбар бу фармон туфайли бутун ҳинд элини ўзидан бездириб қўйиши мумкинлигини энди сезди. Ҳушини йигиштириб, қатлиомни тўхтатиш ҳақида янги фармон берди. Аммо бу фармон барча жангчиларга етиб боргунча қанча бегуноҳ одамлар ҳалок бўлди. Уларнинг кўчаларда қалашиб ётган жасадлари ҳалигача Акбарнинг кўз олдидан кетмайди.

Уни мерганлиги ва Жаймални отиб ғалаба келтиргани учун мақтайдиганлар кўп. Лекин Акбар Читорда беҳуда тўқилган қонлар учун ўзини айборд сезади. Бу қальянинг мард ҳимоячилари Жаймал ва Паттага ич-ичидан тан бергани учун ҳинд ҳайкалтарошларига бўюртма бериб, уларнинг мармар ҳайкалларини ясадти.

Бу орада Аграда янги Лаъл Қалья қуриб битирилган эди. Фил устида ўлтирган Жаймал ва Паттанинг ҳайкаллари Акбарнинг буйруғи билан қалья дарвозасининг икки томонига ўрнатилди. Қалья ичиди Жодҳа Бай учун ҳинчча ибодатхона қурилганидан норози бўлиб юрган мутаассиблар ёнди қальяга кираверишида қўзга ташланиб турадиган ҳайкалларни кўриб «булпарастлик бизга макруҳ!» дейишар ва юзларини буриштириб ўтишарди. «Подшомиз ғурурга берилиди, ўз ғалабасини кўз-кўз қилмоқ учун мажусийларга ҳайкал ўрнатди», деб, Акбарни чекка-чеккада ёмонлаб юрган беклар ҳам бор эди. Хуфиялар подшога ҳамма гапни стказиб келишарди. Унинг қабулига келган сипоҳилар ва мулозимлар ҳам бир-бирларининг устидан шунчак кўп чақимчилик қилишар, бир-бирлари ҳақида шундай ёмон маълумотлар беришар эдик, гоҳо Акбарнинг одам зотидан ихлоси қайтиб кетарди. Ҳеч кимни кўргиси ва ҳеч ким билан сўзлангиси келмай қолар эди.

Ҳозир шу ўрмонда нуроний чол Салим отага дилини ғриб:

— Одам иечун бундай яратилган? — деди Акбар. — Мархум энагам берган бу саволга ҳамон жавоб тополмаймен... Фақат бошқалар әмас, ўзим ҳам... газаб устида шафқатсиз ишлар килиб, кейин бундан изтироб чекиб юурмэн... Читорда қанча бегуюҳ конлар түкилди. Виждон азобини босмоқ учун ҳалок бўлганиларнинг иккитасига ҳайкал қўйдирсан... одамлар шундан ҳам айб топмоқдалар...

— Рост, инсон зоти даҳшатли зиддиятлар исканжасига тушиб қолмишdir. Ташики оламда унга адолатсиз мухит, шафқатсиз замона азоб берур. Ичида эса ушалмайдиган орзулар, турли истак-интилишлар, нафсу ғурур хуруж қилур. Агар инсон зоти шу ички-ташки зиддиятлар исканжасидан кутулса оламда ундан кудратли, ундан доно, ундан мукаммал жонзод топилмагай.

— Бу исканжадан қутулиши мумкинмикин ўзи, Салим ота?

— Фақат инсони комилнинг кутулмоги мумкин.

— Инсони комил — ривоятлардагина бор. Ҳаётда мен хеч кўрмадим.

— Инсони комил — мутлақ ҳакиқат каби юксак эътиқодdir. Қалбига шу ёътиқодни жойлаган одам ташки оламдан ҳам, ўз дилидан ҳам нуқсону иллатларни баҳоли кудрат йўқотиб боргай. Такомил йўли — ботиний дунё орқали ўтгай. Ҳар биримизнинг ичимиизда нафс, обрўпарастлик, бошқа ўжар истаклар борки, улар гоҳо ташки душмандан ҳам хатарлироқ бўлтур. Уларни енгии — ўрмондаги арслонни енгишдан ҳам каттароқ матонат талаб қилгай. Агар ташки душманни енгсангизу ичингиздаги нафс, газаб, шаҳват каби балоларни енголмасангиз, улар ғолиб келиб, сизга ёмон ишларни қилдирса, нариги катта ғалабангиз татимагай. Ўзингиздан-ўзингиз енгилиб, таъбингиз кир бўлиб юргани — ёмон бир маглубият эмасми?

Салим ота Акбарнинг вужудини карахт килиб турган совуқ музни ўзининг ҳароратли нафаси билан эритаётгандай бўлди. Акбар шу ҳароратга дилини янада яқинроқ тутгиси келиб:

— Рост! — деди. — Ташки зафарларим ичидан кутилмаган дилсиёҳликлар чиқиб келмоқда, мен уларга қарши чора тополмай лолмен!

Салим ота Акбарнинг очикроқ сўзлашини кутиб, юзига тикилганча жим турди. Лекин Акбар охири ҳарамга бориб тақаладиган ўта чигал дилсиёҳликлар ҳақида қандай сўз очишни билмай бир лаҳза сукут қилди.

Унинг хинҷ үлуси билан янгича сиёсат юргизаётгани фақат давлат ишига әмас, шахсий ҳаётiga ҳам кутилмаган

ишишлар олиб кирмоқда эди. Читорнинг олинишида Акбарнинг ўзи жасорат кўрсатгани, Жаймал билан Патшанинг қаҳрамонлигига тан бериб, уларга Аграда ҳайкал кўйдиргани, саройда Ҳағвон Даҳ, Тодар Малкаби ҳиндоларга юксак лавозимлар бергани, Жодҳа Бай учун қалья ичида маҳсус ибодатхона қурдиргани бутун мамлакатда овоза бўлиган, ҳали марказий давлатга бўйсунмаган ражпут рожаларининг унга муносабати ўзгара бошлаган эди. Читордаги ғонг Акбарнинг бошқа ражпут кўргонларини олишга ҳам кучи етишини кўрсатди. Бехуда қон тўкилмасин учун Акбар тоҳ Ҳағвон Даҳни, гоҳ Ман Синхни душманлик руҳида кўришни ражпут кўргонларига элчи қилиб юборар эди. Бунди инлоятидаги энг мустаҳкам кўргон — Рағтхамбхор қамал қилини ан пайтда эса Акбарнинг ўзи навкар кийимини кийиб, яни Ман Синхнинг ёнида оқ байроқ кўтарганча қальага кириди. Қалья химоячиларининг бошлиги Суржан Рао аввал Акбарни танимади. Ман Синхни жеркиб:

— Сенлар ражпут ғурурини ерга буқдиларинг, Жайпурни урушесиз топширдиларинг, муслимлар қанча камситсалар им бўйин эгиг туришларинг уят эмасми? — деди.

— Биз қайси камситишларга бўйин эгимиз, маҳаро? — деб сўради Ман Синх.

— Жизя солиги олиш — камситиш эмасми? Ражпут саркардаси девониомга курол тақиб кириши мумкин эмис. Демак, подшо сенга ишонмайди. Бу — камситиш эмасми? Ражпут кизлари саройга тортиқ тарзида юборилиши керак. Подшо уни қонуний қилиб никоҳига олмаса! Фақат вақтинчалик жория... Камситиш бундан ортиқ бўлурми?

Акбар магрур эл бўлган ражпутларнинг бу гина-кудуратларини навкар кийимида туриб ўз қулоги билан эшигандан сўнг:

— Маҳарожа, — деди Суржонга, — сиз ҳақсиз, бу камситишлар бартараф этилмоги керак. Шу шарт билан сулҳ тушнига розимисиз?

Суржон Роанинг атрофидаги мулозимлардан бири Дехлида Акбарни кўрган экан, уни таниб қолиб:

— Маҳарожа, бу сўзларни сизга Акбарнинг ўзи айтмоқда! — деди.

Ончи Ман Синх ҳам оқ байроқ кўтариб кирган навкарнинг Акбар эканини энди айтди. Суржон Раонинг одамларини бири:

— Дарҳол тутмоқ керак, ғалаба бизники бўлгай! — деди. Аммо Акбар Суржон Раога қараб:

Мен сизнинг мард, олижаноб саркарда эканлигини-

гизга ишонганим учун хузурингизга ўзим келдим,— деди.—
Бизда «Элчига ўлим йўқ» деган макол бор!

Суржон Рао Акбарнинг довюраклигига тан берди-ю:

— Ражпутлар ҳам оқ байроқ кўтариб келган кишига
тажовуз килмайдиган мард улусдир!— деди.

Шундан кейин Бунди вилоятидаги уруши — ярашга айланди. Акбар Суржон Рао қўйган шартларни қубул қилиди. «Ражпутлар ҳам девониомга қурол тақиб кириши, қалья дарвозаси олдигача накора чалдириб бориши, жизя солиғини тўламаслиги, отларига подшонинг тамгасини босмаслиги (куйдириб босиладиган темир тамгадан отнинг сағрисида ёмон дод колар эди) мумкин» деган янги қонун жорий этилди. Суржон Рао иккита ўғлини бир неча минг ражпут йигитлари билан Акбар хизматига юборди.

Бунди вилояти шу шартлар асосида Акбар давлатига ихтиёрий равишда қўшилганда кейин гарбда Жайсалмир, Биканир, Жоудхпур, жануб-шарқда Қаланжар каби ражпут вилоятлари ҳам марказий давлатга қўшилиш ҳакида жиддий ўйлай бошладилар. Икки орада турган воситачилар юкоридаги шартлардан ташкари ражпут рожаларига Акбарнинг номидан сўз бердиларки, агар улар подшони күёвликка муносиб кўрсалар, саройга юборадиган қизлари Жодҳа Бай каби қонуний никоҳдан ўтади, хинҷча расм-русларига бемалол риоя қилиб, иззат-икромда яшайди.

Биканур рожаси Каҳана Рао Акбарнинг қаламравига ихтиёрий равишда ўтди-ю, ўзининг гўзал кизини Акбарга никоҳлаб бермоқчи эканини айтди. Махсус карvon Бҳагван Дас бошчилигига Аградан Биканирга бориб, бу қизга подшонинг совға-саломларини етказди, сўнг уни сепи ва қариндошлари билан пойтахтга олиб кайтди. Қальада бу қиз ҳам Жодҳа Бай каби Акбарнинг никоҳига ўтди, сарой аҳли уни қонуний маликалардан бири деб тан олди. Шерхонни беш ой овора қилиб таслим бўлмаган ва уни ўлдириб тинчиган Қаланжар ҳам энди Акбар давлатига ихтиёрий равишда қўшилди ва унинг ҳарамига яна бир кўхлик қизни келин қилиб юборди.

Янги қўшилаётган вилоятларнинг рожалари билан алоқани мустаҳкамлаш учун уларга қон-қариндош бўлини жуда зарур, янги сиёсат буни тақозо қиласди. Аммо шариат бўйича Акбар тўрттадан ортиқ хотин олиши мумкин эмас. Лекин баъзи рожа ва маҳарожаларнинг ўнлаб хотинлари бор, хинд дини бунга алланечук йўл топиб беради. Жайсалмир ва бошқа вилоятларнинг рожалари Акбарни ҳам ўзлари каби кўп хотин олишга хақли деб ҳисоблаб, униңг саройига

янги-янги қизларни сеплари билан келин қилиб юбормоқчи бўлишиди. Уларнинг шаҳдини қайтариш мумкин эмас. Акбар Жайпурга ёки Қаланжарга кўёв бўлган экан, нега Рантхамбхорга ёки Жоудхпурга¹ кўёв бўймаслиги керак? Яна тагин бу вилоятларнинг рожалари Акбарнинг дилини забт этиш учун бири-биридан жозибали, бири-биридан ақсли қизлари чи саройга юборишига интилишмоқда. Бунинг ҳаммасидан сабардор бўлган Акбар қозикалон Хўжа Ёкубни хузурига тикириб, шариатдан бирон йўл топиб беришини сўради.

— Ҳазратим, тўрт хотиндан кейингиси факат жория пўлмоғи мумкин,— деди Ансорийнинг тарафдори Хўжа Ёкуб.

— Лекин мутьа деган никоҳ ҳам бор эмиш-ку!

— Мутьа — шиалар ўйлаб топган никоҳ. Сиз пок суннит мазҳаблик тождорсиз.

Акбар қозикалоннинг семиз юзига нохуш тикилиб:

— Тақсир, сиз ўйлни тор олмокдасиз,— деди ва эртаси куни қозикалонни ёмон кўрадиган мулла Жалолиддин деган козини девони хосга чакиритирид.

Мулла Жалолиддин Хўжа Ёкубнинг ракиби эди. Акбарга иҳши кўриниш учун қалин бир диний китобни вараклади-да, ичниуният билан:

— Тондим!— деди.— Мана, ҳазрати расули оллоҳ¹ давлатда мутьа никоҳи шаърий бўлган. Кейинги халифалардан ўсмон уни бекор қилишидир. Аммо халифадан кўра расули оллоҳ баландроқ, унинг даврида неки шаръий саналган оўлса, ҳазратим учун ҳам бу ҳалолдир.

Шу тарзда мулла Жалолиддин Хўжа Ёкубдан билим-опроқ эканини исбот қиласди-ю, унинг ўрнига қозикалон ўлиб олди. Ҳар сафар мутьа никоҳини ўқиганда подшо унга ўмён-ҳамён олтин ҳам инъом қилиб турди. Хўжа Ёкубнинг ишонидан тушиши эса шайх Ансорийни хафа қилди ва шинг Акбарга бўлган яширин адватини янада кучайтириди.

Шарнат ҳам қонуний йўл топиб бергандан сўнг, Акбар ир йили ўз давлатига ихтиёрий равища қўшилаётган билан маҳарожа ва раоларга кўёв бўлди.

Ишонидан ҳам, ота-оналар ҳам, сарой муҳити ҳам буни қонунисоблайди, янги қариндошлар эса мартаба ортирганин мамнун.

Рантхамбхор, Жоудхпур — Ражпутана ўлкасидағи шаҳр.

Професор оллоҳ — оллоҳнинг элчиси, яъни Мухаммад пайғамбар.

Пароканда ўлкаларни қариндошлик йўли билан ҳам бирлаштириш мақсадида янги-янги рожа варайларга куёв бўлган Акбар авваллари ўзининг йигитлик кучи ва жозибасидан ғуурланиб, хотинлари уни талашишидан «толеим баланд экан» деб шукухи ортиб юрди. Лекин вакт ўтиши билан бу ширин ҳаётнинг тагида аччиқ оғуси борлиги сезилди. Шунча хотин битта эрга кўз тикиб, кундошлик азобида қовурилиб яшаши оғир дилсиёхликларга сабаб бўлди, ҳомиладор Жодҳа Бай касал бўлиб қолди. Унинг чала туғилган эгизак ўғилчалари бир ой ҳам умр кўрмай вафот этди. Салима бегим қиз туқкан эди, у ҳам турмади. Акбарга меҳр қўйган бу ёш оналар энди ундан оқибат кўрмаганлари учун шундай ўртаниб йиглашади, фарзанд доғида шундай куйишадики, Акбарнинг капалакдай гулдан-гулга ўтиб олган лаззатлари энди заҳарга айланиб бурнидан чиққандай бўлади. Шундай хотинлари бўла туриб, ҳалигача биронта фарзанди йўклиги уни тегирмон тошидай эзади.

Хозир ўрмонда танҳо ўзи ғамга ботиб ўлтирганининг бир сабаби шу эканини у Салим отага айтиб берди:

— Ёшим йигирма еттига кирди, ҳамон ўғилга зормен. Бу не бадбаҳтилкки, бир эмас икки ўғилни тупроқка топширдим! Мудом жанг жадалларда, хавфу хатар ичиди юрибмен. Куним битса ота-боболар меросини кимга топшириб кетгаймен?

Салим ота тасалли беришга шошилмай сукут сақлади. У сўнгги марта Деҳлида Ҳамида бегим билан кўришганда, бегим ҳам невараси йўклигидан кўп армон қилган, Акбарнинг ҳарами катта бўлиб кетганини, бўйида бўлган келинлари ҳам кундошлик дўзахида ҳомилани асраб қололмаётганини куюниб сўзлаган эди.

— Эҳтимол, ирсият ҳам сабабчиидир,— деди Салим ота.— Ҳазрат отангизнинг ҳам биринчи ўғиллари турмаган. Кейин сиз туғулганингизда отангиз... ўттиз тўрт ёшда бўлганилар?

— Наҳотки, ирсият мени ҳам ўша ёшгача ўғилга зор қилса?

— Сиз бобонгизга тортган бўлишингиз мумкин.

— Лекин отам туғилганда бобом йигирма беш ёшда бўлганилар. Мен бу ёшдан ўтдим.

— Шоҳ ўғлим, агар сизга оғир ботмаса, дилим сезган аччиқ бир хақиқатни айтай.

— Майли, оғир ботса ҳам майли, айтинг!

— Ирсият — ноёб бир гавҳардир. У авлоддан авлодга бутун ҳолида ўтсагина яшаб кета олгай. Агар йирик гавҳар-

ни майдалаб кукун килиб сочсангиз, унинг гавҳарлиги колмагай.

Акбар Салим отанинг нима демокчилигини фаҳмлаб, куни хижолатдаи бир қизарди. Лекин дилига қадалиб турган ташарли тиканларни Салим ота бехато топгани уни койил килди. Бу тиканларга бирор тегинса дили озорланади, аммо уларни сугуриб олиб ташламагунча вужудидаги қархатлик, руҳидаги сўнниклик йўқолмайди. Қалби озор чекса ҳам, бу тиканларни фақат Салим отанинг қўли билангина олиб ташлаши мумкинлигини сезган Акбар:

— Сўзингиз ҳак, давом этинг, ота!— деди.

— Табиат ҳамма жонзотлардан ўзига муносиб насл иратгай. Йигирма-ўттизита эчкига битта така. Ундан ҳам кўп совлиқка битта қўчкор. Лекин эчкидан улок туғулгай, совлиқдан — қўзи. Улардан арслон туғулмагай! Сиз эса инсонсиз. Инсонлардаги жуфтлик арслонларга ўхашадир. Ўрмонда арслонларни кўргансиз. Ота шер она шерга қанчалик меҳрибон, қанчалик содик! Ана шу туфайли ирсият гавҳари бир нуктага жам бўлиб, авлоддан авлодга бутун ўтгай, сўнг ота-онасига муносиб шерлар туғулгай. Сизнинг ота-онангиз Синд ўлқасида, Тар саҳросида бир-бирларига шерларча меҳру оқибат кўрсатганлари учун сиз ҳам шербаччидай соғлом, кўхлик, довюрак бўлиб туғулгансиз.

Акбар ўзининг суйиб уйланган хотини Жодҳа Бай шу кунларда яна ҳомиладор бўлганини эслади.

— Салим ота, сиз айтган шерликни менинг ҳам қилгим бор. Фақат... қандай қилиб Жодҳа Байни кундошлар муҳитидан кутқаришим мумкин? Уни қаерга олиб кетай? Маслҳат беринг!..

Салим ота хассасига таяниб ўрнидан турди:

— Қани, юринг, аввал мен сизга ўз кулбамни кўрсатай.

* * *

Тор сўқмоқ уларни ўрмон четидаги ялангликда турган мұйжазгина дәхқонча уй олдига бошлаб чиқди. Ҳовлида қора қўтос сигир кавшаниб турибди. Ўнг томондаги текис бинонг тортган буғдой даласи шабададан майин тўлқинлашти. Тўғрида суви кўм-кўк каттакон кўл товланиб кўринди...

Уй ичи озода, аммо жиҳозлар камбагалона. Бўйра устига шоҳла ташланган. Салим ота Акбарни тўрга ўтказиб, дастурконига тўртта буғдой нон қўйди. Хотини сопол косада қўтосини қатиғидан келтирди. Акбар қатиқни косанинг лабидан қунлиб ичар экан, бу унга беҳад ширин туюлди. У токчадаги ғитобларга кизикиб қаради.

Салим ота Жалолиддин Румийнинг «Маснавий ва Маънавий»сини, Фаридиддин Атторининг «Кулиётти»ни, Хусрав Дехлавийнинг «Хамса»сини, Навоийнинг «Чордевон»ини унга бир-бир олиб кўрсатди.

— Мен йиккан ягона бойлик мана шу китобларимдир,— деди.

— Сиз мендан бойроқсиз, Салим ота! — деди Акбар.— Сиздаги маънавий бойликни мен ҳали ўз қалбимга зарралаб йифолганим йўқ. Шунинг учун менга сакховат кўрсатинг.

— Бажонидил, боримни сизга инъом этишга тайёрмен.

Акбар Салим отанинг уйидан ташқарига чиқди-ю, бу ердаги ҳавонинг тозалигидан, ўрмон, кўл, буғдойзор — ҳам-масининг гўзаллигидан, энг муҳими, отанинг қиёфасидаги софлиқдан қалби яйраётганини сезди. Рухидаги караҳтлик тарқаб кетган, олам кизга болалиқдагидай жозибали кўринар, дилида сўниб қолгаи чироқлар парпираб ёниб кетган, истиқболга ишонч, яхши ишлар килиши иштиёки яна уйғонган эди. Ўрмондаги табиат ҳам тирилтира олмаган ички кучларни шу табиат билан ҳамкор бўлган Салим отанинг маънавияти тирилтириб юборган эди.

— Салим ота, ҳеч кимга айтмаган сирларимни мен сизга айтдим. Энди ҳеч кимга ишониб топшира олмайдиган истиқболимни ҳам сизнинг паноҳингизга олиб келмоқчимен. Жодҳа Байнинг уч ойлик ҳомиласи бор. Уни ҳам фарзанд ўрнида кўрсангиз. Бугун менинг ўлиқ хисматимни қайта тирилтирган табиату маънавият шояд ундаги ҳаётий кучларни юзага чиқарса. Биз орзу қилган зурёд зора сизнинг қанотингиз остида дунёга келса!..

Акбар хотинини Салим отанинг кулбаси ёнига кўчиритириб келмоқчи эканини сезган мўйсафид подшоҳу малика билан бирга қанча сипоҳи, қанча канизу хизматкор бу ерларга келишини, улар билан муомала килиш қанчалик қийин бўлишини кўз олдига келтириди. Ўзи подшо бўлганда саройда яшаб кўрган ва унинг мураккаб мухитидан юрак олдириб кўйган Салим ота Акбарнинг ниятидан астойдил ташвишга тушди:

— Ҳазратим, маликаларга юзлаб одамлар хизмат киурлар. Уларга кенг жой зарур. Бундан ўн мил нарида — Секри тоги этагида Бобур бобонгиз қурдирган кўшк бор. Каттакон Боҳи Фатҳга барча хизматкору соқчилар ҳам жой бўлурлар.

— Агар сиз ҳам Боги Фатҳга бориб турсангиз, майли, Жодҳа Байни ўша ерда паноҳингизга топширгаймен.

— Лекин мени... маъзур тутинг. Шоҳлар кўшкига қайтиб

шам босмасликка аҳд қилганим. Қариганимда бу аҳдимни золмагаймен.

— Аммо шоҳлар ҳам одам-ку, Салим ота! Шоҳларга ўз тиккан балолар қанчалик кўнлигини бошқалар билгаса им сиз билурсиз.

— Балогардон — халқдир. Мен буни онангизга айтган им.

— Лекин шоҳ билан халқнинг орасини тўсиб турган говлар қанчалик кўп! Мен ҳали бу говлардан ошиб ўтолган эмасмен... Фақат сиз тақдир тақозоси билан ота-онам орқали дилимга якин бўлиб қолдингиз. Ўзингиз ҳам подшо бўлиб кўрган экансиз. Бу қандай бир серозор, тиканларга тўлган иш эканини билурсиз. Бугун менинг дилимга қадалиб турган қанча тиканини сиз олиб ташладингиз. Салим ота, ишонинг, мен ўзим учун сиздан беғаразроқ балогардон тополганим йўқ! Шунинг учун Жодҳа Байни ҳам қанотингиз остига олиб келмоқчимен. Рухсат беринг, шу уйчангиз ёнига иккокимиз учун чодир тикдирай. Балки ҳазрат онамлар ҳам бирга келурлар. Соқчилар, хизматкорлар ўрмон ичидা, сизнинг кўзингизга ташланмайдиган узокликда туурлар. Сиздаги осудалигу мусаффолик биз учун поёб бир ши фо. Бу соғлигу сокинликни мен кўз қорачигидай асрагаймен!

Ҳамида бегим ҳам ўғли ва келини билан бу ерларга келиши мумкинлиги Салим отага ёқимли туюлди. Ҳамиданинг дийдорига ёшлигига тўймай қолган Низом энди кек-тиб Салим ота бўлганда бу тенгсиз аёл билан маънавий улоқотда бўлишини жуда истарди. Шу ҳаммаси сабаб иб, у Акбарнинг таклифига розилик берди.

* * *

Ўргалаб офтоб чиққанда Салим отанинг кулбасидан туннан узун соялар кунботини томондаги кимхоб чодирга тунни. Тонг пайти уйқудан қушдай енгил бўлиб турган Акбар ва Жодҳа Бай кўлнинг тиник сувидга юваниб, ўз ташларига қайтмоқда эдилар. Акбар чодирга тушган уйча синни Жодҳа Байга кўрсатиб:

Биз учун бу — баҳт кунининг соясидир¹ — иш.

Акбар билан илк никоҳ кечасини ҳам Санганирдаги мирада кечирган Жодҳа Бай

— Салим ота чиндан риши¹ эканлар! — деб шивирлади.

У харамнинг асабий муҳитида ўйкусиэликтан қийналиб, ранги учуб юрарди. Бир ҳафтадан бери шу чодирда Акбар билан туриб, қорача юзига яна қон югурди, оловли жозибаси қайта тикланиб, кўзларида юлдузлар чақнай бошлади. Акбар ҳам унинг ёнида барча ғам-ташвишларини унтиб, ўзини табиат бағрида яйраб юрган кийикдай хотиржам ва эркин сезади. Фақат гоҳида Жодҳа Бай бу масъуд кунларини омонат сезиб, қаҳри ёмон Шивадан ва унинг фалокат юборувчи хотини Дургадан кўрка бошлади. Ўрмонда ибодатхона йўқ, Жодҳа Бай ҳомилани асрорчи маъбудалар — Лакшми ва Шакти²нинг кумуш ҳайкалчаларини чодир бурчига кўйиб уларга эрта-кеч сифиниб туради. Салим ота чодирга келганда ҳайкалчаларни кўради-ю, Кабир тўғрисида сўз очади:

— Ҳиндлар ибодатхонага борурлар, мусулмонлар масжидга. Кабир эса улар рухан бирлашган жойни излайдир.— Салим ота Жодҳа Бай билан Акбарни олдига ўтказиб, Кабирнинг ҳиндча шеърларидан ўқий бошлади. Жонли ҳалқ тилида айтилган оловли шеърларнинг ҳар бир байти Жодҳа Байнинг қалбига завқ, қувонч, куч-қудрат олиб киргандай бўлди:— Қаранг, Кабир айтадирки, имону ихлос — фақат одамнинг дилида яшасагина атрофини обод қилгай. Муттасил ёмғир ёқкан билан ибодатхонанинг тош ҳайкалида ёки масжиднинг гишт деворида бирон нарса униб-ўсгайми? Шунинг учун Кабир инсон дилини ўзига саждагоҳ қилмишdir. «Эй, одам!— дейди Кабир.— Мұҳаббат билан шафқатни, неклик билан бахтни муллодан ёки бараҳмандан тилаб овора бўлма, уларни сенга четдан ҳеч ким тайёр ҳолда беролмагай. Мұҳаббат ҳам, шафқат ҳам, неклик билан бахт ҳам фақат ўз қалбинг иштироқида, ўз фазилатларинг туфайли юзага келгай!»

Жодҳа Бай Салим отани дунёнинг барча сиру асроридан хабардор киши деб ишонгани учун ҳам, унинг айтган гапларидан беҳад каттиқ таъсириланар ва илгариги кўркувларидан қутулиб, ўзига ишончи ортиб борарди. Айниқса, ота ёд биладиган Кабир шеърларида ҳинд-муслим яқдиллиги улуғланган сари Жодҳа Байнинг дили яйраб, кўнгли кўтариларди.

— Сизларга Кабирнинг улуғ руҳи мадад бергай! Чунки

иқковларинг икки ҳалқдан чиққан яқдил оила бўлиб, Кабирнинг орзусини ҳам амалга ошироқдасизлар!

Кечаси чодирда Акбар Жодҳа Байни қучиб, эркалатар экан:

— Чиндан ҳам, биз — бир таңдаги икки жонмиз!— леди.

Жодҳа Бай эса қалби тагида ўсаётган фарзандини икки дилининг кўшилишидан пайдо бўлган учинчи бир жондек хис қиласарди.

* * *

Ўрмон ичиди Акбарнинг қайниси Ман Синх бошчилик килаётган қўриқчи аскарлар, мулозим ва ҳизматкорлар чодирдаги Акбарларнинг тинчини бузмасликка интилишар, иложи борича кўзга ташланмай юришарди. Ҳизматкорлар оқат ва бошқа зарур нарсаларни кундуз секин олиб келиб беришар, барча ҳизматларни осойишта ва шовқинсиз қилишарли.

Акбар ҳар куни эрталаб ионуштадан сўнг ўрмон ичидаги хиргоҳга бориб, чопарларни қабул килар, кечикириб бўлмайдиган давлат ишлари бўйича фармойишлар берарди. Беклар ва аъёнлар эса Секридаги Боги Фатҳга келишар, Акбар ўн мил йўлни отлиқ босиб ўтиб, шу боғдаги кўшкда қабул маросимлари ва машваратлар ўтказар, гоҳо ўша ёрда ётиб ҳам қоларди. Акбар йўқ пайтда Жодҳа Байнинг чодирiga Ҳамида бегим келиб турарди.

Бегим кирк тўрт ёшга кириб, соchlарида оқи кўпайиб колган бўлса ҳам гавдаси ҳамон хипча, юз-кўзидан жозиба кетмаган. Дехлида Ҳумоюн мақбараси олдиди қўришгандаридан ўзини пирлардай вазмин тутган Салим ота энди мана бу ўрмонда яшиаб турган табиат бағрида бегимни холи қўрди-ю, юраги ҳаяжондан гурсиллаб ура бошлади.

У Низом бўлиб юрган йигит пайтидаги қудратли туйтулар Салим ота учун ер тагида яшириниб ётган зилзиладай ҳатарли туюларди. Агар бу зилзила ўйғонса, Салим отанинг оири хасталиклардан сўнг нураб турган танаси ер ости лирзаларига бардош беролмай тўкилиб тушиши ҳеч гап эмас.

Салим ота Ҳамида бегимни ўзининг тўпоригина камнири билан таништирди-да:

— Тақдиримиз шу экан! — деб оғир тин олди.

Ҳамида бегим Салим отани Дехлида Ҳумоюн мақбараси

¹ Риши — ҳиндча «авлиё» демакдир.

² Лакшми — Осмон маъбути Вишнунинг хотини. Шакти — Шиванинг хотини.

олдида ўзига маънавий падар деб билиб, қўл бергани учун бу ерда ҳам унга:

— Салим ота,— деб мурожаат қилди,— келипимиз сизнинг паноҳингизда гулдай очилиб кетибдир. Кўриб сизга ихлосим ортди. Дехлида мақбара курилиши битса мен ҳам Секрига кўчиб келиш орзусидамен.

— Мақбарани ўн йилдан бери курмоқдасиз, ҳали ҳам битмадими?

— Тошга гул солиб сайқал бериш тез бўлмас экан. Оғир юмушлар битган. Борсангиз кўурсиз, мақбара бенихоя улкан бўлди. Саҳнини уч ошиёнлик уй баробарида баланд кўтардик. Гумбази Акбаржон чизган тарҳ асосида етти ошиёнлик бинодай юксак бўлди. Дехли тарихида ҳалигача бундай улуг обида қурилмаган экан. Шунинг учун ўн йилда ҳам битиролмадик.

Ҳамида бегим ҳали ҳам Ҳумоюннинг хотираси билан банд эканини сезган Салим ота ўзини босиб деди:

— Бегим, умрингиз узок бўлғусидир, Акбардек фарзанд ўстириш камдан-кам онага насиб бўладиган толедир.

— Акбар учун тангрига доим шукур қилиб яшамоқдамен. Аммо баландда турган одамга шамолу бўронлар шиддати қаттиқрек тегаркан. Қанча кадрдоңларимизни бу бўронлар нариги дунёга учириб кетди.

— Айтмоқчи, бизга хиёнатлар қилган Афзалбек тутилгани ростми?

— Акбаржон айтмадиларми? У бадбахтга қасос анча кеч кайти. Тили кесилиб, вужуди парча-парча қилинди.

— Афзалбекни узун косов қилиб ишлатиб, ўзи панада турган шайх Ансорий ҳали ҳам саройда шайхулисломми?

— Саройда ёмонлар кўплиги рост. Акбаржон ҳам улардан безор бўлган. Лекин... ўша шайхулисломнинг ўрнини оладиган яхши руҳонийлар кани? Сиз саройга шайхулислом бўлиб боргаймисиз?

Салим ота бош чайқади:

— Бу таклифин менга Акбаршоҳ ҳам айтдилар, лекин мен узр сўрадим. Шайхулисломлик недир? Диний ҳокимият. Садрлар судури ҳам ўзича бир ҳоким. Булар одамларни ўлимга ҳукм қилиш, зинданга солиш ҳуқуқига эга бўлган дин пешволаридир. Ҳолбуки, бойлигу мартаба эшикдан кирса, имону эътиқод туйнукдан чиқиб кетгай. Шунинг учун руҳонийларга ҳокимият ҳам, бойлигу мартаба ҳам берилмаслиги керак. Давлат ҳокимияти бўлса бас — шунинг ўзи ҳам эл-улусга оғир юк. Яна бунинг устига диний истибодонинг юкини кўтариш халқни эзиб юбормоқда. Мен Акбаршоҳга

маслаҳат бердимки, иложини топсангиз, диний ҳокимиятни ўйкотинг!

Ҳамида бегим бу гапдан кўркиб кетди:

— Салим ота, руҳонийлар гулу кўтариб, Акбаржонни ҳам даҳрийликда айбламасинлар, тагин! Сиз унга бундай маслаҳатларни бера кўрманг!

— Берганимда ҳам Акбарингиз бу маслаҳатни олгани ўйк. Унинг хаёли хозир бошка нарсалар билан банд.

— Ҳа, Акбаржон ўғил кутмокда. Жодха Байга сизнинг даргоҳингиз жуда хуш ёққанини катта келинм Салима бегим ҳам эшитибдир. Яна битта чодир тикдириб, Салимани ҳам олиб келсакмикни?

— Менинг бир андишам бор, бегим. Кундошлиқ азобини билурсиз. Жодха Бай кўз ёргунча бу азобни унга яқин келтирмаганимиз маъқул.

Ҳамида бегим Салим отанинг бу андишасини ўринили топди.

* * *

Акбар Салим отага эътиқод қўйгандан бери унинг Салима бегимга муносабати ҳам аввалгидан илиқроқ бўлиб қолган эди. Боласи турмай, фарзанд додига куйиб юрган бу жувон олдида Акбар ўзини қарздор сезарди. Шунинг учун у Салимани Жодха Байдан ўн мил наридаги Бўғи Фатҳга кўчиритиб келди.

Жодха Байнинг ой-куни яқинлашганда Акбар ирим килиб ўнинг олдига бормай қўйди. У гоҳо овга чикиб, ўрмонда чодир тикдириб тушарди.

Сунбула ойи кирганда Акбар Гвалиор томонларга овга кетди. Момақалдироқ гумбурлаб турган ёмғир кечаси Жодха Бай ўғил тукқан эди. Бунинг хабарини оти сағрисигача лойга ботган, лекин ўзи кувноқ қулимсираган Аҳмад Бухорий олиб келди. Акбар суюнчи учун Аҳмад Бухорийга кимматбаҳо дурлар қадалган тўнини ечиб берди. Овчилар ўрмонда сурнай ва нақора ҷалиб, ярим тунгача хурсандчилик қилидилар. Акбар яхши ният билан беш юз минг рупий турадиган ноёб бир гавҳар сирға олган ва уни киссасига солиб юрар эди. Эртаси куни эрталаб бу сирғани Аҳмад Бухорийга берди:

— Рани Жодха Байга буни мендан совға қилиб элтинг. Салим ота... инъом олмагайлар... Бориб айтинг, агар ота рози бўлсалар, ўғлимининг отини шу кишининг хурматлари учун Салим кўйгаймиз.

Аҳмад Бухорий устози Салим ота учун кувониб деди:

— Олижаноб йўл топдингиз, ҳазратим! Ҳалқ орасидан чиқкан заҳматкашнинг исмими шаҳзодага кўйиш — тарихда коладиган бир воқеадир.

Акбарнинг ўзи ота-боболар удумига биноан чақалоқнинг кирқи чиқмагунча унинг олдига бормади. Лекин у ўз ўғлига Салим отанинг номини кўйганлиги эл-улус орасида шундай шуҳрат қозондики, ота тез кунда мамлакатнинг энг мўътабар мўйсафидига айланди. Уни бир кўришга иштиёқманд одамлар кўпайиб кетди.

Чақалоқ уч ойлик бўлгунча Акбар уни Салим отанинг учаси ёнидаги баҳаво жойда сақлади. Ман Синх бошлиқ қўриқчилар бегона одамни бу томонларга ўтказмай турди. Лекин Жодҳа Бай боласи билан Аграта қайтиб кетгандан сўнг соқчилар ҳам кетди-ю, Салим отанинг уйига зиёратга келувчиларнинг кети узилмай колди.

Ривоят ва афсоналар қон-қонига сингиб кетган одамлар Салим отанинг Хўжай Хизрлигига ишониб, унинг этагини кўзларига суришар, фарзандсизлар ундан фарзанд тилар, касалмандлар — шифо, баҳтсизлар баҳт сўрар эди.

— Шифони ҳам, баҳтни ҳам сизларга тангри берсан! — дерди Салим ота.— Мен ҳам сизларга ўхшаган осий бандамен, Хизр эмасмен!

Лекин бу гапларни камтарлик хисоблаб, баъзилар унинг оёғи тагига ўзини ташлашар, баъзи бадавлат одамлар ҳамён тўла пул ёки қимматбаҳо гиламларни назр-ниёз қилишар, Салим ота:

— Олмаймен! — деганига қарамай, эшигининг оғзига қимматбаҳо нарсаларни ташлаб кетишар эди.

Осуда ва камбағалона ҳаётга ўрганган Салим ота бунинг ҳаммасидан қаттиқ ҳаяжонга тушарди. Селдай ёпирилиб келаётган зиёратчилардан ўзини қандай химоя қилишини билмай юраги гурсиллаб урар, мажруҳ танаси шуҳратнинг оғир юкига бардош беролмай зирқираб оғрир, кечалари уйкуси ўчиб кетар, кундузлари иштаҳаси ўлиб, дуруст овқат ҳам емасди.

Хут кирганда Акбар уни кўргани келди-ю, Салима бегимнинг ҳам бўйида бўлганини, агар ота розилик берсалар, унинг кулбасига кўчио келмоқчи эканини айтди.

— Қайтага, сизнинг қўриқчиларнингз бор пайтда тинчроқ эдим, — деди Салим ота.— Ҳар хил бою савдогарлар назр-ниёз кўтариб уйимга бостириб келолмас эди. Насибим шу экан, энди мен сизнинг химоянгизга муҳтоҷмен, бегимни олиб келаверинг.

Бу гал Акбар Салим отанинг кулбаси ёнинг учта чодир

тиқдирди. Улардан бирида Салима бегим доя кўмпир билан, бирида Акбар, бирида Ҳамида бегим канизи билан яшай бошлади.

Ота Салима бегим билан шеърхонлик қилишини яхши кўрарди. Улар гоҳ Жалолиддин Румий маснавийларидан, гоҳ Ҳофиз ва Навоий газалларидан навбатма-навбат ёд айтишиб, вақт қандай ўтганини сезмай қолишар эди.

Иссик ойлар, чанг кўтариб эсувчи шамоллар ўтиб, ёмғир фасли бошланган жавзо ойда Салима бегим ҳам ўғил тугди. Шу кунни саккиз йилдан бери зориқиб кутган жувон соғлом ва миқти чақалогини биринчи марта бағрига олиб эмизар экан:

— Шукур, энди муродимга етдим,— деб шивирлади.— Отини Мурод қўйсинашар!

Акбар бу гал ҳам ота-боболар удумига риоя қилиб, чақалоқ кирқ кунлик бўлгунча кўришга келмади, факат Салимнинг тилаги билан иккинчи ўғилнинг отини Мурод қўйишга рози эканини айтириб юборди. Хушхабар олиб борган Киличхон Андижоний суюнчисига бош-оёқ сарупо олди. Акбар ундан Салима бегимга гавҳар узук совға бериб юборди.

* * *

Акбар учун Секрининг жозибаси тобора ортиб борарди. Секри тогининг сарин шабадаси, мовий кўлининг салкини Ўёги Фатҳдан қайнаб чиқиб турган булоқнинг зилол сувиша бир эмас икки ўғли туғилган жойлар уни ўзига оҳанрабодай тортарди. Энди Аграда кўп тургиси келмас, илож бўлди дегунча, Секрига йўл оларди. Чопарлар, мулозимлар, беку аъёнлар Агра билан Секри орасида мокидай қатнашарди. Ахири бир кун Акбар энг иуфузли амирларни Секрининг Ўёги Фатҳига машваратга йигди-ю:

— Пойтахти Аградан Секрига кўчиргаймиз! — деди.— Бугундан бошлаб олий маҳкамалар Секрида бўлгай.

Бу кутимаган қарордан баъзи амалдорлар саросимага тушдилар:

— Ҳазратим, бошқа маҳкамаларга бино етишмагай, аввал янги пойтахти қуриб, ундан сўнг кўчиб келган маъқул эмасмикин? — деди Тодар Мал.

— Бино етишмаган маҳкамалар учун чодирлар тикилсин! — деди Акбар.— Бизнинг оиласиз, болаларимиз чодирда яшаганда нечун амалдорлар яшай олмагай? Девониом ҳам чодир шаклида тикланисин. Керак бўлса, икки ошиёнлик чодирлар ясадиган усталаримиз бор. Ўшаларга буюртма-

лар берилсин. Албатта, умрбод чодирда қолиб кетмагаймиз, дархол янги пойтахтнинг қурилишини бошлагаймиз. Унинг умумий режаси қозгага тушган, мөъморларга тархлар чизиш буюрилган. Жаноб Чигатайхон Тошкандий, сиз ўз одамларингиз билан бўлажак пойтахт атрофига тошдан девор кўтартиргайсиз.

Чигатайхон ўрнидан туриб:

— Бош устига!— дея бу фармонни қабул қилди.
— Жаноб Ҳағаван Даҳ, сиз давлат маҳкамалари учун уч ошиёнлик бино қуришга мутасадди бўлурсиз!

Ҳағаван Даҳ ҳам бу топшириқни таъзим билан қабул қилди. Ман Синҳ ўз синглиси Жодҳа Бай ва унинг ўғли Салим турадиган кўшкни қуриб бериш мажбуриятини олди. Қиличхон Андижоний подшонинг девониоми ва хонайи хослари жойлашадиган қаср қурилишига жавобгар қилиб тайинланди.

Шу тарзда Акбар янги пойтахт қурилиши учун барча амирлари ва яқин одамларини сафарбар қилди. Ўзи эса бош мөъмор бўлиб, кайси бинонинг қаерга тушиши ва қандай шаклда қурилишини белгилаб бера бошлади.

Деҳлида мирзо Ҳумоюн мақбараси қуриб битирилган, ундан бўшаган минглаб одамлару аравалар, юқ ташувчи филлар ва түялар Секридаги қурилишга олиб келинди. Агра қальасининг қурилиши ундан олдинроқ тугаган эди. У ерда ишлаб тажриба ортирган хунарпешалар ҳам энди Секрига келиб ишлай бошлади.

Барча биноларнинг деворлари қизил тошдан килинмоқда эди. Бу тошни узоқдаги тоглардан ташиб келтирадиган маҳсус сангфурушлар бор эди. Улар ҳар бир тошнинг бўйи ва энини ўлчаб, гоҳо вазнини катта тарозиларга қўйиб тортиб сотишарди. Янги пойтахтни қуришга ўн минглаб одам жаёб этилган, ҳаммасининг тошга иши тушарди. Шунинг учун Секрида каттакон тош бозори пайдо бўлди.

Тош ортилган араваларнинг шакир-шукури Салим ота турган жойларга ҳам эшитила бошлади. Муроднинг чилласи чиққандан кейин Акбар уни кўришга келди. Салима бегимни кучиб табриклиди-да, йўргакдаги болани қўлига олиб, окиш юзига ва тилладай товланган соchlарига қаради:

— Бўболовига тортибдир! Умри узоқ бўлсин! Бегим, тилагингиз недир? Буюринг!

— Тилагим — Секридан кетмаслик. Бу ерлар жуда хосиятли экан. Жаннатмакон Бобур бобомиз бу ерларни ёқтириб, Боги Фатҳни барпо этгани бежиз эмас экан.

— Шунинг учун янги пойтахтга Фатҳобод деб ном кўймокчимен,— деди Акбар.

— Улуг бобомизнинг руҳини шод этадиган ҳайрли иш! Барча ниятларингизга етинг, ҳазратим! Факат... янги пойтахтингизда мен билан Мурод учун алоҳида бир гўша топилгаймикин?

Салима бегим энди ҳарамда, кундошлари орасида туриши истамас эди. Буни сезган Акбар:

— Сиз билан Мурод учун икки ошиёнлик алоҳида кўшк курдирмоқдамен!— деди.— Ҳовлисида чорчаманлари, салкин фавворалари бўлгай.

— Миннатдорман, ҳазратим! Биз бу масъуд кунларга Салим отанинг шарофати билан етишдик. Лекин ҳозир отанинг дармони қетиб, эски хасталиклари қўзғаб юрибдир...

Акбар Салим отадан хабар олиш учун унинг учасига кирди. Тўрда оқ пўстак устида ёнбошлаб ётган Салим ота ўрнидан мажолсиз кўтарилди. Акбар уни тургани қўймай, ҷўқ тушди-ю, отанинг эгнидаги оқ хирқанинг этагини қўзига сурисиб ўпди:

— Сизга не бўлди, Салим ота?

— Мени мунча тавоғ қилманг, шоҳ ўғлим! Камина ҳам ожиз инсонмен...

Акбар унинг гапига тушунолмай юзига ҳайрон бўлиб тикилди. Салим ота сўнгги пайтларда бошдан кечирган ички туйғуларини унга қандай айтишини билмай жим туриб колди.

Мурод тугилгандан кейин Салим отанинг эл орасидаги шуҳрати яна бир неча даража ошган эди. Ҳатто: «Акбаршоҳ Салим отанинг ҳурмати учун пойтахтни Аградан Секрига қўчирган эмиш!» деган овозалар тарқалди. «Салим ота Хўжайи Хизр экан» деган гапга ишонадиганлар кўпайиб кетди. Минглаб ихлосмандлар Хўжайи Хизрини учратиб, энг катта орзуларини унинг ўтқир нафаси билан дархол амалга ошириши истар эдилар. Бирор Акбар қўйган соқчилар зиёратга келаётган издиҳомни отанинг уйи томонга ўтказмай қўйдилар. Отанинг ҳассага суюниб сўқмоқлардан пиёда юришини биладиган ихлосмандлари унинг йўлини пойлай бошлади. Салим ота ўрмон йўлидан ўтиб қолса, унинг оёғига бош уриб, эзгу тилакларини айтишар, баъзилари қўй, эчки ёки бошқа жонлигини унга атаб сўйишар эди. Салим ота:

— Мени Хўжайи Хизр деганлар адашган, мен ҳам сизлар каби оддий одаммен!— деса ҳам кутулмас эди. Кунлар ўтиши билан Салим ота пиёда сайрга чиқолмайдиган бўлиб колди.

— «Ўт балосидан, сув балосидан асрасин» дер эдилар,

шухрат балосидан ҳам кўрккулик экан. Бир неча кун подио бўлганимда шон-шухратдан маст бўлиб, бир ўлимдан колган эдим. Бу гал балки... кутуломасмен.

— Уйдай деманг, Салим ота! Мен сизнинг номингизга Секрида бир мадраса курдирмоқчимен. Ҳали сиз унинг талабаларига маънавиятдан сабок бермогингиз даркор.

— Шояд шундай бўлса! Менинг Абдулла Ниёзий, шайх Муборак деган маслакдошларим бор эди. Адолатли давлат тузумини орзу килиб, Бианадаги ҳалқ ҳаракатига иштирок этганлари учун Абдулла Анзорий уларни ўлимга хукм килган. Аммо ўша ҳалқ ҳаракати Шерхонлар суололасини ичдан емириб, отангиз билан сизнинг Ҳиндистонга қайтишингизга йўл очган эди. Менинг ҳаётимдаги... энг ёруғ кунлар ҳам адолат учун кўтарилиган ўша Бианадаги қўзғолонга қатнашган пайтим бўлди... Бу ҳалқ ҳаракати ҳамон сўнгани эмас. Унинг чўғлари энг яхши одамлар қалбида ҳали ҳам яллигланиб турибдир. Абдулла Ниёзий, шайх Муборак, унинг Файзий деган тўнгич ўғли, Абулфазл деган ўртанчиси — ҳаммалари адолатли раҳбарга ғоят ташка. Улар Сирхонд, Гужарат томонларда Анзорийдан кочиб юрган эмишлар... Агар менинг куним битса... ўшалар сизга содик... балогардон бўлгай!

Акбар Салим отанинг касали жиддийлигини сезиб, сарой табибларини чакиртирди. Дору дармонлар билан отани анча вакт муолажа қилилар. Эски яраларининг ўринлари оғриб, ота узоқ вакт ўйидан чиқолмай ётди. Акбар билан Ҳамида бегим уни яна кўришга келгандарида:

— Энди... рози бўлинглар! — деди.

Ҳамида бегим унинг қоксуюк бўлиб қолган қўлини кўзига сурibi, йиглаб юборди:

— Биз мингдан-минг розимиз... Биздан ўтган бўлса... кечиринг!

Акбарнинг ҳам ўпкаси тўлиб гапиролмай қолди. Бу кандай шафқатсиз тақдирки, ким унга катта яхшиликлар килса узоқ яшай олмай, ўлиб кетади. Отаси, Байрамхон, Моҳим энага... Мана энди Салим ота... шоҳлик ҳокимиюти чиндан ҳам ота айтгандай бир аждаҳо экану Акбарга қалқон бўлган энг яхши одамлар бирин-кетин унинг курбонига айланмоқдами? Балки энди навбат Акбарнинг ўзига ёки онаси Ҳамида бегимга келгандир?

Бу тахмин Акбарни сескантириб юборди.

Салим ота эртаси куни узилди.

Уни Секри тогининг устига — янги қурилаётган пойтахтининг марказига дағи этдилар. Отанинг оқ мармар макбара ичидаги қабри — Фатҳободдаги биринчи сагана

эди. Поклик тимсоли бўлган маънавий отасининг қабрини Акбар дengiz тубидан олинган соғ садафлар билан қоплаттириди.

ФАТҲОБОД, ГУЖАРАТ. ИККИ СУИҚАСД

Бундан кирқ беш йил мукаддам Секрининг Боғи Фатҳида Бобур Хондамир билан сув ичган булоқ ҳали ҳам ер остидан тоза қумлар билан бирга қайнаб чиқиб турибди. Унинг тиник суви баландга бўй чўзган санобар ва инеб¹ дараҳтлари орасидан шилдираб оқмоқда.

Суикасаддан ярадор бўлган Акбарни кечки пайт тахтиравонда шу бокка кўтариб келдилар...

Бу ходиса куппа-кундуз куни Деҳли кўчасида юз берди. Акбар отасининг мақбарасини зиёрат қилиб қайтаётган эди. Ёнида элликтacha отлик йигити ҳам бор эди. Зиёратга борганда у зирхи кийим киймас, эгнида енгил оқ сўфи делагай² бор эди.

Катта кўчадан ўтаётгандарида Акбар Моҳим энага курдиргани қизлар мадрасасининг иккى ошиёнлик биносини таниди-ю, огининг жиловини тортди. Марҳуманинг хотираси учун шу ерда бир лаҳза тўхтаб ўтгиси келди. Мадраса томонга энди юзланган лайтда иккинчи қаватнинг айвонида кескин бир ҳаракат сезилди. Йўғон устун панасига яширингани барваста одам ёй ўқини Акбарнинг чап кўкрагига тўғрилаб отди. Ўқни жуда кучли қўллар отгани шувиллаб келаштган шарпасидан ҳам сезилди. Жангларда кўп юриб, бу шарпадаги ажал хатарини тез илғашга ўрганган Акбар ширхол отнинг ёли устига эгилди. Аммо паналашга улгурмади. Кўкракка мўлжаллаб отилган ўқ у эгилаётгандан чап елкага шундай каттиқ санчилдики, Акбар хушидан кетиб, эгардан ерга йиқилиб тушди. Ёнидаги Жадолхон кўрчи отидан сакраб тушиб, уни елкасидан суяб тургиза бошлиди. Сижоатхон деган сокчи ўнтача йигити билан ўқ отгани одамини тутиб келиш учун югуриб қетишиди. Айвонда бир кўринган сокол-мўйлови ўsicк девсурат йигит қизлар сабоқ тинглаб ўлтирган хоналарга кириб яширинмокчи бўлди. Акбарнинг сокчилари қий-чув кўтариб йўлакка кочиб чиккаи қизлар ва отинойилар орасидан:

¹ Нинб — акасникига ўхшаш барглари ва шохлари тўп бўлиб, тепаси сонбона ўхшаб турадиган баланд дараҳт.

² Делагай — яктакка ўхшаш кийим, астарсиз тўп.

— Пүшт, пүшт!— деб ўтишиб, ўқ отган одамни кувиб кетишиди.

Бу орада Акбар сал ўзига келди-ю, елкасига санчилиб турган ўкнинг жизиллатиб огриётганини, илик қон баданига сизиб оқаётганини сезди. Жалолхон:

— Ўқ заҳарланган бўлиши мумкин!— деди-ю, уни суғуриб ташламоқчи бўлиб бир тортди. Лекин ўқ елка суюги билан эт орасига жуда чуқур кирган эди, бир тортгана чиқмади. Акбар оғриқ зарбидан ихраб, ранги оқариб кетганини кўрган Жалолхон ўкни яна каттикроқ тортишга журъат этолмади. Шунда Акбарнинг ўзи чап елкасига олд томондан санчилиб турган ўкни ўйг қўли билан шарт суғуриб олиб ташлади. Кўзи яна тиниб, қон каттикроқ оқа бошланини сезмади.

Хуржунда доим қонни тўхтатадиган дору, ярани боғлайдиган тоза мато ва малҳам олиб юрадиган Рафик маҳрам Жалолхонга ёрдамга етиб келди. Икковлашиб, Акбарнинг ярасини боғладилар ва қўлтиғидан суюб, сув бўйига, соя жойга олиб ўтдилар.

Кизлар мадрасасига кириб кетган йигитлар ўқ отган давангидай баҳайбат одамни тутиб, қўлларини боғлаб судраб чиқдилар. Унинг кетидан иккита назқар қўлидан тутиб олиб келаётган мадраса коровули:

— Мени қўйворинг, бу Пўлат васвасни мен киргизганим йўқ!— деб жавради.— Касофати ўзига урсин! Иккинчи ошиёнга яшириқча чиқкан! Мен кўрсан уни мадрасага киргизармидим? Номаҳрам девона айвонга осмондан тушганми? Навзан биллоҳ, бехабармен!

Кўзлари кутурган хўқизнинг кўзларига ўхшаб конталаш бўлиб турган Пўлат васвас Акбарнинг тирик қолганини кўриб:

— Сендеқ диндан қайтган даҳрий подшони ўлдириш ҳам оз!— деб бақирди.— Сен нуқул коғирларга ён боғдинг, қанча мўмин-мусулмонни ўлдирдинг! Адҳамхон, Аликулихон, Баҳодирхон менинг кадрдонларим эди. Пайғамбар автодидан бўлган қанча сайиду хўжаларни кувгин қилдинг! Ўзингга ўхшаган даҳрий чол Салим Чештига сифидинг! Мени ҳам ўлдирмоқчи бўлиб юрганингни эшитдим. Осмонидан ваҳий келди! Шунинг учун аввал ўзингни ўлдирмоқчи мен! Водариг, душманим ҳамон тирик!

Жалолхон Пўлат васваснинг кекирдагига бир уриб, овозини ўчирди. Акбар Жалолхонга:

— Буни тирик сақламоқ керак!— деди.— Вазир Жамилга элтиб топширинг. Кетида кимлар турганини аникласин.

Пўлат васваснинг бошига қоп кийдириб, оғини ҳам боғлашди, уни навкарлардан бири отига ўнгариб қалъага олиб кетди. Акбарнинг елкасидан бошланган оғриқ бутун баданига тарқаб, иситмаси кўтарила бошлади. Отини келтирганларида узанига оёқ қўёлмай гандираклари. Қўлларини қимирлатса елкасидаги оғриқ чида бўлмас даражада зўрайиб кетарди. Лекин ёмон овозалар кўпаймаслиги учун-у тишини-тишига қўйиб мулозимлари ёрдамида отга минди-ю, минг азоб билан Пуран қалъага етиб борди.

Бу ерда табиблар оғриқни босадиган дорилар бериб, уни даволашга тушдилар. Ҳар уч-тўрт соатда вазир Жамил келиб, Пўлат васваснинг тергови қандай бораётганини айтиб турди:

— Ҳазратим, бу девона кимларнинг қуткусига үчиб шу абллаҳликни қилганини айтиб беролмади. Гаплари поймайой. Ким илкига ўқ-ёй бергани ҳам эсида йўқ.

— Қани ўша ўқ-ёй? Куролни тафтиш қилдингизми? Вазир Жамил Акбарга отилган ёй ўқини ва камонни келтириб кўрсатди:

— Хайриятки, ёй ўқига заҳар сурмаган эканлар, буни текшириб аникладик,— деди.

Акбар соғ қўли билан камонни айлантириб кўрди. Унинг кўзга ташланадиган жойлари кумуш ва садаф билан зийнатланган, камоннинг ўзи энг қаттиқ иргай ёғочидан қилинган эди.

— Иргай Мовароуннаҳр тоғларида кўп ўсгай,— деди Акбар.— Камонни туронлик усталар ясаган бўлмасин?

Вазир Жамил камоннинг ички томонида ёғочга ўйиб илган бир ёзув кўрди:

— Сиз ҳақсиз, ҳазратим! «Амали усто Олим Шоший» об ёзилмишdir. Об-бо, абллаҳлар-эй! Жаҳонга машхур имони шошийни Пўлат васваснинг илкига ким тутқизган ли?

Жароҳат оғриғидан иситмаси кўтарила бошлаган Акбар тирик Жамилга шиддат қилиб деди:

— Буни сиз аникламонигиз керак! Ваsvas қаerларда тран, кимлар билан учрашган?.. Боринг, энг моҳир тағиҷиҳиҳиҳарни ишга солинг!

— Бош устига, ҳазратим!— деб вазир Жамил орқаси ишни юриб чиқиб кетди.

Акбар садаф ва кумушлари нафис жило бериб товланаёт-ти камони шошийнинг қизғиши иргай сопига тикилганича ир ўйга толди.

Ишлар юрти Мовароуннаҳри у тушида кўрганми ёки чигида Ҳонзода бегим уни Кобулдан Фарғона водий-

сига, Тошкент ва Самарқандга олиб бориб келганимиди — буни аниқ билмайди. Лекин бобосининг китобида тасвириланган Ўшининг лолалари, Андижоннинг нашватиси, Марнилоннинг катта дона анорлари, Исфара бодомзорлари худди болаликда кўрилган унутилмас ажойиботлардек хотирасида аниқ гавдаланади. Акбар Самарқанду Тошкентларни соғингандай юраги ўша томонларга қараб талпинган пайтлар бўлади.

Хиндистон билан Турон орасида қатнаб турган савдо карвоилари Мовароуинахрнинг ширин-шакар меваларидан келтириб туради. Акбар Аграда яшаб Фарғонанинг ширин Қовунларидан, Самарқанднинг нақш олмаларидан еб кўрган, уларнинг тенгсиз мазаларидан кўп ҳузур қилган.

Мана ҳозир эса бобо юртида ясалган камони шошийнинг аччик жароҳатидан азоб тортмоқда. Зеб берган камони ёвуз одамларнинг қўлига тушишини уста Олим Шоший қаёқдан билсинг? Наҳотки шайбонийзодалар Туронда туриб Аградаги Акбарга ўқ отган бўлсалар?

Ҳозир Бухоро таҳтида шайбон уруғининг энг бақувват вакили Абдуллахон ўлтириби. У Акбар билан муроса йўлини тутиб, икки қайта элчилар, мактублар ва қимматбаҳо совғалар юборди. Абдуллахон сўнгги мактубида Эрон шоҳи Таҳмаспнинг вафот этганлиги, сафавийлар орасида ички кураш ва парокандалик бошланганини ёзган, уларга қарши иттифоқ тувишни ва Эронни биргаликда фатҳ этиб, шиалар давлатини ўқотишни таклиф килган эди. Акбар отасига яхшиликлар килган сафавийлар билан урушишини истамас, шиа-суннит адватини ёмон кўрарди, шунинг учун Абдуллахонга ёзган жавоб мактубида ҳозир Хиндистоннинг ички ишлари ва Кобулу Бадаҳшон чегараларини мустахкамлаш билан банд эканини, Эрон фатҳига ҳоҳиши йўклигини маълум килган эди. Абдуллахонга шу керак эди — у ўзининг энг иуфузли қўшниси бўлган Акбарнинг олдидан бир ўтиб қўйгацдан кейин, ўғли Абдумўминни ёнига олиб, Хуросонга юриш килди, Ҳирот, Астробод, ҳатто Машҳадни хам сафавийлардан тортиб олиб, ўз давлатининг бир кисмига айлантириди. Абдуллахон давлати шу тарзда кенгайиб бораверса, бир кун эмас бир кун Кобулу Бадаҳшонга тажовуз килиши хам мумкин. Аммо Акбар — унинг жанубга келадиган йўлларини бекитиб турган кучли бир тўсиқ. Шайбонийзодалар бу тўсиқни Пўлат васвасининг қўли билан кулатиб ўтишга уринган бўлсалар ажаб эмас...

Акбарнинг ўйи шу жойга етганда вазир Жамил латтага ўроғлик узун бир нарсани терговчига кўтариб кириб келди.

— Ҳазратим, Пўлат васвас Моҳим энага мадрасаси

яқинида эгаси кўчиб кетган ташландик бир ҳароба уйда тўтар экан. Унинг омборхонасига эски лаш-лушлар орасига мана шу фаранг тўғанг бекитиб қўйилган экан. Ўклари алоҳида жойда турибдири. Ваасваснинг касали қўзиғандан кейин буларни тополмаганми... Хайриятки... тўғангни ишлатмабдири...

Акбар тўнгиз ўқи солиб отиладиган қувури йўғон фарангни тўғангни кўриб беихтиёр эти жунжикди. Тўғангнинг ёнида ҷарм ҳалтачага солинган картеч ўқлар ҳам бор эди. Пўлат васвас бу тўғангдан ўқ отса Акбар тирик колиши гумон эди...

— Ваасвас тўғанг отишни ўрганган эканми? — сўради Акбар.

— Ҳа, Адҳамхонга навкар бўлганда ўрганган экан.

— Тўғангни унга ким берганини айтдими?

— Бир кекса фарангининг номини айтди. Алварми...

Пакварми... Қўшниларидан суриштирасак, Гоа оролида турадиган савдогар фарангни Пўлат васваснинг олдига биринки марта келиб кетган экан.

Ҳумоюн тирик пайтида Алваро Пакавира деган фарангни Гоадан тўғанг кўтариб келганини, кейин Шерхон томонга ўтиб, унинг фитналарига қатнашганини ўғлига айтиб берган эди. Акбар буни ёшлик хотирасининг кучи билан зардол злади-ю:

— Фарангни қидиртиринг,— деб буюрди вазир Жамилга.— Калаванинг уни балки ўшанинг илкидадир!

Вазир Жамил шу кетганича Дехли карвонсарайларини қидиртириб, биронта фарангини тополмади. Фарангилар билан савдо-сотиқ қиласидиган дўкондорлар Пакавира деган кекса савдогар бундан бир ой олдин Гоага қайтиб кетганини айтдилар.

Энди Акбарнинг хаёли Гужарат ва унинг жанубий кирғоқларини эгаллаб олган фарангиларга кетди. Улар Акбар тузатётган кучли давлатдан манфаатдор эмас. Хиндистонни парча-парча қилиб, унинг бир вилоятини бошқаси билан уруштириб, ҳаммасини заифлаштириб, сўнг мамлакатга ўзлари хўжайин бўлишни кўпдан бери орзу қилишади. Гужаратдаги Музаффаршоҳни Акбарга қарши гижгижлаб юрганлар ҳам мана шу фарангилар. Улар Гоа оролини босиб олганларига олтмиш йил бўлганини, шундан бери бутун Хиндистонни ўзлариники қилиш ниятида эканини Акбар билади. У икки йилдан бери Гужарат юришига тайёрлик кўрар экан, Музаффаршоҳни енгдан сўнг Гоадани истилочиларни ҳам денгиз ортига қувиб юбормоқчи эканини машваратларда беку аъёнларига айтган. Эҳтимол,

шу аъёлардан қайси бири унинг бу ниятини фараангиларнинг кулоқларига етказгандир. Дехлию Аграда уларнинг хуфиялари ҳам юрганини мана бу тӯфанинг кўрсатиб турибди. Улар Акбарнинг Гужарат ва Гоа оролига юриш бошлашини кутиб ўлтирмасдан, уни Пўлат васвасининг қўли билан олдингирок маҳв қилишга интилган бўлсалар керак.

— Фараангилар Пўлат васвас билан қандай тил топишган? — сўради Акбар вазир Жамилдан.— Орада турган во-ситачиларни топмоқ керак!

— Ваасвасдан шуни сўрасак, Адҳамхонни айтди. Ҳолбуки, Адҳамхоннинг ўлганига ўн йил бўлди.

— Ўқ-ёйни ким берганини айтмадими?

— Осмондан тангри юборган эмиш! Лекин васвас бир вактлар Шарафиддин мирзонинг хизматида бўлганини айтди.

Акбарнинг хаёли яна Гужарат томонига кетди. Чунки Шарафиддин мирзо Самбҳал вилоятида ҳоким бўлганда кўп золимликлар қилгани учун Акбар уни лавозимидан маҳрум қилган эди. Ота уруғи машҳур Ҳўжа Аҳрор автодидан тарқаган, она томондан самарқандлик темурийзода Султон Махмудга чатишган Шарафиддин Мирзо Акбардан аразлаб Гужарат томонларга кетиб қолган. Акбарнинг янгича сиёсатидан порози бўлган бошка мирзолар — Хусайн Бойқаро авлодлари ҳам Гужарат тождори Музффаршоҳ томонига ўтиб кетган. Улар ўша ёкларда Акбарга қарши иғволар қилиб юрганларини хуфиялар айтиб келган эди. Балки энди улар Акбарнинг Дехлидаги яширин душманлари билан тил биринтиргандир? Сўнг ўзларини панага олиб, Пўлат васвасни ишига солгандирлар? Акбар шу тахминни айтгандан кейин вазир Жамил Пўлат васвасни биладиган одамларни излаб топиб, уига юзлаштириди. Лекин эси кирди-чиқди бўлиб қолган Пўлат васвас таништарининг қайсиси билан қаерда учралиганини хотирлай олмас, уни жиноятга олиб қелган занжирининг кўни халқалари ёдидан тушиб қолган эди.

— «Подшо сизни ўлтиртиргай» деган гапни кимдан эшитдингиз? — деган саволга:

— Осмондан вахий келди,— деб жавоб берарди.

Пўлат васвас Убайдулла маҳдум деган мулланинг хизматида ҳам бўлган, бу одам унинг касалини даволашга уринган эди. Терговчи шуни аниқлагач, васваста Убайдулла маҳдум ҳақида савол берга боинлади:

— Ҳазратимни «дахрий» деб айблаган одам Убайдулла маҳдуммиди?

— Йўқ, ундан каттароги.

— Шайх Ансорийми?

— Мен уни билмаймен. Тангрининг ўзи билан сўзлашганимен. Подшони осмон «дахрий» деган.

— Убайдулла маҳдум билан охириги марта қачон кўришган эдингиз?

— Беш йил... йўқ, бир йил... эсимда йўқ! Подшонигиз бузук! Уни Салим Чешти ўйлдан урган. Бианадаги исёнчилар Акбарни айнитган...

— Салим ота пок одам эди.

— Пок бўлса нечун Сакина бонуга кўз олайтирган?

— Қайси Сакина бонуга?

— Убайдулла маҳдумнинг жуфти ҳалоли. Уни Салим Чешти билан Биана маҳдийлари айнитган!

Терговчи Убайдулла маҳдумни топдириб, гувоҳликка чақирди. Унинг тўртинчи хотини — ўн саккиз ёшли Сакина бону Салим Чештига эмас, Акбарга арзга борган экан. Унгача Салим ота оламдан ўтган, лекин васвасининг хаёлида ҳамма нарса аралашиб кетган эди.

Убайдулла маҳдум катта хотинларининг чақигига ишониб, Сакина бонуни қаттиқ калтаклаган экан. Акбар бу гўзал жувоннинг калтак зарбидан кўкарган юзига караб, унга раҳми келди-ю, муншиси Ашрафхонга буйрук берди:

— Убайдулла маҳдумни менинг номимдан огоҳлантириңг, агар бу мунглиққа яна жабр қиласа, қозикалонга айтиб, никоҳидан чиқартиргаймиз! Маҳдумнинг ўзини Банголага бадарга қилидиргаймиз!

Акбарнинг бу таҳдидидан сўнг Убайдулла маҳдум Сакина бонуга яхши муомала киласидиган бўлган, жувон тинчидан колган эди. Лекин уйдаги гап кўчага чиққани ва Убайдулла маҳдумнинг ўзи саройда турли мишишларга сабаб бўлган эди. Охирида бу мишишларни кимдир Пўлат васвасга тескари қилиб етказган ва унинг жинини атайлаб қўзғатган эди. Лекин ким шундай қилган? Ваасвасни Акбарга қарши қайраб солғанлар кимлар? Пўлат васвас буни аниқ айтиб беролмас, сўз тополмай қолгаца «осмондан вахий келди», «тангрим ўзи айтди» деб ёлғон важ кўрсатарди.

Акбар табибларга буюриб:

— Ваасвасни даволаб кўринглар, балки тузалгандага ҳакиқатни топиш осон бўлгай? — деди-да, ўзи Дехлидан Фатхободга кетди.

Орадан икки ҳафта ўтганда хабар келдик, табиблар ваасвасни даволаб, ақлини сал жойига келтиргандан сўнг, у қилган ишининг бутун даҳшатини энди сезади, бошини

хибсхонанинг тош деворига бор оғирлиги билан уради-ю, икки кун беҳуш ётиб жон беради.

Ақбар буни Секрида туриб эшилди, «балки ганимлар ўз жинояларини бекитиш учун уни шу тарзда ўлдиргандирлар?» деган тахмин хаёлидан ўтди.

Душман ўнта бўлса, гумон мингта. Елкасидаги жароҳат уч ойда тузалган бўлса ҳам, унинг аччиқ оғриклари Ақбарнинг эсидан чикмайди. Ташки душманларининг бир чети Туронда бўлса, бир чети узоқ Фарангистонда турганлиги, улар ичкаридаги кора кучлар билан тил бириттириб, Ақбарнинг жонига яна қасд қилишлари мумкинлиги хаёлидан нари кетмайди. Уйкусиз тунларда ички-ташки душманларнинг қайсисидан қандай сакланиш ҳақида ўйланарди.

* * *

Шу орада Аградан Секрига шайхулислом Абдулла Ансорий бир гуруҳ салласи катта дин пешволари билан Ақбарни кўришга келди.

Ёши олтмишдан ошган бўлса ҳам, ҳали жуда тетик бўлган Ансорийнинг учи киндигига тушадиган узун оқ соқоли бор. Ёнида салобатли қозикалон Мұҳаммад Яздий, жиккак имом Абдуқодир Бадавии ва яна шунга ўхшаган беш-олтита уламолар Ақбарга узоқ умрлар тилашди.

Ақбар кўкалдоши Азиз кўка билан бирга Абдулла Ансорийни янги пойтахт бўйлаб олиб ўтишди ва битган биноларни кўрсатишиди.

Барча вилоят амирлари минг-минг одамлари ва отувловлари билан ишлаётганларни учун муҳташам иморатлар жуда тез қад кўтарган эди. Ақбарнинг тоғ устидаги саройи, кўлга қараган салқин ёнбагирдаги рани Жодха Бай кўшки ва Салима бегимлар учун қурилган икки ошиёнлик гўзал иморатлар аллақачон пардоздан чиккан эди.

Ансорий бунинг ҳаммасини кўкларга кўтариб мақтадида, кейин тагдор қилиб сўради:

— Ҳазратим, бу пойтахтдан шайхулислом учун ҳам ўрин берилгайми?

— Юринг, таксир, сиз учун махсус жой танлайлик,— деди Ақбар ва уни атайлаб Салим ота мақбараси олдига бошлаб келди.

Ансорий бир вақтлар ўлимга буюрган гоявий душманининг яхлит садаф билан зийнатланган оқ мармар мақбарасини кўрганда ичидан зил кетди, овози титраб, зўрға тиловат қилди. Ақбар унга тикилиб туриб:

Таксир, хабарингиз бор,— деди.— Яширин ганимларим мана шу мақбарани курганим учун мени даҳрийликда айбладилар, Пўлат телбани ишга солиб ҳатто ўлдирмоқчи бўлдилар!..

Ақбар: «Ўша яширин душманлар орасида сизнинг ҳам одамларингиз бўлса бирор кун кўлга тушиб қолар», демоқчи эди. Шайх Ансорий буни пайқади-ю, сири фош бўлишидан кўркиб, дарҳол дуою фотиҳага кўл очди:

— Пўлат васвас гўрида тўнғиз кўпсин! Парвардигори олам барча ганимларингизни васвасининг кўйига солсин! Сиз янги пойтахтда узоқ умр кўринг, ҳамиша зафар ёрингиз бўлсин!

Шайх Ансорийнинг тилёглама гаплари дилидаги адватни яширишнинг бир воситаси эди. Риёкорликда меъёри ҳам унтиб, Ақбарнинг ганимлари қаторида ўзини ҳам каргаётганини сезмас эди.

Ақбар ўқ еб тортган азобларининг аламига уни яна бир боллагиси келди-ю, Салим ота мақбарасидан анча нарида ҳинд услубида қурилиб битай деб қолган икки ошиёнлик чироили иморатни кўрсатди:

— Мана буни рожа Бирбал учун курдирдик.

Ансорийнинг рожа Бирбални ҳам кўрарга кўзи йўқ. Шуни биладиган Ақбар:

— Сиз учун худди мана шу ердан ҳовли-жой ажратмоғим мумкин,— деди.

Рожа билан қўшини бўлиш ва Салим ота мақбараси ёнида яшаш Абдулла Ансорий учун доимий қийноққа айланиб кетиши мукаррар эди.

— Ҳазратим, нарироқда мадраса қурилган экан. Бизга ўша томондан жой кўрсатсангиз.

— Майли-ю, лекин мадраса ҳам Салим ота номига қурилган. Унга шайх Муборакни бош мударрис қилмоқчимиз.

Шайх Ансорийнинг яна қайфи учди:

— Қайси шайх Муборак?

— Сиз уни ҳам «даҳрий» деб ўлимга буюрган экансиз. Аммо биз кўкалдошимиз Азиз кўка ёрдамида тафтиш қилиб билдик. Шайх Муборак ўта диёнатли, билими зўр, қалби пок аллома экан. Гужаратдан чақириб олдик.

— Лекин у ҳалқни подшога қарши қўзғатган исёнчи-ку!

— Қайси подшога қарши қўзғатган? Исломшоҳга қаршими? Сиз ўзингиз ҳам Исломшоҳга қарши бориб, бизнинг ҳазрат отамизга яширин маълумотлар юбориб тургансиз-ку, таксир!

— Бу рост!..

— Қани, юринг, агар шайх Муборакка яқин бўлай десангиз, сизга мадраса ёнидан уй солдирайлик.

— Мени маъзур тутинг, ҳазратим! Ҳозирча Аграда турганим маъқулга ўхшайдир. Ўша ердаги уй-жойим яхши. Кекса одамнинг қўчиши қийин...

Янги пойтахтга янгича сиёсат тарафдорларини йигиш ниятида бўлган Акбар шайх Ансорийни, «кўчиб келинг, бошка жой кўрсатай», деб кистамади. Бундан алами келган Ансорий оро берилган соқолининг учини асабий эзгиладида:

— Ҳазратим, янги пойтахтнинг масжиди жомеси қаерга қурилмоқда? — деб сўради. — Ахир жума кунлари хутба ўқимоқ керак-ку!

«Агар биз номингизни хутбага қўшиб ўқимасак, сизнинг подшолигингизни ҳеч ким тан олмагай!» — демокчи эди шайх Ансорий. Акбар унинг очиқ айтилмаган бу таҳдидини гап оҳангидан пайқади.

Ансорийнинг диний ҳокимияти ҳали жуда кучли. У билан бирга келган уламолардан ташқари, юзлаб қуролли муҳтасиблар, шайху-исломга мурид бўлган беку аъёнлар, масжидда унинг ортида туриб намоз ўқиидиган минглаб кавмлар дин пешволарини илоҳиёт вакиллари деб биладилар, уларга ҳайиқиб қарайдилар ва кўр-кўронга эргашадилар. Акбар Ансорийнинг диний ҳокимиятини тан олмаса, имому уламолар авом халқни унга карши қўзғатиб ғулу кўтаришлари мумкин. Ансорийнинг тагдор саволига жавобан:

— Тақсир, масжиди жомени сарой ёнига қурмоқдамиз, — деди ва шу билан унга беихтиёр ён бергандай бўлди.

Акбарни Ансорийга боғлаб турган эскича эътиқод иплари ҳозир унга ўргимчакнинг ёпишқоқ тўридек нохуш туялди. Бу тўрни ёриб чиқиб кетиш учун Акбар ўз атрофига янгича имону эътиқод тарафдорларини йиғмоғи ва уларга суюнмоғи керак...

* * *

Калта кора соқолида жингаласи бор, юз-кўзи араблар-никидай хиёл жигарранг тус бериб товланган, лаблари қалин Абулфазл Акбарнинг кутубхонасида одоб билан чўкка тушиб ўлтирибди. Ҳонтахта устида уюм-уюм китоблар: бири арабча, бири форсча, бири кадимги санскрит тили-

да, ишади бири туркйча. Акбар йигирма уч ёшли Абулфазл инни турфа тилли бу китобларни яхши билишини, бирини бирига қиёслаб, бемалол таҳлил қилишини кўрди-ю, таажҷуб билан сўради:

— Аслингиз қайси улусдан?

— Бобокалонимиз араб эканлар,— деди Абулфазл. — Шеш аср бурун Ҳиндистонга келиб қолганлар. Оналаримит — хинд аёллари. Ҳинд-араб қони беш аср аралашиб, ахийири биз пайдо бўлганимиз.

Абулфазлнинг акаси Фаёзий ҳам истеъододли шоир эди Қўп йил кувғинда юриб ўғилларини шунчалик билимли ва маърифатли қилиб тарбиялаган шайх Муборакка Акбар ўзи ча яна бир қойил бўлиб қўйди.

— Раҳматли Салим ота сизларга жон куйдиргани бежиз эмас экан,— деди. — У киши айтар эдикни, узоқ қонларнинг аралашгани турфа дарахтларнинг пайванди каби ноёб мевалар бергай.

— Иншоолло, бу ҳикматли фикр шаҳзода Салим қиёфасида янада мукаммал амалга ошгай,— деди Абулфазл Акбарнинг хинд аёлидан кўрган ўғлини алоҳида эҳтиром билан тилга олиб.

Бу йигитнинг билимига яраша ақли ва фаросати ҳам ўткир эканини сезган Акбар:

— Салим отани кўрганимидингиз? — деб сўради.

— Ҳа, ота бизга ҳомий эдилар. Қувғин бўлиб қочиб юрганимизда бир қанча вақт бошпана бердилар. Ўшанда у киши менга бутун ҳаётимни етти фазилат асосига қуришни ўргатган эдилар...

— Масалан, қайси фазилатлар?

— Биринчиси: яхшиликка муҳаббат. Иккинчиси: инсонга мурувват. Учинчиси: ҳак йўлдаги ботирлик. Чунки ўгри, босқинчиларнинг ҳам ботири бор. Биз фақат ҳалол яшайдиган кишининг ботирлигини фазилат деб билурмиз. Тўртинчиси: одамга куч-кудрат берувчи илму маърифат. Бешинчиси: барча сўзу ишдаги самимият. Олтинчиси: хулқу атвордаги инсоғу диёнат. Еттинчиси: инсонни камолотга етказувчи маънавият.

— Афсуски, ҳаётда бу фазилатларни соф ҳолда топиб бўлмагай! — деди Акбар. — Яхшию ёмон, ҳаку ноҳақ мудом аралашиб кетгай. Одамлар неча минг йиллардан бери яхшини ёмондан, эгрини тўғридан бехато ажратиш йўлини излайдилар. Нечун бу йўллар ханузгача топилмайдир?

— Ҳазратим, бу йўллар кафтдаги чизиклардай муким тургандা, одамзод уларни аллақачон топган бўларди. Лекин биз «йўллар» деб айтадиган нарсалар, аслида, оқиб турган

дарёлардир. Яхшию ёмон, ҳалолу ҳаром — дарё сүвидай муттасил ҳаракатда бўлгандан кейин ноилож аралашиб кетадир. Ҳаракатдаги дарёнинг яхши хосиятини ёмон лойкалардан ажратиш бениҳоя мушкул.

— Балки бу умуман мумкин эмасдир? Мен янги пойтахтда янги бир инсоний муҳит, адолатли бир жамият барпо қилиш орзусидамен. Балки бу рўёбга чиқмайдиган бир хаёлотдир?

Акбар дилини очиб сўзлаётганидан руҳи кўтарилиган Абулфазл Арастудан Ибн Синою, Навоийгача барча улуғ одамлар адолат ахийри бир кун ғалаба қилишига ишониб яшаганларини айтди. Шу ишонч бўлмаса, яшашнинг маъноси қолармикин?

— Рост,— деди Акбар,— биз не учун дунёга келдик? Уни бир озгина бўлса ҳам ободрок, адолатлироқ қилиб кетмасак яшашнинг не маъноси бор?

— Ҳазратим, қадимий китобларда ривоят борки, ҳарминг йилда янги бир доҳий туғилиб, барча адолатсизликларни бартараф қилгай.

Абулфазл сўзининг тасдики учун мез устида турган китобларни бир-бир очиб, гоҳ санскрит тилида, гоҳ қадимги форс-паҳлавий тилида мисоллар келтира бошлади:

— Мана, ҳиндларнинг муқаддас китобида айтилмишdir: Офтоб тангриси Вишну таносиҳ¹ қонуни бўйича дунёга чўпон бўлиб қайтиб келгай, барча адолатсизликларни йўқотиб, яхшилардан адолатли жамият тузгай. Насораларда ривоят борки, янги бир маҳдий Мессия, яъни Масиҳо қиёфасида келиб дунёда адолат ўрнатармиш.

Акбар оташпастларнинг «Авесто»сида ҳам шунга ўхшаш ривоят борлигини эслади: Зорастр авлодидан Саушъянт деган доҳий пайдо бўларкан, ёмонликни йўқотаркану дунёни покларкан. Турли ҳалқларнинг эътиқодлари бу қадар ўхшаш бўлса, диний адоватлар қаёдан чиқиб келмоқда?

Улар биргалишиб шу саволга жавоб излай бошладилар. Абулфазл Акбардан тўққиз ёш кичик бўлса ҳам, тарихни яхши билганлиги ва беҳад кўп китоб ўқиганлиги туфайли иккови тенгдош ва маслакдошлардек берилиб сухбатлашар эдилар. Абулфазлнинг фикрича, ҳамма бало — руҳонийларнинг тамагирлигию фотиҳларнинг диний хурофот ёрдамида босқинчилик сиёсатини амалга оширишида. Гоҳ ғазоту жиҳот, гоҳ салиб юришлари, гоҳ ҳинд-муслим қирғинлари — барি ғаразли мақсадларга хизмат қилган. Бидъату

¹ Таносиҳ — руҳнинг янги шаклларда қайта туғилиши ҳакидаги фалсафа.

хурофот бир ҳалқни иккинчисига ёмон кўрсатмоқчи бўлса, албитта, унинг урфу одатларини, имону эътиқодини бузиб тилқин қиласди.

— Ҳазратим, жоҳиллар шу йўл билан... «Фақат биз яхши, бошқалар ёмон» деб, ўзларини устун кўрсатиб, хурофий ҳокимиятларини ўрнатурлар. Улар учун ҳақиқат керак эмас. Хурофоту бидъат мудом тахминий гапга, ривоятга, мишишига асосланиб иш кўрур. Кўпчилик руҳонийлар бошқа ҳалқларнинг имону эътиқоди нелигини билмайдир, билиншилан ҳам чўчидир. Гёё бошқа динларга қизиска, муслимлик эътиқоди бўшашиб кетармиш. Шунинг учун бошқа тилдаги нодир китобларни «макруҳ» санаб, иликлариға ҳам олмайдиган уламолар кўп. Ҳолбуки, яхшини ёмондан фарқ қилмоқ учун уларни ўрганиб чиқмоқ керак. Фақир шу эътиқод асосида дунёдаги бешта асосий динларнинг тарихини киёсан ўргандиму фарқларидан ташқари ўхшаш жойлари кўилигидан ҳайратга тушдим.

Абулфазл «Инжил»ни очди:

— Мана, Одам Ато билан Момо Ҳаво ҳақидаги ривоят насораларда ҳам бор. Факат улар Одам Атони Адам дейдирлар, Момо Ҳавони Ева дейдирлар. Яна бир нарсага эътибор беринг, ҳазратим: фотиҳа ўқилгач, муслимлар «омин» дейдирлар, насоралар «амин» дейдирлар, юонилар «амн» дейдирлар, ҳиндлар «оувмм» дейдирлар.

— Тўрталаси ҳам ўхшаш!— ҳайрат билан хитоб қилди Акбар.— Агар турли улуслар бидъату хурофот таъсиридан кутулсалару ўзлари ҳақидаги чин ҳақиқатни билсалар, даҳшатли диний адоватлар ўз-ўзидан йўқолиб кетмасми?

— Мен ҳам нуқул ана шу ҳақда ўйлайману ҳеч ўйимнинг тагига етолмаймен! Чунки кўп жойда шайх Ансорийга ўхшаш хурофотчилар ҳокимият тепасига чиқиб олмишлар. Улар бошқача фикр юритадигайнларни «даҳрий» эълон килиб ўлимга буюурлар, зинданга ташлайдирлар. Ҳатто Улугбекдек тождор алломани ўшалар ўлимга ҳукм қилиш хукуқига эга бўлганини тарихдан билурсиз.

— Менга қарши сунқасд тайёрлаганлар ҳам шулар!— деди Акбар баданига санчилган ёй ўкининг аччиқ оғригини ҳозир қайта хис қилгандай озорланиб.

— Фақат шарқда шундайми десам, ғарбда — Фарангистонда ҳам диний ҳокимият жуда шафқатсиз эмиш. Гужаратда юрганимда фаранги денгизчилар сўзлаб бердилар. Уларда биздагидан ҳам катта хурофий ҳокимият бор экан. «Инквизиция» дейиларкан. Даҳрий деб гумон қилингандарни минг кийнокларга солиб сўроқ килармишлар.

Даҳрийлиги исбот этилса устунга боғлаб қўйиб, тагидан ўт қўйиб куйдирармишлар. Мърифатли алломалар хурофотга зид бўлган янги фикр айтса бас, биздагига ўхшаб, уларни ҳам даҳрийликда айблашар экану оловда куйдириб ўлдиришаркан. Ҳолбуки, имону эътиқодни ҳар бир киши дилига жойлагай. Инсон дилини бу тарзда идора этиб бўлгайми, ахир, ҳазратим? Эътиқоди бошқача бўлган одамларни шарқда тошбўрон қилиб ўлдирадиган, гарбда оловга ташлаб куйдирадиган жоҳиллар истибоди қаҷондир бир вакт йўқотилмоғи керак!

Бу ҳокимиятдан кўп жабр кўрган Салим ота ҳам шу фикрни айтгани Акбарнинг эсига тушди. Энг яхши одамларга шунчалик зулм ўтказаётган ансорийларнинг ҳокимиятидан қандай қилиб кутулиш мумкин?

Мана шу фикр Акбарга беш-ён кун тинчлик бермай юрди. У Абулфазл билан яна кутубхонада учрашганда улкан гумбазли янги бинонинг қофозга чизилган хомаки режасини кўрсатди.

— Жаноб Абулфазл, фараз қилингки, бу гумбаз — осмон рамзи. Мамлакат халқларининг имону эътиқодларини худди тогнинг турли ёнбағирлари каби шу яхлит гумбаз остига йигсак не дейсиз?

— Қандай қилиб, ҳазратим? — тушунмади Абулфазл.

— Ҳинд эли муқаддас санайдиган китоблар бор. Сиз уларнинг энг қадимйиси деб «Ригведани» айтдингизми? Бинонинг алоҳида бир қисмини шу китоб эгалласа... ҳиндларнинг имон-эътиқодига мос келурми?

— Шубҳасиз мос келур!

— Мамлакатимизда оташпастлар бор. Уларнинг «Авесто»си қачон ёзилган?

— Бундан икки минг йил муқаддам.

— Демак, бинонинг иккинчи қисми «Авесто»га, учинчи қисми насораларнинг муқаддас китобларига берилса, тўртинчи қисми — муслимлар эътиқодига макон бўлса.

— Барча эътиқодлар бир гумбаз остида бирга, баробар!... Ҳазратим, тарихда ҳали хеч ким қилишга журъат этмаган янги ишга бел боғлабсиз! Энг муҳими, турли эътиқод вакиллари бир даврага йигилсалар, ҳакиқатни билишлари сенорок бўлгай, хурофоту бидъат чекингай.

— Охир-окибатда ансорийларнинг хурофий ҳокимиятидан кутулиш мумкин бўлгай! — деб Акбар Абулфазлиниң фикрини давом эттириди. — Чунки бу ҳокимият диний адватга асосланмишdir. Биз диний адватни йўқотсан, Ансорийнинг суюнган устунлари кулагай, ўзи кераксиз бўлиб, четга чикиб қолгай!

Абулфазл Акбарнинг режаси қанчалик узоқни кўзлаб чигилганини энди тушунди-ю, ҳаяжон билан ўрнидан туриб унга таъзим қилди:

— Ҳазратим, бу тўрт қисмлик обида — сизнинг улуг бир меъморлик кашфиётингиз бўлғусидир!

— Агар бу чиндан кашфиёт бўлса, уни мен сизнинг ғрдамингиз билан қилмишмен, мавлоно! — деди Акбар. Ӯша куни Абулфазлга мўътабар мавлонолик увони берилди. Кейинроқ у Акбарнинг энг ишонган сирдош вазири бўлиб қолди.

Бир гумбаз остидаги тўрт қисмлик бинони улар ўзаро сухбатда «Эътиқодхона» деб аташарди. Лекин диндорларни чўчитмаслик учун расмий равишда унга «ибодатхона» деб ном бердилар. Янги бинога жой танлашда эса Акбар Бианадаги халқ қўзғолонига бошчилик қилган Абдулла Ниёзийнинг эски ҳужраси ўрнини маъкул кўрди.

Бу ҳужра янги сарой биноси тушган жойга яқин. Абдулла Ниёзийнинг ўзига Салим ота турган кўл бўйидан бошка жой берилган. Абдулла Ниёзий ҳозир қуролли қўзғолон йўлидан кайтган, лекин маҳдийлар эътиқодидан воз кечган эмас. У ҳам шайх Муборак каби бутун нажотни одил подшодан излайди ва Акбарга умид билан қарайди.

Акбар эса ансорийларнинг диний истибодига карши курашда мархум Салим отанинг шогирдлари бўлган маҳдийларга суюнади. Шу сабаблар билан икки орадаги яқинлик тобора ўсиб боради...

* * *

Ички ғанимларни бартараф қилиш йўллари шу тарзда белгилангач, Акбарнинг хаёлини ташки душманлар кўпроқ банд қила бошлади. Уларнинг энг ашаддийлари ҳозир Гужарат ва Гоа томонларда эди. Улар ўша ёклардан маҳфий одам юбориб, яна Пўлат васвасга ўхшаган одамларни Акбарга қарши зимдан ишга колаётган бўлишлари мумкин. Лекин Гужаратда Акбар юборган мушрифлар ҳам тинмай иш олиб бормоқдалар. Улар Гужаратдаги ички низолардан фойдаланиб, Музafferшохнинг вазири Эътимодхон билга яширин алоқа ўрнатдилар. Акбарнинг номидан бу вазирга хатлар, совғалар элтиб топширдилар ва катта ваъдалағ бердилар.

Ниҳоят, Эътимодхон Акбарга ён босиб, маҳфий жавоъ ёзди:

«Ҳазрат шаҳаншоҳ! Бундан ўттиз йил буруни Гужара

сизнинг отангиз қаламравида эди. Ўшанда факир Зафар шохлар сулоласига ён босиб, Гужаратнинг марказий давлатдан ажралиб чикишига ёрдам берган эдим. Бу ишим хато бўлганини менга шу ўтган йиллар кўрсатди. Музффаршоҳ Гужаратни хароб килди. Денгиз қирғоқларидағи эллар фарангилар ихтиёрига ўтмоқда, илм-маърифат инқирозга юз тутди, диний адоват ва ички парокандалик Гужаратни беҳад заинфлаштириб қўйди. Ҳолбуки, биз қудратли марказий давлат таркибида бўлганимизда бу аҳволга тушмас эдик. Сизнинг илму маърифатга кенг йўл берганингизни, диний адоватга қарши турганингизни, қандай ислоҳотлар ўтказганингизни ва катта курилишлар қилаётганингизни Аграга, Дехлига, Секрига бориб келган одамлардан эшишиб ҳавасимиз келур. Бизнинг истеъдодсиз жоҳиҳ ҳукмдоримиз Музффаршоҳ эл-улусин ўзидан бездирган, кўпчилик беку сипоҳилар ҳам ундан қутулишнинг йўлини изламоқдалар. Ҳатто мен уни бир вакълар тахтга чиқарганимга энди минг пушаймонлар қилмоқдамен. Агар келсангиз, Аҳмадобод сизга пешкаш, маслаҳат билан дарвозаларни жангиз очиб беришга тайёрмиз».

Акбар Гужарат юриши учун энди фурсат келганини сезди. Унинг хаёли Музффаршоҳ қаноти остида қочиб юрган Шарафиддин мирзога ва Гоя оролидан Пўлат васвас га тўфағи юборган фарангиларга кетди. Ташки ғанимлар билан курашда Акбар отасининг хатоларини такрорламасликка интилади. Янги давлат ҳам улкан дараҳт каби мустаҳкам илдиз отмагунича уни суғуриб ташлаш осон бўлишини Хумоюннинг Ганга бўйидаги мағлубияти кўрсатган эди.

Йигит пайтида тезкорликни яхши кўрган Хумоюн тахтга ўлтирганининг дастлабки уч-тўрт йили ичida шарқка ва гарбга, жанубга ва шимолга кетма-кет юришлар қилиб, ўндан ортиқ вилоятларни забт этди. Лекин у Гужаратга юриш қилганда шарқда Бихор исён кўтариб, ихтиёридан чиқиб мустакил бўлиб олди. Акбар ўша аччиқ сабоқларни эсда тутиб, давлатининг чегараларини шошмасдан, қадамма-қадам кенгайтириб бормокда эди. Ўн беш йил давомида Гужарат билан Агра оралиғидаги Биканир, Читор, Бунди, Малва каби вилоятларда ички парокандаликни тугатди, энг нуфузли рожа ва роалар билан қон-кариндош бўлди, отлик аскарларининг ярмини содик ражпутлардан ёллади. Ҳатто умр бўйи Бобур ва Хумоюнга қарши курашиб ўтган Рана Санграм Синхнинг невараси Удай Синх энди Акбарни тан олиб, у билан иттифоқ тузди. Унинг Эътимодхон билан

маҳфий алока ўрнатганига ҳам иккى йил бўлди. Энди Гуқарит юриши учун вазият етилганини ўша ёқдан ахборот юбориб турган хуфияларнинг маълумотлари ҳам тасдиқиди.

Акбар ўн минг қўшин билан мезон ойида Аҳмадободга қичишлишиди. Эътимодхон сўзида туриб, иккى минг одам билди Акбар томонга ўтди. Музффаршоҳ жанг қилишга юраги бетламай пойтахтни ташлаб кочди. Акбар Азиз ўқалдошли беш минг аскар билан қувгинчи қилиб юборди-да, ўзи Аҳмадободдаги подшо саройига кириб койлашиди.

Азиз кўка эртаси куни пешинда Музффаршоҳни тутиб келтирди. Бу шоҳ қирқ ёшлардаги, семиз, кора одам экан, уни шунчак ўйил ҳўкмронлик қилган саройини энди Акбар таълаб олганини кўриб, юзлари аламдан кўкариб кетди. Бироқ жони ширин туюлиб, Акбар ўлтирган тахт қаршисида таъзимга эгилди, ўнг кўлининг орқасини аввал ерга теккизib, сўнг боши устига балаңд кўтарди-да, таслим¹ бажо келтирди:

— Ҳазрат шаҳаншоҳ, тақдир экан, биз енгилдик. Ҳатолик ўтган бўлса афв этинг. Агар қонимдан кечсангиз, то ўлгунча сизга садоқат сақлаб, бир гўшада тинчгина яшамоқчимен!

Акбар унинг заҳар томиб турган кўзларига караб, дилидан ҳали адоват кетмаганини сезди. Тахт ёнида турган Бҳагван Даҳ ҳам Акбарга, «ишонманг, сўзида турмагай!» деб шивирлади.

Лекин Аҳмадобод жангиз олинганидан қувониб кўнгли юмшаб турган Акбар тиз чўкиб таслим бўлган одамни ўлимга буюришни ўзига муносиб кўрмади.

— Жаноб Музффаршоҳ, менинг ота-боболарим «эгилган бошни қилич кесмас» деган қоидага амал қилиб келганар. Мен ҳам биринчи марта қонингиздан кечдим...

— Миннатдормен, ҳазратим, хоки пойингизни кўзга ургаймен.

Акбар унга Аҳмадобод яқинидан жогир берди, хазинадан нафақа тўлаб туришни, айни вактда, кечаю кундуз атрофидан кўрикчини узмай, кўз-кулок бўлишини буюрди.

Музффаршоҳни тутиб келган Азиз кўкага хони аъзам унвони берилди. Акбар уни Аҳмадободга ҳоким тайинладида, ўзи беш минг аскари билан денгиз бўйидаги Сурат бандарига йўл олди.

Таслим — таъзимининг бир тури.

* * *

Ҳинд уммони. Охири уфкларга туташиб кетган баҳай-
бат катта сув ичида улкан кемалар ҳам писта пӯчогидай
кичик кўринади. Акбар умрида биринчи марта дengиз кема-
сига тушиб, ота-боболари кўрмаган Камбей кўрфазида сайр
қилди ва Гоа оролигача сузib борди. Бу ерда у дengиз ҳоким-
лари бўлиб олган фарангли португалларнинг черковларини
кириб кўрди. Португалларнинг кемалари ҳинд кемаларидан
йирикроқ ва қудратлироқ эди. Гоани ўзлариники килиб ол-
ган ва дengиз йўлига хўжайинлик килиб юрган фарангилар
Акбарга илтифот кўрсатган бўлиб, уни энг катта кемаларида
сайр қилдирмоқчи бўлиши.

— Мен ҳинд кемасида сузишни афзал кўрурмен!—
деди Акбар ва Гоанинг португалиялик ҳокимидан таржимон
орқали сўради:— Бу ерда илгари ҳинд ибодатхоналари,
муслим масжидлари бормиди?

— Бор эди.
— Ҳозир нечун кўринмайдир?
— Чунки... аҳоли бари черковга борадиган католиклар-
дир.
— Қачондан бери? Асрлар давомида Гоада ҳиндлар
 билан муслимлар яшаб келар эди-ку. Уларни фарангилар-
нинг Албукерка деган амиралбаҳри кириб ташлагани рост-
ми?
— Ҳаммасини эмас... бир кисми... католик динига ўт-
ган...
— Демак, фарангилар ҳиндию муслимларни зўравон-
лик билан ўз динларига ўтказмоқдалар! Балки сизлар бутун
Ҳиндистонни зўравонлик билан босиб олмокчирирсизлар?!
— Зинхор ундоқ эмас, ҳазрати олийлари! Биз сиздек
улуг подшоҳни хурмат қилурмиз... Ҳинд ҳалки билан ҳам
ҳамкорлик қилмоқчимиз.
— Айтинг-чи, жаноб ҳоким, расмий хужжатларда сиз-
нинг лавозимингиз не тавр айтилур?— сўради Акбар.

Гоа ҳокими Португалия қиролининг Ҳиндистон бўйича
ноиби ҳисобланарди. Расмий хужжатларда бу ҳоким «Ҳин-
дистон вице-қироли» деб улугланарди. Ҳоким буни очик
айтса, бутун Ҳиндистонга даъво қиласигандек кўринишни
сезди-ю, гапни бурди:

— Камина Португалия қиролининг Гоа оролидаги нои-
бимен...

— Факат Гоа эмас, жаноб ноиб, сизни бутун Ҳиндистон
ерларига хўжайн тайинлаб фармон чиқарилганидан биз
хабардормиз! Қиролингизга шуни маълум қилингки, Ҳиндис-

тон — мустақил давлат, унинг ўз подшоси бор. Ҳиндистон-
и ноиб керак бўлса, уни Фарангистон қироли эмас, биз
уимиз тайинлагаймиз!

— Бу сўзларингизни қирол ҳазратларига албатта етказ-
гаймиз. Биз сизнинг мустақилларигингизни ҳурмат қилурмиз!

— Аммо баъзи фарангилар бизнинг ички ишларимизга
аралашмоқдалар... Ҳатто бизга қарши сунқасд қилган бир
теббанинг уйидан фарангли тўғанги топилди... Ҳозир бизда
ҳам тўғангу замбараклар кўп. Огоҳлантириб қўймоқчимиз-
ки, яна шундай ишлар такрор бўлса, бизнинг замбарак-
лар сизларга қарши отилмоғи ҳам мумкин!

Акбарнинг айтганини қила оладиган одам эканини била-
диган Гоа ҳокими ташвишга тушиб:

— Биз сиз билан тинч-тотув яшашни истаймиз, ҳазрати
олийлари!— деди.— Агар сунқасдга қатнашган одам Гоада
бўлса уни тутиб беришга тайёрмиз!..

Акбар вазир Жамилга ишора қилди. Вазир Жамил
қўйинидан қоғоз олиб, Пўлат васвас ва баъзи гувоҳлар-
нинг айтишича, ўша тўғангии Алваро Пакавира деган кекса
одам Деҳлига олиб боргани ҳакида ахборот берди.

Гоа ҳокими ёнидаги мулоzимларидан ниманидир сўради-
да, тез Акбарга юзланди:

— Алваро Пакавира яқинда пўртана пайтида дengизга
чўкиб ҳалок бўлмишdir... Агар ҳазрати олийларига ёмон-
лик қилган бўлса, унга қасос қайtgани шу! Минбаъд биз
Ҳиндистон билан фақат яхши алоқалар қилиш ниятидамиз.
Дину міллат айрмасдан борди-келди қилайлик! Агар сиз
ҳазрати олийлари, лозим кўрсангиз, бизга элчилар юборинг.
Биз элчиларингизни ўз кемаларимизда Португалияга,
ўз қиролимиз ҳузурига олиб боришига, сўнг қайтариб олиб
келишга тайёрмиз.

Бу гаплар Акбарни хиёл юмшатди. У Португалияга
элчи юборадиган бўлиб Гоа ҳокими билан хайрлашди.
Сурат бандарига қайтганда эса:

— Ҳали фарангиларнидан ҳам қудратлироқ кемалар
қурдиргаймиз,— деди ёнидаги ҳамроҳларига.

Кўпчилик беклар ҳам «фарангиларни Гоадан қувмоқ
керак», деган фикрда эдилар.

Акбар шу ниятни кўнглига тутиб, Сурат бандаридаги
кемасозларга буюртмалар бера бошлаган куни Аҳмадобод-
дан шум хабар келди: Музаффаршоҳ Акбар қўйдирган
қўриқчиларни ўлдириб қочибди, бир гуруҳ темурийзода
мирзолар унинг тарафини олиб исён кўтарибди.

Хусайн Бойқаро авлодидан бўлган бу мирзолар аввал

хам ўз қариндошлари Акбарга бахиллиги келиб, нукул унинг душманларига ёрдам бериб юришарди. Самбхалдан кочган ва Пўлат васвасни ишга солиб Акбарга ўқ оттирган Шарафиддин мирзо ҳам шуларнинг ёнига кирган эди. Мирзолар ёрдамида Аҳмадобод ёнидаги жогиридан кочган Музаффаршоҳ Боринжни гафлат уйкуси пайтида ишғол қиласи-ю, Акбарга содик бўлган Кутбиддинни қатл эттиради. Гужарат вилоятининг хазинасига неча йиллар давомида йигилган ўн курур¹ рупий олтинни Акбар Кутбиддинга ишониб топширган эди. Музаффаршоҳ шундай катта бойликни ўзлаштиргач, ўзини яна кудратли сезиб, бир талай аскар ёллади. Сўнг Аҳмадобод қальасида ҳоким бўлган Азиз кўкага қарши уруш бошлади. Мирзолар эса ундан беридаги Сарналда Акбарнинг Аҳмадободга қайтадиган йўлини тўсиб турган эмишлар.

Акбар бу хунук ҳабарларни эшитганда Музаффаршоҳни кечириб катта хатога йўл кўйгани учун ўзидан ҳам қаттиқ койинди. Қариндош бўла туриб елкадан пичоқ урган темурий мирзоларга қарши дилида қўзғалган чексиз қаҳру ғазаб уни қуюндай учирив, денгиз бўйидан Сарнал томонга олиб кетди.

Суратдан Сарналгача отда ўн кунлик йўл эди. Акбарнинг денгиз бўйидан юрганини эшитган мирзолар уни ҳали-бери қайтиб келолмайди, деб бехавотир юрган эдилар. Акбар Ҳайрон деган чопкир ирок отида уч кун ўтмай Сарналга етиб борди. У бехад тез йўл юргани учун қўшинининг асосий қисми Махендра дарёсидан нарида қолиб кетди. Акбар дарёдан биринчи бўлиб ўтиб, Сарнал қальасига элликтacha одами билан етиб келганда, дарвозалар очик турган экан. Акбар асосий кучларининг етиб келишини кутадиган бўлса, мирзолар ҳабар топиб, қалъя дарвозаларини бекитиб олишади. Кейин уруш ва қамал бир неча ойга чўзилиб кетиши мумкин. Акбар ўнг ёнида турган Ҷаҳангир Дағса қаради:

— Таваккал қилайликми?

— Майли!— деди Ҷаҳангир Дағса ҳам тап тортмай.

Акбар бор одамини учга бўлди-да, ўнг қанотга Зайниддин кўкаaldoшни, чап қанотга Ман Синхни тайинлади. Ўн олти ёшига кириб, жангларга қатнашиб юрган Абдураҳим отаси Байрамхондай пишиқ, довюрак йигит бўлган эди. Акбар билан ўн кунлик йўлни уч кунда босиб ўта олган энг дов йигитларнинг бири ҳам Абдураҳим эди... Акбар уни ва Ҷаҳангир Дағсни ўзи билан марказда қолдирди. Сўнг ҳамма-

тири қилич ялангочлаб Сарнал қальасининг очик дарвозадан от кўйиб кирдилар.

Қалъя ичиди мирзоларнинг тўрт минг аскари бор эди. Іекин Акбарнинг кутитмаган ҳамласи уларни эсанкиратиб ҳуди. Сафланишга ва тўпланишга улгурмаган юзлаб наварлар қалъанинг тор кўчаларида тикилишиб, ўзларига ўзлари ҳалакит бера бошладилар. Тўполонда ёв аскари қаиси, үлариники қаёда — ажратиш осон эмас. Шундай бўлса ҳам, Музаффар Ҳусайн мирзо бошлиқ юзтacha отликлар Акбарнинг йўлини тўсиб чиқди. Нариги кўчадан чиқкан Иброҳим Ҳусайн мирзонинг навкарлари чап қанотдаги Ман Синхга ҳамла қилди. Масъуд Ҳусайн мирзо Зайниддин ўка билан олиша бошлади.

Акбарнинг эгнида зирҳли кийим, бошида дубулга. Қариндан отилаётган ёй ўқларидан бири қўкрагидаги чоройнага «тарс» этиб тегиб, сирпаниб кетди. Яна бир ўқ тиззасини ёниб турган ҳамир зонупўшга карсиллаб урилди. Акбар бошини елкасига тортиб хиёл эгилди-да, қилич ялангочлаб ҳолда ўқ отаётган навкарга ташланди. Лекин шу орада Ҷаҳангир Дағс бу навкарни қиличи билан чопиб, отдан йиқитди. Ён томондан Зайниддин қўқанинг:

— Акбар ҳазратларига қаранг!— деган хитоби эшитилди. Бу унинг: «Акбарни қўриқланг!» дегани эди.

Олтин қиличини ялангочлаб от чоптириб келаётган Акбарни ёй навкарлари энди кўрдилар. Ҷаҳангир Дағс ва Зайниддин қўқанинг зарбаларидан йиқилиб тушаётган ёвлар ҳам уларга Акбарнинг қиличидан ағанаб кетаётгандай туюлди. Мирзолар томонидан отилган ёй ўқлари Акбарнинг зирҳли кийимига тегиб, санчиб кетаётгани ёвларига уни ўқ ўтмайдиган назаркарда қилиб кўрсатарди.

— Акбарнинг ўзи!

— Акбар!..— деган сўзлар ёв навкарлари орасида худди «бало-қазо келяпти, жонинг борида қочиб қол!» деган бир вахимали оҳангда тарқалди. Соң жихатидан қирқ баробар кўп бўлган ёвлар мана шу вахимага берилиб, тирақайлаб қоча бошлади. Акбар улардан бирортасига қилич теккизолгани ўйқ. Факат унинг ўзи олдинги сафда ўқ ёмғири остида ҳужум қилиб келаётгани учун ёнидаги бек ва навкарлари ўлган-қолганларига қарамай душманлар устига ташланмоқда эдилар. Марказдаги Ҷаҳангир Дағс Акбарга найза отмоқчи бўлган мирзолардан бирининг қўлига қилич урди. Дағснинг бутун хаёли Акбар ҳимояси билан банд бўлиб, ўнг ёнида жанг қилаётган ўғли Ҷаҳонгир ҳам унугтан эди. Мирзолар томонидан отилган бир ўқ ўн етти ёшли Ҷаҳонгирнинг бўйни-

¹ Ү и ку р у р — юз миллион.

га қадалди. У отдан йиқилаётганда Абдурахим келиб тутиб қолди ва бехатар жойга олиб чиқди.

Қочиб бораётган ёв аскарлари ҳужум қилиб келаётганлар билан аралашиб кетгани учун мирзоларга душман беҳад кўп бўлиб кўринди. Бу орада Акбарнинг асосий кучлари ҳам дарёдан ўтишга ултурган ва Сарналга кира бошлигини сезган миризолар қальянинг нариги четидаги дарвозалардан тумтарақай бўлиб қочиб чиқдилар. Иброҳим миризо шимолдаги Мултонга қараб қочган эди. Уни тутиб, бошини кесиб келтирдилар. Музофар Ҳусайн билан Шарафиддин миризолар жанубдаги Дакан подшосининг хузурига қочиб бориб жон сакладилар.

Дакан тождорининг мустақил хукмронлик килиши учун Акбардан кўра Музофар Ҳусайн бехатарроқ эди. Миризолар унинг ёрдамида ўн минг қўшин тўпладилар ва бир йил ўтгач, яна Гужарат чегарасига бостириб кирдилар. Музофаршоҳ ўз тарафдорлари билан қўшилди. Ўттиз мингга етган мўри-малаҳдай даҳшатли қўшин Гужаратда ҳоким бўлган Азиз кўканинг атрофини ўраб Аҳмадободга бостириб кела бошлади.

* * *

Аллақачон Фатҳободга қайтиб, бу ердаги қурилиш ишларига киришиб кетган Акбар Азиз кўканинг камалда қолганини сарнатон ойида эшилди. Ёмғир фасли авжид, йўллар балчиқ бўлишига қарамай у ўн минг аскарни Ҷаҳангир Даҳшатлинига Гужаратга ёрдамга жўнатди. Абулфазл ҳам бу қўшин билан бирга кетди.

Акбарнинг ўзи асад ойида ҳам пойтахтда юрар, миризолар буни Секридаги хуфияларининг ахборотидан билиб тураганда Ҳашимнинг ойида ҳам Аҳмадободга яқинлаша олган эмас эди.

Сибула кириб, осмонда ёмғир булутлари камая бошландан кейин Акбар беш юзта сараланган беку навкари билан кечаси Фатҳободдан Гужаратга йўл олди. У душманларини яна фафлатда колдириб, тўсатдан бостириб бормокни эди. Шунинг учун чопарлар тезлигига йўл юра бошлади. Энг тезюраси от ва туюлар олдиндан танланган ва йўллардаги маҳсус жойларда тайёрлаб турилган эди.

Секри билан Аҳмадобод оралиғидаги йўл салкам саккиз юз мил. От ва туюларни минг кистаб ҳайдаганида ҳам Хизистон иссиқларида етмиш-саксон мил йўл босиб бўлмас

эди. Лекин Акбар чопарлар каби от ва туюларни ҳар куни бир исча марта алмаштириб, шамолдай учеб бора бошлади. Кундуз энг иссиқ пайтида беш юз одам ҳаммаси соя жой топиб ухлаб олар, сўнг кечаси билан то саҳар паллагача йўл юришар эди. Акбарнинг ўзи тўккиз кун давомида бу тезлигига бардош бериб келаётгани учун кўпчилик йигитлари ҳам «чарчадим» деб айта олмас эди.

Бу йигитлардан бири — Акбарнинг тутишган ўғли, энди ўн еттига кирган Абдурахим эди. Акбар уни ўзининг энг содик кўкалдоши Азизнинг синглиси Моҳ бонуга уйлантирган, Жажжи энага энди Абдурахимга она ўрнида эди. Абдурахим Аҳмадободда камалда колган қайнота-қайнонасини тезроқ куткариш учун ҳам тушу кун йўл юришнинг барча машаққатларига бардош бериб келмоқда эди.

Акбар ва унинг беш юз йигити Секридан Гужаратга тўккиз кунда стиб борди, бир кеча-кундузда саксон-тўксон мил йўл боссан пайтлари бўлди¹.

Гужаратга ҳали Акбарнинг Секридан йўлга чиқкани ҳақидаги маълумот ҳам келиб ултурмаган эди. Сабармати дарёсидан наридаги жойларни эгаллаб олган миризоларга хабар келтираётган хуфиялар ярим йўлда қолиб кетишган эди. Гужаратда тўсатдан пайдо бўлган Акбар Ҷаҳангир Даҳшатлинига ой олдин йўлга чиқкан қўшинига етиб бориб, уни ҳам ўз ихтиёрига ўтказди.

Миризолар дарё бўйидаги соя-салқин жойларни қароргоҳ килиб бамайлихотир ўлтирганларида Сабарматининг нариги кирғозида бирдан Акбар қўшини пайдо бўлди ва дарёдан ўта бошлади. Миризолар шоша-пиша ўттиз минг қўшинни саф килиб, Сабармати томон йўл олдилар. Бу орада Акбар тўртта йигити билан Сабарматидан биринчи бўлиб сузид ўтган эди. Бош саркарда ўзини сувга дадил ташлаганини кўрган беку павкарлар ҳам унинг кетидан ўзларини сувга отдилар. Уч мингтacha аскар ўтиб бўлгач, Акбар колгандарини кутиб ўлтирумай ҳужумни бошлади.

Унинг тагида — бир вақтлари аммаси Гулбадан бегим инъом этган Ҳайрон исмли ўша ироқ оти. Сувдан ўтиш осон бўлсин учун Акбар отнинг устидаги оғир зирҳли кежимни олиб ташлаган эди. Жанг қизигида зирҳли кежимни қайта ётиришга ултурмади, ёв томонни ваҳимага солиш учун ҳам ўзи олдинги сафда от чоптириб бора бошлади. Лекин миризоларнинг қўшини сон жихатидан беҳад кўп эди.

¹ Тўксон мил — 144 километр. Хинд тарихчиларининг ёзишлари, Акбардан олдин ўтган саркарлардан хеч бири Секри билан Гужаратнига бу масоғтани аңуандай катта тезлигига босиб ўтмаган

Ўқлар дўлдай ёғила бошлади. Акбарга теккан беш-олтита ўқни унинг кўлидаги қалқони ва эгинидаги зирҳли кийимлари кайтарди. Факат тагидаги Ҳайрон бикинидан ўқ ёб, гандираклаб тўхтади.

Пиёладай катта-катта кўзларида доимий бир ҳайрат қотиб колгандай кўринадиган бу от Акбарга ўн йилдан ортиқ хизмат қилди. Не-не узок масофалардан уни қушдай учириб ўтказди. Отнинг ҳайрон қоларли кучи ва ҳайратга тўла кўзлари бор эди, шунинг учун Акбар унга Ҳайрон деб ном ўйган эди.

Ҳозир зирҳли кежим ёпилмагани учун ўқ еган Ҳайроннинг бикинидан тизиллаб қон отилмоқда. Агар у яна бир неча қадам қўйса, йиқилиши муқаррар. Жонивор от Акбар билан йиқилмаслик учун оёқларини кериб тўхтаб турарди.

Буни сезган Акбар орқада келаётган отбегига:

— Роҳворни! беринг! Тез! — деб қичкирди.

Бош саркарданинг отдан йиқилганини ёвлари кўрмаслиги керак эди. Отбеги зирҳли кежим ёпилган ва узок йўлда яхши юрадиган саман бедов Роҳворни дарҳол етаклаб келиб, Акбарга тўғрилади. Акбар эгардан эгарга сакраб ўтгунча садоқатли Ҳайрон оёқларини ерга маҳкам тираб, йиқилмай турди. Эгаси бошқа отга миниб узоқлаша бошлагандан сўнг ярадор от гурсиллаб йиқилди.

Музаффар Ҳусайн мирзо узоқдаги бир тепалик устида отлик туриб, жангни бошқармоқда. Акбар шу тепаликка яқинлашганда Ман Синх бир неча юз ражпут йигитлари билан тепаликни отлик айланиб ўтишга улгурди. Куршовда колаётганини сезган Музаффар Ҳусайн мирзо қўриқчи йигитлари билан тепадан пастга отилди, аммо куршовни ёриб ўтгунча бўлмай, Ман Синх унга узоқдан найза отиб, отдан йикитди. Найза Музаффар Ҳусайннинг пўлат совутини кесиб ўтолмаган бўлса ҳам, ўнг кўкрагини яралаган эди. Ман Синхнинг йигитлари унинг кўлини боғлаб, Акбарнинг олдига олиб кетдилар.

Музаффар Ҳусайн мирзонинг отдан йиқилгани ва асир тушгани яшин тезлигида ёв қўшинлари орасида овоза бўлди. Музаффаршоҳ эҳтиёткорлик қилиб орқароқда турган эди. дарҳол ўзининг одамларини айириб олиб, Патан томонга қочди. Шарафиддин мирзо ҳам унинг кетидан тирақайлаб қочишга тушди.

Жанг тугагандан сўнг дарё бўйидаги серсоя амалбег дарахтларининг тагида Акбар учун гилам ва зарбоф кўр-пачалар тўшаб, шоҳнишин қилинди. Унинг чап ёнида Абул-

ғил ва рожа Бирбал ўлтирган пайтда кирқ беш ёшлардаги шарбаста, шертахлит Музаффар Ҳусайн мирзоны олиб келшилар. Бирбал уни тутган одамларга таҳсин айтгиси келиб, оқчи йигитдан:

— Амирзодани ким тутди? — деб сўради.

Ман Синх орқароқда камтарона бош эгиг жим турибди. Қули боғлоғлик Музаффар Ҳусайн мирзо шу хинд йигитига асир тушганини айтишдан ор қилди шекилли:

— Мени туз тутди! — деди ва тиз чўкиб Акбарга мурожаат қилди: — Ҳазратим, биз Шайбонийхон даврида Хурсоидан қувилдик, дарбадар бўлиб юрганимизда жаннатмакон Бобур бобонгиз бизни Ҳиндга чакирдилар, «сизлар ҳам темурийлардан сиз, сulton суюгини хор қилмас» деб, бошпана бердилар, улуфаю жогир ажратдилар. Биз буни унумаслигимиз керак эди. Лекин хом сут эмган банда эканмиш, Музаффаршоҳнинг кутқусига учиб, кўрнамаклик қилдик. Бошим эгик, афву сўраймен! Агар қонимдан кечсангиз, минбаъд то ўлгунча садоқат саклагаймен!

Бу гаплар Акбарни анча юмшатди, Унинг буйруғи билан Музаффар Ҳусайннинг кўлини ечдилар ва подшонинг чап ёнига — Бирбалдан пастрокка ўтказдилар. Акбар унинг лаблари қуруқшаб турганини кўрди-ю, шарбат сўради. Олтин жомда келтирилган норинж шарбатидан аввал ўзи ичди-да, кейин Музаффар Ҳусайнга берди.

Бҳагван Дас ва Ман Синхлар Акбарнинг бу ишидан норози бўлиб қовоқ солиб турар эдилар. Сарналдаги жангда мана шу мирzonинг дастидан ҳалок бўлган Бҳупат — Акбарнинг қайниси эди-ку! Наҳотки унинг котили шунчалик илтифотга лойиқ бўлса? Акбар қайноғасининг кўнглидан ўтаяётган бу гапни сезгандай бўлиб, Бҳагван Дас билан Ман Синхни ўзининг ўнг ёнига таклиф қилди.

— Сизни туз тутгани рост, Мирзо жаноблари, — деб Акбар Музаффар Ҳусайнга сўз котди: — Сиз менга қандай кариндош бўлсангиз, рожа Бҳагван Дас ҳам ҳозир шундай кариндошdir. Лекин қариндошлар ҳам ҳар хил бўларкан. Сиз каби мирзолар, темурийлар хонадонидан чиқиб, умр бўйи шу хонадонга исноду оғат келтириб яшамоқдасиз. Аммо рожа Бҳагван Дас ғайридин бўлса ҳам шу хонадонга сизлардан юз баробар содикроқ хизмат қилмоқда. Сиз менга қарши тажовуз қилганингизда рожа Бҳагван Дас бизни шу тажовуздан химоя қила туриб, суюкли ўғлини курбон берди. Ўн етти ёшли Бҳупатнинг кони сизнинг бўйнингиздадир, жаноб Мирзо! Ҳар икки томон ҳам кариндошларим бўлгани учун, мен абсолютни химоя қилмоқчимен ўтган гал Музаффарни ташаббус келтириб олекаг измуз келиш

¹ Роҳвор — ўйл танувчи, ўйл боштовчи детанни шир

унга амният бериб панд едик. Бугун ҳам ўша Музаффаршоҳ қанча одамларимизнинг қонини тўкиб, яна кочиб кутублиб кетди. Энди бу хатони такрорлашга ҳаккимиз йўқ. Махарожа,— деб Акбар Ҳағван Дағса юзланди:— Музаффар Ҳусайн мирзони сизнинг ихтиёргизга топширгаймиз. Неки килсангиз биз розимиз!

Ўлим ҳавфидан калт-қалт титраётган Музаффар Ҳусайн мирzonи Ҳағван Дағсинг иккита йигити кўлидан тутиб олиб кетди. Ҳағван Дағ уни ўрмон ичига олиб кириб чукур қаздирди-да, ўша ерда бошини кестирди.

Отаси Байрамхондай довюрак жангчи бўлиб етишган Абдураҳим бугун ғулда шижоат билан жанг қилганини Акбар кўрган ва шимолга қочган Шарафиддин мирzonи тирик тутиб келишни унга буюрган эди. Икки юз навкар билан кувгинчи бўлиб кетган Абдураҳим кун оқканда кўли боғлоқлик Шарафиддин мирzonи олдига солиб хайдаб келди. Акбар Абдураҳимни тарбиялаб, отаси даражасига етказишни кўпдан бери кўнглига тутиб юради. Бугун унинг жасоратига тан бергандан сўнг:

— Вазир Жамил!— деди,— маҳсус фармон ёздиринг, Абдураҳимга хони хонон унвони берилсин! Раҳматли Байрамхоннинг қанча улуфаси, қандай имтиёzlари бўлса, ҳаммаси Абдураҳим учун тайин этилсин!

Шундай сўнг Акбар Шарафиддин мирzonи қаршисига тикка килиб кўйиб:

— Бир вактлар сизга ҳам катта иноятлар қилинган эди,— деди.— Ҳаммасини унтиб, хиёнат йўлига ўтганингиз учун, мана ахийри шу ахволга тушдингиз. Ахир сиз Ҳўжа Ахорори Вали авлодиданмен, деб мақтанур эдингиз-ку! Ахорорий деган тахаллусингиз бор эди. Нечун сиз Пўлат васваснинг илки билан бизга қарши ўқ оттирингиз! Ўзингиз подшо бўлгингиз келганими, а?!

— Ҳазратим, бошқа гуноҳларим кўп. Аммо Пўлат васваснинг сунқасидан факир мутлақо бехабар эдим. Бу васвас термизлик Сайд Абулмаалининг одами эди!

— Абулмаали Кобулда аллақачон ясоқка етди. Энди навбат сизники. Жаноби мирғазаб, ўз хиёнатлари билан бутун аждодларига иснод келтирган бу кимса қутурган филнинг ёғи тагига ташлансин!

Илоннинг ёгини ялаган Шарафиддин мирzonинг маҳоватлиқдан ҳам хабари бор эди, филларга ёқадиган сўзларни билар эди. У соқчиларнинг ўзаро гапидан жазо учун ажратилган филнинг номи Суман эканини эшишиб колди. Кўли орқасига боғланган ҳолда пастаккина тахта орқасида тиз чўкиб ўлтирганда маст фил бўкириб келиб уни ёғи билан

тахта устига босиб, янчиб ташлаши керак эди. Лекин фил иқнилашётганда Шарафиддин мирзо ота-боболаридан мерос қолган жозибали товуш билан шивирлаб:

— Суман, шафкат қил! Суман! Суман! Суман!— леб ҳудога илтижо қилгандай филга сажда килиб ялина бошлиди. Зийрак жонивор бўлган фил ўз отини шундай таъсири бир тарзда айтиб бош эгган одамни босиб ўлдиригиси келмай бир наъра тортди-ю, орқага қайтди. Филбон уни қайтариб келиб, яна босишни буюрди. Лекин Шарафиддин мирзо бор кучини кўзларига тўплаб, чумчукни авраган илондай филнинг кўзларига тикилиб яна сажда килди ва ялиша бошлиди. Фил яна уни босгиси келмай бўкириб орқага қайтди. Бу хол уч марта такрорлангач, Акбар Шарафиддин мирzonинг қонидан кечди-ю, уни мамлакатнинг шаркий чеккасидаги Банголага сурғун килди. Шарафиддин мирзо ўша жойда ҳам кўп бузғунчиликлар килди, баччабозлишка ўрганди. Охирида Маҳмуд деган баччаси овқатига заҳар кўшиб бериб ўлдириди.

Асир олинган мирзолардан бири — ўн саккиз ёшли кўхлик йигит Масъуд Ҳусайн эди. У Мултонда кўлга тушган, кочиб кетмаслиги учун жарроҳ уни вактинча кўр килиб, кўзининг жиякларини маҳсус ип билан тикиб қўйган эди. Уни шу ҳолда Акбарнинг олдига хайдаб келдилар.

Масъуд мирzonинг шертахлит гавдаси Акбарга Беҳзод чизган суратдаги Ҳусайн Бойқарони эслатди. Лекин у анча вактдан бери кўзи тикилган ҳолда юриб, кўр-басирлардай аянчи ахволга тушган. Акбарга юзини кия тутиб, осмонга караган ҳолда:

— Ҳазрати олийлари, қатл эттирангиз ҳам майли, факат кўзимни очдирий!— деди.— Дунёни сўнгти марта кўриб ўлсам, армоним қолмагай!

— Масъуд мирзо, олдин бир саволга жавоб беринг. Сиз оғаларингиз ёнида бизга адоват руҳида иш тутиб бирон холосага келдингизми?

— Ҳазратим, биз ёмонлик килдик. Ёмонлик — бу қутурган ит экан. Маълумки, ит қутурса эгасини қонгай. Ёмонлик ҳам ахийри бир кун ўз эгасининг бошига етаркан! Оғалларим шу сабабдан ҳалок бўлдилар. Агар менга имкон берсангиз, яхшилик ўз эгасига шараф келтиришини баҳоли кудрат исбот этишга интилган бўлардим.

— Майли, биз сизга шу имконни бериб кўрайлик! Акбарнинг буйруғи билан Масъуд Ҳусайн мирzonинг кўзидан тикиш олиб ташланди. У маълум муддат даволаниб, кўзини тузатгач, Акбар уни Панжобга. Ҳусайнкулихон ихтиёрига ишга юборди.

* * *

Гужаратдаги ғалаба шарафига Фатхободда етмиш газ юксакликдаги машхур Баланд Дарвоза қурила бошлади. Акбарнинг Сарналда ва Сабармати дарёси бўйида кўрсатган шахсий жасорати, кирк кунлик йўлни тўkkиз кунда босиб ўтганлари оғиздан оғизга ўтиб, уни енгилмас ботир деб ишонадиганлар кўпайди. Шоир Файзи Фаёзий Акбарнинг Гужарат жангидаги жасоратига катта бир шеърий достон бағишилади. Акбар билан бирга жангга қатнашган беку навкарлар ушинг зирҳли кийимига тегиб сирпаниб кетган ўқларни кўрган эдилар. Улар «бош саркардамизга дуо кетган экан, уни ўқ олмагай!» дейишиб, Акбарни назаркарда даражасига кўтардилар.

Ғалабадан сўнг зиёфатлар, ичклик базмлари кўп бўлди. Бир кун Акбар Ман Синх билан май ичиб ўлтирганларида ражпутча қиличбозлик ҳакида гап кетди. Абулфазл билан Бирбал ҳам даврада бор эди.

Ман Синх ражпутларнинг ёшликтан қилич ўйнаб ўсишлари, хатто қилични суюкли ёрга киёс қилиб ашула айтишларини сўзлаб берди. Баъзи чандаст ражпут йигитлари қиличнинг сопини деворнинг ёриғига кистириб, тигини кўкрагига тўғрилайди-да, чопиб бориб ўзини қиличга уради. Лекин узок машклар давомида қилични баданига эмас, эгнидаги кийимининг қўлтиғига шундай аник санчадики, қиличнинг учи бикини ортидан кийимни тешиб чиқади, аммо бу ушинг кўкрагини тешиб чиққандай кўринади. Акбар бунинг қандай қилинишини кўргиси келди. Ман Синх йигитларидан бирини чакириб шу ўйинни намойиш қилдирди. Кайфи баланд Акбар:

— Буни мен ҳам қила олгаймен!— деб белидаги олтин қиличини сугурди-да, ражпут йигитига берди:— Обор, де-вогра маҳкам ўрнат!

Ман Синх Акбарни бу ниятидан қайтармоқчи бўлди. Лекин Акбар уни уришиб берди:

— Сен кимсен ўзинг?! Қилич ўйнашни факат ражпутлар билурми?: Биз-чи?

Акбар ўринидан турганда кайфнинг зўридан гавдаси чайкалиб кетди. Сопи деворга маҳкам кистирилган олтин қилич Акбарнинг кўкрагига тўғриланган ҳолда найзадай таҳдидли йилтираб турибди.

Ман Синх майдан бўшаган олтин кўзачани қўлида тутган ҳолда Акбарнинг олдини тўёди:

— Ҳазратим, кайф борида бу ўйин жуда хатарли!

— Нари тур!— деб Акбар уни итариб ташлади. Ҳозир у ўзининг қилич кесмайдиган, ўқ ўтмайдиган назаркарда ботир эканига тамоман ишонмоқда эди. Акбар гандираклаб бориб чап кўкрагини қиличга тўғрилаганича унга томон ташланди. Қилич унинг чап кўкрагига санчиладиган пайтда Ман Синх қилични қўлидаги май кўзачаси билан уриб тушириди. Сопи девордан сугурилиб ерга учиб тушган қиличнинг бир жойи Акбарнинг бош бармоғини, яна бир жойи Ман Синхнинг кўрсаткич бармоғини кесиб кетди. Қайниси-нинг иши маст Акбарга одобсизлик бўлиб қўринди. У ғазаб билан Ман Синхни ерга йикитиб ура бошлади. Лекин Абулфазл билан рожа Бирбал югуриб келиб, Ман Синхни ундан ажратиб олдилар, Акбарни минг таваллолар билан хобгоҳига олиб бориб ётқиздилар.

Эртаси куни Акбарнинг кайфи тарқаганда Абулфазл билан рожа Бирбални хиргоҳига чакирди ва боғлаб қўйилган бош бармоғини кўрсатди:

— Не ходиса бўлди?

— Нахотки ёдингизда бўлмаса, ҳазратим?— деди Абулфазл ва бўлган воқеаларни бир-бир айтиб берди.

Қилган ишлари Акбарнинг эсида йўқ. Факат қилични қивидан сугургани гира-шира ёдига тушди.

— Ростдан шундай бўлдими?— деб Бирбалдан сўради.

Бирбал «Гита» деган муқаддас китобни қўлига олиб касам ичди-да:

— Бир ўлимдан қолганингиз чин!— деди.

Акбар бўлган ходисадан энди даҳшатга келди. Шунча қонли жанглардан омон чиққан одам арзимаган бир қилич ўйинида ўлиб кетса... Қанчалик шармандали иш бўлар эди! Бошқалар унинг мастиликдаги ғазабидан кўркиб чурқ этолмаганда, шердай дадил иш қилган Ман Синх ҳакиқий жасорат кўрсатибди. Яна уни бу яхшилиги учун ерга ағанатиб урганидан Акбар жуда ўсал бўлди.

— Кечаги базмда бор беку мулозимларни девониомга чорланг!— деб буюрди амир Жамилга.

Кўпчилик қатори девониомга келган Ман Синх Акбар томонга қарай олмай, хижолат билан бошини солинтириб ўлтирас эди. Акбарнинг ранги ўчган, қовоги шишиган, овози шамоллаган одамниkidай дўриллаб чиқди:

— Жаноби давлатхоҳлар, ғалаба шарафига қилган базмимизнинг охири қандай дилсиёхлик билан тугаганидан хабарларингиз бор. Биз ҳам осий банда эканмизки, шу даражада маст бўлибмиз. Мени «қилич кесмайдиган ботир» деб мактабнлари ёлғон эканига, мана далил!— Акбар боғ-

лаб қўйилган бош бармогини кўрсатди.—Худо раҳмати устозим Салим ота: «Сув балосидан, ўт балосидан, шуҳрат балосидан асрасин!» деган эдилар. Кечаси биз шуҳрат балосининг қурбони бўлишимизга сал қолибdir. Дехлида ташқи душман бизга қандай суиқасд қилган бўлса, кеча шуҳратдан ҳовлиқиб маст бўлишим ўз ичимдан чиқиб ана шундай суиқасд қилмишdir. Хайриятки, рожа Ман Синх мени бу иккинчи суиқасдан кутқариб қолибdir. Маҳарожа,—деб Акбар Ман Синхга юзланди,—энг содик дўст қандай бўлишини сиз кеча амалда кўрсатибсиз. Мендан ўтган бўлса маъзур тутинг!

Ман Синх ўрнидан туриб қўл ковуштири:

— Узрингиз менга сари тож бўлсин, ҳазратим!

Акбар унга олтин безакли сарупо кийдири, сехазорлик мансабидан панжхазоралик¹ мартабасига кўтарди, ўзига маҳсус байроқ ва нақора тақдим қилди.

Сўнг у ўзининг икки ёнида қўр тортиб ўлтирган кўкалошлари Азиз билан Зайниддинга, мусоҳиблари рожа Бирбал ва Абулфазлга, кайноғаси Ҳағван Дағса бир-бир қараб олди-да, сўзини якунлади:

— Хали бизнинг ташқи ғанимларимиз ҳам, ички душманларимиз ҳам кўп. Қиладиган мушкул ишларимиз беҳисоб. Дилем сезиб турибdir: бизга қарши ҳар хил суиқасдлар яна кўп бўлғай. Агар биз бир-биришимизга рожа Ман Синх каби фидойилик қиласак, мақсадга етолмагаймиз!

Абулфазл Ман Синхнинг кечаги ахволини эслади-ю, Акбарга фидойилик қилиш қаничалик қийин эканини хаёлидан ўтказди. «Подшо билан шерга яқин бўлиш ҳамиша хатарлидир», деган хикматли гап бежиз айтилмаганини у энди астойдил сезмоқда эди.

ФАТҲПУР, БХИРА, МАЪНАВИЙ ЗИЛЗИЛА

Секри тепалиги устига қизил тошдан муҳташам қилиб курилаётган янги пойтакт ўн йилнинг нари-берисида узоклардан кўзга ташланадиган улкан қалъа тусини олди. Қалъа атрофига сипоҳилар, дўкондорлар, косибу хунарманд ва бошқа турли хил касб эталари минг-минглаб уй-жойлар курдилар. Боғлар, дараҳтзорлар, ҳовлилар, кўча ва хиёбонлар кўпайди. Секридан Аграгача бўлган ўттиз беш миљлик

Сехазора — уч мингбоши. Панжхазора — беш мингбоши, яъни очиғ генерали даражасидаги саркарда.

йўлнинг икки чети кела-келгунча серодам манзилларга, раста ва дўконларга тўлиб кетди.

Дастлабки йилларда расмий доиралар Секридаги янги пойтактни Фатҳобод деб атаган бўлсалар ҳам, лекин уни қурган оддий одамлар «Фатҳпур», яъни «Ғалаба шахри» деган қисқа номга тезрок ўргандилар. Бора-бора кўпчилик аҳоли ҳам, давлат арбоблари ҳам Фатҳпур дейдиган бўлдилар. Янги пойтакт бутун мамлакатга шу ном билан танилди.

Ҳамида бегим учун Фатҳпурнинг жанубида катта боғховли курилди. Бу йил эллик олти ёшга қадам қўйган Ҳамида бегимнинг ҳозир олтида невараси бор. Уларнинг каттаси Салим тўққизга кирди, Мурод саккиз яшар. Булар иккovi оталари билан ҳарбий юришларга ва узок сафарларга бирга кетадиган бўлган. Акбар мутъа никоҳи билан уйланган кейинги хотинларидан Шамшод биби унга яна бир ўғил туғиб берди. Гужарат юриши пайтида туғилган ва ҳозир олти ёшга кирган бу учинчи ўғилга Дониёл деб от қўйдилар. Отаси унга ҳам алоҳида кўшк солиб берган, бек атка ва мураббийлар тайин этган. Ўғил невараидан ташкари, Ҳамида бегимнинг Шаҳзода хоним, Шукринисо бегим, Ором бону деган учта жажжи киз невараси ҳам бор. Уларнинг ҳар қайсиси билан хафтада бир кун бирга бўлса ҳам баҳри-дили очилиб, вактнинг қандай ўтганини сезмайди.

Сарой аҳли-ку, Ҳамида бегимнинг номини тоқ айтмайди, афсонавий Биби Марямга киёслаб «Марями Макон» деб улуғлади.

Лекин йигирма йилдан бери бевалиқда ўтаётган умр ҳам унга ўз тиканларини санчиб туради. Қундузи билинмайдиган ёлғизлик кечаси тўшакда ўзини кўрсатади. Эллик ўзининг нари-берисида аёлларда бўладиган ўзгаришлар уни кўп дикқинафас қилади, гоҳо юраги тапир-тупур уриб, баданини совук тер босади-ю, оёклари, аксинча, чўғдай қизиб кетади. Сал нарсадан хавотири ошиб, дилини ваҳм босадиган пайтлар кўп бўлади.

Унинг энг кўп хавотирларлири — мудом ўзини ўтгасувуга урадиган Акбар туфайли. Бегим ҳатто ўғлини ҳаддан ортиқ мақтаб, кўкка кўтаришларидан ҳам чўчиди, чунки шуҳратдан маст бўлган Акбар ражпутча киличбозлик қилмоқчи бўлиб, ўзини-ўзи ўлдиришига сал колганини бегим одамлардан эшитган.

Гужаратдан сўнг шарқлаги Бихарга юриш килинди. Акбар икки юздан ортиқ дарё кемаси курдирган эди. Асосий кўшин кирғоқ бўйлаб кетди-ю. Акбарнинг ўзи энг яқин мулозимлари, онаси ва хотин-болалари билан бир ой кемаларда сузib борди.

Жамна ва Ганга бўйлаб қилинган бу дарё сафарини Ҳамида бегим умрининг энг масъуд хотиралари каби қайтакайта эслаб юради. У келинлари ва неваралари билан тушган кема саҳнида тупрок солиб ўстирилган жажжи гулзор бор эди. Қафасларда болалар яхши кўрадиган күшлар ҳам дарё бўйлаб сузуб бораради. Икки юз кема улкан бир карвонга айланиб, беш-олти мил масофага маржондай тизилган эди. Душман чегараси ҳали узок, ҳар икки кирғоқда ҳам ўз одамлари, кўкаламзор кир-адирлар ва обихаётга тўйган экинзорлар.

«Аҳли мурод» деб аталадиган маҳсус кемада Тансен бошлиқ хушваз хонандаларнинг овози янграйди. Тун көрнгисида машъалалар ёрги дарё мавжларида беҳад кўпайиб кўринади, кўйлар ва қўшиклар афсонавий бир сеҳр билан карвонга қўшилиб оқиб боради.

Икки хафта шу тарзда йўл юриб Оллоҳобод шаҳрига етдилар. Бу ерда Жамна Гангага бориб қуйиладиган ғалати жой бор. Жамна суви қорамтири, Ганга эса оқиш, иккаласи қўшилгандан кейин анча жойгача олачалпок бўлиб оқади-да, кейин кулранг туслага киради. Қирғоқлар беҳад кенгайиб, дарё аввалгидан беш-олти баробар улкаплашиб кетади.

Хинд ривоятларида баён қилинишича, Оллоҳободда Ганга ва Жамнага ер остидан учинчи бир дарё — Сарасвати ҳам келиб қўшиларкан.

— Сарасвати аслида покиза бир маъбуда бўлган,— деб ҳикоя қилган эди Жодҳа Баӣ қайнонасиға.— У Ҳимолай деган тантрининг кизи экан, тақдирида Ганга билан қўшилиш бор экан. Сарасвати илгари Гангага етгунча ер юзидан оқиб келаркан. Лекин дунёда нопоклик кўпайиб кетибдир. Сарасвати Гангага пок етиб келиш учун ер тагига тушиб оқибдир. Мана шу Оллоҳободда яна юзага чиқиб, севгилисига қўшилибдир. Шунинг учун бу дарёларнинг қўшилган жойи муқаддас зиёратгоҳ ҳисоблангай.

Чиндан ҳам, икки улуғ дарё қўшилган жойда одам бенихоя кўп. Айтишларича, улар Ҳиндистоннинг турли вилоятларидан пиёда келишган, чунки шу муқаддас дарёлар қўшилган жойда бир марта чўмилиб кетсалар, бутун гуноҳларидан покланишларига ишонишади.

— Қанийди шу ривоят рост бўлса!— деб Ҳамида бегим ҳам кеманинг бир четида аёллар учун қилинган парда ичига кириб, Ганга сувига қайта-қайта шўнгиб чиқсан эди. Ҳозир буни эсласа дилида энг пок ва ёруғ туйгулар уйғонади.

Лекин Оллоҳободдан нарида яна Ҳамида бегимнинг таҳликалари бошланди. Чунки Акбарга қарши урушмоқчи

бўлган афғон саркардаси Довудхоннинг юз минг аскари, беш минг ҳарбий фили бор эди. Афғонлар уни «буғунги Шерхон» деб улуғлар эдилар. Акбар онаси ва хотин-болаларини жанг майдонидан узок бўлган Жаунпурга юборди. Учи эса Ҳожипурдаги Довудхонга мактуб йўллади. «Иккочинимизнинг икки юз минг аскаримиз урушадиган бўлса беҳад кўп кон тўкилгай,— деб ёзилган эди Акбарнинг Довудхонга юборган мактубида.— Ундан кўра ўзимиз яккама-якка олинганимиз афзал эмасми? Сиз ҳам Ҳиндистонда туғилиб ўстасиз, фил жангини яхши билурсиз. Мен ҳам битта филга миниб майдонга чиқай, эл-улуснинг кўзи олдида иккаламиз жанг килайлик. Ким голиб чиқса, Бихару Бангола ўшаники бўлсин!».

Довудхон яккама-якка жанг қилишга журъат этмаганини эшитиб Ҳамида бегим анча енгил тортди. Чунки Акбар Ҳинд уммонида португалларнинг зўр кемаларини кўрганда қувваи баҳриянинг¹ аҳамияти қанчалик катта эканини сезган, ўзининг икки юз кемадан иборат дарё флотини шундан кейин курдирган. Ҳали бундай флот Довудхонда йўқ. Бир кун кемада туриб жангни бошқарган Акбар иккинчи куни саман оти Роҳворга миниб, қурукликдан ҳужум қилаётган жангчилари орасида пайдо бўлди. Жангчилар уни бир-бирларига кўрсатишиб, «ана, ҳазратим жангга кирдилар!», «ок отда ўтдилар», дея бошлашди. Уни кемада кўрганлар эса, «ҳазратим ҳали ҳам бизнинг орамизда» дейишарди.

Акбарнинг жиловида гўё Ҳўжай Ҳизр юришини, шунинг учун у ҳали бирорта жангда енгилмаганини юзбоши ва мингбошилар ўз қўл остидаги аскарлар қулоғига атайлаб қуяр эдилар. Бу гаплар сафдан-сафга ўтиб, кўпчилик орасида тарқагандан кейин, навкарлар Акбарнинг ўзини кўриб қолсалар: «Энди албатта енглаймиз!» дейишиб, ҳар бири ўнта ёвга бас келадиган шиҷоат ва жазава билан жанг қилар эди. Акбарнинг ўзидан ҳам кўра номи катта кучга айланганини Довудхон ҳам сезди, у ҳам қурукликдан, ҳам дарё ичидан қилинган кетма-кет ҳамлаларга бардош беролмади-ю, кечаси қалъани ташлаб, жанубга қараб кочди.

Шарқдаги ғалаба учун Акбар Гужаратдагига нисбатан хийла оз вакт ва куч сарфлаганига қарамай уни «назаркарда маҳдий!» деб энтикиб улуғлайдиганлар пайдо бўлди.

Бу меъёрсиз мактovлар ҳатто Марями Макон — Ҳамида бегимни ҳам ховлиқтирас, бегим юриб бораётганда гоҳо

¹ Қувваи баҳрия — ҳарбий флот.

оёғи ерга тегиб-тегмаётгандай бўлар, ғайритабиий бир куч уни осмонга учирив чиқиб кетадигандек тувларди. Лекин бу улуғлашлар Акбарнинг бошини қанчалик айлантириб қўйишини, Гужаратдаги мастилик яна тақрорланиши мумкинлигини ўйлаганда бегим дарҳол ҳушёр тортар ва ўғлидан хавотир ола бошларди.

Одамлар Акбарни «довюрак, ботир» деб таърифлаганлари сари у ўзини янги-янги хатарлар гирдобига ташлар, ана шуниси бегимни мудом хавотирга соларди.

Овга боргандা чита билан кийик тувишга қаноат қилса бўлади-ку. Йўқ, шергир филга миниб, йўлбарс отишга чиқарди. Махсус одамлар йўлбарс яшайдиган ўрмонни ўраб олиб, нақоралар, нағирлар шовкини билан йиртқични жойидан қўзгатади ва ўрмон четидаги ялангликка чиқишга мажбур қиласди. Бу ерда фил минган Акбар йўлбарсга рўбараў бўлади. Шергир фил хартуми ва тиши билан йўлбарсни уриб йикитишига интилади. Бундан ғазаби келган йўлбарсгоҳо ердан туриб филнинг боши устига сакрайди. Агар фил устида тўғангни ўқлаб тайёр турган овчи йўлбарсни сакраган пайтида бошидан отиб йикитолмаса-ю, факат ярадор қилса, бу кудратли йиртқич филнинг кўзига панжа уриб, тирноқларини ботиради. Кўздан айрилган фил довдираб қолади. Бу орада йўлбарс яна бир сакраб фил устидаги овчига етиб боради ва уни тилка-пора қилиб ташлайди. Бундай ҳодисаларни Акбарнинг ўзи кўрган. Шунчга қарамай, яна беш-олти ой ўтгач, шергир филига минади-ю, йўлбарс овига жўнайди. Хавф-хатар билан олишишга бунча ишишибоз бўлмаса нима қиласкин? Ҳамида бегим ўғлининг чапдаст мерганлиги учун тангрига шукрлар қиласди. Кейинги ўн йилда Акбар еттита йўлбарсни отиб йикитганидан хабардор она:

— Бўлди, энди бас, жониворларга раҳмингиз келсин!— деб ўғлига ялинади.

Акбар «хўп» деб кўнгандай бўлди-ю, кейин ўттиз беш ёшида фил жангига қатнашиб, яна бир фалокатдан зўрга омон қолди. Ҳамида бегим ўз кўзи билан кўрган бу ҳодисани ҳар эслаганда эти бир жунжикади.

Бухордан келган Абдуллаҳон элчилари фил жангини томоша қилишга ҳавасманд экан. Акбар Жамна бўйидаги ўша кенг майдонда иккита зўр филни маҳаватлари билан бирга уриштиради. Бир вактлар Байрамхоннинг филини енгани машхур Фавждорни журъати йўқроқ маҳават минган экан. Ўртадаги тупроқ кўтармадан нарига ўтмай жуда лаш олишибди. Томоша зерикарли бўлаётгани учун Акбар Бухоро элчилари олдида ўнгайсизланди. Оташдорни «қақиртириб,

•Фавждорнинг маҳаватига айтинглар, дадилроқ жанг қилсин!» деб буюрди. Аммо буйруқ ҳам кор қилмади — маҳаватлар ўз жонларини хатарга қўйгилари келмаётгани сезилиб турарди.

Шундан сўнг Акбар элчиларнинг олдида рожа Бирбални қолдиради-да, ўзи филлар жанг қилаётган майдонга тушиб борди. Унинг ишораси билан оташдорлар ёниб турган оловни икки фил орасига кўтариб кириб, олишувни тўхтатдилар. Фавждор маҳавати билан Акбар турган жойга қақиртирилди. Хар икки филга маст қиласиган ширин ичимлик берилди. Шундан кейин Фавждорга Акбарнинг ўзи минди. Кайфи ошган филлар энди ўлар-қоларига қарамай жанг қила бошлади. Икки орадаги тупроқ кўтарма бирпасда пайҳон бўлиб ерга қоришиб кетди. Акбар Фавждорни анкуш билан хиллалаб, ракиб филнинг ёнбошига ўтказдирди. Бикинидан берилган зарба қарши томонни қаттиқ силкитиб, маҳаватни ерга йикитиши керак эди. Лекин ракиб фил Акбар ўйлаганидан зўрроқ эканми, зарбага бардош берди, маҳавати ҳам филнинг кулоклари остига тиззасини тикиб йикилмай қолди.

Акбар филларнинг икки юз йил умр кўришини билар, улардаги йигитлик қудрати етмиш-саксон ёшгача сақланиб қолади деб ўйларди. Байрамхоннинг фили Зўравор билан Фавждор олишганига ўн саккиз йил бўлди. Наҳотки шу йиллар ичида Фавждор кучдан қолган бўлса? Акбар унинг зарбаси аввалгидай эмаслигини энди сезди. Дамудор деб аталадиган қаршидаги филнинг айни кучга тўлган даври экан, орқадан шундай қаттиқ зарба бердик, Фавждорнинг олд оёклари букилиб, чўқкалаб қолди. Акбар унинг боши оша ерга қулақ тушадигандай бўлди.

Одамлар: «Ваҳ!» деб юбердилар. Аёллар қаторида жангни томоша қилаётган Ҳамида бегим дод солиб юбормаслик учун оғзини кафти билан бекитди, лекин ўрнидан туриб кетганини ўзи билмади.

Бу орада Акбар ўзини хиёл ўнглаб, Фавждорни бир амаллаб тикка турғазди. Дамудорни бошқараётган маҳават подшо оиласидан балога қолмаслик учун иккинчи зарбадан филини тутиб қолди. Акбар Фавждорни орқага буриб яна ҳамлага ўтди. Лекин шу орада жанг вақти тугади-ю, олишиб дуранг деб эълон қилинди. Ранги хиёл ўчган Акбар ҳансираф элчилар олдига қайтиб келди. Жанг манзарасидан ҳаяжонга тушган элчилар Акбарнинг олдида таъзим килишиб:

— Довюраклигингизга тан бердик, ҳазратим!— дейишибди.

Кечкурун Акбар онасидан хабар олишга боргандага Ҳамида бегим кўзига ёш олиб лардини ...

— Шоҳ ўглим, нахотки элчиларнинг икки оғиз таҳсини учун ўз жонингизни шунчалик хатарга кўйсангиз? Таваккалчилик ҳам эви билан-да, ахир. Шу қадар ўйламай иш килиш тўғрими, айланай болам!?

— Мен бу ишни ўйлаб қилдим, онажон. Абдуллахон биз билан беллашмокчи эмиш, Кобулу Бадаҳшонни тортиб олмоқчи эмиш. Элчилари ўз кўзлари билан кўрган олишувни бориб хонга айтиб берсингар. Мен билан олишув канака бўлишини хон кўз олдига келтирсан. Эҳтимол, бугунги фил жангига Абдуллахон билан бўладиган қонли урушнинг олдини олишга ёрдам берса! Мен ана шу мақсадда майдонга тушдим.

— Лекин сиз майдондан омон чиққунингизгача мен ўлиб бўлдим! Бизни ҳам ўйланг-да, жон болам!

— Хўп, онажон! — деб Акбар минбайд жонини хатарга кўймасликка сўз беради. Лекин бошқа кутилмаган жойдан яна онани безовта қиласидиган бирон хатар чиқади.

Акбарнинг довюраклиги Абулфазл билан Бирбалга жуда ёқади. Уларнинг фикрича, Акбарнинг шуҳрати ва обрўси давлат манфаатларига хизмат қиласиди. Агар унинг шундай зўр обрўси бўлмаса, кўл остидаги одамлари Секридаги янги пойтахти қиска вакт ичидаги бунёд қилишга ёки икки юзта дарё кемасини куришга бу қадар жон-жаҳдлари билан киришармиди?

Абулфазл билан Бирбал Акбарнинг шу улкан обрўсидан фойдаланиб, энди шайх Ансорийнинг диний истибододини йўқотмоқчи бўлади. Гужарат юришидан олдин режаси чизилган Эътиқод уйи Биҳардаги ғалабадан кейин куриб битирилди. Акбар руҳонийларни мунозараларга жалб қилиш учун бинони «Ибодатхона» деб атади. Ҳамида бегим бу ибодатхонани кириб кўрган эмас, аммо уни марҳум Салим отанинг маслакодиши бўлган Абдулла Ниёзийнинг хужраси ўрнига курганларидан мамнун. Абдулла Ниёзийнинг хужраси эвазига Секри ўрмони четидан Акбар унга уй курдириб, дехқончилик учун ер ҳам ажратгани онасига жуда маъқул бўлди. Чунки Абдулла Ниёзий ҳам Салим ота каби адолат-парвар одам эканлигини бегим яхши билади. Ибодатхонада Акбар имону эътиқод ҳақида мунозоралар ўтказгандага Ансорийга ўхшаган тамагир дин пешволари шайх Муборак билан Абдулла Ниёзийга бас келомасликлари аниқ. Бианадаги ҳалқ ҳаракатига қатишгандаги махдийлар дину миллат айирмас эдилар. Акбар уларнинг шу бағри кенглигини маъқул кўриб, ибодатхонадаги мунозораларга ҳинд барахманларини ҳам, оташпарастлар вакилини ҳам таклиф кила

бошлади. Абдулла Ансорий ва унинг тарафдорлари чеккачеккада пиҷирлашиб: «Ибодатхона Бианадаги исёнчилар илкига ўтди, махдийлар Акбаршохни ҳам диндан чиқаришимоқда!» — деган вахимали гаплар тарқатдилар.

Махдийлар эса Акбарни «минг йилда бир келадиган улуғ раҳбар!» деб кўтарғ-кўтар қилишади.

Селдай ёпирилиб келаётган бу қарама-қарши фикрлар таъсирида Акбарнинг ўзи ҳам ғалати бўлиб юрибди. Кейинги пайтда чогир ичмайди, гўштлик овқат емайди, хеч ким билан очилиб гаплашмайди. Ҳозир узок Бхира ўрмонларига кетган. Яна фил миниб, йўлбарс овита чиқмаса эди...

Ҳамида бегим Бхирадан хабар кутиб юрган пайтда Абдулфазл келиб қолди. Унинг маъюс қарашлари онани яна безовта қиласди:

— Акбаржон саломатмилар?

— Шукур... Лекин озиб кетдилар. Ўйкулари ёмон.

— Табиблари бор эди-ку. Бҳим Надҳ ўша ердами?

— Табибларни қабул қиласидаги кўйғанилар. Куни билан ўрмонда ёлғиз юрадилар, тоғ тепасида соатлаб ўй суриб ўлтирадилар. Ёнларига чакирмаганларидан сўнг, биз боришига журъят этолмагаймиз.

— Рожа Бирбал ўша ердамилар?

— Ҳа, рожа Бирбал билан ҳам очилиб сўзлашмай кўйдилар. Пойтахтга қайтайлик, десак истамадилар.

— Ов билан кўнгиллари ёзилар эди-ку.

— Биз ҳам шуни ўйлаб, овга тайёрлик кўрдик. Шергир филлари таҳт қилинди. Махсус одамлар ўрмон ичидағи йўлбарсларнинг атрофини ўраб, очиқ жойга ҳайдаб чиқди. Кийик овлайдиган читалар ҳам кафасда буйруқ кутиб турган эди. Бирдан ҳазратим «жониворларга жабр қилиб не топдик!» дедилару йўлбарсларни ўрмонга қайта киритиб юборишни буюрдилар. Қафасдаги читаларни ҳам узокроқка олиб бориб, кўйиб юборишга амр бердилар. Овни ман килиб махсус фармон чиқардилар.

— Йўлбарс ови ман этилса менинг дилимдаги иш бўлибдири,— деди Ҳамида бегим.

— Лекин бошқа бир хавотирлик пайдо бўлди, бегим. Одамдан бегонасирайдилар. Мудом, ўзлари ёлғиз. Мусоҳабаю мурокаба¹. Ҳушлари жойида эмасми? Ҳеч кимни қабул қиласидаги кўйдилар. Давлат ишларини эслатсак, уришиб берадилар. Подшо одамга бир нарса деб бўлмаса!. Уйлаб-уйлаб, ахийри сизга маслаҳатга келдим. Ҳазратимга факат

¹ Мусоҳаба — худтахлил, ўз-ўзини кузатиб анализ қилиш. Мурокаба — ўз-ўзини чеклаш, каноатга ўрганиш.

сизнинг ҳаддингиз сиғиб, тўғри йўл кўрсатсомингиз мумкин...

— Акбар мени чорладими?

— Йўқ, билдириш келдим. Билсалар, рухсат бермас эдилар.

— Мавлоно, сиз билан отангиз шайх Муборак хам Акбарни ҳаддан ортиқ улуғлайвериб шу кўйга солдиларингиз. Мана, оқибати!

— Осий бандамиз, ҳазрат бегим. Бизни афву этини!

— Аммо келганингиз яхши бўлибдир. Мен тезроқ Бхирага борай. Дилем сезган эди-я!..

Ҳамида бегим ўзининг тунги бетобликларини хам унуди, Фатхпурдан отда ўн кунлик йўл бўлган узок Бхирага шошилинч жўнаб кетди.

* * *

Ҳаруда деган хинд лочини тоғ тепасида турган Акбарнинг ёнгинасидан учиб ўтди. Лочиннинг елкаси тўқ қизғиши, қорни ва бўйни ок. Сарик рангли панжаси билан кора бир илонни чанглаб олган. Илон ейдиган бу лочин ўз овини думидан чанглаб осмонда чирпирак килиб учиради. Заҳарли илон тез унишдан кўзи тиниб, бошини кўтариб ололмайди, лочинни чакишга илож тополмай колади. Ҳаруда эса илонни осмоннинг юксак бир жойидан ерга ташлаб юбориб ўлдиради.

Мана шу одати учун ҳиндлар Ҳарудани мукаддас қуш деб эъзозлашади. Ривоятларга биноан, гўзаллик ва зафар маъбудаси Лакшми Ҳаруданинг қанотлари устида ўлтиради. Илгари Акбарнинг хаёлида афсонани вокеликдан ажратиб турадиган аник чегара бор эди. Энди шу чегара йўқолган, уни гўё сел олиб кетган. Шу сабабли ҳозир ёнидан учиб ўтган Ҳаруданинг қизғиши қанотлари устида ҳаво тўлқинига ўхшаш харир бир нарсани кўргандай бўлди-ю, «Лакшми шу эканми?» деб ўйлади.

Кечалари унинг тушига тўрт кўли, бешта юзи бор Шива кириб чиқади. Ғазаб бобида ҳеч ким Шивага бас келолмайди. Икки кўзидан ташқари пешонасида учинчи яширин нигоҳи ҳам бор. Астойдил газаби келганда шу учинчи кўзи бирдан очилади-ю, олов сочади. Шива тикилиб қараганда одам ёки бошқа жонзот шу кўзининг оловидан куйиб кул бўлади. Шиванинг ёкаси ўрнида ўрам-ўрам илонлар. Одамларнинг бош суякларини ипга тизиб, бунишига маржон килиб тақиб юради. Пўлат гурзисининг учига хам одамнинг бош суяги қопланган. Чунки у тунохкорларга жазо берувчиидир.

Акбарнинг тасаввуридаги вокелик билан ғайритабиий илоҳий нарсаларнинг чегарасини бузиб ўтган сел уни сўрдан узиб олиб осмонга чиқариб юборган улуғлашларнинг оқибати эканини ҳозир ўзи ҳам сезмайди. Факат уни «доҳий!» «маҳдий!» деганлари сари ўзини алланечук ёлғиз, ҳаммадан узилган бекас одамдай сезади.

Унинг руҳи безовта, сабабини гўё Жалолиддин Румий айтиб кетган: «Тананг — от, руҳинг — унинг сувориси. Шуни билки, от емиши суворига озик бўлмагай!»

Илгари Акбар қўпроқ танасини парваришлар эди, энди билса нукул отни бокиб, суворини оч қолдирган экан. Ҳозир аксини қилиб, ейиш-ичишдан ўзини чеклади-ю, маънавий озик берадиган илму асрорга, сўфиylар ва ҳинд донишманлари таълимотига қайта-қайта шўнгигиб, ўзига керакли маънавий гавхарни излашга тушди.

Руҳ, акл, калб, кўнгил — булар табиатдаги чор унсурга ўхшайди, инсондаги бутун маънавий дунё шу тўртовидан таркиб топишини Акбар энди биляпти. Араб, форс, хинд, юнон — турфа тилли файласуфлар хаммаси руҳ билан тананинг, кўнгил билан аклнинг орасидаги зиддиятлардан дод деб ўтганлар. Акбарнинг ўзи ҳам ҳозир шу ички зиддиятлардан қутуолмай азоб тортиб юрибди. Орқага ўғирилиб караса, қанча зафарларга эришгани, қанча катта давлату обрўга эга бўлгани уни каноатга ва мамнунликка ундайди. Аммо дилига разм солса, ўзидан ҳам, атрофидаги ҳаётдан ҳам кўнгли тўлмайди. Хали амала ошмаган истак-орзулари бехад кўп. Уларга қачон етишади?

Шунда гўё Абдулҳамид Фаззолий деган файласуф уни огоҳлантиради: «Икки биқининг орасидаги кўнглинг — сенинг ашаддий душманингdir.»

Ҳинд файласуфлари ҳам кўнгилни унинг ташки манбаларидан узиш кераклигини, ҳеч ким йўқ бир ўрмонда ўз қалбига қулоқ солиб, дилдаги мукаддас туйгуларга берилиб яшашни маслаҳат берадилар.

Акбар шу максадда Ҳимолай тоғи этакларидағи ўрмонзор Бхирага келиб яшамоқда. Бу ерга у билан бирга келган беш юздан ортиқ бегу мулоғимлар, кўриқчи ва хизматкорлар Бхиранинг Боги Сафосидаги кўл атрофларига чодир тикиб олишган. Бир вактлар Комрон мирзо кўр қилинган Боги Сафога Акбар ўн яшарлигига биринчи марта отаси билан келган эди. Шундан бери ўтган ўн ийлilikлар уни не кўйларга солмади! Мана, ҳозир ёши ўттиз саккизга борди, лекин ҳали ҳам ўзини жуда нокомил сезади, ҳаёлинни яхлит бир мукаддас туйғу атрофиға йига олмайди. Унинг истаги шуки, танаси руҳига сўзсиз итоат этса, юраги нафсадан

покланса, у ўзидан ҳам, оламдан ҳам мамнун ва ризо бўлса. Сўфийлар буни «орифлик» дейди, хинд факирлари «самадхи», деб атайди, лекин икковининг моҳиятида ҳам комил инсонликка интилиш бор.

Акбар табиатдаги покликини, гўзаллик ва мувозанатни кўриб ҳаваси келади. Нега унинг дилида табиатдаги уйғуллик йўқ? Бу саволга жавобан яна Румийнинг хитоби эшистилади:

«Кўзни юмгил, кўзга айлансин дилинг!»

Акбар кўз олдида турган табиатдан ҳам улугрок, ундан ҳам абадийрок мутлак ҳақиқатни қалб кўзи билан кўришга ва руҳини унга қўшиб юборишига интилади. Лекин бунга ҳеч муваффақ бўлолмайди.

Тақдир унга шунча куч-қувватни, истеъодни, қудратли давлатни нима учун берган?

Бу саволга Ажмирдан Акбар бир вақтлар зиёратга борган Муъиниддин Чешти мақбарасидан Бхирага келган мўйсафид Муртазо Аҳмадхон ўзича жавоб берди. У шеърни куйга ўхшатиб айтадиган хушовоз қавволлар билан бирга Акбарни улуғлаб ашула айтди, сўнг Акбарнинг қаршисида тиз чўкиб, унга сажда қила бошлади:

— Сиз минг йилда бир келадиган дохий! Дунёдаadolat ўрнатиш учун худо томонидан юборилган маҳдийсиз!

Зўр эътиқод ва ишонч билан айтилган бу сўзлар Акбарга шундай таъсир қилдики, унинг кўзларидан ёш оқа бошлади. У кўз ёшини артмасдан ўрнидан туриб кетди-да, ўрмонда анча вақт ёлғиз айланаб юрди.

Балки муртазо Аҳмадхон ҳақдир? Унга аён бўлмаса камоли ишонч ва эътиқод билан шундай дермиди? Лекин Акбарнинг амалий ишда аниқ далилларга таяниб ўрганишган акли бу гапга бовар қилмайди.

Осмондан ҳам бирон ишора бўлса эди, Акбар ўзининг ўжар ақлу идрокини сўзсиз ишонтирган бўларди. У ёлғиз ўзи тог тепаларига чиқади, уйқусиз тунларда шам ёргуга ўй суреби ўлтиради. Тепадан бирон гумбурлаш ёки ҳайкириш эштилса, «тангридан ваҳий келдимикин?» деб, вужудини титроқ босади, руҳида зилзила кўзгалади. Лекин яхшиrok қулоқ солса, узоқда ё момақалдирок гумбурлаган ёки ўрмонда йиртқичлар бўкирган бўлиб чиқади.

Муртазо Аҳмадхондан ташқари шайх Муборак ҳам Акбарнинг маҳдийлигини исбот этишга ҳаракат қилмоқда. Ахир хижрий мингинчи йил якинлашыпти. Шайх Муборак мусулмон оламида Акбардан қудратлироқ подшо йўқ деб хисоблайди. Унингча, маҳдийликка муносаб бошқа одам йўқ. Шунинг учун шайх Муборак Акбарнинг тезрок маҳдий

деб ёълон қилинишини, шу тарзда Абдулла Ансорий бошлиқ руҳонийлар ҳокимиятийи йўқотилишини истайди. Акбар маҳдий бўлганда кийиши керак бўлган улуғвор самовий кийимларга шайх Муборак буюртмалар берган.

Буни эшигтан Акбарнинг руҳи осмонга талпинади, аммо танаси ҳамон ердан кўтарила олмайди. Ҳаёлида воқелик билан илоҳиёт бир-бирига коришиб кетган пайтларда уч кўзли тангри Шива Нанди номли ҳўқизига миниб, қаршисидан ўтгандай бўлади. Бирдан ҳушёр тортиб қараса, Боги Сафода ёлғиз ўлтирганини кўради. На Шива бор, на Нанди. Шунда «ақлдан озмаяпманмикин?» деган ўй этини жунжиктириб ўтади.

* * *

Кеч кириб, ўрмон дарахтлари Боги Сафодаги кўлга узун-узун соя ташлаб турган пайтда Акбар хаёл суреби булоқ бўйида ўлтирган эди. Саккиз йигит Боги Сафога кўтариб кирган заррин тахтиравон булоқдан пастрокда тўхтади. Кутимаганда ундан Ҳамида бегим чиқиб келди. Акбар: «Бу ҳам рёё бўлса керак!» деб чўчиб ўрнидан турди:

- Сиз?.. Ҳазрат онам?
- Ха, бу мен, мунглик онангиз!..
- А... Э... Сизни ким чорлади?
- Дилем чорлади!

Акбар онасидан ҳам бегонасирагандек анча берида тўхтаб турибди. Ҳамида бегим орадаги масофани дадил босиб ўтди-да, Акбарни бағрига босиб, йиғлаб юборди:

— Акбаржон, онангиз сизга керак бўлмаганда кўзингизга кўринмай йўқ бўлиб кетгай! Аммо бошингизга мушкулот тушганда ернинг тагидан бўлса ҳам етиб келгаймен!

Она бағрида Акбар бирлаҳза беғубор болалик даврига кайтгандай бўлди. Кўнгли юшшаб:

— Хуш келибсиз!— деди ва онасини икки ошиёни кўшкка бошлаб кирди. Бегим йўлда чанқаган эди. Акбар гулоб чақириди.

- Сув кичикдан, аввал ўзингиз ичинг, болам!

Акбар лиму шарбатининг лаззатини анча кундан бери энди кайтадан сезди. Бовурчилар Ҳамида бегим учун дастурхон ёзиб, энг сархил шириналлар ва сабзавотдан қилинган таомлар келтира бошладилар. Бегим тўрт йилдан бери гўшт емас, буни бовурчилар билар эди. Акбар ҳам Бхирага келгандан бери гўшт емай қўйгани она-болани маънавий маслакдош қилгандай туюлди. Хуштаъм сабзавотлардан пиширилган анвойи овқатларни эса Ҳамида бегим

атайлаб иштаха билан ер, унинг таъсирида Акбар ҳам лагнга тез-тез қўл чўзаётганини ўзи сезмасди. Киндик қони орқали ўтган гўдаклик туйғулари Акбарни аслига қайта-раётгандай, воқелик билан хаёлий рўёнинг орасидаги чегара туман орасидан секин чикиб келаётгандай бўларди. Лекин ойлар давомида унга сингдирилган маҳдийлик афсуни ҳали осонликча тарқайдиганга ўхшамасди. Она-бала сухбатлашиб ўлтирганларида Акбар бир неча марта жим колиб осмонга кулоқ солди. У тангридан илохий нидо келишига астойдил ишониб юрганини Ҳамида бегим энди сезди.

Кечаси Акбар сома деган гиёхнинг сувидан тайёрланган шарбат ичди.

— Сома хиндларда мукаддас гиёх ҳисоблангай,— деб онасига тушунтириди.— Кечаси ойдинда тоғдан териб тушарлар. Олтин узук тақилган бармоқлар билан эзиз, шарбатини элакдан сузиз поклагайлар. Бир-икки кун тургандан кейин етилиб, енгил кайф бергай. Аммо бу илохий кайф саналур.

Ҳамида бегим сомадан бир пиёла ичиб ётган эди, кечаси билан ухлай олмади. Барахманлар соманинг кайфи билан туни бўйи хинчча дуолар ўқиб, ухламай чиқишлари эсига тушди-ю, Акбарни кийнаб юрган уйқусизликларга сома ҳам сабаб бўлаётганини пайқади. Эртаси куни Акбарга туркий ичимлик бўлган қимизни эслатди:

— Кобулда ўсмир пайтингизда қимиз ичганларингиз ёдингиздами? Аждодларимиз орқали қонимизга сингтан одат...

— Ҳинд иссикларида қимиз оғирлик килгай.

— Аммо Бхира салқин экан. Бир томони тоғ, бир томони дарё.

Онасининг қимизга кўнгли кетаётганини сезган Акбар бовурчини чакириди:

— Чифатойхон Тошкандий қимизхўр эди. Бориб айтинг, биз учун топдирсин.

Қип-қизил кади тўла қимиз ўша куни топиб келинди. Ҳамида бону сарёғда пиширилган бақувват овқатлар буюри-ю, аввал ўзи бир коса қимиз ичди, кейин қўярда-қўймай Акбарга ҳам ичиди. Муздай булоқ сувига кадиси билан қўйиб совутилган қимиз чанқоқни шундай яхши босдики, Акбарнинг танаси яйраб, бирдан иштахаси очилганини сезди. Она-бала гўшт емасликларини биладиган бовурчи уларга туркийча қаймок торпик пишириб келди. Акбар шарбатчига ишора қилиб, ўзига ва онасига яна бир косадан қимиз

қўйлирди. Уни ичгандан кейин вужудига майнин бир мудроқ тирқаб, дунё ғамлари хаёлидан узоклаша бошлади. Ҳар куни ётар маҳалда ичадиган сома ичимлигини бугун онаси илтимос қилиб ичирмади. Унинг ўрнига ҳам яна бир коса қимиз берди.

Акбар хуфтон кеч бир уйқуга кетганча эртаси куни офтоб чиқканга кадар қотиб ухлади.

Сўнгги кунларда у хеч кимни қабул қилмай қўйгани учун давлат ишлари тўхтаб қолган, подшонинг қабулига киролмай хит бўлиб юрган одамлар кўп эди. Акбарнинг ўй-хаёлини бузмаслик учун мулозимлар ҳам оёқ учida юрадилар. Бутун қароргоҳ мудроқ босгандай бўшашган эди. Акбар эрталаб ухлаб ётган пайтда Абулфазл билан рожа Бирбал Ҳамида бегимнинг хузурига келдилар.

— Яхши ухлаётган бўлсалар, бу — соғайиш аломати!— суюниб деди Абулфазл.— Шояд бугун бизни ҳам қабул қиласалар. Навбат кутиб турган шошилинч ишлар кўп.

Ҳамида бегим бош чайқади:

— Мавлоно, ҳали сабр қилинг. Гужаратдаги мастиллари бир кунда тарқаган экан. «Маҳдий», «доҳий» деб, ойлар давомида афсун қилдиларингиз. Бунинг кайфи тарқалиши учун анча вақт керакка ўхшайдир.

— Шукурки, ҳазратим сиз билан иноқлар.

— Менга хос ҳакимни чакириб берингизлар,— деди Ҳамида бегим.— Бамаслаҳат даво қилайлик.

Хос ҳаким Бҳим Надх Акбарга қувват берадиган таомларни кўпроқ едиришни маслаҳат берди. Шу маслаҳат бўйича Ҳамида бегим эрталабки ширчойга қувват берадиган қаймок ва сарёғни кўпроқ солдирди. Тушга бориб Акбар чанқай бошлагандо она-бала яна қимиз ичдилар, табибининг буйруги билан сабзавот шўрвага каклик гўштидан қўшиб ниширдилар ва сувини сузиз бердилар. Акбарнинг кайфияти яхшиланиб бораётганини кўрган Ҳамида бегим унга руҳ ва тананинг бирлиги ҳақида Салим ота айтган сўзларни эслатди:

— Инсон ҳам дарахт каби моддий илдизлардан озикланаркан, шоҳ ўғлим! Қон билан таралувчи озиқ руҳга қувват бераркан.

— Лекин нафс билан кўнгил — руҳнинг душманидир,— деди Акбар.

— Кўнгил ҳам пок бўлса, руҳга зид келмагай. Ҳиндларнинг кўнгил ҳақидаги фикрлари эсингиздами? Карма — биздаги кўнгилга ўхшаб табиий эҳтиёжлар, майлларни келтириб чиқарапкан. Бусиз яшаб бўлмас экан.

— Аммо жайнлар кармани ёпишкөк матога ўхшатурлар. Ҳаётнинг бутун кир-чирлари шу матога ёпишавергай.

Ҳамида бегим ҳам жайнлар таълимотидан хабардор эди. Жайнлар тирик жониворнинг гўштини ейишга шунинг учун қаршики, инсон ўлганда унинг жони бошка бирон жондорга, гоҳо эчкига, гоҳо қўйга, гоҳо илонга кўчичиб ўтади. Жайнларнинг жониворларга раҳмдиллигидан ташкари биттадан ортиқ хотин олмасликлари, имону эътиқодлари бунга рухсат бермаслиги ҳам Ҳамида бегимга ёқади.

— Жайнлар кармани кир оладиган матога ўхшатгандарни рост,— деди бегим.— Лекин уни тез-тез тозалаб туриш керак, дейдирлар. Ахир кармасиз хаёт бўлурми? Ичиш, ейиш, уйланиш, фарзанд кўриш — ҳаммасида кўнгил иштирок этмай иложи йўқ.

— Лекин кўнгилни имону инсоф кўчасидан юргизиш мушкул.

— Нечун? Комил инсонларда рух ҳамиша кўнгилга етакчилик қилгай, акл билан дил жуфт қанотлардек бирга парвоз этгай.

— Демак, мен ҳали камолотдан жуда узоқдамен,— деди Акбар.— Руҳим мудом осмонга талпинур. Аммо танамни руҳим кўтарилиган юксакликка олиб чиқолмай, аро йўлда муаллақ қолурмен.

Акбар ўзининг руҳий ҳолатига тўғри баҳо бера бошлиганидан Ҳамида бегим ичидаги «хайрият!» деб кўйди-ю, уни муаллақ ҳолатдан тезроқ ерга қайтариб туширгиси келди.

— Мен ўтган ҳафта тушимда Ҳумой қушни кўрибмен,— деди бегим.— Қанотлари бургутникидан ҳам баҳайбат. Бошию бўйни шертахлит. Одамницидай икки илки бор. Тоғ этагида одамлар тўпланган экан. Ҳумой қуш илкида каттакон бир китобни кўтариб ўтиб, тоғ тепасига бориб кўнди. Одамлар унга караб югурдилар. Ҳумой китобни ташлаб учиб кетди. Токқа олдинрок етиб борган тўрт-беш одам ҳалиги китобни «мен олай, мен олай!» деб талашиб қолдилар. Бир-бирига бермагандан кейин уни тўрт-беш бўлак қилиб бўлиб, турли томонга олиб кета бошладилар. Шунда сиз пайдо бўлдингиз. «Тўхтанглар, ахир, яхлит китобни парчалаб олиб кетиш гуноҳ-ку», деб уларни қайтаришга тушдингиз. Лекин уларнинг бирини қайтарсангиз, бошқаси тутқич бермайдир. Азбаройи ачинганимдан «оҳ!» тортиб, ўйгониб кетибмен.

Акбар ўйланиб турди-ю:

— Яхши туш кўрибсиз,— деди.— Китоб — ҳакиқат

юмзи. Одамлар ҳакиқатни парча-парча қилиб турли томонга олиб кетганлари рост. Маънавият ҳам парчалангандар. Ҳир ким илкидаги бир парча ҳакиқату маънавиятни маҳкам тутуб олган. Бошқаларнинг илкида ҳам ҳакиқату маънавиятни парчалари борлигини тан олмайдилар. «Фақат мен ҳақмен!» деб, бошка ҳалкларни камситадилар. Ўзаро урушлар, дину милят айиришлар мудом шундан келиб чиқғай... Сиз тушингизда кўрган китобнинг парчаларини одамзод бир жойга йигиб, яхлит ҳолига келтиргмагунча, дунёда адолат ўрнатиб бўлмагай. Менинг орзуйим сочилиб кетган ўлкаларни бир давлат қилиб бирлаштиришгина эмас, балки парчаланиб кетган ҳакиқатни бир улуғ маҳзарга¹ йиғишидир.

— Илоҳим, бу орзунингизга етинг, шоҳ ўғлим. Туркий улусдан чиқиб, Хиндиштонга фарзанд бўлдингиз. Энди билсам, бир улуснинг қобигини ёриб чиқкан одам фақат иккичи бир ҳалқнинг фарзанди бўлиш билан чекланиб қололмас экан. Уммонга қўйилган дарё бутун дунё кенгликларига чиқаркан. Шунга ўҳшаб, сиз ҳам ўз улуснингиз, ўз мамлакатингиз ташвишларидан куч ортириб, умумбашарий муммиларни ечишга бел боғламоқдасиз. Маънавият бобида аждодларингизнинг хеч бири бундай мушкул, бундай мурракаб максадларни ўз олдиларига кўймаган эдилар. Сизда улкан истеъдоду ғайрат бор. Аммо мен тушимда «оҳ» тортиб ўйғонганимга сабаб — «ёлғизлик қилдингиз, болам!» Китобни парчалаб турли томонга кочгандарнинг ҳаммасини одам бир ўзи нечук тутгай?

— Ёнимда хеч ким йўқмиди?

— Йўқ эди! Ахир, содик амирларингиз нечун кўринмайдирлар? Азиз кўка, Ман Синх, рожа Бирбал, Абулфазл... Ҳар бири сиз учун жонини беришга тайёр-ку!

Акбар сўнгги пайтда узлатга чекингиси ва ёлғиз юргиси келиб, энг яқин қишиларидан узилиб қолгани нотўғри бўлганини энди сеза бошлади. Онаси уни янада ҳушёр тортириш учун Аграда бўлган бир фожиани айтиб берди:

— Сиз йўғингизда Аградаги садрлар судури Абдунаби янадиний низоларни аланг олдириди. Сиз-ку, масжидлар катори хинд бутхоналари қуришга ҳам рухсат берган эдингиз. Лекин шайх Абдунаби бор таҳтани масжид ёнига келтириб таҳлатибдир. Бутхона учун таҳтаб қолгандан кейин, келиннимиз Жодҳа Байга қадрдон бўлган бараҳман ўз қавмлари билан борибдир-да, ўша таҳталарнинг бир кисмини садрлар судуридан беруҳсат олиб кетиб, бутхона қурилишига ишлатиб-

¹ Махзар — марказий нуқта, синтез жойи.

дир. Мухтасиб буни билиб қолиб, бараҳманни ҳибсга олиб-дир.

— Мен буни эшитган эдим,— деди Акбар.— Сафардан кайтунимча бараҳман ҳибсда сақлансан деган эдим.

— Аммо бараҳман қочмоқчи бўлган эмиш. Ростми, ёлғонми, билмадик. «Сўроқ пайтида бараҳман муслимларни ҳақорат килди, кечаси қочмоқчи бўлди», деган баҳона билан садрлар судури уни қатл эттирибдир.

— Об-бо, жаллодлар-е!

— Энг ёмон фожиа кейин бўлди. Бараҳманнинг тўртта хотини бор экан. Шулардан учтаси «сати» қилиб, мурда билан ўзларини ёндирибдирлар. Буни Жодҳа Бай эшитиб қанча йиглади! Аёлларнинг қариндошлари бараҳманнинг кавмлари бу адолатсизликдан қаҳру ғазабга тўлиб юрибдилар. Ахир шайх Абдунабидай жоҳилларга одамларни қатл эттириш ҳуқуқини ким берган?

— Шариат берган,— деди Акбар.— Агар менинг даҳрийлигимга раияту бариятни ишонтирсалар, шариатга суюниб мени ҳам қатл эттиришлари мумкин.

— Булар шариатни щунчалик суистеъмол қиласидан бўлса, ўринларига шайх Муборакдек ҳалол одамларни қўйсангиз бўлмагайми?

Акбарнинг кўпдан бери кўнглига туккан истаги ҳам шу эди. Ҳозир бу истак янги бир куч билан қайтиб келди. Уни амалга ошириш учун яна пойтахтга қайтиши керак.

— Пойтахтда Тодар Мал ҳам сизнинг йўлингизга мунтазир,— деди Ҳамида бегим.— Жизяни бекор қилиш учун етарли маблағ тўпланган эмиш.

Ерда шунча ишлари туриб, Акбар осмондан нидо кутиб юргани энди унинг ўзига ғалати туюлди. Ҳамида бегим уни тезрок аввалги ҳолига қайтаришга интилиб изтироб билан сўзлашда давом этди:

— Шоҳ ўғлим, шайхлар сизни ердан узиб олиб осмонга чиқариб юбормоқчи бўлурлар! Мени ҳам Исо пайгамбарнинг онаси Биби Марямга қиёслаб муболага қилурлар. Лекин мен Биби Марям эмасмен, шукрим, сиздек улуг инсонга онамен! Шунинг ўзи менга еткулиkdir! Тангрининг олдидагу овоҳлик берурменки, сизга бир эмас, етти она оқ сут берган. Шунинг учун мен сизни маҳдий эмас, Одам Ато фарзанди деб бўлурмен!

Акбар тасдиқ маъносида бош иргади. Ҳаёллари осмондан ерга тушаётгани унга енгиллик бермоқда эди. Қуюқ булатдай оғир туйғулар кучли шамол остида тарқаб кетаётганга ўхшарди. Ўғлини булат орасидан чиқариб олаётганини

таглан она илҳом ва эхтирос билан сўзлашда давом этди:

— Сиз афсонавий Искандар каби улкан ном қозондингиз, Акбаржон! Алишер Навоийнинг «Хамса»сини ўқиганчи. Садди Искандарий достони ёдингиздами? Ўша ерда Аристу, Сукрот, Афлотун каби оламшумул донишмандлар нелар деганини бир эсланг!

Акбар «Садди Искандарий»ни хаёлидан қайта ўтказарни, бир нарсадан хайрон бўлди. Навоийнинг жаҳон ҳалқарини адолатта ва руҳий яқинликка ундан ёзган туркий тостони Акбарнинг миллий адвокатлар ва диний низоларни тўқотишга қаратилган эътиқодига нақадар ҳамоҳанг! Достондаги яъжуҷ-маъжуҷлар — қонли урушлар ва миллий ҳоватлар тимсоли эмасми? Садди Искандарий барча ёвузликларнинг йўлини тўсиш учун курилган экан-ку. Уни Шарқу Ғарбдаги барча ҳалклар дину миллат айримасдан биргаликда қурганлари бежиз эмас.

— Акбаржон, сиз ҳам Секрида қурган Эътиқод уйи орқали барча элларни руҳан яқинлаштириш ниятида эдингиз. Сизнинг бу ихтиронгиз ҳам хатарли низою адоватларнинг йўлини тўсадиган маънавият Садди эмасми, ахир?! Навоий Искандар сиймосида ўзи орзу қилган раҳбарни улуғлайдир. Аждодларнинг орасида шу орзунинг амалига энг яқин келган раҳбар — сиз эмасмисиз? Ахир сиз узок Фарангистондан, Афлотуну Арастулар ўлкасидан насора руҳонийларини тақлиф қиласан эдингиз. Улар Гужаратдан ўтиб, бизга яқинлашиб келмоқда эмишлар. Ким чиқиб кутиб олгай? Қаёнга, жойлаштиргай? Қанча мулозимларингиз сизнинг қабулингизга мунтазир! Сиз қиласидан қанча муҳим ишлар навбат кутиб қолди! Қанча одам бир парча нонга зор! Ёрдамга мухтоҷ бевалар қанча!

— Рост!— деб Акбар бирдан ларзага келиб ўрнидан туриб кетди. Момақалдириқ гумбурлагандага «ваҳий эмасмикан?» деб руҳида зилзила қўзғалгани каби, ҳозир ҳам вужуди жунбишгага келди. Қўзлари оловдай ёниб:

— Мен осмондан кутган нидоларни сиздан эшитдим, онажон!— деди.— Барча ёвузликларга қарши Садди Искандарий қурмок!..

— Эҳтимол, одамлар буни Садди Акбари деб атагайлар, болам!

— Ажойиб!.. Ғанимларим буталар орасига яширингандаги илонлардек заҳар солиш учун пайт пойламоқдалар. Энди уларни хинд лочини Ҳаруда каби юксакка олиб чиқиб ташлаб юбориш мумкин!

Кўпдан бери йўли тўсилиб, дам бўлиб ётган анҳорнинг олди очиб юборилса ўзанига сифмай тошиб, лойқаланиб

оқади. Шунга ўшаб, Акбарнинг дилида қисилиб ётган туйгулари хам энди танасига сифмай ёпирилиб чиқа бошлади. У карсак чалиб сармунши Ашрафхонни чақирди-да, кетма-кет фармойишлар бера бошлади:

— Аграга чопар юборинг. Мирдевон Тодар Малга фармонимиз шулки, Секрида, Аграда, Дехлида ва бошқа субалларда¹ қанча очлар, мухтоҷлар, етиму есиirlар, кексайиб қаровсиз қолган нотавонлар бўлса биз боргунча хаммасини рўйхатга олсин. Яна бир фармойиш: сўнгги етти йилда аҳолидан олинган жизя солигининг умумий миқдори қанча? Шунинг аниқ ҳисоб-китоби тузилсин.

— Фатҳпур кутволи Иброҳимхонга бўйругимиз шулки, Гоа оролидан келаётган фарангি руҳонийларини иззатикром билан кутиб олсин, сарой ичидаги хос меҳмонхонага жойлаштирун. Гужаратдан оташпастлар пешвоси Мехержи келган бўлса, унга хам яҳши жойлардан берилсин.

Хамида бегим ўғлидаги ўзгаришни ҳайрат билан кузатиб туар, Акбар аввалгидай серғайрат, ишchan киёфага қайтгани сари онанинг қувончи ортиб борарди. Ашрафхон эса Акбарнинг кетма-кет ёпирилиб келаётган истакларини шоша-пиша қозогзга туширмоқда эди:

— Ёзинг: Қосим саркорга фармойиш шулки, биз боргунча тўрт қисмлик ибодатхонанинг барча хоналарини турли тилдаги муқаддас китоблар билан жихозласин. Биз пойттахтга қайтганда сайдлар, уламолар, баражманлар, бошқа дину миляят вакилларини шу эътиқодхонага таклиф этгаймиз. Сўнгги фармойиш: хозир Бхирадаги барча беку аъёнларни кечқурун машваратга чорланг. Мири манзил йўл тайёрлигини кўрсин, эрта ўтиб индин пойттахтга кайтиб кетгаймиз!

Анчадан бери жимиб мудраб ётган Бхирадаги қароргоҳ бу фармонлардан гўё чўчиб уйғонди-ю, хаммаёқ бирдан жонланди. Чодирлар ва кўшкларнинг ичи-ташини ғивр-ғивир ҳаракат тутиб кетди.

* * *

Мирдевон Тодар Малнинг ҳисобига биноан, сўнгги етти йилда барча вилоятларда, шу жумладан янгидан қўшиб олинган Гужарат, Бихар ва Банголада ўтказилган молия ислоҳотлари натижасида давлат хазинасига тушаётган даромадлар аввалгидан уч баробар ортган эди. Шу даромадларнинг эллик курурдан ортиғи ғайридинлардан олинган қўшимча солик — жизядан тушган экан. Акбар устози Са-

¹ Суба — вилоят.

ним Чештига бу адолатсиз соликни бекор қилиш ҳакида шатта бергани қачон эди? Сўнгги йилларда хаёли бошқа нарсаларга алаҳсиб, буни унугтан бўлса, энди шунинг ҳиссасини чиқариши керак эмасми? Муҳтоҷларга ҳайру эҳсон килиши одати ҳамма элларда бор-ку. Барча имону эътиқод вакилларига баробар улашиладиган ҳайр-эҳсонга қайси тақвадор шайх карши чиқа олади?

Акбар шу ўйлар билан жизядан тушган тангаларнинг китта бир қисмини муҳтоҷларга улашмокчи бўлди. Унинг фирмони билан девониом олдидағи мармар ҳовуз сувдан тоғаланди. Хазинадан чарм копларда олиб чиқилган тангалар қуп-қуруқ қилиб артилган мармар ҳовузга худди омборга тўкилган буғдойдай тўкилди. Ҳовуз лим-лим тўлганда, унга ўн етти курур руший танга сикканини Акбарга маълум қилдилар. Шунча қўп пулни ҳайру эҳсон тарзида улашиш беку аъёнлар учун аклга сифмайдиган бир иш эди. Акбар буни ониф — тўлов деб атади:

— Онифлар — давлатнинг ёрдамига муҳтоҷ кексалар, стимлар, ногиронлар, бева-бечоралардир. Биз бу пулларни фукародан солик тарзида олганмиз. Энди уни барча имону эътиқод вакилларига баробар улашсак адолатдан бўлгайми, йўқми, таксиirlар?

Акбарнинг бу саволи руҳонийларга қаратилган эди. Ўнг аввал шайх Муборак:

— Беҳад катта савоб бўлгайдир! — деб хитоб қилди.

Ҳинд баражмани Деви Прасад ҳам:

— Бриҳма, Шива, Вишну — учаласи хам бундай сахонатдан шод бўлурлар! — деди.

Шайх Ансорий ва Абдунабилар мармар ҳовуз тўла пулнинг мачиту мозорларга эмас, камбағал муҳтоҷларга улашишишини унча ёқтирасалар ҳам, лекин ониф — тўловнинг савоб иш эканини тан олишга мажбур бўлдилар.

Шундан кейин Акбар мирдевонга тайинлади:

— Соҳиб Тодар Мал, ўзингиз тузган рўйхат бўйича шинакам муҳтоҷ одамларга берилишини назорат қилинг, токи очкўз пулдорлар жанда кийиб келиб, бева-бечоранинг ҳақини олиб кетмасин!

Тошҳовуз тўла тангалар ўн минглаб муҳтоҷларга кирк икки кун давомида улашилди.

Шу орада жизя солиги ҳам бекор қилинди. Абулфаzl дилидаги бу орзунинг амалга ошганидан беҳад шод бўлди.

— Ҳазратим, Панжобда, Ганга бўйидаги Аудда эл-улус сизнинг ҳақингизга ҳиндча қўшиқлар тўкибдилар,— деб дафтарга ёзиб олинган сатрларни Акбарга ўқиб берди:

Хинд-муслим адсовати йўқолиб битсин,
Акбарни куйлайлик, мақсадга етсин.
О тангрим Кришна, Акбарга умр бер,
Унинг ислоҳоти доим бўлсин бор¹.

Шеърдан мамнун бўлган Акбар:
— Халқда донишмандлар кўп! — деди.— Дилемизда борини дарров сезибдилар.

— Жизядан ташқари хиндлардан олинадиган зиёрат солиги ҳам шайх ансорийларни бой қилмишdir, ҳазратим! Банорасга ёки Ганга билан Жамна қуиладиган жойга зиёратга борувчи файридинлар муслим нозирларига бир рупийдан солик тўлайдирлар. Бир йилда ўн курур зиёратчи борса, ўн курур рупий² фойда қилурлар!

Акбарнинг навбатдаги фармони билан зиёрат солиги ҳам бекор қилинди. Мамлакатнинг кўпчилик аҳолиси будиний соликлардан кутулганлари учун Акбардан қанчалик мамнун бўлса, катта даромад манбаидан айрилган муҳтасибу қозилар, имому уламолар ундан шунчалик норози эдилар. «Подшомиз динидан қайти!», «Мусулмончилик тамом бўлди!», «Мажусийлар тепамизга чикиб кетди!» деган ифво гаплар тарқала бошлади.

Шунинг устига Гоа оролидан Фатхпур-Секрига Акбарнинг маҳсус таклифи билан келган фараангри руҳонийлари учун подшо саройи ичидан жой берилди, уларнинг ўз тилларида ибодат қилишлари учун тезликда кичкина черков ҳам тикланди. Сарой ичиди малика Жодҳа Бай курдирган хинд ибодатхонаси борлигидан нолиб юрган муслим уламолари энди черков тепасига ўрнатилган насоралар салибини кўриб, жонлари ҳалқумларига келгандай безовталанди. Шайхулислом Анзорий Акбарнинг хузурига келиб, кофирлардан эҳтиёт бўлиш ҳақида муқаддас китобларда нималар дейилганидан гап бошлади:

— Ҳазратим, фараангилар илоннинг ёғини ялаган, билинтиримай заҳар солгай. Буни улар билан муомалада бўлган подшолар яхши билурлар. Эрону Турон тождорлари кофирларни ҳатто мамлакат ичига киргани қўймайдилар. Ахир файридинларнинг масжидга киришга ҳақлари йўқ-ку. Мусулмон мамлакати ҳам улкан бир масжиддек пок турмоғи

¹ Панжоб, Ауд ва бошқа ўлкаларда Акбар ҳақидаги ҳалқ қўшиклири ҳалигача айтиб келинаётгани хинд олими Мунисалнинг 1978 йилда Дехлида чиқкан китобида көлтирилган. Юкоридаги ҳалқ қўшиғининг сатрма-сатр таржимаси ҳам ўша китобдан олинди.

² Ўн курур — 100 миллион.

кегрл эмасми? Боболарингиз юрти Турон, Бухорои шариф кофирлар учун масжид каби ёпиқ. У ёкларга бирон кофир бориб қолса, кўчадаги оломон тутиб олиб ўлдириб юборгай. Чунки шайхлар «кофирларни ўлдирмоқ савобдир!» деб уларни ишонтириб қўйганлар. Шунинг учун у ёкларга кофирлар юрак ютиб боролмагай. Борганлари ҳам тирик қайтмагай!

— Таксир, Турондаги ўша жоҳил хурофотчиларни бигина ибрат килиб кўрсатмоқчимисиз? Улар Куръонга мутлако зид ишлар қилганини наҳотки фаҳмламасантиз?

— Нечун зид? Ахир Куръони карим кофирлардан эҳтиёт бўлишини буюрганлар...

— Эҳтиёт бошқа! Сиз... Хужурат сурасини бир эсланг. Үн учинчи оятда нелар дейилган?

Анзорий кўп уриниб бу оятни эслайолмади.

— Маъзур туттинг, кексалик, муҳофазам заифлашган...

Акбар барча оятларни ёд билар эди. Хужурат сурасини аввал араб тилида ёдан айтди-ю, кейин таржима қилиб берди:

— «Эй инсонлар! — дейди Оллоҳи таоло:— Биз сизларни бир ота-бир онадан яратдик ва қилдик сизларни турили миллатлар ва қабилаларга мансуб, токи бир-бирларингиз билан яқиндан танишгайсизлар». Бутун бани башар бир ота-бир онанинг фарзанди бўлса, барча миллатлару қавмлар бир-бирларига бирордадар эмасмилар? Ўшал суранинг ўн иккинчи оятида айтилмаганмаки, бошқа дин, бошқа миллат вакилини ноҳақ ўлдирмоқ — бирордаркушлиkdir. Борми шу маънодаги оятлар?

— Энди эсладим... Бор!

— Бор бўлса, уламоларингизга айтинг. Чекка-чеккада бизни дахрий деб ғийбат қиласинлар. Мен худога дилдилимдан ишонурмен. Менинг мақсадим — ҳақ йўлига қайтмоқдир, ўшал оятдаги умуминсоний гояга амал қилмоқдир. Сешанба куни турли дин, турфа миллат вакиллари бир даврага йиғилгаймиз. Сиз ҳам мунозарага иштирок этинг!

Анзорий ноилож қўл қовуштириб, таклифни қабул қилди.

* * *

Секри тепалигида турган улкан гумбазли эътиқод уйи ҳозир ҳамманинг дикқат марказида. Фавқулодда янгилик-

ларни кўпчилик энди шу ердан кутади. Заррин ўймакорликлар билан зийнатланган салобатли эшик олдига маҳсус қоровуллар кўйилган. Бугун сешанба, Акбар келадиган кун бўлгани учун қоровуллар ичкарига факат унинг ўзи таклиф қилган руҳонийларни киритмоқдалар.

Бошига катта оқ салла ўраган, малла ипак ридо кийган Абдулла Ансорий эшикдан бирга кирган баражман Деви Прасадга бир жойи тегиб кетишидан қўрқанидан ўзини нари тортиди. Аммо нарёқда оташпастлар руҳонийси Мөхижер Мехержини келаётганини кўриб, ўзини кўядиган жой тополмай питиллаб қолди.

Деви Прасад кенг оқ дхоти¹ устидан кулранг камзул кийган, пешонасига қизил хол — тилак кўйган. Оташпаст Мехержин эса белига уч попукли камар боғлаган. Акбарнинг таклифи билан Гоа оролидан келган насора руҳонийлари Рудольф Аквавива билан Антони Монсеррате товонгача тушадиган узун кора хирқа кийишган. Бошларида туркларнинг фескасини эслатадиган кора қалпок. Руҳонийларнинг узун соколига ўрганган шайх Ансорий Аквавиванинг факат мўйлови борлигидан ҳанг-манг бўлди-да:

— Астағфирулло! — деб кўйди.

Ибодатхонадаги хоналарнинг бирида Шива, Вишну ҳайкаллари, бирида оташпастларнинг мангу ёник оловлари. Буни кўрган Ансорий «астағфирулло!»ни яна бир неча марта тақрорлашга мажбур бўлди.

Садрлар судури шайх Абдунаби ўз рақиби Ансорийга ўҳшамасликка тиришиб, бугун бошига мусулмон байроғи ташрангидаги яшил салла ўраган, бўйнига оқ ипак фўта ташлаган эди. Умр бўйи будпаст ва оташпастларни қувғин қилган садри жаҳон энди уларнинг имону эътиқодларига муҳташам бинодан шунчалик мўътабар ўрин берилганини кўриб:

— Тавба! — деб асабий шивирлади.

Яна бир хонага ўтганларида, Фарангистон кироли Акбарга совға қилиб юборган олтин муковали «Инжил» кўзга ялт этиб ташланди. Унинг ёнида Биби Марямнинг чакалок Исони қўлига олиб турган рангдор сурати турибди. Бу икки нарсани Акбарга Рудольф Аквавива совға қилиб олиб кел-

ган эди. Акбар олтин муковали китобни ҳам, Биби Марям суратини ҳам эъзоз билан кўзига суртиб қабул килганини Абдулла Ансорий қабул маросимида кўрган эди. Рудольф Аквавива ҳамроҳларига мактаниб: «Акбар ҳазратлари «Инжил»ни ўпиб кўзга сурганлари — биз учун насора динини қабул килгандай кувончли ҳодиса бўлди!» деганини Ансорий ўз хуфияларидан эшитган эди. Ҳозир шунинг ҳаммасини хаёлидан бир-бир ўтказар экан: «Бу бино — ибодатхона ўмас, кофирихона!» деган ғазабли ўй кўнглидан кечди. Худди масжиднинг минбарига чикиладиган мармар зинапояга ўхиш зиналар уларни бино марказидаги муҳташам саҳнга олиб чиқди.

Акбар олдинроқ келиб уларни шу ерда кутиб турган ѹқан. Унинг ёнида шайх Муборак билан яна бир мўйсафид бор эди. Абдулла Ансорий бу барваста мўйсафидни танингдана юраги бирдан шиф этиб сесканди. Бир вактлар Бианадаги ҳалк кўзғолонига бошчилик қилган Абдулла Ниёзий шу эди. Ансорийга битта ғоявий душман — шайх Муборакнинг ўзи ҳам кўп кўринарди. Энди Акбар Абдулла Ниёзийни ҳам Ансорийга қарши даҳанаки жангга соладиган бўлса, уларга қандай бас келади? Садри жаҳон рақиб бўлса ҳам, ҳозир шайх Муборакка нисбатан бехатарроқ кўринди. Ансорий беихтиёр шайх Абдунабига яқинроқ келди.

Мунозара ўтказиладиган саҳн доирашакл қилиб курилган эди. Саҳннинг тўрида Акбар ўтирадиган шоҳнишин бор. Айланасига гилас ва зарбоф кўрпаҷалар тўшалган, кексалар суюниб ўлтириши учун баҳмат болишлир кўйилган.

Акбарнинг ишораси билан Абулфазл мезбонлик вазифасини ўтай бошлади: хинд баражманларининг икки ёнига оташпаст ва насора руҳонийларини ўтказди. Ансорий билан Абдунабига Акбарнинг чап томонидан, шайх Муборак билан Абдулла Ниёзийга эса подшонинг ўнг ёнидан жой берилди.

Акбар ҳаммага бир-бир кўз ташлаб олгач:

— Фараз қилингки,— деди,— биз йиғилган бу хона — баланд бир тоғнинг чўккиси. Бу токка бирингиз шимол ёнбағирдан, бирингиз жанубдан, бирингиз шарқдан, бирингиз гарбдан чиқиб келдингиз. Бу бинонинг тўрт томонидаги хоналар — тўрт хил имону эътиқод маконларидир. Улардан бошланган тўрт зинапоялар эса — гўё тоғнинг тўрт ёнбағри. Қарама-карши ёнбағирда юрганда бир-бирилизни кўрмаган, тан олмаган бўлсак ҳам, чўққигача чикканда бир-бирилизга баробар бўлган юксакликда учрашишга мусассар бўлдик. Бу юксаклик — ҳаммамизнинг муқаддас туйғуларимизни

¹ Дхоти — кенг иштон.

жам қилди. Тепамиздаги гумбаз — осмон рамзи — барчамизга баробардир. Ҳаммамиз битта бани башар фарзандларимиз. Шунга қарамай, хурофоту бидъат ҳамон бир элни бошқасига қарши гижгижлаб, қонли урушлар чиқармокда. Биз нечун бунга йўл қўймоқдами? Осмон рамзи бўлган бу гумбаз остида аввало шу саволга жавоб топайлик. Дилемиздагини очик сўзлайлик. Эътиқоди турлича бўлган эл улусларни руҳан яқин киладиган йўлларни излайлик.

Акбар бир тўхтаб олди-да:

— Мунозарага барча эътиқодларни киёсий ўрганган етук аллома шайх Муборак раислик килсалар розимисизлар? — деб аввал Деви Прасад билан Мехержидан сўради.

Улар шайх Муборакни Абдулла Ансорийдан афзал кўришлари маълум эди, шунинг учун дарҳол ўз розиликларни билдирилар. Аквавива ҳам бу фикрга қўшилди. Одатда, уламолар мажлисига шайхулислом Анзорий раислик киллар эди. Лекин садри жаҳон ўз рақибининг раислик килишидан мудом ғаши келарди. Шунинг учун шайх Абдунаби ҳам раислик тизгини бугун бошқа одамга ўтганидан мамнун бўлиб розилик маъносида бош иргади.

Яқкаланиб қолган шайх Анзорий эътиroz қилишнинг фойдаси йўқлигини сезди-да, бошини солинтириб жим қолди. Шайх Муборак раисликни бошлаб, Акбарнинг фикрини давом эткизди:

— Кўп балолар — бизнинг имону эътиқодимиз бошқаларнидан яхшиrok деб мақтанишдан келиб чиқгай. Ҳолбуки, яратганинг олдида барча улуслар баробар.

Абдулла Анзорийга сўз навбати келганда:

— Факир ҳам турфа элларнинг руҳан яқинлашиб, иноқ яшашларига тарафдормен,— деди.— Аммо низо кўпинча беш бармок баробар эмаслигидан келиб чиқгай. Динлар ҳам барчага баробар бўлолмагай. Чунки ҳар бир юртнинг ўз хукмрон дини бор. Фаранг мөхмонардан сўранг. Буларнинг мамлакатларида насоралардан бошқа хукмрон дин борми?

— Аммо биз муслимларни хурмат қилурмиз!— деди Аквавива.— Қадими масжидларни буздирмай, тарихий обида тарзида асрароқдами.

Садри жаҳон Абдунаби кутилмаганда Абдулла Анзорийнинг тарафини олиб Аквавивага эътиroz қилди.

— Мана шу Ҳинд уммонида кема билан сузуб юрган фарангилар Маккага ҳажга борган муслимларнинг йўлини тутсиб, неча бор пулу буюмларини талаб кетганлар, муслимларни асира қилиб, зўравонлик билан ўз никохларига ўтказмишлар!

Шайх Муборак Рудольф Аквавивага мурожаат қилди:
Мухтарам падре¹, бу гапларда асос борми?

Асос ўнуки, денгиз қароқчилари бошқа халқларда ҳам бор,— деб ўнгайсизланиб изоҳ берди Аквавива.— Насораларни зўравонлик билан ўз динига ўтказган, уларнинг ишларини чўри қилиб олган муслимлар ҳам йўқ эмас.

— Факат денгиз қароқчилари шундай қылғонми?— сўрали шайх Абдунаби.— Сизларнинг қиролларингиз амирал баҳр қилиб тайин этган Вакко де Гама, Албукерка хинд уммонида озмунча муслимларни кирганми? Гоа оролида қинчлару муслим эрларни кириб, ҳимоясиз қолган аёлларни Фарангистон аскарларига никоҳлаб берган эмасмилар?!

Аквавива яна ўз ватандошларини ёқламоқчи бўлиб гап бошилаган эди, ёши каттароқ Антони Монсеррате унинг сўзи-ни бўлди:

— Падре, Албукерканинг шафқатсизликлари бизнинг юртимиздаги вижёнли одамлар томонидан ҳам нафратга учраганини очик айтмоқ керак. Ҳатто Вакко де Гама биринчи бўлиб Европа учун Ҳиндистонни очган сиймо сифатида гарихга кирган бўлса ҳам, кейинчалик қирол фармони билан Ҳинд уммонига ҳоким тайинланиб, иккинчи марта келганда кўп шафқатсизликлар қилмишdir. Йўловчи ташнидиган араб кемасида аёллар, болалар, чоллар келаётганини Вакко кўрса ҳам, лекин ёғ сепдириб, аямай ёндириб юбормишdir. Португалияда Вакконинг бу қилмишлари маълум бўлғач, у халқнинг назаридан қолди. Умрининг охирчидан, хор бўлиб ўлди. Ҳозир замонлар ўзгарган. Салиб юришлари даври энди ўтди. Диний низолардан безор бўлиб, муроса йўлини излаётган одамлар Португалияда ҳам кўпайиб бормоқда.

Абулфазл отасидан руҳсат олиб, Монсерратега савол берди:

— Үндай бўлса, эҳтимол, Фарангистон қироллари ҳам ҳозир барча динларни баробар деб тан олгандирлар?
Монсеррате бош чайқади:

— Афсуски, биз ҳали бундай фикрдан анча узоқмиз. Бу фикрга келмок учун бошқа элларнинг муқаддас китобларини сизлар каби астойдил ўрганмоқ лозим. Факат сўзда эмас, амалда турли халқларнинг руҳий бойликларини эъзозлаб, ҳозир биз ўлтирган бинодек меъморлик обидаси қуришидир. «Дунёдаги энг зўр жасорат — руҳнинг ботирлигидир», деган нақл эшитганмен. Ҳазрати олийлари,— деб Монсер-

¹ Падре — ота. Руҳонийлар узвони.

рате Акбарга мурожаат қилди:— Сиз шу бинонинг меъмори экансиз. Турли элларни руҳан яқинлаштириш нияти билан яратган бу обидангиз менга улуғ бир жасоратдек туюлмоқда. Мен сизнинг бу кашфиётингиз олдида бош эгиб айтмокчименки, биз уни қадрлашимиз, эъзозлашимиз лозим!

Бу таклифни кўпчилик кабул қилгандан сўнг, асабий гаплар губори хиёл тарқади-ю, Абдулла Ниёзий сўз олди.

— Биз бундан ўттиз йил аввал Бианадаги ҳалқ ҳараҷ катига иштирок этганимизда орзу қилган эдикки, қудратли давлат тузилса, унинг тепасида мамлакатни яктану яқдил қилишга қодир раҳбар турса, одамларга азоб берувчи адолатсизликлар йўқолса... Абдулла Ансорий жаноблари ўша пайтда Исломшоҳ саройининг диний пешвоси эдилар. Бизни «даҳрий» деб фатво бердилар, Исломшоҳ Аълоини ҳалок қилди... Менинг жоним каттиқ экан, ёшим ҳам ёшроқ эди, мана, ҳалигача тирикмен. Ансорий жаноблари ҳамон ўша эски хурофот отидан тушмаётганлари мени таажжубга солмоқда. Биз бу ерга диний низоларни бартараф этмоқ учун йигилганмиз. Яна эски адоватларни қўзғатгандан кўра қайси элда қандай руҳий бойлик, қандай маънавий фазилат бўлса, шуни бир жойга йигайлик. Энг яхши удумлару анъаналарни барчамиз қабул қиласли. Ана унда «сулху кулу»¹ деган олий мақсадга тезроқ етгаймиз. Барча ҳалқлар, имону эътиқодлари турлича бўлса ҳам руҳан бир-бирлари билан баробар, тенг деб эълон қилинмоғи лозим!

Ансорийнинг бўйнига гўё яширин бир сиртмоқ ташлангандай бўлди. Шайх Муборак билан Абдулла Ниёзий Акбарнинг пинжига кириб олишибди. Энди улар ўз душманларидан қасд олишлари аник. Ансорий бўйнидаги сиртмоқнинг тобора сикилиб келаётганини сезиб турибди. Жон сақлаш учун у энди Акбарни кўкларга кўтариб мақташга тайёр эди.

— Таксир,— деб у аввал Абдулла Ниёзийга юзланди:— Исломшоҳ зулмидан биз ҳам жабр кўрганмиз, унинг тазиики остида хато ишлар қилғанмиз, бунинг узрини Фирдавсошиён Ҳумоюн ҳазратларига айтганимизда, узримизни қабул қилган эдилар. Энди ўтган ишга салавот!.. Биз бугун бошқа бир даврда яшамоқдамиз. Тарихга Жалолиддин Акбар номи билан кираётган бу давр чиндан олам шумул аҳамият кашф этмоқда. Муқаддас китобларда каромат қилинмишки, минг йилда бир улуғ сиймо пайдо бўлиб,

дунгани адолатсизликдан поклагай. Мен аминменки, ана шу улуғ сиймо ҳозир бизнинг даврамизда ўлтирибдирлар. Ахир тошқовузни олтин тангага тўлатиб, ўз онифларига шоҳона тўлон қилиб тарқатгандар камдан-кам бўладиган саҳоват эмасми? Еки мана бу ибодатхонада ҳазратимни бошқа дин инкиллари ҳам энг одил маънавий пешво деб улуғлаётганлари ноёб ҳодиса эмасми? Шунинг ҳаммасини хуласа қилиб факир айтмокчименки, насроралар масиҳо деб атайлиган, биз маҳдий деб улуғлайдиган олий сиймо сиздирсиз, ҳазратим!

Ансорий ўрнидан туриб, Акбарга икки букилиб таъзим қилди:

— Илоҳо маҳдийларча улуғ адолат ўрнатиш сизга насиб бўлсин!— деди-да, гўё ҳеч ким айтолмага! Энг зўр гапни ўзи шиттандай мамнуният билан илжайиб қўйди. Шундан кейин шайх Абдунаби ҳам Акбарни энг адолатли пешво деб мақтанига мажбур бўлди.

Шайх Муборакка шу керак эди. У пайтдан фойданди-ю, Акбарни энг олий факиҳ ва барча диний низоларни ал килувчи мужтаҳид деб фатво чиқариш ҳакида таклиф сиритди.

Ансорий билан шайх Абдунаби ўз тилларидан тутилганларини шунда сездилар. Агар Акбар олий мужтаҳид бўлса, шайхулислом ҳам, сардлар судури ҳам керак бўлмай колади!

Шуни жон-дили билан истаб юрган Абулфазл фатвони олдиндан ёздириб, тайёрлаб қўйган эди, унга биринчи бўлиб шайх Муборак имзо чекди. Шайх Абдулла Ниёзий ҳам дарҳол қўл қўйиб берди. Шундан кейин Абулфазл фатвони шайх Абдунабининг олдига олиб борди. Насоралар ва бараҳманлар «нима бўларкин?» деб жим қараб туришибди. Акбар кўзини ерга тикканича кимир этмайди. Аммо унинг сукуни шайх Абдунабига овини пойлаётган йўлбарснинг сукунини эслатди. «Йўқ!» деб кўринг-чи! Ҳозиргина Акбарни «энг адолатли ҳакам!» деб мактаганлари риёкорлик, қуруқ тилёғламалик бўлиб чиқади. Шайх Абдунаби оғир бир хўрсинди-ю, фатвога имзо чекди.

Навбат Ансорийга келганда унинг кўлидаги қалам дирдир титрай бошлади. Бу қандай кўргилик? Ўз кўли билан ўзига гўр қазигандай иш қилса-я... Қалтираган кўли қоғозни тирнаб, ҳарфларни чалкаштириб юборди, лекин бари бир қоғоз юзида унинг имзоси пайдо бўлди.

Тамом!.. Шайх Ансорий уйига келиб бир кун касал бўлиб ётди. Эртаси куни ичини ёндираётган аламни қоғозга тушириб, кўнглини бўшатгиси келди-ю, Патнадаги сирдош дўйти мулла Танвирга махфий мактуб ёзди. Мактубда

¹ Ҳар томонлама сулх, тинчлик.

«Бутун ислом тарихи Акбарга қарши!», «Подшо мужтахид бўла олмайди», «Мени имзо чекишига мажбур килдилар!», «Биласиз, гоҳо қароқчилар билан ҳам вақтинча муроса қилингай» деган гаплар ёзилган эди.

Мулла Танвир кейинги пайтда Акбарга ихлос қўя бошлаганидан Ансорий мутлақо бехабар эди. Исён хиди келаётган мактуб мулла Танвир оркали айланисиб келиб, Акбарнинг қўлига тушди. Кеч куз оқшомида Акбар Ансорийни девони хосга чакиришиб келиб тикка турғизиб кўиди. Абулфазл мулла Танвирдан қайтиб келган мактубни Ансорийга евоз чиқариб ўқиб берди. Ансорий мактубдан тониб кутула олмаслигини сөзди-ю, оёқда туролмай тиз чўқади:

— Мени афв этинг! Жаҳл устида ёзган эдим, ақлизлик килганмен!.. Кирқ йиллик хизматларим ҳаққи, мени бир марта кечиринг!

Акбар газаб билан деди:

— Кирқ йиллик хизматлар эмас, риёкорликлар, хоинликлар! Байрамхоннинг ўлимида ҳам иштирокингиз борлигини сезганимен! Адҳамхон билан Моҳим энаганинг бошига етган ҳам сизсиз! Дехлидаги Пўлат васвасни ишга солиб, менга ўқ оттирганларнинг илҳомчиси ҳам сиз бўлгансиз!

— Йўқ, йўқ, тангри ҳаққи, мен бу суиқасдан бехабармен! Аҳмок бўлиб, Танвирга шу мактубни ёзганим рост!

— Ибодатхонада мени маҳдий деб мақтаб, мактубда «дахрий!» деб қарғаган одам ҳар қандай разолатга кодир эмасми?

— Риёкорлик қилдим, рост. Бу гуноҳим учун, майли, ҳажга борай! Маккатуллога бориб, покланиб келай!

Кекса одам Акбарнинг оёғига йикилиб илтимос қилгандан кейин, Акбар унинг ҳажга кетишига рухсат берди. Ансорий ҳаждан кейин Гужаратга қайти ва ўша ерда вафот этди. У ўз бобосининг мақбараасига яшириб юрган икки сандиқ олтин давлат ихтиёрига олинди ва наврўз байрамида мискин-бечораларга улашилди.

* * *

Саройда ҳар чоршанба оқшоми ораста базмлар ва шеърий мажлислар бўлар эди. Акбар мамлакатнинг энг соҳибистеъод шоири санъаткорларини ўз атрофига йиғишига интиларди. Машхур хонанда Тансен, мусаввир Хўжа Абду-

қамад, маликушшуаро Ғазалий, унинг тарбияси билан юксак ноялларга кўтарилиб бораётган ва ҳозир «Ҳамса» ёзаётган Файзи Фаёзий, ҳам форсий, ҳам ҳиндий тилларда гўзал шеърлар битган, ажойиб қўшиклар ҳам айтадиган хушчакчиқ рожа Бирбал, шеърий истеъодди отаси Байрамхоннидан қолишмайдиган Абдураҳимхон — буларнинг ҳаммалини Акбар маънавият гавҳарлари деб атар эди. Унинг тройида «нўҳратан» — яъни «тўқиз гавҳар» деган ибора машҳур бўлган, фан, адабиёт ва санъатнинг тўққизта энг ёргу юлдузлари орасидан Абулфазл ҳам ўрин олган эди. Кекса Ғазалий вафот этганда тўққиз гавҳарнинг саккизтаси қолди, лекин «нўҳратан» ибораси ҳамон истеъмолда эди.

Акбар бир кун сарой ташқарисида деворга оҳак билан расм чизаётган ялангоёқ ҳинд йигитчасини кўриб қолди. Йигитчанинг қўлида мўъжизаси бордай, панжасининг уч-тўрт ҳаракати билан деворда жонли суратлар пайдо бўларди. Ўзи ҳам сурат чизишини яхши кўрадиган Акбар йигитчанинг ёнида тўхтаб:

— Отинг недур? — деб сўради.

— Дастванта.

— Нечун деворга сурат чизмоқдасен, Дастванта?

— Қоғоз-қаламим йўқ.

Акбар суриштириб билса, Дастванта — камбағал бир юқ ташувчи ҳаммолнинг ўғли экан, «Рамаяна» ва «Маҳабхарата» достонларининг жуда кўп жойларини ёд биларкан, чизган суратлари ҳам шу достонларнинг қаҳрамонлари ҳакида ёкан. Акбарнинг ўзи ҳам бу достонларни яхши кўради. У Даствантани сарой рассомларининг сардори Хўжа Абдусамаднинг олдига бошлаб келди:

— Зеҳни ўткир. Бир тарбиялаб кўринг, мавлоно.

Дастванта Акбар кутгандан ҳам истеъоддириқ бўлиб чиқди. Унинг «Маҳабхарата» воқеаларига чизгани суратлари Акбарга энг машҳур рассомларнидан ҳам кучлироқ завқ берди. Шундан кейинги чоршанба оқшомида бўлган санъаткорлар мажлисида йигирма икки ёшли Дастванта энг етук маънавият гавҳарлари — нўҳратан қаторига кўшилди. Акбарнинг бу ҳақдаги фармонини Абулфазл санъат аҳлига эълон килар экан:

— Гавҳарларимиз яна тўққизта бўлди! — деб мамнуният билдириди.

Шу куни куй ва қўшиклар орасида мушоира ҳам бўлди-ю, ёши юздан ошган шоир Қосим Коҳий ўзининг «Филнома» деган шеърини ўқиб берди.

Акбар филни яхши кўриши, филбонлик ҳам қилгани кўпчиликка маълум эди. Коҳий ўзини узоқ умр кўрадиган

филларга ўхшатган, Акбарни эса шу филларнинг суюкли маҳаватига қиёс қилган эди:

Хок бир сар мекунам чун фил **хар жош** мерасам,
Гар набинам бар сари худ филбони хийшро.
Дидаам то ишки ман афзун шавад он филбон
Медавонад бар сарам филдомони хийшро¹.

Акбар бу тўрт сатрни эшитганда завқ қилиб бир кулиб олди. Филга ўхшаб ёши юздан ошган бу одамда ҳали ҳам болаларча бир маъсумлик бор эди. Унинг фил сингари ўз бошига тупрок сочишининг сабаби ҳам беҳад чиройли ифода этилганди. Фил ўзи яхши кўрган филбонига қанчалик суюниб қолган бўлса, Коҳий ҳам дил-дилдан Акбарга меҳр қўйганини шеърий нафосатга йўғириб айтмоқда эди. Асли Самарқанд томонларда, Оқдарё ва Қорадарё оралигидаги Миёнқолда туғилиб ўсан Қосим Коҳий йигитлик пайтида Ҳиротда яшаган, Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийларнинг сұхбатида бўлган шоир эди. Ҳозир пойтахтда ундан кекса одам йўқ. Ёши қамарий ҳисоб билан бир юзу ўн саккизга кирган бу одам бир умр уйланмасдан бўйдоқ ўтмоқда эди. Коҳийнинг сийрак соколи пахтадай оппок, яккам-дуккам қолган жағ тишлари ейилиб, милкига тенглашиб қолган, жуссаси ҳам кичкина. Шу ёшдаги одамдан бундай шеър чикишини кутмаган одамлар унинг ҳар бир байтига койил бўлиб, ўтирган жойларида тебраниб қўйишарди:

Ҳамчу фили маст меҳоҳам бихурушам ҳар замон
Ошкор ато кунам розинихони хийшро.
Боз мегўям, ҳадиси ишқ хуштараст,
Бажки, чун фил нигоҳ дорам забони хийшро²

Шу ёшдаги одамнинг маст филдай жўшу хуруш килмоқчи бўлгани лекин яна филларға хос вазминлик билан тилини тийиб юриши Акбарнинг шеърдан олаётган завқини яна бир даража ошириди. У ўзи ҳакидаги ошкора мақтовлар ва мадҳияларни кўп эшитган. Бу ердаги шеърий

¹ Тепамда филбоним ўлтирмаса, мен ҳам шу филга ўхшаб борган жойимда бошимга тупрок сочиб издан чикаман. Филбоним бошим устида этигини ҳиллеришиб, мени чоптираса, унга ишқим ортади.

² Маст филга ўхшаб ҳар замон жўшу хуруш килгим келур
Яширин розларимни ошкор килтим келур.
Лекин яна айтаман: ишқнинг пинҳон ҳадиси хушроқидир
Филлар каби тилимни тийиброк юрганим яхшироқидир.

иффат, камтарлик ва гўзал бир табассум Акбарга ниҳоятда ёққани учун:

— Мавлоно, яна бир ўқисинлар! — деб шеърни иккинчи марта эшилди. Сўнг биронта нуқсони йўқлигини, ҳар бир сўзи гавҳардай хилланганини мактади ва Абулфазлга юзланди: — Бир юзу ўн саккиз ёшда шунчалик мукаммал шеър ёзиш — камдан-кам учрайдирган мўъжизадир. Мавлоно Коҳийнинг пойи қадамлари табаррук. Сарой дарвозасидан то шу ерга келгунларича неча қадам кўйган бўлсалар ҳар бир қадамларига юз руپийдан инъом берилсин! Минбаъд саройга ҳар келганларида яна минг руپийдан берib турилсин!

Мушоира бўлган жойдан сарой дарвозасигача юз қадамдан ортиқ эди. Сарой шоирларидан ҳеч бири ҳали бундай киска шеър учун ўн минг руپий мукофот олмаган эдилар. Қосим Коҳий таъзим қилиб, бу инъом учун Акбарга миннатдорчилик билдирав экан, унинг алланарсадан кўнгли тўлмагани сўйининг кўзларидан сезилди.

Эртаси куни ҳазина очилганда Қосим Коҳий келиб ўн минг руپийни олиб кетиши керак эди. Лекин орадан бир ҳафта ўтди ҳамки, кекса шоир саройга қайтиб келмади. Акбар уни касал бўлиб қолмадимикин, деб Абулфазлни хабар олгани юборди. Қосим Коҳий кичкина боғ ҳовлида турар, уй юмушларини қиласиган мошгуруч соколли битта хизматкоридан бошқа ҳеч кими йўқ.

• Абулфазл унинг токчаларида китоблар турган хонасига кириб, ҳол-аҳвол сўради-ю:

— Нечун ҳанузгача ҳазинадан мукофотни олмадингиз? — деди.

— Мунча пул менга не керак, жаноб вазир? Меросхўрим бўлмаса!.. Мен у шеърни мукофот учун ёзган эмас эдим.

— Эҳтимол, бошқа тилагингиз бордир? Айтинг, мен аъло ҳазратга етказай.

Қосим Коҳийнинг ояд тишлари аллақачон тўкилиб, лаблари ичкарига ботиб кетган, уни хиёл қайрилган узун бурни эгилиб тушиб, лабларига тегай деб колган.

— Мен ёшимни яшаб бўлганмен, менга мол-дунёдан кўра имону эътиқод азизроқ. Навоидек, Жомийдек улуғ сиймоларни кўрганмен. Улар диний адоватларни қандай йўқотишининг йўлини излаб, тополмай кетган эдилар. Акбар ҳазратлари турли эътиқодларни тенг кўриб, сулҳи кулл эълон қилиш билан ҳанузгача топилмаган янги бир йўлни каашф қилдилар. Мен умримнинг охирида ана шу йўлдан юриб ўтмоқчимен. Агар ҳазратим мени ўзларига содик

маслакдош деб билсалар, факир учун энг олий мукофот ана шу бўлғай!

Абулфазлдан бу гапларни эшитган Акбар:

— Мавлоно Кохийнинг бу жавобидан бошимиз кўкка етганини бориб айтинг,— деди.— Агар истасалар, пайшанба куни яқин маслакдоштаримиз даврасига марҳамат қилсинлар!

Боги Фатҳнинг тиллакори меҳмонхонасига хуфтон кеч ийифладиган шайх Муборак, рожа Бирбал, Абулфазл унинг шоир акаси Файзи, Азиз кўка, Абдураҳим хони хононлар каторига навбатдаги пайшанба куни Қосим Кохий ҳам келиб қўшилди.

— Мавлоно,— деб Акбар энг аввал унга мурожаат килди,— сиз ажойиб шеърий муаммолар ёзмишсиз. Бизнинг ўтрумизда¹ мушкул ҳаётий муаммолар турибдир. Биз сулхи кулл эълон килиб бирлаштироқчи бўлган турли имону эътиқодлар бамисоли мустақил қайиклардек ҳар бири алоҳида сузиб ўрганишидир. Мақол борки, икки қайикнинг бошини тутган одам ғарқ бўлур. Мухолифларимиз бизни ҳам ғарқ қилмоқчилар. Уларнинг назарида биз на муслим, на маъжусий, на оташпарат — бу динларнинг ҳеч бирига тўлиқ дил бермаган, ора йўлда колган динсизлар эмишмиз.

Шайх Муборак бу таъна-дашномларни Акбарга айтишга тили бормай истиҳола килиб юрган эди. Энди уларни Акбарнинг ўзи айтганидан дадилланди-ю, сўзлашга ижозат олди:

— Ҳазратим, сиздек имони мустаҳкам сиймога нисбатан айтилган бу сўзлар ўтакетган тухматдир! Бу тухматдан кутилишнинг ягона йўли — сиз кашф этган олий эътиқодни янги таълимот шаклига солиб эълон этмоқдир. Ибодатхонада лутф айтган эдингизки, турли имону эътиқодлар тоғ ёнбагирлари каби баланд бир чўккига етганда бирлашурлар. Ана шу маънавий юксакликни сиз асос солган янги маслак деб атасак арзир!

Акбар ўзини янги бир маслакнинг асосчиси қиёфасида тасавур этди-ю, эти жимирилаб, ўзидан-ўзи сесканиб кетди. Кеча онасини кўргани борганда Ҳамида бегим яна хавотирга тушиб айтган гаплар қулогига кайта эшитилгандай бўлди: «Шайх Муборак сизни «маҳдий» деб ишонтириб, Бхирада не кўйларга соглани ёдингиздан чиқдими, шох ўғлим?»

— Хотиржам бўлинг, онажон, ўғлингиз у кўчаларга қайтиб кирмагай. Мен ўзимнинг маҳдий ҳам, пайгамбар ҳам

эмаслигимга аллақачон имон келтирганмен. Шунинг учун фақат бош фақиҳлик — мужтаҳидлик унвонини қабул килганден, холос.

— Акбаржон, Сиз подшолигу саркардалик юкини қийналиб кўтариб юрганингиз озмики, шайх Муборак янги маслакнинг оғирини ҳам сизнинг елкангизга ортмоқчи?

Онасининг куюниб берган бу саволига Акбар ҳали жавоб топа олгани йўқ. У янги маслакнинг оғир юкини елкасига олишга юраги бетламай Қосим Кохийга юзланди:

— Мавлоно, сиз кўпни кўрган сиймосиз, бизга маслаҳат беринг.

— Факирдан маслаҳат сўраганингиз учун ташаккур, ҳазратим! Салкам етмиш йил Турону, Хурносону, Кобулда яшадим, эллик йилдан бери Синду Ҳиндда истақомат қилмоқдамен. Ақлимни таниганимдан бўён мен жаҳонни кезиб, гоҳ адашиб, гоҳ туртиниб, руҳим яйрайдиган маънавий бир манзил изладим. Ниҳоят, ёш им юздан ошганда етиб келган энг олий маънавий манзилим — сиз ҳозир раҳбари бўлган мана шу табаррук давра бўлди. Умр бўйи мени руҳонийлар истибодди қийнаб келар эди. Сиз шу истибоддни йўқотганингиздан бери руҳим яйрамоқда. Аммо бу истибодднинг кетидан кун кўрган, бой бўлган, марта ба ортирган улкан бир гурух уламою мулла имомлар бор, улар аламзада бўлиб, қасд олишни ўйлаб юрибдир. Улар учун бидъату хурофот — бамисоли борут солинган омбор. Шундай бир тайёрлик кўрмок керакки, янги таълимотингиз эълон қилинганда ғанимларингиз унинг учкунлари билан борут омборини портлатса олмайдиган бўлсинлар.

— Раҳмат сизга, мавлоно, менинг дилимдаги гапни айтдингиз!— деб Акбар Кохийнинг фикрини давом эттира бошлиди:— Факат ичкарида эмас, қўшини мамлакатларда ҳам мухолифларимиз бизнинг худодан қайтганилгимиз ҳакида дод-вой кўтармоқдалар. Эрондан сафавийлар, Турондан шайбонийзодалар бизга элчилар юбориб: «Исломдан воз кечганингиз ростми?» деган маънода саволлар бермоқдалар. Биз ҳам уларга элчилар юбориб, «алхамдуилло муслиммиз» деган мазмунда жавоблар ёздик. Бизга қарши кўтарилиган жўшу хурушлар ҳали-бери босилмагай. Вилоятлардан келаётган маҳфий ахборотлар вазият ниҳоятда мураккаблигидан далолат бермоқда. Шунинг учун янги таълимотни каттароқ тайёрлик билан қулай бир вазият келганда жорий этайлик. Ҳозирча уни мана шу даврадагилар ўз дилимизга жо қиласиллик. Ахир чин ихлосу эътиқод аввало дилда яшамоги керак-ку.

— Ҳақ гап!— деди Абулфазл.

¹ Ўтрумиз — каршимиз, рўпарамиз.

Энди шайх Муборак ҳам Акбарнинг сўнгги фикрига кўшилишга мажбур бўлди.

* * *

Акбар ўз маслакдошларига мукофотлар берган ўша кезларда шайх Абдунаби унинг қаҳрига учради.

Беш қўлини оғзига тиккан бу баднафс шайх вакфлардан тушган ва ҳаж қилувчилар учун ажратилган пулларнинг катта бир кисмини ўз сандигига солиб олгани аниқланди. Жиноятлари бўйнига қўйилгач, Акбар уни хибс қилдирди. Ҳибсхонада ҳам шайх Абдунабининг душманлари бор экан. Садри жаҳон катл эттирган бегуноҳ одамлардан бирининг ўғли шу ерда коровул экан. Бошка қасоскорлар шайхнинг қаерда ётганини шу коровул оркали биладилар. Бу қасоскорлар орасида масжид олдиаги тахталарни бутхона қурилишига ишлатгани учун катл эттирилган ва учта ёш хотини «сати» одати бўйича ўзларини ёндириб ўлдириган бараҳманинг қариндошлари ҳам бор эди. Қасоскор оломон ҳалиги коровул ёрдамида кечаси хибсхонага бостириб кирди-да, шайх Абдунабини тошбўрон килиб ўлдириб кетди.

Ансорий ва шайх Абдунаби бошқариб турган уламою, қозиу мухтасиблар или узилган тасбех доналари каби турли томонга тиркираб, саросима ва ғулғула ичида колдилар. Жизя солиги олиб бойишга, мажусийтарни қул килиб сотишга имкон берадиган диний истибодд бинолари худди зилзилага учраган эски уйлардай бирма-бир қулаб туша бошлади.

Зилзила пайтида ҳамма ўзини нохуш сезгани каби, шу истибодд орқасидан кун кўриб келган катта гурухнинг йикилиб-суруниб талваса қилишлари кўпчилик сарой аҳлида, ҳатто Акбарнинг норасида ўғилларида ҳам оғир ва мураккаб туйгулар ўғотди.

Энди ўн бир ёшга кирган шаҳзода Салим ҳаддан ортиқ ўйчан ва камгап бўлиб қолди. Унинг муаллими Фарид Бухорий Акбар ҳузурига кириб арз килди:

— Ҳазратим, шаҳзоданинг руҳий ҳолатларидан хавотирдамиз. Соатлар давомида ёлғиз ўлтириб ўй сурадирлар. Илгари кўп китоб ўқир эдилар. Ҳозир китоб ҳам ўқимай кўйдилар. Эҳтимол, шаҳзодани овга олиб бормок зарурдир?

— Мавлоно, биз овни тақиқ этганимиз ёдингизда борми?

— Ёдимда, ҳазратим! Аммо ота-боболарингиз ўсмир-

ликдан от чопиб, ов килиб ўрганганлар. Кон билан ўтган бу одатни ўғлингиз ҳам тарк этмаганлари маъқулмикин?

— Мен овни тарк этдим-ку. Энди биз чиқарган фармонни ўғлимиз бузса одамлар не дегай! Салим ёлғиз ўлтириб ўй сурса, ҳалақит берманг. Демак, унда фикр-мулоҳаза ўғонган. Ўзи билан ўзи мусоҳабаю мурокаба қилисин.

— Хўп, ҳаэрратим, хўп! — деб, Фарид Бухорий таъзим килганича чиқиб кетди. Аммо ичида: «Оқибатига ўзингиз жавобгарсиз!» деб кўйди.

Атрофида бўлаётган маънавий зилзилани ва мураккаб зиддиятларни Салимнинг ўш идроки ҳазм қилолмас, отаси эса ўғли билан дилдан сұхбатлашишга ва нима бўлаётганини унга яхшилаб тушунтиришга вакт тополмасди.

— Ҳазратимга мужтаҳидликнинг не кераги бор? — деб мавлоно Фарид оғир уф торти.

Бир вактлар у ҳам Акбарга бағишлиб шеърлар ёзган эди. Яхши газал ва рубоийлари бўлгани учун мавлоно Фарид сохиқалам шоир хисобланарди. Гужарат юришида қирқ кунлик йўлни Акбар билан тўққиз кунда босиб ўтган ва Музаффар Ҳусайн мирзога қарши урушда бир ўзи тўртта ёв навкарини килич билан уриб йикитган довюрак одам ҳам шу Фарид Бухорий эди. Акбар уни «сохиби сайф ва қалам» деб мақтаб, Фарид Бухорийга мавлонолик унвони берган ва Салимга тарбиячи муаллим килиб қўйган эди.

Бироқ мавлоно Фариднинг шайх Муборак билан сози келишмас, Салимга сирдошларча шивирлаб:

— Ҳазратимни шу шайх икки ўғли билан бутунлай ўзлариники килиб олмоқдалар! — деди. — «Доҳий», «маҳдий», «мужтаҳид» — ҳаммасини шулар ўйлаб чиқармишdir. Катта ўғли Файзи Фаёзий ҳазратим ҳакида достон ёзиб улкан мукофотлар олди. Кичик ўғли Абулфазл энг биринчи вазир. Шайх Муборакнинг ўзи ашаддий душманлари бўлган анзорийларни ҳазратимнинг ёрдамида йўқ килиб қасд олдилар. Бўлди-да энди!

Бу гаплар таъсирида Салим отасини шайх Муборак ва Абулфазлдан қизганадиган бўлиб борар эди.

Салим отасининг дийдорига тўймай ўсаётган бўлса, мавлоно Фарид фарзандга зор эди. У уч марта уйланган, лекин фарзанд кўрмаган, ёши қирқдан ошгандан сўнг тақдирга тан берган. Энди Салимни ўзига фарзанддай яқин олиб, дилида қатланиб ётган оталик меҳрини бутунича унга сарф килар эди. Ўсмирларда бўладиган ишонувчанлик ва ота меҳрига ташналик туфайли Салим ҳам мавлоно Фариднинг меҳрига дилини очиб берар ва уни ўзининг энг яқин сирдоши деб биларди.

— Амирзодам, энди сиз Абулфазлдан эҳтиёт бўлинг,— дерди.— Ҳазрат отангиз шу вазирнинг маслаҳатига кириб, коғир фарангиларни саройга ишга олмоқчи эмишлар. Падрелар сиз билан шахзода Муродга муаллим бўлиб, фарангига тилини ўргатармиш!

Шайх Фарид бу гап билан Салимни чўчитмоқчи эди. Салим бошқа бир оламдан келган, кийимлари ҳам, юриштуришлари гапиришлари ҳам ўзгача бўлган фарангиларга ўсмирларча бир қизикиш билан карап эди. Шайх Фарид ўнта гапиргандага битта ҳам жавоб айтмай, ўйчан ва хомуш юрган Салим устозининг сўнгти гапидан алланечук тетикланди:

— Қачон... сабок берармиш?— деб сўради.

— Сармунши Накибхон айтди. Эҳтимол, эрта-индин ҳазратим сизни ҷақириб қоларлар... Коғирдан тил ўрганишга рози бўлурмисиз, амирзодам?

— Фарангилар форсий тилда сўзлармишлар-ку. Гапларини эҳтишиб кўрай. Фаройиб саргузаштларни билармишлар.

— Аммо саргузашт айтиш баҳонаси билан, сизни ўз динларига... ўтказиб олсалар-чи?

Салим энди хиёл кулимсиради:

— Сиз менга берган таълимларни дилда маҳкам тутгаймен, мавлоно. Боболар эътиқодига содикмен!

Фарид Бухорий Салимга туркий тилдан дарс берган, Навоий, Бобур шеърларидан юзлаб сатр ёд олдиран, шулар таъсирида Салимда улуғ боболарига кучли бир эҳтиром пайдо бўлган эди. Айни вактда, Фарид Бухорий Салимни ҳинд онасию тоғалари таъсиридан ҳам узиб олишга интиларди. Салимнинг тоғалари Ман Синҳ ва Ҳағаван Даҳ ботир жангчилар бўлса ҳам, Улуғбек, Бобур каби ноёб китоблар ёзган эмаслар. Шунинг учун Салим улардан кўра ота аждодларига ўзини якинрок олади ва уларнинг маънавий меросига қалбини кенгроқ очади. Агар Салимни «тоғаларига тортибди» дейишса, иззат-нафсига тегади, чунки бу уни ярим ҳинд, ярим муслим килиб иккига бўлиб майдалаштирадигандек ва яримта-юримта килиб кўрсатадигандек туюлади. У Фарид Бухорий таъсирида темурий боболарининг удумини отасидан ҳам маҳкамроқ тутишга интилади. Устози ҳам шу боисдан уни ўз фарзандидай астойдил яхши кўради.

— Амирзодам, мен айтган гаплар орамизда қолсин, фарангига муаллим ҳакидаги сирни мендан эшитганингизни ҳазрат отангиз зинҳор билмасинлар.

— Нечун?

— Ахир бу ҳали маҳфий гап. Сирни ошкор қилганим

учун жазо бермоқлари мумкин. Менинг ҳам душманларим кўп. Айниқса, ҳамшаҳрим Аҳмад Бухорий пайт топса, мени ҳам марҳум Ансорийга ўҳшатиб йўқ қилгай.

Салим отанинг содик шогирди бўлган Аҳмад Бухорий ҳозир шайх Муборак ва Абулфазлнинг энг яқин маслаҳдошига айланган, Фарид Бухорий эса уларнинг яширин душмани эди. Иккита буҳороликнинг ўт билан сувдай келишолмаслиги Салимни ҳам ҳайратга соларди.

Эртаси куни Акбар Салимни ўзининг хонайи хосига чакиритириб, фарангига тилини ўрганиш ҳакида гап очганда, шаҳзода ўз устозининг сирини яшириш учун ҳеч нарсадан хабари йўқдай жим кулоқ солди.

— Ўғлим, сен нуқул китоб мутолаасига берилиб, хомуш юрган эмишсан. Узоқ юртларга боргинг келгайми? Ҳинд уммонида кемаларда сузиб саёҳат килишни истайсанми?

Салим бирдан жонланиб:

— Истаймен!— деди.

— Мен Гоа оролига кемада сузиб борганим ҳеч эсимдан чиқмайдир. Фарангиларнинг зўр кемалари бор экан. Бизда ҳали бундай қуввайи баҳрия йўқ. Шунинг учун биз боскинчи фарангиларни Ҳиндистон қирғоғидан улоқтириб ташлашга ҳамон ожизмиз. Ёғийдан кучлирок бўлиш учун унинг ички сирларини билмоқ керак, тажрибасини ўрганмок зарур. Фарангига падреларни мен ана шу мақсадда саройимга чакирдим. Калтабин одамлар бизни «Насора динига ўтмоқчи эмиш!» деб бемаза мишишлар тарқатиб юрганидан қўркма. Фарангиларнинг кема қуришдаги тажрибаларини, бутун илму маърифатини билмок учун уларнинг тилларини ўрганмогимиз керак. Шу мақсадда ининг Муродни ҳам чакиригманмэн!

Акбар қарсак чалиб сармуншига буюрди:

— Мурод кирсин!

Икки ўғли ёнма-ён турганда Акбар уларнинг фарқларига хиёл таажжубланиб кўз ташлади. Салим онасилик корачадан келган, ўн икки ёшида бўйи чўзилиб отасига тенглашиб қолган, елкалари тоғалариникидек кенг, мўйлаби эрта сабза урган. Ўн бир яшар Муроднинг соч ва қош мўйлари қизгиш олтириянг, юзи раъно гулидай ок-сарғиш, кўзлари эса тиник зангори рангда. Мурод она томонидан ҳам бобурий бўлгани учун барлосларда кўп учрайдиган қизгиш соч ва зангори кўз унга мерос ўтган эди. Феъли ҳам Салимни-кидан бошқача — ўй суреб ўтиришни сўймайди, симобдай серҳаракат, шўх. Гоҳ чавандозликни, гоҳ қиличбоғзликни машқ килади, мерғанлиги ҳам бор, сувда сузишга ҳам

ишибоз, Жамнанинг у қирғоғидан бунисига сузаб ўтганини Акбар ўзи кўрган.

Акбар ўғилларини икки ёнига ўтказди-ю, Мурод билан аввал туркий тилда, сўнг форсча ва ҳиндча гаплашиб кўрди. Ўғли ҳиндчани ҳали унча эркин гаплашолмаслигини пайқади-да:

— Ўрганмоғинг керак! — деди. — Ҳиндистон бизнинг ватанимиз. Ҳинд улусининг тилини билмоғинг — ҳам қарз, ҳам фарз. Ҳар бир ўрганганд тилинг — сенинг қалб бойлигингдир. Мана, бизга келган фарангилар форсча, ҳиндча бемалол сўзлашурлар. Биз эса уларнинг тилини билмайдирмиз. Ҳолбуки, уларда ҳам китоб кўп, маърифат улкан. Лекин баъзилар: «Насоралар — коғирдир, уларнинг тилларини ўрганиш гуноҳ», дейдир. Сен қандай фикрдасен, Мурод?

Муроднинг тарбиячи устози шоир Файзий эди. Шаҳзода Файзийдан бани башар ҳакида олган сабокларига суюниб:

— Насоралар ҳам Одам Атодан тарқаган-ку, — деди.

— Албатта-да! — қувониб хитоб қилди Акбар. — Биз жаҳон миёсига чиқмоқ учун барча қитъаларнинг илму санъатига бағримизни дадил очмоғимиз керак, ўғилларим! Бунинг учун аввало, дунё тилларини ўрганмоғимиз зарур. Падрелар бизга Оврупо деган қитъада қанча мамлакату қанча улус борлигини сўзлаб бердилар. Кўпчилигимиз уларни билмаганимиз учун ҳаммасини «фарангий»лар деб юрар эканмиз. Овруподан нарида Америка деган яна бир янги қитъа кашф этилмишdir. Уммон бўйлаб кемада сузганда ўша қитъага олти ойда етиб бормоқ мумкин экан. Фарангилар қилган улуғ жуғрофий қашфиётларни ҳали ҳеч бир мамлакат қилмаган экан. Сўзлаб бераверсалар, «Минг бир кеч» эртакларидан ҳам мароқлидир!

Акбар ўғилларини фарангтилига шу тарзда қизиктирғандан сўнг падреларнинг олдига дастлабки машгулотга юборди.

* * *

Асли каталониялик испан бўлган Антони Монсеррате кирқ беш ёшларда. Миллати итальян Рудольф Акававиа эса ҳали ўттизга кирмаган бақувват йигит. Акбар саройида Монсерратени ёши каттароқ бўлгани учун фарангиларнинг бошлиғи деб кўпроқ эҳтиром қилишади. Лекин аслида Акававиа Монсерратега раҳбар қилиб юборилган эди. Чунки Рудольфнинг тоғаси Гоа оролидаги барча черковларнинг пешвоси. Португалия кироли ҳам Ҳиндистон ишларида Акававиа.

виғани ўзига содикроқ деб билади. Иезуитлар сулукатида Рудольф ёнг имтиёзли ва фидойи гуруҳ хисобланадиган мартирлар сафига қабул килинган. Мартирлар ўз жонларини католик черкови учун қурбон этишга қасамёд қиладилар. Улар иезуитлар орасидаги бўлажак шахидлар сифатида юксак обрўга эга бўладилар.

Акбар буни билмаса ҳам, Акававининг ўз динига ҳаддан ортиқ бериғтан қизиқконроқ руҳоний эканини сезган; «эҳтимол, ёш бўлгани учун акли унча қуолмагандир», деб ўйлаган ва мулоҳазакор, босик Монсерратени ундан афзал кўриб, муаллимликка таклиф қилган эди.

Монсеррате шахзодаларга тил ўргатиш учун бораётганда Акававиа унга иезуитлар сулукати номидан кўрсатма берди:

— Сизнинг муқаддас бурчингиз — сарацин¹ шахзодаларини католик динига ўтказмокдир.

— Акбар барча дингларни баробар деб эълон қилганда биз одамларни бир диндан иккинчисига ўтказишимиз не керак, падре? Ахир биз, европаликлар, осиёликлардан орқада эмас, олдинда юрмоғимиз зарур эмасми?

— Олдинда юрганимиз учун ҳам уларни ўзимизга эргаштиромимиз керак, Антони! Мен киролга ёзган мактубимда «Акбар «Инжил»ни кўзига суриб ўпгани — насора динига мойиллигини кўрсатди», дедим. Агар биз маҳорат билан иш олиб борсак, бу сарацин подшосини ўз динимизга ўтказишимиз аник!

Антони Рудольфнинг бу нияти хомхаёл эканини сезиб турарди. Ҳатто жўн бир тухумни ёриб чиқсан жўжа ҳам шу тухумнинг қобигига кайтиб киролмайди-ку. Антонининг тасаввурида улкан бургутга ўшшаб учайтган Акбар қандай килиб католик динининг қобигига кирсин!

Монсеррате мустакил фикр юритиши қанчалик яхши кўрмасин, католик черковининг инквизицияси ўрнатган шафқатсиз истибоддан жуда қўрқар эди. Агар Акававиа уни «католик черковига хиёнат қилган даҳрий» деб, инквизицияни бунга ишонтиrsa, Антони кайтиб боргандা уни ўтга ташлаб ўлдиришлари мукаррар эди. Акбар ўз юртида мана шунақа диний истибодони ағдариб ташлагани Антонига маънавий тўнтаришдай туюлмоқда эди. Португалия учун бундай маънавий тўнтариш ҳали олдинда эканини²

¹ Сарацин — португалча «мусулмон» дегани.

² Ҳатто Францияда руҳонийлар истибоди ва эркин фикрли кишиларни ўтга ташлаб ўлдиривчи инквизициянинг шафқатсизликлари Вольтер яшаган XVIII асрнча давом этгани тарихдан маълум.

у ич-ичидан сезарди. Шунинг учун Монсеррате ахийри Аквавиванинг талабларига ён беришга мажбур бўлди. Акбарни ва унинг ўғлини католик динига ўтказиш орқали бутун Хиндистонни Португалиянинг мулкига айлантириш мақсадида иш олиб боражагини Аквавивага аҳд-паймон тарзида айтди. Шундан кейин Аквавива унга Акбарнинг ҳарбий сирларини қандай билиш кераклиги тўғрисида ўйл-йўриклар кўрсата бошлади.

Монсеррате жосусликдан ҳазар қилар эди:

— Падре, мен ҳарбий одам эмасмен! — деди.

— Бўлмаса Альберт Переиро доим сизнинг ёнингизда юрсин. «Ёрдамчи халфам» деб таниширинг. Домланинг халфаси бўлиши шарт, сарацинларда шундай коида бор. Переиро бирга юрса, колган ишни ўзи эплагай.

Ўттиз ёшлардаги ҳушмуомала, чаққон йигит Альберт Переиро Гоадан падрелар билан бирга келган, ҳозир ҳам уларни қўриклаб юриди. Бу йигит бир вактлар Хумоюн саройига келган Алваро Пакавиранинг жияни. Унинг асли оти Альберт Пакавира. Лекин Акбар Гоага боргандা Алваро Пакавирини суиқасдга катнашиша айبلاغани учун унинг жияни бу ерга келишда фамилиясини «Переиро» қилиб ўзгартириб олди. Аслида Альберт ҳам Пакавиранинг тарбиясини олган, унинг маҳфий ишларини давом эттириш учун ҳинд ва форс тилларини ўрганганди. Қиличбозлик, мерганлик, чавандозлик, сувда сузиш бўйича Гоада унга тенг келадиган йигит кам.

Монсеррате ўзи жосуслик килгиси келмагани учун Альбертни ҳалфа ўрнида шаҳзодаларнинг олдига бирга олиб борди.

Фарангни тили машгулотлари шаҳзода Салимга зерикарли туюлса ҳам, аммо Альберт Переиронинг денгиз саёҳатлари ҳакидаги ҳикоялари унга қизикарли туюла бошлади. Переиро ўн олти ёшидан бери денгизда кўп сузган, ер куррасини айланиб чиккан Магелланнинг тарихини яхши билар, Колумб Ҳиндистонга бораман деб адашиб, Американи қандай очганини кулгили тарзда ҳикоя киларди. Переиронинг денгиз қарокчилари ҳакида айтиб берган қўрқинчли ҳикояларидан эса Салимнинг сочи гўё тикка бўлиб кетарди. Альберт Переиронинг мерганлиги ва чавандозлиги ҳам Салимга ёқиб қолди. Шаҳзода уни «Алибек» деб чакирадиган бўлди. Монсерратенинг сабоклари тугагандан сўнг Салим Альбертни ўзининг хонайи иссиқ иклимида хосига бошлаб кирди. Ҳиндистоннинг иссиқ иклимида

Салим жуда тез балогатга етгани унинг дўриллаган овозидан ва лаб устида сабза урган майн тукларидан сезилар эди. Хонайи хосда ёлғиз ўлтирганларида Альберт фарангни қизларнинг гўзал баданлари ва нозу карашмаларидан сўз очди. Бу мавзу Салимни ғоят қизиқтириб қўйганини сезгач:

— Амирзода,— деди,— агар ҳеч кимга айтмасангиз, битта сурат кўрсатгаймен.

— Сир саклашга кодирмен! Бу ерда факат иккимиз. Қани, кўрсатинг.

Альберт қўйнидаги яширин чўнтақдан чарм ичидаги авайлаб-асралган кафтдай бир рангли сурат олди. Бу суратда ҳозиргина чўмилиб чиккан гўзал бир қизнинг оппоқ сонлари, бўлиқ кўкраклари шундай тасвирланган эдикি, Салим суратга тикилиб туриб энтишиб кетди... У Альберт Переиро-га бир ҳамён олтин бериб, бу суратни сотиб олди.

Переиро учун энг муҳими — ораларида пайдо бўлган яқинлик эди. У шаҳзодага бундан ҳам ғалатироқ суратлар топиб келишга ваъда берди...

* * *

Фарангистонлик Антони Монсерратенинг саройига ишга олингани ва шаҳзодаларга сабок бераётгани атроф вилоятларига: «Подшомиз ўғилларини насора динига ўтказмоқчи эмиш!» деган ваҳимали овозалар тарзида таркалди. Акбар бу овозаларни босиш учун сулҳи кулл нималигини ҳалқка тушунтирувчи маҳсус мурожаатнома ёздириб, уни барча шахару қишлокларда ўқиб эшилтиришни буюрди.

«Биз Ҳиндистондаги барча улусларнинг ички урушсиз, тинч яшашларини истаб, ҳамма томонлама тинчлик — сулҳи кулл сиёсатини амалга оширмоқдамиз, — дейилганди мурожаатда:— Одамларга — тинчлик; салтанатга — хавф-сизлик, барча имону эътиқодларга — баробар эҳтиром!»

Акбар ўзининг бу шиорига қандай амал қиласётганини кўрсатиш учун ҳар куни эрталаб уfk ортидан чиқиб келаётган офтобни таъзим билан кутиб оларди. Оташпастларнинг бу одати тоғлиқ жойларда яшайдиган кўтгина инд қабилаларида ҳам сақланиб қолган эди. Оташпаст үркйи эллардан қолган ва Акбарга жуда маъқул тушган на бир одат — оқшом қоронги туша бошлагандаги чироклар-1 «ўт оғаси» деб атагадиган оила ёки қабила бошлигининг сиб бериши эди. Акбар оқшом гира-ширасида саройни ўтадиган биринчи шамни ўзи ёқиб берар эди. Саройда

чироқларга қарайдиган махсус хизматкорлар Акбар ёндиртган шу митти олов билан улкан саройдаги юзлаб қандиллар шамини бирма-бир ёкиб чиқар әдилар.

Гужаратлик оташпарат Мехержи Акбарга уч попукли чироили камар тақдим күлгөн эди. Камардаги уч попук учта фазилат рамзи саналарди: бири — «пиндори хуб», яъни яхши ўй, ният, иккинчиси — «гуфттори хуб», яъни яхши сўз, калом, учинчиси, «кирдори хуб» яъни, яхши иш, ахлоқ. Бу уч фазилат гёё бир камарга боғланиб, инсонда бирга юрса, ўй, сўз, иш бир-бираидан ажралиб қолмаса, мурод ҳосил бўлиши Акбар интилаётган энг баланд маънавий юксаклик эди. Шунинг учун уч попукли камарни чоршанбайи муродбахш кунларида белига боғлаб юарди.

Ҳиндлар пешонага қўйиб юрадиган тилак — қизил хол ҳам энг эзгу ниятлар тимсоли хисобланарди. Акбар ҳиндларнинг имон ва эътиқодларини ҳам астойдил ҳурмат қилишини кўрсатиш учун сешанба куни ҳиндча кийиниб, пешонасига қизил хол — тилак қўйдириб саройда кўпчиликка кўриниш берди.

Бу ҳодиса мамлакат аҳолиси орасида: «Подшо ҳинддинини қабул килганмиш!» деган овоза тарзида яшин тезлигига тарқалди. Ҳиндлар бу овозадан кувониб, Акбарни «маҳагуру», яъни «улуг пир» деб эъзозлаганлари сари мутаассиб шайхлар унинг мажусий бўлганига жохил одамларни ишонтира бошладилар. Бир вактлар шайх Ансорийга тарафдор бўлган ва Аградан Жаунпурга сургун қилинган шайх Мұхаммад Яздий Ганга бўйида туриб Акбарга қарши исён бошлади. У уламо ва шайхлар номидан фатво ёзиб, Акбарни «дахрий», «мажусий», «оташпарат», «кофир» деб минг макомга солиб айблади. «Бундай одам мусулмон давлатига подшо бўла олмагай!» деб, Жаунпурдаги масжидда ваъз айтди. Унинг ваъзига кўпчилик қавмлари ҳам қўшилгандан кейин, Мұхаммад Яздий Акбарнинг Кобулдаги иниси Мұхаммад Ҳакимга одам юборди. Мұхаммад Ҳаким ҳам Акбарнинг «Сулхи куллига» қарши эканини айтиб, исенчиларга ён босгач, Мұхаммад Яздий Жаунпурнинг жоме масжидида ўқилган хутбадан Акбарнинг номини олдириб ташлади. Унинг ўрнига Мұхаммад Ҳакимни Ҳиндистон подшоси деб эълон қилиб, номини хутбага қўшиб ўқитди.

Бихар ва Банголада марказий давлатдан ажралиб чиқишига ва яна мустақил ҳокимият тузишга ташна бўлган афғон амирлари бор эди. Улар дарҳол Мұхаммад Яздий бошлаган исёнга қўшилдилар.

Мұхаммад Яздий бу хабарларни ўз тарафдорлари ердамида Гужаратга, Малвага, Панжоб ва Кобулга таркади. Бу ишоятларда ҳам Акбарнинг даҳрийлигига ишонувчилар кўп эди. Энди уларнинг орасида ҳам Акбарни таҳтдан ишдариш ҳақидаги ваъзлар, мусулмонларни ғазотга ундовчи китоблар янграй бошлади.

Гужаратда ҳалигача Акбарга қарши курашиб юрган Музаффаршоҳ ҳам Акбарнинг ўрнига укасини таҳтга чиқариш ҳаракатига тушиб, Кобулга махсус вакиллар юборди. Турондаги Абдуллаҳондан Кобулга келган элчилар ҳам энди факат Мұхаммад Ҳаким Ҳиндистон подшоси бўлиши кераклигини унинг қулогига кўйдилар.

Кўпдан бери шуни истаб юрган Мұхаммад Ҳаким катта қўшин тўплади-ю, диндан қайтган акасига қарши газот эълон қилиб, Ҳиндистон томонга юриш бошлади.

Акбарнинг ўзи қўзгатган маънавий зилзила унинг тожу таҳтини ҳам силкита бошлагач, оёқда мустаҳкам туриш қийин бўлиб қолди, саройда ваҳима бошланди. Акбар энг содик одамларини атрофига тўплаб:

— Ким ҳақиқий дўст экани энди билингай! — деди. Тодар Мал бир кисм қўшин билан Бихарга, Азиз кўка — Гужаратга, Ман Синх — Панжобга жўнади. Акбарнинг ўзи эса энг катта хавфга айланган Мұхаммад Ҳакимга қарши қўшин тортди.

ЛАХЎР, КОБУЛ, ДЎСТДАН КЎП ДУШМАН

Ҳиндиқуш тоғларидан тушиб келаётган Кобул дарёси тор тангилардан ўтиб, жанубга шошилади. Ҳимолай тоғларидан бошланадиган Ҳинд дарёси шарқдан Панжоб текислигига отилиб тушади-да, Пешоварнинг кунботиш томонида Кобул дарёси билан қўшилиб, айқашиб кетади.

Акбардан тўрт ёш кичик бўлган иниси Мұхаммад Ҳаким мелодий 1581 йилда мана шу дарёлардан ўтиб, Панжобга йигирма беш минг қўшин билан бостириб кирди. Бу ерда уни Акбарнинг ислоҳотларидан норози бўлган шайхлар ва уларнинг қавмлари кучоқ очиб кутиб олдилар. Мұхаммад Ҳаким Лахўри йўлакай ишғол қилиш умидида эди. Масжидларда шовқин-сурон кўтариб, Акбарни динсизликда айблаб юрган имомлар Мұхаммад Ҳакимни аллақачон подшо эълон қилиб, номини хутбага қўшиб ўқитмоқда әдилар.

Лекин Панжоб аҳолисининг кўпчилиги бу диний исёнга

күшилмай сукут саклаб турарди. Чунки Панжобда ҳам мусулмонлардан кўра гайридинлар кўп, улар жизя солиғининг бекор килинганидан мамнун, Ақбарнинг барча имону эътиқодларни тенглаштиришга интилаётгани кўпчиликка манзур.

Рави дарёсининг баланд кирғогида турган ва сүнгги ўн
йил ичидә деворлари қайтадан мустаҳкамлатилган Лахўр
кальясини Ман Синх бошлиқ кўрикчи аскарлар ичкаридан
маҳкам бекитиб олдилар.

Еу орада Ақбар қирқ беш минг отлиқ қүшин, беш минг фил, ўн минг пиёда аскар билан Дехли ва Панипатдан ўтиб, Панжобга яқинлаша бошлади.

Күшин сафида унинг ўғиллари Салим ва Мурод билан бирга фарангги тили муаллими Антони Монсеррате ҳам ўз халфаси Альберт Переиро ҳамроҳлигига келмокда. Рудольф Аквавивани Ақбар Фатхпурда қолдирди — бу падренинг насора динини ҳаддан ортиқ эктирос билан мақташлари унга хуш келмади.

Альберт Перейро эса Салимга гохи-гохыда португал ҳарбий кемаларининг суратларини чизиб кўрсатади ва уни амирал баҳр бўлишга қизиқтиради. Альберт бу ишларни атайлаб шахзоданинг атрофидаги одамларнинг кўзи олдида килади. Чунки у кетига маҳсус пойлокчи қўйилганини, Перейро ва Монсерратенинг нималар килаётганини Акбарга етказиб турувчи хуфиялар борлигини билади.

Акбарнинг асл мақсади ҳам фарангиларнинг куввайи баҳрияларига оид тажрибаларини ўғилларига ўргатиш бўлганлиги учун Альберт Персейронинг Салим билан денгиз ва кема мавзуларида узок-узок сухбатлашишларига йўл бериб кўйган.

Монсеррате эса шаҳзодаларга тил ўргатишдан вақт ортирганда чодирда ўлтириб эсдаликлар ёзиб боради. У ҳали хеч бир фарангги умрида кўрмаган жойларни кўраётгани, Акбардай улуг саркарданинг ҳарбий юришига иштирок этаётгани учун ўз толеидан мамнун. Монсеррате Европа учун ҳали бутувлай номаълум бўлган бу ердаги ҳаёт тарзини ва Акбар шахсига оид ўз таассуротларини ёзиб бормокда. Португалияда ўша даврларда эсдаликларни «Комментария», яъни «Изоҳлар» — деган сарлавҳа билан ёзиш одат бўлган эди. Монсеррате ҳам ўз эсдалик дафтарини шу ном билан атади. Акбар падреларни ҳар ҳафтада бир марта қабул қилиб, узок-узок сухбатлашган эди. Монсеррате Акбарнинг

Калби ҳис-туйгуларга бойлигини сұхбат пайтида күзларидан қам сезди. Акбарнинг күзлари унга денгиз тұлқинларининг күбіш нұрларыда жилваланишини эслатған пайтлары бўлди. Ўу кўяларда денгизнинг теранлиги ҳам, бағри кенглиги ҳам, тўғон пайтида даҳшатли кучга айланыб кетилиши ҳам

Балыкчылар да даңшатын күча алғанға көтіши ҳам
тастгандай туюларды. Монсеррате фактада бир нарсаны
билин қаламга олдикі, Ақбар ҳазрати Исонинг
ли отаси бўлмаганига, Биби Марям осмондаги илохий
чи хомиладор бўлганига ҳеч ишонмади.

Монсерратенинг бутун эътикоди эса муқаддас учлик — оға, ўғил ва илохий рух бирлигига асосланган. Чўқинганда бишга ва икки елкага уч бармоқни теккизисб олиш ҳам шу учликни тан олишдан келиб чиқади. Бироқ Аквавива ва Монсеррателарнинг ойлар давомида католик динини жон-каҳлари билан тарғиб қилишларига қарамай, Акбар бу учликни «афсона» деб атади ва тан олмади.

- Отасиз фарзанд бўлиши мумкин эмас!— деб туриб олди.

— Ахир биз келтирган китобни кўзга суртиб, ўпibus
абул килдингиз-ку, ҳазрати олийлари! — деди Аквави-
и илтижо билан.— Энди муқаддас учликни ҳам тан олиб
онир марта чўкина колсангиз биз муродга етган бўлар-
иб.

— Китоб — жаҳолат тунини қувғувчи чироғдир,— деди Акбар.— Шунинг учун мен уни нондек эъзозлаб кўзга урудим. Етти иқлимдан келган ҳақиқат изловчилар билан ободатхонада йиллар давомида сухбатлашдим. Ҳақиқат түрли элларда турфа либослар кийиб, бўлинниб-бўлинниб шамоқда экани менга энди аён бўлди. Мен унинг бўлакларини бир қалбда бирлаштирум ўчун «сулҳи кулл» сиёсатини амалга оширмоқдамен. Чўкиниш эса ҳақиқатнинг фракат бир бўлагини тан олиш, яъни сулҳи куллдан ческиниш бўлгай!

Акбарнинг бу гаплари диндор Монсерратега шаккоклик на даҳрийлик бўлиб кўринди, эсдаликларида уни лотинча «атеист!» деган сўз билан уришиб, коралаб ҳам кўйли

Монсеррате дафтарининг саҳифаларини Ақбарга оид
миссурлари билан тўлдириб борар экан, ёзётган эсдалик-
чири европалик ватандошлари учун кутилмаган бир янгилик
бўлишини ўйлаб, ҳаяжонли орзулар қилади.

Антони бу янги оламни Фарбда биринчى бўлиб кашф
туса, унинг номи тарихда колмайдими? У ўзининг «Изоҳ-
лари»ни китоб килиб чиқарса, факат Португалияда эмас,
унчунинг бошқа мамлакатларида ҳам одамлар қизиқиб
укишлари мумкин-ку. Португалия кироли ҳам Антонини ўз

саройига чакириб, сухбатлар килиши турган гап.¹ Монсеррате уз юртинг энг машхур одамларидан бирига айланишини хаёлига келтирганда юраги илҳом билан уриб, қаламидафттар устида шахдам ҳаракатланади.

Акбар қўшинида уни «кофир» деб сўймайдиганлар ҳам оз эмас. Лекин шаҳзодаларга ва уларнинг ихтиёридаги минглаб беку навкарларга фарангни меҳмонларни туну кун кўриклаб юриш топширилган. Ҳарбий юриш пайтида тил бўйича машгулот ўтказиш ҳам осон эмас. Бироқ қароргоҳда узоқроқ тўхтаб қолсалар, Монсеррате уларга икки-уч соат тил ўргатади. Бу ишга Мурод кўпроқ қунт қиласди. Шаҳзода Салимни эса Альберт Переіронинг саргузаштирилган. Аммо бирор кун барозисидан гажо

Альберт бу суратларни кўрсатиш баҳонасида гоҳо Салим билан унинг хос чодирида ёлғиз қолади ва сўнгги янгиликларни билиб олишга интилади. Чунки Акбар кўши-нидаги одат бўйича, ҳарбий юриш пайтида тўнғич шахзода ўз беку аъёнлари билан подшо яқинида боради, қароргоҳ танланганда ҳам Салимга Акбар турган чодирларнинг якинрогидан ўрин берилади. Шунинг учун отасига келиб турган янги хабарларни Салим бошқалардан олдинроқ эшитади.

Шарқдаги исённи бостиришга юборилган Тодар Малнинг чопари бугун қандай янги гап олиб келганини ҳам Альберт Салимдан эшилди. Жаунпур ва Бихарда шайхлар исёнига күшилган афғон сипоҳилар хазинадан бериладиган моянанинг озлигидан норози бўлиб юрган эканлар. Тодар Мал дарҳол уларнинг мояналарини бир ярим баробар ошириш хақида подшонинг номидан фармон чиқартиради. Акбар бу фармонни тасдиқлади. Шундан сўнг шарқдаги кўпчилик сипоҳилар Мухаммад Яздий бошлиқ бўлган хурофотчилар ғалаёнига катнашмай қўядилар. Яккаланиб қолган хурофотчилар Тодар Малнинг кўшининг туриш беролмай таслим бўлади. Қозикалон Мухаммад Яздий ва унинг салафлари бўлган ўндан ортиқ руҳоний кўлга олинади. Тодар Мал уларни кемаларга содиб, сув йўли билан Акбар хузурига афву сўрашга юборган экан, Гангада қандайдир фалокат юз беради-ю, кемадаги

¹ Аммо А. Монсеррате тириклигига эсдаликларини чоп этишга мұяссар бўлмади. Чунки католик черкови ундан китоб эмас, миссионерлик ишини талаб килар эди. Унинг ёзувлари португал мъымурлари томонидан факат разведка максадларига фойдаланилди ва маҳфий тутгилиди. Орадан уч юз йил ўтгандан сўнг «Изохлар»ни эсдалик тарзида аввал инглиз тилида тўлиқ кўпек этдилар. Кейинчалик бошқа тилларда ҳам чиқди-ю. Монсерратега ўзи орзу қылган шуҳрат уч аср кечикиб келди.

Мұхаммад Яздий билан унинг салафлари тарқ бўлиб ўладилар...

Эртаси куни кечки пайт Перейро яна Салимнинг хос чоудирига кирдию:

Амирзодам, Гангада юз берган фалокатни мен бош-
калардан ҳам эшилдим,— деди.

— Кема ағдарилған эканми? Қозикалон нечун ғарқ бүлібділар?

- Тодар Мал ўзи уларнинг бўйинларига тош боғлатиб Гангага чўқтирган эмиш. Бу ҳақда ҳазрат отангиздан Тодар Малга маҳфий ишора бўлган экан.

— Сизга ким айтди?

Перейро овозини пасайтириб деди:

— Кимлигини айтсам... ҳазрат отангиз жазога буюришлари мүмкін...

— Отамга билдирмагаймиз. Гап шу ерда қолгай...
Чөйдира иккимиздан бошқа ҳеч ким йўқ-ку!

— Чопар менга таниш эди. Секрида фарангি совғалар берган эдим. «Ўз кўзим билан кўрдим!» деб айтди.

— Об-бо шурлик Яздий!..

Мұхаммад Яздий илгари Ағранинг таникли уламолари орасида юрганда Салим уни бир неча марта күрган, наъзларини ҳам эшитган эди. Энди Яздийнинг оппоқ соқоли Ганг тубидаги лойқаларга ботиб Ѽтганини құз олдига келтирганда ёш ўсмирнинг юраги бир сесканди. Наҳотки отаси шу кадар бешафқат бўлса??

— Ҳали бу факат бошланиши,— деб давом этди Альберт.— Эрта-индин бундан даҳшатлироқ ҳалокатнинг гувоҳи бўлурсиз, амирзодам.

— Яна не халокат?

— Мирдевон Шомансур деган бормиди?

Салим кирк ёшлардаги сергайрат, хұшумомала, истараси иссік молия вазири Шомансурни күз олдига келтирди. Асли камбағал бир оиласдан чиқкан Шомансурни Ақбар тарбиялаб юксак мартабалар берган эди. Унинг ҳисоб-китобни яхши билишини, молия бобида истеъоди тенгизлигини күп одам мақтар эди. Ҳатто Тодар Мал ҳам ҳисоб-китоб ишида унга бас келолмай қолғани учун Ақбар мирденеңиликни Шомансурга берган эди. Бундан Тодар Малнинг тарафдорлари норози бўлиб юрар эдилар. Салим Шомансурнинг ҳибсга олинганини кеча эшиятган эди. Йўлда келаётганларида гўё унинг жосуслиги маълум бўлган эмиш. Шомансур Мухаммад Ҳаким билан маҳфий алоқа ўрнатган эмиш. Унинг Мухаммад Ҳакимга ёзган мактуби Панжобдаги жангларда ҳалок бўлган кобуллик амир Шодмоннинг

киссасидаи топилган эмиш. Бирор бу гапга ишонса, бирор: «Тодар Малнинг тарафдорлари мирдевонлик лавозимини Шомансурдан тортиб олиш учун шу тухматни ўйлаб топишган», дейишарди.

Хозир Перейро ҳам шаҳзода Салимга шивирлаб:

— Амирзодам, Шомансурни қатл эттиримоқчи эмишлар! — деди. — Ахир сиз адолатни яхши кўрурсиз! Хатни Шомансурнинг душманлари ёзиб, ўлган амирнинг чўнтағига солиб кўйган бўлишлари мумкин эмасми?

— Ким солиб кўйиши мумкин? — деб сўради Салим.

Альберт Перейро Салим билан Абулфазлнинг ораси яхши эмаслигини, шаҳзода досим подшога яқин юрадиган бош вазирдан отасини қизғанишини аллақачон сезган эди. Энди уларнинг орасидаги дарз кетган жойга пона ургиси келиб пичирлади:

— Шомансурни, айниқса Абулфазл ёмон кўрар экан. Отангиз Шомансурнинг истеъодидига қойил бўлиб, бош вазир қилиш фикрига ҳам борган экан-да.

Абулфазл тилга олингач, Салимда Шомансурни тухматдан кутқариш истаги уйғонди. Альберт бу истакни усталик билан Акбар томон йўналтириди.

Орадан яна бир кун ўтгач, кечкурун тўхтагларида Салим отасининг ҳузурита киришга рухсат олди. У боргоҳда энди Шомансур ҳақида сўз очмоқчи бўлганда Абулфазл келди-ю, кирланган ва эзгиланган бир мактубни олиб кириб, Акбарга таъзим билан тутди:

— Ҳазратим, хоиннинг бу мактуби илми сиёҳ усули билан ўқилди.

— Шомансурнинг ўзи ёзган эканми?

— Дастват ўзиники. Факат сир саклаш учун ҳарфларни хийла ўзгартириб ёзган. Кўрнамак, тузингизни ичиб юриб, яна сизни сурбетларча ёмонлабдир.

— Қани, ўқинг-чи, — деди Акбар ва ўғли Салимга «эши-тиб кўй!» дегандек қилиб қаради.

Абулфазл Шомансурнинг мактубидан бир-икки жойини таъкид билан ўқиди:

— «Подшомиз Абулфазл ва Тодар Мал таъсирида диндан чиқиб беимон кофир бўлди. Энди бизнинг пуштипа-ноҳимиз ўзингизсиз, амирзодам! Панжобни олган заҳотингиз пойтактдаги ихлосмандларингиз ҳам бош кўтаргусидир. Илоҳим пок мусулмончиликни даҳрий оғангиз тажовузидан асрар колиш, сиз, Мұхаммад Ҳаким ҳазратларига насиб бўлсин!»

Акбар ўғли Салимга қараб:

— Ғаддор муҳитнинг тухматини кўрдингизми? —

— Бадмаст иним туну кун май ичиб, қусуғига қоришиб етса ҳам, мендан покроқ мусулмон эмиш! У факат отамнинг ташки суратини мерос олган... Улфат беклари уни ичириб маст қилган ҳолда бизга қарши ғазотга кўндириган. Мен уч йилдан берли майнин оғзимга олганим йўқ, факат тарувор гиёҳлару мева шарбатларидан тайёрланган «оби-хаёт» номли ичимлик ичиб юрибмен. Ҳатто гўштдан пархез килурмен. Жониворларнинг уволига қолмаслик учун овни ман этганмен. Илкимдан келган барча савоб ишларни кильсаму Шомансур менинг хизматимда юриб, бунинг ҳаммасини унутса? Билиб туриб шунчалик хиёнат қилган одам кай дараҷада ғаламиш!..

— Ҳазрат отажон, — деди Салим, — балки бу мактубни Шомансур ёзмагандир? Эҳтимол, бошқалар ёзиб... ўлган амирнинг киссасига яшириқка солиб кўйгандир?

Акбар ялт этиб ўғлига қаради:

— Ажаб! Сенга бу шубҳани ким ўргатди?

— Ўзим... ўзимнинг хаёлимга келди. Ахир... Шерхон шундай ҳийлаларни кўп ишлатган, деб бизга ўзингиз сўзлаб берган эдингиз-ку.

Акбар ўғлининг чигал, мураккаб нарсаларга ақли-етадиган бўлиб қолганидан сергакланиб, Абулфазлга савол назари билан тикилди:

— Мавлоно, Шомансур айбини бўйнига олдими?

— Қийнокка солинганда бўйнига олган эди. Кейин яна тонди. Аммо дастват уники эканлиги аниқ.

Абулфазлга сўзсиз ишонадиган Акбар:

— Дастват энг ишонарли далилдир, — деди-да, ўғли Салимга юзланди: — Сен Шомансурга ачинмоқдамисен?

— Гангада ғарқ этилган мўйсафид Яздийга ҳам... раҳмим келди.

— Раҳмидил бўлмоқ яхши, аммо ғанимларим муродларига етсалар, мени не кўйларга солишларини ўйладингми? Бутун мамлакатда менга қарши исён кўтарган жоҳиллар болиб чиксалар, мени коғирдан олиб, даҳрийга солиб, ўн жонимдан бирини ҳам тирик қўймагайлар-ку!

Акбар белидаги камарига олмос сопли ҳанжарини кистириб олган. Салим уни кўпдан бери бугунгидек қатъиятли ва шиддаткор киёфада қўрмаган эди.

— Ғанимларим мамлакат ичидағина эмас, ташқарida ҳам бизга қарши қанча хуружлар қилаётганидан ҳабаринг борми? — сўради у Салимдан. — Мавлоно Абулфазл шахзодага Адандан келган мактубни кўрсатинг!

Абулфазл Аданда ғанимлар асоратига тушиб қолган

Гулбадан бегимнинг мактубини Салимга берди. Мактубни ўқиган сари шаҳзоданинг изтироби оша борди.

«Дунёда ягона најоткорим бўлган ҳазрати Акбаржон!— деб ёзган эди Гулбадан бегим.— Ёшим олтмиш бирга киргандা бундай қора кунлар бошимга тушар деб ҳеч ўйла-маган эдим. Бобурийлар хонадонининг энг кекса кайвониси мен бўлганим учун Арабистонга бориб, оғам Комрон мирзонинг кабрларини зиёрат қилмоқчи эдим. Ҳазрат отамнинг табиатларидағи сайёхлик иштиёқидан озгинаси менга ҳам ўтган экан, денгизда сузиш, кўрмаган юртларимни қўриш орзусида ўйлга чиқдим. У пайтларда ҳали исёнлар бошланмаган эди. Сиз бизга «Тезров» деган яхши денгиз кемангизни берган эдингиз. Араб денгизидан эсон-омон сузиги ўтганимиздан сўнг эшитдикки, Ҳиндистонда сизга қарши исёнлар бошланибди. Сиздан зарба еб қочган бир талай аламзода шайху имомлар Аданга паноҳ истаб келган эканлар. Улар жоҳилларни бизга карши қўзғотдилар. Адан ҳокими гўё бизни ташки тажовузлардан ҳимоя қилмоқчи бўлгандек, кўримсиз бир бинога киритиб, атрофимизга соқчилар қўйдирди. «Тезров» кемамизни ҳам аллакаёққа олиб кетиб, кўрфаз бурчагига яшириб ташладилар. Кунлар, ҳафталар ўтди. Биз хибсга тушганимизни сезиб, ҳокимдан дарҳол бўшатишларини талаб қилдик. Шунда Адан ҳокими бизнинг ҳузуримизга шайхулисломини юбориб, даҳшатли гапларни айтдирди. Гўё сиз кофир бўлган эмишсиз, биз шунинг учун сиздан воз кечмогимиз керак эмиш. Муҳаммад Ҳакимни Ҳиндистон таҳтига энг муносиб тождор деб шайхулисломга кафолат бермогимиз керак эмиш! Улуг Бобурнинг фарзандлари орасида тирик қолгани биргина менман! Наҳотки олтмишдан ошганимда шундай хиёнат ўйлига кирсан?! Хоин бўлиб яшагандан кўра, сизга, отамнинг руҳига содик туриб жон беришни афзал деб билурмен. Шайхулисломга буни рўйирост айтдим.

Мен-ку, ёшимни яшаганмен. Сиз ёнимга қўшган қўриқчи йигитларга, ёш канизларимга раҳмим келур. Ҳазрати Акбаржон, охириги нафасим қолгунча мен сизга садоқат сақлагаймен. Иложини топсангиз, бизни бу ёвуз одамларнинг асоратидан кутқаринг! Мактубни йиглаб ёзган аммангиз Гулбадан бегим».

Мактуб Салимга қаттиқ таъсир қилганини Акбар унинг ялтираб кетган қўзларидан пайқади.

— Ғанимларимизнинг ноинсоғлигини кўрдингми?— деди.— Кобулдаги майпараст инимни менга қарши қўзғат-

ғаними оз экан! Энди ҳажга кетган аммамни ҳам душманнинг айлантирмоқчи эканлар! Аммо бизнинг тарафдорларимиз ҳам оз эмас. Адандан бу мактубни бизга Қиличхон Андижоний етказиб келди. Қиличхонни турк кемачилари деңгиздан ўтказиб қўйибдилар. Биз энди ана шу кемада сulton Муродга маҳсус элчи юбормоқдамиз. Адан ҳам турк сultonининг таъсир доирасига кирад экан. Умидим бирки, бизнинг турк сultonига юборган элчимизу йўллаган мактубимиз бекор кетмагай! Садоқатда тенгсиз аммамиз Гулбадан бегимни асоратдан куткармагунча тинчимасаймиз!

Отасининг бугунги шиддаткорлигига бунақа сабаблар им борлигини энди билган Салим:

— Ҳазрат аммам кайтсалар, мен пешвоз чикиб кутиб паймен! — деди.

— Тангрим сени шу ниятингга етказсин, ўғлим! Душманлар бизга ҳатто узок Аданда шунчалик шафқатсиз муоила қилмоқда экан, биз нечун уларни аямогимиз керак? ёт-мамот курашида юмшоклик килиб бўлмагай!

Акбар Абулфазлга юзланди:

— Барча ички-ташки ғанимларга сабоқ бўлмоғи учун хоин Шомансур баланд бобул дараҳтига осиб ўлдирилсин! Токи бизнинг яхшилигимизга ёмонлик билан жавоб бергани кўрнамаклар буни узок-узоклардан кўрсинг! Барча қўшин Шомансур осилган дараҳтнинг олдидан олиб ўтилсин!

Эртаси куни эрталаб дамома деган катта нақоралар таҳдидли ўғон товуш билан гум-гум қила бошлади. Жаллодлар баланд бобул дараҳтига дорнинг сиртмоғини боғладилир. Қўли боғлоқлик Шомансурни сиртмоқ тагига олиб селгандарида у жон аччиғи билан қичқириди:

— Мен хоин эмасмен! Тухмат қилганларни бегуноҳим тутсинг!

У яна нимадир демокчи эди, лекин жаллодлар бўйнига тез сиртмоқ солиб, арқоннинг учини тортидилар. Шомансурнинг гавдаси ердан узилиб, ўлим талвасасида бир-икки марта ғужанак бўлиб, кисқариб қўринди. У жон бергандан кейин эса гавдаси чўзилиб, аввалгидан хийла узун қўрина бошлади.

Салимнинг таъсирчан қалби бу ходисадан шундай даҳшатга тушдиди, у кечалари босинқираб ўйғонадиган ва Абулфазлдан ҳам, отасидан ҳам ҳайкиб ўзини олиб қочадиган бўлиб қолди.

* * *

Мұхаммад Ҳаким ўттис ёшга кириб, бирорта катта жаңға қатнашмаган зди. Акбар унга қарши икки баробар күп күшин билан Панжобга кириб келгани, Шомансурың дарахтга осиб ўлдиргани, Гангада эса Яздийнинг сувга гарқ қилингани Мұхаммад Ҳакимни вахимага солди. Кобулдан бирга келган унинг улфат беклари ҳам талvasага тушдилар. Машваратларда:

— Тезроқ Нилобдан ўтиб, Кобулга қайтайлик! — деган таклифлар тушди.

Мұхаммад Ҳаким Лахұр камалини тұхтатиб, шимолга йўл олди. Бу орада күнлар тұсатдан исиб, тоғларда музлар ва корлар бирваракай эришга тушди. Ёмғир фасли ҳам одатдагидан уч ҳафта олдин бошланди. Тиник пайтида нил қўшиб оқизилгандек кўкимтири кўринадиган въ шуннинг учун бир номи Нилоб бўлган Хинд дарёси энди кулранг селдай тошиб, улкан тошларни юмалатиб, вахима билан ҳайқириб оқар зди. Мұхаммад Ҳаким уч-тўрт кун дарё сувининг пасайишини күтди, аммо оқим пасайиш ўрнига қўтарилиб, кенгайиб бормоқда зди. Ёмғир фасли авжига чиқса, кейин бир-икки ой Панжобда қолиб кетиши, бу орада Акбар етиб келиб, уни тор-мор килиши муқаррап. Мұхаммад Ҳакимга акаси тошкін дарёдан ҳам кўрқинчлирқ туюлади. Шуннинг учун таваккал билан қўшинини телбаланиб оқаётган дарёга бошлаб кирди. Хинд дарёсининг аёвсиз тўлқинлари орасида унинг мингдан ортиқ беку навкарлари гарқ бўлиб кетди. Зўр оқим Мұхаммад Ҳакимнинг ўзини ҳам гирдобига тортиб кетаётганды, сувчи йигитлари уни меш ёрдамида зўрга куткариб қолдилар ва бир амаллаб нариги кирғокка олиб чиқдилар.

Акбар уни таъқиб этиб Нилоб бўйига этиб келганды иниси аллақачон Кобулга бориб улгурган зди. Эллик мингдан ортиқ аскарни овора килиб Кобулга бориб юрмаслик учун Акбар дарё бўйида тўхтади-ю, инисига одам юбориб, уни шу ерга чақиртириди. Лекин гунохи жуда оғир эканини сезган ини ўзи келишдан кўрқди. Ўн уч яшар ўғли Кайқубодни жавоб мактуби билан юбордию: «Мен шайтон вассига берилиб хато қилдим, агар афву этсангиз, колган умримни Кобулда сизга садоқат саклаб ўтказгаймен», деган гапларни ёзди. Бу гаплар носамимий экани сезилиб турарди. Мұхаммад Ҳаким ҳозир саратон ойида ёмғирлар авжига чиқиб, дарёлар тошганини, Акбарнинг кўшини ҳали-бери шимолий қирғокқа ўтиб келолмаслигини биларди. Ёмғир фасли тугагунча куз киради, Хиндикуш тоғларига

ор тушади, Ҳайбар довони ёпилади. Акбарнинг кўпчилик аскарлари совукқа бардош беролмайдиган ҳинди斯顿ик йигитлар, филлар ҳам қорли йўллардан юролмайди. Акбар шунга қарамай Кобулга совукда кўшин тортиб қепидиган бўлса Мұхаммад Ҳаким уни енгиши осон бўлади.

Инисининг бу маккор режасини пайқаган Акбар:

— Яхшиликча ечиб бўлмайдиган тугунни қилич билан ғесмоқдан ўзга илож йўқ! — деди.

Дарё суви асад ойида сал пасайиши билан бутун қўшинини шимолий қирғокқа олиб ўтди.

Шаҳзода Салимни тошкін дарёдан ўтказишида Альберт Переиро ўзининг сувда сузишга нақадар усталигини ҳаммага кўрсатди. Унинг зўр денгизчи бўлганига ўша куни Акбар ҳам ишонди.

Дарёдан ўтишда падре Монсерратенинг юраги ёмон бўлди, уни энди корли Ҳайбар довонидан олиб ўтиш хатарли зди. Шунинг учун Акбар Монсерратени Одинапурда Бобур бобоси бунёд этган Боги Вафода қолдириди. Альберт Переиро эса Акбардан илтимос қилди:

— Ҳазрати олийлари, ижозат беринг, мен ҳам Кобул юришига иштирок этай. Бўш вақт бўлганда шаҳзодаларга ҳалфа сифатида тил ўргатурмен.

— Тил билан бирга денгизчилик, кемасозликдан ҳам сабоқ беринг.

— Бажонидил, ҳазратим! Агар муносиб кўрсангиз, умрим оҳиригача сизгаю шаҳзодаларга хизматда бўлмоқчимен!

Акбар ҳайрон бўлиб сўради:

— Умрингиз оҳиригача? Демак, Фарангистонга қайтмоқчи эмасмисиз?

— Албатта, туғилган юртим Португалия менга беҳад ализ! Аммо биз томонларда жаҳолат кучли, сал бошқача фикр юритсангиз, гулханга ташлаб ўлдиргайлар. Фарангни қулуғурушларнинг ишларидан ҳам безор бўлганмен. Сизнинг даргоҳингизда руҳим яйрамоқда. Бу ерда барча имону эътиқодлар баробар. Турли миллат вакиллари яқдил. Сулҳи кулл менга беҳад ёқди. Сизга содик фуқаро бўлмоқчимен!

Акбар фарангиларнинг хуфия иш олиб боришда қанчалик илгарилаб кетганини ва қанақа янги усуслар кашф килганини ҳали билмас зди. Альберт ҳатто ўз номини Алибек килиб ўзгартириб, Акбарга астойдил ихлос қўйганига уни ишонтириди.

— Падрелар бизни ўз динларига ўтказмоқчи эдилар, ак-

— Одинаур — кейинчалик Жалолобод бўлган.

синча бўлди-ку! — деб, Акбар ич-ицидан қувониб қўйди.

Шундан кейин Алибек Салимнинг хос навкарлари қато-рида Кобул юришига бирга олиб кетилди.

Жанг жадалга кўпроқ қизиқадиган Мурод Ман Синх бошчилигидаги илғор қисмлар билан олдинда борар эди. Муҳаммад Ҳакимнинг аскарлари Кобул бўсағасида Ман Синх ва Муроднинг ўн минг кишилик отлиқ қўшинлари билан каттиқ жанг қилиб кўрдилар. Ман Синхнинг ражпут йигитлари ва Муродга сараблаб берилган отлиқ жангчилар Муҳаммад Ҳаким аскарларининг қаршилигини енгib, Кобулга биринчи бўлиб ёриб кирдилар. Орқадан Акбарнинг ўзи яна кирқ минг аскар билан келмоқда эди. Унга бас кепломаслигни сезган Муҳаммад Ҳаким қалъанинг нариги дарвозасидан чиқиб, шимол томондаги тоғларга қараб қочди. Йўлда ундан ажралиб, оркага қайтган синглиси Бахтинисо бегим эри Хўжа Ҳасан Бадаҳший билан бирга Акбар келиб тушган Ўрта Бокқа борди.

«Акбар кофир бўлиб, салла ҳам ўрамай қўйганмиш!» деган овозаларни Бахтинисо бегим ҳам кўп эшитган эди. «Ҳазрат оғам бараҳман кийимида пешонасига қизил ҳол қўйдириб келган бўлсалар, қандок қўришгаймиз?» деган изтиробли ўйдан бегимни ғам босмоқда эди.

Лекин уни қўшк айвонида кутиб олган Акбар аввалгидай ипак тўн кийган, бошига симоби салла ўраган. Бахтинисо бегим бирдан ўзини унинг оёғи тагига ташлади-ю, йиғлаб гапирди:

— Гумроҳ синглингизни кечиринг, ҳазрат оғажон! Сизга пешвоз чиқолмадим! Содда бўлмасам, ёмон овозаларга ишонармидим!

Акбар синглисini елкасидан олиб оёққа турғизди, унинг ёшли қўзларига тикилиб:

— Хайрият, сиз ўзингиз келдингиз,— деди.— Лекин инимиз нечун қочиб юрибдир? Муҳаммад Ҳакимда сиздагичалик ҳам журъат йўқми?

— Инингизни улфат беклари кўрқитиб бирга олиб кетди. «Сизни ҳажга юбориб ўлдиргайлар, Комрон мирзодай кўр қилгайлар!» десалар Муҳаммад Ҳаким шунга ишониб қочди!

— Аммо ўша бекларни туттириб тилка-пора қилдирмогим керак. Инимизнинг кетидан қувфинчи юборсан, ҳаммасини тутиб келгай!

— Ҳазрат оғажон, инингизнинг нияти ёмон, сизга тутқич бермай, Балхдаги шайбонийзодалар томонига ўтиб кетгай. Улардан шундай таклиф билан элчи ҳам келган эли. Тў-

лони сал босилгунча қувфинчи юбормай туринг, баттар ма-матта қолмайлик!

Уттиз тўрт ёшга кирган Бахтинисо Кобулнинг энг ақлини мулоҳазали аёлларидан саналар эди. Катта момолари Моҳим бегимни кўрган кекса одамлар Бахтинисони ўша тоно аёлга ўхнатишарди. Оналари Норчучук бегим ўлиб кеттидан бери Кобулни идора этишда майпараст Муҳаммад Ҳакимга мана шу синглиси ёрдам бериб юрганини, бироқ кейинги пайтларда у Бахтинисонинг маслаҳатларига кирмай қўйгани учун шунча фалокатлар юз берганини Акбар түфиялар аҳборотидан ҳам билар эди.

— Бахтинисо, бугундан эътиборан менинг иним ҳам сиз ўзингизсиз! — деди.— Муҳаммад Ҳаким мен учун ўлди. Сиз ҳаксиз, унинг кетидан қувфинчи юборишга ҳам арзимайдир!

Акбар Кобулда узок туролмаслигини биларди. Сунбула кириб, атрофдаги тоғларга кор тушган, кечалари совук эди. Довонлар бекилмасдан тезроқ жанубга қайтиб кетиши керак эди. Лекин инисининг ўрнига кимни Кобул ҳокими килиб тайнинлаши мумкин? Асосий ишни олиб борадиган амирлар топилади. Аммо подшо оиласидан ким бу ишга муносиб? Акбарнинг ўғиллари ҳали ёш...

Кечаси хонайи хосда у Абулфазл билан шу ҳақда маслаҳатлашар экан, яна Бахтинисони кўз олдига келтириди. Факат уни аёл киши деб писанд қилмасликлари мумкин.

— Бироқ жаннатмакон Бобур бобонгиз Ҳиндистонга кетгандаридан Кобул ихтиёрини Моҳим бегимга бериб кетгандар тарихдан маълум,— деди Абулфазл.— Бахтинисо бегим ҳам ўша улуғ момоларига ўхшар эмишлар. Мунимхон шундай деди.

— Бахтинисо Муҳаммад Ҳакимдан ўн чандон ақлироқ,— деди Акбар.— Факат унинг бақувват бир амир мувини бўлмоги лозим.

Иккови кенгашиб бу ишга Ман Синхни муносиб кўрди. Уни беш минг ражпут йигити билан Кобулда колдирса, шимолдаги шайбонийзодалар ҳам тажовуз қилолмайди. Мутаассиб шайхлар ҳам Ман Синхни йўлдан оздиролмайди. Ман Синх Акбарнинг душманларига бас кела олади. Одамлар уни бекорга «Акбарнинг киличи» деб атаган эмаслар.

Акбар синглиси Бахтинисо бегимни Муҳаммад Ҳакимнинг ўрнига Кобул ҳукмрони килиб тайнинлагач, Ман Синх шаҳар кутвали ва лашқарбоши бўлди. Сал олдинроқка кетиб айтиш мумкини, Акбар Ҳиндистонга қайтиб кетгандан сўнг Муҳаммад Ҳаким тоғлар орасидан синглисига одам юборди, ялиниб-ёлвориб, Кобулга қайтишга рух-

сат олди. Лекин Ман Синх уни ҳокимият ишларига яқин келтиримади. Амалидан тушиб, ҳамманинг назаридан қолган Мұхаммад Ҳаким аввалидан баттар майхўрликка берилди. Охирги марта икки кечашу икки кундуз сурункасига чоғирчиб, мастиликда жон берди. Баҳтинисо бегим бориб кўрганда, унинг жасади кўмиридай корайиб кетган эди.

* * *

Кобулда ўтказилган бир хафтанинг Салим учун энг унүтилмас куни — Бобур боболарининг мақбарасига борган пайтлари бўлди. Панжобда Салим билан отасининг орасида пайдо бўлган чигаллик ўша куни бир қадар тарқади. Салим отасига Абулфазлдан ҳам яқинроқ бўлишни истарди. Бугун Акбар Абулфазлни пастда колдириб, факат ўғиллари билан Гузаргоҳдаги Боги Бобурга чикиб келгани, тўнгич ўғилга жуда ёқиб тушди.

— Менинг бу ерларга келмаганимга... йигирма етти ийл бўлибдир! — деди Акбар ва охирги марта шу мақбара олдида кўзи кўр амакиси Комрон мирзо билан қандай учрашганини ўғилларига айтиб берди. Ундан олдин Хумоюн ўз инилари билан ярашган куни экилган тўртта чинордан иккитагинаси қолибди. Бобур боболарининг ўзи қаздирган ариқ ҳам бекилиб, куриб ётибди. Боги Бобур ташландик ахволда, дарахтлар сарғая бошлаган.

— Мұхаммад Ҳакимни арвоҳ ургани бежиз эмаски, шундай азиз жойни қаровсиз қолдирибдир! — деб, Акбар инисидан яна бир койинди.

Салимнинг кўзига мақбара ҳам мунғайиб тургандай кўринди. Қабр устидаги қора мавжлик қизил мармарга чанг ўтирган эди. Акбар мармарнинг чангини секин бармоқларига олди-да, пешонасига сурди. Шу билан бобосининг хотирасини нечогли мукаддас деб билишини, унинг руҳини қай даражада эъзозлашини ўғилларига кўрсатган бўлди. Аввал Салим, ундан сўнг Мурод ҳам бобокалонларига қабри устидаги чангни бармоқларига олиб, пешоналарига эъзоз билан сурдилар.

Учовлари мақбарани зиёрат килиб чикканларидан сўнг, Акбар ўғилларига шимол томондаги тоғларни кўрсатди:

— Ҳазрат бобомиз ўша тоғлар ортидан келганлар. Самарқанд, Фарғона, Тошкент. Тенги йўқ жойлар!..

— Сиз Туронга қачон боргансиз, ҳазрат отажон? — деб сўради Мурод.

— Болалигимда... тушимда кўрганменни ёки қонимда

арми... боболар юртини қўмсаబ яшамоқдамен. Турон ҳашча шайбонийзодаларнинг тасарруфида. Қани эди, Коғулу Фатҳпурда қурган обидаларимизни .Фарғонаю Буходида ҳам курсак!

— Туронда бизга хайриҳоҳ одамлар кўп эмиш-ку! — сди Салим.— Ўшалар «келинг» деб таклиф қилмасларми?

— Таклиф қилувчилар кўп. Самарқанддан шоир Абраҳмон Мушфиқий бизга атаб қасида ёзиб юборганин хабаринг бор-ку.

Салим бу қасидани ўқиган, унинг икки сатри ёдида олган эди. Ҳозир шуни эслади:

Саводи Ҳиндро кард аз латофат гулшани ҳазро
Мұхаммад Ақбар Ғозийи Жалолиддини дунё¹.

— Мушфиқийни бу қасидаси учун шайбонийзодалар идириб юборишларига сал қолган. Бечора жанубга қочиб утулган...

— Шайбонийзодаларнинг ўзларини қувмоқ керак! — сди Мурод қизишиб.— Шундай қудратли лашкаримиз ор, ҳазрат отажон! Туронга кўшин тортиб борсак, тараффорларингиз қучок очиб чиқмагайларми?

Акбар оғир уф тортди-ю:

— Туронда ҳозир ғанимларимиз қўпаймишdir, вазият мон,— деди.— Биз Ҳиндишонда ўтказган ислоҳотларни тайбонийзодалар Самарқанду Фарғона аҳлига бутунлай ескари қилиб етказибдирлар. Улугбекни ўлдирирган жоқиллар Туронда бизга ҳам қарши қилич қайрамоқдалар. Ҳининг устига Ҳиндишонда ғанимларимиз бош кўтарди. Ҳатто Аданда ҳазрат аммамизи ўшалар асир қилмишлар. У кишини кутқармoқ учун ҳам пойтатхта тезроқ қайтмогимиз керак, ўғилларим!

Шу билан хаёллари жанубга кетди. Акбар ўғилларига жануб томондаги Кобул дарёсини кўрсатди:

— Мана шу Кобул дарёси Ҳинд дарёсига қуйиладган койда мен бир гаройиб эртак эшитганмен. Бобокалонларига ҳақидаги бу эртакни афғон улуси тўқиганми, ҳинд чи яратганми, аниқ билмаймен. Аммо бу эртак шу икки көртнинг чегарасида пайдо бўлмишdir. Мазмуни шуки, жаннатмакон бобом дарё бўйида ёлғиз ўлтириб, шеър заётган эканлар. Оркадаги ўрмондан бобомнинг хундор

¹ Таржимаси: Ҳинд кенгликларини улкан бир гулшанга айлантириди Мұхаммад Акбар Ғози Жалолиддини дунё. (Бу ерда Акбарнинг Жашол (Нур) деган исми асосига курилган сўз ўйини бор.)

душмани ханжарни қўлига олиб, пусиб келмоқда экан. Бобом билан бўлган жангларда бу одамнинг оғаси ўлгани учун қасд олмоқчи экан. Дарё соҳилида уч-тўртта болачалар сувга ёғоч ташлаб, оқизоқ ўйнаб юрган эканлар. Болалардан бири ўйинга берилиб, сувга тушиб кетибдир. Икки дарё қўшилган жойда оким жуда зўр, халиги бола гарк бўлиши муқаррар. Қирғонда қолган болачалар дод солиб, бобомдан ёрдам сўрабдир. Бобур бобомиз дарёда оқиб кетаётган болачанинг кетидан ўзларини сувга отибдилар. У киши сувда яхши сузар эканлар. Ганганинг у қирғондан бунисига неча марта сузиб ўтганларни умр китобларида ёзмешлар. Ўқиганмисенлар? — деб Акбар ўғилларига савол назари билан тикилди.

Китобни кам ўқийдиган ўйинқароқ Мурод нима дейишими билмай ерга қаради.

— Мен ўқиганмен,— деди Салим.— Фақат Ганга эмас, бобомиз йўлларида учраган дарёларнинг ҳаммасидан сузиб ўтган эканлар.

— Ана, кўрдингми? — деб Акбар Муродга қаради: — Сен ҳам ўқиб чиқ... Хуллас, жаннатмакон бобом дарёга тушиб кетган ўша болани кутқариб олиб чиқибдилар. Ханжарини ялангочлаб пусиб келган кундор душман қараса, кутқарилган бола — унинг кичик ўғли эмиш. «Хали мен боламни кутқарган одамини ўлдирмокчи эдимми?» — деб ўзидан каттик ранжибдир, ханжарини Бобур бобомизга тутиб дебдир: «Боламни тирик олиб чиқдингиз, энди ёмон ниятим учун шу ханжарни менга уришга ҳақлисиз!» Бобур бобомиз воқеанинг тафсилотини сўраб билганларидан сўнг, ханжарни дарёнинг ўртасига улоктириб юборибдилар. «Бу тиф — адоват тимсоли экан, гарк бўлсин!» дебдирлар. Болани отасининг илкига тутқазиб айтибдирлар: «Бола — истиқболимиздир, буни бирга асрайлар!».

Акбар ўғилларига бир-бир кўз ташлаб қўшиб қўйди:

— Ким билсин, ўшанда бобомиз дарёдан кутқариб чиқкан бола — балки менинг отамини ўлим хавфидан кутқариб олмагандা, мен ҳам туғулмас эдим, сенлар ҳам.

— Рост! — деб бош ирғади Мурод.

Салим ўйчан эди. Акбар унга тикилиб туриб давом этди:

¹ Бобур ҳақидаги бу эртак ҳалқ орасида халигача айтиб юрилганини 1983 йилда Афғонистоннинг жанубида — Жалолободда бир йил таржимов бўлиб ишлаб келган тошкентлик олим сўзлаб берди.

Бобомиз қутқарган ўша истиқболни мен сенларга, сипалар ўз авлодларингга хайф қиласдан камол топдириб тикишиб бермогимиз керак. Мана шу мақбара турган жой — бизнинг энг улуғ зиёратгоҳимиздир. Бу ерни қаповсиз қолдирсаларинг, Мухаммад Ҳакимнинг ахволи тушгайсенлар. Бундай истиқболдан тангрим сизларни расин!

Акбар икки ўғлини эргаштириб, пастда уларни кутиб турган Абулфазл ва бошқа беку аъёнларнинг олдига түниб борди. Кобул кутвали Ман Синхга буюрди:

— Маҳарожа, дарҳол бу тоққа юзта коргар олиб келиб, шлагариги ариқларни очдиринг. Уч кунда бу ерга сув келсин. Ўнг ободу ораста қилинсин. Кобул атрофидаги сугорилашган ерлардан беш юз жариби Бобур бобомиз мақбараси иҳтиёрига берилсин, фармон ёзинг. Шу йилдан эътиборан мақбара иҳтиёридаги беш юз жариб ердан тушадиган даромадлар Боги Бобурни ободу ораста саклашга сарф қилинин. Яна мақбара билан бокқа қараб турадиган тўртта одамга давлат хазинасидан доимий маош тўлаб турилсин.

Ўғиллар олдида берилган бу фармойишлар келажакда ларни ҳам ўз бобокалонларидан ибрат олишга ўргатиши керак эди.

Лекин ғалаба тантаналари ичиди кийинчилик кўрмай ўсаётган эрка ўғиллар бобокалонларининг ибрат олиб бўлмайдиган одатларига эргашган пайтлари ҳам бўларди.

Мурод Кобулни олишда жасорат кўрсатгани учун отасидан мурассаъ ханжар мукофот олди. Шу муносабат билан Боги Наврӯзийда жанговар беклар Муродга чоғир гаклиф қилдилар.

— Бобур бобомлар чоғир ичмаганлар-ку! — деб Мурод ишвал унамади.

— Бобонгиз чоғирни кирқ беш ёшга бориб ташлағанлар,— деди Чифатойхон.— Аммо Кобулда яшаганда беармон ичганлар. Хотира китобларида ўқимаганмисиз? Ҷалада, кемада, булоқ бўйида, боғда, ҳатто хазон бўлган даражатларнинг тагида ўтириб расо кайф қилганларини ёзганлар-ку!

Бобокалони ҳақидаги бу гаплар Муроднинг ҳозирги қўтариинки кайфиятига тўғри келиб турар эди. Ўша окшом у биринчи ғалабаси шарафига маст бўлгунча ичди. Устидан ифюн қўшилган маъжун ҳам еди.

Муроднинг аткаси Зайниддин кўка унинг Боги Наврӯзийда маст бўлиб юрганини кўриб:

— Онҳазрат билсалар икковимизга ҳам жазо берурлар! — деб пўписа килди.— Амакингиз Мухаммад Ҳаким

ёшликдан ичиб юриб не кўйга тушганини билурмисиз?

— Кобулда Бобур бобом ҳам май базмлари ўтказган эканлар-ку! — деди Мурод.

— Э, аввал тарихни ўрганинг! Сизнинг ёшингизда Бобур бобонгиз майни оғизларига олган эмаслар. Сиз ҳам у кишидай йигирма беш-ўтизларгача сабр қилинг. Кейин бирда-ярим ичсангиз ярашгай.

Мурод ўзини жуда ёш деб камситишларини ёмон кўрарди. Ахир у ёши катталар катори Ҳинд дарёсидан сузид ўтмадими? Олдинги сафда килич ялангочлаб, Кобулга ёриб кирмадими? Отаси унинг ихтиёрига бутуи бир Боги Наврӯзийни бериб кўйибди-ку. Мурод беш минг аскарга бошлиқ. Кўл остидаги беку навкарлари унга таъзим қилиб туришади. Шу сабабларга кўра у ўзини чоғир ичишга ҳакли деб ҳисоблади. Зафар кетидан зафар келиб турибди, қувноқ базмлар учун сабаб кўп. Улфат беклар уни навбатма-навбат чоғир базмига таклиф килардилар, отаси ва аткасидан яширикча яна роса ичирардилар...

* * *

Салим ҳам аллақачон май ичиб, маъжун еб кўрган, у ҳам базмларга иштиёқманд, лекин Кобулнинг Ўрта Богида отасининг кўзи якинида яшаётган кунлари Салим ўзини тийиб юрибди. Отаси билан бирга Гузаргоҳдаги мармар макбарани зиёрат қилгандан берли дилида «Бобурнома»га ўхшаган хотира китоби ёзиш орзуи пайдо бўлган. Катта бобоси ҳам ўн икки ёшлардан насрый машқлар кила бошлаганини Салим ўз устози Фарид Бухорийдан эшигтан. У ўзининг хилватхонасида ҳали хеч нарса ёзилмаган зархал муқовали дафтарни очди-ю, ёнида турган Фарид Бухорийга юзланди:

— Сарлавхаси «Хотирот» бўлсинми?

— Қайси тилда ёзмокчимиз, амирзодам?

— Туркийча.

— Лекин бир муаммо бор: «Бобурнома»ни эллик йилдан бўён уч марта туркийдан форсийга таржима килдилар. Кўнгилдагидек чиқмади. Ахийри Абдураҳим хони хононинг таржимаси онҳазратга маъқул бўлди. Келгусида сизни ҳам бу муаммо кийнамаслиги учун биратўла форсийда ёзсангиз-чи?

Салим яшаган муҳитда форсий тил кўпроқ ишлатилар эди. Шунинг учун унга форсийда ёзиш осонроп туюлар эди. Фақат у боболари маъқул кўрган бирорта туркий сўзни сарлавҳага чиқаришни истарди.

Унинг бу истаги Фарид Бухорийга ёқиб тушди:

— Амирзодам, «тузук» деган сўз бор. Отангизнинг саройларида қабул маросимларини бошқарадиган одам «мири тузук» деб аталур. Факир эшигдимки, энг катта бобокалонингиз Амир Темур ўз муншисига айтиб ёздиран низомларини «тузуклар» деб атаган эканлар. Бу тузуклар биззагча етиб келмай йўқолиб кетганми, ўзини ҳеч қаерда учратмадим.

— Бўлмаса мен ҳам ўз хотираларимни «Тузук» деб атагаймен!

Салим бу сўзни дафтарининг биринчи варағига йирик килиб ёзди.

— Инишоолло, бу дафтар келгусида улкан бир китобга сарчашма бўлгай. Эҳтимол, одамлар буни «Тузуки Салими» деб атагайлар.

Фарид Бухорий «Салими» сўзини «Салима» дегандай қилиб айтди. Салим ўгай онаси Салима бегимни эслади-ю, афтини бурушириди. Шаҳзодага ўз номи унча ёқмаслигини мавлоно Фарид аввал ҳам сезган эди.

— Э, амирзодам, сиз туғулганда фақир ҳам ҳазрат отангиз билан овда юрган эдим. Менинг ҳамشاҳрим Аҳмад Бухорий Салим отанинг ихлосмандаридан эди. Отангиз ўша Аҳмаднинг маслаҳати билан сизга Салим Чештининг номини кўймокчи бўлдилар. Лекин мен Салим Чештининг тарихини билар эдим, асли эшкакчидан чиқкан одамнинг номини шаҳзодага кўйиш жоиз эмас эди. Бунинг устига ҳазратимнинг хотинларидан бири — Салима эди. Факир узр сўраб: «Ҳазратим, тўнгич ўғлингизга бошқа муносаброқ исм бор», — дедим. «Қайси исм?» дедилар. Бобокалонингиз катта ўғилларига Жаҳонгир деб от кўйганларини эслатдим. Аммо сўзим ўтмади, амирзодам! Не қилайки, рақиб ҳамшаҳрим Аҳмад Бухорий отангизни ўшанда Салим деган исмга кўндириди!

Салим оғир тин олиб, алам билан бош чайқади:

— Жаҳонгир деган исм минг марта яхши эди. Насиб қиласа, қаҷондир бир вақт... шу номга қайтгумдир!¹

Салим отаси кўйган номдан воз кечмокчи бўлгани мавлоно Фаридга улкан бир жасоратдай туюлди.

— Амирзодам, сиз ҳозир ўн учга қадам кўйдингиз. Отангиз шу ёшда тахтга чиқкан эдилар. Бобур бобонгиз подшо бўлгандарига ҳали ўн иккига тўлмаган эдилар. Насиб бўлса, бир кун сиз ҳам тахтга чиқгайсиз! Ўша кунни кўриб ўлсан армоним қолмагай! Чунки афсус қилурменки,

¹ Салим ўз хотираларини кейинчалик «Тузуки Жаҳонгир» деб атайди.

хазрат отангиз динларни бирлаштириш йўлига кирдилар. Ҳолбуки, гайридинлар биздан бир неча баробар кўп. Биз уларнинг орасида йўқ бўлиб кетгаймиз! Бу йўл хатодир!

— Мен бу йўлга зинҳор юрмагаймен! — деди Салим катъият билан.

Шунинг учун бутун нажотни биз сиздан кутмокдамиз, амирзодам! Ҳазрат отангизга Байрамхон ҳам бас келолмади, Моҳим энага ҳам, Анзорий ҳам, Охирида, мана, ёлғиз инилари Мухаммад Ҳаким ҳам забун бўлди. Бироқ ҳеч ким бас келолмаган Рустами достонга ахиири ўзининг ўғли Суҳроб бас келгани «Шоҳнома»дан маълумдир. Илоҳим, сиз бизнинг Суҳробимиз бўлингу Жаҳонгир номи билан тахта чикинг!

Агар бу гаплар отасининг қулогига етиб борса мавлоно Фарид тирик қолмаслигини Салим сезди ва атрофига хавотирланиб қараб қўйди. Лекин хилватхонада икковларидан бошка ҳеч ким йўқ, эшик-деразалар берк. Ўлим хавфидан кўрқмай шундай дадил тилакларни айтган мавлоно Фарид Салимга жасур одам бўлиб қўринди:

— Мавлоно, менга тожу тахт насиб қилган куни биринчи хутбани ўзингиз ўқигайсиз!

Мавлоно Фарид азбаройи таъсирланганидан кўзларига ёш олди-да, Салимни суюкли фарзандидек бағрига босиб, елкаларини силади.

Акбар билан унинг ўғли орасига биринчи пона шутарзда урилди.

ФАТҲПУР. ЕЧИБ БЎЛМАЙДИГАН ТУГУНЛАР

Ўн ой давом этган Кобул юриши Акбарни жуда толиқтирган эди. У пойтахтдаги оромгоҳлар, сокин кутубхона ва тасвирхоналарни¹ согинган эди. Кобулдан қайтгач, Фатҳпурда муким яшаб, чала қолган кўп ишларини ва курилишнинг меъморлик истеъдодини кўрсатадиган бошка ўнлабларини ниҳоясига етказди. Илгари кад кўтарган муҳташам бинолар ёнига Панж Маҳал деб аталадиган беш каватли қаср, қизлар учун курилган янги мактаб, мармар ховуз ўртасидаги гўзал шоҳсупа, ховли юзида ҳар бир катагига одам сигадиган улкан сатранж майдони ва Акбарнинг меъморлик истеъдодини кўрсатадиган бошка ўнлаб обидалар қўшилди. Фатҳпур-Секри куриб битирилган пайтда уни келиб кўрган инглиз сайди Ральф Фитчнинг ёзишича, Акбарнинг янги пойтахти ўша даврдаги Лондон-

дан икки баробар улканроқ бўлган. Шундай улуғвор шахарни яхлит бир санъат асарига ўхшатиб кашф этган на ўн беш-йигирма йил ичидан курдирган меъморни узок юртлардан келган одамлар бир кўриб кетишга интилар ёдилар.

Қиличхон Андижоний «дарбор» деб аталадган қабул кунида Акбарнинг ҳузурига оқ юзли, кўнгир соч, барваста бир сайдҳи бошлаб кирди. Ўсик соқолига оқ оралаган бу одам — москвалик тужор Матвей Калитиннинг ўғли Аким эди. Қиличхон уни бундан кирк йил бурун Эроннинг Мозандаронида, Ҳазар денгизи бўйига кемада сузб келган пайтида кўрган эди. Ўшанда Ҳумоюн Матвеининг Московиядан Аграга совға килиб олиб борган самур пўстини ва карчиғайига жавобан ёкут инъом қилгани Қиличхоннинг ёдиди бор эди. Энг муҳими, Аким Матвеевич Адан орқали ўтиб келаётганда Гулбадан бегимнинг такдиридан хабар топган ва сўнгги янгиликларни эшишиб келган эди.

Қиличхон бунинг ҳаммасини айтганда Акбар узок юртдан келган меҳмонга қизиқиб пешвоз чиқди. Аким Матвеевич бошидан картузини олиб, унга таъзим қилди-да:

— Газрати алийлари! — деб сўз бошлади. У туркий тилни Қозонда ўрганган ва булғор татарларини эслатадиган талаффуз билан сўзлар эди: — Сизнинг буюк кудратингизга турк сultonни ҳам тан бермишдир. Юборган элчинизни бик яхши қабул қилган. Адан ҳокимига карши аскар юбориб, Гулбадан бегимни асириқдан бушатувға мажбур итган. Мен Аданга келганда барча эл-улус шул тўғрида сўзлаб юрурлар экан. Бегимнинг улуғ оғалари мирзо Ҳумоюни мен Ҳазар бўйинда кўрганим ёдимға тушди. Буюк падарингиз менинг отамға зўр бир ёкут берган эди. Раҳматли отам ул ёкутни менга мерос килиб қолдирган. Мен ҳалигача бу ёкутни қалбим ёнида асраб юрумэн.

Аким Матвеевич қўйнига кўл солиб, юмалоқ чарм ҳамёнчани олди-да, ичини очди. Тўқ-қизил ёкут Акбарнинг қўзига чўғдай ялтираб қўринди. Унинг ўзи ҳам отаси ёзиб берган тўрт сатр шеърий тилакни ҳалигача тумор килиб кийими ичидан осиб юрар эди. Қўкрагининг чап томонини пайпаслаб, туморчанинг салқин ипаги баданига текканини қис қилганда олис юртлардан ҳам аммасининг, ҳам отасининг хабарини олиб келган Аким Калитин қўзига жуда иссиқ қўринди.

— Хушхабар келтирганингиз учун сизга ташаккур,

¹ Тасвирхона — мусаввирлар даргоҳи.

жаноби Аким. Аданда Гулбадан бегимнинг одамларидан кимни кўрдингиз?

— Аҳмад Бухорийни кўрдим. У билан ҳам кирқ йил бурун Ҳазар денгизи бўйида танишган эдик. Аҳмад Бухорий кексайиб, мўйсафид бўлиб колибдир.

— Мен уни аммамга кўшиб юборган эдим. Ҳозир ахволлари нечук экан? Саломатликларини сўрадингизми?

— Турк султони Адан ҳокимиға фармон бериб, бегими хушҳаво бир кўшкка ўтказибдирилар. Соғликлари яхши экан. Факат «Тезров» деган кемалари етти ой қаровсиз ётгани учун ичида нарсаларини талаб, баъзи жойларини бузган эканлар. Ҳозир сиз юборган одамлар Аҳмад Бухорий бошчилигида кемани тузатмоқдалар. Бир ойларда тузатиб, Ҳиндистон томонга йўл олмоқчилар.

— Хайрият! — деди Акбар енгил бир сўлиш олиб.

Аким Матвеевич орқага ўгирилиб қаради. Унинг хизматкор йигити оқ ипак матога ўралган катта бир китобни икки кўллаб тутиб турар эди.

— Газрати олийлари! Сиз барча халқларнинг китобларига эҳтиром кўрсатганингизни биз ҳам эшитдик. Улуғ бобонгиз Бобуршоҳ бошлиган нек ишларни сиз давом эттираётганингиздан беҳад шодмиз. Бобур бобонгиз мамлакатларимиз тарихида биринчи бўлиб Москвага элчи юборгани икки томон учун ҳам жуда хайрли иш бўлмишdir. Бобонгизнинг элчиси уч йил Россиянинг Муром шахри яқинида истикомат этган эди. Мен ҳам муромликмен. Бизнинг яқинимизда сўнгги қирқ йил ичida Бобурин деган қишлоқ пайдо бўлди. Бобурин деган номлар ҳам бор. Халқ орасида ривоят тарқалганки, хинд шоҳи Бобурнинг авлодлари Муром атрофларига келиб яшаган¹. Улуғ адаб бўлган бобонгизнинг хурмати учун биз сизга Россиядан китоб совға қилиб келтирдик.

Аким Матвеевич китобни хизматкор йигитдан олди-да, Акбарга тутди. Акбар китобнинг устидаги оқ ипак пардани кўтариб муқовасига қаради. Четлари зарҳал қилинган қалин чарм муқова устида нотаниш олтин ёзув кўринди.

¹ Аслида бу — Бобур юборган элчининг халқ хотирасида ўзгарган ва бойиган ҳолда сакланиб қолганлигини кўрсатувчи ривоятдир. Бабуринский хутор, Бабурин деган жойлар ва Бабурин деган исмлар улут рус ёзувчиси И. С. Тургенев яшаган даврда ҳам бўлган. Шу сабабли И. С. Тургенев ўзининг «Пунин ва Бабурин» деган повестида Парамон Семенович Бабуриннинг хинд шоҳи Бобурдан келиб чиқсанлиги ҳакидаги ривоятдан фойдаланади.

Рус совет олимаси Г. Ф. Благова эса Бабурин деган қишлоқларнинг Муром ва Киржач атрофларида 1960 йилларда ҳам бўлганлигидан гувохлик боради.

— Бу — лотин хаттими? — сўради Акбар.

— Йўқ, бу — рус хаттидир. Бундан беш юз йил мукадда Кирилл билан Мефодий номли улуг ватандошларимиз шу алифбони кашф килмишлар.

Беш асрдан бери ўз алифбосида иш олиб борадиган халқнинг китоби Акбарга энди жуда кизикарли кўринди:

— Бу китобнинг номи недур?

— «Апостол». Исо пайғамбарнинг энг ишонган ўн икки ёр-дўсти, халифаси бўлган. Шулар бизда апостол деб эъзоланур. Сизлардаги чорёйлар каби.

— Ундоқ бўлса, бу табаррук китоб экан! — деб, Акбар совғани эъзозлаб кўзига сурди. Сўнг уни очиб кўрмоқчи бўлди, лекин муқова тезда очилмади.

Заргарона дид билан зийнатланган китобнинг олд томонида кутича каби қулфлаб қўйиладиган жойи бор эди. Аким Матвеевич жажжигина олтин қулфни очиб берди. Акбар аъло навли ипак қоғозга катта-катта ҳарфлар билан битилган матнларни кўздан кечирар экан, Аким Матвеевичга маъносини таржима килдириб қулоқ солди.

«Мне отмщение и аз воздам», деган жумлани Аким Матвеевич:

— Ҳар кимга килмишига яраша касос кайтаргумдир, — деб таржима килди.

Акбар худди шундай жумлани фарангилар олиб келган «Инжил»да ҳам учратганини эслади-ю:

— Ажабо, «алқасосул минал ҳак» кабилидаги хикмат сизларда ҳам бор экан-ку? — деб қўйди. — Сизлар «Инжил»ни ўз тилларингизга қачон таржима килгансизлар?

— Олти юз йилдан ошди. Киев Руси даврида таржима бўла бошлиган.

— Ивритчаданми?

— Йўқ, ҳазратим, биз насора динини византиялик юнонлар орқали кабул килганмиз. «Инжил» бизда юнончадан таржима бўлган, деб эшитганман. Биз ҳам юнонлар каби насора динининг энг қадимги православ мазхабидамиз.

— Фарангилар-чи?

— Улар католиклар. Ислом динининг шиа мазхабига ўхшаб, кейин ажралиб чикканлар.

Акбар православлар билан католикларнинг фарқларини билгиси келди. Аким Матвеевич маросимлардаги фарқларни гапира бошлиган эди, бу Акбарга зерикарлироқ туюлди. Бироқ Калитин католик руҳонийларнинг уйланишга ҳақла-

ри йўқлигини, падрелар умр бўйи бўйдоқ ўтишга мажбур эканликларини, православ руҳонийлари, жумладан, рус поплари бемалол уйланиб, бола-чакали бўлиб яшашларини айтиб берганда Акбар қизиқиб бош иргади-да:

— Бу борада сизларнинг мазҳабларингиз дуруст экан!— деб кулди.

У китобни вараклаётганда ҳар бобнинг бош ҳарфларига маҳсус расмлар ишланганини кўрди, бироқ матнлар кўлда кўчирилганга ўхшамаслигини сезиб таажжубланди. Шунда Аким Матвеевич ўзи келтирган китобнинг босмахонада қандай чоп этилганини айтиб берди.

Китоб чоп этиш хали шарқ мамлакатларига етиб келмаган, Акбар бунинг нималигини билмас эди. Аким Матвеевич унга Иван Федоров деган кишининг Москвада биринчи бўлиб мелоди 1563 йилда очган босмахонаси ҳакида сўзлаб берди. Маъдандан қўйилган ҳарфлар бир марта терилгандан сўнг китобни зудликда ўнлаб нусха босиб чиқариш мумкинлиги Акбарга жуда катта янгилик бўлиб туолди.

— Аммо бизда ҳам янгиликдан жони чикадиган руҳонийлар бор,— деди Аким Матвеевич.— Иван Федоров Москвада биттагина китобни чоп этишга улгурди. Кейин руҳонийлар уни „ахрий «антихрист» деб айладилар. Федоровнинг босмахонаси ёғоч уйга ўрнатилган экан. Жоҳиллар бу уйга ўт қўйиб, ҳаммасини кўйдириб юборадилар. Иван Федоров Москвадан қочиб, чет бир вилоятга боради.

— Подшоларингиз ким?

— Подшомиз Иван Грозний Қозон, Астрахань хонликларини забт этиш билан банд эди. Кейинчалик унинг руҳсати билан Федоровнинг босмахочасида кўпроқ диний китоблар чоп этиладиган бўлди.

Акбар Иван Грознийнинг Қозон ва Астрахань хонликларини қандай забт этганини Аграга келиб кетган Эрон элчисидан эшитган эди.

— Жаноб Аким, биз ҳам бегуноҳ фаришталар эмасмиз, шафқатсиз урушлар қилиб, беҳуда конлар тўккан пайтларимиз бўлган. Лекин ҳозир шундай хуносага келдикким, қилич билан одамларнинг дилини яралаб эришилган ғалаба бебақо экан. Ундан кўра одамларнинг қалбига яхшилик билан йўл топиб эришилган ғалабанинг умри узок бўлгай.

— Сиз менинг дилимдаги гапни айтдингиз, ҳазрати олийлари. Қонни қон билан юваб бўлмагай. Тождорлар қилган шафқатсизликлар учун халқлар айбдор эмас. Қозонда менинг дўстларим бор. Россиянинг виждонли кишилари

Иван Грознийнинг аёвсиз ишларини афсусланиб тилга олурлар. Чунки у жаҳл устида ҳатто ўзининг катта ўғлини темир ҳасса билан уриб ўлдириб қўйган. Лекин унинг тарихга кирган яхши ишлари ҳам бор: тарқоқ ўлкаларни Москва штрофига бирлаشتариб, улкан давлат тузди. Яна бир нек иши — Москвада, биз Кремль деб айтадиган улуғ қизил қалъя ёнида Қозон фатхига бағишланган муҳташам бир обида — собор курдирди.

Орқада турган хизматкор йигит Аким Матвеевичнинг ишораси билан чўзинчоқ ёғоч сандикчани олиб келди. Ўрол тогларининг ранг-баранг тошлиари билан зеб берилган бу сандикча ичидаги рангдор суратлар бор эди. Акбар Москвада Кремлнинг кунгирадор қизил деворларини, куббаларига яхлит олтин қопланган баланд кўнгироқхоналарини шу суратларда кўрди. У Қозон соборининг тасвири чизилган расмни кўлга олиб қараётганда:

— Эътибор беринг, газрати олийлари,— деди Аким Матвеевич.— Рус меъморлари Қозоннинг ўзига хос қиёфасини бу обидада эҳтиром билан ифодалашга интилганлар. Собор тепасидаги баъзи куббаларнинг тарам-тарамлари менга муслим салласининг ўрамларини эслатур.

— Гапингиз асосли, жаноб Калитин, мен ҳам бу обидада миллий адоват эмас, аксинча, турли имону эътиқодларга ҳурмат ифодасини кўрмоқдамен. Эл-улуслар орасидаги ўзаро эҳтиром ўчоқда сақланадиган чўғ каби ҳамиша бордир. Фозил кишилар шу чўғни кул орасидан излаб топиб, унинг ёрдамида катта гулханлар ёқмоғи мумкин. Биз ҳозир Одам Ато фарзандларини ана шундай маънавий гулхан штрофига тўплаш ҳаракатидамиз.

— Биз ҳам шу гулхан ёргуни узоқдан кўриб келдик!

— Қадамингиз кутлуг бўлсин! Подшоларингизда Ҳиндистондай узок мамлакатларга элчи юборишга ҳозирча имкон бўлмаса... майли. Лекин элчилар ишини яхши китоблару сиз каби жасур саёҳлар ҳам кильмоги мумкин.

Акбар китобдорни чакиртириди ва «Бобурнома»нинг миги кўчирилган бир нусхасини олиб келишни буюрди. Уни Аким Матвеевичга берар экан:

— Сиз бизни Москвиядан йўқлаб келганингизнинг ўзи катта бир қадрдонликдир, жаноб Аким!— деди.— Ҳазрат бобомиз мамлакатларимиз орасида шундай қадрдонлик бўлишини истаб элчи юборган эканлар. Руслар қадршунос эл эканки, бобомизнинг бу хайрли ишини унутмасдан, номини ўз одамларига қўйибдирилар, қишлоқларини Бабурино деб атабдирилар. Бу — таҳсинга сазовор фазилатdir. Сиз

туркий тилни билар экансиз. Шунинг учун «Бобурнома»нинг асл туркийча нусхасини сизга ињом этдик!

Аким Матвеевич зарҳал муковали китобни олиб, эъзозлаб қўзига сурди-ю:

— Мен бу китобнинг шуҳратини бутун мамлакатимизга ёйгаймен,— деди.— Ватандошимиз Афанасий Никитин юз йил бурун биз учун Хиндистонни очган эди. Унинг «Учденгиздан нарига саёҳат» номли китобида бизнинг Хиндистонга бўлган бегараз қизиқишимиз, самимий эҳтиромимиз ифода этилмишdir. Биз баъзи фарангиларга ўхшаб, Хиндистон атрофидаги денгизларга хўжайинлик қилмагаймиз, оролларни босиб олмоқчи эмасмиз, факат холис ният билан ҳамкорлик килишини истаймиз.

— Сиз фарангтилларини ҳам билсангиз керак?

— Ҳа, билурмен. Денгиздан португал кемасида ўтиб келдим. Шунда уларнинг ўзаро гапларидан тушундимки, Аданда ҳазрат аммангизни сизга карши қўзғатмокчи бўлган кучлар орасида португаллар ҳам бор экан. Улар зимдан ёмонлик килишда беҳад катта тажриба орттиришилар. Бегараз ҳайриҳоҳингиз сифатида айтиб ўтмокчимен. Улар сизни ўз динларига ўтказиб, кейин бутун Хиндистонни мустамлака килиш орзусидалар.

Акбар истеҳзоли кулди:

— Ушалмайдиган орзу! Мен барча имону эътиқодларни баробар кўрганим учун падреларга пойтахтдан жой бердим.

— Албатта, португаллар орасида адолатпарвар, ҳалол одамлар ҳам бор. Лекин мен уларнинг шафкатсиз кул-фурушларини ҳам кўрдим. Улар Оврупонинг қул бозорларига бечора қора танлиларни Африканан кемаларга босиб бориб, олтинга сотмоқдалар. Сиз Хиндистонда қул бозорларини беркитдириб олижаноб иш қилибсиз. Қулларни озод этибсиз. Аммо фарангилар янги қашф этилган Америка қитъасида ҳам қул бозорлари очмишлар, хабашистонлик юз минглаб қора танлиларни кемаларда Америкага элтиб, қул қилиб сотибдирилар. Шу йўл билан бехисоб·кўп бойлик орттирибдирилар.

— Инсончурушлик билан орттирилган бойлик — дунёдаги энг ҳаром бойликдир!— деди Акбар нафрат билан.— Мен билурмен, биз бўш келсак, хиндиларни ҳам «коратанли» дейишиб, кемаларга босиб кетиб, қул қилиб сотишга тайёр фарангилар бор. Аммо биз тирик эканмиз, улар бу шум ниятларига етолмагайлар!

Гап орасида Акбар меҳмонга савол берди:

— Биздан не тилагингиз бор, меҳмон?

Аким Матвеевич бир ўйланниб олди. Жизя ва тамға соликларининг бекор қилингани, барча насораларнинг ҳукуклари муслимларники билан тенглаштирилган Аким Матвеевич каби ажнабий сайёҳларга жуда катта енгиллик бермоқда эди. Калитин ўзи учун ҳеч нарса сўрамоқчи эмас, фақат шу ерда учратган бир ватандошининг мушкулотини осон қилгиси келар эди.

Парамон деган киши ёшлигига Волга дарёси бўйларида Қрим хонлари билан бўлган жангда яраланиб, асир тушгандан сўнг уни қул қилиб сотган эканлар. Фалакнинг гардиши билан Хиндистонга келган бу одам ўзига ўхшаган насора аёлга ўйланниб, иккита фарзанд кўрган экан. Касби иморатсоз уста. Акбарнинг янги пойтахтини қуришга ўн етти йил меҳнати сингган. Лекин ҳали ҳам она тилини унтурмаган экан. Аким Калитин у билан русча гаплашганда қўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. «Бирга олиб кетинглар, биродарлар, колган умримни Ватанимда ўтказай!»— деб ялинди. Аммо саркори унга жавоб бермади. Чунки ўғли ҳам ганчкор уста экан. «Бундай катта усталарга ҳазратим ўзлари жавоб бермасалар, менинг ҳақим йўқ!»— деб туриб олди.

Акбар бу гапни эшишиб, Қиличхонга юзланди ва гап ҳайси уста ҳакида бораётганини сўради.

— Уста Пармон бўлса керак,— деди Қиличхон,— ўзи ҳозир ташқарида қабулингизни кутиб турган эди.

Акбар Миритузукка уста Пармонни чакиришни буюрди. Хиндистон офтобида юзлари корайиб кетган эллик ёшлардаги кўккўзли миқти одам эшикдан таъзим қилиб кирди:

— Менинг асли отим Парамон, ҳазрати олийлари! Ўзим Волга бўйларида ўсганман. Мени қул қилиб сотган эдилар, сизга раҳмат, биздан «қул» деган иснодни олиб ташладингиз. Менинг орзуйим — ватанга қайтиш эди. Ахир бизнинг ватандан зўравонлик билан жудо қилган эдилар! Ижозат берсангиз, оиласа, ўғлим билан энди Россияга кетсам...

— Аммо биз сиздек яхши устоларни қайдан топурмиз?

— Ҳазрати олийлари, йигирма йилда тўққизта шогирд этишитирдим, ҳеч бири иморатсозликда мендан қолишмагай!

Акбар Абулфазлни чакиртириди:

— Жаноб вазир, фармон битинг: уста Пармоннинг оиласи билан бирга ватанинига қайтиб кетишига рухсат берилсин. Янги пойтахтни қуришда ўғли билан қилган кўп йиллик

мөхнати учун унинг ватанига етиб боргунича кетадиган йўл харажётлари хазинадан тўлансин.

— Бош устига, ҳазратим!— деб Абулфазл бу фармонни дарҳол бажариш учун орқаси билан юриб чиқиб кетди.

Уста Пармоннинг қувончи ичига сиғмай, ёнидаги Аким Матвеевични қучоқлаб ўпа бошлади...

Ўша кунлари Антони Монсеррате ва Рудольф Акававиа Гоага қайтиб кетиш ҳаракатида юрган эди. Акбар Аким Калитин ва уста Парамонни падрелар билан бир карвонга кўшиб жўнатди. Гоа оролида Калитинлар Португалия кемасига тушиб Европага йўл олдилар¹. Падрелар эса оролда колишиди.

* * *

Акбар ҳам, ўғиллари ҳам католик динига ўтмаганлиги Гоадаги португал маъмурларини жуда қўнгилсизлантириди. Улар Монсеррате ва Акававининг Акбар давлатида олиб борган уч йиллик ишларини «муваффакиятсиз миссия» деб баҳоладилар. Факат падрелар келтирган ҳарбий маълумотлар фойдали деб топилди. Айниқса, Альберт Перейронинг Алибек деган туркийча ном билан шаҳзода Салим муозимлари орасига ишга олинганлиги ва Фатҳпурда колганлиги Гоа ҳокимини мамнун қилди. Чунки Акбар саройида Альберт Перейродай тадбиркор хуфиянинг иш олиб бориши португаллар учун жуда зарур эди. Гоа ҳокими Перейро билан алоқа боғлаш учун савдогар қиёфасидаги маҳсус одамни Гоадан Фатҳпурга жўнатар экан:

— Сенъор Альбертга айтинг, қайтиб келганда биз уни генерал унвонига тақдим этмоқчимиз,— деб ваъда берди. Кемасозликка оид эски китоблардан унга кўпроқ олиб бориб беринг. Акбар билан унинг ўғлига бизнинг тажрибамизни истеъмолдан қолган эски кемалар асосида ўргатсин. Афғон юсуфзайлари билан алоқани узмасин. Альберт уларнинг қўзғолончи пирлари — равшанийларни билади. Кобул юришига боргандা Пешоварда улар билан танишган. Равшанийлар Ҳайбар довони этагида Акбарга қарши исён кўтарганлар. Аммо равшанийларнинг пешвоси шайх Жалолиддинни Акбар Фатҳпурда хибсдан сақламоқда эмиш. Равшанийлар бу шайхни хибсдан бўшатиш ҳаракатида эмишлар. Сиз Фатҳпурга борган заҳотингиз равшанийлар пири

¹ Фатҳпур-Секрида асоратдан куткарилган бир рус оиласи Португалия миссионерлари ҳамроҳлигига Хиндистондан жўнаб кетганини инглиз олими В. Смит «Акбар» номли китобида қайд этган.

шайх Жалолиддинни хибсдан қочирмоқнинг йўлини изланг. Бу пир қочиб чиқса, равшанийлар исёни янада авжланиб, Ҳайбар довони бекилиб қолгай. Бизга худди шу керак! Акбарнинг кучлари шимолий чегаралар ташвишидан бўшамасин!

Гоа ҳокимининг бу фикри Рудольф Акававининг кўнглидаги гап эди:

— Сиз мутлако ҳаксиз, сенъор вице-кирол!— деди Акававиа.— Биз уч йил Акбар саройида юриб шунга амин бўлдикки, ҳозир бутун шаркни ларзага солаётган тўртта энг зўр давлат туркий сулолалар қўлидадир. Кичик Осиёда турк сultonлари, Эронда буюк шоҳ Аббос номи билан улуғланётган озарбайжонлик Сафавий, Туронда Абдуллахон Шайбоний. Ҳайриятки, бу тўрт давлат бирлаша олмайдир, акс ҳолда, биз уларга бас келадиган куч топа олмас эдик. Аммо туркий подшолар орасида биз учун энг ҳатарлиси — Акбардир. Нариги учаласи шиа-суннӣ низолари туфайли бир-бирига ашаддий душман. Аммо Акбар ҳар учала туркий сулола билан муроса йўлини топиб, борди-кељди қилиб турибдир. Ҳатто Турк сultonни Мурод Акбарнинг хурмати учун Аданда асира бўлиб қолган Гулбадан бегимни қуткаришга ёрдам берибдир.

— Бу бегим Фатҳпурга қайтиб боргани ростми?

— Ҳа, уни тантана билан кутиб олдилар. Энди турк сultonни дengиз кемалари қурадиган uestalarини ҳам Акбар ҳузурига ўбормоқчи эмиш. Турк ҳарбий флоти ҳозир Ўрта Ер денгизида ҳукмрон, бизга у ёкларда кун йўқ. Шундай зўр флот Ҳинд уммонида ҳам пайдо бўлса, Гоа билан хайрлашишга тўғри келгай!

— Йўқ, бунга йўл бермаслик керак!— деди Гоа ҳокими ва Фатҳпурга жўнатаётган савдогар-хуфияга уқтириди: — Шайх Жалолиддин тезроқ хибсдан қочирилмоги шарт! Файридин Ман Синҳ Кобулда ўз ражпутлари билан ҳукмрон бўлиб тургани муслим афғонларнинг иззат-нафсига тегмоқда. Биз сув йўли орқали Пешоворга маҳсус одамлар, куроляроғлар ўборгаймиз. Ҳинд-муслим низоларини аланга олдирмоғимиз зарур! Шуни Перейрога яхшилаб тушунтиринг!

Альберт Перейро Фатҳпурда мана шу кўрсатмалар асосида шайх Жалолиддинни хибсдан қочиришга муваффак бўлган пайтда Гоанинг католик черкови Антони Монсерратени Арабистон ва Туркияга маҳфий топшириклар билан жўнатди. Бироқ турк сultonни Акбардан кўра шафқатсизроқ эди. Монсеррате муслимлар орасида насора динини тарғиб қилганлиги учун Синан деган жойда қамоққа олинди ва етти йил хибса ётди. У қамоқдан кутулиб Гоага

қайтганда Рудольф Аквавива аллақачон оламдан ўтган эди.

Маълум бўлишича, Рудольф муқаддас мартирлик унвонини оқлаш учун Гоа яқинидаги хинд қишлоқларида қатъий ҳаракатлар килади. У иезуитлар гояси учун ўзини шахид қилишга кўпдан тайёрланиб юрганини, мартирлик унвони шуни такозо килишини Монсерерате биларди. Ўттиз уч ёшли Рудольф Селсет қишлоғида бир эски ибодатхонани католик черковига айлантиrmокчи бўлади. Тўртта бакувват португал йигитини ишга солиб, ибодатхонадаги мажусий ҳайкаллар ўрнига салиб ўрнаттираётган пайтда ерли аҳоли бирдан исён кўтаради-ю, Рудольфни ҳам, унинг тўрт йигитини ҳам уриб ўлдиради.

* * *

Акбарнинг ҳаётини яқиндан кузатиб, у ҳақда маҳсус асар ёзётган хинд тарихнавислари орасида икки киши аввал tengkүr, дўст, кейин эса бир-бирига гоявий ракиб бўлиб кетдилар. Буларнинг бири Абулфазл бўлса, иккинчisi — Абдуқодир Бадавний эди. Улар Акбар саройига деярли бир вақтда келишган ва хизматни энг паст поядан — доғ қилинган отларни хатлайдиган битикчиликдан бошлаган эдилар. Кейин Абулфазлнинг омади келиб, вазирлик лавозимиға кўтарилиди. Бирок Абдуқодир Бадавний саройдаги еттита оддий имомлардан бири бўлганича колди. Лекин у ўзини қалами ўткир, истеъодли муаррих деб билар, саройда, ҳарбий юришда, ибодатхонада Акбарни зимдан кузатиб, унга боғлиқ энг муҳим воқеаларни дафтарига ёзиб борарди. Бир кун эмас бир кун Акбарнинг назари Бадавнийга ҳам тушиши ва унинг ҳам Абулфазлдай кўтарилиб кетиши эҳтимолга якин туюларди. Шунинг учун Бадавний «Мунтахабут таворих», (яъни, танланган тарихлар) деб аталган ёзувларининг бош кисмларини Акбарга ихлосманд одам сифатида ёзди: «Ҳазрати олийлари кўп йиллар давомида қарама-қарши фикрларни бир-бирига муқояса килиб, уларнинг орасидан ҳақиқатни топишга ўргандилар. Ҳазратимнинг янгича эътиқодлари худди тошга ўйилган суратдай узок ўйлар, мунозаралар натижасида аста-секин шаклланиб борди. Бу эътиқод бўйича, аклли одамлар ҳамма миллатлар орасида ҳам бор, уларни йиғиб яқдил кильмоқ савобли иш эмасми?»

Бадавний Акбар томонда туриб ўзича бу савонни берган пайтларда ҳали маънавий зилзилалар ва шайхлар исёни бошланмаган эди. Мулла Абдуқодир Ажмирдаги машҳур

Муйиниддин Чешти мақбарасининг пешвоси бўлиш умидида эди. Бу мақбара Акбарнинг ўзи ҳам пиёда зиёратга борар ва катта эҳсонлар килар эди. Буни кўрган беку аъёнлар ва бошқа одамлардан назру ниёзлар дарёдай оқиб келарди. Бу ерда пешво бўлишнинг бойлигидан ташқари, катта нуфузи ҳам Бадавнийни ўзига тортарди.

Лекин Фатхпурдаги ибодатхонада бўлган диний мунозаараларда Бадавний бир неча марта Ансорий томонида туриб, шайх Муборак билан мунозара қилди. Бир марта ҳатто қизиқконлик килиб, шайх Муборакни даҳрийликда айблади. Акбарга унинг шу ишлари ёқмаган экан. Абулфазл отасига ён босиб, Бадавнийни подшога ёмон кўрсатган бўлиши керак. Акбар Ажмирдаги машҳур мақбара шайх Муборакнинг тарафдори бўлган бошқа бир одамни пешво килиб тайинлатди. Кейин Ансорийнинг шайхулисломлиги бекор бўлди-ю, унга яқин имомлар ҳам ишсиз қолди. Шу имомлардан бири бўлган Абдуқодир Бадавний сарой кутубхонасига таржимон бўлиб ишга кирди. Рўзгор тебратиши учун ўзи сўймайдиган гайридинларнинг китобларини форсча шеърга солишга мажбур бўлди.

Шундан кейин унинг Акбардан жуда кўнгли қолди. Лекин подшога қарши норозилик билдириш ҳам хатарли. Исён кўтарган шайхларнинг ёстиғи қуригани Бадавнийни эҳтиёт бўлишга ундейди. У кундуз кутубхонада таржима билан шуғулланиб қайтгач, кечаси уйида эшикни ичдан бекитиб, деразага парда тортади ва хира йилтираган шам ёругида Акбарга қарши дилида тўплланган норозиликларини қоғозга тўка бошлайди. Унинг назарида, Ансорий ноҳақ қувгин қилингандай, Абулфазл эса имонини подшонинг ислоҳотларига қурбон қилиб катта мартабага эришгандай кўринади. «Мен исломга содик бўлганим учун ҳанузгача косам оқармай, муҳтоҷликда юрибмен», дейди у ичиди ва Акбарнинг хатоларини фош қилиш билан ўзини Абулфазлдан маънан устун сезади.

Чунки Абулфазл Акбар даври ҳақида расмий китоб ёзётгани сарой ахлига маълум. Бу китобда Абулфазл ўз хомийсини фақат мақташга мажбур, унинг айбларини фош қилишга журъят этолмаслиги аниқ. Майли, Абулфазл бойлигу шон-шуҳрат ичиди чўмилиб юрган бўлса ҳам, адолат ва жасорат бобида Абдуқодир Бадавний ўзининг ундан устун эканини исбот қиласи. Мана шу ўй унга илҳом беради, кечалари алламаҳалгача жон чекиб асар ёзади.

Аммо чала ухлаб, эртаси куни кутубхонага ишга борганда уни Акбар тўплаган китобларнинг салобати боса бошлайди. Йитирма мингдан ортиқ китобнинг кўпчилиги —

кимматбахо күлөзма нусхалар. Алоқида жавонда турган юнонча ва фарангича китоблар ёнидан москвалик мемон келтирган русча китоб ҳам ўрин олган. Форсча, арабча, туркий ва санскрит тилларидаги китобларнинг бир қисми Акбарга ота-боболаридан мерос қолган. Бошқаларини эса унинг ўзи битталаб йиққанини Бадавний билади. Акбарнинг китобга ишки баландлигини узок юртларда туриб эшигтан одамлар гоҳо Эрондан, гоҳо Турондан камёб китоблар олиб келадилар, Дарбор кунлари «ҳазратимга нодир китоб кўрсатмочимен» деган одамни унинг ҳузурига тезроқ кириладилар. Акбар китобни синчиклаб кўргач, нарх кўйишни холис бир сахҳофга буюради. Шерозлик Ҳусайн Инжу деган киши Бехзод кўли билан саккизта сурат чизилган Шарафиддин Яздий асарини олиб келган эди. Акбар уни сахҳоф белгилаган нарх билан уч минг рупийга сотиб олди. Бадавшондан келган Фарруҳбек деган киши Ҳилолийнинг «Сифотул ошиқон» номли китобини Акбарга бир минг тўққиз юз кирк беш рупийга сотганини Бадавний кўрган. Фарруҳбек шу биргина китобнинг пулига бош-оёқ кийим ва бошқа талай нарсалар олиши мумкин эди, чунки бозорда бир жуфт атлас ўн рупий, бир коп буғдой етти рупий, битта кўй уч-тўрт рупий турарди¹.

Китоблар шунчалик қиммат бўлгани учун Акбар уларни ҳашарот ва сичқонлар теголмайдиган хушбўй сандал ёғочидан ишланган кутичалар ва жавонларда асрайди. Бадавний бу хушбўй кутичалар ёнида ўлтириб ишлашни яхши кўради. Сарой кутубхонасида шоир Файзий бош китобдорлик вазифасини ўтайди. Акбарнинг топшириги билан Накибхон деган олим Бадавнийга қўшилиб «Рамаяна»ни таржима қилмоқда. Файзийнинг ўзи «Инжил»ни юнончадан форсчага маснавий шеър шаклида таржима этмоқда. Ҳиндларнинг тўртта муқаддас китобларидан бири саналган «Ахтарваведа»ни санскритдан форсчага ағдариш Ҳўжа Иброрим Сирхиндига топширилган.

Акбар ҳафтада бир марта кутубхонага келиб, қалам ахлини хонайи хосга йигади-да, энг яхши таржималардан намуналар ўқитади. Улуғ ҳинд достонлари «Рамаяна» ва «Маҳабхарата»гоҳ Фирдавсий «Шоҳнома»сини, гоҳ Навоий «Хамса»сини эслатувчи улуғвор аruz вазнида жаранглар экан, Акбар ўз қархисида ўлтирган мавлоноларга мароқ экан, Акбар қараб кўяди. Бу давра «Хамса»даги Чин шахзодаси Фарҳод, арман маликаси Ширин, юнон файласуфи Арасту, эронлик Шопур, арабистонлик Кайс каби турли ҳалқ вакил-

ларининг Навоий қалбида ва ижодида бир-бирига яқин кадрдонларга айланганини эслатмайдими? Акбар шу саволга жавоб излаб, қархисида ўлтирган Абулфазлга, рожа Бирбалга, Азиз кўкага, Тодар Малга, Абдураҳим хони тоноиги, Бадавнийга бир-бир кўз ташлаб чиқди-да:

Ажаб!— деб сўз бошлади.— Биримизнинг аждодиши араб, биримизники ҳинд... Биримиз — афғон, биримиз — туркий улусданмиз. Диний адвотатлар туфайли «Рамаяна»дай улуғ достон минг йиллардан буён қўшини тилларнинг бирортасига таржима этилмабдир. Ҳолбуки, барчамизга баробар бўлган умум бир тил топиш мумкин экан-ку! Рожа Тодар Малга балли, бутун давлат ишларини форсий тилда олиб боришга Аграни ҳам, Панжобни ҳам, Гужаратни ҳам, Банголани ҳам кўндириди.

Рожа Бирбал лукма ташлади:

— Ҳазратим, кўнмаганларни Тодар Мал қандай далил билан кўндирганини эшигтанмисиз?

— Йўқ. Қани, эштайлик?

— Тодар Мал уларга сизни ибрат килиб кўрсатмишdir. «Сен ўйингда панжобча сўзлашсанг, подшомиз туркийча сўзлашурлар. Лекин давлат идорасида икки томонга ҳам баробар форсий тилда иш олиб боришга подшо кўнса-ю, сен кўнмасанг, ўзингни ҳазратдан баланд олган бўлмайсанми?»— деган. Қани, бу далилдан ҳайикмай кўрсии!

Шўх оҳангда айтилган бу гапдан кўпчилик бир кулиб олди. Акбар ҳам кулиб туриб деди:

— Ҳар қалай, кўп тил билмоқ — фозиллик аломатидир. Буни бизнинг тутунган фарзандимиз Абдураҳимнинг шухрати ҳам кўрсатиб турибдир. Абдураҳим отаси Байрамхон каби ҳазрат Навоийдан ибрат олиб чиройли туркий шеърлар ёзди. Яна форсчада, арабчада битган шеърлари ҳам машхур бўлди. Сўнгги йилларда Абдураҳимнинг ҳинд тилида ёзган доҳалари¹ одамлар орасида мақол янглик айтиб юрилганига, мана, биз гувоҳмиз. Турли имону эътиқодларни тенг кўришнинг энг яхши самараси шу эмасми?

Акбар тўсатдан Абдуқодир Бадавнийга мурожаат килди:

— Мавлоно, бир вактлар сиз «Рамаяна» билан «Маҳабхарата»ни «имонсиз китоблар» деб камситган эдингиз. Энди бу асарларни таржима килиш давомида фикрингиз ўзгарган бўлса керак? Шундай улуғ достонлар яратган ҳалкнинг имони кучли, руҳи кудратли эканини сезгандирсиз?

Бадавнийнинг ранги қўркуздан сқарди. Наҳотки Акбар унинг яширин ёзувларидан хабар топған бўлса? Бадавний кўл ковуштириб ўрнидан турди:

¹ Доҳа — икки сатрли киска шеър.

¹ Бу нархлар Абулфазлнинг «Ойини Акбарий»сила келтирилган.

— Ҳазратим, факир ноһимни ҳалол қилиб ейиш учун жон-жаҳдим билан таржима қилмоқдамен. «Рамаяна» билан «Махабхарат»ни форсийча арзуда ёзганим сари бу достонларнинг шеърий курдати мени сехрлаб олаётгани рост. Ҳатто ҳиндларнинг имону эътиқоди дилимга йўл топиб келгандек бўлур. Исломга хиёнат қилган каби сесканиб кетурмен!

— Агар барча эътиқодларни баробар билганингизда бундай сесканмас эдингиз. Назаримда, сулҳи кулл ҳали дилингизда қарор топган эмас.

Акбарнинг бу сўzlари Бадавнийга «бегонасан!» дегандек эшитилди:

— Ҳазратим, факир сулҳи куллни тан олганим учун ҳинд достонларини таржима этмоқдамен-ку! Наҳотки, факирни ҳамон бегоналар қаторига қўшсангиз?

— Биз эмас, ўзингиз ўзингизни бегона кўрсатмоқдасиз...

Бадавний яна хавотирга тушди:

— Мени афу этинг, факир қачон ўзимни бегона кўрсашибмен?..

— Мана ҳозир ҳам...— Акбар даврадагиларни бир-бир кўрсатди.— Ҳеч ким соқол қўйган эмас. Факат сиз биздан норози шайху имомлар каби узун соқол билан юрибсиз!

Чиндан, Акбарнинг ўзи соқол қўйган эмас, факат мўйлови бор. Абулфазл ҳам, Бирбал ҳам, янги эътиқод тарафдори бўлган бошқа кишилар ҳам илгариги узуи соқолларини олдириб ташлаганлар, факат мўйловларини қолдирганлар. Ҳозир Акбар тарафдорларини шундан ҳам таниб олиш мумкин. Лекин эски мусулмончилик тарафдори бўлганлар соқолни «мўйи муборак» деб улуғлашар, «уни олдирганлар даҳрийлар йўлига киргай!» деб таҳдид қилишарди. Бадавний шу таҳдиддан қўрққани учун оқ оралаган чиройли соқолини ҳалигача олдирмай юрар эди. Бирок ҳозир Акбар уни бегоналар қаторига қўшгани нариги таҳдиддан хатарлирок туюлди. Кечалари яширинча ёзаётгани асари ва унда Акбарнинг айбини фош этаётгани ёдига тушди. Подшонинг хуфиялари бор. Агар уларга буюрилса, Бадавнийнинг ўйини яширикча тинтиб махфий ёзувларни кўлга туширишлари ҳеч гап эмас. Кейин Бадавнийнинг барча орзу-умидлари пучга чикади! Ундан кўра Бадавний ҳам Акбарга ўзини содик кўрсатиб, соқолини олдириб ташлай қолтани афзал эмасми? Яхши кунлар келганда яна соқол қўйиши мумкин-ку!

Шу фикр билан Бадавний келгуси ҳафта Акбар кутубхонага келадиган пайтгача соқолини олдириб, унинг содик тарафдорлари қиёфасига кирди. Акбар кулимсираб:

— Жасорат кўргазибсиз, мавлоно!— деди ва сармунши

Нақибхонга буюрди:— Ҳижрий минг йилликка¹ атаб тайёртниётган «Тарихи алфа»дан бир бобини ёзиш мавлоно Бадавнийга топширилсин!

«Тарихи алфа»— минг йилнинг тарихи деган маънони билдиради. Шу минг йилдан икки асрлик давр тарихини ёниш Бадавнийга топширилди ва бу ишга яраша дурустгина маопи ҳам белгиланди. Бадавний бундан жуда мамнун бўлдию, лекин соқол олдиргани туфайли илгариги маслакдош дўстларидан кўп таъналар, истеҳзолар эшилди. Исломга садоқат сақлаб соколини олдирмай юрган шайхлар Бадавнийни соткин ҳисоблаб, ундан ўзларини олиб қочадиган бўлдилар. Бадавний эса ойнага қарагиси келмай қолди. Чунки илгариги бўлиқ соқоли ингичка хунук иягини бескитиб, уни ўзига ҳам чиройли ва салобатли кўрсатарди. Ҳозир ойнага қараса, юзи сичқонникидай фариштасиз туюлиб, таъбини тиррик қиласи. Бунинг устига Бадавний кутубхонада ўлтириб таржима қилаётган ҳинд достонининг гайридинларга хос таъсири уни даҳрий қилиб қўяётгандай бўлади. У худонинг ғазабидан кўрқади, дилини гуноҳлардан поклаш учун кечкурун уйга қайтганда яхшилаб таҳорат қиласи, намоз ўқиди, сўнг қуръон сураларидан дилига яқин туюлганларини тоза оқ қоғозга хаттотларча чиройли ҳарфлар билан кўчиришга тушади.

Абдуқодир Бадавний ўзини яна имони бут муслимдек ҳис қила бошлагандан кейингина Акбар ҳақидаги яширин асарини ёзишга ўтади.

Акбарга қарши исён кўтаргани учун Гангага чўқтириб юборилган қозикалон Мұҳаммад Яздийни Бадавний «шахид» деб улуғлади. Акбар ўзининг ўн тўрт рупийлик олтин ашрафий тангасига калимайт шаҳодатни ёздирмаганини «исломга хиёнат» деб қоралайди. Шайхлар ғалаёни бостирилганда бу ғалаёнга қатнашган имомлар жазодан кўркиб қочган, ўша кезларда баъзи масжидлар хувиллаб, бўшаб қолган, уларнинг айримларини ҳарбий коровуллар эгаллаган эди. Бадавний шуни назарда тутиб, «Акбар масжидларни коровулхонага айлантирмоқда, омборхона қилиб қўймокда», деб қуйинади.

Айникса, Акбарнинг қамарий йил ҳисобидан шамсий ҳисобга ўтиш ҳақида чиқарган фармони Абдуқодир Бадавнийни қаттиқ норози қиласи. Муқаддас рамазон ойи наҳотки унүтилса? Ражаб, муҳаррам... одамлар болаларига исм

¹ Ҳижрий минг йиллик мелодий 1592 йилда киради.

қилиб қўядиган бу номлар Бадавнийнинг қулогига беҳад сехрли эшитилади.

Бироқ ой тўлишига караб ҳисобланадиган қамарий ойлар шамсий ойлардан қисқароқ, шунинг учун ҳар йили ўн-ўн бир кун ортиб колади. Қамарий ойлар ҳам ўн-ўн бир кундан сурила-сурила, рўза гоҳ кишида, гоҳ ёзда келади. Акбар кузда туғилган бўлса ҳам, қамарий ойлар сурилиб юргани учун ўз туғилган кунини гоҳ баҳорда, гоҳ ёзда нишонлашга мажбур. Йил фаслларининг аниқ ҳисобини олиб иш кўрадиган деҳқонлар, косиблар, бошқа ҳунар эгалари учун ҳам мудом кўчиб юрадиган қамарий ойлар кўп ноқулайликлар келтиради. Шунинг учун ҳалқ орасида азалдан бор бўлган шамсий ҳисоб (ҳар йили аниқ бир вақтда келадиган наврўз, саратон, мезон) кўпроқ истеъмолда бўлади.

Бадавний учун эса шамсий ойлар ҳам, наврўз байрами ҳам оташпарамстлик давридан қолган бидъат. У фақат ҳижрий йил ҳисобини муқаддас деб билади. Акбар шу келаётган ҳамал ойидан бошлаб бутун давлат ишларини шамсий ҳисобга ўтказиш ҳақида фармон чиқаргани Бадавнийга «кофириона фармон» бўлиб кўринади.

Кундузлари Акбарнинг шаънига мақтovлар айтиб, «Мабҳарата» ва «Рамаяна»ни таржима қилиб пул ишлайдиган бу одам кечалари эшик-деразани бекитиб, Акбарнинг худодан қайтганлигини исбот этувчи далилларни қоғоз юзига бирма-бир тизарди ва бисотида бор диний айбларни унга тақарди. Биладики, бу айблар Акбар ҳукмронлигининг илдизига уриладиган болтанинг ишини қилади. Чунки одамлар подшонинг диндан қайтганини билсалар, уни таҳтдан туширишга ҳақли бўладилар. Шахзода Салим отасининг ислоҳотларига зимдан қарши эканини Бадавний эшитган. У ўз «Мунтахаби таворихини» келажак авлод учун ёзмокда. Бадавний Акбардан ёш, ҳали унинг даври туғайдиган кунни ҳам кўришига ишонади. Мана шу ишонч унинг қаламига куч, дилига мадад беради.

* * *

Акбар топшириғи билан худди шу давр ҳақида очик-часига китоб ёзаётган Абулфазл эса бутунлай бошқа манбалардан руҳий мадад олади. У ўз ватани Хиндишонни севади. Бундан ўтиз-кирқ йил олдин ўзаро урушлар ва миллий низолардан аброр бўлиб заифлашиб қолган Хиндишон ҳозир дунёнинг энг кудратли давлатлари сафига кираётгани-

лини қувонади. Акбарни гарбдаги Англиядан тортиб шарқтаги Хитойгача ўнлаб мамлакатлар тан олиб, элчилар юбормокла. Бу элчилар: «Хозир дунёда иккита энг кудратли иш обрўли мамлакат бўлса, бири Хиндишондир!» деб айтганиларини Абулфазл ҳар эшитганда ифтихор туйгусидан қилби бир даража ўсади.

Ахир у ёшлиқдан ўз ватанининг мана шундай юксалишини орзу қилмаганмиди? Отаси билан бирга энг оғир кунларни кўрганда, қувгинлар, адолатсизликларни бошидан кечирганда ҳалқ эртакларидаги каби одил бир раҳбарга эҳтиёж сезмаганмиди? Шу эҳтиёж туфайли маҳдийлар ҳаракатига қўшилган ва хиндларнинг бҳакти таълимотини ҳилига жо этмаганмиди? Саройда вазир бўлгандан бери ўша орзу-истакларини Акбар ёрдамида амалга оширишга интилястгани шу боисдандир. Тўтри, Акбар ҳам ички-ташкиниддиятлар исканжасидан кутулолмайди, осий банда сифатида катта гуноҳлар ва ҳатолар қилади. Абулфазл шуни билса ҳам, бари бир Акбардан умидини узмайди. Унинг назарида, Акбар фавқулодда йирик шахс, тақдир унга омадини ҳам, истеъодони ҳам аямай берган. Абулфазл унинг ҳақида тарихий китоб ёзаркан, ўзича бир саволга ҳавоб изълайди: Кобулда икки ярим яшарлигига ўзидан катта амакибачаси Иброҳим мирзони курашда йикитгандан бери Акбарнинг елкаси ер кўрмай келаётганининг сабаби нимада? Абулфазл бунинг сиру асрорини Акбардан сўраса ҳазиломуз жавоб олади:

— Мен ҳам кўп йиқилганмен... Бир ёшдан ошиб, энди юра бошлаганимда раҳматли амаким мирзо Аскарий ёғимга саллалари билан уриб, беш-ўн марта йикитган эдилар. Шу ҳалигача гира-шира ёдимда бор. Бу туркий удумни «болалигингдаги йиқилганларинг бутун умрингга етгулик бўлсин, улгайгандা елканг ер кўрмасин», деган тилак билан килар эканлар. Эҳтимол, шу тилак ижобат бўлгани учун иқбол менга ёрдир?

Лекин Акбарнинг ҳаётини йигирма йилдан бери яқиндан кузатиб юрган Абулфазл зафарнинг ўзи келмаслигини, ҳар бир мушкулотни бартараф қилишга беҳад кўп куч, истеъод, меҳнат сарф бўлишини биларди. Акбар ҳам ота-боболарига ўхшаб кам ухлар эди. Ярим тунда ётса ҳам, эрталаб тонг отар-отмас уйғонар, ўртacha тўрт соат уйқу унга бир кечакундузга етар эди. Қолган вакти давлат иши-ю, бошқа минг хил заруротларга таксим бўларди.

Кобул юришидан кейин ташвиш сал камайган бўлса ҳам, дарёдай тинимсиз оқаётган ҳаёт ўз йўлида янги-янги

ўпқонларга дуч келар, улар Акбарга қүшиб Абулфазлни ҳам күтилмаган гирдоблар домига тортарди.

Ташқи оламда ана шундай хатарли гирдоблардан бири Пешовар ва Ҳайбар довони этакларида бош кўтартган равшанийлар исёни туфайли пайдо бўлди. Бу исённи шимолдан Абдуллахоннинг маҳфий одамлари кўллаб-куватлардилар. Гоа оролидаги фарангилар сув йўллари орқали Пешоварга курол-яроғ етказиб бериб турдилар. Фатхпур — Секридаги Альберт-Алибек равшанийлар пешвоси шайх Жалолиддинни ҳисбдан кочирганини саройда ҳеч ким билмай қолди. Аммо бу шайх Пешоварга қайтиб бориб, Ҳайбар довонининг нари-берисидаги юсуфзайларни кўзголон гирдобига тортгандан кейин равшанийлар исёни Бианадаги маҳдийлар кўзголонига ўхшаб, катта бир халқ ҳаракатига айланди, унга минг-минглаб дехконлар, чўпонлар ҳам иштирок эта бошлади. Кобулда Ман Синҳ каби рожпутлар ҳоким бўлиб тургани учун шайхлар афғон қабилаларининг миллий гурурини қўзғатди. Улар мустакил давлат тузиш учун Ҳайбар довонини икки томонидан бекитиб олишди. Кобул марказий давлатдан бир йилча узилиб, карвон қатнови тўхтаб қолди. Турондаги Абдуллахон шу қулай пайтдан фойдаланиб, Бадахшонни ўз қаламравига ўтказди.

Акбар навбатдаги юришни Гоа оролидаги фарангиларга қарши қымын булиб, ўн беш минг күшин тайёргөлгөн эди. Энди бу күшинни шимолгага буришга мажбур бўлди.

Рожа Бирбал ва Зайниддин кўкалдош саркардалигидаги саккиз минг кўшин Хайбар довонини очиш ва Кобулдаги Ман Синх билан алоқани тиклаш учун юборилди.

Ташки оламда мушкулот кўпайганда ички муҳолифлар ҳам дадилланишини Абулфазл шу кунларда аниқроқ хис килди. Акбарнинг ноҳайриҳоҳлари энди уни ўғли Салим ёрдамида йикитиш умидида эканликларини қаттиқ сир тутар эдилар. Лекин гоҳи-гоҳида Фарид Бухорий Салимни «Шоҳнома» қаҳрамони Сухробга қиёслаб мақтаганда Алибек ва Абдуқодир Бадавнийлар бундан ўзларича теран маъно топиб, мамнун кўз уришириб олар эдилар. Хеч кимдан енгилмаган Рустамни ўғли Сухроб енгганлиги Абулфазлнинг ҳам эсига тушар эди-ю, «наҳотки булар Акбарни ҳам Салим йикитишига шунчалик умид боғласалар?» деб изтиробга тушар эди. Бу мудҳиши ниятдан Салимнинг хабари бормикин? Ҳали у энди ўн тўртга кирган ўсмир-ку.

Лекин Ҳиндистоннинг иссиқ иқлимида Салим тез балоғатга етмоқда эди. Алибек Переиро айтиб берган шаҳвоний хикоялар ва яширинча кўрсатган беҳаё суратлар шаҳзода-нинг тушларига кириб чиқади. Олпок баданлар сурати кеч-а-

си гоҳо тирик қызга айланыб, шаҳзоданинг қўйнига киради, унинг юраклари турсиллаб уриб, уйғониб кетади. Кейинги пайтларда Алибек уни тезроқ уйланишга чорлайди.

Бирок Акбар вояга етмаган ўсмирларнинг уйланишини тақиқлайдиган маҳсус қонун чиқарган. Чунки Хиндистанда ўн-ўн бир яшар қизларни ҳам эрга бериши одатлари бор. Балоғатга етмай қурилган оиласаларда хунук ҳодисалар юз беради. «Сати» деган бидъат ҳам қанча бегуноҳ аёлларнинг ўлган эрлари мурдасига қўшилиб оловда куйиб кетишларига сабаб бўлмоқда. Акбар маҳсус фармон билан «сати» одатини ҳам, ўн-ўн икки ёшли қизларни эрга беришни ҳам қатъиянман қилди. Ўғил болани ўн олти ёшдан олдин уйлантириш, қизларни ўн тўртга тўлмасдан эрга бериши қонун томонидан тақиқланди. Бирбал, Абулфазл каби алломалар маслаҳати билан чиқарилган бу қонун шаҳзода Салимнинг Алибек томонидан уйғотилган истакларига қарши келиб колди. Салим ва унинг тарафдорлари бу қонунни четлаб ўтиш учун кулаг фурсат пойладилар.

Наврۇз байрами Ҳиндистондаги барча имону эътиқод вакиллары учун баробар бўлган умумхалқ байрами тарзида ўтказилар эди. Барча сарой иморатлари, кўча ва майдонлар, бозор расталари чўғдай ясатилар, анвойи ширинликлар, сумалак ва «ш» билан бошланадиган етти хил тансиқ нарсалар тайёрланарди.

Наврүзга бир кун қолганда Ақбар энг яқин беку аъёнларини девони омга йиғеди-да:

— Хар бирингиз дилингизга тушиб юрган битта эзгу тилакни айтинг,— деди,— токи шу күтлүг айёмда биз уни бажо келтирайылк.

Беклар таҳтнинг ўнг томонида, подшонинг ёнида ўлтирган Салимга кўз тикишди. У барча аъёнлардан ёшроқ — энди ўн тўртга кирган. Лекин тўнгич шаҳзода бўлгани учун кекса амиру вазирлардан ҳам юкорироқда — Акбардан кейинги иккинчи ўринда ўлтирибди. Бобур ҳам, Ҳумоюн ҳам ўз тўнгич ўғлини мана шундай эъзозлаб ўстиргани учун Акбар ота-боболарининг қарзини ўғлига узмоқда. У биринчи тилак айтиш хуқукини ҳам Салимга бериб:

— Кани, амирзодам,— деди

Салим ўрнидан туриб отасига яхшилаб таъзим қилгач:
— Ҳазратим, сиздек ишне сиймада й... бўй

— Ҳазратым, сиздек улуг сиймога ўғил бўлганим учун тангрига шукурлар килурмен! — деди. — Агар жоиз бўлса, дилимдаги битта тилакни айттаймен.

— Жоиз, жоиз! — деди Акбар жилмайиб
Салым атасынан да күнгөй.

Салим отасидан сўрамоқчи бўлган тилагини мавлоно Фарид ёрдамида олдиндан пишишиб келгани учун яхши ёд

олган дарснин айтаттган талабадай равон сўзлай бошлади:

— Фазни ёки Бадахшон каби салқин тоғлар орасида йигитлар эҳтимол ўн олти ёшгача балоғатга етмаслар. У ёкдаги қизларни ўн тўрт ёшгача эрга бермаслик тўгри... Аммо Ҳиндистон иқлимида ёшлар тез балоғатга етувлар... Азалдан... одат бор... Ўғлингизнинг тилаги шуки, ўн олти ёшдан уйланиш ҳақидаги фармони олий шимолий ўлкаларга жорий қилинса. Бу ерда ўн тўрт ёшдан уйланишга рухсат берилсаб... Қизлар ўн икки ёшдан узатилсалар...

Беклар шаҳзоданинг ҳалитдан уйланишини истаб қолганинин сезишибди-ю, бир-бирларига жилмайиб қараб қўйишиди. Бироқ Акбарга биринчи бўлиб тилак айтган ўғлининг бундан муҳимрок нарсаларни ўйламаслиги ва отаси чиқарган конунни бузишдан тоймаслиги жуда нохуш туюлди. Лекин ўғлини беклари олдида изза кимаслик учун ҳеч нарса демади-да, Салимга «ўтира тур!» деган ишорани қилди, сўнг Абулфазлга юзланди:

— Мавлоно, сизнинг тилагингиз недур?

— Ҳазратим, ҳанузгача эътибордан четда қолиб келмокда бўлган бир зарурат бор,— деб Абулфазл аҳолининг сони ҳақида гапирди.— Биз пулни ҳисоблаймиз, молни ҳисоблаймиз. Бироқ одамларимиз қанча? Ахолининг қанчаси эркак, қанчаси аёл? Қанча одам кайси элга, кайси эътиқодга мансуб? Шуни ҳалигача аник билмайдирмиз. Ҳолбуки, буни билмасдан туриб бехато сиёсат юргизиб бўлмагай. Шунинг учун фақир бутун мамлакатда аҳоли рўйхати ўтказилсин, деб тилак билдиргаймен.

Акбар бу тилакни маъқул қўриб бош иргади. Бошқа аъёнлар катта кўпприклар куриш, ариқ қазиб сув чиқариш ҳақида муҳим-муҳим истакларини айтдилар. Акбар давлат ва эл-юрт манфаатларини кўзлаб айтилган ҳамма тилакларни қабул қилди. Буларнинг қаршисида ўғли Салимнинг фақат ўзини ўйлаб билдирган тилаги янада майда ва бачканана туюлди.

Акбар аъёнларига жавоб берди-да, Салимни ўзининг хонайи хосига бошлаб кирди. Уни қаршисига тик тургизиб кўйиб:

— Ўғлим, сен бугун мени ҳам, ўзингни ҳам хижолатга колдиридинг,— деди.— Бутун мамлакатга эълон қилинган фармонни мен нечун бекор қилмогим лозим? Сенинг тезроқ уйлангинг келгани учунми?

Салим бўзрайиб ерга тикилганича сукут қилди. Унинг узр сўрамай жим тургани Акбарга ўжарлик аломати бўлиб кўринди.

— Сенда ҳалитдан нафс ғолиб келса, оқибати не бўли-

шини ўйлайсенми? Ахир никоҳнинг мукаддас мақсади — Фирғанд кўриш-ку.Faқат қўнгилхушлиги учун уйланурлар, леб сенга ким ўргатди?

Сўнгги пайтларда Алибек Салимга Акбарнинг ҳарамида қинақа гўзал қизлар борлигини шивирлаб айтиб берган ва уни ҳазратдан ибрат олишга ундалган эди. Лекин сир саклашга ўрганган Салим ҳозир буни отасидан яшириди.

Салимнинг боши эгик бўлса ҳам, лабининг бир чети тиржайиб истехзоли жилмайгандай бўлди. У отасининг мутъа никоҳи билан уйланган хотинлари кўплигини эслатиб, «ўзингиз ҳам ўргатмоқдасиз!» демокчи эди.

Акбарнинг ҳарамида Салима бегим, рани Жодҳа Бай каби ўғил туккан хотинларидан ташқари Истамбули бегим деган йигирма ёшли ҳуснда тенгсиз турк жувони ҳам бор. Яна у фарангистонлик Мария деган сутга чайилгандай опшоқ бир гўзални ҳам никоҳига олганини Салим яқинда Алибекдан эшилди. Отаси кирқдан ошгандан бўён шу икки ёш хотин унга қанчалик суюкли бўлиб колганини Алибек бутун тафсилотлари билан айтиб берди. Ахир Салимнинг онаси Жодҳа Бай ҳам энди ўттиз бешга кирган кўхлик жувон-ку. Онаси ҳафталарап давомида Акбарнинг йўлига кўз тикиб, кундошлик аламидан юм-юм йиғлаган пайтларида, отаси бошқа суюкли хотинининг ҳарамида кўнгилхушлик килишини Салим билмайдими?

Акбар ўғлининг тиржайишидан шу маънони пайқади-ю, иччиқланиш ўрнига ўнгайсизланди. Чунки у ўз ҳаётининг ўғилларига ибрат бўлолмайдиган энг чигал қисми ҳарамда кечишини биларди. Нафис ва жўшқин эҳтирослар дарёсида чаппор уриб сузгандарли, Жодҳа Бай қасрида сатранж ўйнагилари, Салима бегим кўшкидаги шеърхонликлар, бошқа хотинлари учун курдирган ораста уйларда бўладиган ўйинкулги, ашула, ракс, хурсандчиликлар — ҳаммаси унинг оғир жангалarda ва ҳокимият талотумларида тортган азоблари әвазига тақдир томонидан юборилган мукофот, холосми? Йўқ, кўнгилхушликлар ўтгандан кейин бошланадиган дилсиёхликлар Акбарга бу мукофотнинг ичи тўла жазо эканини қўрсатиб туради. Севиб уйланган жуфти ҳалоли Жодҳа Ўйнинг муҳаббатига яраша вафо кутиб термулган ёшли қўзларини кўргандан Акбар ўзидан ўзи нафраланади. Бошқа хотинлари ҳам мудом унинг дийдорига зор. Шоҳона уйжойлару зебу зийнатлар ҳам уларнинг кўзларига кўринмайди. Гулдай умрлари ҳар замонда бир келиб кетадиган эрнинг дистидан ҳазон бўлаётгани, айниқса, фарзанд кўрмай ўтаётгани ёш хотинлари учун даҳшатли фожия эканини Акбар уларнинг дил ёриб йиғлаб гапирган пайтларида билиб

жолади, руҳий қийнокларга чидай олмай, ҳатто саройдан бош олиб кетгиси келади.

Бултур ярим тунда отаси ҳарамдан руҳан эзилиб чикиб, ёлғиз ўзи Панжоб томонга йўл олганини ўғли Салим ҳам эшитган. Иккита қўриқчи йигити унга яқинлашишга журъат этолмай, кетидан эргашадилар. Қўрчибени, «бундай пайтда Акбарга сўзи ўтадиган ягона одам — рожа Бирбал» деб, уни ўйғотди. Икковлари қоронги тунда ҳамон пиёда кетаётган Акбарга яқин бориб, отдан тушдилар. Бирбал қўрқа-писа ёнига борганди, Акбар уни ҳам жеркиб ташлади:

— Мени ўз ҳолимга қўйинг! Кетинг!

— Ҳазрати шаҳаншоҳ, ахир қоронги тунда қайга бормоқчисиз?

— Мени тахтга чиқарган жойларига боргаймен. Подшоҳлигини қайтариб бериб, бу гуноҳлардан сокит бўлмоқчимен. Кетинг! Эргашманг!

«Хуши жойида эмас, Истамбули бегим ҳузурида кўпроқ ичib қўйганми?» деб ўйлади Бирбал. Сўнг тонг отгунча Акбар билан қорама-қора бораверди. Атроф ёришиб кетгандан сўнг ўйлда учраган одамлар уни таний бошлади. Кун ёйилганда Акбарнинг атрофида одам кўпайиб кетди.

Акбар Панжобгача пиёда етолмаслигини энди фаҳмлайдай бўлди-ю, от келтиришни буюрди. Бирбал ҳам ғотланаб, ўттиз милча йўлни бирга босиб ўтди. У ёқдан-бу ёқдан гапириб, ҳар хил ҳикоят, ривоят ва латифалар айтиб бердида, ахирни Акбарни жилмайишга мажбур қилди. Ҳовури сал босилгандан кейин, Бирбал уни саройга қайтишга кўндириди.

Бу йил баҳорда Акбар яна ҳарамдаги руҳий қийноклардан безиб, саройдан сахар палла ёлгиз чиқди-да, Секрининг жанубидаги ўрмонларга кириб кетди. Икки кунгача туз totмади, ҳеч кимни яқинига йўлатмади. Бу гал ҳатто онаси Ҳамида бегим билан ҳам гаплашгиси келмади. Унинг ҳарамга оид нозик ва чигал сирларини факат рожа Бирбал билар эди. Яна шу дўсти Акбарнинг олдига бориб, кувса ҳам кетмай, ахийри уни дил ёриб сўзлашга мажбур қилди:

— Фаранг хотиним Мария йиғлаб айтдики, «ҳатто кулларни озод қилибсиз, кул эмас, чела деб аташни буюрибсиз, лекин ҳарамда сизни судиган хотинларингизни нечун бунчалик қаттиқ тутмоқдасиз?» Шундай деб эшикни менга кўрсатди: «Буни факат ташқаридан кулфлайдилар, кулф ичкаридан очилмайдиган қилиб ўрнатилишишdir!» Яъни ҳарамдаги аёл остона ҳатлаб ташқарига чиқмасин, унинг ҳар бир қадами назорат остида бўлсин, деб шундай қилинмишdir!

— Бундай ҳарам тутиш русумини сиз ўйлаб чиқариб-

сизми, ҳазратим? Неча асрлардан бери давом этиб келаётган шоҳлик удуми шундай бўлса начора?

— Лекин шу шафқатсиз удумни ўйқотиб бўлмагайми? Ҷечора Мария... бошқача ҳаётга ўрганган... Ёки унга жавоб берайми?

— Ўзи шуни истайдирми?

— Йўқ, у менга дил берган. Истайдики, мен ҳам фақат битта уни дейин. Раҳматли Салим ота ҳам, шерга ўҳшаб, битта танлаган жуфтим билан яшашни маслаҳат берган эдилар. Не килай? Бошқа хотинларни талоқ қилиб ҳарамдан чиқарсан...

Рожа Бирбал қўрқиб кетди:

— Бу ҳеч мумкин эмас! Ўғилларингизнинг оналарини талоқ қилиб, ҳарамдан чиқариш... Йўқ, йўқ! Айтишга тил бормайдир!

Акбарнинг ўзи ҳам бунинг мумкин эмаслигини сезиб турибди. Боши берк кўча, ечиб бўлмайдиган тугун! Бирбал икковлари ўрмонда гулхан ёқиб кечаси билан гаплашиб чиқишиди. Кўпни кўрган Бирбал ўзи билган ҳар хил гаройиб воқеалардан, ўқиган турли китобларидан мисол келтирди:

— Инсон ҳаётида ечиб бўлмайдиган тугунлар ҳамиша бўлган, улар ҳар бир кишининг дилида бор,— деб Акбарни ишонтириди...

Ранг-рўйи ўчган, ўрмонда озаб кетган отаси ғалати бир ахволда Бирбал билан бирга саройга қайтганини Салим ҳам кўрган эди. Акбар бу воқеаларнинг сабабини ўғлидан сир тутарди. Ҳозир ҳам у Салимга пардали қилиб гапириди:

— Мен кўрган руҳий қийнокларни илоҳим сен кўрмагин, ўғлим! Шу ниятда сенга Салим отадай инсоғли пок бир одамнинг номини қўйганмен.

Салим ҳамон бошини эгіб жим турибди. Аммо энди лабининг иккинчи чети кўтарилиб, яна кинояли жилмайди. У Салим отанинг ўттиз ёшда суяклари уриб синдирилган ногирон одамга айланиб, ҳассага суяниб қолганини мавлоно Фариддан эшитганди. Бунинг нимасига ҳавас қилиб бўлади? Салим йигитлик кучининг бепоёнлиги жиҳатдан отасига ўхашни, балки ундан ҳам ўзишни истайди.

Акбар ўғлининг авзойидан сўнгги гапи бекор кетганини сезди-ю, ота-боболарининг тажрибасини гувоҳликка чақириди:

— Ахир сен ҳам ўзингдай яхши ўғил кўрмогинг учун ёшинг етилмоғи керак! Мана, кара: сен тугилгандага мен йигирма етти ёшда эдим. Бобур бобомиз тугилгандага оталари Умаршайх мирзо ҳам йигирма етти ёшда эканлар. Мен тугилгандага ҳазрат отам ўттиз уч ёшда бўлганлар.

Салим энди бошини кўтариб, отасига маъюс бир назар ташлади. Наҳотки отаси уни йигирма-ўттиз ёшларгача бўйдок юргин демокчи?

— Ҳеч бўлмаса, ўн олтидан ошгин,— деди Акбар.— Назаримда, ҳозирги муаллимларинг сени тўғри йўлга сололмаётганга ўхшайдир. Энди Абулфазлни сенга бош тарбиячи қилиб тайин этгаймен.

Салимга Аграда алоҳида қаср қуриб берилган. Шоҳзодалик удумига биноан юзлаб садам унинг итоатида эди.

Абулфазл шаҳзода Салим ихтиёридаги қасрга бориб, унга тарихдан, фалсафадан дарс бериб юрган кезларда Акбар ўзининг янги маслагини эълон қилди. Абулфазл биринчилардан бўлиб уни қабул қилди-ю, Салимни ҳам отасининг йўлига юргизишга интилди.

Салим яна кинояли кулемсиради:

— Бироқ мен ҳали ёшмен, янги маслакни балофатга етганилар қабул қилсан.

— Об-бо, ҳазратим уйланишга шошилма деганларидан ҳалигача хафа бўлиб юрибсизми, а? Аммо хушёр бўлинг. Тождор ота билан ворис ўғли орасида кичкина бир жой дардз кетса шунга дарҳол пона қокиб, ёриқни жарга айлантирувчилар бор!

— Ўшалар кимлар?— ўсмокчилаб сўради Салим.— Тодэр Малми? Тоғаларим Ман Синҳ билан Ҳағван Даҳми?

— Худо сақласин!— хитоб қилди Абулфазл.

— Ахир улар ҳам дини илоҳийни қабул қилмабдирлар-ку?!

— Амирзодам, янги маслакни қабул қилиш ихтиёрий. Агар мажбурий бўлганда тоғаларингиз қабул қиларди. Аммо ҳазратимнинг янги эътиқодларини «бҳакти» тарафдори бўлган минг-минг деҳқону косиблар, иавкару заҳматкашлар ихтиёрий қабул қилмоқдалар. Бу борада турли шаҳару қишлоқлардан келган ахборотларни сизга ҳам кўрсатмогим мумкин. Абдуқодир Бадавнийни билсангиз керак. Бадгом қовоқ имомлардан бўлган шу одам ҳам «мамлакатнинг авом ҳалқидан ярмиси янги маслакка ўтиши мумкин»¹ деб кўркиб юрибдир.

— Мавлоно, менга авомларни ибрат қилиб кўрсатманг. Ундан қўра тасвирхонага бошлаб боринг.

Салимда мусаввирилкка қизиқиш борлигини сезган Абулфазл уни тасвирхонага бошлаб келди. Бу ерда Ҳўжа Абдусамад, Басаван, Кесу Гужарати, Фарруҳбек Қалмоқи, Жаган Натҳ деган турли злларга мансуб рассомлар «Бобур-

нома» воқеалари асосида хилма-хил расмлар чизмокда ҳилар. Акбарнинг буйруги билан мусаввирилар Алишер Навоийнинг «Хамса»сини ҳам чиройли суратлар билан белгаган эдилар. Янгидан кўчирилган «Хамса» саҳифаларидан бирида Фарҳод ўз суюкли ёри Ширинни оти билан бирга кўтариб дарёдан ўтказиб кўйгани кўрсатилган эди. Акбарнинг кўрсатмаси билан ишланган яна бир суратда Навоийнинг ўз «Хамса»сини тутатиб, Ҳусайн Бойқарога келтириб бераётган пайти ифода этилган эди. Улуғ ҳамсангиси шоирлардан Низомий ва Хисрав Дехлавийлар тепадан уларга завқ билан қараб тургандари ҳам суратда таъкидлаб кўрсатилган эди.

Салим «Маҳабхарата» ва «Рамаяна»га ишланадиган ифсонавий суратларни ҳам қизиқиб томоша қилгандан кейин Ҳўжа Абдусамад унга отасининг суратларини кўрсатди. Қалам билан чизилган ҳомаки бир суратда Акбарнинг кўзлари ярим юмук, каттиқ ўйга толган пайти худди ҳаётдагидек аник кўрсатилган эди. Яна бир суратда Акбар Фарангистондан келган қора кийимли руҳонийларни қабул қилган пайти, гилам устида Синай тоғидан келтирилган муқаддас тошлар ётгани нафис бўёклар билан тасвир этилгани эди. Шаҳзода Салим мусаввириларнинг ишига астойдил қизиқаётганини пайқаган Абулфазл уни тасвирхона орқали отасига руҳан яқинлаштириб, маслакдош қилиш фикрига борди.

— Амирзодам, агар истасангиз, санъаткорлар сизнинг ҳам суратиңгизни чизмоклари мумкин,— деди.

— Иттифоқо, қиёфалари ҳам ҳазрат оталариға ўхшаш,— деди Ҳўжа Абдусамад.

Бироқ Салим ўз суратининг отасиникидан бутунлай бошқача тарзда чизилишини истар эди. Акбарнинг суратлари унга ҳаётда бор нарсалардан нусха кўчирилгандаи жўн кўринарди. Салим эса афсонавий кўтарикиликни яхши кўрарди. У «Маҳабхарата»нинг афсонавий воқеаларини тасвир этган рассомларга ўзининг шу ҳақдаги истагини айтди:

— Тушимда Ҳўжай Хизрга ўхшаган нуроний бир мўясифид менга китоб берган эдилар. Ўша пайтда баланд бир жойда ўлтирган эканмен. Пастимда қанотли одамчалар учуб юрганини кўрдим. Фаришталар бўлса керак. Ана шу қодисани тасвир этиш мумкинми?

Мусаввирилардан бири шаҳзоданинг бу истагини дарҳол бажо келтиришга киришди. Яна бир рассом Салимнинг инни ражпутлардан эканини, унинг тоға авлодларида Синҳ, ини шер'деган номлар кўплигини назарда тутиб, шаҳзодани кулча бўлиб ётган ювош бир шернинг устида тикка турган

¹ Бадавнийнинг бу сўzlари унинг «Мутахаби таворихи»да ҳам бор.

холда ёвларига камондан ўқ отаётган афсонавий ботир жангчи қиёфасида тасвирлади.

Салимга бу суратлар беҳад ёккани учун уларни чизган рассомларга катта инъомлар берди. Абулфазл эса шаҳзоданинг ташқил қиёфаси отасига ўхшаса ҳам, сийрати бошқача эканини бу суратлар орқали сезиб лол бўлиб қолди.

Акбар ўзи ҳакидаги суратларнинг мумкин қадар ҳакқоний бўлишини истайди. У ота-боболарининг суратларини чиздирганда ҳам, бирортасига Хўжайи Хизр ёки фариштадарни кўшдирган эмас. Ҳолбуки, «Акбарнинг жиловида Хизр юргай», деб ишонадиганлар кўп. Бироқ ўзини назаркарда килиб тасвирлатиш Акбар учун ўта нокамтарлик бўлиб туюлади.

Салим эса ҳалитдан ўзини Хизр назар қилган, фаришталар ёрлақаган, шер елкасига миндирган афсонавий ботир қилиб тасвирлатса, кейин нима бўлади?

Абулфазл ўзининг мана шу андишасини Акбарга бориб айтди.

— Машаққат чекмай ўсан бола ўзини босиб олиши кийин бўлар экан-да! — деб, Акбар уҳ торти: — Қаттиқ гапирай десанг, дили нозик, дарров кўнгли қолгай. Биз шу ёшда қанча азобларни бошдан кечирган эдик. Буларнинг замонаси бошқа. Отасининг давлати соясида факат роҳат-фароғатда яшаши ўйлайдир. Начора? Биз ёшликда кўрмаган роҳатлар ҳам ўғилларимизга насиб қилган экан-да. Салимнинг томирида ражпут қони ҳам бор, жуда тез улгаймокда, уйланишта шошилаётгани ҳам шундан бўлса керак. Қайноғамиз Ҳағван Дағнинг чиройли қизи бор. Исми Ман Бай. Салимнинг шунга ишқи тушган эмиш. Ҳозирча унаштириб қўяйлик. Ўн олтига тўлганда никоҳлаб бергаймиз.

— Балки уйлансалар қуюлиб ҳам қоларлар,— деб умид қилди Абулфазл.

Лекин Салим уйланиб ҳам босилмади, ўн олти ёшида хотин олиб, ўн еттига тўлмасдан ўғил кўрди-да, отасига: «Ҳозирги ёшлар сизлардан тезроқ балоғатга етишини билиб кўйинг!» дегандай голибона кулимсираб қаради.

Ўн бени ёшли Ман Бай бакувват, соғлом бола тукқанини кўриб Акбарнинг ўзи ҳам ҳайрон эди. Болага Хисрав деб от кўйдилар. Ман Байнинг ўзини Акбар Шоҳ бегим деб улуғлай бошлади. Салим эса ўн саккиз ёшида Зайнiddин кўканинг қиз жиянига ошиқ бўлиб қолди. Ҳамида бегим орага тушиб, «неварам энди мусулмон оиласига ҳам кўёв бўлсин», деди. Шу сабабларга кўра, ўн саккиз ёшли Салимга иккинчи

қизни ҳам олиб бердилар. Орадан бир йил ўтмай бу келин ҳам ўғил түғди-ю, отини Парvez кўйдилар.

Акбар Абулфазлни чакириб:

— Шаҳзодага энди бирон вилоятни берайлик,— деди на кулди:— Бошқа иши бўлмагандан кейин бутун кучини ҳарамга бериб яна уйлангиси келиб қолмасин.

— Рост, «Хотира ёзгаймен», деб уни ҳам килмадилар. Менга бирон саҳифа ёзув кўрсатган эмаслар.

Акбар Салимни пойтахтга яқин бўлган Ажмирга ҳоким кияиб жўнатди. Орадан икки йил ўтмай, Ажмирда у яна бир афсонавий гўзал қизга ошиқ бўлиб қолди. Рана Балмати исмли бу қиз Бобур билан жанг қилган машҳур ражпут саркардаси Рана Сангрэм Синхнинг чевара авлодларидан эди. Қизнинг бобоси Удай Синх аввалги адоватларни унубиб, Гужарат юришида Акбарга иттифоқдош бўлган эди. Лекин шу хонадондан чиқкан Пратап Синх номли бошқа бир ботир йигит ҳалигача Акбарни тан олмай, тоғлик ўрмонларда унинг аскарларига қарши жанг килиб юрар эди. Энди Акбар ўғлини Удай Синхнинг чевараси ва Пратап Синхнинг қариндошига уйлантиrsa, бутун мамлакат танидиган машҳур оиласи ўзига эл қилиши мумкинлигини ўйлади ва Салимга Рани Балматини ҳам олиб берди. Орадан бир йил ўтгач, бу учинчи келин Акбарнинг аввалги невараларидан ҳам миқтироқ ва кўҳликроқ ўғил түғди. Бу ўғилга Хуррам деб от кўйдилар.

Акбарнинг неваралари кўпайиб, ёши элликка яқинлашган сари қўз таглари салқиган, дурустгина қорин ҳам кўйган, юзларидан ажинлар кўпайган, мўйловига оқ толалар оралаган бобо қиёфасига кириб бораарди. Унга шафқатсиз бўлган вақт энди бутун марҳаматини Салимга кўрсатмоқда эди.

Йигирма икки ёшида уч ўғилнинг отаси бўлган шаҳзоданинг кўнгли ўсиб, йигитлик жозибаси йил сайин барқ уриб очилиб бораар, у ҳар қандай қизни ўзига маҳлиё килаоладиган забардаст қўҳлик йигит эканини ўзи ҳам сезиб магурланарди.

Салимнинг хос навкари Алибек Переиро ҳам бу орада аграплик бир ҳинд қизига уйланиб, ундан фарзанд кўрди. Алибекнинг умрбод Ҳиндиштон фуқароси бўлиб қолганига энди шайх Фарид ҳам ишонди. Авваллари, «бу фаранги шаҳзодани диндан чиқармасин тағин!» деб хавотирда юрган шайх Фарид бора-бора Алибек билан тил топишиб, иноклашиб кетди. Чунки Алибек ҳам шайх Фаридга ўҳшаб, Абулфазлни ёмон кўрар ва Акбарнинг ўрнига тезроқ шаҳзода Салимни тахтга чиқариш орзуисида юрар эди.

Аслида-ку, Альберт Переиро Акбар билан Салим орасида нифоқ чиқариш түғрисида Гоадан махфий топширик олган. Шу мақсадда Алибек шахзода Салимнинг отаси а ёқмайдиган хотинбозликларига иложи борича кўпроқ ёрдам берарди.

Салим Алибекни ўртага қўйиб, Мехринисо номли гўзал бир эронлик қиз билан танишди. Бу қизга ошики беқарор бўлиб, аввалги ёш хотинларига қарамай қўйди. Эрининг интиҳосиз бевафоликлари Акбарнинг суюкли келини Шоҳ бегимнинг ўлимига сабаб бўлди. Энди йигирма ёшга кирган бу кўхлик жувон афюнни кўп ичиб, ўзини ўзи ўлдирди.

Остонага бош қўйганича абадий уйкуга кетган ёш жувоннинг тепасида олти яшар ўғилчаси Хисрав йиғлаб турар, ҳали ўлим нималигини билмайдиган бечора бола нуқул онасини ўйғотмоқчи бўларди. Акбар буни кўриб ларзага келди. Салимга нафрат ба газаб билан қичкириб:

— Сен шу фожианинг сабабчисисен! — деди. — Малакдай жувоннинг уволи сенинг бўйнингда! Тогаларингнинг олдида бизнинг ҳам юзимиз шувит! Бу оғир гуноҳни факат фидойилик билан ювоминг мумкин. Шайбонийзодалар Бадахшонга бостириб кирмишлар. Ҳайбар довонида юсуфзайлар бизга қарши исён кўтармишлар. Энди ўшаларнинг устига қўшин тортгайсен! Жангларда ўлим билан олишиб поклангайсан! Бор, йўл тайёрлигини кўр!

Салим эътиrozга оғиз очолмай таъзим қилганича чиқиб кетди. Аммо унинг юсуфзайлар билан ҳам, шайбонийзодалар билан жанг қилишга хоҳиши йўқ эди. Шайх Фарид билан Алибек ҳам:

— Зинҳор Ҳайбар довонига борманг! — деб шивирлади.

— Рожа Бирбалнинг ўлими озми, сизни ҳам отангиз шундай хатарли жойга юбормоқчи?

Рожа Бирбал Қоракар довонида ҳалок бўлган, равшанийлар тоғу тошлар орасидан тинимсиз ҳамлалар килиб, Акбар қўшинига катта талафот етказган эдилар. Қорли тоғлар орасида саркардасиз қолган қўшин орқага чекинишга мажбур бўлган эди. Буни яхши биладиган Салим Ҳайбар довонига жўнаш хақидаги буйруқни бажармай Аградаги қалъасига қайтиб борди-да, ўзини касалга солиб ётиб олди.

Ундан хабар олишга юборилган Абулфазл Салимнинг Жамна бўйидаги Ҳашт Биҳишт боғида яна ўша Мехринисо билан учрашиб, висол завқини суреб юрганини билиб келди.

Акбар энди газабини босолмади. Мехринисонинг отаси Эътиmodхон Акбар қўшинида мингбоши эди. Акбар уни чақиртириди-да:

— Қизингизни кимга узатайлик? — деб сўради. — Салимдан бошқа кимни күёвликка муносиб кўрурсиз?

Эътиmodхон подшонинг авзойи ёмонлигини сезиб, унинг раъйига қаради:

— Қизимизга Аликули Истожли деган озарбайжон йигитининг кўнгли бор, — деди. — Шерни йиқитгани учун Аликули Шерафкан деган лақаб олган. Ўзи менда юзбоши.

Акбарнинг буйруғи билан Мехринисони эртаси куниёқ ўша Шерафканга никоҳлаб бердилар. Акбар бу йигитни Бихардан нари Банголада: и вилоят хокими Кутбиддиннинг ихтиёрига мингбоши килиб жўнатди, Мехринисо ҳам бир кечада эри билан Банголага кетиб ғойиб бўлди. Аградан Банголагача отда бир сийлик йўл. Салим Мехринисодан бутунлай айрилди. Акбар уни Аградан ўз хузурига чақириб олди-да, паст товуш билан:

— Нечун буйрукни бажармадингиз, амирзода? — деб сизлаб гапирди. Аммо унинг мулоим қилиб «сиз»лашидан кўрқулиқ эди. Салимнинг овози титраб:

— Бемормен... — деди. — Шу аҳволда жангга борсам... кўнглим сезиб турибдир... мен ҳам рожа Бирбалдек ҳалок бўлгаймен!..

Акбар кўнгил сирларини айтиб дардлашадиган суюкли мусоҳиби рожа Бирбални юсуфзайларга қарши жангга юборганидан минг-минг ғашаймөн эди. Қоракар довонида исёнчилар билан жангга кириб қайтиб чиқмаган Бирбал беному нишон йўқолган эди. Қишида Қоракар ва Ҳайбар довонлари бекилиб қолди. Ёзда довонлар очилгандан кейин Акбар юборган олти мини қишилик қўшин шайх Жалолиддини Фазни томонларга қочишга мажбур килди. Акбар афғон қабилаларининг табига биноан Ман Синхни Кобулдан чакириб олиб, ўзигинг кўкалдоши, асли афғонистонлик тожик Зайниддин кўкани Кобулга ҳоким қилиб тайинлади. Юсуфзайлар у бил и тез тил топишдилар ва муроса йўлига ўтдилар. Шундан сўнг довонлар очилиб, карвонлар қатнови тикланди.

Факат рожа Бирбални икки ой излаб, хеч жойдан жасадини ҳам тополмадилар. Ў машъум ҳодисадан Акбар узоқ вақт мусибат чекиб юрд.

Ўғлиниң сўнгги гапи ундаги ўша мусибат туйгусини ўйғотди-ю, қаҳрини сал осди.

— Бемор эмиш!.. — ; б Акбар юмшаган товуш билан киноя қилди: — Ҳашт Биҳишт боғида янги маъшуқа билан кайфу сафо килиб юрга ингизни биз билмаймизми? Сиздаги bemorлик — шаҳва: тарастликдир! Мен ҳам фаришта эмасмен, кўп хотин олиб гир гуноҳлар қилганмен! Эҳтимол

шунинг қасоси ўғлимнинг шаҳватпарастлигидан қайтаётган-дир! Лекин биз қилган яхшиликлар нечун қайтмайдир? Биз тортган азоблар, биз қилган меҳнатлар сизда нечун йўқ? Эртагаёқ кўч йигиштиринг! Тогангиз Ман Синх Кобулдан қайтди. Сиз у билан Ражастхон вилоятига жўнагайсиз! Мен болалигимда кўрган Тар саҳросини сиз ҳам бир кўринг, иссиқ-совукларга тобланиб, одам бўлинг!

Салим отасининг бу галги буйругини бажармай иложи йўқ эди. Тогаси Ман Синх ҳам жуда қаттиқўл одам. У айникса, жияни Шоҳ бегимнинг ўлемидан кейин Салимга аёвсиз муомала қилиши аник. Ражастхон эса пойтахтдан узоқдаги исёнкор, нотинч ўлка, Салимнинг Аградаги сўлим боғлардан, Секридаги сафоли кўшклардан кўнгил узиб чет жойга кетиши беҳад қийин бўлди. Абулфазл уни жўна-тиш учун келганда Салим Алибекнинг кўзи олдида бутун заҳрини отасининг дўстига сочди:

— Сиз мени отамга ёмонлаб, Мехринисодан¹ жудо килдингиз! Ражастхонни ҳам сиз ўйлаб топгансиз! Аммо билиб кўйинг, мавлоно, сизга ҳам қасос қайтгусидир!

Бу гаплар Абулфазлга қанчалик қаттиқ ботса, Алибек билан шайх Фаридга шунчалик хуш ёқди. Чунки Салим қасд килса Абулфазлни ўлдиртириш кўлидан келарди.

КАШМИР, ЛАХЎР, АГРА. СЎНГГИ ҚАДАМЛАР

Бир-бирига тулашиб кетган ўн иккита зилол кўлнинг ойнадай тиник сатҳида корли Ҳимолай тоғлари, арчазор ва қарағайзор ёнбағирлар, кирғоқ яқинидаги мирзатераклар, чинорлар, санобар дараҳтлари беҳад кўпайиб акс этади. Анвойи гулшодалар билан безатилган кемалар карвони Дал² кўлидан Гулор ва Дегин кўлига сузиб ўтар экан, улар қўзғатган тўлкинлар қирғоқ яқинида очилиб турган минглаб нилуфларни шўх-шўх тебратиб кўяди. Кеманинг пастки қисмida Акбар даврининг энг машҳур созандаси Тансен бошлиқ машшоқлар Кашири табиатининг кўркига мос тушидиган гўзал ва нафис кўйлар чалиб бормоқдалар. Кеманинг шийпонга ўхашаш болохонаси толорида Акбар, унинг онаси Ҳамида бону ва аммаси Гулбадан бегим юмшоқ зарбоф курсиларда ўлтириб, атрофни томоша қилмоқдалар.

¹ Салим Мехринисо билан отаси ўлгандан кейингина қайта топишиди. Салимга эрга чиқкан бу аёл тарихда Нуржоҳон номи билан машҳур бўлди.

² Да л — каширичада «минг баргли нилуфар» деган маънони билдиради.

Орқадаги кемалардан бирида Жодҳа Бай невараси Хисрав ва надималари билан сузиб келмоқда. Салима бегим ҳам келинли, неварали бўлган. Шаҳзода Мурод Азиз кўканинг қизига улланиб, ўғил кўрди, отини Рустам кўйдилар. Учинчи кемада Салима бегим Рустамни қўлидан етаклаб, Кашири тоғларини кўрсатмоқда.

— Ана у — Забарван тоги.

— У-чи? — деб беш яшар Рустам иккинчи томондаги тоғни кўрсатади.

— Хари Парват тоғи,— деб тушунтириди Салима бегим,— бу тоғнинг устидаги қальани ҳазрат бобонгиз қурдирмишлар.

— Ана у недир? — деб бола қирғоқдаги боғни кўрсатади.

— Бу — Насимбоғ. Ичиди фавворалари бор. Уни ҳам ҳазрат бобонгиз бино қилдирганлар.

Кашмирнинг кўлларида юзлаб катта-кичик кемалар су зиб юрибди. Улардан ҳам кўпроқ кемалар қирғоқларда лангар ташлаб турибди. Кўл суви осойишта, ҳаво илиқ ва майнин. Йил бўйи кемаларда истикомат қиладиган кашмирликлар бор. Тоғдаги ўрмонзорларда эса кемасозлик учун яхши ёғоч берадиган дараҳтлар ўсади. Акбар Кашири кемасозларига буюртмалар бериб беш юздан ортиқ кема қурдирди. Унинг бу тадбири кашмирликлар учун айникса бу йилги оғатлардан кейин жуда кўл келди.

Хозир қуёш чарақлаб турган илиқ ва куруқ сунбула ойида баҳордаги қалин қорларни кўз олдига келтириш қийин. Каширида бодом яхши бўлади. Бу ернинг боғлари бутун Ҳиндистонни бодом билан таъминлайди. Кашири ҳатто қўшни мамлакатларга ҳам бодом чиқариб сотади. Лекин бу йил наврӯз кунларида Кашири бодомзорлари ок-қизгиш бодом гулларига бурканган пайтда икки кечаю кундуз тинимсиз лайлакқор ёғди. Қорнинг қалинлиги одамнинг белидан баланд эди. Йўллар бекилиб қолди. Қийғос гуллаган бодомларнинг шоҳларини қалин қор ўз залвори билан қарс-қарс синдириб ташлади. Юз минглаб бодом дараҳтларини икки кунда шундай пийпалаб, гуллаган шоҳларини битталаб синдириб чиқишига ҳеч қандай ёвуз дев ёки алвасти ҳам улгурмаган бўларди. Ҳамма бодом гулларини совук уриб, синган шоҳлари пастга осилиб қолди. Бодом хосилидан шу тарзда маҳрум бўлган кашириликларнинг тирикчилик тебратиши қийинлашди, очарчилик бошланди.

Савдо карвонлари бу ерга гуруч, буғдой ва бошқа егулик нарсаларни кўпроқ ташиб келтиргани сари бозорларда нарх-наво пасайиб борди. Аммо табиий оғатга учраган кўпчилик кашириликларда бозордан дон олиш учун пул йўқ

эди. Аҳоли меҳнат қилиб пул топиши учун ҳам Акбар Хари Парват тоғи устидаги қалъани ва кўлларда сузиб юрган юзлаб кемаларни қурдирди. Кашмирда сув кўп. Кўллардан ташқари Желам дарёси ҳам сувга тўлиб оқади. Бунинг устига қор-ёмғир сувлари қўшилса, боғлар ва экинзорларни сув босади. Бу оғатдан сақланиш учун Акбар катта ариқлар қазидир. Факат бу ариқлар экин сугоришга эмас, аксинча, далалардаги ортиқча сувни қочиришга хизмат қила бошлиди.

Шу тарзда кашмирликларнинг очарчилик ва қаҳатчилик балоларидан кутулиши анча осонлашди. Акбар бу ерда ҳам курилиш ва ободончилик ишларини йўлга кўйгани учун Кашмирда унинг хайриҳоҳлари кўпайиб бормоқда. Акбар уни шу бугун оила аъзолари билан кирғоққа келиб, кемаларга чиқаётганда ўзи, онаси ва аммасининг пойи қадамига нафис гул барглари сочган кашмирликларнинг илиқ муомалаларидан сезди.

Хозир кўл сатҳидан кўринаётган улуғвор манзаралар завқи кемадагиларнинг кайфиятини янада баланд кўтарди. Табиатан жуда таъсирчан бўлган Гулбадан бегим шавқ-завқини ичига сифдиролмай хитоб қилди:

— Ҳазрати Акбаржон, айланай сиздан, кекса аммангизни Адандаги жаҳаннам азобидан кутқариб, жаннатдай гўзал Кашмирга олиб келдингиз-а! Тоғ довонларидан гўё кафтингизда олиб ўтгандай бўлдингиз!

— Ўшанда тортган азобларингизнинг роҳатини ҳам кўринг дедим-да! Ахир сиз бобурийлар хонадонининг энг ёши улуғ валинеъмати бўлиб қолдингиз.

— Рост-а, Ҳамида бегим, ёшим етмишдан ошди. Аданда етти ой ҳибсада ётганимда нуқул хотиралар билан жон сақладим. Жаннатмакон отам, раҳматли оғам Ҳумоюн... уларнинг бошларига тушган кулфатлар... Бирга кўрган яҳши кунларимиз... Ҳаммасини илк бор асиралик кунларимда қоғозга туширган эдим.

— Сизда ҳам ҳазрат бобомиздаги адиблик истеъододи борлигини мен ўша ёзувларингиздан билдим,— деди Акбар.— Тарихнинг не-не улуғ воқеалари сохибкалом муарриҳлар томонидан ёзиб қолдирилмагани учун бутунлай унуптилиб кетмишdir. Истеъодод нури билан йўғрилган, қалб ҳарорати билан илитилган тарихий воқеаларгина авлодлар хотирасида абадий яшаб қолур экан. Шунинг учун мен ҳатто Шерхон тарихини ҳам Аҳмад Сарангони номли сохибкалом ағғон муаррихига инъомлар бериб маҳсус ёздирдим. Аҳмад Сарангони Шерхон аскарлари сафида хизмат килган экан, унинг ботирлигини роса мактабдир. Майли,

Шерхоннинг катта тажрибасию бошдан кечирган ҳодисалари ҳам авлодларга сабоқ бўлсин. Ҳақиқат зарралари бизнинг ракибларимиз илкида бўлса, уларни ўша жойдан ҳам топиб, эъзозлаб, умуминсоний бир маънавият хазинасига қўшмоқ — бизнинг бурчимиздир.

— Бу бурчни фақат мард, донишманд сиймоларгина шунчалик теран ҳис қилурлар!— деди Гулбадан бегим Акбарга.— Сиз мени ҳам шу бурчга хизмат қилдирганингиздан бошим кўкка етмишdir. Мана, ҳозир Кашмирнинг афсонавий гўзалликларидан завқ олиб, ўзимни баҳтиёр сезмоқдамен!

Кашмирга келишдан олдин Гулбадан бегим Акбарнинг илтимосига кўра «Ҳумоюннома» китобини ёзиб тутгатган эди. Ҳумоюн даврининг барча аччиқ-чучукларини бирга бошдан кечирган Ҳамида бону ҳам Гулбаданга ўзи яҳши билган воқеаларни айтиб бериб, китобнинг муқаммал чикишига кўмаклашган эди. Акбарга Бобур бобосининг ўлмас хотираларидаи самимий ва ҳаққоний туюлган бу китобда фактада аёлларгина айтиб бераоладиган шундай нозик ва гўзал нуқталар бор эдики, уларни ўқиган одам Гулбадан бегимнинг нафис дидига ҳам, адиблик истеъододига ҳам тан бермай туролмас эди. Акбар аммасини шундай китоб ёзгани учун астойдил бир кувонтиргиси келиб Кашмирга атайлаб олиб келган эди.

— Аммајон, сиз Кашмирдан қанчалик завқлансангиз, мен сиз ёзган китобдан шунчалик завқ олдим!

Акбарнинг бу баҳосини эшитганда Гулбадан бегимнинг кўзларига қувонч ёшлари қуюлиб келди.

— Илоҳим узоқ умр кўринг, Акбаржон! Кашмирнинг бодомзорлари, анорзорлари, тутзорлари, мирзатераклари худди Фарғона водийсини эслатар эмиш. Мен ўзим-ку, Фарғона водийсини кўрганим йўқ, лекин Қиличхон Андижоний Кашмирга келгандан бери тугилган жойларини қўмасаб юраги эзилиб юрибдир.

Ҳамида бону оғир тин олди-ю:

— Менинг раҳматли отам ҳам Тошкенту Самарқандни қайта кўролмай армон билан ўтиб кетдилар,— деди.

Бу гаплар таъсирида Акбарнинг хаёли тоглар оша Сирдарё ва Амударё бўйларига томон учди. Кашмир орқали Қашкарга, ундан Ўщ орқали Андижону Фарғонага олиб борадиган тоғ йўлларининг харитасини шу бугун кечаси синчиклаб кўриб чиққани эсига тушди. Ҳимолай ва Помир тогларининг ораликларидан ўтадиган бу йўл Кобул ва Термиз орқали борадиган йўлдан бир неча баробар яқин. Дехлида Пўлат вас-вас отган камони шошийнинг ўқи, бу жаро-

хатининг аччик оғриғи уни Турондаги ғанимларидан ўч олишга ундейди. Аммо икки орада Ақбар учун Ҳимолай тоғларидан ҳам улканроқ монеликлар бор.

Мовароуннаҳрда ҳамон Абдуллахон ҳукмронлик килмоқда. Абдуллахон учун энг хатарли рақиб — Ақбар бўлганлиги сабабли, у ўзининг энг сара қўшинларини Кобул ва Кашмир билан чегарадош бўлган жанубий ўлкаларда сақламоқда. Ақбар отасининг Балҳда шайбонийзодалардан қандай енгилганини унотолмайди, улар билан беллашиш учун аввал Ҳиндистондаги ички парокандаликни тутатиб, барча ғучларни бир туғ остига йиғишни ўйлади. У мана шу мақсадда Кашмирни ҳам марказий давлатга қўшиб олди. Абдураҳим хони хонон Синд ва Белужистонга қўшин тортиб кетди.

Қанийди, Ақбарнинг ўз ўғли Салим ҳам Абдураҳим каби садоқатли, қобил фарзанд бўлса-ю, отасининг оғирини енгил қиласа! Салимнинг ташвиши озлик қилгандай, кейинги ўғли Мурод ҳам ичкиликбозликка ўрганиб, умрини базмларда ўтказмоқда. Ақбар уни пойтахтдаги улфат бекларидан узокроқ тутиш учун жанубдаги Малвага ҳоким қилиб жўнатди. Учинчи ўғли Дониёл ҳозир Қандаҳорда. Ёши ўн саккизга кириб, у ҳам кўп ичадиган бўлган. Наҳотки уч ўғилдан бирортасига Ақбардаги иродат ўтмаган бўлса? Бу жавобсиз савол ҳатто ҳозир Кашмир кўлларида сузиб юрган энг масъуд дамларида ҳам унинг дилига соя ташлаб турибди.

Ташки қўринишдан аммаси Гулбадан бегим ҳозир ўзини жуда қувноқ сезаётганга ўхшайди. Лекин унинг дилида ҳам армонлари кўп.

— Онам Самарқандда, отам Андижонда тугулиб ўсган бўлса-ю, мен ҳанузгача уларнинг юртини бориб кўролмасам-а? — дейди.

Наҳотки Ақбар ҳам Фарғонаю Самарқандларни кўрмай ўтиб кетса? Унинг Ҳиндистонда қилган нек ишларини Мовароуннаҳрдан келган хайриҳоҳ одамлар кўрганда, «қани шу ободончилигу ислоҳотлар бизда ҳам амалга оширилса!» деб армон қилишади. Бухорода ҳали ҳам кул бозорлари гавжум эканини, даштий сultonлар мусулмон эронликларни «рофизий, шиа» деб, бўйнидан боғлаб, ҳатто бурнини тешиб чилвир ўтказиб, кул бозорига ҳайдаб келиб сотишларини куйиниб айтиб берадилар. Шайбонийзодалар давлатида жуда эътиборли бўлган Кўшкулокбий, Булдурикбий, Чўлтанбий, Бўзахўр Сulton деган беклар Самарқанду Тошкентдай қадимий маданият марказларига хўжайин бўлиб олиб, илму маърифатни оёқости қилаётганлари Ақбарга ҳам оғир бир кўргиликдай туюлади. «Мовароуннаҳрни бу даштий

жоҳиллардан қутқаринг!» деб келувчиларга, «ҳали фурсат етилган эмас, сабр қилмоқ керак», деб жавоб беради.

Лекин сабр қила-қила Ақбар ҳам элликдан ошиди. Наҳотки Самарқанддаги Гўри Мирни, Шоҳизиндан, Фарғона боғларини, Тошкентнинг Бўзсуви ни бирор марта бориб кўриш унга насиб қилмаган бўлса?

Бу савол негадир ҳозир Кашмирдаги мирзатераклар ва чинорзорларни кўрган пайтда юракни эзувчи бир муинг билан кўнгилдан ўтмоқда эди. Шу топда у Мовароуннаҳрга бемалол бориб келаётган элчилар ва савдо карвонларини ҳавас билан эслар эди. Бобур даврида бошланган алокалар ҳанузгача узилгани йўқ, йигирма йил давомида Абдуллахондан Ақбар саройига уч марта элчилар келиб кетди. Ақбар ҳам Бухорога уч қайта элчилар юборди, Абдуллахоннинг совғалариға яраша қимматбаҳо инъомлар жўнатди.

Бундан мақсад фақат муроса қилиш эмас, балки бир-бирларининг аҳволидан яхшироқ хабардор бўлиш ва қулаг пайт келганда ёнбошга олиб, ерга кўтариб уриш ҳам эди. Савдо карвонлари билан Мовароуннаҳрга ҳар йили бориб келаётган хуфиялар янги-янги гаплар топиб келишмоқда. Ақбарнинг Ҳиндистонда диний тўнтариш ясагани Бухородаги жўйбар шайхларининг сочини тикка қилиб юборибди. Улар Ақбарни шиалардан ҳам баттар коғир деб эълон қилишиб, унинг номини тилга олдирмай қўйишибди, Абдуллахонни эса мусулмон оламининг имони пок, исломга содик тождори деб улуғлашибди.

Хўжа Ислом номли дин пешвоси энг мутаассиб шайхларни Бухорога йиғиб, уларнинг номидан Ақбарга қарши ғазабли фатволар чиқараётган бўлсалар ҳам, Абдуллахон ҳанузгача Ҳиндистон билан алокани узган эмас. У ҳамон Ақбарга элчилар юбориб, мактублар ёзиб турибди. Чунки агар хон Ақбар билан алокани узса, бундан Эрон подшоси шоҳ Аббос фойдаланади. Ақбар давлатининг қудрати маълум, агар уни Эрон ўз томонига оғдириб олса, Абдуллахон иккита зўр рақиб кархисида яқкаланиб қолади. Абдуллахон Ақбар олиб бораётган янгича сиёсатни қанчалик ёмон кўрмасин, унинг элчиларини зўр тантана билан қабул қилди. Ақбар Бухородаги жўйбор шайхларининг таҳдидли фатволари устидан кулган каби, ўзининг энг яқин маслакдошларини — Ҳаким Ҳумом ва Садри Жаҳонларни Абдуллахон саройига элчи қилиб юборди. Кани хон янги имону эътиқод вакилларига бирон ёмонлик қилиб кўрсинг-чи! Ёки жўйбор шайхлари уларни «коғир» деб тошбўрон қилдирсинг-чи! Йўқ, улар Ақбарнинг беш-олти йилдан бери бутун кучларини шимолий вилоятларга йигаётганидан хабардор. Ҳозир

ёши олтмишдан ошиб, анча касалманд бўлиб колган Абдуллахон Акбарнинг енгилмас саркарда деб шухрат қозонгани бежиз эмаслигини билади ва у билан урушишга юраги бетламайди. Шунинг учун Абдуллахон ўзининг мафкуравий душманлари бўлган Акбар элчиларига катта зиёфатлар берди, сафарларга бирга олиб чиқди, зарбоф тўнлар ва чопқир отлар инъом қилиб, иззат-икром билан жўнатди.

Мовароуннаҳрда бир йилдан ортиқ юриб қайтган Акбар элчилари Самарқанду Бухорода хон зулмидан безор бўлган одамлар тобора кўпайиб бораётганини, бунинг устига хоннинг катта ўғли Абдумўмин отасининг тахтини тезроқ эгаллаш иштиёқида унга карши кураш бошлаганини билиб қайтдилар. Абдуллахон Хурросонга Кулбобо кўкалдошни ҳоким қилиб тайинлагани Абдумўминни қаттиқ норози қилибди. Чунки у Ҳиротни ўзига пойтахт қилмоқчи ва мустақил давлат тузмоқчи эди. Шу мақсадда у ҳатто турк подшоси Султон Салимга отасидан бесўроқ элчилар юборган эди. Ўғлининг нияти бузуқлигини сезган Абдуллахон Абдумўминни Ҳиротдан ҳам, Бухородан ҳам узоқроқ тутгиси келиб, Балхга ҳоким қилиб жўнатди. Балх Панжобга яқинроқ эди. Абдумўмин энди Лахўрда турган Акбарга отасидан бемаслаҳат элчилар юборди. Унинг саройидаги хуфияларнинг маълумоти Акбарга бу элчидан олдинроқ етиб келди: Абдумўмин ўз элчисига совчилик вазифасини ҳам юклабди, Акбарнинг қизига уйланиш истагини билдирибди ва шу йўл билан ўз отасидан баланд келмоқчи бўлибди.

Босар-тусарини билмай ҳовлиқиб юрган Абдумўмин ўзини Акбарга тенг кўриб элчи юборгани, яна уялмай унинг кизини хотинликка сўрамоқчи бўлгани Акбарнинг каҳрини келтирди. У Ҳайбар довони этагига элчини кутиб олиш учун маҳсус одамлар юборди-да:

— Бадбахтни ўша ёқда даф қилинглар, Ҳинд дарёсидан берига ўтмасин!— деб буюрди.

Абдумўминнинг совчилик вазифасини ҳам ўташ учун келаётган элчиси серсув Ҳинд дарёсидан ўтаётганда гўё тошқин туфайли ғарқ бўлиб кетди. Абдумўминнинг Акбарга кўёв бўлгиси келиб ёзган мактуби ҳам, юборган совғалари ҳам сувга чўкиб ном-нишонсиз йўқолганини Бухорода туриб эшитган Абдуллахон:

— Баттар бўлсин!— деб суюнди.

Шайбонийзодаларнинг ўз ичидан чиқаётган бу ўт алнга олса, Абдуллахон узокка бормаслиги аниқ. Чунки унинг жигар касали кучайиб, отга минолмайдиган бўлиб қолганини Акбар эшитган. Шу кетишида Абдумўмин отасининг ўлимини

тезлаштиради. Лекин Абдумўминнинг ўзига қарши бош кўтарадиган кучлар ҳам кўп. Акбар ана шу кучлар ёрдамида уни енгиши мумкин.

Аммаси Гулбадан бегимнинг Самарқанду Фарғонани кўмсаб айтган гаплари таъсирида кўзгалган мураккаб ўйларини у шу фикр билан яқунлади-да:

— Аммажон, мана, Каширинга келдик, омон бўлсак, ҳадемай Самарқанду Фарғоналарга ҳам бориб қолгаймиз!— деди.

— Илоҳим муродингизга етинг!

Ҳамида бегим бу гаплардан қувониш ўрнига алланечук сергакланиб қолди.

— Шоҳ ўғлим, Туронга сиз факат кўшин тортиб, жанг қилиб бормогингиз мумкин. Шайбонийзодаларнинг беҳисоб кўп кўшини бор эмиш. Ўзлари ўлгундай жангари, қанча одам қирилишини ўйласам, вахмим келур!

— Начора! Биз ҳам сайёҳ ёки элчи бўлсак эдик, бирорта карвонга кўшилиб, ота-боболаримиз ватанига тинчгина бориб келар эдик. Лекин шайбонийзодалар бобурийларни Туронга йўлатмайдилар, ҳатто бизнинг тўғримиздаги рост гапдан ҳам қўрқадилар. Мовароуннаҳрдан Ҳиндга келиб кетган одамлар қўзлари билан кўрган қурилишларимиз, тасвирхоналаримиз, янгича сиёсатимиз ҳақида Самарқанду Бухорога бориб ҳақиқатни сўзласалар бас, «Диндан қайтган Акбарнинг тарафдори», «хоин», «кофир» дейишиб, жазога буюрурлар.

— Наҳотки шунчаликка боришса?— ҳайрон бўлиб сўради Ҳамида бегим.— Абдуллахон Бухорода мадрасалар, карвонсаройлар қурдирган эмиш. Работлар ҳам солдиргани учун эл орасида янги бир нақл пайдо бўлган эмиш. «Абдуллахон бир кеча ётиш учун работ солдирган, сен ҳам беш кунлик дунёда уй-жой қуриб яшаб қол», дер эмишлар.

— Рост, шайбонийзодалар орасида энг истеъододлиси — Абдуллахондир. Бундай қудратли давлат тузиш ҳар кимнинг ҳам илкидан келмагай. Лекин даштий сultonларга хос дағаллик унда ҳам бор экан-да. Бундан анча йил аввал самарқандлик Абдураҳим Мушфиқий деган шоир Аграга биздан паноҳ истаб келди. Шунда менга куйиниб айтиб бердики, «Бобурнома»ни мактагани учун Абдуллахон уни «сен биздан темурийларни баланд қўймоқчисен» деб ўлимга буюрибди. Мушфиқий сарой кутубхонасининг китобдори, катта шоир бўлгани учун Абдуллахоннинг вазири Кулбобо кўкалдош орага тушиб, шафоат сўрабди. «Мушфиқий сизни темурийлардан баланд қўйиб шеърлар ёзган», дебди. «Кани ўша шеърлар?» дебди хон. Вазир шеърни ўқиб бе-

рибди. «Мен қилич ялангочлаб, от чопдириб борай, Мушфикай узангимдан ушлаб, ёнимда ўша мақтөв шеърларини айтиб чопсин. Агар шу шартни бажаролмаса, бўйнига қилич ургаймен, беши кетгай». Бечора шоир не қилсин? Абдуллахон қилич ялангочлаб отини йўрттирибдир, Мушфикай унинг узангисидан ушлаб, хонни улуғлайдиган шеърларни айта-айта чопибдир.

— Оҳ, бечора! — деб қўйди Гулбадан бегим.

— Мушфикайнинг зехни ўткир экан, адашмасдан, тўхтамасдан, маррага етгунча ашъор айтибдир. Шу тарзда тирик қолгандан сўнг, Абдуллахондан ихлоси қайтиб, Бухородан бош олиб чиқибди-ю, савдо карвони билан Аграга келибдир.

— Хозир ҳам Аградами?

— Йўқ, икки-уч йил тургач, кетишга рухсат сўради. Кейин билсан, бизнинг сарой шоирлари уни хафа килган эканлар. «Ҳар қанча азоб чексам ҳам, ватанимга қайтай, шоир туғилган ютидан айрилса ердан узилган дараҳтдай ижоди сўлар экан» деди. Жавоб бердик, қайтиб кетди.

Акбар сўнгги сўзларни Мушфикайга алланечук ҳаваси келиб айтди, чунки ўша шоир қайтиб борган Самарқандга у ҳалигача етиб боролмас эди. Бироқ бобокалонларининг мақбараси турган бу шаҳарни шайбонийзодалардан тортиб олиш, Мовароунаҳрда Улуг'бек ва Навоийлар давридаги маънавий кўтарилишларни қайта тиклаш истаклари йил саин дилига чукур илдиз отиб борарди. Бу истакларни Ҳиндистоннинг шимолида туриб амалга ошириш қулайроқ бўлгани учун Акбар мелодий 1585 йилдан бошлаб пойтахтни Фатхпурдан Лахўрга кўчириган эди. Пойтахтни Лахўрга кўчиришнинг яна бир сабаби — Фатхпур-Секри дарёлардан узок, унинг ёнидаги кўл эса аҳоли кўпайган сари саёзлашиб, суви шўрроқ бўлиб кетди. Фатхпур-Секрида аҳолининг сони икки юзу эллик мингга борди. Бунча одам кўл сувини яна ўттиз-қирқ йилда ичib тамом қилиб қўйиши ҳам мумкин. Бир чеккаси шуни ҳам ўйлаб, Акбар пойтахтни серсув Лахўрга кўчириб келган эди.

* * *

Ўн беш йилдан бери Лахўр пойтахтга айланиб, Рави дарёси бўйида Самарқанд обидалари каби ранг-баранг кошинлар билан зийнатланган янги қасрлар, мадрасалар пайдо бўлди. Подшо саройи қаерни пойтахт қилса ўша жой-

да пулдорлар кўпайишини ва савдо қизишини биладиган тужжорлар Лахўрда янги-янги расталар ва бозорлар очдилар.

Жаҳоннинг турли томонларидан йўлга чиққан савдо карвонлари шимолдаги Кобул, ғарbdаги Қандаҳор, жанубдаги Агра ва Дехли орқали Лахўрга келади. Катта йўллар орасида энг машҳури — Агра, Фатхпур ва Лахўрни бир-бирига боғлайдиган уч юз мил узунликдаги Шоҳроҳ. Махсус бўйруқ билан кенгайтирилган ва атрофи обод қилинган бу йўлдан тўрт-бешта арава катор юрса ҳам сигади. Унинг саҳнига силлиқ тошлар ётқизилган, икки томонига бора-боргунча серсоя дараҳтлар ўтказилган, ҳар етти-саккиз мил жойда тўхтаб дам олинадиган, овқат ейиладиган ва от алмаштириладиган ёмхона — бекатлар қурилган. Шунча узоқ масофага чўзилган бундай катта йўл ўша даврда жаҳоннинг жуда камдан-кам жойида учрашини миодиди 1591 йилда Лахўрга келиб кетган инглиз элчиси лорд Эдвард Лайтон ўз хотидаларида ёзиб қолдирган.

Акбар шимолий чегаралар ташвиши билан нечоғлик банд бўлмасин, португал истилочиларининг жанубдаги ҳаракатларини сергак кузатиб турарди. Сўнгги йилларда Ҳинд уммонида инглизлар португаллар билан аёвсиз жанглар кильмоқда эдилар. Акбар бу икки рақибнинг ўзаро низоларидан фойдаланиш учун инглиз элчиси Эдвард Лайтонни Лахўрда қабул қилди. Муомалага уста бу лорд Англияни факат ҳинд савдоси қизиқтираётганига Акбарни ишонтириди. У португалларга қарши курашда Акбарга ёрдам бериш шарти билан Ганга дарёсининг уммонга чиқадиган Калькутта номли жойида «Ост-инд» ширкатининг кичик бир шуъбасини очишига рухсат олди. 1600 йилда Англия қироличаси Елизавета бу ширкатни кўллаб-куватлайдиган махсус қарор чиқарди. Лекин «Ост-инд» ширкати келажакда бутун Ҳиндистонни мустамлакага айлантирадиган машъум кучга айланишини у пайтда Акбар ҳам, Елизаветанинг ўзи ҳам тасаввур этмаган бўлсалар керак...

Аммо уммонлар ортидан сузиб келаётган фарангি кемалар Ҳиндистоннинг жанубий қирғоқларида тобора кўпайиб бораётгани Акбарни безовта қиласади. Фойда кетидан қувган фарангилар уммон бўйидаги Бижапур, Голканда, Аҳмаднагор ва Хандеш деган майдо-чуйда мусулмон давлатларини бир-бири билан уруштириб қўйиб, ўзлари уммон қирғоқларида янги-янги қароргоҳлар барпо қильмоқда эдилар. Акбар эса бу сultonликларни фарангиларга қарши бирлаштиришга интилар эди. Шу мақсадда ўзининг энг ишонган одамлари бўлмиш Файзий ва Абулфазлларни

жанубдаги султонликларга бир эмас, тўрт марта элчи қилиб юборди. Ахийри Хандеш султонлигининг Алихон деган хукмдори Акбар давлатига ихтиёрий равишда кўшилди ва унинг аскарларига ўз давлати чегараларини очиб берди.

Хандешнинг Бурхонпур шахрига Акбар ўзининг йигирма саккиз ёшли ўғли Муродни катта қўшин билан жўнатди. Муродга тажрибали саркарда Абдураҳим хони хонон бош маслаҳатчи қилиб тайинланди. Акбар уларга фарангиларни Малобар кирғоқларидан ва Гоадан қувишни бош вазифа қилиб қўиди. Унинг назарида, Муроднинг фарангни тилини билишилиги бу вазифанинг сўзсиз адо этилишига ёрдам берishi керак эди.

Мурод Бурхонпурда туриб, фарангилардан бир қанча замбараклар сотиб олди. Аммо бу замбараклар хийла эскирган, Гоада истеъмолдан чиккан, уларни фарангни тўпчиларнинг ёрдамисиз отиб бўлмас эди. Шунинг учун Мурод фарангни тўпчилардан бирини ўз ёнига таклиф қилди. Бу фарангни тўпчи жуда хушмуомала улфат йигит экан, Муроднинг ичкиликни яхши кўришидан фойдаланиб, у билан тонготар базмларда майхўрлик қила бошлади. Акбар ўғлини майхўрликдан эҳтиёт қилишни Абдураҳимга топширган эди. Абдураҳим хони хонон шаҳзоданинг тунги базмларини тўхтатишига, бутун эътиборини Акбар топширган вазифага қаратишига кўп уринди. Аммо шаҳзода унинг гапига эмас, майхўр улфатларининг гапига кўпроқ қулоқ солар эди. Абдураҳим билан шаҳзоданинг орасини ўшалар бузди. Ширакайф Мурод Абдураҳимни: «Сен шиасен, бизга етти ёт бегонасан!» деб хақорат ҳам қилди. Яна Абдураҳимнинг устидан шикоят ёзиб, чопар билан Лахўрдаги отасига жўнатди.

Худди ўша кезларда Самарқанддан Акбар учун жуда муҳим бўлган янги хабарлар келмоқда эди. Абдуллахон Карши атрофларида қишилаётган пайтда Абдумўмин Балхдан отасига қарши яшириқча қўшин тортади. У Амударёдан ўтганда Абдуллахон бундан хабар топади-ю, Самарқандга шошапиша чекинади. Жигари хилвираб қолган хонга қишики йўлларнинг азоби ёмон таъсир киласди. Абдуллахон Самарқандда 1598 йилнинг хут ойида вафот этади.

Абдумўмин тўнғич ўғил бўлгани учун дарҳол отасининг таҳтини эгаллайди ва биринчи килган иши — отаси яхши кўрган беку аъёнларни аямай қириш бўлади. Шулар орасида Абдуллахон давлатининг энг аклли ва тадбиркор вазири Кулбобо кўкалдош ҳам «душоха» деб аталадиган даҳшатли исканжага солиниб, минг қийноқлар билан ўлдирилади. Абдумўмин хон оиласининг таҳтга даъво қилиши мумкин

бўлган вакилларини ҳам бирма-бир киличдан ўтказади. Абдуллахон авлодидан фақат Пирмуҳаммад қўкнори аллакайси тақяди кайф билан ётиб қолган бўлади, уни ўлдиришга юборилган одамлар уйидан тополмайдилар. Кейин Абдумўминга қарши исён кўтарган бийлар ана шу Пирмуҳаммад қўкнорини ўзларига хон кўтариб, майдонга чиқадилар. Ички уруш бошланади.

Акбарнинг Мовароуннахрдаги тарафдорлари: «Энди сизнинг Туронга келишингиз учун фурсат етилди, Абдумўмин билан Пирмуҳаммад қўкнори хадемай бир-бирининг бошига етгай!» деган мазмундаги мактублар юбордилар.

Аксига олиб, худди шу кезларда Акбарнинг ўз даргоҳида ҳам бир-биридан оғир мусибатлар юз бера бошлади. Унинг энг ишонган саркардалари Ҳағван Даҳ ва Тодар Мал орқама-кетин қасалга чалиниб вафот этишиди. Улардан сўнг шоир Файзи Фаёзий оламдан ўтди. Муроднинг ўғли Рустам тўққизга кирганда бўғма қасалидан жон берди. Бу машъум хабар Бурхонпурда Абдураҳим билан тил топишолмай, нуқул ичиб юрган Муродга маълум бўлди. У иссиқни унутиш учун ҳам май ичар эди. Энди ўғлининг догида йиғлаб туну кун масти бўлиб юрди ва ахийри оқтуткалоқ қасалига учраб, ўзи ҳам вафот этди.

Бурхонпурдан Лахўргача отда бир ярим ойлик йўл. То Акбарга хабар етиб келгунча ҳинд иссикларида Муроднинг жасадини сақлаб турис ҳам мумкин бўлмади. Уни отана иштирокисиз Бурхонпурга дағн этган эдилар. Буни эшитган Салима бегим:

— Наҳотки ёлғиз ўғлимнинг жасадини ҳам кўролмасам! — деб дод солиб йиғлади, юзларини тирнаб қонатиб юборди: — Йўқ, мени Муродхоннинг олдига юборинглар! Мен унинг қабрини кучоклаб видолашай!

Лекин у ёқларда ҳали уруш тугмаган, йўллар хатарли эди.

— Хатарли бўлса майли, ўлсам ўғлимнинг ёнига кўминглар!

Йигирма тўққиз ёшли Мурод Акбарнинг дилидан ҳам катта бир парчасини юлиб олиб кетгандай бўлди. Абдураҳим Бурхонпурдан келиб фожианинг тафсилотларини айтиб берди. Муроднинг интиҳосиз майхўрликларида унинг яқин улфатига айланган фарангни тўпчининг ҳам хизмати борлигини Акбар сезди. Дехлида Акбарга суиқасд қилган Нўлот васвас ва унинг уйидан топилган фарангни тўғанг хаёлида қайта гавдаланди. Ўшанда Пакавира Акбарга қарши оттиришига улгурмаган тўғангни энди фарангни тўпчи чоғирга айлантириб, унинг ёрдамида Муродни ҳалок қилган бўлиши мумкин эмасми?

Наҳотки Акбар — Акбар бўлиб, уммон ортидан келган шу бир неча минг босқинчи фарангини Ҳиндистондан даф қилолмайди? Салима бегим ҳам жанубга талпинарди. Туронга қўшин тортиш режаси кейинга сурилди. Акбар шимол юриши учун тайёрланган қўшинларини энди жануб томонга бурди.

Лекин бутун нажотни ундан кутаётган бухоролик ва самарқандлик тарафдорлари Акбарнинг кетидан яна мактуб йўллаб, Абдумўмин ҳам ўлдирилганини, шайбонийзодалар сулоласи тугаш арафасида эканини хабар килдилар.

Абдумўмин худди отасига қарши қилич қўтарган темурйизода Абдуллатифга ўхшаб фақат олти ой подшо бўлди. У саратон кунларида Зоминнинг салқин сувлари бўйида дам олгандан кейин, Самарқандга қайтаётган пайтида ўтадиган йўлига душманлари чуқур қазиб, тепасини билинмайдиган қилиб бекитиб қўядилар. Абдумўмин оти билан шу чукурга тушиб кетгандан кейин уни Пирмуҳаммад қўкнорининг тарафдори бўлган бийлар тутиб олиб ўлдирадилар ва жасадини Бухорога олиб бориб хон саройи олдидаги жазо майдонига осадилар. Ҳозир хон бўлган гиёванд Пирмуҳаммадни одамлар писанд қилмайди. Шайбонийзодаларнинг куни шу заиф қўкнорига қолгани учун бошқа каттадаҳан бийлар янги сулолага асос солиш ҳаракатига тушадилар. Бу бийлар орасида Ҳазар денгизининг шимолидаги Аштархондан чиқсан Олтин ўрда колдиги сифатида Иван Грозний аскарлари билан жанг қилиб енгилган ва Бухорога қочиб келиб жон сақлаган Мингқишилоқхоннинг авлодлари ҳам бор. Ана шу аштархонийлардан aka-ука Имомкулихон ва Нодир Муҳаммад Самарқандни ишғол қилиб, энди Бухородаги Пирмуҳаммад қўкноридан тахти тортиб олиш учун тайёрлик кўра бошлайдилар.

Акбарга бу воқеалар хабарини етказган самарқандлик тарафдорлари: «Тезроқ келиб бобокалонингиз пойтахтини эгалламасангиз, Мовароунаҳр шайбонийзодалардан ҳам золимроқ ва жоҳилроқ аштархонийлар тасарруфига ўтиб кетгай!» деб нидо қилган эдилар.

Минглаб чақирим жойдан етиб келган бу нидо Акбарнинг аввалги ўй ва истакларини яна қўзғатди. У Аграга боргандан Муроднинг йигирмасига келган шаҳзода Салимни бухоролик устози мавлоно Фарид билан бирга ўзининг хонайи хосига чакириди. Уларни Абулфазл бошлаб кирди. Тўртловлари юзма-юз ўлтиришди-ю, Акбар Самарқанддан келган сўнгги хабарларни айтиб берди.

— Амирзода, бир марта сизни шайбонийзодаларга қарши жангга юбормоқчи бўлганимизда бормаган эдин-

гиз,— деди Акбар Салимга майин кўз ташлаб.— У пайтда чиндан ҳам вазият оғир эди, юсуфзайлар Ҳайбар довонини бекитиб ётган эдилар. Лекин сўнгги йилларда яхши муомала билан юсуфзайларни тинчтитдик. Тинчмаган саркашларини Зайниддин кўка Кобулдан келиб тор-мор килди. Ҳайбар довони энди бехатар, йўл очик. Шайбонийзодалар ҳам ўлиб, қирилиб, биттагина қўкнориси қолибдири.

Акбар бир тўхтаб олди, ёши ўттизга кирган, елкалари тўлишиб хушмўйлов дуркун йигитга айланган ўғлига мамнун назар ташлаб сўзида давом этди:

— Сиздек пахлавон бобурийзода наҳотки қўкнорига бас келолмасангиз?— деди.— Наҳотки Олтин Ўрда ҳаробалиридан Бухорога қочиб келган қаёқдаги аштархонийлар бобокалонимиз шаҳри Самарқандни забт этса-ю, биз бу ерда лоқайд қараб турсак?

Салим Мовароуннахрга отасининг кетишидан умидвор эди, ўзи эса Ҳиндистонда қолишини истарди. Буни очик айтишга журъат этолмай гапни айлантириди:

— Ҳазратим, барча сўзларингиз ҳақ. Ўғлингиз фақат Дақан юришини эслатмоқчи. Жанубдаги урушни тугатмасдан туриб шимолга юриш бошлиш... қандоқ бўларкин?

Акбар Фарид Бухорийнинг дилида нима борлигини билгиси келиб:

— Мавлоно, сизнинг фикрингиз қалай?— деди.— Асли бухороликсиз, наҳотки ота-боболарингиз шаҳрига қайтишини истамасангиз?

Фарид Бухорий ота-боланинг бирига ён босса иккичисидан баълога қолиши мумкинлигини сезиб типиричилади:

— Ҳазратим, фақир Дехлида туғилиб ўсган бўлса ҳам... Бухорони ҳеч бўлмаса бир марта кўриб ўлсам армоним қолмагай... Фақат... Туронга юриш қилиш бобида... Мавлоно Абулфазл фақирдан кўра донорок вазирдирлар... Аввал шу кишининг фикрини эшитиб, сўнг ўзимнинг камтарона мuloхазамни айтишга ҳазратимдан ижозат сўраймен.

Акбар Фарид Бухорийнинг қувлигини сезиб, кинояли кулимсиради-да, Абулфазлга сўз берди.

— Тарих адолатли ҳакам эканини Самарқанддан келган хабарлар яна бир бор тасдиқ этмоқда,— деб секин сўз бошлади Абулфазл.— Шайбонийхон билан унинг ворислари бир аср давомида не-не истеъоддли фузалоларни ватанларидан жудо килдилар. Мирзо Бобур каби не-не сиймолар ватанларига қайтиш учун шайбонийзодалар билан кўп йил олишдилар, аммо уларни енголмадилар. Лекин алоҳида одамлар кила олмаган ишни вақт, тарих ўзи килди. Шайбо-

нийзодалар давлати ичдан чириди, таги тешилган, ҳализамон чўкиб кетиши муқаррар бўлган кеманинг аҳволига тушди. Аммо бу кемада жуда кўп бегуноҳ одамлар, сөҳидил, маърифатли фузалолар бор. Улар бир аср давомида Шайбонийхоннинг Турондаги авлодлари билан Мирзо Бобурнинг Ҳиндистондаги авлодлари орасидаги маънавий мусобақани холис кузатиб турдилар. Тарих бугун шу мусобақанинг галибини адолатли тарзда аниқлади. Ҳазратим камолга етказган Ҳинд давлати — дунёдаги энг улуғ, энг мустаҳкам давлатларнинг биринчи сафида бормоқдадир. Ҳазратимнинг Турондаги хайриҳоҳлари биздаги илму маърифатдан, бошқа имкониятлардан баҳраманд бўлишини истайдилар. Жоҳил бийлар зулмидан уларни кутқармоқ — сизнинг олижаноб бурчингиздир, амирзодам! Ҳиндистоннинг имкониятлари чексиз. Агар эллик минг қўшин ҳазратим билан жанубга йўл олса, яна шунча қўшин сиз билан Турон юришига бормоги мумкин.

— Демак, ҳам шимолга, ҳам жанубга бирваракай қўшин тортгаймизми?!— норози бўлиб сўради Салим Абулфазлдан.

Унинг гапига Акбар қатъий жавоб берди:

— Вазият шуни талаб қилмоқда!

Салим отасига гап қайтаролмай жим колди. Абулфазл мулойимлик билан сўзида давом этди:

— Амирзодам, сиз жаннатмакон бобокалонингиз Бобур ҳазратлари каби хотиралар ёзмоқдасиз. Сизда шунга муносаб истеъдод бор, қаламингиз ўтири. Энди Бобур ҳазратлари каби катта жасоратлар ҳам кўрсатмогингиз керак. Агар сиз Самарқанду Бухорони жоҳиллар зулмидан кутқарсангиз, у ёрда ҳам илму санъатга кенг йўл очилса, бу нек ишингиз умр китобингизнинг энг ёрқин бобига айланаб, қоғозга тушгай. Ахир «Бобурнома»дек китоб ёзмоқ учун шу китобда қаламга олинган улуғ ишларни қилмоқ ҳам керак-куй!

Бу гаплардан Салимнинг ранги оқариб, лаблари кўкиш тусга кирди. Абулфазл унинг энг оғрийдиган жойига урганини Акбар шундан сезди. Салим отасидан рухсат олгач:

— Жаноби вазири аъзам,— деб Абулфазлга олайиб карида:— Сиз бизга ваъда қилган эллик минг қўшиннинг ярми ражпутлар бўлгай, шундокми?

— Тахминан шундок.

— Туроннинг буткул аҳолиси мусулмонлар экани маълумингиздир,— деб Салим энди ўзини сал босиб вазминрок сўзлай бошлади.— Тарихни бир эсланг, жаннатмакон

бобокалонимиз қизилбошларни бошлаб борганда нақшбанлий шайхлар бутун Туронни уларга қарши қўзгаттган эдилар. 1 изби 1 изби, мусулмонлар эди. Уларни «келгинди шиади» кириб ташлаган туронликлар ғайридин шоҳ ражпутларни аягаймилар? Агар биз ҳам туронликларни билан жангга кириб, туронликлар қонини қиличи билан тўйсак, тарих буни кечирсангиз? Авлодлар бизни босқинчиликда айбламасмикин? Амирзодамнинг ўзини ҳам худди шу ҳаф кўп ўйлантирар. Онаси Ҳамида бегим ҳам бўлажак қирғинлар оқибатига кўркиб, Акбарнинг Мовароуннахрга қўшин тортишига эътиroz билдирган эди. Акбар онасининг эътиrozига қарши айтган сўзларини хозир ўғли олдида кескин қилиб тақорлади:

— Қаёқдаги Аштархондан келган Мингқишлоқҳоннинг авлодлари туронликларнинг қонини тўйса босқинчилик бўлмас экану биз бобокалонимиз пойтахти Самарқанд учун жанг қилсак, босқинчилик бўлар эканми?!

— Ҳазратим,— деб Салим отасига майинроқ гапиришга тиришди,— Мингқишлоқҳон Аштархондан урилиб-сурилиб кетгани рост, аммо унинг ўғли Ёрматхон Абдуллаҳоннинг синглиси Зухра хонимга уйланган экан. Ҳозир Бухоро тахтига даъво қилаётган Бақимуҳаммад билан Нодирмуҳаммад ана ўша Зухра хоним туккан Динмуҳаммаднинг ўғиллари экан. Биз Ҳиндистонда туғилиб ўғсанимиз каби, улар ҳам Туронда туғилиб ўғсан эканлар. Биз ўзимизни ҳиндистонлик деб билганимиз каби, Динмуҳаммаднинг ўғиллари ҳам ўзларини туронлик деб ҳисоблашга ҳақлидирлар...

Салимнинг ҳамма нарсадан хабардор экани ва қўпни кўрган одамлардай мантиқли гапириши отасини ҳимояга ўтишга мажбур қилди.

— Хўш, амирзодам, Бухоро тахтини аштархонийлар олаверсину биз жим қараб тураверайликми? Најотни биздан кутиб, вакиллар юбораётган, мактублар ёзаётган туронлик хайриҳоҳларимиз ноумид бўлиб қолаверсинларми?

— Ўғлингизни маъзур тутинг, ҳазратим,— деб Салим ётиғи билан гапирди:— Туронлик тарафдорларимиз яна бир-икки ийл кутсалар ҳеч гап бўлмас. Шайбонийзодалар билан аштархонийларнинг олишуви ҳали узоқ давом эта керак. Туронликлар икков томондан ҳам безор бўлиб ёппасига кўзголон кўтаришлари эҳтимолдан узоқ эмас. Үнгача Дақан юриши ҳам ғалаба билан якунлангай. Ана ўшандага бор кучларни йигсак, ўзингиз бош бўлиб, Туронга борсак,

хонлар зулмига қарши кўзғалган эл-улус бизнинг тарафимизни олса, Самарқанду Бухорога жангиз кирмоғимиз ҳам мумкин. Бу сизнинг сулхи кулл сиёсатингизга ҳам мос тушгай!

Акбарнинг ўзида ҳам шундай бир истак йўқ эмас эди. Ахир унинг бутун ҳаракати диний адоватларни тинч йўл билан йўқотишга қаратилган пайтда, наҳотки боболар юрти Туронда қонли ғазавот бошланиши жоиз бўлса? Йўқ, Салим бу жиҳатдан ҳақ. Лекин Акбар ўғлининг олдида ўзини мағлуб кўрсатгиси келмади.

— Начора, амирзода! Бундай кайфият билан сиз менга Турондан ғалаба келтира олмагайсиз. Мағлубиятдан эса худо сақласин! Турон юришини кейинга қолдиргаймиз.

Мунозарада Салим ўз сўзини ўтказа олгани Фарид Бухорийни беҳад суюнтириди. Акбар унинг Салимга ифтихор туйғуси билан завқланиб қараб кўйганини кўрди. Салимга «пойтахтдан йирок кетманг, отангиз олтмишга бориб колдилар, бирон ҳодиса бўлса дарҳол тожу тахтни эгалла-могингиз керак» деб маслаҳат берувчи жонкуярлар ҳозир анча кўпайған. Зиёвлул Мулк, шайх Рукниддин, Сайдхон Чифатий деганлари ҳам ана шулар қаторига кўшилган. Шаҳзодага ҳаммадан кўра Фарид Бухорий кучлироқ таъсир ўтказишини Абулфазл сезган ва Акбарга келиб айтган эди. «Сиз узоқ Даканга кеттандан шаҳзода Салим Фарид Бухорийнинг гапига кириб, пойтахтни эгаллаши ҳам мумкин», деган эди. Акбар бундай фитналарнинг олдини олиш учун Салим билан Фарид Бухорийни бирбиридан ажратгиси келди, бўйруқ оҳангиди:

— Амирзодам, сиз эртага яна Ражастханга жўнаб кетинг,— деди.— Тогангиз Ман Синх ҳамон саркаш меварликлар билан олишмоқда. Пратап Синх ўлган бўлса ҳам, унинг ўғли Амар Синх ҳамон бизни тан олмайдир. Сиз ўша хонадонга куёвсиз, уларни тинчтишнинг йўлини топинг.

Салимнинг қовоғи осилиб кетди. Акбар бунга эътибор бермай сўзида давом этди:

— Ҳатто мавлоно Абулфазл ҳам энди белларига қилич тақгайлар. Уч минг навкарга саркарда бўлиб Даканга бормоқдалар.

Сўнгги гап Салимга ҳам, Фарид Бухорийга ҳам ёқиб тушганини Акбар уларнинг мамнун кўз уруштириб олганларидан сезди. Хатарли жангларда Абулфазл ҳалок бўлиб кетса, улар бундан фақат суюнишлари мумкин эди. Аммо Акбар улардаги бу ичиқора мамнуниятни йўққа чиқаргиси келди. Фарид Бухорийга қараб деди:

Мавлоно, Гужарат юришида яхши жанг килган ҳам. Оиди Даканда ҳам жасорат кўрсатишингизга бермоқчимиз! Даканга биз билан бирга борурсиз, та ташерланинг!

Акбар мътиrozга йўл бермайдиган бўйруқ оҳангиди айти-фармойини Салим ҳам, Фарид Бухорий ҳам таъзимни қабул килишга мажбур эдилар.

* * *

Салимнинг дили хуфтон. Отаси уни атайлаб Фарид ғийдан ажратмоқчи экани ва нотинч Ражастхонга ётгани шахзодага берилган сургун жазосидек тую-Агар Салим Ражастхон тоғларида Амар Синх билан килиб ўлиб кетса, отаси унга ачинмайдигандек кўри-Чунки нарёқда кичик ўтил — Дониёл бор. Салимни дўнҳадай Тар саҳроси томонга юбораётган ота Дониёлнига бўйидаги жаннатдай жой — Оллоҳободни бериб турди. Ахир удум бўйича тўнғич ўтил кўпроқ эъзозланини ғерик эмасми? Аксинча қилинаётгани ҳар хил мишишларни сабаб бўлмоқда. Одамлар: «Тахт вориси Салим эмас, Дониёл бўлармиш!»— деб гап тарқатишмоқда. Агар отаси шунчалик адолатсизликка борса, Салим ўзининг ворислик қуқукини қўлда қилич билан химоя килишга ҳам тайёр!

Оти билан ўтил орасида пайдо бўлган адоват жари мана шу тирзда тобора чуқурлашиб, кенгайиб бормоқда. Салимнинг назарида, уни отасига, айниқса, Абулфазл ёмон кўрсатмоқда. Бу одам Акбарнинг кўзи олдида Салимни камситиб: «Сиз Бобур бобонгиздай китоб ёзолмагайсиз, бунга ирнина жасоратлар кўрсатганингиз йўқ», деган маънода таниргани Салимга туриб-туриб алам киларди. «Тузуки Жа-қонгирий» деб атамоқчи бўлган хотира китобини у чиндан ҳам давом эттиrolмай ташлаб қўйди. Айниқса, Абулфазлнинг «Иқболнома»¹ деб аталган уч жилдлик улкан китобини ўқигандан сўнг, ўзи ёзган хотиралар кўзига жуда ғариб кўринди-ю, қўли қаламга бормай қолди. Фарид Бухорий Салимни Сухробга ўхшатиб, «отангиз Рустами достондай тур бўлса ҳам сиз уни, албатта, енггайсиз!» деб ишонтиришдан бери унинг ўзи тўғрисидаги фикрлари беҳад юксак эди. Абулфазлнинг китобида эса Акбарнинг эллик йилдан бери не-не курашларни ғалаба билан тугаллаб келаётгани ишлма-йил, номма-ном барча далиллари билан ёзилган эди.

¹ «Иқболнома» кейинчалик «Акбарнома» деган ном билан машҳур бўлди. Дастилаб «Ойини Акбари» ҳам шу китобга илова тарзида ёзилган.

Аммо Салим, ўттиздан ошаётган бўлишига қарамай, бирорта катта жангда отасидай жасорат кўрсатганми? Абулфазл ўз китобида бу саволга «йўқ!» деб жавоб берган эди. «Акбарнома» саҳифаларида отасининг жасоратлари улуғор Ҳимолай тоғининг қорли тизмаларида ястаниб кўринганда, Салимга оид воқеалар шу тоғ этагидаги кичик тепаликларга ўхшаб турад, «туғулди», «ўйланди», «ўғил кўрди», «Ажмирга ҳоким тайинланди» деган жўн гаплар билан таърифланар эди.

Салимни шунчалик ўкситадиган «Иқболнома»ни сарой аҳли, жумладан, Акбарнинг ўзи нукул мактайди. Бири: «Жаноб Абулфазл «Бобурнома» анъаналарини давом эттиришилар, мураккаб такаллуплардан воз кечмишлар, тиник, равон услубда асар ёзгандари таҳсинга сазовор!»— дейди. Яна бири Абулфазл ёзган уч жилдлик асарнинг «Бобурнома» каби жамияту табият тўғрисида қомусий маълумотлар берганидан мамнун бўлади. Факат наботот, жуғрофия, тарих, давлат тартиби, турли касб-хунарлар таърифи, ҳатто бозордаги нарх-наволарга оид турли-туман қомусий маълумотлар бир жилдга сигиши мумкин эмас эди. Абулфазл «Бобурнома» анъаналарини ижодий давом эттириб кашф этган янгилик шу бўлдики, қомусий маълумотлар «Оини Акбарий» деб аталган алоҳида жилдга жамланди. Йигирма йил давомида Абулфазл Акбарнинг номидан турли мамлакатларга ва вилоятларга ёзган мактубларнинг энг муҳимлари «Муншоат» деб аталадиган учинчи жилдга киритилди.

Акбар бу уч китобни Ҳиндистоннинг шу даврдаги маданияти хазинасига қўшилган уч йирик гавҳар деб атади. Абулфазлга мамлакатнинг энг улкан олими — Алломий деган унвон берилди.

— Алломийнинг ижодий жасорати тарихда қолмоғи керак!— деди Акбар ва энг яхши мусавиirlарга топшириқ берди:— Абулфазл Алломий шоҳ асарини битириб, бизга келтириб берган кунига махсус бир сурат бағишилсанси. Токи бу сурат Алишер Навоий ўз «Хамса»сини тугатиб, Ҳусайн Бойқарога келтириб топширган пайтини эслатадиган дараҷада мукаммал бўлсин.

Акбар айтгандай қилиб, энг нафис ва гўзал бўёклар билан чизилган бу суратни Салим кўрганда дилидаги эски рашк баттар хуруж қилди. Суратда Абулфазл ўзи ёзган икки жилд китобни икки кўлида тутиб, одоб билан чўкка тушиб ўтирибди. Китобнинг учинчи жилди гилам устида навбат кутиб турибди. Тахт устидаги Акбарнинг бутун дикқат-эътибори Абулфазлга қаратилган. У ўнг кўлининг икки бармоғини Абулфазлга кўрсатиб нимадир демоқчи

имминг фикрича, Акбарнинг икки бармоғини иш «саройда Абулфазл икковимиздан якин ин маънони билдиради. Отаси Салимдан ҳам оиласдан чикқан қаёқдаги Абулфазлни баланд сурат ҳаммага очиқ намойиш қилгандай бўлди. Абулфазлдан кейинги учинчи ўринга тушиб анига унинг сирдош жонкуяри шайх Фаридга диди. Ҳозир мартағаси ошиб, Салимнинг ички орига ўтган Алибек — Альберт Перейро ҳам учун куйинади. Мана энди Акбар ўша Абулфазлни кириб, Салимдан Фарид Бухорийни ҳам тортибди. Дақанга бирга олиб кетмоқчи:

— да рашк ва аламга тўлиб Аградан Ражастхонга тинни тайёрлигини кўраётган куни кечаси унинг осига Алибек билан Фарид Бухорий секин кириб

Алибек Перейронинг кўлтиғида кўк белбоқка ширгина кўллэзма бор. Учови хонайи хосда холи ҳизида шайх Фарид кўллэzmани Алибекдан олиб, тидан чикарди:

— тирзодам, бу нарсани ҳозирча сиздан бошқа хеч таслиги керак.

— ингиз ёзганмисиз?

Йўқ. Абдуқодир Бадавний деган муаррих яширикча ишлами. Буни содиқ бекингиз Алибек билар экан. Сиз чиққанингизда буни Бадавний сизга тақдим этмоқчи

— то бечора муродига етолмабдир. Кундузлари кутубхонасириб, «Рамаяна» билан «Маҳабхарата»ни таржиди. Кечалари мана шу маҳфий китобни ёзib, тиним билмай ишлайвергандан сўнг шўрликнинг шиғони қўйилиб оламдан ўтди. Алибек унинг ёзувларига орқол иликка олибдир.

Печун буни маҳфий ёзган?

Чунки Бадавнийнинг бу асари Абулфазлнинг «Иқомма»сига қарши битилган,— деди Алибек.— Маълум, Абулфазл ҳазрат отангизни нукул улуғлайдир, шоир, хатоларини айтмайдир.

— Бадавний отангизнинг тутган сиёсатига қарши эди!— осканинг сўзини шайх Фарид давом эттириди:

— Ҳусусан, Абулфазлни, Бирбални, шоир Файзийни шар эди. Бирбал ўлганда отангиз қанча кўз ёшириши кўргансиз. Қаранг, Бадавний кўркмасдан «Бирбал жаҳаннамнинг итлар турадиган жойига

— Шоир Файзий юраги портлагандай бўлиб, тўсатдан

вафот этган эди, иссиқ кунда то дафн қилгунларича жасади бир оз қорайиб колганди.

Бадавний буни ҳам ўзича талқин қилиб: «Файзий исломдан қайтди, шунинг учун уни пайғамбаримизнинг арвоҳлари уриб корайтириб юборган», деб ёзиб қолдирган эди.

Фарид Бухорий Бадавний қўллэзмасининг шунга ўхшаш жойларини топиб, Салимга бир-бир ўқиб бергани сари шаҳзоданинг дил яраларига малҳам кўйилгандай ёқа бошлиди. Абулфазлнинг «Акбарнома»сидан топиб бўлмайдиган имону эътиқод курашининг тафсилотлари Бадавнийнинг «Мунтаҳаби таворих»ида эринмай ёзиб кетилган эди. Салим учун энг муҳими, Бадавний ҳам Фарид Бухорий ва Алибек каби шаҳзодага тарафдор экан. «Мунтаҳаби таворих»да Акбарнинг диндан қайттанини кўрсатадиган талай исботу далиллар келтирилганини ўқиган Салим: «Мусулмон давлатида подшо диндан қайтса уни таҳтдан тушуриш савобдир», деган азалий урф-одатни эслади. Бу одат уни отасига қарши курашишга ҳакли қилиб кўрсатди.

— Дилим сезиб турибдир, амирзодам,— деди шайх Фарид овозини сирдошларча пасайтириб.— Якин йилларда давлат тизгинлари сизнинг илкингизга ўтгай. Отангизнинг Дақан юриши чўзилиб кетса, сиз Ражастхонда азоб тортиб юрманг. Аграга қайтинг!

— Бирок Ражастхонда мен тоғамиз Ман Синҳ назорати остида бўлурмен. Унинг руҳсатисиз Аграга қайтолмагаймен!

— Ҳа, мен ҳам эшитдим!— деб Алибек сўз котди.— Агар кутволи Қулжаҳон яқинларига мақтаниб айтди. Ҳазрат Дақандан қайтиб келмагунча амирзодамни Агра қальасига келтирмаслик ҳақида маҳсус буйруқ берилган эмиш!

Салимнинг яна алами келди:

— Кўрдингизми? Отамиз бизга шу даражада ишонмайдир!

Ҳамма давлат сирларини билиб олишга уста бўлган Алибек Салимга тасалли берадиган бошқа бир янгиликни ҳам айтди:

— Шаҳзода Дониёл ҳам Дақан юришига борармиш. Ҳозир Оллоҳободдан жанубга томон йўл олибдир!

— Мана бу яхши бўлибдир!— деди Салим.— Аграга киргизмасалар, Оллоҳободга кетгаймиз. Яхши жой! Алибек энди менинг суюнган маслаҳатчим бўлгай. Мавлоно Фарид, сиз эса бизни Дақан воқеаларидан хабардор қилиб туринг.

— онидил! То ўлгунча мен факат сизга садоқат имен.

— Йида сига биноан Фарид Бухорий хуфиялар оркали Ілкан юришининг бир йилда ҳам тугамаслигини, ғар қальасини олиш бехад қийин бўлаётганини хабар

тунур тизма тоғининг тепасида турган бу қальанинг ида уч катор бири-биридан мустаҳкам истехкомлар деб ёзган эди Фарид Бухорий.— Бу истехкомларни Абулфазл билан шахзода Дониёл алоҳида иш кўр-Ҳазрат отангиз Абулфазлга олтин сопли ханжар инъциллар. Дониёлга эса эгниларидаги юз минг рупий шаржига жавоҳир безакли шоҳона тўнни кийдирдилар. Шагар билан Берар ҳам забт этилгандан сўнг бу ерда юниги суба тузилмоқчи ва ҳар учаловига шахзода Дониёл бош ҳоким бўлмоқчи, Абдураҳим хони хонон күёвиини валиаҳд қилиш ниятида эканини сездим. Сизни ёмон қурадиган Абулфазл ҳам Дониёл билан жуда иноқ. Бир йўлни топингки, булар сизни валиаҳдликдан маҳрум қилиб қўймасинлар.

Бусиз ҳам отасидан норози бўлиб юрган Салим шайх Фариднинг мактубини ўқигач, бутунлай тинчни йўқотди. Алибекка бу жуда қўл келди. Переярого Гоя оролидан келиштган махфий бўйруқларда Салимнинг отасига қарши исенини теззалиш талаб қилинмоқда. Чунки Акбар қўшини жанубда Асиргарҳ қальасини олгач, фарангиларнинг қирғот бўйидаги истехкомлари хавф остида қолмоқда. Агар қуиб берилса, Акбар португалларни жанубий Ҳиндистон қирғоқларидан улоқтириб ташлаши мумкин. Гоадагилар бунга йўл бермаслик учун Акбарни Аграга қайтишга мажбур киладиган чоралар изламоқда эдилар.

Фарид Бухорийнинг хати Салимни отасига қарши қўзаттанини сезган Переиро:

— Амирзодам, адолат сиз томонда!— деди.— Сиз ўз валиаҳдлик хукукингизни энди қилич билан ҳимоя қиладиган пайт келди! Сиз учун мен каби жон беришга тайёр бўлган минглаб содик жангчиларнинг бор! Аграби эгаллагомингиз керак!

— Аммо тоғамиз Ман Синҳнинг қўшини меникидан унроқ! Унинг назоратидан қандай кутулгаймиз?

Альберт Переиро Салимни Ман Синҳ назоратидан халос илиш учун Бангола томонда, Хугла деган жойда иш олиб кураётган ватандошларига яширикча мурожаат қилди. Акчар бир йилдан бери жануб юриши билан банд бўлиб қол-

гани унинг шарқдаги рақибларини дадиллантирган, Биҳар ва Гаурдаги ағғон қабилалари Усмонхон бошчилигида яна исён кўттарган эдилар. Фарангилар Хугла орқали исёнчиларга курол етказиб бериб, маслаҳатчилар юбориб, шарқий вилоятларнинг Акбар давлатидан ажралиб чиқиш хавфини кучайтирилди. Шунча ҳаракатлар билан бирлаштирилган мамлакат яна парчаланиб кетмаслиги учун Акбар Дакандан Ражастхондаги Ман Синхга шошилинч чопар юбориб, дарҳол Биҳардаги Усмонхонга қарши қўшин тортишни буюрди.

Ман Синх Биҳарга қўшин тортиб кетгач, Салим дадилланди. Азиз қўка Гужаратда. Агра қальясида Қулжаҳон деган қашқарлик бек яккаланиб қолди. Салим Ражастхондан ўн минг қўшин билан Аграга келаётганини эшитган Қулжаҳон шаҳзоданинг нияти бузуқлигини сезиб, қалъани маҳкам бекитиб олди. Агра бир қанча вақт қамалда қолди ва бунинг хабари Дакандаги Акбарга етиб борди. Акбар энди фарангилар истагандай Аграга қайтиши керак бўлди.

Мелодий 1601 йилнинг жавзо ойида Акбар ўн беш минг қўшин билан Дакандан қайтиб келаётганини Салимга яна Фарид Бухорий хабар қилди:

«Мен ҳам шу қўшин билан бормоқдамен,— деб ёзган эди Фарид Бухорий.— Ҳозир отангиз билан жанг килсангиз, енгилишингиз мумкин... Шунинг учун Аградан нарирокка бориб кўпроқ куч тўплаганингиз маъқул. Отангизнинг суюнган устуни Абулфазл Даканда қолди. У билан Абдураҳим хони хонон шаҳзода Дониёлнинг ёнида туриб, Дакан ишларини изга солмоқдалар. Мен сизни жуда согингидим, амирзодам. Қаерда бўлсангиз ҳам албатта ёнингизга етиб бориш иштиёқидамен».

Салимнинг ёнида Алибекдан бошқа маслаҳатчилар ҳам кўпайиб қолган эди. У отасига қарши очиқласига кураш бошлаганидан кейин кимки Акбардан норози бўлса, ҳаммаси Салимнинг томонига ўта бошлади. Салим улар ёрдамида Оллоҳободни эгаллади.

Акбар ўзини аямагани каби беку аъёнларини ҳам қаттиқ тутар, катта мансабдорларни бир вилоятда уч-тўрт йилдан ортиқ ушлаб турмас эди. «Кўл турса, порага ўргангай, тарафдорлар ортириб, фитнага қўшилгай» дер эди-ю, амалдорларнинг жойини тез-тез алмаштиради. Панжобдагиларини Гужаратга, Гужаратдагиларини Биҳарга, Биҳардагиларни яна бирор вилоятга ишга тайинлаб қўчириб юборар эди. Бундай қўчиришлардан Бундхела деган жойнинг ҳокими Бир Синх қаттиқ норози бўлганда Акбар Абулфазлга буюриб, саркаш рожанинг еру мулкини давлат фойдасига

тара килдирган эди. Шундан бери Акбардан қочиб ташни у билан Абулфазлдан қасд олишни кўнглига туктари. Бир Синхни Альберт Перейро Салимнинг хузурига тайинлаб келди.

— Шахзода, сиз отангизга ўхшамайсиз,— деди Бир Синх Томирингизда бизнинг ражпут конимиз ҳам бор. Абулфазл сизга ҳам кўп алам ўтказганини жаноб Алибек ишлаб бердилар. Агар келгусида менинг ота мулким бўлган йўни ҳамни ўзимга қайтариб берсангиз, мен Абулфазлни дис, милишим мумкин.

— Ним хиёл ўйланиб турди-да:
— Кандай даф қилмоқчисиз?— деб сўради.

Абулфазл Дакандан Аграга қайтаётган эмиш,— деди Алибек гапга аратлашиб.— Йўлда, ўрмон ичиди Бир Синх уни саранжом қилиши мумкин. Шахзода, бир вақтларири сиз Абулфазлга қасос қайтиши мұқаррарларини шитган эдингиз. Энди шу башоратингиз рўёбга чиксин!..

— Бир оғиз «ҳа» десангиз бас!— деди Бир Синх.

Салим шунча йилдан бери Абулфазлга қарши дилида тўпланиб келаётган аламли кеклар ва норозиликларни бир жойга йигди-да:

— Ҳа!— деди. Алибек билан Бир Синхга шу етарли эди.

Абулфазл йигирматача одами билан келаётган пайтда Серонж деган жой яқинидаги ўрмонзорда Бир Синх уни иккى юз ражпут йигити билан ўраб олди... Абулфазлнинг мулоzимларидан Асадбек дегани Аграга тирик қайтиб, во-кеани айтиб берди... Абулфазл иккى йил давом этган Дакан юриши даврида оиласини ва ижодхонасини беҳад согинган, тезорқ уйига қайтиш ва чала колган асарларини ёзиб тугатиши иштиёқи билан шошилиб келмокда эди. Бир Синх унга ўн баробар кўп навкар билан ҳамла қилганди Абулфазл килич ялангочлаб, отдан ийқилгунча жанг қилди. Жон бергандан сўнг қарасалар, танаси ўн иккى жойидан яраланганди. Бир Синх унинг бошини кесиб, қонли салласига ўради-ю, Оллоҳобод қальясида отасига қарши қўшин тўплаётган Салимга кўрсатгани олиб кетди.

* * *

Ўттиз иккى йил бурун Акбар билан бирга Фатҳпур-Секрига, ундан Лахўрга кўчган пойтахт мелодий 1601 йилнинг ёзида яна Аграга қайтди. Жанубда ҳарбий ҳаракатлар тугамаган, янги қўшиб олинган Берар, Ҳамдеш, Аҳмаднигор вилоятларини марказдан туриб бошқариш учун Агра

кулайроқ эди. Бундан ташқари, Оллоҳободдаги Салимнинг исёнини даф қилиш учун ҳам шарқий вилоятлар билан сув йўли орқали боғланган Агра маъқулроқ эди.

Дакандан ғалаба билан кайтган Акбарни аграликлар карнай-сурнайлар, ранг-баранг гулшодалар билан кутиб олдилар. Илгари пойтахт кўчиб кетганда ҳувиллаб колган қалъа атрофлари, Ҳашт Биҳишт, Зарафшон ва Гулафшон боғлари энди қайтадан безаниб, орастга тус олди. Шаҳарда бирдан одам кўпайиб, кўча ва хиёбонлар, раста ва бозорлар серҳаракат бўлиб кетди.

Пойтахт қайтиб келганидан аграликлар хурсанд. Бироқ Акбарнинг ўзи кийимлари остида яширин яраларни кўтариб юрган одамдай хазин ва изтиробли. Ёши олтмишга кириб, кади гўё бирдан букила бошлагандай энгасиброқ юради.

Ноқобил фарзандлар ота қаддини қандай букиши мумкинлигини, юзма-юз олишувларда енгилган ғанимлар ўғилларининг тантисклигидан фойдаланиб, қанчалик қақшат-қич зарбалар беришини Акбар энди билмоқда.

Муроднинг интиҳосиз майхўрликлардан оқтуткалоқ бўлиб йигит ёшида ўлиб кетгани мусибат устига қўшилган бир маломат бўлди. Нима қилса ҳам жигарбанди, Акбар Муроднинг хокини узок Бурхонпурдан Аграга олиб келиб, Искандар деган жойга қайтадан дағи эттириди ва қабрини кучоқлаб видолашди.

Унинг энди қолган ўғиллардан умиди йўқ. Дониёл ҳам ҳар куни ичмаса туролмайдиган бўлиб қолган. Отасининг давлати соясида эрка ўсган болалар мўрт бўлишини Акбар Муроднинг бевақт ўлимида кўрди. Даканда қолган Абдураҳим куёви Дониёлга қачонгача кўз-қулоқ бўлади? Ўз ўғилларидан юз чандон содикроқ, иродалироқ бўлиб чиккан Абдураҳим Акбарга бошка ташвишларни бартараф этиш учун ҳам керак. Уни Дониёлнинг олдидан чакириб олса, кичик ўғилнинг аҳволи нима бўларкин? Салим-ку, отасига карши очиқласига исён кўтарди.

Акбарнинг ўзи ҳам қариганда ҳали шимолга, ҳали жанубга қўшин тортиб, фотихликка бунча берилмаса, ўғилларининг тарбиясига кўпроқ вакт ажратса бўлмасми? Агар Мурод Даканга юборилмаганда, ота-онасига яқинроқ бир жойда яшаганда балки уни кутқариб олиш мумкин бўларди! Акбар бу аччиқ ҳақиқатдан сабоқ чиқариши ва қолган умрини тинч ўтказиши керак эмасми? Унинг абадий уйқуга кетадиган пайти ҳам унча узок эмас... Акбар шу ўй таъсирида Искандар деган жойдаги кенг, текис ер майдонининг атрофига девор олдирди ва узок яшайдиган дараҳт-

лар эктириди. Сўнг хотини Жодҳа Байга бу жойни маҳсус қўрсатди:

— Марями Замон, бу дунёга ҳаммамиз ҳам меҳмонмиз. **Умрим** битса абадий маконим мана шу ер бўлсин...

Ўғли Салим отасига қарши исён кўтартганидан Жодҳа 1 жуда эзилиб юрган эди. Уйга кайтганларида бирдан инга ёш олди.

— Сиз Салим туфайли бундай ғамгин гапларни айт-покдамисиз, ҳазратим? Аммо Салимни мен тукқанман! **Үтил** туфайли бу дунёдан кечмок керак бўлса, аввал мен кечай! Менга рухсат беринг, Оллоҳободга ўзим борай! Агар Салим сизга карши килич кўтарса, ўша килинча мен иншал ўзимни тутай! Майли, мени ўлдирисну кейин билганини қилсан!

Йиғлаб айтилган бу сўзлар Акбарни ларзага келтирди... Жодҳа Байни бағрига босди-да, ўртаниб дил ёрди:

— Марями Замон, менинг гуноҳларим сизникидан ўроқ! Шоҳлик удумлари куриб кетсинки, мену сизни оиласвий баҳтдан маҳрум қилди. Шу удумга бўйсуниб ўғилини тўрт ёшидаёқ сиздан айирдим, Фарид Бухорий каби мураббийларга ишониб бердим! Ўғил тарбиясига кўпроқ қунт қилмаганимдан энди минг пушаймонмен! Болага қанчалик меҳру эътибор берсанг, у ўшанчалик сеники бўлур экан. Биз беролмаган меҳру эътиборни бошқалар берса, бола ҳам ўшаларники бўлиб кетар экан! Мен бу аччиқ ҳақиқатни энди билмоқдамен. Қайси бир гуноҳимни айтайки, Салим ҳаммасини кўпайтириб, шишириб, ўзимга қарши зарбага айлантироқда! «Экканингни ўрасен!» деганлари рост экан! Шахсий ҳаётда қандай гуноҳлар эккан бўлсан, энди ўғлим орқали шуларнинг ёмон оқибатларини ўрмоқдамен, Марями Замон! Менга қўшилиб сиз ҳам қилмаган гуноҳларингизнинг азобини тортмоқдасиз! Бу не кўргиликки, руҳим гуноҳларга тўлган танамдан безор бўлди! Шунинг учун бу беш кунлик дунёдан тезроқ кетгим келмоқда!

Рани Жодҳа Бай Акбарнинг бағрида юм-юм йиғлар:

— Суянган тоғимизсиз, бизга раҳм қилинг! — дерди.— Ҳали ҳам менга ижозат беринг. Бориб Салимни бошлаб келай!...

— Салимга рожа Рам Дасни элчи қилиб юбордим. Жавобини билайлик... Кейин!..

Акбар Дакандан қайтиши керак бўлган Абулфазлни ҳам кутмоқда эди. Ора узок, отда кирқ кунлик йўл. Абулфазлнинг ҳаяллашини Акбар шундан деб билар, унинг ўлдирилганини ҳаёлига ҳам келтирмас эди.

Лекин зилдай оғир ҳислар вужудини босиб ётар, руҳи

тушкун, бўлажак мақбара режаси хаёлидан нари кетмасди.

Ўйқусиз тунда ўзи қўйиладиган мақбаранинг хомаки режасини чизди-ю, эртаси куни бош меъморни маслаҳатга чақирди.

— Мавлоно, ўлим ҳақ. Эс борида этакни ёпмоқчимен. Замонлар ўзгарди. Бу обида ота-боболаримиз қўйилган мақбаралардан бошқачароқ бўлмоғи керак.

Нозиктаъб меъмор тирик сдам билан унинг бўлажак қабри ҳакида гаплашишдан аввал жуда тортинди. Лекин Акбар ўз мақбарасининг баланд пештоқлари Самарқанд обидалари каби ранг-баранг бўлиши кераклигини, фақат кошинлар ўрнига рангли тошлар таравланиб, қандай тулчин қилинишини айтгани сари, меъморни унинг ғоясидаги янгилик ўзига тортиди-ю, ўнгайсизлиги тарқаб кетди.

Деҳлидаги Ҳумоюн мақбарасининг миноралари йўқ эди. Акбар ўз мақбарасининг тўрт томонига оқ мармардан тўртта баланд минора ясашни буюрди. Ҳумоюн мақбараси курилганда Акбарга ҳаёт ҳозиргидан бехатарроқ тувлар эди. Шунинг учун Деҳлидаги обиданинг атрофи очиқ, унга бирваракай ўнлаб одамлар кириб чиқиши мумкин. Аммо янги маслак эълон қилингандан бери Акбарнинг ғоявий душманлари қўпайиб кетди, ҳатто тўнғич ўғли ўшалар томонга ўтди. Ўзи тириклигига шунчалик хуруж қилаётган ганимлар Акбар оламдан кўз юмса, қабрини бузишдан ҳам тоймайди. Мақбарани ҳимоя қилиш осон бўлсин учун сағанага кириладиган узун мармар йўлакни фақат икки киши ўтаоладиган торликда режалаштириди. У бешинчи қаватга қўйиладиган қабр тоши ёнига бисотида бор камёб лаъл ва гавҳарларни сангфарш қилиб ўрнатиш ниятида эди. Бу нодир жавоҳирларни қўриқлаш¹ осон бўлиши учун юқориги ошиёнга чиқадиган тош зиналар тарҳини ҳам фақат битта одам сигадиган даражада тор килиб чиздирди.

Акбар ўзига мақбара курдирмоқчи эканини эшитган Ҳамида бону ўғлининг хилватхонасига кирди-ю, унинг сағана тарҳини чизиб ўлтирганини қўриб даҳшатга келди:

— Сизга не бўлди, шоҳ ўғлим? Ҳали мен, онангиз, тирик юрибмен. Тангримга шукур, етмиш тўққизга кирдим. Сиз аввал менинг ёшимиға боринг... Марями Замонга васиятнамо сўзлар айтибсиз, эшитганидан бери йиғлайдир!.. Менинг ҳам дилимда фулгула!..

— Бу ўткинчи дунёга ҳеч ким устун бўлолмас экан,

¹ Кейинчалик Акбар қабри ёнидаги бу нодир жавоҳирларни инглиз мустамлакачилари пичқоқ билан кўчириб олиб кетадилар.

шакон. Вазиятни қўриб турибсиз. Тарҳ чизишга бошқа бўш актим бўлгайми, йўқми, билмаймен!

Іу мақбара Акбарнинг сўнгти меъморлик асари бўлинини унинг дили сезиб турарди.

Ниятни яхши қилинг, болам. Ахир саксон, тўқсонга ширинлар йўқми? Неварангиз Хисрав ўн бешга кирди. Нициги йил уйлантиргаймиз. Азиз кўканинг кичик қизига ўхри бор экан. Унаштириб қўяйлик. Хуррамжон ҳам ўн ширга кирди. Тўйлар қилинг, сиз ҳам менга ўхшаб эвара, невара кўринг!

Баданидан эти қочиб, муштдеккина бўлиб қолган Ҳамида бегимнинг руҳи ҳали ҳам тетик, ҳассага суянмасдан гандасини тик тутиб юрибди. Онаси неваралардан, тўйдан гапириб, ахири, Акбарнинг хаёлини оғир ўйлардан четга гортди.

Бирга туғилиб ўстган содиқ тенгдоши Азиз кўка билан қуда бўлиш Акбарга ҳам ёқимли туюлди. Дакан юришида икки йил бобосининг ёнида бўлиб, унга жуда ёқиб қолган Хисрав ва Хуррам отасидан кўра Акбарга кўпроқ ён босар ўдилар. Хисравни Азиз кўканинг тўртинчи хотинидан туғилган кичик қизига унаштирган кунлари зиёфат пайтида Қиличхон Андижоний:

— Жаноби хони аъзам,— деб Азиз кўкага тегишиди,— ҳазратим невара уйлантирмақчилар. Сиз, тенгдошлари бўлатуриб, ҳали ҳам қиз чиқариб юрибсиз?

— Сал кечикканмиз-да, жаноби Қиличхон. Бўлмаса бизда ҳам олти ўғил, олти қиз, элликдан ортиқ невара бор. Ҳинд аёли жуда болажон бўлишини қирқдан ошганда билиб қолдик. Кенжа қизимиз ҳинд хотинимиздан туғилган.

— Биринчи аёлингиз эронлик эди-ку.

— Ҳа, эронлик хотиннинг тили жуда ширин, сухбатлашиб роҳат қилурмен. Мовароуннаҳрлик хотиним ҳамманинг бошини қовуштириб, ҳукмрон бека бўлиб турадир. Ундан ўзим ҳам ҳайқурмен!

Бу гапга Акбар ҳам кулиб юборди. Ёр-дўстлар даврасидаги ҳазил-мутойибадан, неваралари Хисрав ва Хуррамнинг беғубор, маъсум меҳридан Акбар энди сал яйраб, аввали гамларни хаёлидан узоқлаштира бошлаган кунларда яна бир мусибатли хабар Асадбек қиёфасига кириб эшик тақиллатиб келди. Абулфазлнинг ўлимини Акбарга қандай айтишни билмай қолдилар. Шунда саройнинг Ҳожи Жаҳон деган энг нуроний мўйсафида елкасига кўк фўта ташлаб, унинг ҳузурига гамгин юз билан кирди.

— Сизга қувват берсин, ҳазратим!— деб бошлаган сўзи-

дан ва кўк фўтадан яна бирон баҳтсизлик бўлганилигини Ақбар сезди. Юраги «шиғ» этиб:

- Не бўлди, мавлоно?..— деб сўради.
- Жаноби Абулфазл... Худо раҳмати...
- Абулфазл?! Қачон? Ким айтди?!

Асадбекни Ақбар хузурига чақирдилар. Абулфазлнинг ўлган жойида фақат танаси қолганини, бошини кесиб Оллоҳободга олиб кетганларини эшитганда Ақбарнинг баданидан «лоп!» этиб олов чиқиб кетгандай бўлди:

— Ў, номардлар!— деб қичкириб юборди.— Салимга таҳт керак бўлса, мени ўлдирсин эди! Абулфазлда не айб?! Ў, номардлар!..

Ўттиз йил давомида хаётнинг барча аччиқ-чучукларини бирга татиган дўсти, ҳамма алғов-далғовларни бирга бошдан кечирган сафдоши энди йўқ! Ақбар суюнган устуни қулаган уйдай ларзага тушиб ўкириб йиғлади:

— Тилаб олган ўғлим!.. Ўзимдан чиққан бало!.. Бунга қайдан даво излайин!..

Асафхон бошлиқ уч минг сараланган навкарлар Серонж томонларга бориб, ўрмонни тит-пит қилиб, Бир Синхни излашди, аммо топишолмади. «Уни Салим Оллоҳобод томонларда яшириб юриди», деган маҳфий аҳборот келди.

— Ўғил билан жанг қилиш тақдиримда бор экан!— деди Ақбар саркардаларни машваратга йиғиб.— Икки юзта ҳарбий кема тайёр қилинсин. Оллоҳободга ҳам сув йўлидан, ҳам қуруклидан ҳамла килурмиз. Мингта фил, ўттиз минг отлиқ икки ой ичидат таҳт бўлсин!

Салимнинг ҳарбий кучлари бундан ҳам ортиқ эди. Ақбарга қарши кўп марта исён кўтарган Жаунпур, Бихар ва бошқа шарқий вилоятлар ҳозир Салимни подшо деб тан олган, олиқ-соликдан тушадиган олтин-кумушларни унинг Оллоҳободдаги хазинасига келтириб тўкишар, юзлаб филлар, от-уловлар ва бошқа совғаларини ҳам Салимга пешкаш килишар эди. Шаҳзода ҳозир бойиб кетган, аскарларининг сони ҳам кирқ мингдан ошган, шунинг учун отасидан тап тортмас эди.

Ота-бала бундай катта кучларни майдонга чиқариб уруш килса оқибати қанчалик ёмон бўлиши оналарни даҳшатга келтирди. Ҳамида бону бетоб бўлиб ётиб қолди. Ақбар онасини кўргани борса, Салима бегим билан Марями Замон-Жодҳа Бай қайноналарининг тўшаги ёнида ўлтирган эканлар.

- Онажон, сизга не бўлди?
- Уйку йўқ. Оёқ-кўйдан дармон кетди. Туролмай қолдим.

— Ҳаким Мисри дармонга киритадиган даволар қилини. Яхши бўлиб кетгайсиз.

— Шоҳ ўғлим, менга Ҳаким Мисри эмас, фақат сиз шифо бермогингиз мумкин.

— Мен? Айтинг, қани...

— Шунча йил умр кўрганим аввало худодан бўлса, сониян сизнинг яхши фарзанд чиққанингиздандир. Лекин зиди Оллоҳободга кўшин тортмоқчи эмишсиз. Шуни эшитгандан бери дилим безовта, вужудим вайрон. Ахир ўйланг: ота-бала урушида голиб бўлгайми? Қайси томон енгилса ҳам бизга баҳтсизлик келтирмагайми? Самарқандаги Улугбекнинг ўз ўғли Абдуллатиф билан урушгани не оқибатга олиб келганини бир эсланг!

— Ахир бу нобакор ўғил муомалага кўнмаса не қиласай, онажон? Яхшиликча хузуримга кайтсин, айби бўлмаса исбот қиласин, деб рожа Рам Дасни Оллоҳободга элчи қилиб юбордим. Рад жавоби олиб келди. Қирқ йил жон чекиб ягона давлат туздим, неварангиз уни иккига бўлиб парчаламоқда!.. Бегуноҳ Алломийни қасддан ўлдиртирса, қотилни яшириб юрса!.. Йўқ, мен унга жазо бермагунча тинчиёлмаймен!..

Марями Замон Ақбар қаршисида чўкка тушиб, кўлларини кўксига кўйди:

— Ҳазратим, ёмон одамлар ораларингизга нифоқ солмишdir! Салим Абулфазлни ўлдиртирганига мен ишонмаймен! Салим бундай қилиши актимга сиғмайдир! Мана, Салима бегим ҳам айтсинлар!

Муроднинг ўлимидан сўнг соchlари оппоқ оқариб, нуроний кампирга айланиб колган Салима бегим Ақбарга юзланди:

— Мен ёлғиз ўғлимдан жудо бўлдим. Бошимга оғир кун тушганда Марями Замон туғушган синглимдай ёнида турди. Шаҳзода Салим ҳам «мен сизга ўғил эмасменми?»— деб неча марта дилимга таскин берди. Раҳматли катта момомиз Моҳим бегим ўғайлик балосидан мудом баланд турар эканлар. Ҳиндол мирзони ўз ўғилларида тарбия килган эканлар. Ҳазрат онангиз ҳам бизни ўша улуғ момодан ибрат олиб, инок бўлишга ўргатдилар. Мен ҳам шаҳзода Салимга меҳр кўйганмен, шеър ўргатганмен, уни ўз ўғимдан зиёд парвариш килганмен!

— Бу — рост!— деди Марями Замон.— Шайх Бобо¹ ҳам бегимни мендан зиёд хурмат килур.

¹ Шайх Бобо — шаҳзода Салимнинг уйда айтиладиган номи.

— Шунинг учун,— деб Салима бегим Акбарга қараб давом этди,— агар ваколат берсангиз, мен Оллоҳободга элчиликка борай. Аминменки, Абулфазлнинг ўлимида шахзода Салимнинг иштироки йўқ. Ота-болани уруштиришдан манфаатдор бўлган қора кучларнинг тухмати бу!

Акбарнинг ўзи ҳам бунинг тухмат бўлишини жуда истарди, ўшанда унинг бир алами икки бўлмасди.

Ўғли ўйланиб колганини кўрган Ҳамида бегим Салимага ён боса бошлади:

— Бир вақтлар раҳматли Хонзода бегим Аградан Лахўрга элчи бўлиб бориб, оға-ини урушини бартараф қилган эди. Салима ҳам ҳозир ўша доно кайвонининг ёшида. Ўзи ҳам йил сайин Хонзода бегимга ўҳшаб бормоқда. Кечиримли бўлинг, шоҳ ўғлим. Бобур бобонгиз — «улуглар қўтаришимлик бўлғай» деб бежиз айтмаганлар!

Оллоҳобод Жамна билан Ганга қўйиладиган жойда, Аградан отда салкам бир ойлик йўл. Салима бегим шахзодани ўғай кўрмай, шундай узок сафарни ва мушкул элчиликни зиммасига олмоқчи экани Акбарга катта бир фидойилик бўлиб кўринди. Онасининг беморлигию Марями Замоннинг дардларига ҳам даво шу эканини Акбар сезди. У Салима бегимга уч юз кишилик қўриқчи аскар ва бошқа ҳамма керакли нарсаларни бериб Оллоҳободга жўнатди.

Орадан уч ойлар ўтди, савр ойи кириб, ҳинд иссиқлари авжига чиқа бошлаган кунларда Оллоҳободдан хушхабар келди. Катта амиру саркардалар бориб қўндиrolмаган шахзодани Салима бегим Аграга отаси билан ярашишга қўндириб олиб келмоқда эди. Келини даҳшатли уруш хавфини бартараф қилганидан суюнган Ҳамида бегимнинг беморлиги ҳам эсидан чиқиб кетди. У келини ва надималарини ёнига олиб, Аградан маҳофада пешвоз чиқди-да, Салима бегимни шаҳардан ўн мил нарида кутиб олди.

Шаҳзода Салим отасига аatab саккиз юзта фил, бир карвон тяга юк бўладиган олтин ва турли совгалар олиб келди. Ўғленинг бош эгиб таъзим қилганидан ва катта совғалар келтиранидан кўнгли ийиган Акбар уни бағрига босиб қўришди. Лъъл ва гавҳар қадалган қимматбаҳо салларидан бирини Салимнинг бошига кийдирди. Ярашишнинг охири тўйга уланиб кетди — Салимнинг тўнғич ўғли Хисравни Азиз кўканинг кизига уйлантирилар.

Ота-бала урушининг олдини олган оналар ва бошқа хайриҳоҳлар, «Абулфазлнинг ўлимида фақат Бир Синҳ айбдор», деб Акбарни ишонтирган бўлсалар ҳам, лекин дилининг бир четида тошдай тугун ҳамон ечилмай турар эди. Акбар тасвирихонага Салим билан бирга кирган куни унга

Абулфазлнинг суратини кўрсатди. Икки қўлида иккита китобни ушлаб турган Абулфазлнинг кўзлари тўла нур, лаблари қатида неклик, у ҳамон тирикдек ва ҳозир гапириб юборадигандек кўринди.

Шу пайтда унинг қонли салласига ўралган кесик калласи, қилич теккан пешонаси Салимнинг кўзига қайта кўриниб кетди. Суратдаги Абулфазл қофоз юзидан туриб келиб, шахзоданинг ёқасидан оладигандек ва уни Акбарга тутиб берадигандек туюлди. Салимнинг ранги ердай ўнгиб:

— Йўқ, йўқ, Бир Синҳ ўзи килган бу ишни!— деб юборди.

— Ундоқ бўлса... нечун Бир Синҳни Оллоҳободда яшириб юрган эмишсиз?

— Бир Синҳ Меварга қочиб кетмишdir! Кўрган одамлар айтди: тоғларда сизга қарши исён кўтарган Амар Синҳ уни ўз паноҳига олмишdir.

— Лекин сизнинг Бир Синҳ билан тил бириктирганингиз ҳақидаги овозалар ҳали ҳам босилгани йўқ. Агар бу чиндан тухмат бўлса, фош қилмоғингиз керак. Неча минг қўшин керак бўлса берай, Мевардаги исёнчиларга қўшилган Бир Синҳни тутиб келинг.

Отаси Абулфазлни унупотмаслигини, унинг руҳи ва хотираси ҳамиша ораларига ихтилоф солишини Салим жуда оғриниб ҳис қилди. Отаси учун Салим Оллоҳободдан келиб узр сўрагани етарли эмас эканими? Энди яна Мевар тоғларига қўшин ҳортиб бориб, Абулфазлнинг қотилини тутиб келиши колганмиди? Лекин у дилидан ўтган бу норозиликни отасидан яширди. Тил учида:

— Фармонингиз бош устига!— деб таъзим қилди.— Фақат ижозат берсангиз, аввал бир Оллоҳободга борсам. Асосий кучларим ўша ёқда қолган. Ҳаммасини йиғиб келсаму кейин Меварга қўшин тортсам...

Акбар бунга ижозат берди. Салим Оллоҳободга бориб олгандан кейин Мевар юришидан бош тортди. Ҳозир унинг ўз саройи ва катта қўшини бор эди. Кимки Акбар билан чикишолмаса Оллоҳободга бориб Салимдан паноҳ топарди. Орадан кўп ўтмай Салимнинг тарафдорлари Оллоҳободдаги масжиди жомеда хутбадан Акбарнинг номини олиб ташладилар.

Шайх Рукниддин Салимнинг номини хутбага қўшиб ўқигани оғиздан-оғизга ўтиб, Акбарнинг қулогига ҳам етиб келди.

* * *

Ота ва ўғил низоси күн сайин улканлашиб, гүё баланд бир тоғга айланиб кетди.

Акбарнинг жизяни бекор қилгани, турли эътиқодларни баробарлаштиргани, кирқ йил давомида жорий этган бошқа ислоҳотлари жуда кўп диндору амалдорларни аввалги имтиёзларидан маҳрум этган эди. Уларнинг назарida, Акбарнинг янгича сиёсати тоғнинг кунгай томони каби жазирама, нам турмайдиган, ўрмон ўсмайдиган сувсиз чағат бўлиб кўринарди. Мулла-имомларнинг эски имтиёзларини тиклаётган Салим эса гүё тоғнинг ёмғир кўп ёғадиган кўкламзор, серсув терскай томони бўлиб туюларди. Шунинг учун улар Салим томонга ёпирилиб ўтиб борар эдилар. Тарафдорлари күн сайин кўпайиб кетаётганидан дадилланган Салим ўз номига олтин тангалар зарб эттиришга тушди. Бу тангалардан дини илохийнинг тимсоли бўлган «Оллоҳу Акбар» иборасини олдириб ташлади. Унинг ўрнига Акбардан олдинги даврда олтин тангаларга зарб этиладиган калимаи шаҳодатни қайта ёздирди. Савдогарлар билан бирга бутун мамлакатга тарқаётган бу тангалар эски мусулмоно-бодни қўмсаб юрган Акбарнинг ғанимларини жонлантириб юборди. Агар қўйиб берилса, Оллоҳободдаги жунбиш Панжобу Гужаратга, Кобулу Синдга ҳам тарқashi мукаррар эди.

Акбар бу фалокатнинг олдини олиш учун бултур тўхтатилган Оллоҳобод юришини қайта бошлашга мажбур бўлди. Банголадан қайтган Ман Синҳ ва Дакандан чакирилган Абдураҳим хони хонон кирқ минг отлиқ аскар, беш минг филни қуруқликдан шарққа томон бошлаб кетдилар. Акбарнинг ўзи Жамнада саф тортиб турган икки юз ҳарбий кема билан борадиган бўлди. Одатга биноан, узоқ юришга кетишдан олдин онасидан оқ фотиҳа олиш учун Ҳамида бегим турадиган кўшкка йўл олди.

Салима бегимнинг элчилиги ота-бала урушини факат бир йилгина орқага сурганини, орадаги ихтилофнинг илдизлари жуда чуқур эканини, Акбар Оллоҳобод исёнини бартараф қилимай туролмаслигини энди онаси ва хотинлари ҳам тушуниб қолишган, уни қайтаришга кучлари етмас, факат куйиниб йиғлашар эди. Ҳамида бегим яна хасталаниб қолган, Акбар кирганда орқасига ёстиқ қўйиб, деворга маҷолсиз суюниб ўлтирас эди. У ўғлини кўпроқ ёнида тутиб тургиси келиб, узоқ хотираларга берилди, Жамна бўйларида қандай чавгон ўйнагани, Тар саҳросида қанча вақт саргар-

дон бўлгани, Қазвину Кобул, Бхираю Кашири — ҳаммасини тўхтаб-тўхтаб, бирма-бир эслаб чиқди.

— Шоҳ ўғлим, бобурийлар хонадонидан энг кексаси — факат мен қолдим,— деди.— Гулбадан бегим бултур яраш-яраш бўлган фараҳли кунларда оламдан ўтганига ҳозир менинг ҳавасим келур... Саксонга кирганда умримнинг энг тахир даври бошлангай, деб хеч ўйламаган эдим, болажоним!...

Ҳамида бегим кўз ёшини оқ дока рўмолининг учи билан секин артиб кўйди.

— Насиб қилса, бу тахир кунлар ҳам ўтгай, онажон! Яна фараҳли дамларга етгаймиз...

— Акбаржон, бутун умр мен сизга омад тиладим, мағлубиятингизни кўрмайин, дедим! Илоҳим, ота-бала икковларинг ҳам кетимда қолинглар, доғларингни кўргилик килмасин! Шу гал кўнглим жуда безовта!..

Акбар онаси билан қучоқлашиб хайрлашар экан:

— Кўп хавотир бўлманг, ҳали яна кўришгаймиз!— деди.

У туғилгандан бери бор бўлган онаси ҳеч қачон ўлмайдигандек, абадий собит турадигандек туюларди. Лекин Акбар кемага тушиб, Оллоҳобод томонга икки күн сузарузумас шум хабар уни қувиб етди.

Куруқлик йўлдан шошилиб келган чопар Акбарга Салима бегимнинг мактубини тутқазди:

«Ҳазрат онамлар изтироб чека-чека беҳол бўлиб йикилдилар. Охирги айтган сўзлари Сизнинг номингиз бўлди. Кечадан бери тилдан қолдилар. Фақат кўзлари очик, атрофга термулиб сизни излайдилар. Ҳазратим, жон беролмай қийналаётган улуғ онангиз ҳурмати, тезрок етиб келинг. Завжангиз Салима бегим».

Акбар дарҳол кемадан тушиб отланди-ю, Аграга қайтди. Ўша заҳоти рани Жодҳа Бай Оллоҳободдаги Салимга мактуб йўллади:

«Ҳазрат отангиз, ҳарбий юришни тўхтатиб, Аграга қайтидилар. Мен Сизга берган оқ сутимга рози бўлишимни истасангиз, сиз ҳам улуғ бувингиз билан видолашиб учун тез Аграга келинг. Бу ўткинчи дунёда яхши от колдиринг. жоним болам! Ёш тўла кўзлар билан йўлингизга ниғронмен.

Онангиз рани Жодҳа Бай».

Акбар ярим кечада саройга етиб, Ҳамида бегим ётган хонага кирди. Ранги қоңсиз, кўзлари юмуқ онасининг ёнида чўккалааб, унинг озғин танасини чойшаб билан бирга қучди-да:

— Онажон! — деб секин чакириди.

Ёлғиз ўғлининг овози Ҳамида бегимни гўё нариги дунёдан қайтариб олиб келгандай бўлди. Кўзини мажолисиз очди-ю, тепасида Акбар турганини кўрди. Шунда хира кўзлари нурга тўлиб бир ёриши, аммо тили гапга келмади. Акбарни тирик кўргани она учун сўнгги тасалли бўлди. Илҳақлик тутиб турган жон энди узилди-ю, очиқ кўзлар тез сўна бошлади.

Оллоҳободдаги Салим ҳам уруш ҳаракатларини тўхтаби, бувисини дафн килишга келаётгани атроф вилоятларга маълум бўлди. Ҳатто ўз ўлими билан фалокат урушнинг олдини олган Ҳамида бегимга бутун мамлакат аза тутди. Унинг тобутини Аградан Дехлигача юз минглаб одамлар кузатиб кўйдилар. Бегимнинг жасади ўзи курдирган Мирзо Ҳумоюн мақбарасининг ўнг қанотига дафн этилди. Одатга биноан, унинг қабри устига кўйилган мармар тош юзасига тўрт киррали мўътабар белги тараашланди. Бу белги Ҳамида бонунинг тўрт фарзанд кўрган она эканини билдирар эди.

Оллоҳобод узок бўлгани учун, Салим орадан ўн беш кунлар ўтгандан сўнг Дехлига етиб борди. Ҳиндистон одатига биноан мотамсаро оқ кийим кийиб, бобоси ва бувисининг мақбарасини зиёрат қилди. Сўнг Ҳамида бегимнинг Аграда ўtkазилаётган «Йигирма»сига йўл олди.

Салимнинг кўшинсиз келгани Акбарга яхшилик аломати бўлиб туюлди. «Йигирма»га келганилар тарқагач, у ўғлини хосига таклиф қилди-ю, каршисига ўтказди:

— Хайриятки, бу гал дилингизда меҳру оқибат ғолиб келибдир,— деди.— Онам раҳматли ўз ўлими билан, аввало, сизнинг истиқболингизни куткарди, амирзода!

Салим кинояли илжайди:

— Ҳазратим, нечун факат мени?.. Сиз умр бўйи худди афсонавий Рустами достон каби мағлубият кўрмай келмоқдасиз... Агар Рустамнинг шундай халоскор онаси бўлганда, эҳтимол, ўғли Сухроб ҳам уни енголмаган бўларди!..

Акбар ўғлининг нима демокчилигини тушунди-ю, овогини таҳдидли пасайтириб сўради:

— Э, ҳали сиз Сухроб бўлиб мени енгишингизга ишонганмидингиз? Наҳотки сиз билан Сухробнинг орасида қанчалик катта фарқ борлигини билмайсиз? Сухроб умр бўйи отасини кўрмай ўстган, уни танимай, билмай халол олишган! Аммо отасининг эркаси бўлиб, кўзининг ёгини еб ўстган

шаҳзодалар кўра-била падаркушлик қилганда олти ойдан ортиқ подшо бўлолмаслигини тарих қайта-қайта исбот этган-ку! Энг охирги далил — отасига қарши тажовузлар қилган туронлик Абдумўмин ҳам Абдуллаҳондан кейин олти ой подшолик қилас-қилмас боши кесилганини эшитганмисиз?

— Эшитганмен, кўп оташин бўлманг, ҳазратим! Отага қарши килич кўтарган ўғилнинг давлати узокка бормаслигига мен ҳам энди аминмен¹. Шунинг учун, мана, кўшинсиз, куролсиз, бош эгиб хузурингизга келдим.

— Хўш, қани, тилагингиз недур?

— Ҳазрат отажон, мен ҳам ўттиз бешга кирдим. Ўғлим Хисрав фарзанд кўрди, мен энди неварали, сиз чеварали бўлдингиз. Мамлакат жуда улкан бўлиб кетди, уни бошқариш сизга ҳам қийин. Бу борада Шоҳруҳ мирзо билан ўғли Улуғбекнинг тажрибалари бизга мос келмоғи мумкин. Ота Ҳиротда, ўғил Самарқандда бўлгани каби сиз Аграда бош бўлиб турсангиз, фақир Оллоҳободда шарқий вилоятларни идора этсан.

— Демак, сиз Мирзо Улуғбекдек мустақил подшо бўлмоқчисиз! Аммо ёшингиз шунчага кириб, неварали бўлиб, Улуғбек қилган буюк ишларнинг қайси бирини қилдингиз? Расадхонаю мадрасалар курдингизми? «Зичи Кўрагонний»дек кашфиётлар қилдингизми? Оллоҳободда сиз ўзингизга сарой қилиб олган қирқ устунлик улуғвор қасрни ҳам биз қурдирганимиз! Сиз тайёрига айёр бўлиб, кайфу сафо қилиб юрибсиз!

Акбар ўз дилида йиллар давомида ўғлига қарши тўплашиб юрган дарду аламларни бирваракай тўкиб солди.

— Агар сиз менга тўғаноқ бермаганингизда, фарангиларни жанубдаги Гоаю Дамандан аллақачон қувиб юборган бўлардим! Улар бизнинг ички низоларимиздан фойдаланиб энди Банголанинг жанубида ҳам пайдо бўлишди. Хугла деган бандарни ўзлариники қилиб олишди. Агар сиз менга ёрдам берганингизда, Турондаги хайриҳоҳларимизнинг истиқболи ҳам бошқача бўларди! Биз бу ерда ўзимиз билан ўзимиз овора бўлиб қолганимиз учун қаёқдаги аштархонийлар Бухорою Самарқанд таҳтини аллақачон эгаллаб олдилар. Шунча ёмонлик қилганингиз озмидики, мана бу танглардан менинг номимни олиб ташлабсиз!

Акбар зарбоф кўрпача тагидан бир сиким олтин тангани олиб ўғлининг устига сочиб юборди:

¹ Салим худди шу сўзларни кейинчалик ўзининг «Тузуки Жаҳонгирий» деб аталган китобида ёзиб кетган.

— Мен эллик йил жон чекиб амалга оширган нек ишларни наҳотки тилаб олган ўғлим шунчалик ноинсофларча барбод қылса?! Яна бунинг устига Абулфазлдек энг суюнган дўстимнинг бошига етса?!

Салим сўнгги гапдан дир-дир титрай бошлади. Акбар унинг гуноҳкорлигини шундан ҳам сезди-да, қаттиқ қарсак чалди. Эшик ортида турган иккита девқомат йигит тез кириб келишди.

— Олинг буни!— деб Акбар йигитларга буюрди:— Гусулхонага элтиб хибс қилинг! Жазосини тортсан!

Танаси латтадай бўшашиб колган Салимни хизматкорлар икки қўлтиғидан олишди, қасрнинг бир четидаги гусулхонага олиб бориб, қамаб қўйишиди.

Подшоҳ оиласининг чўмиладиган жойи бўлган ғусулхонанинг ичи нам, деразаси йўқ. Деворлари мармардан, оёқ остиларига рангли тошларни чиройли қилиб териб сангфарш қилишган. Дам оладиган хонасига хушбўй атиrlар сепилган, гулдор гилам ва кимхоб кўрпачалар тўшалган. Лекин ҳозир ёмғир фасли, бунинг устига ғусулхона ўзи нам, ҳамма нарса заҳ тортиб қолган. Сочикларнинг хўли қуrimаган. Одамлар баданларининг кирларини ювган шу жойда кечаю кундуз қамалиб ўлтириш таъби нозик шахзода учун чидаб бўлмас қийнокка айланиб кетди.

Акбар ичкарига ҳеч кимни, ҳатто оналарни ҳам киритмасликни, сув-нондан бошқа ҳеч нарса бермасликни буюрди. Сокчилар бу бўйруқни қаттиқ туриб бажара бошлишди.

Мудом сархил овқатлар ейдиган, ҳар куни кечки пайт хушбўй чоғир ичиб турадиган, икки-уч кунда бир афюн кўшилган маъжун еб кайф қилишга ўрганган Салим тўққиз кун нон-сув билан заҳ ғусулхонада ўлтиригач, баданлари тиришиб, ўладиган ҳолатга келди. Эшикларни тақиллатиб дод солди:

— Мен касалмен! Очинг! Чоғир беринг! Бас! Бўшатинг мени! Бўшатинг!

Ўғлини кўришга келган, лекин ичкарига киролмаётган рани Жодҳа Бай йиғлаб гапириди:

— Мен не килай, болам? Отангиз қаҳридан тушмаяптилар!

— Мени Муродга ўхшатиб ўлдирмоқчимилар?! Баданим тиришиб қоляпти! Чоғир берсинлар, бир хумордан чиқай! Бўлмаса ўламен!

Марями Замон Акбарнинг олдига борди:

— Шафқат қилинг! Мени ҳам фарзанд доғига гирифтор этман!

— Кўркманг, Марями Замон. Чоғир сўраган бўлса ҳали дами баланд. Ётсин ўша жойда! Тавбасига таянсин!

Ўнинчи куни Салим яна эшикни тақиллатиб дод сола бошлади. Гоҳ афюнни кўп еб, останага бош қўйганича ибадий уйкуга кетган биринчи хотини Ман Бай, гоҳ Абулфазлнинг кесилган боши унинг кўзига кўриниб кетарди. Гусулхонада қандайдир даҳшатли шарпалар уни қувиб юргандай бўларди. У жинниларча бақириб, ҳўнграб йиғлади:

— Бўшатинглар мени! Кўзимга арвоҳлар кўринмокда! Жинни бўлишимни истайсенларми?! Очинглар!

Бу гал ёпик эшикнинг олдига Жодҳа Бай билан бирга Салима бегим ҳам келди.

— Мен бир бор элчи бўлиб орага тушган эдим, болам!— деди Салима бегим.— Саркашлик килдингиз! Нечун чоғир сўрайсиз? Шафоат сўранг! Бир оғиз «тавба килдим» денг!

Холдан тойган Салим заиф товуш билан:

— Хўп, онажонлар, менга шафеъ бўлинглар!..— деди.— Мени отамнинг олдига олиб борсинлар!.. Афу сўрай!..

Салим ўн кунлик хибс давомида уч-тўрт ой касал ётган одамдай рангини олдирган, кўзлари ичига ботган, оёқлари қаловланиб зўрга қадам ташлар эди. Икки она икки ёнида, уни отаси олдига олиб бордилар.

— Тавба килдим!— деди Салим тиз чўкиб.

Акбар дармони кетиб қолган ўғлини қаршисига, оналарни икки ёнига ўтқазди.

— Ўн кун ғусулхона — сизнинг тоғдай гуноҳларингиз ўтрусида зигирдай кичик бир жазо холос,— деди Салимга.— Ўз оёғингиз билан келганингиз учун сизни аядим, оналарингизнинг юзидан ўтаолмадим... Ёмонликнинг жазоси ҳаётдан қайтса ана у ёмон бўлғай! Заҳҳоки Морон деган афсона ёдингиздами? Ёмонликни кўп қилгани учун Заҳҳокнинг икки елкасидан иккита илон ўсиб чиқмишdir. Ана шундай илонлар ҳар кандай подшонинг ҳим елкасида ин қўйишга ишқибоздир. Бу илонларнинг бири золимлик, бири — бидъату хурофот. Бири тахтпарастлик, бири — худпарастлик! Мен ўз елкамдан бош кўтармокчи бўлган бу илонларни йўқ қилдим, деб ўйлаган эдим. Кейин қарасам, бу илонлар сизнинг елкангизга ўрмалаб чиқмоқда. Ахир бу илонлар мудом қурбон таълаб қилур! Суюкли ёрингиз Шоҳ бегим, менинг дўстим Абулфазл ана шу илонларнинг қурбони бўлмадими? Шу кетишида бу илонлар ахийри ўзингизнинг ҳам бошингизга стмагайми?!

Сўнгги гаплар ғусулхонада Салимнинг кўзига кўринтини даҳшатли шарпаларни ёдига солди-ю, сескантариб куборди:

— Инонинг, ҳазратим, мен энди ўз номимга хутба ҳам

ўқитмагаймен, пул ҳам зарб этмагаймен. Елкамдан ўсиб чиқмоқчи бўлган илонларнинг бошини кесгаймен!

— Илоҳим шу ниятиңгизга етинг, ўғлим! Бу илонлардан ҳали мен ўзим ҳам қутулган эмасмен. Тожу таҳт, мутлақ ҳокимият бор жойда улар ҳамиша бўлур эканлар. Яхши бўлишни истасанг, умр бўйи бу илонлар билан олишиб яшашга мажбур экансен. Лекин дунёда яхши ном қолдиролмасанг, яшашнинг не қизиги бор? Бобур бобомизнинг туркӣ сатрлари ёдингиздами? «Бори элга яхшилик қилғилки, бундин яхши йўқ, то дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилик».

— Мен бу ғазални бошдан-оёқ ёд билурмен! — деди Салим.

— Агар ёд билсангиз энди унга амал килинг! Ахир авлодлар алмашганда алғов-далғов бўлиши, оталар билан болалар орасида низо чиқиши тарихда кўп учрайдиган ҳодиса. Аммо бизнинг Бобур бобомиз билан отамиз шу фалокатдан юкори турган улуғ сиймолар эди. Улардаги меҳру оқибат, авлодларнинг бир-бирига фидойилиги — беҳад ноёб бир гавҳар экан. Энди сиз билан мен шу гавҳарни йўқотиб қўймайлик, ўғлим! Гавҳар ҳаёт уммонига қайтадан тушиб кетса, кейин уни топиб бўлмагай. Ана ундан сўнг менга қилган оқибатсизлигиниз ўғилларнингиздан ўн ҳисса кўпайиб қайтгай. Охирида бу иллат уларни падар-кушликкача олиб боргай! Зинҳор, минг зинҳор буни унутманг!

Акбарнинг сўнгги сўзлари Салимга васиятдек эшитилию, кўзларини жиққа ёш қилди. Ўғлининг дили юмшаб инсоға келиб турган шу дамда рани Жодха Бай унинг отасига чин ихлосманд, балки маънавий ворис бўлишини умид қилди. Акбардан сўзлашга рухсат олди-ю, Салимга юзланди:

— Шайх Бобо, гавҳар йўқолмасин учун уни олтин узукнинг кўзида асрайдилар. Фарзандлик оқибати гавҳар бўлса, уни ўз бағрида асрайдиган олтин — имону эътиқоддир. Жаннатмакон бобонгиз Ҳумоюн ҳазратлари ўз оталарига дилдан маслакдош бўлганлари учун шу қадар оқибат кўргазганлар. Сиз ҳам имону эътиқодда ҳазрат отангизнинг содик маслакдоши бўлмоғингиз керак!

Бу сўзлар Салимга отаси кашф қилган дини илоҳийни эслатди-ю, бирдан вужудини сергаклантириди.

— Ҳазрат отажон, тепамизда худо турибдир. Ростини айтай. Олтин ашрафийларга калимай шаҳодатни қайта зарб этдирганимдан ранжидингиз. Бироқ мен сизни ҳам Оллоҳ таолонинг қаҳридан сақлаш ниятида шундай қилдим.

Ахир калимайи шаҳодат «Худо биттадир, Оллоҳдан бошқа илоҳа йўқдир» деган маънони билдирадир-ку. Биз бошқа динлар, бошқа худоларни тан олсак, Оллоҳнинг иродасига карши борган бўлмаймизми?

— Йўқ! Чунки мен олтин ашрафийларимга «Оллоҳ акбар» иборасини зарб этдиранмен. Дини илоҳий «Оллоҳ улуғдир» деган шу эътиқодга асосланмишdir. Манфаат-параст уламолару, золим ҳукмдорлар калимайи шаҳодатни тор маҳаллий маънода талқин қилиб, диний босқинчилликларга йўл очиб бермишлар. Улар «Оллоҳдан бошқа илоҳа йўқ» деган иборани «Бошқа ҳалқларнинг илоҳалари қалбаки, динлари ёлғон, шунинг учун биз ғайридинларни кул кишишга ҳақлимиш, улардан жиҳза солиғи олиб бойишимиш керак!» деган маънода тушунтириб, баднафс тамагирларни рағбатлантириди. Бундай зўравонликлар ислом оламини бошқа ҳалқларга ёмон кўрсатди, унинг дунёдаги мавқеини пасайтириди.

— Лекин бошқа динлар исломни тан олмаса, биз улар билан нечук иноқлашгаймиз, ҳазрат отажон?

— Исломни тан олмаса, худони тан олгай-ку. Ахир худо демаган бирор дин борми? Қочган ҳам худо дейдир, кувган ҳам! Худо битта, факат турли қавмлар уни турли номлар билан атайдилар, унга турфа сифатлар берурлар. Бу хилмажиллик — муқаддас юксакликка олиб борувчи йўлларнинг бир-бирига ўҳшамаслигидан далолат берур. Аммо инсон зотининг энг муқаддас туйғулари ахир оқибатда юксак бир ҳақиқат меҳварига йиғилгусидир. Мен бунга имон келтирумен, чунки барча эллар бир қуёшдан баҳра олурлар. Осмонимиз бир, табиатимиз бир, истиқболимиз бир. Коинотда биздан бошқа башарият йўқ, демак одамзод ҳам ягона. Инсоният улгаймоқда, имону эътиқод йўллари тобора юксак довонлардан ошиб ўтмоқда. Муқаддас туйғуларимиз олий юксакликда бир-бирига туташганда биз ҳаммамиз одамзоднинг тақдирни ҳам, парвардигори ҳам бир эканига ишонгаймиз. Ўшанда айтurmиз: «Дунёда биздан бошқа инсоният йўқдир, ягона парвардигордан бошқа илоҳа йўқдир». Калимайи шаҳодатни мана шундай умуминсоний миқёсда тушуна олсангиз, дини илоҳий дилингизга йўл топгай, ўғлим!

Салим бир лаҳза отасининг мантиқ кучига тан бериб, унинг ҳақлигига имон келтиришга чөгланди. Аммо бирдан Фарид Бухорий каби эски мусулмонобод тарафдорлари эсига тушди. Улар минг-минг, ҳаммаси Салимдан најжот кутади, унга умид кўзини тикади. Наҳотки Салим бирдан шунча одамни ноумид қилиб, имону эътиқодини ўзгартирса? «Бунинг оқибати ёмон бўлгай», деди унга ички бир овоз.

— Сулҳи кулл менинг ҳам орзуйимдир. Аммо бу юксакликка ҳар ким ўз ақли, қалб кучи, ўз имону эътиқоди билангина кўтарилигай. Фотиха берингиз, токи шу юксакликка кўтарилиш менга ҳам насиб қилсин!

Салим ҳамон ўз билганидан қолмаётган бўлса ҳам, отаси олдида хушомад қилмай, самимий сўзлагани қадри туюлди. Акбар:

— Омин, шу мақсадга етинг!— деб юзига фотиха тортиди.

Шу билан ота-ўғил уруш-юрушсиз тинч яшай бошладилар. Салим отасининг ҳурматини жойига қўйиб муомала қилар, аммо имону эътиқод тўғрисида бошқа сўз очмас эди. Акбар унинг ўз ёқтирган мұхити ва ихлосмандлари таъсиридан чиқиб кетолмаслигига ишонгач: «Оқибати не бўларкин?»— деб ўйга толди. Уч ўғил ўстириб бирортасидан кўнгли тўлмаса... Ёки Дакандаги кичик ўғил Дониёл ичишни ташлаб, актини йиғиб олармикан? Ўшанда Акбар Дониёлни валиаҳд тайинлаши мумкин. Салим норози бўлса, Дониёлнинг ёнида тадбиркор Абдураҳим хони-хонон бор. Ман Синҳ уларга ёрдам бериши аник. Кўплашиб Салимни тинчтишар. «Ажаб дунё!— деб сўнгги ўйидан унинг ўзи таажжуб қилди:— Шундай улкан давлатни бошқарган одам тилаб олган ўғилларимни йўлимга сололмасам-а!.. Бу не аччиқ насиба?»

ХОТИМА

Акбарга берилган ҳаёт жомининг тубидан яна бир оғу чиқди. Ўттиз уч ёшли Дониёл Даканда ҳудди Мурод каби муттасил ичкилик ичишдан оқ тутқалоқ бўлиб вафот этди. Аввалги жудоликлар устига қўшилган яна бир маломатли ўлим Акбарга навбатдаги қакшатқич руҳий зарба бўлиб тушди. У ўзининг умри ҳам охирлаб қолаётганини сезиб, сўнгги марта Дехлига борди. Ота-онаси қўйилган мақбарада бир неча соат ўлтириб марҳумларнинг хоки билан видолащи. Дехлидан Фатхпур-Секрига ўтиб, ўзи курдирган саройлар, эътиқодхона ва тасвирхона биноларини бир-бир айланиб чиқди.

Азиз кўка, Ман Синҳ ва Абдураҳим унинг иккى ёнида бормоқда эдилар. Тўртовлон Салим ота мақбрасини зиёрат килдилар, рожа Бирбал ва Абулфазл турган уйларни кириб кўрдилар. Пойтахт кўчиб кетгандан сўнг бўм-бўш бўлиб хувиллаб қолган Панж Маҳал қасри, Девониом, Девонихос Акбарда маъюс хотиралар уйғотди. У ҳаётининг энг жўшқин йиллари ўтган кимсасиз биноларга қараб:

— Алвидо!— деганда тош деворлардан бўғиқ акс садо қайтиди.— Ҳайҳот, мен ишонган кўп нарсалар сароб бўлиб чиқди. Диний адоват ҳамон тугаган эмас! Сулҳи кулл эълон қилдигу, аммо урушдан бошимиз чикмади! Отам раҳматли табиятдаги уйғунылигу мувозанатни давлат тартиботига жорий этмоқчи бўлган эди. Лекин бу — амалга ошмайдиган хаёлот эканини умрининг охирида фаҳмлади. Мен бутун одамзодни руҳан бирлаштироқчи бўлганим ҳам ҳали-бери амалга ошмайдиган бир хаёлот эканини энди сезиб турибмен. Балки бунинг учун асрлар керакдир. Инсоннинг умри шунчалик қисқа!

Акбар Секри тепалиги устидан шимол томонга тикилиб, узокларда Каширмур кўллари ичидан сузид юрган кемаларни, Кобул дарёси бўйидаги боғларни кўз олдига келтирди.

— Бир армоним — Самарқанду Фарғоналарни кўриш насиб қилмади,— деб кўйди.— Лекин шукр қилишим ҳам керак. Мана шу биноларни курдик. Ёнимда олтмиш тўрт йилдан бери садокатини бузмай келаётган Азиздек кўкалдошим бор. Рожа Ман Синҳ билан кирқ йилдан берли иноқмиз. Фарзандларимдан қўрмаган меҳру оқибатни тутунган ўғлим Абдураҳимдан қўрмокдамен. Учловларингиздан ҳам минг марта розимен!

Акбар Атра қальасига қайтганда неваралари Хисрав билан Хуррам уни карши олдилар. Акбар икковини филхонага бошлаб кирди, ҳар бирига энг ёқтирган филларини тақдим килмоқчи бўлди.

Филхонада Акбарнинг эски қадрдони Бхишан Чанд саркор эди. Ўн саккиз ёшли Хисрав Намудор деган улкан бир филни маъқул кўрди. У онаси Шоҳ бегимнинг ўлимига отаси сабаб бўлганини билгандан бери Салимни сўймас эди. Акбар Оллоҳободга қўшин тортганда Хисрав ҳам отасига қарши урушга қатнашмокчи бўлиб бирга отланган эди. Ман Синҳ билан Азиз кўка Хисравни Салимнинг ўрнига валиаҳд деб эълон қилиш тарафдори эдилар. Лекин Акбар отабола душманлигини аланг олдирмаслик учун бу фикрдан қайтиди. Ҳозир у Хисравга Намудорни тақдим қиласар экан:

— Невараларим, сизлар ҳам шу филдай қудратли, филдай бардошли бўлинглар!— деди.— Бхишан Чанд — менинг кирқ беш йиллик қадрдоним. Бағри кенг ҳинд ҳалқининг заҳматкаш фарзанди. Бобур бобомизнинг Тохир деган заҳматкаш қадрдени бор эди. Сенлар ҳам ҳалол заҳматкашлар орасидан Тохирдек, Салим отадек, Бхишан Чанддек қадрдонлар топинглар! Энг оғир дамларда шулардай беғараз, ҳалол одамларга суюнинглар.

Бу йил ўн уч ёшга кирган ва отасидан ҳам күхлик йигитча бўлиб бораётган Ҳуррам энг бўйи баланд қора филни ёқтириб қолди. Акбар бу филни неварасига тақдим этар экан:

— Бунинг номи — Зинҳор! — деб тушунтириди.— Фил жуда зийрак жонивор. Яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам унумтмагай. Филга зинҳор ёмонлик қилмагин. Ота-боболарингдан фақат яхши фазилатларни олинглару нуқсонларимизга зинҳор эргашманлар!..

Акбар мелодий 1605 йилнинг кузида бир ойча касал бўлиб ётди. Вафотидан сал олдин Салимни хузурига чакириб, бошига ўзининг Кўҳинур олмоси қадалган салласини, эгнига тўнини кийдирди. Ўзи эллик йил тақиб юрган ханжарни ҳам энди ёғиз ўғил бўлиб қолган Салимнинг белига тақдирди.

Салим эса Фарид Бухорийга ёшлигида берган сўзининг устидан чиқди. Акбар оламдан ўтгач, беку аъёнлар янги ҳукмдорга садоқат билдириш учун девониомга йифилдилар. Шунда Салимнинг Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгир номи билан таҳта чиқажагини биринчи бўлиб эълон қилиш Фарид Бухорийга топширилди. Мавлоно Фарид энг катта орзуси ушалганидан овози сурурли жаранглаб, баҳтиёрлик туйғусини яширомай, бу топширикни бажонидил адо этди... Альберт Перейро эса кексайиб ўз ватанига қайтиб кетди ва Акбарга қарши олиб борган маҳфий ишлари учун катта мартабаларга эришиди.

Акбарни Аградан беш мил беридаги Искандар деган жойга, ўзи тарҳини чизган макбара га дафи этдилар. Мақбарами ўн икки йил давомида улуғвор бир обида шаклида куриб битиришга Марями Замон-Жодҳа Бай билан Салима бегимнинг кўп меҳнатлари сингди. Улар иккенинг ҳам саксон ёшдан ошиб, опа-сингиллардай иноқ яшадилар. Вафот этгандаридан сўнг эса Акбар мақбарамининг икки қанотидан абадий ўрин олдилар.

Бу орада Хисрав отасига қарши исён кўтариб, енгилди-ю, кўзи кўр қилинди. Кўпроқ бобосига тортган Ҳуррам бобурийлар хонадонининг энг истеъоддли вакили бўлиб етилди ва кейинчалик Шоҳжаҳон номи билан танилиб, машхур Тожмаҳални курдирди. Аммо унгача Акбар Фатҳпур-Секрида курдирган муҳташам Эътиқод уйини жоҳил ҳурофотчилар таги-туғигача бузиб, яксон қилиб ташладилар. Шу билан улар Акбарнинг турли эллар ва эътиқодларни ахил қилишга қаратилган ғояларини ҳам тарих сахифаларидан ўчириб юбормоқчи бўлдилар.

Они орадан ўтган тўрт аср давомида Акбарнинг маънанишилари ва умуминсоний ғоялари унутилмади. Номи хинчча, русча, инглизча, форсча, испанча лик тилларда босилган китобларнинг сарлавҳа-учраши бежиз эмас.

Хинчка, Акбар туғилиб ўсган Ҳиндистон уни ўзининг фарзандлари қаторига кўшди. Фатҳпур-Секрининг дунё нидиган меморлик обидалари Акбарнинг ижодкор ҳамон тирик эканини ва ҳали ҳам одамларга бадиий беришини кўрсатиб туради. Искандардаги Акбар мақбасига эса Ҳиндистоннинг узоқ-яқин ўлкаларидан ва онинг турли мамлакатларидан турнақатор одамларди. Унинг хотирасига алоҳида эҳтиром билдиришни шинлар мармар қабрнинг бош томонидаги маҳсус супабиттадан кизил гул қўядилар — юмалоқ шаклли бу тил гул қўёш ва меҳр рамзи хисобланади.

Акбар мақбарамини келиб гул қўйган сиймолар орасида ҳалқининг удуғ фарзанди Жавоҳарлал Неру ҳам бўл-Жавоҳарлал Неру Акбар ҳакидаги кўплаб тарихий киарни укиб чикади, унинг диний ва миллий адоватни юшиш борасидаги фаолиятига жуда юксак баҳо беради.

Жавоҳарлал Нерунинг инглиз мустамлакачилари қамоқчонидан ўз қизи Индира Гандига ёзган мактубларида¹ Акбар Ҳиндистонни бирлаштирган ва ҳинд миллатига ота бўлган улуг сиймолар қаторида қаламга олинади. Жавоҳарлал Неру Акбарнинг шоҳлик ҳайтига оид салбий томонларни ҳам кўрсатади, лекин унинг улкан хизматларини ва инсоний жозибасини бекиёс даражада юқори қўяди. «Факат шоҳлик мартабасидан бўлак ҳеч вақоси бўлмаган беҳисоб кўп тождорлар орасида Акбарнинг чинакам мардона киёфаси юксакка бўй чўзиб, ҳалигача бизни қойил қилиб келаётгани ҳайрон коларли ҳол эмасми!» — деб ёзади Жавоҳарлал Неру.

Кишини ҳайратга соладиган яна бир ҳодиса — Акбарнинг турли элларни яқдилликка чорловчи нидоси узок асрлар ва улкан масофалар оша улуғ рус революцион-демократи Н. А. Добролюбовга етиб борганилигидир.

1856 йилда Н. А. Добролюбов машҳур «Современник» журналида ҳинд ҳалқининг инглиз мустамлакачиларига қарши кўтарган куролли қўзғолонини кўллаб-қувватловчи мақола эълон қиласди. Тарихга «силоҳилар қўзғолони» номи билан кирган бу улкан ҳалқ ҳаракати Ҳиндистоннинг бойликларини кемаларга босиб, Англияга ташиб кетсан, мамлакатни заиф қилиб қўйган мустамлакачилар ҳокимииятини ағдаришга қаратилди.

Сипоҳилар Ақбар даврининг курдатли маънавий меросига таянадилар. Дехлидан инглиз мустамлакачилярни қувиб юберадилар, Ақбар авлодларидан бўлган Баходиршоҳни сипоҳилар давлатининг бошлиги деб эълон қиласидилар. Н. А. Добролюбов қўзғолончи сипоҳиларининг мана шу курашлари ва интилишлари муносабати билан Ақбар олға сурган ғояларни эслайди:

«Ақбар чинакам гениал шахслар каторига киради. Унинг лавозими дилида туғилган ғояларини охиригача эркин тарақкӣ эттиришга халақит берди, лекин Ақбар қилишга ултурган ишларнинг ўзи ҳам унинг ақлий кучини намоён этиб турибди... У яхшилик килиб яшашни ўз шахсий манфаати ва эҳтиросини умуминсоний меҳр хисларига бўйсундиришни мука дас деб биларди...»

Ўтган асрда ёзилган бу нодир сўзлар факат ўтмишга эмас, балки келажакка ҳам қаратиб айтилгандир. Айниқса, ҳозир турли эътиқодлар адовати авжига чиккан, шахсий манфаатлар ва ёмон эҳтирослар бутун одамзоднинг келажагига хавф солаётган замонда улуғ аждодларнинг умуминсоний меҳни мукаддас деб билишга чорловчи нидолари бизнинг бугунги хис-туйғуларимизни олдиндан сезиб қилинган башоратдек туюлади.

1981—87, Дўрмон.

МУНДАРИЖА

<i>Муаллифдан</i>	3
<i>Агра. Ҳамида бону аросатда</i>	7
<i>Ганга. Кўргилик</i>	52
<i>Агра. Низом тақдирининг тебранишлари</i>	77
<i>Синд. Қувғинда келган баҳт</i>	101
<i>Умарқут. Қандаҳор. Ақбар ва етти она</i>	128
<i>Қазвин. Ер тагидан ўтган тоф</i>	153
<i>Қаланжар. Қасосли дунё</i>	185
<i>Кобул, Бҳира. Кўйган кўзлар</i>	195
<i>Секри, Биана. Қўзғолон</i>	241
<i>Деҳли. Зафардан кейинги жудолик</i>	253
<i>Панипат, Деҳли. Тўфонда колган ёшлиқ</i>	264
<i>Агра. Ҳокимият талотумлари</i>	283
<i>Деҳли. Муҳаббат ва газаб</i>	316
<i>Секри. Балогардон</i>	354
<i>Фатҳобод, Гужарат. Икки сунқасд</i>	377
<i>Фатҳур, Бҳира. Маънавий зилзила</i>	406
<i>Лахўр, Кобул. Дўстдан кўп душман</i>	449
<i>Фатҳур. Ечиб бўлмайдиган тугунлар</i>	468
<i>Кашмир, Лахўр, Агра. Сўнгги қадамлар</i>	498
<i>Хотима</i>	539

Литературно-художественное издание

ПИРИМКУЛ КАДЫРОВ

ПЕРЕВАЛ ПОКОЛЕНИЙ

Исторический роман

Художник Т. Сайдуллаев

Ташкент, издательство литературы и искусства

им. Гафура Гуляма

На узбекском языке

Адабий-бадиий нашр

ПИРИМҚУЛ ҚОДИРОВ

АВЛОДЛАР ДОВОНИ

Тарихий роман

Редактор Х. МАҲМУДОВА

Расмлар редактори А. МАМАЖНОВ

Техник редактор М. МИРРАЖАБОВ

~~Книгокритик НАСРИЛЛИНОВА~~

ИБ № 3988

Босмахонага берилди 04.01.89. Босишига руҳсат этилди 20.09.89. Р—02777.
Формати 84×108^{1/2}. Босмахона номози № 2. «Тип. «Таймс» гарнитураси.
Юқори босма. Шартли босма л. 28,56+0,21 вкл. Шартли кр.-оттиск 28,93.
Нашр. л. 33,4+0,38 вкл. Тиражи 75000. Буюртма 1197/147. Баҳоси 2 с. 30 т.
Шартнома 203—88.

Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129. Тошкент,
Навоий кӯчаси, 30.

Диапозитивлар Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси
ишлари давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бир-
лашмасининг Баш корхонасида тайёрланди. 700129. Тошкент ш., Навоий
кӯчаси, 30.

Матбуот полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2- босмахонасида
босилди. 702800. Янгийўл ш., Самарқанд кӯчаси, 44.